



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ



АЁЛЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ



“Mahalla va oila” нашриёти
Тошкент – 2024

УЎК: 316.356

КБК: 60.54

F 79

Аёллар энциклопедияси [Матн]: илмий-оммабоп тўплам / Тузувчилар жамоаси. — Тошкент: “Mahalla va oila” нашриёти, 2024. — 260 б.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Н.Тўхлиев, Д.Ғуломова, Ғ.Шоумаров

ТУЗУВЧИЛАР:

М.Нурматова, О.Мусурманова, А.Рўзимуротов, Ф.Абдурахимова, Қ.Назаров,
Ж.Исмоилова, Ф.Мухитдинова, Б.Одилова, К.Рискулова, Н.Мустафаева,
Ш.Ахророва, О.Жамолдинова, С.Раҳимова, С.Пўлатов, Ф.Абдурахмонова,
С.Эшонов, Ф.Джуманиязова, Ў.Ўрозова, М.Файзиева

НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

А.Рўзимуротов

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамиятни тараққий топтиришда уларнинг фаоллигини ошириш, билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, гендер тенглигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 18 сентябрда АҚШ ва Канададаги ватандошлар ҳамда АҚШда таҳсил олаётган “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан бўлган учрашувида давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизлар ролини янада оширишга қаратилган “Аёллар энциклопедияси”ни яратиш ташаббуси билдирилди.

Мазкур энциклопедия саҳифаларида аёлларнинг илм-фан, маданият-санъат, маънавият, спорт, саломатлик билим-тажрибаларини такомиллаштиришга қаратилган қомусий маълумотлар жамланган.

ISBN 978-9910-8908-3-3

© “Mahalla va oila” нашриёти, 2024

КИРИШ

“Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган аёлларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган халқчил ислохотлар, инсон қадрини юксалтириш йўлидаги одилона сиёсат, гендер тенглик асосида фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун яратилган кенг имкониятлар фонида муҳим тарихий ҳодиса — **Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдевори** қўйилмоқда.

“Аёллар энциклопедияси”да давлат ва жамият ҳаётидаги мажбуриятлар, қонуний манфаатлар, фарзанд тарбияси ва парвариши, бандлик, тадбиркорлик, маданият ва санъат, маънавият, диний маърифат, соғлом турмуш тарзига оид маълумотлар ўз аксини топган. Ушбу мавзуларнинг кенг қамровлилиги хотин-қизлар компетентлигини рағбатлантиришга хизмат қилади. Бугунги кунда маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, оила ва хотин-қизлар маънавиятини янада юксалтириш, фаол ва ташаббускор аёлларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг билимли, илм-маърифатли бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда “Ўзбекистон-2030” стратегияси ижросини таъминлаш мақсадида умуминсоний – демократик тамойилларга таянган ҳолда тазйиқ ва зўравонликни бартараф этиш, эрта турмуш, эрта туғруқ ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, интеллектуал салоҳиятлари, тажрибалари билан оила ва юрт равнақи, халқ манфаати йўлида чинакам фидойилик ҳаракатларига ундовчи имконият ва имтиёзлар ўзининг ижобий натижаларини беради.

“2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” қабул қилинган. Мазкур йўналишда Республика, вазирлик, ҳудудлар ва идораларда комиссиялар фаолияти йўлга қўйилгани, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида оила ва аёллар масалалари бўйича ташкил этилган қўмиталарнинг миллий давлатчилик сиёсати ижросини таъминлашда ўзига хос янгилик бўлди.

Шунингдек, янги механизм — “Аёллар дафтари” ҳамда уни юритишнинг “маҳаллабай”, “хонадонбай” вертикал тизими йўлга қўйилиши, эҳтиёжманд аёлларга уй-жой берилиши, иқтидорли қизларнинг ўқиши учун имтиёзли кредитлар ажратилиши, оиладаги тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш борасидаги амалий ишлар ҳар бир аёл бахтли бўлишга, жамиятда ўз ўрнини топиб, муносиб ҳаёт кечиришга ҳақли, деган инсонпарварлик ғоясини юзага чиқарди.

Илмли, маърифатли аёл жамият тараққиёти ва мақомини белгиловчи асосий индикаторлардан биридир. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорлик кўрсатиб келаётган минглаб хотин-қизлар “**Ўзбекистон Қахрамони**”, “**Ўзбекистон фан арбоби**”, “**Ўзбекистон халқ шоири**”, “**Ўзбекистон халқ ўқитувчиси**”, “**Ўзбекистон халқ артисти**” ва бошқа юксак давлат унвонлари, орден ва медаллар, “**Зулфия**” номидаги давлат мукофоти, “**Мўътабар аёл**” кўкрак нишонлари билан тақдирланмоқда.



Ушбу Қомусда аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш хотин-қизлар онгида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий қадриятларимиз, эзгу ғоялар ва инсоний фазилатларга ҳурматни қарор топтириш, боқимандалик кайфиятига барҳам бериб, фаолликка чақириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жисмоний тарбия ва спорт инсонни нафақат жисмонан, шу билан бирга маънан ва руҳан соғлом шакллантиришга қодир. Спорт билан шуғулланишга одатланиш ҳар бир шахсдан ўта иродали бўлишни тоқазо этади. Машғулотларнинг доимийлигини таъминлаш кишининг иш қобилиятини ўстиради, фаол ҳаракатларга ундаб, саломатликни мустаҳкамлайди, салбий руҳий таъсирларни олдини олади, толиқишни бартараф этади.

Соғлом она, соғлом бола, соғлом оила тушунчаларини англаб етиш, жойларда жисмоний машқлар билан доимий шуғулланишга одатланишни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирларини ташкил этиш, келажак авлод тарбиясининг асосий қисмидир. Ҳаётий эҳтиёж инсонни турли шароитда моддий неъмат яратишга ҳаракат қилишга ундайди. Бу жараёнга болани тайёрлаш, кўникма ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Оилада бола тарбияси, унинг жисмоний ва маънавий соғлом бўлиб етишишининг ўз вақтида босқичма-босқич амалга оширилиб борилишида оталар билан бир қаторда оналар ҳам бирдек маъсулдирлар.

Бола парвариши – бу боланинг тўлақонли жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланишини таъминлашга қаратилган жараён бўлиб, у боланинг туғилишидан то балоғатга етгунига қадар давом этади. Бола парвариши кўплаб муҳим жиҳатларни ўз ичига олади: овқатланиш, гигиена, уйку, таълим ва тарбия, ижтимоий ҳамда ҳиссий ривожланиш ва бошқалар.

Аёллар халқ оғзаки ижоди, мифлар, афсоналар, эртақлар, лапарлар, мақоллар ва бошқа санъат яратикларининг илк илҳомчилари-ю, ижодкорларигина бўлиб қолмай, уни аجدодлардан авлодларга олиб ўтишда миллий воситачи ролини ҳам бажариб келмоқдалар. Бу – уларнинг миллий қадриятларнинг эстафетачиси, аждодлардан авлодларга етаклаб олиб ўтгувчилари эканлигидан далолатдир. Демак, миллат қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган маънавий яратиклар – маданият, санъат маҳсуллари аёл иштирокисиз дунёга келмайди. Энциклопедиямизнинг ушбу йўналишида айнан маданият, маънавият, санъатга оид тушунчалардан фойдаланмоқ ўзининг ижобий натижасини беради.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини ҳимоялаш, репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга замонавий, юқори технологик, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, баркамол авлодни вояга етказишда энг муҳим масалаларидир.

Шундай қилиб, мазкур энциклопедияда бир қатор йўналишларда баён этилган фикр-мулоҳазалардан Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, жумладан, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар)лардаги тизими, маҳаллалардаги фаоллар, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, “Саодат” журнали, “Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила” халқаро илмий журнали, “Олима аёллар” жамияти, “Оқида аёллар” ҳаракати фаолиятида фойдаланиш самарали натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

З.Маҳкамова,

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари,
Оила ва хотин- қизлар қўмитаси раиси*

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ИШТИРОКИ

АЁЛ (арабча: *оила; хотин*) — балоғатга етган хотин-қиз. Баъзи тадқиқотчилар “аёл – никоҳ муносабатларига киришувчи ва эркак жинсидан фарқли ўлароқ, фарзанд дунёга келтирувчи ҳамда унга кўкрак сути берувчи жинс”, деб таърифлайди. Бу унинг фақат эркак жинсидан фарқли биологик тузилишига таъриф беради холос.

Дунё аҳолисининг ярмидан сал кўпроғи аёллардан иборат, деб ҳисобланилади. Аёлнинг маърифати – миллатнинг маърифати. У нафақат оиласи, болаларининг дунёқарашига, балки атрофидаги ижтимоий муҳитга ҳам таъсир кўрсата олгучи хилкатдир. Улуғ аждодларимиз оиланинг тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлишида аёлларнинг ўрни ҳамда таъсири бекиёс эканини алоҳида таъкидлаган. Хусусан, Ризоуддин ибн Фахриддин “Оила” номли асарида аёллар ҳақида шундай ёзади: “Хотунлари тарбияли бўлган халқ — тарбияли, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ — тарбиясиз, хотунлари тиришқок, тадбиркор, иродали бўлган халқ — бой, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир”. Бундай таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аёллар масаласи жамият тараққиётида жуда катта ўрин эгаллайди.

Лекин ХХI аср аёлига бундай таърифнинг ўзи етмайди. Бугунги тобора тараққий этиб, глобаллашувнинг яхши-ю ёмон томонлари билан қоришиб бораётган бир даврда аёлнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, вазифалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биринчидан, у – яратувчи, у шунчаки болани дунёга келтириб, сут бермайди, балки уни кийинтиради, химоя қилади, авайлайди, меҳрини беради. Бу шундай меҳр-ки, бола уни онасидан бошқа ҳеч кимдан топа олмайди.

Иккинчидан, у – уй бекаси, унинг ўчоғини ёқади, ўзига хос оилавий муҳит яратади, турмуш

ўртоғига рағбат беради, унинг имкониятларини очишда ҳамкорлик қилади.

Учинчидан, у меҳнаткаш, фидокор – уйда ҳам, жамиятда ҳам энг майда деталларгача эътибор берган ҳолда ўзи учун ишчи муҳит ярата олади, оила ва жамият иқтисоди ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Тўртинчидан, аёл – ижодкор, у ижод қилади, яратади, илҳомлантиради. Оддий уй жиҳози-ю, безакларида, жамиятда иш тутишида, раҳбар бўлса, раҳбарлик услубларида такрорлан-масликни, ўзига хосликни, оригиналликни ярата олади.

Бешинчидан, у – мафкурачи, ўз ғоялари ортидан бутун бир авлодни эргаштириб кета олади, сулолага хосликни намоён этади.

Энг асосийси, аёл – илмнинг муҳим объекти. Швед олимлари аёлнинг жамиятдаги ўрнига анъанавий қарашлар ва туғилиш даражасининг иқтисодий ўсишга таъсирини 17 та мамлакатда ўрганишди. Аниқланишича, аёлнинг ўрни пастроқ ва туғилиш даражаси паст мамлакатларда (Германия, Италия, Испания, Япония) аёл ва эркак фаоллиги тенг даражага кўтарилган ва туғилишга нисбатан ижобий муносабат шаклланган мамлакатларга (АҚШ, Швеция, Норвегия) нисбатан иқтисодий ўсиш даражаси паст кўрсаткични ташкил қилган.

Мустақиллик Ўзбекистон аёлларини жамиятнинг том маънодаги тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирди. Шу тўғрисида улар давлат ва жамият бошқарувида бевосита ёки билвосита иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.



Юртимизда “Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади” деган эзгу ғояни ҳаётимизнинг кундалик қондасига айлантириш, опасингилларимиз, қизларимиз, мўътабар оналаримизга муносиб шароит яратиб бериш “Инсон кадри учун” тамойилининг амалдаги ифодаси ҳисобланади. Зеро, бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам, аввало, оила ва жамият устун, ҳаётимизнинг фойзи ва кўрки бўлган аёлларга боғлиқдир.

Аёлларга эътибор чинакам давлат сиёсати даражасига кўтарилди: унинг ҳукукий ва институционал асослари тубдан такомиллаштирилди. Эътироф этиш керак, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, оила институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари янги сифат босқичига кўтарилди. Ўзбекистон хотин-қизларни ҳар қандай камситиш ва таъқирлашлардан ҳимоя қиладиган барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. Бунда “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Женева Конвенцияси, “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Нью-Йорк Конвенциялари, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги” Баённомаси каби халқаро ҳужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Юртимизда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида” қонунлар қабул қилинди.

Глобаллашув ва аёллар. Бугунги глобаллашув жараёнида янги авлоднинг ҳар қандай шароитга нисбатан фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласида хотин-қизларнинг ўрни ва роли ҳар қачонгидан-да муҳим. Шу боис ислохотларнинг асосий мазмуни ҳам

хотин-қизларнинг янги ғоя ва ташаббуслар билан чиқишларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган саноат-харажатлар, ўзгаришлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирок этишларини таъминлашдан иборат. Зеро, инсон кадрини улуғлаш, аввало, аёлга ҳурмат ва эътиром, мўътабар оналаримизни эъзозлаш, мунис опасингилларимизни қадрлаш орқали рўёбга чиқади, десак аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Янги Ўйғониш даври, аввало, илм-фаннинг тараққиётига, миллий маънавиятнинг мустаҳкамлигига боғлиқдир. Мазкур ўткир ҳақиқатни чуқур ҳис қилган ҳолда хотин-қизларнинг таълим ва илм-фан билан шуғулланишлари учун давлатимиз томонидан янги имкониятлар яратиб берилмоқда. Ҳеч шубҳасиз, аёлларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини тўлақонли таъминлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳукукий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар юртимизда гендер тенгликни ва тенг ҳуқуқлилиқни таъминлашдаги ижтимоий адолат намунасидир.

Бир сўз билан айтганда, аёлларнинг тақдири, бугуни ва келажаги учун давлат сиёсати даражасидаги юксак эътиборнинг ифодаси бўлган бундай шароитлар ва имтиёзлар мамлакатимиз тарихида ҳали бўлмаган. Бугун опасингилларимиз қалбида жўш ураётган шукроналик ва юртдан, Юртбошидан миннатдорлик ҳисси амалий фаолиятимизга кўчиб, ҳар бир соҳада юксак натижаларга эришишга руҳлантирмоқда.

Аёлларга нисбатан адолатли муносабат фақат ҳукукий ҳимоя билан чекланиб қолмайди, балки жамиятнинг барча жабҳаларида аёлларнинг ҳуқуқлари, кадр-қиммати ва эркинликларини ҳурмат қилишни талаб этади. Шу тариқа, аёллар ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланиши жамиятда адолатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Адолат принциплари аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг барча соҳаларда, жумладан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда тенг иштирок этишини кафолатлайди. Аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши адолатли жамият барпо этишнинг зарур шарт ҳисобланади.

Адолатни таъминлаш учун аёлларга нисбатан ҳар қандай дискриминацияга йўл қўймаслик, уларнинг ҳуқуқларини камситмаслик, меҳнат бозорида, таълим олишда ва бошқа соҳаларда эркаклар билан тенг имкониятларга эга бўлишларини таъминлаш керак. Аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатли сиёсат юритиш орқали жамиятда гендер тенгликка эришиш мумкин. Адолат принциплари аёлларни зўравонлик ва камситишдан ҳимоя қилиш, уларга нисбатан ижтимоий адолатни тиклаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шароит яратишга қаратилган.

АЁЛЛАР ДАФТАРИ. Ўзбекистонда ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, уларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган маълумотлар базасидир. Бу тизим орқали хотин-қизларнинг эҳтиёжлари ўрганилиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатилади. “Аёллар дафтари” тизими Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашини таъминлашга қаратилган муҳим ташаббусдир.

Умуман, мазкур дастур хотин-қизларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, уларга ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хотин-қизларнинг эҳтиёжларини ўрганиш. Уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражасини, иш билан таъминлаш имкониятларини ва иқтисодий аҳволини баҳолаш;

- ижтимоий ёрдамни манзилли етказиш. Хотин-қизларга турар жой, тиббий хизмат, моддий ёрдам ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

- хотин-қизларни иш билан таъминлаш. Доимий даромад манбаига эга бўлмаган аёллар учун иш ўринлари яратиш, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

- ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш. Хотин-қизларга юридик маслаҳатлар бериш ва психологик хизмат кўрсатиш орқали уларнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш.

Хотин-қизларда иш билан тармоқлик кўникмаларини рағбатлантириш. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган аёлларга имтиёзли кредитлар ажратиш ва бизнесни бошқаришга доир билимлар бериш.

Мазкур дастурнинг умумий аҳамияти шундаки, у ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар учун давлат томонидан яратилаётган имкониятларнинг инклюзивлигини оширади. Бу орқали ижтимоий тенгликка эришиш ва хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсад қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарори билан “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган. Унга кўра “Аёллар дафтари”га ҳар бир ҳудудда истиқомат қилаётган, 30 ёшдан ошган ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган, боқувчиси бўлмаган, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар, уй-жойга муҳтож, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзандлари бор эҳтиёжманд хотин-қизлар киритилади.

Аёллар дафтари жамғармаси – “Аёллар дафтари” тизими доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни молиялаштириш учун белгиланган тартибда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорига мувофиқ ташкил этиладиган жамғармадир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисидаги Низомга мувофиқ фаолияти ташкил этилади. Жамғарма маблағлари:

- “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз хотин-қизларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат курулларини харид қилиш учун субсидия ажратиш;

- деҳқончилик билан шуғулланиш учун “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга



электрон онлайн-аукцион савдолари асосида ажратилган янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш;

– “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда моддий ёрдам ажратиш;

– “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижараси учун тўловларнинг маълум қисмини тўлаб бериш;

– “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш харажатларини базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда тўлаб бериш;

– “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган фарзандларига (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) даволаш, дори воситаларини олиб бериш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда харажатларни тўлаб бериш;

– “Аёллар дафтари”га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларининг, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга даволаниш учун бориш-келиш йўл харажатларини тўлаб бериш;

– “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва фуқаролик паспортини олиш, судга даъво аризаси киритгани учун ундириладиган давлат божи тўловлари ва бошқа харажатларни (адвокатларнинг хизмати учун тўловлар бундан мустасно) сектор раҳбари ҳулосасига асосан тўлаб бериш;

– Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган (таълим шаклидан қатъи назар) “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар ёхуд уларнинг олий таълимда таҳсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган миқдоргача “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан секторлар раҳбарлари ҳулосаси асосида бир маротаба тўлов-контрактини тўлаб бериш;

– “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини ўрганиш натижалари бўйича уларни қўллаб-қувватлаш доирасидаги маданий-маърифий, спорт, туризм ва бошқа тадбирларни молиялаштириш;

– “Аёллар дафтари”ни юритиш жараёнида фойдаланиладиган анкета-сўровномалар ва индивидуал дастурларни чоп этиш ва кўпайтириш харажатларини тўлаб беришга йўналтирилади.

“Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш манфаатдор муассасалар раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакилларида иборат Васийлик кенгаши томонидан амалга оширилади.

Хотин-қизлар қуйидаги ҳолларда “Аёллар дафтари”дан чиқарилади:

– ҳар бир тоифа бўйича белгиланган амалий ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда (индивидуал дастур асосида);

– тўлиқ давлат таъминотида олинганда;

– ўз аризасига кўра;

– “Аёллар дафтари”га ноқонуний киритилганлиги аниқланганда;

– бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

– суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;

– шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунча уларни “Аёллар дафтари”дан чиқаришга йўл қўйилмайди.

“АЁЛЛАР МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ” — Ўзбекистонда ҳар бир маҳаллада ташкил этилган жамоатчилик тузилмаси бўлиб, унинг асосий мақсади хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш ҳамда ижтимоий фаоллигини юксалтиришдан иборат.

Кенгашнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш: уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш;

- оилаларни мустаҳкамлаш: “одобли қиз”, “иффатли келин” ва “маърифатли аёл” ғояларини кенг тарғиб қилиш орқали оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш;

- фарзанд тарбиясидаги ролни ошириш: ота-оналарга фарзанд тарбияси бўйича маслаҳатлар бериш, соғлом муҳит яратишга кўмаклашиш;

- ижтимоий фаолликни ошириш: хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки ва фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш.

Аёллар маслаҳат кенгаши Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим жамоатчилик тузилмаси ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий ва сиёсий асослари мамлакатнинг Конституцияси, тегишли қонунлари, давлат дастурлари ҳамда халқаро ҳужжатларга асосланади.

Аёллар маслаҳат кенгашлари Ўзбекистонда гендер тенглик ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим тузилмалардан бири бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари миллий қонунчилик ва халқаро нормаларга, сиёсий асослари эса давлатнинг гендер тенгликни таъминлашга қаратилган сиёсатга боғлиқ. Бу кенгашлар аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва сиёсий жараёнларга кенг жалб қилишда ҳал қилувчи ўрин тутadi.

Кенгаш ўз фаолияти давомида маҳалла фуқаролар йиғини, туман (шаҳар) хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик

қилади. Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича семинар, тренинг, учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказadi.

“Аёллар маслаҳат кенгаши” фаолияти маҳалладаги хотин-қизлар фаоли раҳбарлигида амалга оширилади. Улар ўз фаолиятида маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қилади ҳамда ҳисобдор бўлади.

Ушбу кенгашлар хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этишда муҳим ўрин тутadi.

Кенгаш ўз вазифаларини бажаришда куйидаги ҳуқуқларга эга: хотин-қизлар, шу жумладан, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, муаммоларини бартараф этишнинг энг мақбул йўллари аниқлаш мақсадида анкета сўровлари ўтказиши мумкин. Ўтказилган тадбирлар яқунлари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаб, уларни фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда туман (шаҳар) хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Оилалар ва хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи ташкилот ва идоралар билан мақсадли алоқалар ўрнатиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш учун туман (шаҳар) хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашига тақдим этиш, зарур ҳолатларда Кенгаш фаолиятига малакали мутахассисларни жалб этиш, ўз Низомида белгиланган вазифалари доирасида ташаббуслар кўрсатиши мумкин. Шунингдек, семинар, тренинг, учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

“Аёллар маслаҳат кенгаши” хотин-қизлар, айниқса, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу



жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширади.

Кенгаш таркибига фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис, маҳаллада истиқомат қиладиган ҳамда бой ҳаётий ва амалий тажрибага эга, аёлларнинг муаммоларидан яқиндан хабардор бўлган, фаол ҳамда ташаббускор, аҳоли орасида обрў-эътиборга эга хотин-қизлар, зиёли онахонлар, тадбиркор аёллар, ҳудуддаги таълим ва тиббиёт муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган аёллар, отинойилар киритилиши мумкин.

Кенгаш фаолиятига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади. Кенгашнинг иш фаолияти индивидуал суҳбат, индивидуал маслаҳат (таълим олиш, иш фаолиятидаги муаммолар, шахслараро муносабатлар, шахсий муаммолар бўйича), анкета сўрови, психологик ташхислаш, психологик, педагогик ва ҳуқуқий маслаҳат, психологик коррекция тарзида олиб борилади. Мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида бундай тузилма фаолият бошлагани аёлларга бўлган эътибор, ҳурмат, амалий ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси.

АЁЛЛАР ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ– Аёллар масалалари билан шуғулланишни танлаган жамоат институтлари ҳамда аёллар томонидан ташкил этилаётган ва бошқарилаётган ташкилотлар.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда бундай ташкилотларни аёллар, болалар ва оилалар ҳимояси ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган фаолият олиб боровчи ташкилотлар сифатида тушунилади. “Аёллар ҳаракати” тушунчаси эса аёллар гуруҳлари ва ташкилот-

ларининг турли қатламдаги аёллар манфаатларини илгари сурувчи ва гендер муносабатларга оид тизимни такомиллаштиришга йўналтирилган ижтимоий, маданий ва сиёсий фаолиятини ўзида мужассам этади.

Ўзбекистонда 500 дан ортиқ аёл нодавлат ноtijорат ташкилоти (ННТ)да фаолият юритади. Ушбу ташкилотлар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб бормоқда.

Уларнинг энг йириклари қуйидагилар:

– “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси;

– Ўзбекистон хотин-қизларининг “Олима” уюшмаси;

– Республика “Оқила аёллар” уюшмаси.

Мамлакатнинг 8 ҳудудида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ташкил этилган Аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолият юритади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда 300 дан зиёд ННТ аёллар, ёшлар ва болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишларни олиб боради.

Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар қўмитаси таҳлилларига кўра, сўнгги вақтларда аёллар ННТлари қуйидаги асосий йўналишларда фаолият юритади:

- Аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- Аёллар ва аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш;

- Аёллар ва уларнинг оилалари саломатлиги, ногиронлиги бўлган кишилар, спортни ривожлантириш;

- Фан ва таълим;

- Атроф-муҳит муҳофазаси.

Мақсадли гуруҳлар ҳақида гап кетганда, аёллар ННТлари деярли барча ижтимоий қатламлар билан ишлайди. Энг асосий мақсадли гуруҳ вакили – она, унинг оиласи ва тадбиркор аёл. Шунингдек, ногиронлиги бўлган аёллар, оиласида шундай кишилар бўлган аёллар, одам савдоси қурбонлари каби алоҳида гуруҳлар ҳам мавжуд.



Ўзбекистонда аёллар ННТлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий қисми Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, қатор ННТлар Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро жамғармалардан грант ёрдамларини олади.

Ижтимоий шериклик институти жамият ва давлат ўртасида мулоқот муҳитини яратиш орқали давлат ва нотижорат ташкилотларнинг ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, жумладан, аёллар ННТлари томонидан жамиятдаги муаммоларни ечиш ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида хизмат қилади.

Аёллар ННТлари ва давлат органлари ижтимоий шерикчилигининг қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин:

- аёллар ва уларнинг oilаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш;
- аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;
- аёллар бандлигини таъминлаш;
- аёллар ўртасида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш;
- аҳоли саломатлиги ва табиатни муҳофаза қилиш;
- ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш;
- она ва бола муҳофазаси;
- барча жабҳаларда аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш;
- аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқалар.

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ – жиноятнинг бир қисми бўлиб, у бир қанча сифат ва миқдорий хусусиятлар, хусусан, жиноятчилик омилларини белгиловчи жиҳатларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунга кўра, аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Аёллар жинояти таркиби эркак жиноятчилигидан, асосан, касбий фаолият билан боғлиқ бўлган ёлланма жиноятларнинг кўпайиши билан фарқ қилади: ўзлаштириш ёки ўзлаштириш йўли билан ўғирлик, фирибгарлик

ва мулкка қарши бошқа жиноятлар қилиш билан ажралиб туради. Сўнгги йилларда бу иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг кўпайиши, шунингдек, жиноятчи аёлларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ; ноқонуний банк фаолияти, ноқонуний равишда кредит олган ташкилот билан солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний бизнес ва бошқалар.

Шу билан бирга, аёллар жинояти таркибида бу тоифадаги жиноятлар эркаклар жинояти таркибидаги тегишли жиноятлар нисбати билан солиштирганда анча юқори. Аёлларнинг ушбу жиноятларни содир этишда юқори жиноят фаоллиги, кўпинча бу жиноят ҳаракатлари иқтисодиётнинг феминизацияланган соҳаларида содир бўлиши билан изоҳланади, масалан, савдо, банк, маиший хизматлар ва пул муносабатлари. Кўпгина ҳолларда аёл жиноятчилигига уни ўраб турган муҳит таъсир кўрсатади. Масалан, доимий иш жойининг йўқлиги, ойлик маошининг пастлиги, турли маданий ҳордиқ чиқаришга моддий аҳволи йўл қўймаслиги, доимий етишмовчилик аёлларни жиноят сари етакловчи омиллар ҳисобланади. Аёллар жинояти мураккаб ва кўп қиррали масаладир. Жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК.

Зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайри ҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш учун махсус қонунлар ва чора-тадбирлар қабул қилиниши ҳамда ижтимоий ҳимоя дастурлари орқали ёрдам кўрсатилади. Шу билан бирга, жамиятда аёлларнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган маърифий ишлар ҳам амалга оширилади.



2021 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, ҳудудий ва туманлараро 29 та намунали марказ ташкил этилди. Марказларнинг асосий вазифаларидан бири тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилиш тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳукукий ва бошқа ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Марказларга зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳамда ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар жойлаштирилади.

2019 йил 2 сентябрда “Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Қонунда зўравонликнинг жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий шакллари келтириб ўтилган.

Жисмоний зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шаклидир.

Иқтисодий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Жинсий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

Рухий зўравонлик – хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тўхмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

АЁЛЛАР ДИСКРИМИНАЦИЯСИ – бу аёлларнинг жамиятдаги тенг ҳуқуқ ва имкониятларини чеклаш, жинсга асосланган адолатсиз муносабат ва алоҳида ҳолатларда камситишни англатади. Бу турдаги дискриминация иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда намоён бўлиши мумкин. Масалан, меҳнат бозорида аёлларга камроқ маош тўланиши, раҳбарлик лавозимларига аёлларни тайинлашдан бош тортиш ёки таълимда, турли соҳаларда уларнинг ҳуқуқларини чеклаш каби ҳолатлар аёлларга нисбатан дискриминацияга олиб келади.

Ўзбекистонда аёлларнинг дискриминациясига қарши курашиш учун қонунлар, дастурлар ва ташаббуслар жорий этилган.

Ўзбекистон Конституциясининг 19-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, этники, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

2019 йилда қабул қилинган “Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун гендер

тенглигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий асослардан биридир.

Дискриминацияга қарши курашиш нафақат ҳуқуқий механизмлар орқали, балки маърифий ва тарғибот ишлари орқали ҳам амалга оширилади. Бу жараёнда аёллар учун ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, уларнинг касбий ривожланишига кўмаклашиш ва гендер тенглигини тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Аёлларга нисбатан дискриминацияни бартараф этиш жамиятда тенглик ва адолатни мустаҳкамлашга ёрдам беради ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

АЁЛЛАР МИГРАЦИЯСИ – бу аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий сабабларга кўра бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ёки минтақага кўчиб ўтиши жараёнидир. Аёллар миграцияси кўпинча иш қидириш, оилавий ҳолатлар, таълим, ёки хавфсизликка оид сабабларга алоқадор бўлиб, у ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Аёллар миграциясида улар кўпинча ишчи мигрант сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ёки меҳнат бозорида ишлаш имкониятини қидирадилар. Аммо улар кўп ҳолларда меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши, иқтисодий эксплуатация, зўравонлик ва одам савдосига дуч келишлари мумкин. Шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоя ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари чекланган бўлиши ҳам мумкин.

Давлатлар ва халқаро ташкилотлар аёл мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш ва хавфсиз шароитлар яратиш мақсадида турли қонунлар, дастурлар ва чора-тадбирларни жорий қиладилар. Миграциядаги аёлларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш жамиятда муҳим вазифалардан бири саналади.

Ўзбекистонда меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш механизмлари такомиллаштирилиб, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграциясини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишда мигрантларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди. Меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, уларнинг оила аъзоларига ипотека кредитлари ажратиш амалиёти ҳам жорий қилинган бўлиб, бу, ўз навбатида, мигрантлар ва уларнинг оилалари учун иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлардир.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги республика миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва уларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш соҳасида халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларига асосланган фаолиятни амалга оширади.

Аёлларнинг меҳнат миграцияси: мигрант аёлларнинг тажрибалари, эҳтиёжлари ва ҳуқуқларини, шунингдек уларнинг миграциясига таъсир қилувчи ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларни таъкидлайдиган ўзига хос жиҳат. Аёлларнинг меҳнат миграцияси глобал иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим қисмидир, аммо мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга комплекс ёндашувни талаб қилади.

Ўзбекистон хотин-қизлар миграция ҳуқуқий асослари бир неча асосий ҳужжатлар ва қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, миллий даражада ва халқаро ҳуқуқ доирасида ҳам. Мана улардан баъзилари: Ўзбекистон Конституцияси: мамлакатнинг асосий Қонуни фуқароларнинг ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлигини кафолатлайди. Миграция қонунчилиги: Ўзбекистонда миграция масалалари, жумладан, меҳнат миграцияси масалаларини тартибга солувчи қонун ва қоидалар мавжуд.

Улар мигрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Халқаро шартномалар:



Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, шу жумладан аёллар ва меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқлари билан боғлиқ қатор халқаро шартномалар ва конвенцияларнинг иштирокчиси.

Бунга барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция кириши мумкин. Дастурлар ва ташаббуслар: Давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари кўпинча мигрант аёлларнинг ҳуқуқларини, шу жумладан меҳнат миграцияси масалаларини, зўравонлик ва камситишлардан ҳимоя қилишга қаратилган дастурларни бошлайдилар. Ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлар: аёллар миграцияси, шунингдек, таълим олиш, тиббий ёрдам ва ҳуқуқий ёрдам каби ижтимоий ва иқтисодий омиллар билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда аёллар миграцияси узок тарихга эга, лекин меҳнат миграцияси доирасида аёллар оммавий кетиши мустақилликнинг илк йилларида сезиларли бўлди (айниқса, 2000 йиллар бошида). Ижтимоий ўзгаришлар – ижтимоий ва маданий меъёрларнинг ўзгариши мамлакатдан ташқарида ишлаш имкониятини излаётган аёллар сонининг кўпайишига олиб келди. Можаролар ва беқарорлик – минтақавий можаролар ва иқтисодий беқарорлик ҳам миграцияга ёрдам берди.

Сўнгги йилларда аёллар ўртасида меҳнат миграциясига, айниса хизмат кўрсатиш, тиббиёт ва таълимга қизиқиш ортмоқда. Меҳнат миграцияси муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Ҳозирги пайтда мамлакатимиздан хорижий давлатларга бориб меҳнат қилаётган фуқаролар анчагина. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилишда соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга. 2024 йил 4 апрель куни “Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-59-сон Президент Фармонида кўра, 2024 йил 1 июндан “Хорижда иш” меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга:

– хорижий тиллар ёки касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ хара-

жатларини қоплаш учун, башарти улар муваффақиятли топширилганда ва сертификат олинганда — БХМнинг 3 бараваригача миқдорда;

– хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишга “ишчи виза”ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — БХМнинг 5 бараваригача миқдорда;

– йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — БХМнинг 2 бараваригача миқдорда компенсация тўланади.

Суғурта ташкилотларига — “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оила сифатида эътироф этилган ёки “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”дан бирига киритилган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаёти, ҳар бир суғурталанган фуқаро учун йилига бир марталик субсидия тўланади.

Хорижда меҳнат қилиш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга дучор бўлган ва камситилган, меҳнат ҳамда бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволда, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз ва яшаш учун маблағсиз қолган Ўзбекистон фуқароларига адвокатнинг, юридик хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг хизматлари учун белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

Фармонга кўра, 2024 йил 1 июндан ҳужжатларни онлайн талаб қилиб олиш бўйича консуллик йиғимлари миқдори фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берганлик учун давлат божи миқдorigа тенглаштирилади.

Шунингдек, 2024 йил 17 октябрдаги “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Президентининг ПФ-162-сон Фармонида кўра, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти тугатилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги ташкил этилди. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси Агентликка ўтказилиб, унинг негизида Миграция жамғармаси ташкил этилади.

Агентлик ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва мазкур соҳада давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Умуман аёллар миграцияси Ўзбекистонда муҳим ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, унинг самарали бошқарилиши ва мигрант аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ – уларнинг ҳаётдаги омилкорлиги, ишбилармонлиги, барча соҳалардаги самарали фаолиятини англатади. 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасида назарда тутилаётган янгиликлар фикримизнинг тўлиқ тасдиқлайди. Хусусан, 6 та асосий йўналиш ва 112 та банддан иборат бўлган чора-тадбирлар режасида мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг ўзига хос тажрибасига асос бўладиган қуйидаги янгиликлар ўз аксини топди:

Биринчи йўналиш – хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

қонунчиликда “хотин-қизларни таъкиб этиш” тушунчасининг ҳуқуқий таърифини ишлаб чиқиш; ўқувчи-ёшларга нисбатан жисмоний тазйиқ ўтказганлик, зўравонлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш; узоқ муддатга чет давлатларга чиқиб кетаётган ота-оналар томонидан фарзандига васий ёки ҳомий тайинлашнинг мажбурий тартибини белгилаш;

“Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шакллариининг халқаро тартиби тўғрисида”ги Гаага Конвенциясига қўшилиш хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланганлик ҳолатини ўрганиш;

хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда расмий ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш тизимини яратиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этиладиган хотин-қизларнинг оилаларидаги ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга қўмаклашиш;

“Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги, “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциялар асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ўрганиш ва бошқа масалалар белгиланган.

Иккинчи йўналиш – хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида:

– хотин-қизларни ишга жойлаштириш чораларини кўриш; хотин-қизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқали уларнинг бандлигига қўмаклашиш;

– хотин-қизларга субсидиялар ажратиш; республика ва ҳудудларда “Етакчи аёллар мулоқоти” платформасини ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратурасига номзодларни тавсия этишда хотин-қизларнинг сонини магистратурада ўқишга тавсия этилган номзодлар умумий сонининг 30 фоизигача етказиш; “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этадиган хотин-қизлар сонини 30 фоизга етказиш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учинчи йўналиш – ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

– хотин-қизга турар жой ижара тўлови бўйича компенсациялар тўлаш, хотин-қизларни ижтимоий ижара шартлари асосида ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш;

– уй-жойга муҳтож нотурар жойларда яшайдиган “Аёллар дафтари”га киритилган 6 минг нафар хотин-қизга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

– “Аёллар дафтари”га киритилган ёлғиз эҳтиёжманд хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

– хотин-қизларга уларнинг таъмирталаб уй-жойларини таъмирлаш учун қурилиш материаллари олиб бериш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;



– онахонларни бепул чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш;

– ташкилотлар ва касаба уюшмалари санаторийларида даволанишларини ташкил этиш;

Тўртинчи йўналиш – оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида:

– ҳар йили режа-жадвал асосида нотинч ва кам таъминланган оилаларни ички туристик саёҳатга имтиёзли юбориш;

– оилавий ажралишларнинг олдини олишда медиаторлик институтининг ролини кучайтириш; Ўзбекистоннинг 2030 йилгача мўлжалланган демографик барқарорлик Концепциясини ишлаб чиқиш;

– “Демография” миллий порталини яратиш ҳамда мазкур соҳада фаолият юритаётган олимларнинг ютуқлари ва ишланмаларини ёритиб бориш.

Бешинчи йўналиш – хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида:

хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш; вояга етмаган қизлар билан ишлашда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми самарадорлигини ошириш;

профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш каби хотин-қизлар билан ишлаш борасидаги амалдаги янги босқичга кўтарилиш.

АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИ – инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми бўлиб, улар аёлларнинг биологик, ижтимоий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ва миллий қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Ушбу ҳуқуқлар фуқаровий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларни ўз ичига олган яхлит тизим ҳисобланади.

Бу ҳуқуқларни таъминлаш жамиятнинг барча аъзолари учун барқарорлик ва адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётини рағбатлантиради. Аёллар ҳуқуқлари масаласидаги ҳар қандай чекловлар нафақат аёлларнинг шахсий ривожланишига, балки

бутун жамиятнинг тараққиётига ҳам тўсик бўлади.

БМТ Уставида аёллар ва эркакларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенг эканлиги тўғрисида қоида белгиланган бўлиб, буни 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳуқуқий асос сифатида мустаҳкамлади. Декларациянинг 16-моддасида эркак ва аёлнинг никоҳда тенг ҳуқуқларга эга эканлиги қайд этилган. Аёллар ҳуқуқларини таъминлашда БМТ Аёллар ташкилоти муҳим рол ўйнайди. Бу тузилма гендер тенгликни таъминлаш ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон ҳам мазкур ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. БМТ Аёллар ташкилоти гендер тенглик соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштиради ва тизимли мониторинг орқали масъулиятни оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳар доим аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини гендер ҳуқуқий экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кўрсатилган. Аёлларнинг таълим, меҳнат, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда тўлиқ иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳам муҳим масалалардан бири саналади. Бунда, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари аёлларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ҳамкорлик қилади. Қонун олдида тенглик нафақат ҳуқуқларнинг кафолатланиши, балки уларни амалга ошириш механизмларини ҳам назарда тутди. Махсус дастурлар ва лойиҳалар орқали аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва уларнинг

таълим олиши учун тенг имкониятлар яратиш, шунингдек, аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш каби чоралар қабул қилинади.

АЖРАЛИШ — бу никоҳнинг қонун билан бекор қилиниши ёки эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг расман тугатилиши жараёнидир. Ажралиш ижтимоий, иқтисодий ва психологик жиҳатдан жуда муҳим масала бўлиб, унинг оқибатлари оила, жамият ва шахс учун жиддий аҳамиятга эга.

Оила кодексининг 38-моддасига кўра, никоҳдан ажратиш икки хил усулда амалга оширилиши мумкин. Жумладан, ФХДЁ органида ва Фуқаролик судида.

ФХДЁ органида никоҳни бекор қилиш эр ва хотиннинг никоҳни бекор қилишга ўзаро розилиги, умумий вояга етмаган болаларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда мулкӣ низоларнинг мавжуд эмаслиги ҳолатларида амалга оширилади. Бу ҳолатда никоҳни бекор қилишни рўйхатдан ўтказиш эр-хотиннинг қўшма аризасига асосан улардан бирининг яшаш жойи бўйича ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади. Аризада ажралишга ўзаро розилик, вояга етмаган болаларнинг йўқлиги, шунингдек эр (хотин) никоҳни бекор қилиш кунда ФХДЁ органига кела олмаса, никоҳни бекор қилишни эр (хотин) ҳозир бўлмаганда рўйхатдан ўтказишга розилиги тасдиқланади. Никоҳни бекор қилишни рўйхатдан ўтказиш ФХДЁ органига ариза берилган кундан эътиборан 3 ой ўтгандан кейин эр-хотин ёки улардан бири ҳозир бўлганда амалга оширилади ва собиқ эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Никоҳни бекор қилиш рўйхатдан ўтказилгандан кейин никоҳ тузиш тўғрисидаги гувоҳномага у бекор қилинганлиги тўғрида қайд киритилади. Шундан кейин гувоҳнома ариза берувчиларга қайтарилади.

Агар эр-хотиндан бири: суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса; суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса; содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган

болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкани бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

АЛИМЕНТ (лот. *alumentum* – қарамоғидаги, боқимидаги) – бир шахснинг бошқа шахсга мажбуран ёки ихтиёрий равишда тўлайдиган нафақаси. Алимент тўлаш мажбуриятлари асосан никоҳ, қариндошлик, ота-она, фарзандлик, фарзандликка олиш, болаларни тарбияга олиш натижасида келиб чиқади. Ота-оналар ҳамда болаларнинг алимент борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси ва б. қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади.

Уларга биноан ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Мазкур мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота-онадан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади. Вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундириш – алимент тўлаш тўғрисидаги келишув асосида Ота-оналар алимент миқдори ва тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашлари мумкин.

Суд ҳукми асосида ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир қисми миқдорида ундирилади. Ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг: 1 бола учун – 1/4 қисми; 2 бола учун – 1/3 қисми ҳамда 3 ва ундан ортиқ бола учун 1/2 қисми.

Алимент тўлаш ва ундириш тартиби:

Алиментни ихтиёрий тўлаш - алимент тўлаши шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўланади. Алиментнинг ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундирувчини алимент ундириш ҳақидаги даъво ёки ариза билан хоҳлаган вақтда судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.



Алиментни суд тартибида ундириш – алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар қўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Алимент тўламаганлик учун жавобгарлик – алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига “неустойка” тўлайди. Алимент олувчи алимент ўз вақтида тўланмаганлигида айбдор алимент тўлаши шарт бўлган шахсдан алимент тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган барча зарарларнинг неустойка билан қопланмаган қисмини ундиришга ҳам ҳақлидир.

Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган

бўлса жавобгарликка сабаб бўлади. Алимент қарзи алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан ундирилади. Иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромад етарли бўлмаганда, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида турган пул маблағидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга шартнома асосида ўтказилган пул маблағидан ундирилади, мулк ҳуқуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно. Бу маблағ етарли бўлмаганда ундириш алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкига қаратилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёки ижро варақаси асосида ўтган даврдаги алимент қарзи ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги келишув алимент ундириш учун тақдим қилингунга қадар ўтган уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун ундирилади.

Агар алимент алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан алимент ундирилмаган бўлса, алиментлар уч йиллик муддатдан қатъий назар, ўтган барча вақт учун ундирилади.

АМНИСТИЯ (юн. *amnestia* – кечириш, гуноҳидан ўтиш; амнистия) – олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларни жиноий жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллатиш тўғрисидаги қарори. Амнистия жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни жазодан тўла ёки қисман озод этиш, тайинланган жазо турини енгилроғи билан алмаштириш тўғрисида инсонпарварликни намоиш қилувчи фармойишдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этиш ваколатига эга. Амнистия халқ ўртасида “умумий афв” деб ҳам юритилади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганидан бери Ўзбекистон Республикаси Президентининг Амнистия тўғрисидаги бир қанча фармонлари эълон қилинган. Бу фармонлар халқаро ҳуқуқ

нормаларида, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида назарда тутилган инсонпарварлик тамойилларига изчиллик билан амал қилишнинг юксак намунасидир. Амнистияга асосан, жазодан озод қилинган шахслар такроран жиноят қилишдан ўзларини тийишлари лозим, чунки такроран содир қилган жинояти учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан кейинчалик қабул қилинган Амнистия қўлланилмайди ва бу ҳолат ундай шахсни жазодан озод этишга монелик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан амнистия қўллаш тўғрисидаги актни қабул қилди. Унга мувофиқ, афв этиладиган маҳкумлар тоифаларида аёллар (ёшидан қатъий назар) биринчилардан бўлиб киритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарвар сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 522 нафар шахс афв этилди. Афв этилган шахсларнинг 56 нафарини аёллар ташкил этди.

АФВ – бу муайян шахслар учун, уларнинг ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳволи каби шахсий маълумотларини инобатга олиб, уларни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш жараёнидир.

Афв фақат суд томонидан ҳукм чиқарилган ва жазо тайинланган маҳкумларга нисбатан қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, афв шахсий тартибда берилган бўлиб, у жазони енгиллатиш ёки умуман озод қилиш шаклида бўлиши мумкин. Амнистия эса кўпроқ кенг қамровли бўлиб, у жиноят процессининг ҳар қандай босқичида – дастлабки тергов, суриштирув, терговгача текширув ёки ҳатто

жиноят иши кўзгатилишидан олдинги босқичда ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимномалар киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади.

Амнистиянинг афв этишдан асосий фарқи шундаки, у бир қатор шахсларни жиноий жавобгарликдан ҳам, жиноий жазодан ҳам озод қилади, яъни амнистия кенгроқ таъсирга эга бўлиб, умумий ҳуқуқий жараёнга тегишлидир.

Амнистиянинг аёлларга нисбатан қўлланилиши – айниқса, оғир ижтимоий ҳолатларда ёки жиноят содир этиш сабабларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинганда, уларга нисбатан енгиллик бериш имконини беради.

Амнистия жараёнларида аёлларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳисобга олиш, уларни ҳимоя қилишнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш мақсадида амнистия доирасида уларнинг қайта ижтимоийлашуви ва жамиятга интеграциялашуви учун алоҳида чоралар қабул қилиниб, ижросига жиддий эътибор қаратилади.

Бу борада айниқса, ёлғиз она бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки оилавий зўравонлик қурбони бўлган аёлларга амнистия бериш кенг қўлланилиши мумкин. Аёлларга нисбатан амнистия жамиятга уларни қайтадан ижтимоий ҳаётга қўшиш, уларнинг иқтисодий ва оилавий фаоллигини тиклаш имкониятини беради. Бу жараёнда аёлларга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни қайта тайёрлаш ва меҳнат бозоридаги имкониятларини ошириш орқали самарали реинтеграция қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Афв этиш жараёнида, жиноят қилган ва жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон бўлганликлари ва тузалиш йўлига қатъий ўтишлари ҳисобга



олинади. Афв этиш жараёнида аёлларга алоҳида эътибор қаратиш давлатнинг гендер тенгликни таъминлаш ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган интилишининг кўрсаткичидир. Бу жараён аёлларнинг жамиятга қайта интеграция қилинишига, уларнинг оила ва жамоат ҳаётидаги роли қайта тикланишига ёрдам беради. Афв қилинган аёллар, одатда, жамиятда ўз ўрнини топиш учун қўшимча қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлишади, шу боис, давлат томонидан уларни ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга жалб қилиш чоралари кўрилади.

Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган аёлларни афв этиш масалалари Президент фармони билан амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан 23 нафар аёл афв этилган. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш, фақат суд томонидан тайинланган жазонинг қонунда назарда тутилган қисмини ўташ пайтида (ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ушлаб турилган, қамокда, уй қамоғида сақланган вақтни ҳисобга олган ҳолда) ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилади. Ўзбекистонда билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкума аёлларни афв этиш инсон қадрли улуғланган юрт учун муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони билан жазо муддатини ўтаётган 83 нафар аёл афв этилган, уларнинг 12 нафари жазодан тўлиқ озод қилинган, 29 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, 17 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилган.

Бундай афв этиш масаласи юртимизда халқимизга хос аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш, бағрикенглик, меҳр-шафқат, инсон-парварлик ва кечиримли бўлиш каби эзгу фазилатларнинг намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Афв этилган аёлларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак беради.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ МУАССАСАЛАРИ – маънавияти бузилган, ахлоқ талабларига риоя қилмаган кишиларга, жиноят йўлига кирган, амалдаги қонунларга итоат этмаган кимсаларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо турларини амалга оширадиган муассасалар. Улар жиноий-ижроия муассасалари таркибига киради, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, қамок тарзидаги жазо чораларини амалга оширишни таъминлайди. Ахлоқ тузатиш муассасаларининг қуйидаги тизими мавжуд: ахлоқ тузатиш колонияларининг тўрт тури – тарбия колонияси, қамокхона ва даволаш-ахлоқ тузатиш муассасаси. Ҳукм қилинганларни сақлаш тартиби қуйидагича: маҳкумларни – ҳукм қилинганларга алоҳида жой ва ўрин-кўрпа бериб, умумётоқхоналарга жойлаштириш; саноат ишлаб чиқариши, кишлоқ хўжалигида жамоани меҳнатга жалб этиб, ахлоқ тузатиш; маҳбусларнинг ҳаваскор ташкилотлари фаолият кўрсатиши; жамоавий-тарбиявий тадбирларни амалга ошириш; умумтаълим жараёни, касбга ўргатиш ва бошқа озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг тузатишга қаратилган. Ахлоқ тузатиш колониясида жазони ўташ табақалаштирилган. Уларда балоғатга етган шахслар жинсига қараб (умумий, қаттиқ тартибли ва алоҳида тартибли колонияларда) алоҳида сақланади. Бундан ташқари, битта ахлоқ тузатиш колониясининг ўзида турли тоифадаги жиноятчилар, турли шароитларда – оддий, енгиллаштирилган ва кучли тартибда сақланади.

Одил судлов ва Адлия тизимида аёллар колониялари ёки аёллар учун ахлоқ тузатиш муассасалари муҳим аҳамиятга эга. Улар турли жиноятлар учун судланган аёлларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш учун мўлжалланган. Биринчи аёллар колонияси 1791 йилда Францияда очилган. Унинг мақсади жиноят учун судланган аёлларни ахлоқ тузатиш йўлига киритиш бўлган.

Эркаклар колонияларидан фаркли ўларок, аёллар институтлари кўпинча аёлларнинг ўзига хос эҳтиёжларини, шу жумладан соғлиқни сақлаш, ота-оналар ва ижтимоий муносабатларини кенгайтириш масалаларини ҳисобга олади.

Маълумки, жазони ижро этиш муассасаси ҳамда манзил-колониялар мавжуд. Жазони ижро этиш муассасаси ҳисобланган манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумалар колония ҳудуди доирасида соқчисиз, эркин юриш, ишлаш, маъмуриятнинг рухсати билан колония ҳудудидан ташқарида назоратсиз ҳаракатланиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Унчалик оғир бўлмаган жиноятлар учун маҳкумалар одатда колонияда сақланади ва назорат остида фаолият юритишади.

Ўзбекистонда, бошқа мамлакатларда бўлгани каби, аёлларга ўз ҳаракатларини тўғрилаш ва қайта кўриб чиқиш имкониятини бериш мақсадида Тошкент вилояти Зангиота туманида жазони ижро этиш муассаси ва манзил-колония жойлашган. Аёллар юриш-туриши ва тўғри йўлга ўтаётганлиги инобатга олиниб, жазони ижро этиш муассасасидан енгил тартибли манзил-колонияга ўтказилиши мумкин.

Маҳкума аёлларга юртимизда аёллар учун яратилган имтиёзлар ва шарт-шароитлар яратилгани, аёлларнинг жамият ҳаётида мўътабарлиги, азизлиги таъминланганининг исботи.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жазони ижро этиш тизимида маҳкум аёлларни ҳибсга олиш ва реабилитация қилиш шароитларини яхшилашга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги аёллар колонияларининг баъзи муҳим жиҳатлари: ҳибсга олиш шартлари, санитария шароитлари яхшиланмоқда ва таълим ва касб-ҳунар таълими дастурлари тақдим этилмоқда. Ижтимоий реабилитация: аёлларни эркин ҳаётга тайёрлашга, шу жумладан касб-ҳунар таълими ва психологик ёрдамга эътибор қаратилмоқда.

Болалар ва оила билан алоқада бўлишга ёрдам берадиган дастурлар, бу айниқса оналар учун муҳимдир. Ўзбекистонда 3 ёшгача бўлган болали аёллар учун мазкур муассасада алоҳида шароитлар мавжуд. Одатда, бундай оналарга

фарзандларини муассасада сақлаш имконияти берилади, бу уларга оналик алоқаларини сақлаб қолиш имконини беради. Колонияларда болалар хоналари ва болаларни тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган дастурлар мавжуд. Бироқ шартлар ҳар хил бўлиши мумкин ва оналар ва болаларнинг хавфсизлиги ва қулайлигини таъминлаш учун стандартларга риоя қилиш муҳимдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича ННТ ва халқаро ташкилотларнинг ҳибсга олиш ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шароитларини кузатишдаги иштироки кенгаймоқда. Аёллар жазо ўташ муассасалари адолат ва реабилитацияни таъминлашда, шунингдек, аёллар ўртасида жиноят даражасини пасайтиришда муҳим рол ўйнайди.

БМТ АЁЛЛАР ТАШКИЛОТИ – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гендер тенгликни таъминлаш ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган тузилмаси бўлиб, Ўзбекистон ҳам ушбу ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилади ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларда иштирок этади. Ташкилотнинг асосий мақсади – Барқарор ривожланиш мақсадларини дунё бўйлаб аёллар ва қизлар учун амалга оширишдан иборат. Ташкилот ўз эътиборини тўрт стратегик устувор йўналишга қаратган: 1) аёллар давлат бошқаруви ва қабул қилинадиган қарорларда тенг иштирок этишлари; 2) аёллар учун даромад олиш, муносиб иш топиш ва иқтисодий мустақилликни таъминлаш имкониятлари; 3) аёллар ва қизларни ҳар қандай зўравонлик турларидан ҳимоя қилиш; 4) аёллар ва қизларнинг барқарор тинчлик ва инсонпарварлик ҳаракатларидан тенг манфаат олишини таъминлаш.

БМТ Аёллар ташкилоти фаолияти доирасида аёллар ҳуқуқий мақомини яхшилаш бўйича комиссиялар ва ҳукуматлараро органларни глобал сиёсат, стандартлар ва меъёрларни ишлаб чиқишда қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, ташкилот аъзо давлатларга бу стандартларни жорий қилишда қўмаклашади, зарур ҳолларда техник ва молиявий ёрдам беради ҳамда фуқаролик жамияти билан самарали ҳамкорлик ўрнатишни рағбатлантиради. Ташкилот БМТ тизимида гендер тенглиги бўйича фаолиятни



мувофиқлаштиради ва ушбу соҳада масъулиятни ошириш, шу жумладан тизим бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш вазифаларини амалга оширади.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. 2024 йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Осиё хотин-қизлар форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Аёллар тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда БМТ Аёллар тузилмаси ваколатхонасини очиш масаласи қўллаб-қувватланди.

БМТ Аёллар тузилмаси Ўзбекистон билан ҳамкорликда аёллар ва қизларнинг фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенгликни таъминлашга қаратилган қатор дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ташкилот Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаб, ҳамкорликни давом эттиришга интилишини таъкидлаган.

БМТ Аёллар тузилмаси Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. Ташкилотнинг мамлакатдаги ваколатхонаси очилиши бу йўналишдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

ГЕНДЕР (инг. gender – уруғ) – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳат ҳисобланади. Эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланади.

Гендер статистикасини шакллантириш – Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни,

таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

Гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак.

Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади.

Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болани парваришлаш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида бўлиниши мумкин, бунда ота-она таътилдан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмайди.

Гендер зўравонлик – хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг асосда ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишини жиддий чекловчи камситиш шакли (БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги 19-сонли умумий тавсиялар, 1-банд).

Гендер зўравонлик/тазийқдан жабрланувчи (гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи – ўзига нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазийқ ва зўравонлик натижасида жабрланган, шу жумладан 18 ёшга тўлмаган, аёл жинсидаги шахс.

Гендер стратегия мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди. Стратегия 2021 йил 29 майда Ўзбекистон Республикаси Сенатининг 15-ялпи мажлисида тасдиқланди.

Гендер стратегияси доирасида гендер тенглик тушунчаси жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади.

ДЕПУТАТ (аёл) - сайланган шахс. Ўзбекистонда Депутатларлар – сиёсий партиялар, ҳокимият органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан вакил қилинган ва улар номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Депутатликка номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби турли мамлакатларда турлича бўлиб, махсус қонунлар билан белгилаб қўйилади. Мамлакатимизда уларнинг мақоми, ваколатлари, депутатлик фаолиятининг кафолатлари “Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган. **Аёл депутатлар** – жамиятда муҳим рол ўйнаб, парламентда қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ва ташаббусларни илгари суришда фаоллик кўрсатиб келади. Мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш ва қабул қилинаётган қонунларнинг адолатли ҳамда самарали бўлишини таъминлашда аёллар муҳим ҳисса қўшмоқда.

Аёл депутатларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги тўлақонли иштироки мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, демократик ривожланиши ва жамиятда барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Аёл депутатлар қонун чиқариш жараёнида иштирок этиб, аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга хизмат қилади.

Аёл депутатларнинг иштирокида қабул қилинган муҳим қарорлар жамиятни демократлаштиришга қаратилган ислохотларнинг

муваффақиятига ҳисса қўшиб, гендер тенгликни таъминлашда ҳам асосий омиллардан бири бўлади. Аёл депутатлар давлат бошқарувида ва қонун чиқаришда фаол иштирок этиши мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов кодексида депутатликка номзодларнинг камида 40 фоизи ёки ҳар 5 нафаридан 2 нафари аёл киши бўлиши зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу орқали, мамлакатдаги сиёсий жараёнларда аёллар иштироки кучайиб, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга қўшаётган ҳиссаси янада муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунчилик ислохоти, ўз навбатида, гендер тенгликни мустаҳкамлаб, жамиятдаги барқарорлик ва демократик ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

2024 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловлари бўлиб ўтди. Ушбу сайловлар натижасида парламент қуйи палатаси таркибида аёллар сони сезиларли даражада ошди.

Қонунчилик палатасида аёл депутатлар улуши: Янги сайланган депутатларнинг 38 фоизини аёллар ташкил этди. Бу Ўзбекистон тарихидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Маҳаллий кенгашларда аёл депутатлар улуши: Маҳаллий кенгашлар таркиби 59,2 фоизга янгиланди. Янги сайланган депутатларнинг 32,6 фоизини хотин-қизлар ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига бўлган эътиборнинг ортиб бораётганини кўрсатади. Аёлларнинг парламент ва маҳаллий кенгашлардаги улушининг ошиши уларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини янада мустаҳкамлайди.

Сайлов ва гендер тенглик масалалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, сиёсий жараёнларда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Аёллар сайлов жараёнларида нафақат сайловчи, балки номзод ва сиёсий қарорлар қабул қилувчи субъект сифатида иштирок этади. Бу жамиятда гендер тенгликни таъминлашнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.



Ўзбекистонда гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки тобора ортиб бормоқда. Шубҳасиз, бу ҳолат сайлов жараёнларида ҳам кузатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллат Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларига мос даражага етди.

Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди.

Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминланмоқда.

Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида хотин-қизлар ва эркакларни тенг асосда жалб қилиш, хотин-қизларни тайинладиган раҳбарлик лавозимларига тавсия қилишга оид фаолиятини рағбатлантирилмоқда.

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларда номзод кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланганлигини мониторинг қилинади, хотин-қизлар ва эркакларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ҳамда референдумлар ўтказиш бўйича вилоят, туман, шаҳар, округ, участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар вакилларининг тенглигини таъминланмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг 43 фоизи аёллардан иборат. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган жами 175 нафар номзодларнинг 76 нафари ёки 43,4 фоизи аёллардир. Ўзбекистон Экологик партиясининг V Форумида тасдиқланган депутатликка номзодларнинг 44,6 фоизи аёллардан иборат. Халқ демократик партиясидан эса 47,4 фоиз аёл номзодлар илгари сурилди.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг 45 фоизи аёллардан иборатдир.

Демак, қонунчилигимизда белгиланган аёл номзодлар бўйича 40 фоизлик талабга барча сиёсий партиялар томонидан тўла амал қилинган. Олдимизда турган сайловда иштирок этадиган партиялар номзодларининг 43 фоиздан 47,4 фоизгача бўлган қисми аёллардан иборат таркибда шакллантирилган. Бу эса юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимиятидаги иштирокини кенгайтиришга замин бўлади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, 2019 йилги сайловда парламентнинг қуйи палатасига 48 нафар аёл депутат сайланиб, депутатлар умумий сонининг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизини ташкил этган эди.

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 1999 йил 10 июндаги Фармонида биноан таъсис қилинган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли кизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан талабгорларга берилади.

Шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади. Мукофот совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилади. Шунингдек, мазкур мукофот комиссияси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши ва унга бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси раҳбарлик қилиши белгиланган.

Мукофот Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлик қиладиган

комиссия хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳар йили 8 март – Хотин-қизлар куни байрами арафасида берилади.

ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ

– оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимидаги ислохотлар учун муҳимдир. Шу боис, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида **Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази** ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилган.

Марказнинг асосий вазифалари:

- таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилишчи тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

- оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга қўмаклашиш;

- давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган хотин-қизларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаолиятига яқиндан қўмаклашиш;

- “Аёллар дафтари”га киритилган психологик ва ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож хотин-қизларни (таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни “Аёллар дафтари”дан чиқариш чораларини кўриш ва бошқалар.

Марказга қуйидагилар жойлаштирилади: ҳимоя ордери нусхасини олган, яъни таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахслар профилактик ҳисобга олинади.

Марказларга мурожаат қилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг йўқотилган биометрик паспортларини (идентификация ID-карталарини) тиклаб бериш чоралари кўрилади.

ИМТИЁЗЛАР (аёлларга) – муайян сабабларга кўра юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган афзаллик. Имтиёзлар давлат қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан – фуқароларга, шунингдек, жамоат бирлашмалари томонидан маъмурият қарорига мувофиқ – унинг аъзоларига тайинланиши мумкин. Имтиёз берилган шахс белгиланган қоидалардан истисно тариқасида муайян мажбуриятларни бажаришдан тўла ёки қисман озод қилинади ёхуд уларни бажариш соҳасида муайян қулайликлардан фойдаланади. Солиқ, пенсия таъминоти, коммунал маиший хизматлар учун тўловлар каби соҳалардаги имтиёз давлат томонидан белгиланади. У қонун ҳужжатлари билан белгиланган тақдирда, унинг фойдаланувчилар доираси, фойдаланиш шартлари, тартиб қридалари, юзага келиш ва тугатилиш асослари кўрсатилади.

Ўзбекистонда хотин-қизлар учун бир қатор имтиёзлар қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, улар аёлларнинг иқтисодий, таълимий ва ижтимоий соҳалардаги имкониятларини кенгайтиришга қаратилган:

- хотин-қизларга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан 3 йилгача ва 6 ойгача имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар ажратилади;

- эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга олий таълим муассасалари киришда давлат гранти асосидаги қабул доирасидаги танловда иштирок этиш учун тавсиянома берилади;

- “Аёллар дафтари” орқали хотин-қизларга 10 дан ортиқ ёрдам кўрсатилади. Хусусан, “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларга БХМнинг 150 бараваригача миқдорда кредит ажратилади;

- хотин-қизлар нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқиганда қилган харажатларнинг 70 фоизи, давлат томонидан қоплаб берилади;

- давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак.



Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига танлов комиссияларига нафақат танловда иштирок этаётган шахсларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотларни, балки давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркалар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади:

- ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилишни рад этиш ёки меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтириш тақиқланади;

- аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш, БХМнинг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади;

Бундан ташқари хотин-қизларга меҳнат қилиш билан боғлиқ 10 дан ортиқ имтиёзлар белгиланган:

- эрка ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади;

- ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган хотин-қизлар давлат ОТМлари бакалавр босқичида контракт асосида ўқиганида уларнинг контракт тўловлари ҳокимликлар томонидан тўлаб берилади;

- давлат ОТМларида ўқиётган хотин-қизлар учун магистратура босқичига контрактнинг тўлиқ суммаси бюджетдан қоплаб берилади. Бунинг учун ҳар йили хотин-қизлар ректор номига 15 сентябрда ариза бериши керак.

Бу имтиёзлар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган.

КОНВЕНЦИЯЛАР (аёллар ҳуқуқи). Халқаро конвенциялар (лот. conventio – келишув, битим) – халқаро шартномалар турларидан бири; одатда, давлатнинг бирон-бир махсус

соҳадаги ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради. Кўп томонлама конвенция умумий тусдаги меъёрларни ўз ичига олади [мас, Гаага конвенциялари (1899 ва 1907), Женева конвенциялари (1949) ва б.]; кўпинча, конвенция бирон-бир соҳага ихтисослашган халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинади (мас, Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари).

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглигини таъминлаш мақсадида бир қатор халқаро конвенциялар қабул қилинган. Улар аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Гендер тенглигини таъминлаш борасида халқаро ҳужжатлар қуйидагилар бўлиб, уларни жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатлари ратификация қилган:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил).

2. Инсон ҳуқуқлари ва фундаментал эркинликлар тўғрисида Европа Конвенцияси (1950 йил).

3. Эркалар ва аёллар учун тенг қийматли иш ҳамда тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги Конвенция (1951 йил).

4. Қулликни бекор қилиш, қул савдоси ва қулликка ўхшаш институтлар ва одатлар тўғрисидаги қўшимча Конвенция (1956 йил).

5. Никоҳга розилик бериш, никоҳ ёши ва никоҳларни қайд этиш тўғрисидаги Конвенция (1962 йил).

6. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт (1966 йил).

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW — Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination Against Women) — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжат бўлиб, унинг асосий мақсади хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга нисбатан ҳар қандай камситишларни тугатишдан иборат. Конвенция 1979 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган ва 1981 йил 3 сентябрда кучга кирган.

Ушбу Конвенция хотин-қизларга нисбатан

сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, оилавий ва бошқа соҳалардаги ҳар қандай камситишларни тақиқлайди. Унда “камситиш” деб, хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда эркаклар билан тенг асосдаги имкониятларини чеклайдиган ҳар қандай ажратиш, истисно ёки чеклаш ҳолатлари назарда тутилади.

Конвенциянинг асосий йўналишлари куйидагиларни ўз ичига олади: хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини таъминлаш, уларнинг таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат соҳасидаги тенгликни кафолатлаш ва оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлаш. Шунга қўшимча, Конвенция хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва дискриминациянинг бошқа шаклларига қарши курашишни давлатларнинг асосий мажбуриятларидан бири сифатида белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда мазкур Конвенцияга қўшилди ва шу орқали хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенгликни таъминлашга қаратилган халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Ушбу мажбуриятлар доирасида мамлакатда қонунчиликни такомиллаштириш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, 1999 йилда Конвенцияга қўшимча протокол қабул қилинган бўлиб, у хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари бузилган тақдирда, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича қўмитасига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини тақдим этади. Бу халқаро механизмлар хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро конвенциялар аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда уларнинг ижроси қонунчилик ва амалий чоралар орқали таъминланмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

КОНСТИТУЦИЯ ВА АЁЛЛАР. Маълумки, конституция (лот. *constitutio* – тузилиш, тузук) – давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради. Конституция барча жорий қонунларнинг асоси ҳисобланади.

Конституция давлатчилик белгисидир. Бир-биридан фаркланувчи юридик ва ҳақиқий (фактик) конституция тушунчалари бор. Юридик конституция ижтимоий муносабатлар доирасини тартибга солувчи маълум ҳуқуқий нормалар тизими. Ҳақиқий конституция эса – шундай муносабатларнинг ўзи, яъни реал мавжуд муносабатлардир. Конституция ўз шаклига кўра, кодекслаштирилган, кодекслаштирилмаган ва аралаш турларга бўлинади. Кодекслаштирилган конституция – конституциявий хусусиятга эга барча асосий масалаларни тартибга солувчи бир бутун ёзма ҳужжат ҳисобланади. Агар айни ўша масалалар бир неча ёзилган ҳужжатлар билан тартибга солинса, у ҳолда кодекслаштирилмаган ҳисобланади.

Аралаш турдаги конституция парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ва суд прецедентлари билан бирга, одатлар ва назарий шарҳларни ҳам ўз ичига олади, яъни қисман ёзилган бўлади. Ўзгартириш киритиш усули бўйича конституция юмшоқ ва қаттиқ турларга бўлинади. Уларнинг биринчиси оддий қонун қабул қилиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин. Иккинчиси махсус такомиллаштирилган тартибда (парламент аъзолари овозининг малакали қўпчилиги, баъзан эса референдум ўтказиш, тузатишларни муайян миқдордаги федерация субъектлари томонидан ратификациялаш ва шу кабилар) ўзгартирилиши мумкин. Амал қилиш муддатлари бўйича конституциялар доимий ва муваққат турларга бўлинади. Давлат фаолиятининг турли соҳаларида конституцияга риоя қилинишини назорат этиш Олий суд ёки Конституциявий суд зиммасига юкланади. “Конституция” атамаси Қадимги Римдаёқ бор эди (император конституцияси деб аталган қонун). Амир Темур “Тузуқлар”и Шарқ ва Осиё мамлакатлари



цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. У шариат қонунлари билан бир қаторда Ўрта Осиё халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган. Европадаги тарихий тараққиёт ҳозирги кунда амалда бўлган конституцияларнинг 2 гуруҳини вужудга келтирди. 1-гуруҳ – ҳозирги замон шароитларидан кескин фарқ қилувчи шароитларда қабул қилинган эски конституциялар. Бу хилдаги конституцияларга 1787 йилдаги АҚШ Конституцияси, 1831 йилдаги Бельгия конституцияси, 1874 йилдаги Швейцария конституцияси мисол бўла олади. 2-гуруҳга 20-асрнинг 2-ярмида қабул қилинган “янги авлод” конституциялари киради. Улар дастлабкиларидан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, ҳимоя қилиш механизмлари ва ижтимоий муаммоларга мурожаат қилиш механизмларининг кенгайтиши натижасида конституциявий тартибга солиш ҳажмининг кўпайиши билан фарқ қилади. Халқаро конституциявий тажрибаларни ўрганиш, халқаро ҳужжат қоидаларини инобатга олиш, миллий давлатчилик анъаналардан келиб чиқиш натижасида яратилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрда қабул қилинган) жаҳон андозаларига мос бўлиб, халқаро талабларга жавоб беради.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила институти янада мустақамланди ва эски таҳрирдаги Конституциянинг нормалари янада бойитилди ва тўлдирилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг XIV боби Оила, болалар ва ёшлар деб номланиб, 76–80-моддаларни қамраб олган. Бу бобда болалар ва ёшлар ҳуқуқининг оила институти даражаси билан тенг равишда ҳимоя қилиниши билан янги нормалар пайдо бўлди. Хусусан, 76-моддада “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа

шарт-шароитлар яратади”, деб белгиланди. Бу, ўз навбатида, оила институтининг анъанавий оилавий қадриятларга уйғун тарзда ривожланишини мустақамлаб берди.

МАНСАБДОР ШАХС (Аёл) – давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, давлат, муниципал муассасаларида, шунингдек, Қуролли Кучларда, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларда ҳокимият вакили вазифаларини доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича амалга оширувчи ёхуд ташкилий-бошқарувчилик, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи шахс. Бундай шахс Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида мансабдорлик жиноятларининг субъекти ҳисобланади. Мансабдор шахслар қонунда мансабдор ва масъул мансабдор шахсларга ажратилган. Ҳар қандай ҳокимият идорасида ишловчи, аммо ҳокимият ваколатлари (маъмурий ваколатлар) берилмаган шахслар (техник ишларни бажарувчилар) ҳокимият вакиллари деб эътироф этилмайди.

Аёллар ҳам мансабдор шахс сифатида бу давлат ва жамоат тузилмаларида раҳбарлик ва бошқарув вазифаларини бажаради. Улар турли давлат идоралари, қонун чиқарувчи органлар, маҳаллий бошқарув, хусусий сектор ёки халқаро ташкилотларда етакчи лавозимларда ишлаб, қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этадилар. Мансабдор шахс сифатида аёллар жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Аёлларнинг давлат бошқаруви ва раҳбарлик лавозимларида иштирокини ошириш гендер тенгликни таъминлаш, турли соҳаларда қарорлар қабул қилиш жараёнида турфа фикрларнинг инобатга олиниши ва аёлларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга. Бундай аёллар ўз фаолиятлари орқали жамиятда гендер тенглигини тарғиб қиладилар ва бошқа аёлларга улгу бўлишади, шунингдек, аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги роли мустақамланади.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотларида 1,5 минг нафардан ортиқ хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистонда муҳим қадамлар

ташланмоқда. Мамлакат тарихида илк бор парламентда аёллар сони 32 фоизга етиб, дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. Бу натижа аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ислохотларнинг самараси бўлиб, гендер тенгликка эришиш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланади.

“МЕХР” ОПЕРАЦИЯСИ. Ўзбекистоннинг “Мехр” махсус операциялари доирасида ўз фуқароларини уруш ҳудудларидан қайтариш ва уларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган жараён.

“Мехр” инсонпарварлик операцияси илк бор 2019 йили амалга оширилган бўлиб, унда 156 нафар ўзбекистонлик, асосан, аёллар ва болалар Сурия пойтахти Дамашқдан махсус рейс билан Ўзбекистонга олиб келинган. 2019 йилнинг октябрь ойида эса Яқин Шарқдаги можаролар ҳудудидан ўзбекистонликларни қайтариш бўйича иккинчи махсус операция амалга оширилган. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан амалга оширилган “Мехр-1” ва “Мехр-2” тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Сурия ва Ироқдаги қуролли можаро ҳудудларида бўлган бир гуруҳ аёллар ва болаларни ватанга қайтарилган эди. 2020 йилда ва 2021 йил март ойида “Мехр-3” ва “Мехр-4” операциялари доирасида чорасиз қолган 438 нафар аёллар ва болалар Ўзбекистонга олиб келинди.

АҚШ ва бошқа ҳамкор давлатлар кўмаги билан амалга оширилган “Мехр-5” операцияси натижасида Сурия ҳудудидаги уруш кетаётган “қайноқ нуқталарга” бориб қолиб, “Ал-Ҳол” лагерида 3 йилдан ортиқ вақт давомида ушлаб турилган 24 нафар аёл ва 69 нафар болалар Ўзбекистонга олиб келинган. “Мехр” инсонпарварлик операцияларидир. Ўзга юртга бориб қолиб оғир ҳаётини даври бошидан ўтказган бу инсонларга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашиши, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этиши учун зарур шароит яратилди, бошпана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Бу борада амалга оширилган ишлар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияда белгиланган принципларга тўла мос бўлиб, аввало, ота-она қарамоғисиз қолган, ҳуқуқий кўмакка муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

НИКОҲ – икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифок. Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Оила – мустаҳкам ва муқаддас кўрғон. У ҳуқуқ ва виждон қонунлари асосида қурилиб, ўзининг қўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эгадир. Шу боис, бугун юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларга оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва уларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талабларини акс эттиришга алоҳида эътибор кучайтирилмоқда. Оила никоҳдан бошланади. Никоҳ расмий, қонун асосида ўтказилгандагина ҳақиқий ҳисобланади. Никоҳ бу эркак ва аёлнинг ихтиёрий ҳамда ҳуқуқларининг тенглиги асосида оила тузиш ва эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаришга қаратилган иттифоқидир. Никоҳ ёши эркак ва аёллар учун ўн саккиз ёш. Қонуний никоҳ – фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳ ФХДЁ органларида қайд этилмагани, диний русумлар орқали тузилиши ҳуқуқий муносабатлари қонун билан тартибга солинишига тўсқинлик қилади. Шу боис, бундай ҳолат оталикни белгилаш, алимент тайинлаш, мерос масалаларига оид турли хил муаммоларни келтириб чиқаради.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Ўзрли сабаблар бўлганда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.



Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин. Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Никоҳга кирувчиларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда бўлса ёки насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар (бобо, буви, ота-она, фарзандлар, неvara ва чеваралар) ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Мамалакатимиз қонун ҳужжатларида кўп хотинлик тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига кўра, кўп хотинлик, яъни икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш жиноят ҳисобланади.

Маълумки, қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатида кўпчилик болалар ногирон бўлиб туғилишади, шифокорлар фикрича, яқин қариндошлар: амаки, хола, тоға ва амакиваччаларнинг фарзандлари ўртасидаги никоҳ муносабатлари ҳам салбий оқибатларга олиб келади.

Руҳий касаллиги бўлган шахснинг касаллигини беркитиб, балки никоҳ муносабатлари натижасида тузалиб кетади, деб айрим ота-оналар қонун бузилишига ҳам йўл қўядилар. Натижада никоҳ бекор қилиниши, оилада ногирон фарзанд туғилиши каби фожиалар ҳам суд амалиётида учраб туради.

Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишдан асосий мақсад, уларнинг умумий соғлиғи ҳақида маълумотларга эга бўлиш билан бирга, бўлажак эр-хотин ва уларнинг авлоди учун хавфли бўлган касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш бўйича чораларни кўришга қаратилган.

Никоҳни бекор қилиш – эр-хотиннинг тириклик чоғида никоҳнинг бузилиши. Ўзбекистонда Оила кодекси ажралишнинг

асосига қараб, уни амалга ошириш тартибини белгиланган. Қонунчиликка кўра, никоҳдан судда ва маъмурий тартибда, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органида ажратилади. Ажралиш эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккисининг берган аризасига кўра амалга оширилади. Агар эр-хотин алоҳида яшаса, даъво жавобгар эр ёки хотин турган жойдаги судда қўзғатилади, турар жойи номаълум бўлса, ариза жавобгар охириги яшаб турган жойдаги судга топширилади. Ажралиш ишлари очиқ суд мажлисида кўрилади. Ажралиш тўғрисидаги иш эр-хотиннинг аризасига мувофиқ, зарур ҳолларда, суднинг ажримига асосан ёпиқ суд мажлисида кўрилиши ҳам мумкин. Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун 6 ойга муҳлат тайинлашга ҳақли. Суд эр-хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолларда, ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-қизлар кўмиталарига, ўзини ўзи бошқариш органи, маҳалла оқсоқоллари кенгашига, улар ҳузуридаги яраштириш комиссияларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин. Аниқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд, эр-хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, уларнинг ярашиши учун берилган муҳлатни ўзгартиришга ва бу муҳлат ўтгунга қадар ишни кўришга ҳақли. Судлар ажралишнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаб, ўзининг бутун фаолиятини оилани сақлаб қолишга ва уни мустаҳкамлашга, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши лозим.

Қуйидаги ҳолларда никоҳни бекор қилиш суд тартибида кўрилади: эр-хотиндан бири никоҳни бекор қилишга рози бўлмаса; ўртада вояга етмаган умумий болалар бўлиб, уларни кимда қолдириш ва таъминоти учун алимент ундириш юзасидан низо бўлса, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз, мухтож эр ёки хотинга алимент ундириш ва унинг миқдори ҳақидаги масала туғилса; биргаликда умумий мулкни бўлиш бўйича низо бўлса.

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳни бекор қилишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органида ажратилади. Шунингдек, агар эр-хотиндан бири: суд томонидан бедарак

йўқолган; руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса; содир қилган жинояти учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган фарзандлари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра, ФХДЁ органида никоҳ бекор қилинади.

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ – ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланади. Никоҳ шартномаси – никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилиши мумкин. Бунда никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Никоҳ шартномаси никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Бунда никоҳ шартномаси нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаи муддатли тузилиши мумкин, бунда шартнома унда кўрсатилган муддатгача амалда бўлади. Муддатсиз тузилиши мумкин, бунда шартнома никоҳ бекор қилингунга қадар амалда бўлади.

Никоҳ шартномасида қуйидагилар белгиланиши мумкин: эр ва хотин барча (мавжуд ёки келажакда қўлга киритилиши мумкин бўлган) мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати; эр ва хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари (оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва ҳ.к.); эр ва хотиннинг ўзаро моддий таъминот бериши; никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мол-мулк; эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар.

Никоҳ шартномасида назарда тутилмайдиган шартлар (қоидалар): эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чекловчи; эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи; эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи; меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи; эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай

ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартлар (қоидалар). Эр ва хотин амал қилиши керак бўлган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун санкция жарима ёки пеня шаклида бўлиши мумкин. Жумладан, никоҳ шартномасида никоҳ бекор қилинганда эрхотиннинг умумий биргаликда бўлган мулкдаги улушини бир тарафга бериш муддати кечиктирилган тақдирда иккинчи тараф учун ҳар бир кечиктирилган кунга муайян суммадаги пеня кўзда тутилган бўлса ва иккинчи тараф ушбу улуш миқдорини тўлашни кечиктирса, биринчи тараф улушни суд орқали талаб қилишга ва унинг кечиктирилганлиги учун қўшимча равишда пеняни ҳам ундиришга ҳақлидир. Ушбу санкция мулкий характердаги муносабатларга нисбатан қўлланилади, холос. Агар санкция эр-хотиннинг номулкий муносабатларига нисбатан кўзда тутилган бўлса, у ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди (никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно). Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

НОМУСГА ТЕГИШ – зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш. Ушбу жиноятнинг жабрланувчиси фақат аёл киши, номусга тегишнинг субъекта эса аёлнинг хоҳиши, эркига қарши у билан жинсий алоқага киришган эркак ҳисобланади. Кўпинча жиноятнинг мотиви жинсий эҳтиёжни қондиришдан иборат бўлади. Аммо суд амалиётида жиноят содир этишнинг мотиви сифатида ўч олиш, аёлни шарманда қилиш, оилани ҳақорат қилиш, аёл кишини эрга тегишга мажбур қилиш ва ҳоказо ҳам учраб



туради. Номусга тегиш вақтида айбдор жисмоний ва руҳий зўрлик ишлатиши мумкин. Бу жиноятни содир этишдаги кўрkitиш жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида унга ёки унга яқин кишиларга нисбатан ишлатиладиган турли хил руҳий таъсирларни англатади. Жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш дейилганда жабрланувчининг ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини англай олмаслиги ёхуд содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусиятини англасада, айбдорга қаршилиқ кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича, номусга тегиш аёлларнинг жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигига қаратилган энг оғир тажовузлардан биридир. Вояга етган аёлларнинг жинсий эркинлиги, 16 ёшга тўлмаган аёл жинсидаги шахсларнинг жинсий дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноят қонуни билан муҳофаза қилинади. Ушбу жиноятни содир этган шахс учун белгиланган жазонинг энг оз муддати 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилишдир. Жавобгарлик ўта оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган деб топилса, айбдорга 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 118-модда).

ОИЛА – никоҳга ва яқин қариндошликка асосланган ахлоқий масъулият, ўзаро ҳурмат, тушуниш ва меҳр-муҳаббат умумийлиги билан боғланган кичик ижтимоий гуруҳ. Бошқа турдаги кичик гуруҳлардан ушбу жиҳатлари билан ажралиб туради:

– оила ижтимоий гуруҳ сифатида курилатган пайтидаёқ унга икки киши учун бир умрга авлодлар давом эттириши керак бўлган маскан;

– оилада шахслараро муносабатларнинг бир неча турлари амалга ошади. Оилавий муносабатларда тарбиявий, психологик, ҳиссий, молиявий, жинсий ва б. вазифаларнинг амалга оширилиши кузатилади;

– оиладаги барча муносабатлар заминида ижобий ёки салбий ҳолатлар юзага келади, яъни оила аъзоларидан кимнингдир кимгадир

таъсири оқибатида шахс мукаммал шаклланиши ва комил инсон даражасига етиши ёки тарбияси оғир, хулқи бузук одам бўлиб тарбияланиши мумкин.

– оила жамият ҳаётининг бир бўғини бўлиб, жамиятнинг тараққиёти ва шаклланишида муҳим ўрин тутди, яъни оила жамиятга шахсларни етказиб беради ва шу шахслар оилада олган билими, тарбияси ва бошқа хусусиятлари б-н жамият ҳаётига таъсир ўтказди.

– оила – жамиятнинг таянч устун, унинг ҳал қилувчи бўғини. Оилаларнинг мустақамлиги асосида жамият тинчлиги ва барқарорлиги таъминланади.

Оилавий бирлик мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборатдир. Одатда, оиланинг вужудга келишига никоҳ асос бўлади, шунинг учун оилада болалар туғилмаган бўлса ҳам, никоҳ муносабатининг ўзи оилани ташкил этади. Эр-хотин билан бирга фарзанднинг ҳам бўлиши типик оилани вужудга келтиради. Ота-оналар ва фарзандлар жипслашган оила бирлиги бўлиб, улар ўртасидаги жуда яқин оилавий муносабатлар шаклланади ва бу ўз навбатида оиланинг ядросини ташкил этади.

Ўзининг ижтимоий мазмунига қараб оила, унинг асоси сифатида никоҳ, никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин муносабатлари ва эр-хотин муносабатларининг натижаси сифатида фарзандлардан ташкил топади, албатта.

Оила бюджетида фарзандларнинг иштироки. Фарзандлар ҳам оила бюджетини тақсимлашда ўзларини ота-оналари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлардек ҳис қилишлари лозим.

Ота-оналар оила бюджетини моҳирлик билан тузишлари шарт. Бюджетини режалаштиришда болаларга қандай намуна кўрсатилса, уларнинг пулга нисбатан муносабати шу тарзда шаклланиб бораверади.

Оила ва оилавий муносабатларнинг объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Объектив омилларга: Оила аъзоларининг савияси, оиланинг таркиби, сони, моддий фаровонлиги, фарзандларнинг таълим-тарбия муассасалари (болалар боғчаси, мактаб, лицей, интернат) га бориши, оиланинг уй-жой билан таъминланиш даражаси (ҳовлили, маҳалладаги уй, кўп қаватли уй) кабиларни киритиш мумкин. Субъектив

омилларга оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ота-она ёки бошқа аъзоларнинг маълумот даражаси (ўрта, ўрта махсус, олий), ота оналарнинг маънавий-маданий савия хислатлари, ота-онанинг муомала маданияти ва шу қабиларни киритиш мумкин.

Оиладаги объектив ва субъектив омиллар фарзанд тарбияси, ўсиши, улғайишига бевосита таъсир килади. Фарзанднинг комил инсон бўлиб етишиши ота-онаси, уларнинг насл-насаби, ирсий белгиларига боғлиқ бўлиши ёки ота-онасининг насл-насаби эмас, балки таълим-тарбия, муҳит таъсирига боғлиқ равишда шаклланиши мумкин. Шунинг учун оилага мураккаб тарбия ва яшаш маскани сифатида қаралади.

ОИЛА КОДЕКСИ (ОК) – оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб, оила аъзолари (яъни эр-хотинлар, ота-оналар, болалар, шунингдек, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар ва оиланинг бошқа аъзолари) ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи қонун ҳужжати. Ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи ҳисобланган оила ҳуқуқининг махсус манбаидир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ОК Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 й. 30 апрелдаги қарори билан тасдиқланиб, ушбу йилнинг 1 сентябрдан амалга киритилди. Эътиборлиси, ОК мамлакатимизда “Оила йили” деб эълон қилинган йилда қабул қилинди. Кодекс 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат. Амалдаги ОК бир қатор оилавий ҳуқуқий муносабатларни янгича ҳал этган. Чунончи, миллий негизларга асосланганлиги (қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик, бобо-бувилар ва набиралар ўртасидаги муносабатларнинг янгича талқини), умуминсоний қадриятлар акс этганлиги (никоҳ шартномаси институтининг киритилиши, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши) каби ҳоллар.

Оила тўғрисидаги қонунчилик Оила Кодекси ҳамда унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат.

Оила тўғрисидаги қонунчиликнинг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий

муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Оила кодекси қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашшга йўл қўйилмайди.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, қадр-қиммати, соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонун билан қўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёргагина чекланиши мумкин.

2. Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги. Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади. 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддасига асосан, балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин. 1962 йилги Никоҳга розилик бериш, никоҳ ёши ва никоҳларни қайд этиш тўғрисидаги Конвенция талабларида ҳамда 1979 йилги Хотин-қизлар камситилишининг



барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 16-моддасида ҳам никоҳга кириш эркинлиги, ва розилик тўғрисида қоида ўрнатилган. (Ўзбекистон мазкур Конвенцияни 1995 йил 6 майда ратификация қилган.)

3. ФХДЁ органларида рўйхатдан ўтказилган, расмий тузилган якка никоҳни тан олиними. Оила кодексининг 13-моддасига асосан, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. 16-моддада эса никоҳланувчи шахсларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турганлиги никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолат сифатида тан олинади. Ушбу тамойил оилавий ҳуқуқий муносабатда қонунчилик томонидан якка оиланинг тан олиними ҳамда улар орасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан вужудга келувчи муносабатлар, яъни расмий никоҳда бўлган эр ва хотиннинг, оила аъзоларининг қонуний ҳуқуқ манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинишини билдиради.

4. Оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқлилиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқли эканликлари, давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди, деб мустаҳкамланган.

Оилавий муносабатларда эркек ва аёл ихтиёрий равишда никоҳланишга ҳамда оилада ўз шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишда тенг ҳисобланадилар. Оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг яшаш ва касб жойини танлаш эркинлиги, ота-оналарнинг вояга етмаган болаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги тўғрисидаги қоидалар ҳам тааллуқли.

5. Ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши. Ушбу тамойил оилавий муносабатларни тартибга солишнинг диспозитив усулига асосланади ва оила аъзоларига оиланинг ички муносабатларини эркин тартибга солиш имкониятини бериш билан ифодаланади. Бу оилада эр-хотиннинг тенглиги принципи билан чамбарчас боғлиқ. Оналик,

оталик, болаларни тарбиялаш, ва оилавий ҳаётнинг бошқа масалалари эр-хотиннинг тенглиги принципи асосида эр-хотин томонидан биргаликда ҳал қилинади.

6. Оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш. Ушбу тамойил оилада боланинг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи Оила кодексининг нормаларида батафсил баён этилган (ОКнинг 11-боби). Ушбу қоидалар болаларнинг оилавий ҳуқуқий муносабатнинг тенг иштирокчиси эканлигини билдиради. Оилавий муносабатлар соҳасида вояга етмаганларга ҳуқуқ бериш орқали давлат ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва кафолатларини беради. Оила кодекси болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур бўлган шахслар доирасини, ҳимоя қилиш асослари ва усулларини белгилайди.

7. Оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши. Оила кодексининг 4-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус чоралар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан таъминланади.

8. Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш. Ушбу тамойил оила аъзоларининг бири бирларини ўзаро таъминлашга қаратилган бўлиб, эр-хотиннинг бир-бирига таъминот бериш мажбуриятлари (ОКнинг 117-моддаси), никоҳдан ажралганидан кейин собиқ эр (хотин)нинг таъминот олиш ҳуқуқи (ОКнинг 118-моддаси) шунингдек, қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари (16-боб) ни акс эттиради.

ОИЛАВИЙ НИЗО – оила ҳаётида намоён бўладиган психологик ва ижтимоий кескин вазият. Турли оилавий гуруҳлар (биринчи

навбатда эр-хотин, ота-она ва болалар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, баъзи ҳолларда қариндошлар) ўртасида юзага келади. Оила турли ёш ва жинсдаги кишилардан таркиб топгани сабабли улар ўртасида низо чиқиши эҳтимоли мавжуд бўлади. Бундай низо ва зиддиятлар ўзаро муносабатларда бир-бирини тушунмаслик ёки тушунишга ҳаракат қилмаслик туфайли юзага чиқиши мумкин. Болалар ва ота-оналар ўртасидаги низо фарзандларнинг катталар таъсиридан қутулишга интилиши ёки ўзини ёлғиз ҳис этиши ва бошқа сабаблар таъсирида пайдо бўлади. Оилавий низо кескинлашувига йўл қўймаслик, уларнинг бир-бирини тушуниш, муросяо мадора воситасида оқилона ҳал этишга интилиш оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартидир. Шаҳарларда ўта кескин оилавий низолар маҳаллалар қошида тузилган яраштирув комиссиялари, ҳуқуқшунос ва руҳшунослар маслаҳатига таянган ҳолда ҳал этиш урф бўлмоқда.

Оилада юзага келиш эҳтимоли бўлган низо-жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларини ижобий ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, уларни кимлар орасида юз бераётганини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Оилавий низо турлари. Эр-хотин ўртасида; қайнона-келин ўртасида; қайнона-куёв ўртасида; овсинлар ўртасида; ака-укалар ўртасида; ота-оналар ва фарзандлар ўртасида; қудалар ўртасида; қариндошлар ўртасида бўладиган келишмовчиликлар. Муваффақиятли оилалардаги низолар бириктирувчи, муваффақиятсиз оилалардаги низолар эса ажратувчи характерга эга. Шунинг учун ҳам психологик адабиётларда низолар шартли равишда “конструктив” (“бириктирувчи”) ва “деструктив” (“ажратувчи”) низоларга бўлинади. Улар юзага келишига асос бўлган муаммолар, бу муаммоларнинг ҳал этилиши, кечиши, иштирокчилари, оқибатлари ва бошқаларнинг характерига кўра бир-бирларидан фарқ қилади.

Оилада эр-хотин орасидаги низо сабаблари:

1. Ҳаётда иш ва оиланинг қийматини ўлчашда юзага келадиган низолар.

2. Етакчилиқни қўлга киритиш учун интилиш асосида юзага келадиган низолар.

3. Муҳаббат динамикасини, психологик характеристикани билмаслик натижасида юзага келадиган низолар.

4. Аёлларнинг (қизларнинг) уй ишларига тайёр эмаслиги (уй бекалиги вазифасини бажара олмаслиги сабабли) юзага келадиган низолар.

5. Болаларни тарбиялашда эр-хотин ота-оналар бир хил позицияда турмаслигидан келиб чиқадиган низолар.

6. Темперамент типлари сабабли вужудга келадиган низолар.

7. Фарзандсизлик сабабли вужудга келадиган низолар.

8. Рашк асосида юзага келадиган низолар.

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ – оила ҳуқуқи соҳаси. Аввало, ота-оналар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигидан келиб чиқади. Бола ҳақида ғамхўрлик қилиш, унга таълимтарбия бериш ота-она учун фақат ахлоқий қоида бўлиб қолмай, балки конституциявий ҳуқуқ ва бурчдан ҳам иборат. Бундай мажбуриятлар 2 турга бўлинади: шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар; мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар. Ўзбекистон Республикаси оила қонунига кўра, Ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ўз фарзандлари билан бирга яшаш, уларнинг тарбияси билан шуғулланиш, ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга ошириш, болаларнинг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кабилар қиради. Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда қонунчилик болалар манфаатининг устуворлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасида вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, деб белгиланган.

Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда, васийлик ва ҳомийлик



органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлайди.

Оила Кодексининг 97-моддасига асосан, вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир. Вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартиби ва шакли ҳақида ота-она ўртасидаги келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартиби ва шакли ҳақида ота-она ўртасидаги келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Бундай келишув (миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида тузилади.

Агар алимент олувчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили билан тузилади.

Қонунчилик бундай келишув шаклига нисбатан ҳам маълум талабларни назарда тутди, хусусан, Оила кодексининг 131-моддасида алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлиб, бундай шаклга риоя қилмаслик, Фуқаролик кодексида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

Суднинг алимент ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи сингари қонун талабларига мувофиқ равишда тузилган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳам ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, мажбурий тартибда ижро этилиши мумкин.

Вояга етмаган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида оила қонунчилигига биноан муайян ҳолларда вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисида судга даъво-ариза ёки ариза (суд буйруғи тартибда) билан мурожаат қилиш ваколатли шахсларга берилган. Бундай даъво-ариза башарти:

– ота ва она ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув бўлмаган ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда;

– ота-онадан бири ўзининг вояга етмаган боласига (болаларига) таъминот беришдан бўйин товлайётган бўлса, вояга етмаган болани тарбиялайётган алимент олишга ҳақли, ота (ёки она) қандайдир сабабга кўра алимент ундириш тўғрисидаги даъво ёки ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаётган бўлса, ота-онанинг бирига нисбатан қўзғатилади;

– агар ота ва онанинг ҳар иккаласи ўзининг вояга етмаган боласига таъминотни ихтиёрий равишда бермаётган бўлса, ваколатли шахслар томонидан ота-онанинг ҳар иккаласига нисбатан судга даъво-ариза ёки алимент ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинади.

Оила Кодексининг 99-моддасига ота-онанинг вояга етмаган болаларига тўлайдиган алимент миқдори белгилаб берилди. Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми; икки бола учун – учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шартдир. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибда ҳал қилинади.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари керак, бунда ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Ота-оналар

болаларини тарбиялашлари шарт. Болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт ва бунга зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларининг тарбияси ва камолоти учун бирдек жавобгарлар. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак. Ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас, ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Боладан алоҳида яшаётган ота-онанинг ҳуқуқлари. Бола билан кўришиш, тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш, боланинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқларига эга. Агар ота-она (улардан бири) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорини бажармаса, боланинг яқин қариндошлари ёки васийлик ва ҳомийлик органи бола билан кўришиб туришга тўсқинлик қилувчи ҳолларни бартараф қилиш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ – Ўзбекистон Республикасида оила ва хотин-қизларга оид давлат сиёсатини олиб бориш, уларнинг муаммоларига тизимли ечим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга масъул ташкилот. Ушбу ташкилот Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси негизида ташкил этилган.

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бора 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг Термиз конференциясида жамоат ташкилоти сифатида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1995 йил 2 мартдаги ПФ-1084-сон Фармони асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айна

пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланиши белгилаб қўйилган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимлари жорий этилган. Мазкур лавозимларни тегишли хотин-қизлар қўмиталари раислари эгаллаши кўрсатилган.

Хотин-қизларни давлат ва жамият қурилишидаги ролини оширишга қаратилган ва 8 та йўналишда стратегик вазифаларни назарда тутган Концепциялар ишлаб чиқилган.

1998 йилда “Оила” илмий-амалий маркази ташкил этилди. 1999-йилда Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилди.

2004 йилда Қўмита фаолияти такомиллаштирилиб, фуқаролар йиғинлари кенгашлари Аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига ҳудудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларда ҳамда таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилган.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ғоялар асосида хотин-қизларнинг манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш ва оилалар мустаҳкамлиги масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлат Раҳбарининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармони билан соҳасидаги фаолият тубдан такомиллаштирилди.

Фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди. Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ҳаётида аёлларнинг тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.



Фармонда кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор Ҳукумат қарорлари қабул қилинган. “Оила” илмий-амалий марказлари тубдан такомиллаштирилган ҳолда ҳар бир ҳудудда унинг негизида “Оила” маркази сифатида қайта ташкил этилди.

2018 йил 1 апрелдан ФХДЁ органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари бўйсунувига ўтказилди.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари этиб хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда қўмаклашиш белгиланди.

Оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида ўсмир қизлар ва фертил ёшидаги аёллар учун “аёллар маслаҳатхоналари”ни ташкил этилди.

Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилган.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорларга берилиши;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриятга, бакалаврият талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига

тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтож бўлган оналар намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар учун бошланғич бадал тўловлари Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан тўлаб берилишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори қабул қилинган.

2020 йилда тегишли Фармон билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Вазирликка хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга мухтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш вазифалари юклатилди.

Вазирнинг 1-ўринбосари бевосита хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга масъулиги белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартда “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 81-сон Фармонида мувофиқ, республикада оила ва хотин-қизларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг муаммоларига тизимли ечим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-

қизлар давлат қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 146-сон Қарори билан маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди.

2023 йилда бир муддат Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг бўйсунуви Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-208-сон Фармони билан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишларига қўмаклашиш, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси қўйи ташкилотларининг жойларда ишини тўғри йўлга қўйиш мақсадида Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг бўйсунуви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида мавжуд Бош вазир ўринбосари штати негизида Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари - Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари - вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари - туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари лавозими жорий этилди.

Қўмита ташкилий тузилмаси таркибига Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, “Саодат” журнали, “Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила” халқаро илмий журнали, “Олима аёллар” жамияти, “Оқида аёллар” ҳаракати фаолияти йўлга қўйилди.

Қўмита фаолиятининг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланди:

– хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш;

– эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– давлат хизмати, таълим, илм-фан ва инноватсия, спорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

– хотин-қизларнинг касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига қўмаклашиш, тадбиркорлигини ривожлантириш;

– оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш, ижтимоий ходим ва бошқа давлат хизматчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш;

– оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш ҳамда репродуктив саломатлик қоидаларини оммалаштириш;

– оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, умуминсоний ва миллий кадриятларни тарғиб қилиш;

– миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувига, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига қўмаклашиш;

– кейс менежмент қўллаган ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш ҳамда улар билан манзилли ишлаш;

– ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун давлат ташкилотлари, халқаро молия институтлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча



жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Аҳоли, жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб боришнинг мутлақо янгича тизими йўлга қўйилди. Шу асосда шаҳар ва қишлоқларда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Соҳага доир халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси шакллантирилиб, 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Маҳаллалардаги Яраштириш комиссиялари фаолияти тубдан ўзгартирилиб, маҳалладаги давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакилларида иборат Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари йўлга қўйилди. Фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш, оила институти мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса кўшган оилаларни рағбатлантириш мақсадида “Ибратли оила” кўкрак нишони таъсис этилди.

“ОҚИЛА АЁЛЛАР” ҲАРАКАТИ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 1 мартдаги ғояси асосида жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришда жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёлларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2022 йилнинг 8 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оқида аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 437-сон қарори қабул қилинди.

Ҳаракат жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, эзгу ғояларни сингдириш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришда жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёллар орасидан (Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитасида 50 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларида 35 – 40 нафардан, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида 30 нафардан, шунингдек, ҳар бир маҳаллада 15 нафардан иборат бошланғич гуруҳлар) таркибда шакллантирилган.

“Бу ҳаракат том маънода “маҳалланинг виждони”га айланиши керак, чунки маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди”. (Шавкат Мирзиёев).

Ҳаракатнинг асосий мақсади – жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёлларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш, эзгу ғояларни сингдириш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш ишларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

“Оқида аёллар” ҳаракати аъзолари ушбу ғоя асосида ўз мақсадларини самарали амалга оширишда қарорда белгилаб берилган қўйидаги асосий вазифалари ижроси таъминланмоқда:

– “жамиятда янги маънавий макон яратиш, эзгу ғоялар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналарни сингдиришга қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

– маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти, ибратли ота-она бўлишнинг аҳамияти, маърифатли жамият қуришда маърифатли оналарнинг ролини кенг тарғиб қилиш;

– аёллар, айниқса, ёш қизлар ҳамда ёш оилаларга оила ва Ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдириш,



“одобли қиз” ҳамда “маърифатли она” қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– фарзанд, айниқса, қизлар тарбияси, оилада оналар маънавиятини юксалтириш, оилаларда китобхонлик, мутолаа маданиятини тарғиб этиш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни шакллантириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;

– ёшлар ўртасида оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида бўлиш масалалари ҳамда “Оила – муқаддас” тушунчасини кенг тарғиб қилиш. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “...фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур”;

– хотин-қизларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқчил тилда тушунтириб бориш”дан иборатдир.

Қўмита раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари тегишлича Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)ларда “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини самарали ташкил этишга шахсан масъул ҳисобланади.

“Оқила аёллар” ҳаракати Республика, вилоят, туман, шаҳар ва маҳаллаларда мавжуд турли йўналишларда тарғибот ва ташвиқот ишларида ҳамкорлик фаолиятларини тизимли йўлга қўйишда маҳалла хотин-қизлар фаоллари, маънавий-маърифий ишлар бўйича “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, “Бувижонлар” мактаблари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси тизимидаги диний-маърифий масалалар бўйича тарғиботчилар, отинойилар ва бошқа турли соҳалар бўйича мутасадди вазирлик ва идора вакиллари билан

ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдалар ва самарали натижаларга эришмоқда. Шунингдек, Ҳаракат ва унинг бошланғич гуруҳлари таркибига киритилган фаол ва ташаббускор аёллар Ҳаракат томонидан “Маърифат” тарғиботчилар жамияти билан ҳамкорликда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оила ва хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш йўналишида амалга оширган ишларининг натижадорлигига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан рағбатлантириб борилади.

Бунда фаол ва ташаббускор аёллар фаолияти натижалари бўйича тегишлича Қўмита раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари тавсиясига асосан давлат мукофотлари, “Мўътабар аёл”, “Маҳалла ифтихори”, “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони ва бошқа эсдалик, кўкрак нишонлари, идоравий мукофотларга тавсия этилиши, шу жумладан, санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар берилади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 августдаги “Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларини қўллаб-қувватлаш ҳамда “Оқила аёллар” Ҳаракати аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 527-сон қарорига биноан 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб “Ўзбекистан-2030” стратегияси ижросини таъминлаш, шу жумладан, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оила ва хотин-қизлар маънавиятини янада юксалтириш, фаол ва ташаббускор аёлларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳаракатнинг фаол ва ташаббускор аъзоларини Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамиятига ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳар олти ой (ярим йиллик) якунига кўра меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида рағбатлантириш назарда тутилмоқда.



Бунда:

– республика, ҳудудий ва туман (шадар) лардаги “Окила аёллар” ҳаракати фаолиятининг натижаларини Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари йиғилишларида ҳар олти ойда (ярим йилликда) бир маротаба муҳокама қилиб, фаолият самарадорлиги натижаларига кўра юқори кўрсаткичга эришган “Окила аёллар” ҳаракатининг энг фаол ва ташаббускор аъзолари аниқланади;

– “Окила аёллар” ҳаракатининг энг фаол ва ташаббускор аъзолари (республика даражасида 10 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар даражасида 3 нафардан, туман (шаҳар)лар даражасида 2 нафардан) рағбатлантирилади.

ТАЪТИЛЛАР ва аёллар. (Ўзбекистон Республикасида) – ходимларга иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили дам олиш ва иш қобилятини тиклаш учун бериладиган вақт. Ҳар йилги меҳнат таътили – дам олиш ва ишлаш қобилятини тиклаш учун иш ўрни (лавозими) ҳамда ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ходим ишдан озод этиладиган, ходимга ҳар йили иш йили давомида бериладиган вақт давридир.

Янги Меҳнат кодексининг 213-моддасида иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар учун таътиллارнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

- ҳар йилги меҳнат таътили;
- ижтимоий таътиллар;
- иш ҳақи қисман сақланадиган таътил;
- иш ҳақи сақланмайдиган таътил.

Барча ходимлар, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлайдиган ходимлар ҳар йилги меҳнат таътиliga чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳар йилги меҳнат таътилининг турлари қуйидагилардан иборат:

- асосий меҳнат таътили (ҳар йилги асосий энг кам ёки ҳар йилги асосий узайтирилган);
- асосий энг кам ёки асосий узайтирилган таътил билан жамлаб ҳисобланадиган қўшимча меҳнат таътили.

Янги Меҳнат кодексига таътиллarga оид киритилган янгиликлардан бири – битта

ташкilotда ёки тармокда кўп йиллик иш стажига учун бериладиган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътилидир. Яъни, эндиликда ходимга у битта ташкilotда ёки тармокда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилади. Ходимларга оналик, болаларни парваришлаш, таълим олиш учун қулай шарт-шарoitлар яратиш мақсадида, шунингдек бошқа ижтимоий мақсадларда бериладиган таътиллари ижтимоий таътиллardир. Ходимлар қуйидаги ижтимоий таътиллари олиш ҳуқуқидан фойдаланади:

- ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари;
- бола парваришлаш таътили;
- ўқув таътили;
- ижодий таътиллари.

Ходимларга юқорида назарда тутилган ижтимоий таътиллари бериш ходимнинг меҳнат стажига, у бажарадиган ишнинг жойи ва хусусиятига, иш берувчининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ эмас.

Жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш имконияти назарда тутилиши ва бундай таътилни календарь йил давомидаги энг кўп давомийлиги белгиланиши мумкин. Ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш ва унинг давомийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолда меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ҳал этилади. Ходимнинг унга бундай таътил берилишига розилиги иш берувчига ёзма ариза бериш орқали билдирилади. Жамоа келишувларида ёхуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра унга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериши шарт бўлган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

Иш ҳақи сақланмайдиган таътил деганда – ходимнинг иш ўрни (лавозими) сақланиб қолган ҳолда ҳақ тўланмайдиган таътил тушунилади. Ходимнинг ёзма аризасига кўра унга иш ҳақи

сақланмайдиган таътил берилиши мумкин бўлиб, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у иш ҳақи сақланмайдиган охириги таътил берилган кундан эътиборан календарь йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ошмаслиги керак. Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, карантин чоралари амалга оширилаётган, фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда ва бутун аҳолининг ёки унинг бир қисмининг ҳаётига ёхуд нормал яшаш шароитларига таҳдид солувчи бошқа ҳолларда ходимнинг ёзма аризасига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътилни узлуксиз ёки жамланган давомийлиги кўпайтирилиши, бироқ кўпи билан олти ойгача кўпайтирилиши мумкин. Меҳнат кодексининг 228-моддаси 4-қисмида санаб ўтилган ходимларнинг тоифаси бундан мустасно бўлиб, иш берувчи таътилни уларга қулай бўлган вақтда бериши керак:

- аёлларга-ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин;
- болани парваришlash таътилидан фойдаланаётган ходимга ушбу таътидан олдин ёки кейин;
- ўн тўрт ёшга тўлмаган бир ёки ундан ортиқ нафар болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган шахсларга (ёлғиз ота-онага, шу жумладан бева аёлларга, бева эркакларга, никоҳдан ажралганларга, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига, ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларга);
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;
- 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахсларга;
- ишдан ажралмаган ҳолда таълим ташкилотларида ўқиётганларга, агар улар ўзининг ҳар йилги меҳнат таътилини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, битирув малакавий ишларини, магистрлик диссертацияларини, курс, лаборатория ишларини ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласа;
- “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга;

– жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида ёхуд бошқа ички ҳужжатларда белгиланган ҳолларда бошқа ходимларга белгиланган.

ТЕМИР ДАФТАР – ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базасидир. “Темир дафтар”га қуйидаги тоифадаги оилалар киритилади:

- ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оилалар; кам таъминланган якка-ёлғизлар ва кексалар;
- боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар;
- кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий кўмакка муҳтож оилалар;
- меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилалар;
- тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гуруҳи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);
- нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой бўлмаган эҳтиёжманд оилалар.

“Темир дафтар” Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан юритилади. “Темир дафтар”га киритилган оилаларга уларда аниқланган муаммолар характеридан келиб чиқиб, аъзоларини ишга жойлаштириш, томорқасидан даромад манбаи сифатида фойдаланишга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, оилага моддий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш каби чора-тадбирлар олиб борилади. Оилалар қуйидаги ҳолларда “Темир дафтар”дан чиқарилади:

- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда оила аъзосининг розилиги билан;
- малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;



– тўлиқ давлат таъминотига олинганда (“Меҳрибонлик”, “Саховат” ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларга ўтказилганда);

– аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;

– ёлғиз яшайдиган эҳтиёжманд фуқаро озодликдан маҳрум этилганда ёки вафот этганда;

– оила аъзосининг мурожаатига асосан;

– “Темир дафтар”га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;

– бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда.

Шунингдек, “Темир дафтар”га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган оилаларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади.

ФЕМИНИЗМ (фран. *feministe*, лот. *femina* – аёл) – аёлларни камситишлардан халос этишни тарғиб қиладиган, ҳуқуқ ва бурчларини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганадиган оқим. Феминизм Франция буржуа инқилоби даврида вужудга келган бўлиб, хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданияй соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши учун кураши, шунингдек, ижтимоий-сиёсий курашда иштирок этишини тарғиб этади. Тарихдан маълумки, аёллар ҳукмронлиги давридан эркаклар ҳукмронлиги даврига ўтиш аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини ўзгартирди, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини чеклаб, фаолиятини оила доирасига тушириб қўйди. Шу даврдан бошлаб жамият ва оилани бошқариш эркаклар қўлига ўтди, аёллар эса фарзандларни дунёга келтириш, тарбиялаш, оила бекасига айланди. Ижтимоий ҳаётда адолат, озодлик, инсон қадр-қимматини эътироф этиш ғояси аста-секин етила бошлади. Айни пайтда саноатнинг ривожланиши, урбанизация жараёнининг жадаллашуви арзон ишчи кучига эҳтиёжни кучайтирди. Натижада аёллар арзон ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришда қатнаша бошлади.

Бир томондан, озодлик ғоясининг вужудга келиши, иккинчи томондан, уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашуви ва эркаклар каби эркин яшашга ҳақли экани ҳамда жамият тараққиётига ўз улушини қўша олиш ғоясининг вужудга

келишига замин ҳозирлади. 1789 йилда француз файласуфи Ж.Кондорсе “Аёлларга фуқаролик ҳуқуқини бериш ҳақида” деб номланган мақоласини чоп эттирди ва унда аёлларнинг жамият аъзоси эканини таъкидлаб, миллатнинг бир қисми сифатида уларга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш керак, деган қарашни илгари сурди. 1791 йили Олимпия де Гуж “Фуқаролик ва аёл ҳуқуқи декларацияси”ни тайёрлади ҳамда аёлларнинг эркин фикрлаш ва ўз фикрини эркин эълон қилиш ҳуқуқига эга эканини таъкидлади. Бу декларация аёллар ҳаракатининг биринчи манифести ҳисобланади. Шунинг учун ана шу вақтдан бошлаб де Гуж ҳамда унинг тарафдорлари феминистлар, уларнинг ҳаракати эса феминизм деб атала бошлади. Ҳозирда феминизм қадим ва янги босқичларга бўлиб ўрганилади. Қадим феминизм XVIII асрда вужудга келган бўлиб, XIX аср охиригача ўз таъсирини сақлаб қолди. Бу даврда хотин-қизлар барча йирик ижтимоий ҳаракатларда иштирок эта бошлади. Францияда хотин-қизларнинг тенглик учун курашига бағишланган биринчи журнал чоп этилди. Дастлаб хотин-қизларнинг инқилобий клублари пайдо бўлди ва улар сиёсий курашларда фаол қатнашди. Бу даврдаги асосий саъй-ҳаракатлар хотин-қизларнинг оиладаги тутқунлигига қарши қаратилган бўлиб, уларнинг эркаклар билан сиёсий тенг ҳуқуққа эга бўлишига эришишга йўналтирилган эди. Бунинг учун улар маълумот олиши, эркаклар билан баробар ишлаши ва ҳақ олишини ёқлаб чиқиш талаб қилинар эди. Бунинг амалга ошириш ўта мураккаб ҳодиса бўлиб, XX асрда АҚШ Конституцияси таҳлил этилиб, унда аёлларнинг сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига эга экани эълон қилинди. Бу ҳолат феминизм ғоясининг янада кенг миқёсда тарқалишига ҳамда янги, хилма-хил феминистик оқимларнинг вужудга келишига шароит яратди. Янги феминизм аёллар тенглиги учун кураш ғоясини қадим феминизмдан мерос қилиб олиш билан бирга, ўзига хос бўлган хус-ятларга ҳам эга эди. Янги феминистик оқимнинг йўналишларини шартли равишда тўртга бўлиб ўрганиш мумкин. Булардан ташқари, консерватив ғояга эга бўлган антифеминистик йўналишлар ҳам мавжуд. Консерватив йўналиш намояндалари Зигмунд Фрейд назариясига

асосланиб, аёллар оила ва оналик вазифасини бажариши лозимлигини мутлақлаштиради ҳамда аёлларнинг камситилишини инкор қилади. Аёлларнинг жамият ва оилада юқори мавқени эгаллаши, уларнинг асосий иши – фарзанд кўриш, уни парвариш қилиш ва тарбиялаш экани эътироф этилиб, ишлаб чиқаришда қатнашиш эса уларнинг фаолият доирасига кирмайди, деган ғоя илгари сурилади. Либерал феминизм жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орқали аёллар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлигига эришиш мумкин, деган фикрни ёқлаб чиқади. Бу оқим намояндалари М.Уолтонкрафт, Г.Милль, Ж.Милль каби феминист олимларининг аёлларни тенглиги ҳақидаги назарияларига таянади ҳамда шу асосда аёлларнинг эркакларга ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий қарамлигига барҳам бериш учун аёллар билим олиши, уни доимий равишда такомиллаштириб бориши, эркинлигини таъминлаш учун имкониятларга эга бўлиши; бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат жараёнида тенг иштирок этиши; бозор шароитларига мослашув жараёнини тезлаштиришда аёлларнинг нуфузини оширадиган қонунлар қабул қилиш зарурлиги каби ғоялар ўртага ташланади. Радикал феминизм XX асрнинг 60-йилларида вужудга келган. У ўзининг кўпгина ғоялари билан либерал феминизмдан фарқ қилади. Унинг эътибор марказида аёлларнинг табиий хусусиятлари ётади. Радикал феминизм аёллар билан эркаклар тенглиги ғоясини инкор этиб, барча эзилувчиларни озод қилишни тарғиб этади. Улар қуйидаги ғояни илгари суради: аёллар қадимдан биринчи эзилувчи гуруҳни ташкил этади; аёлларни эзиш жаҳонда кенг тарқалган ижтимоий ҳодиса бўлиб, таҳқирлашнинг шафқатсиз шаклидир. Радикал феминизм нафақат жамият тизимини ўзгартиришни, балки фарзандлар тарбиясини ҳам ўзгартиришни талаб қилади. Радикал феминизм намояндалари америкалик олимлар Фиресто “Жинслар диалектикаси”, О. Брайн “Репродуктив сиёсат” номли асарларида тиббиёт, дин, урф-одатлар, зурриёт қолдириш, ирқчилик, экология ҳамда сиёсий назарияларни таҳлил қилиб, эркаклар устунлигини таъминлайдиган асосларни илмий жиҳатдан ифодалаб беришга ҳаракат қилган.

Радикал феминизм эркаклар ҳукмронлиги аёлларга зуғум ўтказиш манбаи эканини исботлайдиган оқим сифатида машҳур. Улар аёлларнинг жинсий аъзоларини стерилизация қилиш, ҳомилани сунъий йўл билан тушириш, контрацептив воситалардан фойдаланиш ҳақидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни доимий равишда назоратга олиш лозимлигини таъкидлайди. Социалистик феминизм аёлларни мустабид тузум таъйиқидан халос этишни тарғиб этадиган ва биологик омилни ҳисобга олмаган ҳолда уларнинг мавқеини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганадиган оқим. Бу назария собиқ совет даврида амалга оширилиши натижасида минтакаларда умумий саводхонлик, ўрта ва олий таълим бўйича маълумот даражаси ортди (хотин-қизлар орасида ҳам), тиббий хизмат ва ижтимоий ёрдам тармоғи ривожланди, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги (сиёсий тенглик, бир хил меҳнат қилиш, бир хил маош олиш каби) қонун билан мустаҳкамланди. Совет ҳукумати хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда юқори даражада иштирок этишини таъминлади, натижада, улар учун уйдан ташқарида эркаклар билан баробар ишлаш имконияти, яъни аёллар учун муҳит яратилди, аммо уй-рўзғор ишларининг оғир юки аёллар зиммасида қолаверди.

Аслида расмий ҳуқуқ тенглиги билан яширинган имкониятларнинг реал тенгсизлиги бугунги кунда ҳам мавжудлиги, айрим олима, сиёсатчи, санъаткор аёлларнинг эришган ютуқларига қарамай, хотин-қизларнинг камситилиши ҳозир ҳам давом этаётганини кўпчилик тан олишни истамайди. Мустақиллик шароитида юртимизда аёлларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани қўллаб-қувватлаш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида тўпланган халқаро тажрибалардан фойдаланиб, тегишли миллий дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ. Ўзбекистонда аёлларнинг меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб



берилган. Қонунчиликда ҳомиладор ёки бола парваришида бўлган аёллар учун алоҳида имтиёз ва шароитлар назарда тутилади. Хусусан, 3 ёшга тўлмаган боланинг бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига) ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақти давомийлиги белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар кунги тўлиқ иш давомийлигида ишлайдиган ходимлар учун белгиланган миқдорда амалга оширилади.

Ҳомиладор аёллар, 14 тўрт ёшга тўлмаган боланинг (16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бири (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) фақат ўз ёзма розилиги билан тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиниши, шунингдек хизмат сафарига юборилиши мумкин. Бунда иш берувчи мазкур ходимларни тунги ишлардан, иш вақтидан ташқари ишлардан, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишлардан ёки хизмат сафаридан воз кечиш борасидаги ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш ҳомиладор аёлнинг ҳамда боланинг ҳаётига ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

– Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

– Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар

аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

Аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 етмиш календарь кун) ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилади ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

– Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда нафақа тўланади.

Аёлнинг хоҳишига кўра боласи 3 ёшга тўлгунга қадар ҳам иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил берилиши мумкин.

– Болани парваришlash учун бериладиган таътиллardan боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришlaётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

– Аёл ёки бола парвариши таътилидаги шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

– Болани парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 6 йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

– Болани парваришlash таътилларининг вақти, башарти жамoa шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришlash таътилидан кейин берилади.

– 14 ёшга тўлмаган битта ва ундан ортик болани (16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз отага, ёлғиз онага (бева эркакларга, бева аёлларга, никоҳдан ажрашганларга, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик меҳнат таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, улар учун қулай бўлган вақтда берилади.

– 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортик боланинг ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида 4 календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

– 12 ёшга тўлмаган икки нафар ва ундан ортик боланинг ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга), уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили иш ҳақи сақланмаган ҳолда давомийлиги камида 14 календарь кун бўлган таътил берилади.

ҲИМОЯ ОРДЕРИ – тазйик ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйик ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат. Ҳимоя ордери тазйик ва зўравонликдан жабрланувчига берилади. Тазйик ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилади. Ҳимоя ордерини берган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади.

Тазйик ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ҳимоя ордерида қуйидагилар кўрсатилади:

– у расмийлаштирилган сана ва жой;

– уни расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

– тазйик ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйик ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, касби ҳамда яшаш жойи;

– Қонунда назарда тутилган чекловларнинг рўйхати;

– тазйик ва зўравонликдан жабрланувчининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги, тазйик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлиги ҳақидаги маълумот.

Ҳимоя ордерида қуйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

– тазйик ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;

– тазйик ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазйик ва зўравонликдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазйик ва зўравонликдан жабрланувчининг тазйик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);

– тазйик ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазйик ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

– тазйик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазйик ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклатиш;

– тазйик ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуроли (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш.



Ҳимоя ордери зўрловчи ва жабрланувчи ўртасидаги алоқани ва бир хонада бўлишни тақиқлашни назарда тутди. Ҳимоя ордери мувофиқ серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритиладиган, фақатгина тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан белгиланган чекловларни қайд этиш бўйича ҳужжат ҳисобланади.

Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади.

Ҳимоя ордерини бериш тартиби шундан иборатки, хабар берилганидан сўнг профилактика инспектори воқеа жойига зудлик билан бориб, ҳужжатларни расмийлаштиради ва [жабрланувчига] ҳимоя ордерини беради.

Бунда, тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг муурожаати; жисмоний ёки юридик шахсларнинг

хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар; тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши; давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар – ҳимоя ордерини бериш учун асос ҳисобланади.

Ҳимоя ордери 30 кунга берилади. Агар бу муддат ичида хавф бартараф етилмаса, жабрланувчининг аризасига биноан ордер кўпи билан яна бир ойга узайтирилади.

Профилактика ва назорат ишларига меҳнат органлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш идоралари, Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам жалб этилади.



АЁЛЛАР – МАЪНАВИЯТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА

АДАБИЁТ (араб. одоблар йиғиндиси) – умуминсоний маънавиятнинг таркибий қисми, адабий фаолият натижаси, жамият ҳаёти ва унинг такомиллашувида муҳим аҳамият касб этадиган ижод соҳаси. Адабиёт икки маънода қўлланади: 1) кенг маънода – барча китоб турлари, газета ва журналларга нисбатан; 2) тор маънода – бадиий адабиёт, турли жанрдаги бадиий асарлар мажмуи. Бадиий адабиёт кишилиқ тараққиётининг маълум бир босқичида юзага келган бўлиб, дастлаб оғзаки ижод намунаси сифатида яратилиб, тилдан-тилга ўтиб, бойиб, сайқалланиб борган. Оғзаки адабиёт, хусусан, мифлар, дostonлар, эртақлар, афсоналар, мақоллар, аллалар, марсиялар, мақоллар, лапарларнинг авлодлардан аждодларга олиб ўтувчилар асосан аёллар бўлиб, бу анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Халқ оғзаки адабиётининг муаллифлари асосан аёллардир. Ибтидоий даврдаёқ, овчи оталар, акаларнинг қаҳрамонликлари аёллар томонидан мадҳ этилиб, бадиийлаштирилиб ва бўрттирилиб илк миф, асотир, афсона ва улар асосида дostonлар пайдо бўлган. Шунингдек, халқ кўшиқлари ҳам асосан аёллар томонидан ижод қилиниб, улар бу асарларда ўз дарду сирлари, орзу-истаклари, ички туйғуларини ифода этганлар. Баъзида бундай асарлар яралишида мавжуд ижтимоий муҳит ёки ижтимоий-сиёсий жараёнлар, замон руҳи акс этган. Масалан, “Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига” деб бошланадиган халқ кўшиғини олайлик. Кўшиқ тарихи аниқ фактик воқеаларга асосланган, ўз давридаги сиёсий-ижтимоий ҳолатнинг аччиқ маҳсули ҳисобланади.

Ёзув пайдо бўлиб, одамларда ёзма нутқ, ёзув маданияти ривожланиши билан ёзма бадиий адабиёт ҳам шакллана бошлади. Бадиий адабиёт ҳар қайси халқ маънавиятини аждодлардан

авлодларга олиб ўтадиган асосий воситалардан биридир. Ўзбек адабиёти ривожда шоира, адиба ва драматург аёлларимизнинг ўрни беқиёс. Хусусан, Моҳларойим – Нодира, Увайсий, Зебуннисо, Дилшоди-Барно, Гулбаданбегим каби ғазалнавис шоира ва ижодкор аёлларимиз тарих саҳнида аёллар миллий маърифатини юксалтиришга юксак ҳисса қўшганлар. Севимли ўзбек шоираси Зулфия (Исроилова) Ўзбекистон Халқ шоираси бўлиши билан бирга, ўзининг тинчлик ғоялари баралла уфурган асарлари, “Она қалби оёққа турса, Ўғлим, сира бўлмайдир уруш!” каби оташнафас чиқишлари билан халқаро мукофотларга ҳам сазовор бўлган ўзбек аёлдир. Ўзбекистон халқ шоиралари Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Энахон Сиддиқова, Турсуной Содикова, Марҳабо Каримова асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Бугунги кунда ҳам Фарида Афрўз, Зулфия Мўминова, Зебо Мирзаева, Ҳалима Аҳмедова, Шарифа Салимова, Мунаввара Усмонова, Гулжамол Асқарова, Санобар Меҳмон, Фароғат Худойкулова, Шахло Аҳророва, Хосият Рустомова, Хосият Бобомуродова, Шаҳодат Исахонова, Зулфия Қуролбой қизи сингари кўплаб шоира ва адибаларимиз асарлари асосида кўшиқлар ва фильмлар яратилган, улар нафақат мамлакатимизда, балки кўплаб тилларга таржима бўлиб, қардош халқлар томонидан ҳам севиб ўқиб келинмоқда.

АЁЛЛАР (АНЪАНАВИЙ) АНСАМБЛЛАРИ – хотин-қизлардан ташкил топган ашуларакс ёки ашула-чолғу ансамбллари; қадимдан ўзбек миллий мусиқа ижрочилиги ривожига жараёнида юзага келган. Одатда 3–4 аёл хонанда, созанда ва раққосаларни бирлаштиради. Репертуари ўзбек халқи мусиқа меросининг бой анъаналари ва хусусан маҳаллий мусиқий услуб



(шева)ларга таянган. Бундай ансамбллар турли воҳаларга хос ижрочилар – яллачи (Фарғона водийси), созанда (Бухоро), халфа (Хоразм) ва ҳ.к. номлар билан ҳам юритилган. Аёллар (анъанавий) ансамбли одатда тўй ва бошқа маросимлар, турли хил сайилларда ўз қўшиқ-раксларини омма ўртасида ижро этиб келган. Ўзбекистонда аёлларнинг профессионал ва ҳаваскорлик тарзидаги замонавий ансамбллардан ташқари, давлат профессионал (дурторчи қизлар, гармончи қизлар ва бошқа), ҳаваскор фольклор (“Ёр-ёр” – Наманган, “Нозанин” – Бухоро, “Тулёр” – Тошкент вилояти, “Қувасой ёр-ёри”, “Онахонлар” – Фарғона, “Омон ёр” – Қўқон ва б.) ансамбллари мавжуд. Аёллар фольклор жамоа ансамбллари ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бугунги кунда бундай жамоалар республикаимизнинг деярли барча ҳудудларида ташкил топган бўлиб, халқ қўшиқ ва термалари билан бирга миллий қадриятларимизни ҳам тарғиб қилиб келишмоқда.

АЁЛЛАР ҚИЗИҚЧИЛИГИ (ТЕАТРИ) – ўзбек хотин-қизлари орасида тарқалган халқ оғзаки санъатининг бир тури. XVIII-XIX асрларда хотин-қизлар орасида кенг тарқалган. Масалан, 19-асрда Қўқонда Иқлим додҳо деган санъаткор раҳбарлигида аёл қизиқчилар тўдаси бўлган. Уларнинг репертуари турли хил қизиқчилик, кулгили ҳикоялар, ҳажвий қўшиқлар, рақс ва яллалардан ташкил топган. Кейинги даврда ҳам аёллар қизиқчилиги (театри) ва унинг анъаналари давом этиб келди. Ушбу театр тузилиши, мазмуни, бадиий воситалари билан эркак масҳарабоз ва қизиқчилар томошаларига яқин туради. Фарқи шундаки, бундай театрда ижодкор ҳам, ижрочи ҳам, томошабин ҳам аёллар. Эркаклар ролини ҳам аёллар ўйнаган. Аёллардан кўплаб таниқли масҳарабоз ва қизиқчилар чиққан: ғўслик (Самарқанд вилояти, Ургут тумани) Қурсия Рустамова, Рўзи Шойимова; чопиқлик (Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани) Хонгул Олимова, Басгул Қудратова; кибрайлик (Тошкент вилояти, Қибрай тумани) Саломат Муталова, Адолат Турсунова; жалакудуклик (Андижон вилояти) Сожида Ниёзматова, Соттихон Ашурова, Адолат Ботинова ва

бошқалар. Улар кўрсатган айрим томошаларда ижтимоий масалалар ҳам кўтарилган. Бош мавзу эса, хотин-қизларнинг кундалик ҳаёти, ўй-фикри, орзу-истаги, тақдиридир. “Ўсма қўйиш”, “Кундошлик”, “Подачи”, “Гунг”, “Малла девона” каби асарларда аёлларнинг ўтмишдаги оғир меҳнати ва аянчли қисмати тасвирланса, “Замбур”, “Домла эшон”, “Лой совун” ҳажвияларида амалдор ва фирибгарлар фош этилади. Кейинги даврда яратилган аёллар қизиқчилиги (театри) асарлари асосини ахлоқ, турмуш, оила ва тарбия мавзудаги томошалар ташкил этди.

АЗОН (араб. – намозга чақириш) – 1) Ислом динида ҳар куни ўқиладиган 5 маҳал намозга муаззин (азон айтувчи) томонидан чақирилувчи даъват. Азон намоз учун буюрилган суннат ҳисобланади. Муаззиннинг айтган азони намоз вақти бўлганини билдиради. Азон баланд овоз билан ўзига хос оҳанг ила айтилади. Азон 622–623 йилларда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан жорий этилган. Азон сўзлари икки саҳоба – Абдуллоҳ ибн Зайд ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга тушларида билдирилган. Биринчи муаззин Билол розияллоҳу анҳу бўлганлар. 2) Исломда янги туғилган чақалоқнинг қулоғига азон айтиш одати ҳам бор. Бунда аввал махсус дуо ўқилиб, сўнг оҳиста товушда боланинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтилади. Бу одат гўдакнинг покиза шуурига Аллоҳ таолонинг номини муҳрлаш мазмунида талкин этилган.

АМРИ МАЪРУФ – (арабча. – яхшиликка буюриш). Тўла шаклда “Ал-амр би-л-маъруф ва наҳй анил-мункар” (яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш) деб аталади.

Бунга кўра, ҳар бир мусулмон учун бир-бирларини ҳалоллик ва пок ахлоққа чақириши мажбурий (вожиб) деб ҳисобланган. Оддий халқ тилида “насиҳат қилиш” маъносида ҳам ишлатилади. Ҳозирги вақтда бизнинг урфимизда “Амри маъруф” сифатида кўпроқ аҳоли ичида фарзанд кўриш, тўй, маърака каби тадбирлар муносабати билан ўтказиладиган “худойи” маросимларида диний уламоларнинг яхшиликка чақирувчи мавзулардаги маърузалари тушунилади.



АЛЛА – 1) болани ухлатиш жараёнида яккахонлик услубида айтиладиган қўшиқ. Ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида алла номи билан юритилади. Одатда, оддий куйлар билан, баъзида речитатив тарзда, бешик ёки беланчакни тебратиш суръатига мос равишда ижро этилади. Матни асосан тўртлик; ижро услуби эркин, бадиҳагўй. Алла онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилакларини англатиш билан бирга рухий кечинмаларини ҳам ифодалайди. Шу боис баъзи алла намуналари йиғи оҳангларига яқин бўлади; 2) бешик тўйи жараёнида бешикни олиб кираётган аёллар томонидан айтиладиган қўшиқ. Ижро хусусиятлари байрамона маросим кайфиятига мос; тантанавор доира усули жўрлигида куйланиши мумкин; 3) Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида Алла номи билан айтиладиган маросим қўшиқлари бор. Мас, Бухоро вилояти Олот ва Қорақўл туманлари ҳамда Хоразмда дафн маросими жараёнида навбат билан аёллар (ёки махсус қақирилган аллачи гўянда, халфа) томонидан бадиҳа услубида айтиладиган қўшиқ ва бошқалар. Айрим тахминларга кўра, алла номи “Аллоҳ” сўзидан келиб чиқиб, Яратгандан чақалоқни ўз паноҳида асрашни илтижо қилишга нисбат билан боғлиқ. Анъанавий алла хусусиятларидан ўзбек бастакорлари (Т. Жалилов, Ю. Ражабий, Ф. Содиков) ва композиторлари (А. Муҳамедов, И. Акбаров, С. Юдаков) ижодий фойдаланишган. Юртимизда мархум санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова томонидан ижро этилган “Алла айтай жоним болам, кулоқ солгин, алла, Ширин аллам тинглаб аста ухлаб қолгин, алла. Юзларингга томган сувга ҳайрон бўлма, алла-ё, Бахтимга сен катта бўлгин, хазон бўлма, алла” деб бошланувчи алла қўшиғи жуда машҳур. Бундан ташқари, алла ижросида ҳар бир вилоятнинг ўзига хос услублари, айтимлари мавжуд. Шу боис, мамлакатимизда алла конкурслари ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар тез-тез ўтказилиб келинади.

АЛЛОҲ ТАОЛО (арабча – ягона илоҳ, илоҳий куч, худо) – Ислом динида олий илоҳий куч, Худонинг исми. Аллоҳ, Худо сўзларига одатда юксак сифат қўшилиб, Аллоҳ таоло,

Худойи таоло шаклида айтилади. Таоло – улуғ, олий деган маънони билдиради. Худонинг қайси сифати тилга олинаётганига қараб, бошқа сифатлар ҳам қўшилади: Ҳақ таоло, Аллоҳи Карим, Парвардигори олам...

Аллоҳ таолонинг Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда қайд этилган номлари 99 тадир. Тилимизда энг кўп қўлланувчилари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: ар-Раҳмон – ўта меҳрибон; ар-Раҳим – жуда раҳмли; ал-Малик – подшоҳ; ал-Қуддус – ҳар қандай нуқсондан холи; ас-Салом – офат ва балолардан саломат; ал-Муъмин – омонлик берувчи; ал-Азиз – иззат ва қудрат соҳиби; ал-Ҳолик – яратувчи, халқ этувчи; ал-Ғаффор – кечиргувчи; ар-Раззоқ – ризқ берувчи; ал-Фаттоҳ – қўплаб нарсаларни очувчи; ал-Қаҳҳор – ғолиб; ал-Алийм – билувчи, доно, илм соҳиби; ал-Азийм – ўта улуғ, азаматининг чеки йўқ; ал-Карим – карамли, саховатли, кечиримли; ал-Ғаний – бой, эҳтиёжсиз; ал-Ҳақ – ўзгармас, собит зот; ал-Ҳайй – ҳамиша барҳаёт; ал-Воҳид – ягона; ас-Сомад – ҳожатбарор; ал-Қодир – қудратли; ал-Ҳодий – хидоят қилувчи; ар-Рашид – барча иш ва тадбирлари тўғри чиқувчи; ал-Ҳофиз – сақлагувчи... Аллоҳнинг мазкур ва бошқа исмларига абду, яъни қул сўзи қўшилиб, киши отлари ясалади: Абдурраҳмон – ўта меҳрибон Аллоҳнинг қули; Абдурраҳим – жуда раҳмли Аллоҳнинг қули; Абдулқуддус – ҳар қандай нуқсондан холи Аллоҳнинг қули; Абдулкарим – карамли, саховатли, кечиримли Аллоҳнинг қули; Абдулғани – бой, эҳтиёжсиз Аллоҳнинг қули; Абдулалим – билувчи, доно, илм соҳиби бўлган Аллоҳнинг қули ва ҳоказо. Фарзандларга бундай исмлар қўйилар экан, уларда шундай улуғ фазилатлар бўлсин, деб ният қилинади. Аллоҳнинг сифатлари инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Аллоҳни кўрувчи, эшитувчи, билувчи деймиз, лекин Унинг сифатлари биз махлуқларники каби эмас. Одам яқинни кўради, яқиндаги товушни эшитади, маълум миқдордаги билимга эга бўлади. Аллоҳ таолога эса узоқ-яқин масофаларнинг барчаси баробар.

У биз ҳали айтиб улгурмаган дилимиздаги гапларни ҳам билади ва эшитади. Одатда, кўпгина маълумотлар одамнинг ёдидан кўтарилиб кетади. Аллоҳ эса бирорта катта ёки кичик воқеани унутмайди.



Унинг учун бир сония ҳам, миллион йил ҳам баробар. Унинг илми ўзгариб ёки камайиб қолмайди. Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари тўғрисида чуқур баҳс юритиш шаръан ман этилади. Чунки Унинг ҳамма сифатлари ўзига хос хусусиятга эга. Уларни билиб, моҳиятига етишга инсон ақли ожизлик қилади. Шунинг учун Унинг биру борлигига чин иймон келтириб, ожиз ақлни Унинг зоти жалолли ҳақида кўп ўйлаб чарчатишга ҳожат йўқ. Сўфи Оллоёр айтганларидек: “Фаришталар, набийлар етмадилар, “Бўйин сундилар-у, фикр етмадилар”. Аллоҳ таоло бирор инсонни иймонли бўлишга ёки кофир бўлишга мажбур қилмайди, балки унга ақл, идрок, ихтиёр бериб қўйганки, хоҳласа, ўз ихтиёри билан шариат тақлифларини қабул этиб, савобли ишлар қилган ҳолда иймонли бўлиб ҳаёт кечиради, истаса, иймонсиз яшайди, гуноҳларга қўл уради. Аллоҳ таоло бирор нарсага ўхшамайди ва бирор нарса ҳам Аллоҳга ўхшамайди. Аллоҳ ҳамма жойда ҳозирдир, аммо Ўзи бемакондир, Маскан, манзил, макон ва жой махлуқларга, яъни яратилган нарсаларга, жумладан, одамларга ҳосдир. Аллоҳ таолога вақт, замон ҳам дахлсиздир. Аллоҳ фалон вақтдан бери бор ва фалон вақтгача мавжуд, дейилмайди. У ибтидосиз ва интиҳосиздир. Туғилиш они, яшаш муддати ва ўлим махлуқлар, жумладан, одамларга ҳосдир. Кишининг кўзи билан кўра олмагани боис Уни инкор қилиши ва биру борлигига шак келтириши ақлсизлик ва шаккокликдир. Чунки биз дунёда кўп нарсаларни кўрмаймиз, лекин борлигига шак ҳам келтирмаймиз. Масалан, жон, ҳаво, электр токи ва шу кабиларни кўрмасак-да, белги ва аломатларидан борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Аллоҳ таолони ҳам кўз билан кўролмасак-да, беҳисоб аломатларидан билиб, Унга иймон келтирамиз. Еру осмон, ой ва қуёш, тун ва кун, қиш ва ёз, наботот, ҳайвонот ва инсоният олами – буларнинг барчасини Аллоҳ таоло яратганини уларнинг ўзи исботлаб турибди. Фақат уларни идрок этиш учун ибрат кўзи ва иймон нури керак.

АНЪАНА – ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган

ва такрорланиш хусусиятига эга бўлган моддий ва маънавий қадрият. Миллий, маданий, маиший, ижтимоий-сиёсий, диний ва бошқа анъаналар бор. Улар халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади. Одамларнинг турмуш тарзи, моддий шароитлари турли анъаналарнинг шаклланишига таъсир қилади. Муайян ижтимоий тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одат, маросим ва бошқа анъана сифатида намоён бўлади. Анъаналарни:

- а) ижтимоий-тарихий ҳодиса;
- б) жамият ҳаётидаги жараёнларнинг таркибий қисми;
- в) кишилар ҳаёти ва фаолиятини белгилаш мезони;
- г) жамият ва одамларни бошқаришнинг маънавий омилларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин.

Улар ёшларни тарбиялаш, уларни кекса авлод тажрибаларига ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз анъаналари бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзилари йўқолади, янгилари вужудга келади. Шунингдек, бир замоннинг анъаналари иккинчи замонга мос келмаслиги мумкин. Давр талабига жавоб бермайдиганлари унутилади. Ҳар бир халқнинг анъаналарида ўша халқнинг турмуш тарзи, маданий камолот даражаси, миллий онг ва қиёфаси ҳам акс этади. Бир ҳудуд аҳолиси ёки халқига хос анъаналарга ҳар хил мафкуравий, партиявий нуқтаи назардан ёндашиш, бошқа ҳудуд ёки халқ нуқтаи назаридан баҳолаш нотўғри. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг собиқ шўролар тузумида жорий этилган анъанавий байрам ва тантанали кунларнинг кўплари ўз аҳамиятини йўқотди. Ўзбек халқининг қадимдан таркиб топган, ҳозир ҳам кенг амал қилинадиган анъаналари бор. Ўзбекистонда Наврўз, Мустақиллик куни, Конституция куни, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити ва бошқа халқ байрамлари яхши анъаналар сифатида ҳаётга сингиб кетди. Шунингдек, аёлларимиз томонидан кўплаб миллий ва оилавий анъаналар давом эттирилиб, фарзандлар тарбиясига сингдирилиб келинмоқда. Булар жумласига кексаларга ҳурмат, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй билан оқибатли, яқин алоқада бўлиш, эл-юртга садоқат, ҳашар, меҳмондўстлик, нонни эъзозлаш ва б. киради.



АССАЛОМУ АЛАЙКУМ (арабча – сизга тинчлик, саломатлик бўлсин) – мусулмонлар ўзаро учрашганда ишлатиладиган саломлашув ибораси. Салом қабул қилувчи “Ва алайкум ассалом” (“Сизга ҳам тинчлик, саломатлик бўлсин”), деб жавоб қайтаради. Ассалому алайкум, таниган ва танимаган мусулмонларга берилади. Кичик ёшдагилар ёши улугларга, улов минган одам пиёдага, пиёда кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради. Ушбу калом кўпчилик ҳузурига кириб ўтиришда ҳам айтилади. Уни киши эшитадиган қилиб мулойим тарзда айтиш лозим. Бу калом ўзаро муомала-муносабатнинг боши бўлиб, ўзига хос илиқлик, самимият, очик кўнгилчилик бахш этади. Ассалому алайкумни ошкора айтиш кишилар ўртасида муҳаббат пайдо этиб, ўртадаги гина-кудуратларни кетказди. Ўзидан катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат юзасидан салом-алик қилиш кишиларимиз учун ахлоқий мезон бўлиб қолган. Ассалому алайкум дейиш суннат, жавоб қайтариш эса вожибдир.

АТЕИЗМ (يونونча – инкор қўшимчаси, theos – Худо; Худони, динни инкор этиш) – илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш. Бизда у қадимдан “дахрийлик”, “худосизлик” каби атамалар билан юритиб келинган. Жамиятда Худо ва илоҳий кучларга ишонч пайдо бўла бошлаган даврлардаёқ айни пайтда бундай ҳақиқатларга ишончсизлик ҳам шаклланган.

Атеизм илк худосизлик тасаввурлари пайдо бўлган қадимги даврлардан ҳозирги кунгача бир неча босқични босиб ўтган. Ҳатто тасаввурлар туфайли кейинчалик дунёвийлик ҳам атеизм деб қараладиган бўлиб, мутлақлаштирила бошланди. XX асрда большевиклар марксистик атеизм асосида диндан холи жамият барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Марксистик атеизм Ўзбекистонда ҳам қанчадан-қанча фожиаларга сабаб бўлди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида республикада “Худосизлар” номи билан ўзб. тилида журнал нашр этилди. Араб алифбоси бекор қилинган, минглаб китоблар ёқиб, кўмиб ташланди, юзлаб масжид ва мадрасалар ёпилди, вайрон қилинди, араб тили ҳамда Ислом тарихининг билимдонлари, руҳонийлар, ҳатто оддий

мусулмон одамлар ҳам қаттиқ таъқиб ва қувғин остига олинди. Тошкент шаҳрида бутуниттифок Илмий атеизм институтининг республикалараро филиали очилди (1981). Тоталитар тузум қулагач, “илмий атеизм” фан сифатида бутунлай йўқ бўлди. Ер юзидида майда диний фирқалар кўпайган ва динни қурол қилиб олган экстремизм авж олган бугунги кунда атеизмни ўзига муайян эътиқод сифатида қарашга уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Кўпгина халқаро ҳужжатларда, жумладан, Инсон ҳуқуқлари декларациясида: “Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир” деб ёзилган. Замонавий демократик жамиятларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам фуқаролар учун ҳақиқий виждон эркинлиги ҳуқуқи, яъни хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик конституциявий асосда қафолатланган.

АТЛАС (арабча – текис, силлиқ) – танда арқоқ ипи ҳам табиий ипакдан тўқиладиган бир юзлама силлиқ мато. Ипи абрбанди усулида бўяб безатилади. Алоҳида ишлов бериб атласга жило берилади, шунга кўра у товланиб туради. Илгари мато юзига кудунг урилган, ҳозирги кунда атлас иссиқ сатҳли барабан – каландрдан ўтказилади. Ўзбек атласлари ранг-баранг нафис гулларга бой, бу гуллар бир-бири билан уйғунлашиб, матода яхлит гўзал бир нақшни ҳосил қилади. Атласнинг табиий ипакдан тўқилган энг аъло нави саккиз тепкили хонатлас деб аталади. Хонатласнинг барча сири унинг тузилиши ва тўқилиш усулидадир. Унинг тўқилиш жараёни: тўрт тепкили атлас тўрт тепкили дастгоҳда, саккиз тепкили атлас саккиз тепкили дастгоҳда тўқилади. Таидага гулалар танданинг ҳар саккиз нахи тўқилишда устма-уст келадиган қилиб кўтарилади, нахлар тепкиларга мувофиқлаштирилиб, гулалар ўйнағичларга уланади. Тепки босилганда гуланинг бири пастга тортилиб, устма-уст ётган нахлардан бирининг коми очилади ва орасидан биринчи арқоқ ипи ўтади, иккинчи тепки босилса, иккинчи коми очилиб, иккинчи арқоқ ипи ўтади. Шу тариқа саккиз нах орасига саккиз арқоқ ипи устма-уст тушиб, танда ипи матонинг устига томон



жойлана бориб тўқима бир юзламага айланади. Қадимда атласлар дастаки дастгоҳ (қўл дўкон) ларда тўқилган. Ҳозир дастаки дастгоҳларда ҳам, механик дастгоҳлар (тўқув станоклари) да ҳам тўқилади. Механик дастгоҳларни Электр двигатель ҳаракатлантиради. Ўтмишда Атласнинг бир кийимлиги яхлит ҳолда ҳам, икки бўлакка бўлиб ҳам сотилган. Икки бўлакка бўлинган атласнинг ҳар бир бўлаги бир тоқа атлас, иккала тоқаси (бир кийимлиги) бир жўра атлас деб номланган. Атласни тоқа-жўра қилиш 1930 й.ларда урфдан қолди. Атлас тўқиш Марғилонда жуда қадимдан ривожланган, бошқа жойларга шу ердан тарқалган. XX аср бошларида бу ерда юзлаб атлас тўқувчи қосиблар бўлган, 20-йилларда улар 4 та саноат артелларига уюшган. 1963 йилда бу артеллар бирлаштирилиб, йирик корхона – “Атлас” фирмасига айлантирилди. 1976 йилдан Марғилон Атлас ишлаб чиқариш бирлашмаси, атлас тўқиш тўқиш, айниқса, Наманган (Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси), Хўжандда, шунингдек, Андижон, Қўқон, Самарқанд шаҳарларида ривож топган. Атласдан аёллар либослари, кўрпа, кўрпачалар, эркаклар қийиғи ва бошқа буюмлар тайёрланади. Энг машҳур атласлар: “Қора атлас”, “Барги карам”, “Чақирим”, “Яхудий нусха”, “Номозшомгул”, “Шахмат”, “Қора кўзим” ва б. Ўзбекистон атласлари республика ҳудудидан ташқари – хорижий мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда. 1967 йилда Монреал (Канада)да ўтказилган Халқаро кўргазмада, 1978 йилда Югославиянинг Загреб шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро ярмаркада хонатлас Олтин медаль билан мукофотланди. Тошкент Моделлар уйида хонатласдан тўқилган тайёр кийимлар 1970 йилда Япония (Осака)да, 1987 йилда Будапешт кузги ярмаркасида, 1988 йилда Бағдодда, 1989 йилда Ҳиндистон (Дехли) да бўлиб ўтган Халқаро ярмаркаларда, АҚШнинг Вашингтон (1998) ва Чикаго (1999) штатларида хусусий йиғимлардаги ўзбек атласлари намоиш этилди. Атлас – ўзбек хотин-қизларининг севимли матоси сифатида ҳеч қачон қадрини йўқотмаган, бугунги кунда ушбу мато билан уйғунлаштирилган ҳолда тикилган либосларни бошқа миллат, хусусан ғарб аёллари устида ҳам кўришимиз – миллий матомизнинг қадри янада ошиб бораётганини кўрсатади.

АХЛОҚ – кишиларнинг бир-бирларига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи. Ҳуқуқдан фарқли равишда ахлоқ талабларини бажариш-бажармаслик маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, қилинган ишни маъқуллаш ёки қоралаш) билан белгиланади. Ахлоқни этика фани ўрганади. Ахлоқ тарбияси эса оилада шаклланади. Оилавий ахлоқ ижтимоий ахлоққа асос бўлади. **Ахлоқий маданият** – жамиятдаги ахлоқнинг юксаклик даражасини, фуқароларнинг ахлоқий савиясини акс эттирувчи тушунча. У шахснинг жамиятдаги асосий ахлоқ меъёрларини эгаллаши ва ўзгалар билан шу асосда муносабатда бўлиши, ўзини ахлоқий томондан мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Ахлоқий ақидаларнинг энг муҳим омилларидан бири – муомала одоби. Инсонлар бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, ўзаро таъсир кўрсатмасдан яшаши мумкин эмас. Бинобарин, мулоқот, муомала инсон учун асосий эҳтиёж, зарурат. Муомала одоби ўзгалар кадр-қимматини, ҳурматини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий-меъёрий талабларни бажаришни тақозо этади. Маъноли ва раво сўзлаш, суҳбатдошни тинглай билиш, нутқ маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Муомала одобиди мулоқотнинг асосий воситаси бўлмиш тил катта аҳамиятга эга. Халқимизда “Сиз” ҳам, “сен” ҳам бир оғиздан чиқади” деган доно нақл бор. Шу боис мулоқот пайтида суҳбатдошга ҳурмат ифодаси сифатида ҳар бир сўзни суҳбатдошининг кўнглига, қизиқиши ва кайфиятига қараб, ёшини касбу кори, ижтимоий ҳамда оилавий аҳволини эътиборга олиб, ҳурматини жойига қўйиб гапириш, мулоқот жараёнида ўринсиз ҳаракатларга йўл қўймаслик лозим.

Муомала одобиди кишининг кўз-қараши, нигоҳи, сўзсиз (новербал) ҳаракатлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Маълумки, одамнинг қарашида, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Шу маънода, муомала одобиди кишиларнинг насиҳат қилмасдан, одоб ўргатмасдан бир-бирига таъсир кўрсатиши ҳам



диққатга сазовордир. Ахлоқий етуклик муомала одобини эгаллашдан бошланади. Ахлоқий маданиятнинг ўзига хос муносабатлар ифодаси – этикетдир. Ахлоқий маданият муайян ҳолат учун фақат бир хилдаги қоидалаштирилган хатти-ҳаракатларни тақозо этади.

Ахлоқий маданиятнинг қамрови шу қадар кенги, у оддий инсоний муносабатлардан халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларгача ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик ахлоқий маданияти, мезбон этикети ва ҳоказо. Ахлоқий маданиятнинг замонавий кўринишлари билан бирга, миллий-анъанавий шакллари ҳам бор, уларсиз ҳар қайси халқ ҳаётини тасаввур қилиш қийин. Масалан, саломлашиш одобини олиб кўрайлик. Ахлоқий маданият қонунларига кўра, кўчадан ўтиб кетаётган одам гузарда ёки дарвозасининг олдида турган кишиларга салом бериши, бу аснода ўнг қўл чап кўкракда, юракнинг устида туриши, бош эса таъзимга енгил эгилиши лозим. Кўришиш маданиятида эса қўлнинг учини бериб саломлашиш кўришаётган одамга нисбатан одобсизлик ва менсимасликни билдиради. Ахлоқий маданиятнинг яна бир жиҳати бор: унда одоб билан гўзалликнинг уйғунлигини кўришимиз мумкин. Яъни, Ахлоқий маданият орқали одобнинг қатъий қонун-қоидалари чиройли хатти-ҳаракатлар воситасида амалга оширилади.

Касбий одоб ахлоқий маданиятнинг юксак шаклларида бўлиб, унинг жамият ҳаётидаги ўрни бекиёсдир. Муаллимлик одоби, санъаткор одоби, журналист одоби, раҳбар одоби сингари касбий одоб турлари бунга мисол бўла олади. Касбий одоб амалий ахлоқ тарзида намоён бўладиган маънавий ҳодисадир. Ўзбек ахлоқий маданияти миллий менталитет билан узвий боғлиқ. Фарзандлар тарбияси ва шахсий намуна воситасида, қолаверса мавжуд миллий-ижтимоий муҳит кўмагида ахлоқий маданият шаклланади. Элимизда азалдан қизлар ахлоқий маданиятига ҳам, йигитлар ахлоқий маданиятига ҳам алоҳида эътибор бериб келинган.

Ахлоқий тарбия – жамият маънавий ҳаётидаги муҳим ижтимоий ҳодиса бўлиб, одоб-ахлоқ тизимини, ахлоқий фазилятларни замон талаблари асосида ҳар қайси авлод

онига синдириш шакли. Ахлоқий тарбия адабиёт, психология, этика ва эстетика фанлари ўрганадиган илмий категориядир. Ахлоқий тарбия деганда ўсиб келаётган авлодда ҳулқ-одоб меъёрларига мос келадиган, замон талабларига жавоб берадиган инсоний сифатларни шакллантиришга қаратилган илмий ва амалий ҳаракатлар тизими тушунилади. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Ахлоқ тўғрисидаги фанларнинг асосий вазифаси ахлоқий баркамол инсон ва жамиятини тарбиялашнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб беришдан иборат. Ахлоқий тарбия шу йўлдаги узлуксиз амалий жараёндир. Инсон тарбия орқали ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий тажрибалар, кўникма ва фазилятларни шакллантиради, ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар асосида яшашга ўрганади. Инсоният тарихи мобайнида иккита муҳим масалага жавоб излайди: бири – қандай яшамоқ керак, иккинчиси – нима қилиш керагу нима қилмаслик лозим. Ахлоқий тарбия – инсонни комилликка элтувчи йўл. Унинг воситалари кўп, бири анъанавий тарбия бўлса, иккинчиси замонавий тарбиядир. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан самарали фойдаланилади. Мактабгача ахлоқий тарбияда эртақ ва ривоятлар, панд-насиҳатлар руҳидаги, анъанавий тарбия ўйин ва ўйинчоқлар воситасидаги замонавий тарбия билан ўзаро уйғун ҳолда қўлланади. Ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси – санъат. У аҳолининг барча табақасини – турли ёш ва касбу кордаги инсонларни қамраб олади. Тарбиянинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли намунавийлик тамойилидир. Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Шахснинг ахлоқий тарбияси унинг муомала одоби, этикет қоидаларига риоя этиши, касбий одоби ҳамда ўзгаларга нисбатан муносабатининг барча турларида кўриниши мумкин. Ахлоқий муносабатлар – кишилар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларнинг эзгу, инсоний муносабатларини ифода этади. Ахлоқий тарбия тузилмаси – уч омил-асосдан иборат: ахлоқий англаш (ахлоқий онг), ахлоқий ҳис этиш (ахлоқий ҳиссиёт) ва ахлоқий муносабатлар (ахлоқий хатти-ҳаракатлар).



Ахлоқий тарбия жараёнида бу омиллар доимо бирга иштирок этиб, бир-бирини тақозо этиб келади. Ахлоқий тарбия тушунчаларига эзгулик, бурч, виждон, сахийлик, ҳурмат, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик каби категориялар киради. Англаб амалга оширилган ҳар қандай ахлоқий қарор замирида ахлоқий ҳиссиёт ётади. Миллат фарзандларига ахлоқий тарбия берувчи ва уларда миллий ахлоқий маданият шаклланишида замин яратувчи – миллат аёллари бўлади. Миллий жамиятда ўзига хос миллий ахлоқий меъёрлар шаклланган бўлиб, бу меъёр чегараларини оналар билан бирга оталар ҳам фарзандларга тарбия жараёнида кўрсатиб, уларнинг онгига сингдириб келишади.

АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР – инсонни яхшиликка чорлайдиган, ёмонликдан қайтарадиган ахлоқий қарашларнинг доимий одати, амалий фаолиятга айланганини билдирадиган тушунча. У инсоний ахлоқ намуналарини ўзида мужассам этади ва маънавиятининг ўзагини ташкил этади. Маълумки, Шарқ халқларининг маданияти, фалсафаси, дунёқарашида инсондаги ахлоқий фазилат қадимдан улуғлаб келинган. Шу маънода, Шарқ ижтимоий фикри ва адабиётини ахлоқий фазилатлар қомуси дейиш мумкин. Шарқ мутафаккирлари – Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Рудакий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ҳофиз Шерозий, Фузулий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар ахлоқий фазилатларни ўз илмий ва ижодий фаолиятларининг етакчи мавзуси деб билганлар. Бундай фазилат орасида адолатлилик, бағрикенглик, босиқлик, вазминлик, вафодорлик, ватанпарварлик, виждонлилик, гўзаллик, диёнатлилик, дилбарлик, донолик, жасурлик, жавонмардлик, зийраклик, зеболик, заковатлилик, зукколик, ибоилик, илмсеварлик, интизомлилик, ишчанлик, илтифотлилик, ифбатлилик, камтаринлик, камарбасталик, кечиримлилик, латофатлилик, лафзи ҳалоллик, матонатлилик, мурувватлилик, меҳр-оқибатлилик, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, мўътадиллик, нафосатлилик, одиллик, орасталилик,

олижаноблик, олийҳимматлик, очиққўллик, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилик, сабр-бардошлилик, саховатпешалик, садоқатлилик, самимийлик, тавозелик, теран фикрлилик, талабчанлик, тежамкорлик, улуғворлик, фозиллик, фидоийлик, фаросатлилик, хушмуомалалик, хушфеъллик, қаноатлилик, чидамлилик, шижоатлилик, ширинсуханлик, ўқтамлик, қаноатлилик, ғайратлилик, ғазабни жиловлаш, ҳаққонийлик, ҳалимлик, ҳалоллик, ҳаёлилик, ҳожатбарорлик каби хислатлар инсонни улуғлайди, юксалтиради, жамиятдаги муносабатларни ҳам мукаммаллаштиради. Халқимиз ана шундай ахлоқий фазилатлар асосида ўзининг бетакрор маънавий қиёфасига эга бўлиб келади. Мустақиллик йилларида бу фазилатлар янгича маъно-мазмун билан бойиб, юксак маънавий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, хотин-қизлар ўзларига хос тарзда ахлоқий фазилатларни мужассам этадилар. Хусусан, гендер тенгликда ҳам ўзаро ҳурмат мухитини ярата олишлик ўзига хос санъатдир. Шунингдек, ахлоқий фазилатлар миллий характер касб этади. Фазилат хусусиятга хос тушунча бўлиб, қусурнинг зиддидир. Яъни, фазилатлиликнинг ўзи ижобийлик хусусиятини акс эттиради. Мана шу ижобий хусусиятларнинг айнан ахлоққа тегишлилиги ахлоқий фазилатларда намоён бўлади.

АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР – “Воқеликни шакллантирадиган кучлар ичида бирламчиси – маънавият ва ахлоқ. Қолган барчаси озми ё кўпми, иккинчи даражали”, – деган эди Ғарб файласуфи Альберт Швейцер. Дарҳақиқат, дунё оммавий маданият остида минг бор тусланиб турган бугунги кунда ахлоқий қадриятлар қадри олдинги ўринлардан жой олмоқда. Ахлоқий қадриятлар ўз таркибига субъектнинг қадриятлар тизимидаги ахлоқий кўникмалар, бу борадаги англаниб, кадр топган билимлар, тажриба ва амалиётларни олади. Бунда ахлоқ иштирокида алоҳида инсон ва жамият томонидан содир этиладиган муайян хатти-ҳаракатлар, хулқ-атворнинг кадрлаш доирасидаги миллий ва ижтимоий меъёрлари белгиланади ва айнан кадрлангани боис ҳам ҳаракатга келади,



ижтимоий муносабатларда намоён бўла бошлайди. Ахлоқий кадрият асосида ахлоқий одатлар юзага келади, ижтимоий муносабатлар ва ҳаёт тарзи давомида, турли омиллар таъсирида улар такомиллашади, шаклланади. Ахлоқий маданият ҳам шахсий ва ижтимоий характерга эга. Бу маданият субъект одоб-хулқининг ахлоқий меъёрлар асосида рўёбга чиқишида, ибоси, поклиги, инсонпарварлик, юртпарварлик каби фазилатларида намоён бўлади. Ахлоқий одат ва кўникмалар, ахлоқий фаолият маънавий маданиятнинг муҳим босқичидир. Ахлоқий кадрият маънавий кадриятларнинг бошқа таркибий қисмлари билан боғлиқликда такомиллашиб, шаклланади.

Этироф этиш лозимки, аксарият жамиятларда ахлоқий кадриятларнинг қадрсизланиши ёки ғайриахлоқий, бегона ҳодисаларнинг “ахлоқ” либоси остида кадриятлашуви юзага келяпти. Бутун дунёда кадриятлардан узоқлашиш жараёни содир бўлмоқда. Ахлоқсизлик бошқа ном остида ижтимоийлашаётгани маънавий кадриятларни ичдан емрилишига олиб келмоқда. Ахлоқсизлик, маънавиятсизлик ҳатто қудратли давлатларнинг ҳам ижтимоий-маънавий муҳитини издан чиқармоқда. Ғайриахлоқий ғояларнинг, қарашларнинг ижтимоийлашиши, жамият уларни “инсон ҳуқуқи” ёки “эркинлик” ниқоби остида қабул қилаётгани умуминсоний ахлоқий кадриялар ва ахлоқий маданият мезонларининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бу эса, бу кадриятларнинг илдизи ва ижтимоий асосларини чуқур ўрганиб, амалиётга жорий этиш чораларини кўришни тоқазо этади.

АҚИДА (арабча) – диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, шак ва этироз билдирмасдан эътиқод қилиниши лозим бўлган ишончга асосланган диний таълимотлар. Ислоҳ ақидаларининг асоси Қуръонда берилган, ҳадислардаги кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Суннийлик эътиқодида этироф этиладиган ақидалар ёки иймон талаблари 7 та: Аллоҳнинг биру борлигига, фаришталарга, муқаддас битикларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирга ва қайта тирилишига ишониш. Шиаликда беш ақида тан олинади: тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги),

нубувват (пайғамбар)га ишониш, адл (илоҳий тақдирнинг адолатлигига ишониш), имомат (имомлар ҳокимиятини тан олиш), маод (охиратга ишониш).

Христианликда ақидалар биринчи марта II жаҳон собори томонидан қабул қилинган ва у эътиқод тимсоли деб аталган. У худонинг муқаддас учликда (Ота, Ўғил ва Муқаддас руҳда) намоён бўлиши, Исонинг халоскорлик миссияси, унинг тирилиб осмонга кўтарилиб кетиши ва охиратда яна қайтиб тушиши, жами 12 асосий ақидадан иборат. Кейинчалик жаҳон соборлари эътиқод тимсолини Исонинг ҳам илоҳий, ҳам инсоний табиатга эгаллиги, иконага сиғиниш шартлиги ҳақидаги ақидаларни тикиштирган. Христиан черкови бўлиниб кетгандан кейин ҳар бир конфессия, диний оқим ўз таълимотига бошқа христиан черковлар этироф қилмаган ақидаларни киритган. Католицизм аъроф ҳақидаги, Муқаддас руҳ фақат Ота-худодан эмас, балки Ўғил-худодан ҳам пайдо бўлгани, Биби Марямнинг илоҳий тарзда Исо алайҳиссаломга ҳомиладор бўлгани ва унинг жисми осмонга кўтарилиб кетгани, Рим папасининг эътиқод ва ахлоқ ишларида бегуноҳлиги борасидаги ақидани қабул этди. Протестантизм эса руҳонийлик унвонини бериш, муқаддас зайтун мойи суртиш ва бошқа Ақидаларни тан олмай, ҳар бир диндорнинг ўз эътиқоди билан гуноҳдан халос бўлиши тўғрисидаги ақидани расм қилди. Православие черкови янги Ақидалар киритишни рад этиб, илгариги ақидалар мазмунини талқин этиш йўлидан борди. **Ақидапарастлик** – ишонч, бирор нарсани иккинчисига боғлаш) муайян шароитда, бирон-бир ғояга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ёки шунга уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади.

АҲИЛЛИК – ягона оила, ягона Ватан туйғуси, умумий мақсад ва манфаатга асосланган, дўстлик, қон-қардошлик, иноқлик ва хайрихоҳлик натижасида ҳосил бўладиган маънавий яқинлик. Аҳиллик ҳамма жойда



– оилада ҳам, жамоада ҳам, маҳаллада ҳам, қўни-қўшничиликда, одамларнинг ўзаро муносабатларида ҳам ҳамиша керак. Шунинг учун аҳиллик тушунчасини кенг маънода аҳил дўстлар, аҳил оила, аҳил қўни-қўшнилари, аҳил ҳамкасблар, аҳил маҳалла, аҳил ҳамкор мамлакатлар каби маъноларда ишлатиш мумкин. Аҳил байналмилаллик, толерантлик, бағрикенглик, маънавий яқдиллик, муайян вазифани кўпчилик ёрдамида бажариш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби олижаноб ғояларга яқин туради. Аҳиллик халқимизнинг қон-қонига, руҳига, менталитетига сингиб кетган муқаддас туйғу ҳисобланади. Шунинг учун халқимизнинг урф-одатларида, анъаналарида, оғзаки ижод намуналари ва кундалик турмуш тарзида доимо улуғлаб, эъзозлаб келинади. “Аҳил бўлсанг, оламни оласан”, “Жаҳонда дўстликдан қудратли куч йўқ”, “Олтовлон ола бўлса – оғзидагини олдирад, тўртовлон тугал бўлса – унмаганни ундирад” каби ҳикматли сўз, афоризм ва мақоллар аҳиллик қандай буюк фазилат эканини кўрсатади.

Аҳиллик тушунчасини бир неча шартли атамаларга бўлиб ўрганиш мумкин: кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва оилавий, жамоавий, қўни-қўшнилари, қон-қариндошлар, маҳалла, ҳамкасблар, миллий, халқаро, қитъалараро, диний бағрикенглик ва ҳоказо. Кишилар ўртасидаги аҳиллик – кўпроқ кўча-кўйда, таниш-нотаниш одамлар орасида, тўй-маъракаларда намоён бўладиган инсоний фазилат. Оилавий аҳиллик – эр-хотин, фарзандлар ўртасидаги, оила аъзоларининг ўзаро муомаласида намоён бўладиган, ота-боболарнинг эътиқоди, ваъз-насихатлари, тарбияси, анъана ва урф-одатлари орқали шаклланидиган муносабатлар йиғиндиси. Эр-хотин аҳил яшаса, бир-бирини қанчалик иззат-ҳурмат қилса, ардоқласа, бу албатта, оилада камол топаётган фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир қилади. Жамоавий аҳиллик – битта корхона, ташкилот ёки муассасада ишлайдиган жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларида намоён бўладиган фазилат. Бунда жамоа аъзолари ишда бир-бирига беғараз, холис ёрдам кўрсатади. Жамоада муайян вазифани бажариш ниятида амалга ошириладиган ижобий хатти-ҳаракатлар унинг

аъзолари томонидан маъқулланиши мазкур жамоанинг аҳиллигидан дарак беради. Агар жамоа аҳил бўлмаса, белгиланган режани бажара олмайди. Натижада корхона инқирозга учрайди ёки жамоа раҳбари вазифасидан четлатилади. Одам жамиятда яшаб туриб, ундан четда қола олмайди. Жамиятда яшаш энг аввало аҳилликни талаб қилади. Айниқса, қўни-қўшничиликда аҳил яшашнинг хосияти жуда улуғ. Қўни-қўшни аҳил бўлса, нур устига нур. Бир қўшни мушкул аҳволда қолганида, бошқалари кўмакка келиб, ёрдам қўлини узатса – бу халқ учун ҳам, жамият, давлатимиз, динимиз учун ҳам фойдадир. Халқимизнинг “Қовли олма, қўшни ол”, “Ён қўшни – жон қўшни”, “Қўшнинг тинч – сен тинч” каби ҳикматли ибораларида қўшнилари орасидаги аҳиллик, олижаноблик, меҳр-оқибат улуғланади. Қон-қариндошлар аҳиллиги – инсон ҳаёти мобайнида турли синовлардан ўтади: тўй қилиб, эл олдига дастурхон ёзиши ҳам бир синов; дафн маросими ҳам бир синов; иморат қуриб, уй-жой қилиш ҳам бир синов. Мана шунда қариндош-уруғ, ошна-оғайниларининг ёрдами, маслаҳати, хизмати керак бўлади.

Демак, қариндошлар ўртасидаги аҳиллик – инсоннинг бутун ҳаётини, яшаш тарзини, унинг қандай инсон эканини синовдан ўтказишда намоён бўладиган энг муҳим ижтимоий-маънавий ҳодисадир. Қон-қариндошлари билан аҳил бўлмаган одамни яхшилар қаторига қўшиб бўлмайди. Халқ орасида “Бор товоғим, кел товоғим, бормасанг, келмасанг – ўрта ерда син, товоғим”, “Боришмасанг-келишмасанг – ёт бўларсан, ёт бўлдингми, бир кун ўзинг мот бўларсан”, “Ўзоқлашган қариндошдан яқинлашган ёт яхши”, “Қосовинг узун бўлса – қўлинг қуймас, оғайнинг кўп бўлса – одам тегмас” каби мақолларни бежиз тўқимаган.

Маҳалла аҳиллиги – бу ҳам ижтимоий-маънавий аҳамияти жиҳатидан қўни-қўшни, қон-қариндошлар аҳиллиги каби тушунчалардан кам эмас. Маҳалладаги аҳиллик бола туғилиши, фарзанд тарбияси, ёшларнинг камолга етиши, турмуш қуришидан тортиб, то одамни сўнгги йўлга қузатиш маросимигача – барча катта-кичик маърака, тўй-томоша, қўйди-чикди машмашаларини қамраб оладиган ижтимоий муносабатларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.



Халқимизда “Ватан маҳалладан бошланади”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган юксак маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикматли иборалар бор. Шунинг учун маҳалла аҳиллиги халқимиз турмуш тарзида улуғ ахлоқий мезонлар асосида муқаддаслашган. Мазкур тушунчанинг аҳамияти мустақиллик йилларида янада ошди.

Ҳамкасблар ўртасидаги аҳиллик – бир касб эгаси бўлган инсонларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, дўстона ёрдам бериши, касб сирларини ўртоқлашиши каби муносабатларда намоён бўладиган яқинлик ва самимийлик.

Миллий аҳиллик – битта халқ, битта миллатга мансуб фуқароларнинг ягона мақсадлар йўлида бир тану бир жон бўлиб яшаши миллий аҳиллик ҳар қайси халқ ёки давлатнинг тарих синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўзининг буюк салоҳиятини намоён этишда бекиёс аҳамият касб этади.

Халқлараро аҳиллик – халқаро миқёсда намоён бўладиган, тинчликпарварлик акциялари чоғидаги аҳиллик, бирдамлик хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ер юзида тинчликни сақлаб қолишда халқлар ўртасидаги аҳиллик жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Миллатлараро аҳиллик ҳам тинчликни сақлаб қолиш, миллатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий интилишлар ифодасидир.

Динлараро аҳиллик – турли дин ва конфессиялар ўртасида инсоният тақдирига хавф солаётган умумий глобал таҳдидлар – терроризм ва экстремизм, экологик ва технологик фалокатлар, оммавий қирғин қуроллари, уруш ва низолар, гиёҳвандлик, СПИД каби офатларга қарши курашиш, инсонларни эзгуликка, инсофдиённатга чақиришдек умумий мақсадлар йўлидаги бирдамлиги, тинчликсеварлик фаолияти.

БАЙНАЛМИНАЛЧИЛИК (арабча “байналминал” – миллатлараро) – жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги; уларнинг бир-бирларини тушунишлари ва ўзаро ишончининг, маданиятлар, қадриятлар, билим ва технологиялар ўзаро

сингиб боришининг асоси; миллатчиликнинг зидди. Инсоният тарихи турли миллатлар ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустаҳкамланиб бориши жараёнидир, мазкур муносабатларсиз эса ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди. XV аср охиридан бошланган буюк географик кашфиётлар, саноат тараққиёти, фан ва техника соҳасидаги оламшумул ихтиролар давлатлар ва халқлар орасида бекиёс даражада кенгайган иқтисодий ва сиёсий, маданий, маърифий ҳамда маънавий алоқаларнинг жадаллашувига олиб келди. Бу байналминал алоқалар миллий онг ва ўз-ўзини англаш, миллий озодлик ҳамда мустақиллик ғояларининг шаклланиши ва тарқалишига; илм-фан ва техника, маданият ва маърифат соҳаларидаги ютуқларнинг айирбошланишига кенг йўл очиб берди. Мустабид шўролар тузуми даврида байналминалчилар бир томонлама талқин қилинди. Фақат ишчилар синфи, унинг партиялари мафқураси ва сиёсатининг асосий принципларидан бири, социализм ва коммунизм учун курашдаги бирлиги, деган маънода тушунтирилиб, бунда “пролетар интернационалиزمи” гина кўзда тутилди. Аслида эса байналминалчилик умуминсоний ҳодиса бўлиб, барча халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёт сари ҳаракатининг, мустақиллик ва миллий озодлик курашининг ғоят зўр омилидир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз ички ва ташқи сиёсатида байналминалчилик ғояларига содиқ тарзда жаҳондаги барча халқлар ва миллатлар билан дўстона алоқаларни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистон Республикаси илғор мамлакатлар билан барча соҳада ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва бирдамликни барқарор этишга интилмоқда, халқаро муносабатларнинг умум тан олган қоида ва тамойилларига риоя қилмоқда. Мамлакатда барча фуқароларнинг, улар миллати ва ирқидан қатъи назар, ўзаро ишончи ҳамда бирдамлигини мустаҳкамлаш, миллий-маданий неъматларини ўзаро айирбошлаш юзасидан изчил сиёсат юритилмоқда. Ўзбекистонда жами 100 дан зиёд – рус, украин, белорус, қозок, қирғиз, уйғур, татар, қорақалпоқ, тожик, немис, корейс ва б. халқларнинг миллий-маданий марказлари,



республика миллий-маданий маркази ташкил этилган, барча эл-элатларнинг маънавий юксалиши учун тенг имкониятлар яратилган. Ўзбекистонда Шоюсуповлар томонидан турли миллат болаларини ягона маслак ва миллий меҳрибонлик тамойили асосида асраб олишда ҳам байналминаллик намоён бўлади. Қолаверса, бу миллатнинг байналминал муносабатларини кўрсатиб беради.

БАЛЕТ (лотинча *ballo* – рақсга тушаман) – асар мазмуни мусикий хореографик образлар воситаси билан ифодаланадиган сахна санъати тури. Ўзида санъатнинг драматургия, мусика, хореография, тасвирий санъат каби турларини уйғунлаштиради, бу санъат турларининг ҳаммаси алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмай, Балетнинг синтез маркази бўлган хореографияга бўйсунди. Балет либретточи, композитор, балетмейстер ва рассом ҳамкорлигида яратилади. Балетнинг драматургик асоси либретто (сценарий)дан бошланиб, унда асарнинг асосий мазмуни, ғоя, зиддият ва характерлари аниқ белгиланади. Либретто кўпинча адабий асарга асосланиб, уни мусика ва хореографияда гавдалантириш имконияти ҳисобга олинади. Сценарий асосида эса композитор балет мусикасини яратади. Унинг изчиллиги, сахна кўриниши, парда ва номерларга бўлиниши сценарийда кўрсатилади. Мусика фақат сценарийни ифодалабгина қолмай, балки мусикали образларнинг мазмуни билан уни бойитади. Балет мусикаси хореографияни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Балет – мусикада ёзилган, хореографияда гавдалантирилган драма. Хореографик ҳаракатнинг асоси рақс ва инсон танасининг пластикасидир. Балетда рақснинг мумтоз, характерли, сахна, халқ, эркин пластика, “модерн” каби турларидан фойдаланилади. Мумтоз рақс Европа балет санъатида етакчи ўринни эгаллаб, пантомима, рақснинг бошқа турлари, спорт ва акробатика элементлари билан бойиб бормоқда. Балет спектаклида декорация, либос, ёруғлик ва бошқа ҳамма тасвирий воситаларни мусикий-хореографик ҳаракатга уйғунлаштириш рассомнинг вазифасидир. Балет спектаклининг ижроси, мусикий талқини ва мусика билан рақс ҳаракатининг уйғунлигига

дирижёр раҳбарлик қилади. Балетнинг фожа, комедия, пьеса, балет – симфония каби жанрлари мавжуд. Балет спектакллари бир пардали, кўп пардали бўлади.

Балет атамаси асосан XVI-XIX асрлар давомида шаклланган Европа балет санъатини ифодалайди, лекин XX асрдан кенгроқ талқин қилиниб, Осиё ва Африка мамлакатларининг рақс томошаларига нисбатан ҳам ишлатилади. Ҳозирги Европа балетининг пайдо бўлиши қадим халқ мусикали рақс томошаларига бориб тақалади. XV-XVI асрлар театрлашган рақсларнинг шаклланиш жараёни аввал Италияда, сўнг бошқа мамлакатларда балет санъатини вужудга келишига сабаб бўлди. 1581 йил Францияда яхлит ва ривожланган мазмунли мусика, рақс, пантомима, сўз ва ашула билан ифодаланган биринчи балет спектакли (“Қироличанинг ҳажвий балети”) яратилди. 1661 йил Парижда ташкил қилинган “Қиролик рақс академияси” балетнинг профессионал санъатга айланишида катта рол ўйнади. XVIII асрда Англия, Австрия ва Францияда балет батамом мустақил санъат тури сифатида шаклланди. Россияда биринчи балет спектакли XVII-асрнинг 70-йилларида (“Орфей ва Эвридика ҳақида балет”) яратилган. Ўзбек халқи қадимдан ўзининг мумтоз рақсига, ранг-баранг, ривожланган рақс маданиятига эга бўлиб, бу Ўзбекистонда профессионал балет санъатининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. 1918 йил Тошкентда Туркистон халқ консерваторияси заминида Давлат рус опера театри ташкил қилинди. Театр қошида кичик балет труппаси ҳам бўлган. 1929 йил театр опера ва балет театри номини олди. “Лолақизғалдоқ” (Р. Глиэр), “Раймонда” (А. Глазунов), “Ференжи” (Б. Яновский), “Боқчасарой фаввораси”, “Кавказ асири” (Б. Асафьев) каби балетлар қўйилди. 1933 йил Тошкентда 1-Республика балет мактаби (1935 йилдан Тамарахоним номида) очилди. 1933 йил биринчи ўзбек миллий Балет пантомимаси – “Пахта” (балетмейстер Уста Олим Комилов) сахналаштирилди. Кейинчалик “Шоҳида” (Ф. Таль), “Гуландом” (Е. Брусиловский), “Тоғлар қалби” (А.Баланчивадзе), “Лайлакча” (Д. Клебанов) каби балетлар ўзбек мумтоз ва халқ рақслари асосида яратилди. 1941 йилда



балет мактабининг биринчи битирувчилари Г. Измайлова, Р. Урманцева, Н. Таршилова кабилар балет труппасига келиб қўшилди. Аммо труппада тайёрланган кордебалетнинг йуқлиги мумтоз балетлар қўйиш имконини бермасди. 1943 йилдагина “Оқбилак” (С. Василенко) балети қўйилди. 1948 йил ўзбек опера ва балет театри Свердлов номидаги рус опера ва балет театри билан бирлаштирилиб, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига айлантирилди ва тажрибали кордебалет артистлари билан кучайтирилди. “Букри тойчок” (Ч. Пуньи), “Дон Кихот” (Л. Минкус), “Оққуш кўли” (П. Чайковский) каби мумтоз, “Раққоса” (Г. Мушель) каби миллий Балетлар қўйилди. 1948 – 51 йиллар Москва хореография билим юрти қошида очилган ўзбек балет студиясида Ҳ. Комилова, Г. Маваева, К. Юсупова, Ф. Носирова, Ё. Ҳожисаидова, Л. Баширова, А. Назруллаев, Р. Тангуриев ва бошқа таълим олдилар. 1947 йил Тошкентда хореография билим юрти ташкил қилинди. “Ёшлик” (М. Чулаки), “Эсмеральда” (Ч. Пуньи), “Уйкудаги гўзал” (П. Чайковский) каби спектакллар қўйилди. 50-йилларнинг ўрталарида балет труппаси Б. Криева, Л. Комилова, С. Тангуриева, В. Проскурина, Р. Курмасва, В. Васильев, К. Соатов ва бошқа балет артистлари билан тўлдирилди. Труппа таркибининг янгиланиши репертуарга ижро услуби мураккаб мумтоз балетларни (“Жизель”, “Шопениана”) киритиш имконини берди. 60-йилларда “Болеро” (М. Равель), “Дон Жуан” (К. Глюк), “Спартак” (А. Хачатурян), “Корсар” (А. Адан), “Кашмир афсонаси” (Г. Мушель), “Лайли ва Мажнун” (И. Акбаров), “Севги тумори”, “Темур Малик” (М. Ашрафий), “Қирқиз” (Л. Фейгин), “Семурғ” (Б. Бровцин), “Суҳайл ва Меҳри” (М. Левиев) ва бошқа. Балетлар саҳналаштирилди. 70-йилларга келиб, мумтоз, замонавий ва миллий балетлар билан ўзбек балети бойиди. “Танавор” (А. Козловский), “Ойимқиз ва безори” (Д. Шостакович), “Антоний ва Клеопатра” (Э. Лазарев), “Афсоналар водийсида” (У. Мусаев), “Дунёнинг яратилиши” (А. Петров), “Севги ҳақида қисса” (О. Медиков), “Севги ва қилич” (М. Ашрафий), “Узилган қўшиқ” (А. Калниниш) ва балет спектакллар шулар жумласидан. 80 – 90-йиллар композитор

ва балетмейстрларнинг миллий балет яратиш борасидаги ҳаракатлари кучайди. “Наврўз” (Ик. Акбаров), “Қуёшга таъзим” (Р. Абдуллаев), “Тўмарис” (У. Мусаев) каби балетлар миллий балетимиз мавқеини янада кўтарди.

Балерина (итал. *baleriana*, лот. *Vallo* – рақсга тушаман) – балет труппасидаги раққоса. Балет атамаси жаҳон санъатига XIX асрнинг иккинчи ярмида кириб келган. Италиялик моҳир раққоса (балерина)ларнинг бутун дунё саҳнасидаги муваффақиятли чиқишлари билан боғлиқ. XX аср бошидан барча балет раққосаларига нисбатан ишлатилади.

Балетмейстер (нем. *Ballettmeister* – балет устаси) – балет спектакллари, хореографик чиқишлар, опера, оперетта, драматик спектакллардаги рақс саҳналарининг муаллифи ва саҳналаштирувчиси. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжонда миллий мусиқали драма спектакллари учун рақсларни саҳнага қўювчилар ҳам балетмейстер дейилади. Балетмейстер балетда бутун спектаклнинг хореографик шаклини либретто асосида, мусиқа ритми ва оҳангларига мос қилиб ишлаб чиқади ва раққос(а) ларга ўргатади. Балетмейстер балетда бош ижодкор бўлса, бошқа жанрларда ёрдамчидир. Ўзбекистонда Қ. Миркаримова, Г. Измайлова, Б. Қориева, К. Мўминов, Ю. Исмамова, В. Оқилова, М. Эргашевалар етакчи балетмейстерлардир.

БАҒРИКЕНГЛИК (толерантлик) – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, саҳий, кенгфеъли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунча. Ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-қўйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур тушунча турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади. Бағрикенглик айрим шахсларга ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин. Бағрикенглик – ўзбек халқининг энг олижаноб фазилатларидан биридир.



Бағрикенглик миллий ва диний тусда намоён бўлади. Миллий бағрикенглик – миллатлараро тотувликни англатса, диний бағрикенглик – турли диний конфессияларга мансуб кишиларнинг ҳамжиҳатликда яшашини билдиради. Турли динларга эътиқод қилувчилар билан ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат ҳам бағрикенгликка киради. Бағрикенглик тор мутаассибликка зид тушунчадир. Умуминсоний қадриятларни қадрлайдиган, юксак маърифатли инсон ҳеч қачон диний ва миллий айирмачилик йўлидан бормайди, балки барчага баробар эҳтиром ва одобда бўлади. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ изчил амалга оширилаётган бағрикенглик сиёсати миллий тараққиёт, мамлакатда қарор топган осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бағрикенглик дунёдаги турфа маданиятлар, турли халқлар миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилишни англатади. Бундай кенг дунёқараш, самимий муносабат, ҳур фикр, виждон ва эътиқод негизида вужудга келади. Бағрикенглик фақат маънавий бурчгина эмас, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир.

Бағрикенглик энг аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Бу тамойил асослари Конституциямизнинг алоҳида моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбек халқи азалдан бағрикенг халқ ҳисобланиб келган. Буни хотин-қизларимиздаги болажонлик, меҳмонсеварлик, ширинсўзлик каби феъл-атворида кўра бўлади.

“БАҲОР” АНСАМБЛИ, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” халқ рақс ансамбли – “Ўзбекрақс” бирлашмасидаги жаҳонга машҳур ансамбл. 1957 йилда ташкил этилган. Ансамблнинг асосчиси ва биринчи бадий раҳбари Мукаррама Турғунбоева (1979 йилгача), шунингдек, Б. Алиев, Қ. Дадаев ҳам ташкилотчилардан. Кейинги бадий раҳбарлари: Қундуз Миркаримова (1979 - 1988), Равшаной Шарипова (1988 – 1990), Маъмура Эргашева (1990 й.дан). Мусиқа раҳбари Бахтиёр Алиев (1965 йилдан). 1964 йилдан Ўзбекистонда

хизмат кўрсатган ансамбл. 1979 йилдан М. Турғунбоева номида. “Баҳор” ансамбли ижрочиларининг асосини Тошкент Хореография билим юртини тамомлаган қизлар ва Тошкент давлат консерваторияси, Ўзбекистон мусиқа мактабларини тугатган жўрнавот созанда, хонандалар ташкил этади. З. Раҳматуллаева, Д. Керимова, Н. Атаманова, Т. Юнусова, А.Тўлаганова, Д. Абдуллаева, Н. Баширова, Э. Расулхўжаева, К.Раҳматуллаева, Н. Алимбоева каби раққосалар, Б. Алиев, Р. Ҳамдамов, Э. Каримов, Қ. Дадаев, Р. Акбарбеков, Ў. Ризаев, С.Тўхтасинов, Б. Холиқов, К. Носиров, К. Комилов сингари созандалар ҳамда О.Матёкубов, Б. Йўлдошев ва бошқа хонандалар ансамблнинг дастлабки ижодкорларидир. Ансамбл репертуарида 200 дан ортиқ яққа ва оммавий рақслар бор. “Баҳор” ансамбли ўзбек халқининг кўп асрлар мобайнида тўпланган анъанавий рақс маданияти билан жаҳон замонавий рақслари ютуқларини мужассамлантирган. У тарихий-этнографик ва замонавий халқ рақслари асосида янги мазмун касб этувчи сахна рақслари ижод этди. “Занг”, “Давра”, “Катта ўйин”, “Танавор”, “Лазги”, “Муножот” каби ўзбек мумтоз рақслари шулар жумласидандир. Ансамбл репертуарини янада бойиши, жаҳонга танилишида 1960 йилларнинг охири ва 1970-йилларда ансамблга келиб қўшилган М. Эргашева, Г. Фозилжонова, Ў. Мухамедова, Г. Жўраева, Ф. Низомитдинова, Д. Зиёхонова, Р. Низомова, Р. Шарипова, В.Романова, Г. Ҳамроева, М. Ҳайдарова, Д.Юнусоваларнинг хизматлари каттадир. Улар ўз дастурини Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига хос янги-янги рақслар билан ҳам бойитмоқда. Фарғона, Наманган, Андижон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Хоразм рақслари қаторида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқлар ва қорақалпоқ халқининг рақслари ансамбл дастуридан ўрин олган. “Баҳор вальси”, “Дилдор”, “Фарғона рубойиси”, “Гулноз”, “Наманган олмаси”, “Андижон полкаси”, “Пиёла” сингари фарғонача услубда яратилган рақслар, шунингдек, “Самарқанд бешқарсаги”, “Бухоро давраси”, “Хоразм лазгиси”, “Қирқ қиз”, “Нилуфар”, “Оқ олтин”, “Дугоналар”, “Шўҳи пари”, “Нозанин”, “Гулдаста” каби рақслар томошабинларга манзур. Меҳнат шавқи акс



этган “Пилла”, “Пахта байрами” рақс сюиталари ва “Гулсара”, “Наманганча”, “Роҳат”, “Помир ракси” қизларнинг энг севган рақсларидир. “Етти сайёра”, “Самарқанд баҳори”, “Куда-андалар”, “Чўпон”, “Қўғирчоқ” каби сюжетли рақслар ансамбл репертуарининг хилма-хиллигини оширди. Жамоа репертуаридан ҳинд, покистон, бирма, япон, корейс, араб, турк, афғон, куба, венгер, Вьетнам, чех каби жаҳон халқларининг рақслари муносиб ўрин олган. Ансамблнинг кўпгина рақслари қўшиқ билан ижро этилади. Қўшиқларни хонандалар (Аҳмаджон Шукуров, Хайрулла Лутфуллаев ва бошқа)дан ташқари қизларнинг ўзлари ҳам созандалар билан айтадилар. “Интизор”, “Улоқ”, “Ўзбегим” каби қизлар лапар машҳур. Кейинги йилларда “Б.” а.нинг “Беш гўзал”, “Тўёна”, “Ўзбекистон қизлари”, “Наврўз”, “Мукаррамахоним ўйнаса”, “Баҳор нашидаси”, “Эркалаб”, “Ўзбекистон истиқлоли”, “Мажнунтол” каби оммавий ва композицияли рақслари шуҳрат қозонган. Ансамбл рақсларини саҳнага қўйганлар: Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Ғаффор Валломатзода, Исохор Оқилов, Қундуз Миркаримова, Амина Дилбозий, Маъмура Эргашева ва б. “Баҳор” ансамбл 1996 йилдан “Ўзбекрақс” бирлашмасида фаолият кўрсатади. Етакчи артистлари: Рушана Султонова, Гулнора Низомова, Роза Адамбоева, Елена Тўхтаева, Олима Ёкубова (раққосалар), Н. Тўрахўжаев, И. Ҳамдамов, К. Мирзаев, М. Фозилжонов (созандалар), Эркин Рўзиматов (хонанда). Ансамбл Ливия, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Покистон, Афғонистон, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларда гастролда бўлган. Москвада бўлиб ўтган жаҳон ёшлари ва талабалари 6-фестивали, Лейпцигда ўтказилган халқ рақслари VIII-фестивали (1971) лауреати.

БИБИХОНИМ ЖОМЕ МАСЖИДИ – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (1399–1404). Амир Темурнинг катта хотини Бибихоним (асли Сароймулк хоним) номи билан боғлиқ. Амир Темур фармони билан қурилган. Масжидни қурган уста ва меъморларнинг номлари номаълум. Масжид ҳовлисининг саҳни 63,8х76,0 м бўлиб, тўрт томондан

равоқ ва пештоқлар билан ўралган. Унинг умумий саҳни 167х109 м, бурчакларида баланд миноралар бўлган. Зилзилалар таъсирида аста-секин емирилиб вайрон бўлган, фақат шимоли-ғарбий миноранинг пастки қисмигина сақланиб қолган, баландлиги 18,2 м. Пойдевори харсанг тошдан, деворлари пишиқ ғиштдан ишланган (қалинлиги 45 м). Масжиднинг бир-бири билан боғланган 6 та меъморий бўлаклари сақланиб қолган. Булар ҳовлининг тўрида меҳробли ва баланд пештоқли бино, икки ёнида унинг кичик нусхаси, пойида масжиднинг иккига бўлинган пештоқи ва шимоли-ғарб томонда минорадир. Илгари бу бўлақлар 3 қатор оқ мармар устунли, енгил равоқли бостирма айвонлар билан бирлашган ва улар тепасида гумбазчалар (400 та) бўлган. Устунлар 480 та (оралиғи 3,5 м) бўлиб, тагкурсилар, танаси ўйма нақш, тепаси калла муқарнаслар билан безалган (улар тупроқ остига кўмилиб кетган, археологик қидирув ишлари натижасида устунлар, тагкурсилар ва майда косачалардан иборат муқарнасли устун қоши топилган). Ҳовлининг ҳар икки ёнида ташқи дарвозага эга бўлган тўртта пештоқли дарвозахонаси бор. Масжиднинг ҳовли саҳнига мармар тоштахталар ётқизилган. Ҳовли ўртасида мармар тошдан ясалган улкан лавҳ (Қуръон ўқиладиган махсус курси) бўлиб, у дастлаб асосий бино ичида турган (1875 йилда катта гумбазнинг қулашидан хавфланиб, ҳовли ўртасига чиқариб қўйилган). Атрофига нафис ҳошиялар чизилган, муқарнаслар, ўсимликсимон нақшлар ва ёзувлар билан безалган лавҳ Амир Темурнинг набираси Улуғбек фармонига биноан XV-аср ўрталарида ясалган. Унга “Султони азим, олий ҳимматли хоқон, дин-диёнат ҳомийси, Ҳанафия мазҳабининг посбони, аслзода султон, ибни султон, амири мўъминин Улуғбек Кўрагон”, деб битилган. Масжидга кираверишдаги пештоқнинг юқори қисми 1897 йилги зилзила пайтида қулаган (қолган қисмининг баландлиги 33 м, кенлиги 46 м). Пештоқ маҳобатли бўлиб, ўртасида кенлиги 18,8 метрли равоқ бор. Ён томонларидаги миноралар пештоқдан баланд. Пештоқнинг ички томонида кичикроқ (иккинчи) равоқ ўрнашган. Унда ўйма мармар ҳошияли дарвоза бўлган. Унинг устидаги лавҳада масжиднинг қурилган йили ва Амир Темур



шажараси ёзилган (1897 йилги зилзилада катта пештоқ равоғи қулаб тушган). Қўш табақали дарвоза етти хил металл қотишмаси – “ҳафти жуш”дан ясалган (кейинчалик йўқолиб кетган). Пештоқнинг ён қанотларида иккита айланма зина бўлган. Зинадан юқорига – кунгура равоқли майдончага чиқилиб, ундан минорага ўтилган. Пештоқнинг кенг юзаси жилвали кошинлар, ранг-баранг, қалқон шаклидаги нақшлар билан безатилган (ҳозир пештоқнинг кошинлари тушиб кетган. Пештоқнинг сақланиб қолган қисми ёрилиб, девордан ажралиб қолган). Масжиднинг асосий (меҳробли) биноси Амир Темури замонасининг меъморий услублари ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Шарафиддин Али Яздийнинг “Агар осмон гумбази бўлмаганда масжид гумбази оламда ягона бўлар эди”, деган муболағаси бежиз эмас. Асосий бионинг олди томонида пештоқ, марказида равоқ ва бурчакларида иккита кўп қиррали минора бор. Пештоқ орқасидаги хона оддий, аммо салобатли ҳандасий шакллар йиғиндиси (кубсимон призма, хонанинг саккиз қиррали қисми устига тушган пойгумбаз ва гумбаз)дан иборат. Кубсимон призма бионинг асосий ҳажми бўлиб, томонлари 14,6 метрга тенг. Унинг устида хона деворлари бўйлаб ўтувчи равоқлардан иборат 8 қиррали призма бор. Гумбазнинг доирали асосига пойгумбаз туташтирилган. Пойгумбаз сиртига Қуръон оятлари битилиб, усти феруза кошинлар билан пардозланган гумбаз билан беркитилган (қолдиғи кўриниб турибди). Унинг кириш томонлари ҳам бош пештоқ каби ранг-баранг кошинлар билан қопланган, сопол ғиштчалар ётиқ, сирланган рангли ғиштчалар тик терилган. Асосий нақш шакллари тиниқ, ложувард ғиштчалардан терилиб, уларнинг оралиғи зангори ғиштчалар, оқ тошлар билан тўлдирилган. Оддий ҳандасий шакллар ва печак каби чирмашиб кетган ёзувлар бино беагининг таркибий қисмини ташкил этади. Меҳробли бионинг баланд миноралари сатҳи 4 бурчакли кичик намоёнларга бўлинган. Ҳандасий шакл ва исломий нақшлар (турли рангларда) намоёнларни беаган. Улар кошинкорлик услубида ишланган. Пештоқ деворининг юзаси кесма кошин билан қопланган. Кошинкор безакнинг ҳар бир бўлағи, гулларнинг ўзаклари,

косачалари, поялари, гунчалари ва барглари махсус заминкошинлар парчасидан алоҳида кесиб олинган, сополчалар оралиқ қолдирмай бир-бирига мос жойлаштирилган. Бу кошинлар (айниқса кўк ранглилари) тиниқ шиша каби ялтираб туради. Масжид ёнидаги икки кичик бино меҳробли хонанинг асосан кичик ҳажмдаги такрори бўлсада, нақшларнинг соддалиғи ва гумбазнинг кунгирадорлиғи билан фарқланади. Масжиднинг ички қисмини пардозлашда наққошлик безаклари қаторида зарҳал бўртма нақшлардан кенг фойдаланилган. Масжиддаги кўп қиррали юлдузлар, 3 қаватли хатлар ўйилган лавҳалар жажжи муқарнаслар билан безалган, хошиялар оқ тошдан ўйилган. Тарихнавис Ибн Арабшоҳнинг шаҳодат беришича, Жоме масжиди маҳобатидан ҳайратга келган замондошлари “Обидаларимиз авлодларга бизнинг кимлигимиздан дарак беради”, деб ғурур билан жар солишган экан. 1868 йилда подшолик Россияси кўшинлари Самарқандни қамал қилганда Бибиҳоним жоме масжиди тўп ўқидан вайрон бўлган. Вайрона ҳолда бўлса ҳам масжиднинг меъморий шакллари серҳашамлиғи, безакларининг нафислиғи билан киши диққатини жалб қилиб келган. Ундаги ранг-баранг нақшлар ўша давр халқ усталарининг нозик диди ва юксак маҳоратидан дарак беради. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтмишимизнинг бошқа меъморий ёдгорликлари қатори Бибиҳоним жоме масжидини тиклашга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Амир Темури таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш” ҳақидаги қарори (1994 йил 29 декабрь)га биноан меъморий мажмуада таъмир ишлари олиб борилмоқда.

БИБИХОНИМ МАДРАСАСИ – Амир Темурнинг катта хотини Бибиҳоним (Сароймулк хоним) “ўз онаси шарафи”га (Клавихо) 14-аср охирида Самарқандда қурдирган Мадраса. Сайёҳ, олим А.Вамбери таъкидлашича, бу мадрасада 1000 га яқин талаба ўқиган. Бибиҳоним мадрасаси Бибиҳоним жоме масжидининг кириш пештоғи қаршисида жойлашган. Лекин жоме масжидидан олдин қурилган. Сарой тарихчиси Ғиёсиддин Алининг “Амир Темури 1399 йил 10



майда мадрасада тўхтаб ўтганлиги” ҳақидаги маълумоти шундан далolat беради. Тарихнавис Фасих Ҳавофий (1375– 1442) таъкидлашича, Амир Темур жоме масжиди қурилишини келиб қўраркан, меъморий мажмуада мутаносиблик бузилганлиги – Мадраса пештоғи ва айвони жоме масжидга нисбатан баландроқ ва қияроқ бўлиб қолганлиги учун дарғазаб бўлади ва меъморлар (Хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалд)ни жазолади. Археологик қазилар ҳам шу номутаносибликни тасдиқлайди. Бино пештоғи қанчалик маҳобатли бўлмасин, унинг қаршисидаги бинога монанд эмаслиги кўзга ташланиб қолган. Меъморий услуб талабига кўра, номақбул тушган Мадраса пештоғи бузиб ташлашга маҳкум бўлди. Шунинг учун ҳам кейинги асрларда Мадраса қолдиқлари бузиб ташланди. Бибиҳоним мадрасаси ёнида унга “қўш” услубда Туман ого хонақоҳи қурилган. Тарихий манбалар бу хонақоҳ ҳам 1399 йилдан олдин бунёд этилганлиги ҳақида маълумот беради. Чортоқли кенг хонақоҳ, тепаси баланд гумбаз билан боғланган. Деворларига манзара нақшин гуллар, серҳашам безаклар ишланган. 4 тарафидаги кенг деразалар – тобадонлар ва эшиклар орқали хонақоҳ жуда яхши ёритилган. Остидаги тағхона – сардоба эса кичикроқ бўлиб, деворлари йирик кулранг тоштахталар билан безатилган. Тағхонада бир неча тош тобутлар сақланган. 1875 йил зилзиласи натижасида тағхона гумбазчаси ўпирилиб, пастда тоштобутлар борлиги маълум бўлди. Шу вақтдан бошлаб аҳоли орасида бу тобутлардан бири Бибиҳонимга тегишли деган овоза тарқалди. 1941 йилда ўтказилган археологик тадқиқотлар гўё бу ривоятни тасдиқлагандек бўлди. Шу сабабли яқингача ушбу хонақоҳ Бибиҳоним макбараси деб юритилган. Кейинги тадқиқотлар бу муаммога аниқлик киритди. Бибиҳоним (Сароймулк хоним) Амир Темур вафотидан кейинги бўҳрон йилларида захарлаб ўлдирилган. Бу бинодаги аёл жасади эса мўмиёланган (демак, узоқ жойдан келтирилган) ва антрополог аниқлашича, ўрта ёшлардаги, сочлари қора ва жингалак қандайдир бошқа аёл экан. Туман ого хонақоҳи Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йилда таъмир этилган.

БИДЪАТ (арабча – янгилик киритмоқ, янгитдан яратмоқ) – номаъкул янгилик; дин ақидаларига хилоф янгилик. Дастлаб халифа Усмон (хукмронлик йиллари 644-656)дан норози одамлар уни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзлари ва амалларига зид янгиликлар киритганликда, бидъатда айблаганлар. Кейинроқ Ислом дунёсида диний-ғоявий ихтилофлар ва баҳслар авж олган пайтда бидъат тушунчаси “ноғўғри ёки хато тасаввур”, “янгилик фикр” деган маъноларни касб этди. Бидъатга нимани киритишнинг аниқ чегараси бўлмаган. Муайян амал бир фикр мазҳаб вакиллари томонидан “ножоиз янгилик”, яъни Ислом аҳкомларига хилоф иш деб баҳоланса, бошқа мазҳаб тарафдорлари уни Қуръон ва суннатга мувофиқ келадиган “ҳақ йўл” деб билганлар. Бу хилдаги баҳслар ҳамон учраб туради. Айтайлик, Имом Аъзам мазҳабига кўра, қабрларни зиёрат қилиш, ўтганларнинг руҳига дуои фотиҳа савоб иш саналади ва шунга риоя қилиб келинади. Аммо сохта салафийлар ва бошқа бемазҳаб гуруҳлар буларни асоссиз равишда бидъат деб ҳисоблайдилар. Шундан фойдаланиб одамларни йўлдан урмоқчи, жамиятда беқарорлик вужудга келтирмоқчи бўладилар. Бидъат бемаъни гап, сафсата маъноларини ҳам англаган. Адабиётда бидъат – хурофот, уйдирма маъноларида кенг ишлатилади.

БИЛҚИС – Қуръонда тилга олинган Сабаъ юртининг подшоҳи (маликаси). Инжилда Савро подшоси сифатида баён этилади. Қуръонда Сулаймон алайҳиссалом ҳақидаги оятларда келтирилишича, худхуд куши у зотга Сабаъ мамлакатига борганлигини ва у ерда “ҳамма нарсаси ато этилган” хотин ҳукмронлик қилаётганлигини, аммо бутун халқ билан шайтонга алданиб, Аллоҳга эмас, қуёшга сиғинаётганлигини айтади. Сулаймон алайҳиссалом шу куш орқали маликага мактуб йўллаб, унга бўйсунганини буюради. Билқис ўз яқинлари билан маслаҳатлашиб, Сулаймонга катта ҳадялар юборади. Аммо Сулаймон алайҳиссалом маликанинг элчилари олдида бу ҳадялардан жирканишини айтиб, Сабаъ юртига қўшин тортишини эълон қилади. Сўнгра малика Сулаймон алайҳиссалом ҳузурига ўзи келади.



Сулаймон алайҳиссалом хизматида бўлган жинлар кўз очиб юмгунча, маликанинг тахтини унинг олдида олиб келишади. Маликани саройга киритишганида, сарой сатҳини “сув деб ўйлаб, оёқларини тўпиғигача очади”. Сўнг саройнинг қадам босиладиган қисми шаффоф биллурлардан иборатлигини кўради. Аллоҳ ҳамма ишда ёрлакаган Сулаймон алайҳиссаломнинг бундам улуғворлиги далилларига шохид бўлган малика ўзининг гумроҳлигини тан олади ва Аллоҳга иймон келтиради 27:22–45-оятлар). Билқис ҳақидаги ривоят Ҳабашистон подшолиги дostonлари жумласига кирган “Кабра нағаст” афсонасига жуда ўхшашдир. Ундаги маликанинг исми Македа бўлиб, у билан Сулаймон ўртасидаги никоҳдан туғилган фарзанддан Ҳабашистон подшолиги сулоласи бошланади. Гарчи Арабистон ярим оролидаги Сабаъ давлатининг тарихий афсонаси тўғрисида гап кетаётган бўлса ҳам ривоятда Яман воқелигини акс эттирувчи деярли ҳеч нарса йўқ. Бу афсона Арабистонда эмас, эҳтимол Эронда вужудга келганга ўхшайди. Ўрта асрларда Яманда Билқис ҳақидаги қисса жуда кенг ёйилган эди, XII асрда ҳукмронлик қилган сулайхийлар сулоласидан бўлган Саййида Арвани тарихчилар Жажжи Билқис деб аташди.

БУХОРО РАҚСИ – ўзбек халқ рақс услуби. Бухоро музофотида шаклланган ва ривожланиб келган. Ҳаракатларининг мардонавор ва шиддатлилиги, қайрилиш, ярим қайрилиш, шох ва чархларга бойлиги билан ажралиб туради. Тиззалар сал букилиб, қомат ғоз тутилган, кифтлар орқага ташланиб бош кўтарилган ҳолатда ижро этилади. Қўл баъзан тез, баъзан майин, эгилувчан ҳаракатланади. Рақс тури ва ўйин жойига қараб ҳаракатлар силсиласи ўзгаради. Ижрочининг либоси рақс образларига аниқлик беради. Бухоро раққосалари, одатда, ёқа, енг, этаклари зехига кашта (баъзан зардан) тикилган кенг кўйлак, оёқларига пошнаси баланд гулдор этик кийиб, бошларига пешонабанд ёки тилла қасава боғлаб, билакларига зангила, кўксига зебигардон ва бошқа зеби-зийнат тақишган. Раққослар кундал, адрас, кимхоб каби матолардан кенг қилиб тикилган камзул ёки зардўзи яқтак,

яқранг шойидан салла ўраб, оёқларига пошнаси бахмал этик кийиб чиққанлар. Раққосалар, асосан, ўрдаларда, ичкарида, хуфийна базмларда хизмат қилишган; карвонсарой, сайилгоҳ, тўй каби эркаклар йиғиладиган жойларда рақсга тушиш таққиланган. Шу сабабли хотин-қизлар рақсини ҳам эркаклар (ясама соч тақиб, аёллар либосида) ижро этишган. 20-аср бошида Ражаб Али, Жўрахон, Эргашча, Нурилло, Исом Шоди, Ҳамдамхон, Мирзахон, Абдурахим, Искандар, Мостон каби моҳир раққослар фаолият кўрсатган. Бухорода услубда яратилган рақслардан “Бухоро ларзони”, “Бухоро бўйбўйи”, “Талқин”, “Уфари баёт”, “Соқийномаи баёт”, “Гулузорим баёти”, “Савти сарвиноз” ва бошқа машҳур. Бухоро рақсини ривожлантиришда машҳур рақс усталаридан М.Хаимова, Червонхоним, И.Оқиловларнинг хизматлари катта.

ВАТАН (арабча туғилиб ўсган жой, она юрт) – кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакатни англатувчи тушунча Ватан тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланади. Кенг маънода – бутун бир халқ, уларнинг аجدодлари азалдан истикомат қилиб келган макон. Тор маънода – киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ. Инсоннинг уйли-жойли, бошпанали бўлиши, унинг оиласи, бола-чақаси ҳам баъзан Ватан сўзи орқали ифода этилади. Шунингдек, Ватан сўзи мумтоз шеъриятимизда образ сифатида қўлланиб, кўнгил маъносини ифода этади. Ватан тушунчаси асрлар давомида ижтимоий-иқтисодий тарраққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб келган. Қадимда муайян қабила яшаган жой унинг Ватани саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд эл, деб аталган. Масалан, ўзбек халқ дostonларида Чамбил эли ибораси кўп тилга олинади. Муайян ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши билан Ватан сўзи халқ ва давлат тушунчаларини ҳам англата бошлаган. Халқнинг тили, маданияти, иқтисодий турмуши, маънавияти раванқ топиши натижасида кишилар ўртасида муштараклик шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси миллати, тили ва динидан қатъи назар, шу заминда яшаётган



барча инсонларнинг Ватанидир. Бу ўринда давлат ва Ватан айтилган бир маънони ифода қилади, яъни Ўзбекистон Республикаси деганда Ватанни тушунамиз, Ватан деганда Ўзбекистонни тасаввур этамиз. Ватан – тарихан шаклланган, аниқ тушунча. Мустақиллик ҳалқимиз онгида ҳақиқий Ватан ҳисси, она-юрт тушунчасини мустаҳкамлади. Ватанни севиш, уни улуғлаш, сарҳадларини дахлсиз сақлаш, шаъну шарафини юксалтириш йўлида фидокорона хизмат қилиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш бугунги кунда том маънода шон-шараф ишига айланмоқда.

Ватанпарварлик – кишиларнинг она юртига, ўз ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифода қилган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарвар кишиларнинг ўз Ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу Ватаннинг ўтмиши ва ҳозир билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Ватандан ташқарида Ватан манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам муҳим. Инсон қайси юртда бўлмасин, ўз Ватанидан уялмаслиги, унинг ҳақида айтилган ноҳўя сўзларни ўз оро шаъни топталиши билан баробар қўйиши лозим. Ватан билан уйғун борлиқ ва воқеликлари (халқ, миллат, ватандошлар, миллий қадриятлар, Ватан тили, ўзлик, миллий ғурур қабилар) ҳам севиш ва қадрлаш; Ватаннинг равақли йўлида ўз меҳнати ва фидойилигини аямаслик; Ватанни ва Ватан номини, шаънини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ҳам ватанпарварликка оид фазилатлардир.

Ватан манфаати. Маълумки, инсон манфаатсиз яшамайди. У ҳамиша яхши яшашга, ҳаётдан завқ олишга, бахтга интилади ва интилиш жараёнида ўз манфаатларини ифода этади. Аммо у ўз бахтини Ватан бахтида қўриш керак. Ватан хор бўлса-ю, бу юртда моддий фаровон яшашни бахт деб билса, бундай инсон

Ватанпарварлик туйғуларидан мосувдир. Ватан манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш – ўз ҳузури, манфаатлари, лозим бўлса, жонидан кечишда қўринади. Япония давлатида 2011 йилда бўлиб ўтган цунами ва кучли zilзила вақтида япон халқининг матонати мисолида қўриш мумкин. Албатта, япон ҳукуматининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш мукамал тизимининг ҳам бунда ўрни катта, аммо японияликларнинг ўзларига хос бўлган миллий хусусиятлари, маънавий қиёфаларининг ўз манфаатларидан жамият, юрт манфаатларини юқори қўя билиш сифати цунами билан боғлиқ оғир оқибатларнинг олдини олишда пойдевор вазифасини бажарди, деб айта олиш мумкин.

Ватанни севиш учун албатта қаердадир кўкрагини қалқон қилиб, жон фидо этишнигина тушунмаслик лозим. Бу инсоннинг оддийгина меҳнатида, ҳалоллигида, масалан, солиқларни яширмаслигида, жамоат жойларида қодаларга риоя қилишда, тозаликни асраш қабиларда ҳам қўриниши мумкин. Ватан – онага қиёсланади. Зеро, у ҳам Она каби танланмас ва Она каби ягонадир. Киши ҳар қандай ҳолатда ҳам – камбағаллигу бойликда, соғу беморликда, хоҳ хунук, хоҳ чиройли бўлсин, хоҳ ночор, хоҳ абжир бўлсин – Онани севаверади ва уни камбағаллиги ё беморлиги, хунуклиги ё чорасизлиги учун бошқасига алиштирмайди. Ватан ҳам шундай. У манфаатсиз севилади.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – диний эътиқод эркинлигидан кенгроқ тушунча бўлиб, ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини англатади. Бу тамойил демократик давлатнинг ҳуқуқий нормаси ҳисобланиб, ҳар бир одамнинг ўз дунёқарашини, динга муносабатини мустақил белгилаб олиш ҳамда ўзининг диний ёки атеистик эътиқодини очиқ ифода этиш ёки ўзгартириш эркинлигини англатади. У сиёсий жиҳатдан демократиянинг бир қўриниши, юридик жиҳатдан эса шахс ҳуқуқи ва эркинликлари сирасига киради. Ўзбекистонда Конституция ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ: диний қарашларни зўрлаб сингдиришга йўл қўйилмайди; фуқаролар диний қарашларидан



қатъий назар қонун олдида тенг; ҳеч бир динга имтиёз берилмайди; диний ташкилотлар учун мажбурий йиғим тўплаш ва диндан ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг виждон эркинлигини амалга оширишда жамиятнинг ахлоқи, соғлиги, жамоат тартиби, хавфсизлиги ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонуний чегаралар бўлади.

ГУНОҲ – диний-ахлоқий тушунча. Диний ақидаларга хилоф иш ёки хатти-ҳаракатни билдиради. Гуноҳ тушунчаси қадимда турли тақиқларни бузувчи, ахлоқсиз одамнинг ҳаракати маъносида қўлланилган. Бу тушунча барча динларга хос. Уларнинг ҳаммасида гуноҳ ишлар қораланади. Ислом динида куфр, яъни Аллоҳни инкор этиш ва ширк – Унга бирор кимни ёки нарсани тенг деб билиш энг катта гуноҳ ҳисобланади. Аллоҳ ширкни кечирмайди, ундан бошқа катта ва кичик гуноҳларни истаган бандалари учун кечиради, хоҳласа, азоблайди. Катта гуноҳларнинг адади тўғрисида Ислом манбаларида турлича фикрлар айтилган. Ота-онага оқ бўлиш, сеҳр-жоду билан шуғулланиш, қотиллик, зино, ёлғон гувоҳлик бериш, ўғрилик, чақимчилик, кимор, риё, фирибгарлик, ҳаром ейиш, дилозорлик ва ҳоказо катта гуноҳлар ҳисобланади. Баъзи Ислом уламолари катта гуноҳлар сонини 300 тагача санаб ўтишган. Кичик гуноҳлар эса беҳисобдир.

ГЎЗАЛЛИК – эстетика тушунчаси. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ, эркинлик туйғулари ҳосил қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди. Хунукликнинг акси. Ислом таълимотида гўзалликнинг ўзи ҳам, тимсоли ҳам Аллоҳ жамолидандир. Инсон гўзаллиги унинг яхшилик қилишида, сабр-тоқатида, булар инсон гўзаллигини белгиловчи мезон сифатида қаралади. Гўзал инсоннинг Аллоҳ кароматини тушуниб етиши ва унга эргашиши, маънавий-ахлоқий покланиш сари интилишидир. Ўрта Осиё мутафаккирлари гўзалликни ислом ақидалари руҳида идрок этсаларда, гўзалликнинг мураккаб маънавий жараён

эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилганлар. Форобий таълимотига кўра, гўзал – инсоннинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий чиройининг ифодасидир. Алишер Навоий барча гўзал ҳаёт ва инсонда, айна вақтда, барча хунуклик ва нопоклик ҳам инсонда деб билди, шунинг учун у инсон тарбиясига катта аҳамият берди. Гўзаллик ҳақида жуда кўп назариялар, қарашлар, таълимотлар мавжуд. Уларда гўзалликнинг қайсидир бир томони, белгиси, аҳамияти қайд этилади. Сократ фикрича, инсон учун фойдали ва керакли нарсалар гўзалдир. Платон тасаввурича, инсон гўзалликни аллақандай эстетик-руҳий кайфият чоғидагина идрок эта олади. Унинг таълимотига кўра, гўзал нарса ва предметларга хос бўлмай, инсоннинг воқеликка маънавий-эстетик муносабати натижасида туғиладиган ғоя, тушунчадир. Аристотель, Дидро фикрига кўра, нарса ва ҳодисалардаги уйғунлик, мутаносиблик гўзалликни ташкил этади. Инсон нарса ва ҳодисаларнинг гўзал ёки хунуклигини белгилашда меъёр вазифасини ўтайди. Кант гўзаллик асосига кишининг нарса ва ҳодисалардан беғараз завқ олишини қўяди. Маърифатпарварлар гўзаллик деб, инсоннинг ҳаётда уйғун ижтимоий алоқалар ўрнатишга бўлган интилишини тушунганлар. Гегель фикрига кўра, табиатдаги гўзалликдан санъат гўзаллиги мукамалроқ, чунки унда тимсол ва ғоя ўзининг мутлақ уйғунлигини топади. Чернишевский таъкидлашича, ҳаёт – гўзалдир, инсон ҳаёти, эҳтиёжи ва мақсадига мос тушувчи нарсалар гўзалдир. XIX–XX-аср жаҳон эстетикасидаги турли фалсафий йўналишлар вакиллари илгари сурган ғояга кўра, гўзал инсон руҳияти, қалби ва маънавияти билан боғлиқ тушунчадир. Гўзаллик манбаи – шахс қалбидадир. Гўзал – инсон ва ҳодисаларни умуминсоний ва миллий қадрият сифатида белгиловчи ижтимоий, ижобий ва ижодий тушунчадир. Гўзалликни идрок этиш шахснинг жамиятда тутган ўрни, онги, диди, дунёқараши ва бошқа омилларга боғлиқ. Ўзбек тилидаги “чиройли” сўзи эстетик баҳо сифатида алоҳида буюм, нарса ва шахсни, кўпинча ташқи белгилар ва шаклларнинг мутаносиблиги, уйғунлигини назарда тутса, гўзал сўзи инсон онгидаги тушунчани, тасаввурни, идеални ифодалайди.

Тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир халқ ўзининг гўзал идеали ва тушунчасига эга бўлади. Бу тушунчалардаги муштарак инсоний-маънавий жиҳатлар умумбашарий гўзаллик ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Гўзал табиат, жамият ва инсонга хос муштарак хусусиятларни қамраб олган ҳолда муайян шароит ва ҳодисалар билан боғлиқ тарихий, ижтимоий, миллий ва ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Табиатдаги гўзаллик кўпроқ мутаносиблик, уйғунлик, ранг-баранглик сингари зоҳирий белгилар, сифатлар меъёри билан баҳоланади; ижтимоий ҳаётдаги гўзаллик жамиятнинг инсон учун яратган эркин ва демократик тамойиллари даражаси билан ўлчанади; адабиёт ва санъатдаги гўзаллик ижодкорнинг оригинал образлар, ғоялар кашфиёти, бадий маҳорати билан белгиланади. Барча нарса ва ҳодисаларнинг гўзаллигини ифодаловчи асосий омил – унинг кишига завқ бағишлаши. Санъат асарлари гўзаллигини ёрқин ва умумлаштириб акс эттиргани учун улар ҳар бир шахсда завқ уйғотади, гўзаллик туйғусини тарбиялайди.

Аёл гўзаллиги алоҳида тушунча. Унда ташқи чирой, ёқимли ахлоқий фазилатлар ва қалбдаги гўзаллик уйғунликда кўрилади. Шунингдек, гўзаллик – азизлик тушунчаси билан ҳам боғлиқ.

ДАФН МАРОСИМИ – мархумни кўмиш билан боғлиқ бўлган маросим ва урф-одатлар. Дафн маросими инсоният пайдо бўлганидан буён географик муҳит, ижтимоий ҳаёт ва кишиларнинг имкониятлари, шунингдек, табиий-илмий тасаввурларига ва дунёқарашига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. Ўзбекларда дафн маросими катта йиғин ҳисобланади. Мархумнинг боши қиблага қаратиб ётқизиб қўйилади. Кўзлари очиқ қолган бўлса, юмиб қўйиб, иягини боғлайдилар, оёқларининг бош бармоқларини бирлаштириб боғлаб қўядилар. Мархумнинг қариндошлари узоқ-яқиндан йиғилиб келгунга қадар (баъзан бир кеча-кундузгача) кутилади. Маҳалла, кишлоқларга дафн соати тўғрисида хабар берилади. Яқин қариндошлар йиғилишади, уйдагилар ҳар бир янги келган қариндошларга қўшилиб дам-бадам мархумга мадҳ айтиб, унинг фазилатларини гапиришади. Дафн маросими одатда бомдод,

пешин ёки асрга мўлжалланади. Махсус ювувчи (ғассол, мурдашўй) мурдани сартахтада ювиб (ғусл), оқ мато (махсус дока)дан қилинган кафанга ўрайди. Маросим қатнашувчилари йиғилиб бўлгач, маййит тобутга олинади. Масжидда ёки мархумнинг ҳовлисида жаноза маросими ўтказилади. Мархумни фақат эркаклар кўтариб, ҳовлидан кўчага (агар мархум ёш бўлса амакилари ёки акалари, кекса бўлса ўғиллари ёки энг яқин қариндошлари) чиқаришади. Кўчада шоти сингари ёғоч анбар устига тобутни қўйиб, тўрт киши елкасига кўтаради (мархумнинг ёши ва жинсига қараб анбар мотам пардаси – кекса эркакларга оқ сурп, аёлларга – оддий мурсак, паранжи; йигитларга қизил рангли ёки духоба мато, жувон-қизларга духоба паранжи ёки қизил духоба мато билан ўраб қўйилган), қолган кишилар тобут ортидан боради. Бошқалар уларга кўмаклашади. Тобуткашлар тез-тез алмашилиб, тезликда қабристонга олиб борилади. Қабристонга боргач, тайёрлаб қўйилган гўр олдида мархум тобутдан олиниб, кафанга ўралган ҳолда гўрковга узатилади, гўрков уни гўрга юзини қибла томонга қаратиб ётқизиб қўйиб чиқади (аксарият яқин қариндош-уруғларни махсус ажратилган жойга – хилхонага кўмиш одати ҳам бор). Ўлик гўрга қўйилгач, кишилар гўрков тутган кетмонга бир сиқимдан тупроқ ташлайдилар. Гўрков тупроқни мархумнинг боши остига тўқади. Сўнгра гўрнинг оғзи беркитилиб, тупроқ тортилади. Дафн тутаганидан сўнг гўрков ёки бошқа киши Дафн маросими қатнашувчиларига мурожаат қилиб, ўтганнинг номини айтиб: “Қандай одам эди?” деб сўрайди, ҳозир турганлар эса “яхши одам эди” деган жавобни берадилар. Бу сўроқ ва жавоб фақат эркакларга тааллуқли (хотинлар эрининг ихтиёрида бўлгани учун, хотинларга яхши ёки ёмон деб баҳо беришга эрдан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ). Шундан кейин гўрков ҳамма келганларга раҳмат айтиб, тарқалишга рухсат беради. Баъзан дафнга келганларга пул, рўмолча, сочик, совун, кийимлик улашилади, бу одатни хайрот, искот деб атайдилар. Мозорга борганлар мархумнинг уйига келиб фотиҳа ўқиб тарқаладилар.



ДАХРИЙЛИК (арабча даҳр – вақт, замон) – Ислом пайдо бўлмасдан илгари араб жамиятида кенг тарқалган ақида. Жоҳилия арабларида нариги дунё борлигига, бу дунёда заҳмат чекканга охиратда ажр, гуноҳ ишлар қилганларга азоб берилишига ишонч йўқ эди. Борлиқнинг эгаси, олий ҳокими сифатида муайян бир худо эмас, қандайдир “даҳр”, тақдири фалак, инсон иродаси билан ҳисоблашмайдиган ва ундан юқори турадиган тасодифий ўзгаришлар жараёни тасаввур қилинарди. Уларнинг эътиқодича, ўлимдан сўнг ҳамма нарса тугайди, шунинг учун бугунги кун билан яшаб қолиш керак. Бундай ҳиссиёт Қуръонда қуйидаги сўзлар билан ифодаланган: “Улар дейдилар: фақат битта – бу дунёдаги ҳаётимиз бор – яшаймиз ва ўламиз; бизни даҳр (вақт, тақдир) ҳалок қилади” (45:24). Кейинчалик, Ислом адабиётида “даҳрий” сўзи “мўъмин” сўзининг акси сифатида ишлатила бошланди. Ўрта асрларда бир қанча олим, мутафаккир ва шоирлар даҳрийликда айбланиб, шафқатсиз жазоланган. Ҳозир ҳам мусулмон дунёсида даҳрийлар қораланади. Даҳрийлик ва атеизм атамалари бир маънони англатмаса-да, шўролар даврида уларни синоним сўз сифатида ишлатиш расм бўлиб қолган эди.

ДИН (арабча – эътиқод, ишонч, итоат) – худо ёки худолар, ғайритабиий кучлар мавжудлигига ишониш. Дин муайян таълимотлар, хис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этишнинг ўзига хос усули. Диннинг пайдо бўлиши ҳақида ягона фикр йўқ. Ислом дини таълимотига кўра, дин Аллоҳ томонидан Ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Табиат ва инсонни яратган, айни вақтда инсонга тўғри, ҳақиқий ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишончни ифода этадиган таълимотдир. Дин дунё, инсон, мавжудотларнинг келиб чиқиши, инсоннинг яшашдан мақсади каби саволларга жавоб беради. Материалистик нуқтаи назардан, дин – кишилик жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида бири. Бу дунёқараш жамиятнинг

маълум тарихий давр ва шароитларидаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади. Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий динга фалсафа билан бир қаторда ҳақиқатга етишишнинг 2 мустақил усулидан бири сифатида қараган. Форобийнинг фикрича, фалсафадаги масалалар исботини пайғамбарлар рамзлар шаклида баён қилганлар. Динга турлича ёндашишни Беруний, Ибн Сино, Умар Хайёмнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида, Ибн Рушднинг икки ҳақиқат назариясида кузатиш мумкин. XVII-аср француз файласуфларининг динга бўлган ўзига хос ёндашувлари, XIX асрда мифологик мактаб (ака-ука Я. Грим ва В. Грим, М. Мюллер), антропологик мактаб (Л. Фейербах) ва бошқа турли йўналишлар пайдо бўлган бўлса, XX асрда динни тадқиқ қилиш юзасидан яна бошқача қараш ва назариялар (К. Юнг, Э. Дюркгейм) вужудга келди. Диннинг нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умуман олганда, дин ишонмоқлик туйғусидир. Бундай туйғуси бўлмаган халқ йўқ. Чунки бирон-бир халқ динсиз, эътиқодсиз, бирон-бир нарсага ишончсиз яшай олмайди. Дин инсониятнинг энг теран, энг гўзал маънавий-руҳий эҳтиёжларидан биридир. Инсоният тарихида дин. турли шаклларда намоён бўлган. Унинг дастлабки кўринишлари фетишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик ва бошқалардир. Шунингдек, уруғ-қабила динлари, миллий динлар (иудаизм, ҳиндуийлик, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик), жаҳон динлари (буддизм, христианлик, Ислом) вужудга келган. Дин аввалига кўпхудолик (политеистик), сўнгра яккахудолик (монотеистик) кўринишида бўлган. Ҳар бир диний дунёқараш, диний маросим, диний туйғу ва сиғиниш объектларини ўз ичига олади. Ҳар қандай жамиятда дин маълум ижтимоий, маънавий ва руҳий вазифаларни бажаради. Унинг ижтимоий ҳаётга таъсири кучлидир. Ҳар бир дин диндорларини ўз таълимоти доирасида сақлашга ҳаракат қилади, ўз қавмлари учун тасалли берувчи вазифасини ўтайди. Динлар ўз маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўяди, шунингдек, ўз қавмларининг бирлигини, жамият ва шахснинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлашга интилади. Дин инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт



мазмуни, дунё ва охират масалаларига ўз муносабатини билдириб туради. У умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб, хулқ-атвор қондасига айлантиради. Маданият ривожига катта таъсир кўрсатиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказиш ишига ёрдам беради. Дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзод ҳаётининг бир қисми бўлиб келган. Унга турли даврда турлича муносабатда бўлинган. Динни жамиятнинг ҳукмрон кучлари давлат сиёсати даражасига кўтарган ёки дин ҳамда диндорларни аёвсиз таъкиб остига олган ҳоллар тарихда кўп учрайди. Яқин ўтмишда – шўролар даврида динни камситиш ва унга қарши кураш сиёсати олиб борилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дин маданий-маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинди ва динга тўла эркинлик берилди. Диний жамоалар, ташкилотларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилди. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми Ислом динига, рус ва бошқа славян халқлар христианликнинг православ мазҳабига эътиқод қилади. Улар билан бир қаторда католик, протестант, бошқа мазҳаб (жами 15 дан ортиқ конфессия) вакиллари яшайди. Улар ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритмоқдалар. Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, дин давлатдан ажратилган. Виждон эркинлигининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда (1998, 2021) баён этилган. Ўзбекистонда диний дунёқараш дунёвий турмуш тарзи, дунёвий фикр билан ёнма-ён ривожланиб келмоқда.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равақи йўлида хизмат қилишини англатадиган тушунча.

Ҳозирги вақтда бу эзгу ғоя нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни назарда тутди. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқа-

дорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир. Қадимдан диёри-мизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, Ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этганлар.

Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан барча соҳалар қатори, диний-маърифий жабҳада, хусусан, дин ва эътиқод эркинлиги йўналишида, жаҳолатга қарши – марифат ғояси асосида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, янги Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар, диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш, ислом дини таълимотининг тинчликпарвар ва маърифатга асослангани, ҳар қандай қон тўкиш ва террордан йироқлиги, улуғ алломаларнинг бой илмий меросини ўрганиш каби йўналишларда илгари сурилган эзгу ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак эътироф этилди.

Охириги йилларда Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлиги соҳасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик ғояларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш ҳамда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жами 2369 та диний ташкилот бўлиб, шундан 2171 таси исломий ва 198 таси ноисломий диний ташкилот ҳисобланади.

Сўнгги етти йилда республика бўйича жами 130 та диний ташкилот, шу жумладан 3 та олий ва 1 та ўрта махсус ислом билим юрти, 102 та масжид ҳамда 24 та турли конфессияга



тааллуқли ноисломий диний ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Дин ишлари бўйича кўмита ҳузуридаги Конфессия ишлари кенгашининг таркиби 9 тадан 17 аъзога – Ўзбекистонда фаолият юритаётган диний конфессиялар вакиллари ҳисобига кенгайди. Ушбу Кенгашнинг йиғилишлари мунтазамлик касб этган.

Юртимизда илмий-маърифий марказлар ҳам ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини ўзида мужассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилмоқда.

Шунингдек, Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий ва Тошкент шаҳрида Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу илмий марказларда аниқ фанлар қаторида Ҳадис, Калом, Ақида, Тасаввуф, Фикҳ каби илмлар бўйича чуқур тадқиқот ва изланишлар олиб борилмоқда. Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент ислом институти, Имом Термизий номидаги ислом институти ва Самарқанддаги Ҳадис илми мактаби сингари олий ўқув юртларида ҳам етуқ малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

2018 йилда Ўзбекистон Ислом академияси ва Тошкент Ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди.

Республика бўйича жами 16 та диний таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 6 таси олий таълим беришга мўлжалланган, жумладан, Тошкент ислом институти, Имом Термизий номидаги ислом институти, Бухоро “Мир Араб” олий мадрасаси, Самарқанд “Ҳадис илми мактаби”, Тошкент православ ва Тошкент христиан семинарияларини санаб ўтиш мумкин.

16 та диний таълим муассасасидан 2 та билим юрти айнан хотин-қизлар учун махсус диний сабоқ беришга ихтисослаштирилган.

“Ҳадича и Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус билим юрти 1993- йилда “Эшон Бобоҳон” номи остида ўз фаолиятини бошлаган. Ушбу билим юртида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун одобнома фани, бошланғич таълим, араб тили бўйича

ўрта маълумотли мутахассис-ўқитувчилар тайёрлаган.

1998 йилда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Олий ҳайъатининг мажлис қарорига асосан “Ҳадичаи Кубро” номига ўзгартирилган. Мазкур билим юрти Тошкент шаҳрида жойлашган.

“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти - Жўйбори Калон мадрасаси қошида ташкил этилган бўлиб, Бухоро шаҳрида жойлашган. Унинг тарихи XVII асрга бориб такалади. Мадраса 1670–1671-йилларда Хожа Абдурахим Жўйборининг қизи Ойпошша Бибининг маблағлари ҳисобига қурилган. Мадраса 1992-йилда Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфига ўтказилган. Мадраса динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган инсонпарварлик, халқпарварлик руҳида тарбияланган, араб тилини пухта ўзлаштирган, ўрта махсус маълумотга эга исломшунос мутахассисларни тайёрлайди.

Шунингдек Имом-Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ва Бухородаги Мир Араб Олий мадрасасида ҳам хотин қизлар билим олади.

Бутунги кунда мазкур таълим муассасаларида ислом маърифатини чуқур ўрганиш, аجدодларимизнинг бой маънавий меросини янада кенгрок тадқиқ этиш борасида кенг кўламли илмий-тадқиқотчилик фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, 2017-2024 йиллар давомида диний-маърифий меросимизни ўрганиш ва тадқиқ этишга оид 220 та фалсафа фанлари докторлиги (PhD) ва фан докторлиги (DSc) илмий диссертациялари ҳимояси амалга оширилди.

Замонавий исломшунослик масалаларига оид жами 250 та, жумладан, 173 та китоб, 52 та кўлланма, 25 та монография чоп этилди.

Мовароуннаҳрлик алломаларимиз маънавий меросига оид чет элларда чоп этилган мингга яқин номдаги китоблар юртимизга келтирилди. Улуғ алломаларимизнинг юртимиз ва хорижда сақланаётган меросига тааллуқли 10 мингдан ортиқ қўлёзма асарларининг электрон базаси шакллантирилди.

Маълумки, юртимизда ҳар йили 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан турли диний конфессия вакиллари, хорижий

давлат ва халқаро ташкилотлар масъулари иштирокида халқаро конференция ўтказиш яхши анъанага айланган.

Мазкур сана муносабати билан турли конференция ва анжуманлар, давра суҳбати ва учрашувларни ўз ичига қамраб олган “Бағрикенглик ҳафталиги”нинг ўтказилиши – жамиятда бағрикенглик ғояларининг мустаҳкамланиши, турли миллат ва элат ҳамда диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, диний-маърифий соҳанинг самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшган давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш мақсадида 2023 йилнинг 25 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Диний бағрикенглик” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги 495-сонли Қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илк бор ушбу кўкрак нишонининг таъсис этилиши соҳага бўлган юксак эътибор намунасидир.

ДИНИЙ МАРОСИМЛАР – фуқароларнинг диний таълимотлардан, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва хатти-ҳаракатлари. Диний маросимлар диний эътиқод, ибодатнинг амалдаги кўринишидир. Барча диннинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Унда диний тасаввур ва сиғинишлар орқали вужудга келган. Ислом динида ақиқа, амри маъруф, хатна, рўза тутиш ва рамазон ҳайити, қурбонлик қилиш ва қурбон ҳайити, намоз, ҳаж, жаноза, суннат, никоҳ, дафн ва бошқа маросимлар бор. Ўзбекистонда диний маросимларнинг эркин ўтказилиши таъминланади, аммо бунда қонунлар, жамоат тартиби бузилмаслиги ва шахсга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқига дахл қилинмаслиги керак. Диний маросимда

қатнашиш фуқароларнинг хусусий ишидир ва ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди. Маросимлар ибодатхоналарда, диний ташкилот муассасаларида, зиёратгоҳларда, қабристонларда, фуқароларнинг хонадонлари ва уйларида ўтказилади. Белгиланган жойдан ташқарида диний маросим ёки оммавий ибодатлар ўтказиладиган ҳолатларда бу ҳақда маҳаллий ҳокимият огоҳлантириб қўйилиши ва бундай тадбирлар қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши лозим.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – экстремизмнинг диний соҳада намоён бўлиш шакли. Диний экстремизм муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиётни англатади. У намоён бўлиш қўламига кўра, ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Бундай қарашлар жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, ҳудудни тан олмаган, барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремизм руҳидаги қарашларни буддизм, христианлик, Ислом, католиклар, протестантлар, православлар орасида бирдай учратиш мумкин. Динни ниқоб қилиб олган экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий ҳокимиятни эгаллаш, бунга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайди. Бу эса, давлат мустақиллигига ҳам, жамият тараққиётига ҳам катта ғов бўлади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усулларни қўллашдан ҳам тап тортмайди. Бугунги кунга келиб нафақат Ислом дунёси, балки бутун жаҳонда Диний экстремизмнинг асл қиёфаси яққол намоён бўлиб бормоқда. Дунёда инсон ҳуқуқлари ва демократик тамойиллар устувор бўлиб бораётган, қонун ҳамда халқаро ҳуқуқ қоидалари мамлакатлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойилига айланаётган ҳозирги даврда диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш, уни илдизи билан қўпориб ташлаш, бу борада доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш бугунги кундаги энг долзарб вазифадир.



ДУНЁВИЙЛИК – аслида инсоннинг ўз маънавий мезонлари ва ҳаётга бўлган қарашларини диний таълимотларга эмас, балки дунёвий манфаат ва башарий қонун-қоидалар асоси устига қурган ҳолда яшашини англатадиган т. Бироқ, сўнгги пайтларда “дунёвийлик” атамаси Исломда қораланган таркидунёчиликнинг акси сифатида қўлланилмоқда. Ҳадиси шарифдаги “Сизларнинг яхшиларингиз дунёни деб охиратни, охиратни деб дунёни унутмаганларингиз” деган ҳикматнинг мазмун-моҳиятини англаб, ҳаётга татбиқ этиши, дунё ва охират ишини уйғунлаштириши, дунё охират экинзори, охират учун амалиёт манбаи эканини тушуниш тамойили мўътадил йўлдир. У фоний ва боқий дунёнинг маънавий, руҳий жиҳатдан уйғунлигини ифода этади. Улуғ аждодларимиз азалдан дунё ва охиратни ўзаро муштарақ ҳолда тасаввур этганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида “Охиратни ўйлаб дунёни, дунёни ўйлаб охиратни эсдан чиқарманглар” дейилган. Зеро, дунё охират зироатгоҳидир, дунёни обод қилган кишининг охирати ҳам обод бўлади. Шу н.назардан қараганда, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг “Даст ба кору дил ба Ёр” (Қўлинг ишда-ю, қалбинг эса Аллоҳ билан бўлсин) шиорида ҳам айнан шу мазмун, яъни дунё ва охират ишларини барабар, бирга олиб бориш маъноси мужассам. Даҳрийлик – бу Худонинг борлигига шак келтириш, ишонмасликдир. Зеро, “Халқ рози бўлса, Холик рози бўлади”, дейди улуғ мутафаккиримиз Алишер Навоий. Шу каби халқимизнинг “Бекорчидан Худо безор”, “Сендан ҳаракат – Худодан баракат” деган ажойиб иборалари бор. Шу маънода узлатга чекиниш, назру ниёз ҳисобига кун кўриш, тиланчилик билан шуғулланиш дин қоралайдиган иллатлардир.

ДУО – Яратганга илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун узоқ умр, бахт, нажот тилаш ва ёмонликни қайтаришни сўраш. Бунда дуо қилувчи маълум бир хатти-ҳаракатни адо этади (масалан, мусулмонларда икки қўлини юзига тортиб фотиҳа қилади). Дуо барча динларнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. У ибтидоий даврда сўзнинг сеҳрли кучига ишониш,

унинг ёрдамида илоҳий кучлардан фойдаланиш мумкин деган ишонч асосида шаклланган. Дуони қайси тилда қилишнинг аҳамияти йўқ. Лекин Ислом дини ақидаси бўйича, агар талаффузини ўрнига қўя олса ва мазмунидан огоҳ бўлса, дуони араб тилида қилиш афзалдир. Дуонинг икки тури бўлади. Биринчиси, “маъсура”, яъни матни Қуръон, ҳадис ёки бошқа диний манбаларда аниқ белгилаб қўйилган дуоларлар. Иккинчиси, “мухтараа”, яъни дуо матнини киши ўзидан айтиб сўраш. Ислом ақидаси ва соғлом ақлга кўра, фарзанд ато этиш, шифо бериш, бало-қазодан асраш, инсоф-тавфиқ каби ҳожатлар фақат Аллоҳнинг Ўзидан сўралади. Ундан бошқадан сўраш ширк ва куфр саналади.

ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР АНСАМБЛИ, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Ғанижон Тошматов номидаги дуторчи қизлар ансамбли – хотин-қизлардан ташкил топган миллий мусиқа ансамбли. Дастлаб Ўзбек давлат филармонияси қошида “Дуторчи қиз-жувонлар” ансамбли (1939 йил) ташкил этилган. Бадий раҳбари – Л. Саримсоқова, мусиқа раҳбари – Ю. Ражабий, балетмейстер – Г. Раҳимова. Репертуаридан ўзбек халқ ва бастакорларининг куй ва кўшиқлари ўрин олган: “Ўзганча”, “Қулинг”, “Танавор”, “Ҳаккалакам ўйнасам ман”, “Ёргинам” ва бошқалар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ансамбл аъзолари фронт концерт бригадалари таркибида концертлар берган. Репертуаридан ўзбек, рус, қозок, татар, тожик, уйғур ва бошқа халқларнинг кўшиқлари ўрин олган. Кейинчалик у “Ашула ва ракс ансамбли” деб номланган. Ансамблда Р. Богданова, К. Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Абдуллаева ва бошқалар хизмат қилган. 1958 йил янгидан “Дуторчи хотин-қизлар ансамбли” ташкил этилган (бадий раҳбари – М. Абдуллаева). 1964 йилда тарқалган. 1977 йилда Тошкент шаҳар Маданият уйида А. Илёсов бошчилигида “Дуторчи қизлар ансамбли” тузилди. Мазкур ансамбл иштирокчилари 1979 й. Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси қошида ташкил этилган Дуторчи қизлар ансамли таркибига кирган. Бадий раҳбари ва ташкилотчиси Ғ. Тошматов, мусиқа раҳбарлари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

3. Раҳматуллаева (1979–84 ва 1990 йилдан), 3. Суюнова (1985–90); 1994 йилдан бадиий раҳбари – 3. Суюнова. 1996 йилдан – Ғанижон Тошматов номида, 30 кишидан иборат бўлган. Етакчи хонанда ва созанда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар 3. Раҳматуллаева, С. Каримова ва Қ. Эсонова; артистлар О. Мадрахимова, Р. Ҳожиева, Д. Муҳамедова, М. Қурбонова, Х. Шорахмедова ва бошқалар. Ансамбл Фарғона-Тошкент миллий қўшиқчилик анъаналарини давом эттирмоқда, унинг ижрочилигига маҳорат, мусиқий дилкашлик хос. Репертуаридан юзлаб ўзбек халқ қўшиқлари (“Чаманнор”, “Ёр-ёрахон – Гулёрахон”, “Симсим оралаб”, “Йўл бўлсин”, “Ёр-ёр”лар, лапарлар, ўланлар), бастакор ва композитор (Ғ.Тошматов, К. Жабборов, С. Калонов, Ф. Содиков, М. Муртазоев, Қ. Искандаров, А. Исмоилов, Р. Турсунов, Т.Отабоев, Қ. Комилов, Сайфи Жалил ва б.)лар асарлари (“Қошинг қароси бало”, “Бахтимдан”, “Диёримсан”, “Уёламан”, “Келасан”, “Таманно”, “Хумо”, “Аввал Ватан, кейин жон”, “Севги”), шунингдек, ансамбл иштирокчилари (3. Суюнова, 3. Раҳматуллаева, Қ. Эсонова) басталаган қўшиқлар (“Бой кайнона”, “Аёл”, “Гул очилса”, “Узоқ кутдим” ва бошқалар) ва турли халқлар (афғон, ҳинд, уйғур, қорақалпоқ, испан) қўшиқлари ўрин олган. Ансамбл Тожикистон, Россия, Франция, Германия, Туркия мамлакатларида гастролда бўлган. Ўзбекистон вилоятлари ва ўқув юртларида ҳам Дуторчи кизлар ансамбллари (масалан, Нукус шаҳри 1-Маданият уйи қошида “Қирқ киз” Д.қ.а., 1967; Фарғона давлат педагогика институтининг “Ниҳол” Д.қ.а., 1977) ташкил этилган.

ДЎЗАХ, жаҳаннам – кўпчилик диний таълимотларга кўра, дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Яҳудийлик, христианлик, Ислом динларидаги асосий тушунчалардан бири. Қуръонда дўзах ҳақида бир неча ўринда таъкидлаб ўтилган. Диний ақидага кўра, дўзахни Аллоҳ кофирларга ва гуноҳкор бандаларга жазо бериш учун яратган. Дўзахга маҳкум қилинган бандалар шу ерга ташланади. Қуръонда дўзах васфи “Қачонки терилари куйиб битиши билан “(мудом) азоб

тотишлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз” дея таърифланган (4:56). Дўзах азобларидан яна бири – ачиштирувчи совукдир. Дўзах бир неча табақадан иборат бўлиб, ҳар бир гуноҳкор ўз гуноҳига қараб табақаларда азобланади. Дўзахнинг етти дарвозаси бор: Ҳовия – энг чуқурликда жойлашган бўлиб, ундан мунофиқлар, Фиръавнга ўхшаган ашаддий кофирлар жой олади; Жаҳим – мушриклар; Сақар – диндан қайтган муртадлар; Лазо – Иблис, унинг дўстлари ва мажуслар; Хутама – Аллоҳнинг амрига бўйсунмаган кофир кимсалар; Саир – Аллоҳга ширк келтирган насоролар; Жаҳаннам – гуноҳи кабиралар қилиб, тавбасиз ўтган мусулмонлар қирадиган дарвозалардир. Дўзахни Молик исмли фаришта бошчилигидаги фаришталар қўриқлайди. Қалбида Аллоҳга иймони бўлган бандалар дўзахда маълум вақт азоб тортганларидан сўнг ўша иймонлари шарофати билан дўзахдан чиқарилиб, жаннатга киритиладилар. Фақир-фуқаро, етим-есирларга раҳм-шафқат, мусулмонлар ва инсон боласининг оғирини енгил қилиш кўплаб бандаларнинг дўзах ўтидан озод этилишига сабаб бўлади. Аммо, иймонсиз кишилар, кофир ва мушриклар дўзахда мангу қолади.

ЁР-ЁР – никоҳ тўйи маросимлари жараёнида айтиладиган халқ қўшиғи. Қадим замонлардан ўзбек, тожик, уйғур ва туркман халқлари орасида кенг тарқалган. Иккилик ёки тўртлик шаклидаги термалардан иборат бўлиб, ҳар банднинг охири, баъзан ўртасида “Ёр-ёр, айланаман” каби сўзлар қўшиб айтилади. Одатда, доира жўрлигида, келинни кузатаётган аёллар томонидан, Фарғона водийси (Фарғона, Ўш, Хўжанд) ва Зарафшон воҳасида келинникига кетаётган йигитлар томонидан ҳам ижро этилади. Ёр-ёрда келиннинг хусусиятлари, унинг ҳаёти, орзу-истаклари, яхши тилак ва кутловлари куйланади. Ёр-ёрларнинг фавқулодда таъсирчанлиги уларда бир вақтнинг ўзида ҳам мунгли йиғи (оҳангида), ҳам байрамона шодиёналик (усулда) кайфиятлари мужассам этилганлигидадир. Халқ ёр-ёрлари таъсирида ёзма адабиётда ҳам ёр-ёрлар яратилган. Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Бобурнинг “Муфассал” асарларидаги ёр-ёр матнлари теранлиги ва жозибадорлиги



билан ажралиб туради. Ўзбекистон вилоятлари (Бухоро, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва бошқа)нинг ёр-ёрлари ўзига хос хусусиятларга эга. Куйлари мунгли, жозибали, ўйноқи, мазмуни лирик, ҳажв, мадҳия ҳам бўлиши мумкин. Ёр-ёрлар турли фольклор этнографик ансамбллар репертуаридан, ўзбек бастакор ва композиторлари ижодидан ҳам салмоқли ўрин олган.

ЖАДИДЧИЛИК (араб, жадид - янги) – XIX аср охири XX аср бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат. Жадидчилик дастлаб XIX асрнинг 80 йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский раҳбарлигида қрим татарлари ўртасида вужудга келди. Жадидчилик ҳаракати намояндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Ўша даврнинг илғор тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётдан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етгандилар. Жадидчилик моҳият эътибори билан аввало сиёсий ҳаракат эди. Унинг шаклланиш ва мағлубиятга учраш даврлари бўлиб, уларни шартли равишда тўртга бўлиш мумкин. Туркистон, Бухоро ва Хива ҳудудида бу даврлар 1895-1905; 1906-1916; 1917-1920; 1921-1929 йилларни ўз ичига олади. Биринчи даврда Туркистонда подшо Россиясининг мустаҳкам ўрнашиб олиши кузатилади. У ўз сиёсий агентлари (вакиллари) ёрдамида маҳаллий хон ва амир ваколатларини чеклабгина қолмай, уларни кўғирчоққа айлантириб, рус ва ғарб сармоядорларининг ишлаши ва яшаши учун шароит яратади, турли компаниялар, акциядорлик жамиятлари манфаатини кўзлайди. Айни чоғда маҳаллий аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари назарга олинмай қўйилди, диний эътиқодлари, урф-одатлари билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимаслик кучайди. Ҳаётий, илмий савияси юқори бўлган қозилар тажрибасиз кишилар билан алмаштирилди, порахўрлик, ижтимоий-сиёсий адолатсизлик авж олди. Мадраса ва мактаблар фаолиятини чеклаш, маҳаллий жой номларини русча атамалар

билан алмаштириш, маҳкама жараёнида қозилар бўйнига хоч тақтиришгача борилдики, ерли аҳолини бу хилда таҳқирлаш ҳоллари мустамлакачиларнинг бедодлигини яққол кўрсатарди. Ўша давр аҳолини Мухаммадали халфа Собир ўғли (Дукчи эшон) халққа қарата ўз “Хитобнома”си (1898) да яхши баён қилган. Миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари – ҳунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб чоризмга қарши курашни халқни асрий қолоқликдан уйғотиш – сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилик ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди. Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат куриш. Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди. Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституциявий монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият куриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан Жадилар ҳаракати шаклланди.

Жадидлар хотин-қизлар маърифатига ҳам алоҳида эътибор билан қарашган. Жамиятда хотин-қизлар эркинлиги масалаларини кўтаришган. Уларнинг моддий кўмаги билан Германияга ўқишга жўнатилган ўзбек ёшлари орасида ҳам қизлар бўлган. Шулардан бири - хоразмлик ҳақғўй ва тараққийпарвар инсон Жуманиёз Султонмуродовнинг қизи **Марям Султонмуродова** бўлган. Марям 1919 йилда Тошкентдаги маориф мактаб гимназиясини тамомлагач, олий маълумот олиш мақсадида 1920-1921 йилларда Оренбург татар педагогика институтида ўқийди. 1921 йил ёзги таътилда Хоразмга келгач, Хоразм компартияси Марказий Кенгашида аввал адабий бўлимга, сўнг аёллар бўлимига раҳбарликка тайинланади. 1922 йил июлда Тошкентга келиб, Ўрта Осиё давлат университетининг ишчи факультетига ҳужжат топширади. 1922 йил октябрида Марям Султонмуродова Бухоро ҳукумати томонидан Германияга ўқиш учун юборилаётган талабалар сафига киритилади. У 1924-1926 йиллар Дармштадт олий семинариясида таълим олади. 1926-1927 йилларда эса Берлин яқинида Потсдам шаҳридаги “Фрауншулле” мактабида амалиёт ўтади. 1927 йил ёзги таътил вақтида Хайринисо Мажидхонова билан бирга 29 июлдан 18 августгача Париж шаҳрида бўлади. Уларнинг Париж опера театри ошхонасида Аҳмад Наим ва Мустафо Чўқайлар билан 2-3 дақиқалик учрашуви кейинчалик қатағон этилиши учун асосий баҳона бўлганди. 1927 йил кузидан Марям Берлин шаҳрининг Веддинг туманидаги профессор Финкельштейннинг олти ойлик ҳамширалик курсини битириб, 1928 йил СССРга қайтган.

Марям Султонмуродова Ватанга келиши билан сўроқ, таъқиблар бошланиб кетди. Аввалига ҳеч жойдан иш беришмади. Фақат 1929 йил февраль ойида Германияда таълим олган Бадри Сайфулмулк ёрдамида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш комиссарлигига қарашли болалик ва оналикни асраш институтига ҳамшира бўлиб ишга кирази. Марям 1929 йилнинг охирларида Асқар Аҳмадбеков билан оила қуриб, 1933 йилгача Каттақўрғонда яшаган. Эри қамоққа олингач, 1933 йил Тошкентга қайтиб, Ўрта Осиё давлат университетида ишга кирди. Бирок

1934 йил яна ишсиз қолди. Сўнг “Тулистон” журнаliga, 1936 йилдан аёлларнинг “Ёрқин турмуш” журнаliga адабий ходим бўлиб ишга кирди. Марям ўзбек матбуотида ўзининг олмон адабиётидан қилган таржималари ва аёлларнинг ўткир ижтимоий муаммоларига бағишланган мақолалари билан элга танила бошлади. 1937 йил 13 сентябрь кuni Марям Султонмуродова Германияда ўқиган, “Туркистон” жосуслик ташкилоти аъзоси деб, олти ойлик норасида қизи Анора билан қамоқхона азобларига гирифтор этилган. Жазо муддати тугагач, Ватанга қайтиб, Урганчда ҳамшира бўлиб иш бошлади. 1949 йил 30 мартда қайта қамоққа олиниб, Красноярск ўлкасига сургун қилинди.

Матлуба Муҳаммад Марғилоннинг машҳур жадид муаллими Нурмуҳаммад Дадамухаммедовнинг қизи. У ўз замонасининг иқтидорли ёшларидан бўлган. Матлуба 1926 йилгача Қўқон билим юртида таҳсил олади. 1927 йил ўқишини Тошкентдаги аёллар билим юртига кўчириб, сўнг опаси **Маҳбуба Дадамухаммедовнинг** изидан бориб Москвадаги Ўзбек маориф институтига ўқишга кирди. У ерда машҳур шоир Чўлпон, Боту, Шокир Сулаймонлардан шеърят сирларини ўрганди. Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Абдулхай Тожиевлар суҳбатидан баҳраманд бўлди. Матлуба, айниқса, ўзбек талабаларининг маърифий кечаларида Чўлпоннинг ватанпарварлик мавзусидаги оташин шеърларини ўқиб, ўзи ҳам шу мавзуда шеърлар ёзиб жуда машҳур бўлиб кетган. Унинг бу шуҳрати шўро мамлакати чегараларидан чиқиб, Европа матбуотида бориб етади. Ва бу “машҳурлик” туфайли Москвада “Комсомольская правда” газетасида унга қарши махсус мақола чоп этилган ва натижада у ўқишдан ҳайдалган. Кўп ўтмай Матлуба ариза ёзиб, ўзига қўйилган айбларнинг тухмат эканлигини исботлаб, ўқишига тикланади. Бунга бир томондан Ўзбекистон ҳукуматининг аралашуви, иккинчи томондан, Матлубанинг Италия элчихонасига фуқаролик сўраб мурожаат этиши ҳам сабаб бўлган.

Совет ҳукумати айнан Матлубанинг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари олмон тилига таржима қилиниб, машҳур бўлиб



кетгани учун ҳам Ўзбек маориф институтини ёпган. Матлуба Москвадаги мусиқа техникумига кириб ўқишини давом эттирган. 1929 йил Ленинград архитектура институти талабаси Восиқ Муҳаммедов билан танишади. 1933 йил Тошкентга келган Восиқ Муҳаммедов Матлубага уйланади. Восиқ Муҳаммедов (1905-1938) ўз вақтида Мунавварқорининг “Намуна” мактаби ифтихори, Фитратнинг “Чигатой гурунги” иштирокчиси, “Кўмак” уюшмасининг фаолларидан эди. У ўз замонасининг тенгсиз йигитларидан бўлган. 1937 йил 17 декабрь куни қамокқа олинган Восиқ Муҳаммедов 1938 йил 5 октябрь куни отиб ташланган. 1938 йил 17 январь куни Тошкент тиббиёт институтининг 3-босқич талабаси Матлуба Муҳаммад ҳам қамокқа олинади. 19 январь куни илк сўроқда у турмуш ўртоғининг давлат ва халқ олдида ҳеч қандай айби йўқлигини баён қилди. 1938 йил 21 февралда иккинчи сўроқда опаси Маҳбуба ва унинг турмуш ўртоғи, Германияда таҳсил олиб қайтган кимёгар олим Саттор Жабборнинг ҳам айбсизлигини таъкидлаган. Бироқ қўйилган бирорта айбловнинг исботланмаганига қарамай, 1938 йил 17 май куни Тошкент вилоят суди томонидан Матлуба Муҳаммедова 10 йилга қамокқа ҳукм этилди. У ноҳақ жазони совуқ Сибирнинг Усольский лагерида ўтади. 1940 йил 26 февралда Матлуба Муҳаммедованинг аризаси қайта кўрилиб, у оқланишга эришди. Ватанга қайтгач, уруш йилларида Тиббиёт институтини тугатди. 1937 йил архитектура институтида талабалик йилларида қамалиб кетган укаси Фатхулла урушдан сўнг Воркутадаги қамокхонадан оғир аҳволда қайтади. Матлуба укаси учун Наманганга бориб яшаб, уни даволайди. Фақат Сталин вафотидан сўнггина улар Тошкентга қайтиб келадилар. Матлуба Муҳаммад кўп йиллар халқ саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди. Бир пайтлар Ватан ишқида, истиқлол орзусида оташин шеърлар битган Матлуба Муҳаммедова Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини ўз кўзлари билан кўрди. Жиянларининг хотирлашича, миллат ҳурлиги, мамлакат мустақиллиги эълон қилинган кунларда чексиз қувонч ёшларини тўккан экан. Матлуба Муҳаммедова 1998 йили Тошкент шаҳрида оламдан ўтган.

1922 йилнинг кузида Германияга таҳсил олиш учун Туркистон Республикаси “Кўмак” жамияти томонидан йўлланган 16 нафар талаба орасида **Хайринисо Мажидхонова** таҳсил учун узоқ хорижга йўл олиши зиёлилар томонидан улкан жасорат сифатида баҳоланади. Ҳатто, ёш шоир Боту Хайринисонинг Германияга кетаётгани муносабати билан “Эҳтиёт бўл, гўзал қуш” деган шеър битди. Хайринисо Мирободдаги янги мактабда рус ва немис тилларини ўрганган. Унинг дунёқараши шаклланишида Туркистон жадид матбуотининг, шунингдек, бу вақтда биринчи ўзбек хотин-қизлар билим юртида ўқиётган опаси Ойпошшахоннинг ҳам таъсири катта бўлган. 1922 йили “Туркистон” газетасида чоп этилган Хайринисо Мажидхонованинг мақоласида эндигина 17 ёшни қаршилаган қизнинг Ватан истиқболи ҳақидаги орзу-истаклари ўрин олган. Хайринисо Мажидхонова 1923-1924 йилларда Берлинда “Хорижликлар учун немис тилини ўрганиш” мактабида ўқиб, ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома олади. 1924-1926 йилларда Дармштадтдаги ўқитувчилар семинариясида немис тили ва адабиёти йўналишида ўқийди.

Сўнг икки йил амалиётни Берлин шаҳридаги ўқув муассасаларида ўтаб, ўрта махсус маълумот олгани тўғрисидаги дипломни қўлга киритади. У Берлинда педагогик амалиёт билан бирга машҳур доктор Феккельманнинг тиббиёт ходимларини тайёрловчи хусусий мактабида ҳам таҳсил олган. Хайринисо Мажидхонова 1928 йили юртимизга қайтиб, тиббиёт соҳасида ўрганган барча янгиликларни ҳаётга жорий қилишга бор куч-қуввати билан киришади. Ҳатто олис қишлоқлардаги болалар саломатлигини ўйлаб ташкил этган болалар кўриги кўплаб юртдошларимиз эътирофига сазовор бўлган. Бироқ буюк мақсадлар йўлидан бораётган Хайринисо Мажидхонова навқирон 32 ёшида, 1937 йилнинг 13 сентябрида “1922-1928 йилларда Германияда ўқиган ва 1928 йил СССР ҳудудига жосус сифатида қайтган”, деган сохта айблов билан қамокқа олинган. 1938 йилнинг 9 октябрида ўтказилган машъум “Учлик” суди қўйилган айбловнинг ҳеч бири исботланмаганига қарамай, унга ўлим жазосини белгилади. Ҳукм ўша куни ижро этилган.



Биринчи ўзбек аёл ҳуқуқшуноси **Дилоро Юсупова** эса отаси Собиржон Юсупов билан бирга миллатимиз ҳуқуқшуносларининг биринчи мактабини яратишда жонбозлик кўрсатган. Дилоро Юсупованинг ҳаёти отасининг сиёсий қараши туфайли таъқиб ва қувғинларда кечди. У 1922 йил жуда ёшлигига қарамай Бухоро Халқ Жумҳурияти томонидан Москвага ўқишга юборилган. У ерда Ўзбек Маориф институти қошида таълим олади. 1926 йилда Дилоро Юсупова Тошкент комсомолининг округ кўмитасида иш бошлади. Айни пайтда Ўрта Осиё давлат университети (САГУ)нинг суд бўлимига ўқишга кириб, 1929 йилгача таҳсилни давом эттиради. Дилоро 1929 йил институтни битириб, Самарқандга йўлланма билан ишга юборилган. У ерда Москвадалигида танишган, бу вақтда ЎзССР Олий суди судяси бўлган наманганлик Муҳаммаджон Мўминов (1903-1938) билан турмуш қурган. Муҳаммаджон 1929 йил Самарқандга келиб, Ўзбекистон Олий суди коллегияси аъзоси бўлди. Дилоро Юсупова дастлаб, Муҳаммаджоннинг тавсияси билан аспирантурага тайёрланди. Улар 1931 йил Тошкентга кўчиб келгач, Совет ҳуқуқи илмий-текшириш институтига ўқишга кирди. 1934 йил декабрь ойида институтни битириш имтиҳонларини топширгач, йўлланма билан Республика Прокуратурасига ишга юборилган. Дилоро синов муддатидан сўнг 1935 йилдан Ўзбекистон Республикаси Прокурори ёрдамчиси лавозимига тайинланади. Ёш оила бахтдан сармаст эди. Ишдаги зиддиятлар, ҳасадгўй кимсаларнинг бўҳтонларига қарамай, улар ҳар куни янги-янги ғоялар, асарлар устида баҳслашарди. Уларнинг бағрида фарзандлари Марат ва Сурайё улғаяди. 1937 йил 29 март куни М.Мўминовни, 1937 йил 22 сентябрь куни “халқ душмани”нинг хотини, эрининг троцкийчилигини, аксилинкилобий фаолиятини яширган деб 25 ёшли Дилоро Юсуповани ҳам ҳибсга олишган. Унинг 6 ёшли ўғли Марат ҳамда 4 ёшли кизи Сурайё болалар уйига топширилган. 1938 йил 4 октябрда Муҳаммаджон Мўминов отиб ташланди. Шундан сўнг 1939 йил 14 март куни Дилоро Юсупова иши қўрилиб, ЎзССР ЖК 68-моддасида кўзда тутилган жиноят аломатлари топилмади, деган хулоса билан

жиноят иши тўхтатилган. 1939 йил 19 март куни ундан тергов вақтида қўлланган қийноқ ва сўроқлар ҳақида ҳеч қачон гапирмаслик ҳақида тилхат олиб, қамокдан бўшатишган. Юқорида биз тилга олганимиз каби ўзбек илм-фани, эл-юрт фаровонлиги йўлида жонбозлик кўрсатган аёл зиёлиларимиз анча бўлган. Уларнинг ҳаёт йўли ва фаолиятини илмий ўрганиш юзасидан олимлар иш олиб бормокдалар.

ЖАННАТ – кўпчилик диний таълимотларга кўра, тақводор диндорлар охиратда роҳат ва фароғатда яшайдиган жой. Яҳудийлик, христианлик, Ислом динларидаги асосий тушунчалардан бири. Барча динларда Жаннат дўзахга қарама-қарши қўйилади. Библия (Қадимги Аҳд)да жаннат гўзал боғ сифатида тасвирланади, унда Одам ато билан Момо ҳаво яшагани, улар гуноҳ иш қилиб қўйганларидан кейин жаннатдан қувилгани ҳақида ёзилган. Қуръонда жаннат ҳақида бир неча ерда баён қилинган. Диний ақида бўйича, бу дунёдаги ҳаёти даврида иймонли ҳолида эзгу ишлар билан шуғулланган кишиларга Аллоҳ томонидан жаннатдан жой берилади. Жаннатдаги ҳаёт абадий, безаволдир. Жаннатда ғам-ғусса ва ташвиш йўқ. Одамларнинг яхши кўрган барча нарсалари муҳайё этилади. Қуръонда жаннат дарахтзор, ариқларда зилол сувлар оқиб туради, деб таърифланади. У ерда инсонлар қаримайди ва касал ҳам бўлмайди. Диний таълимотда таъкидланишича, жаннатда ҳавзи Кавсар мавжуд бўлиб, унинг суви оқ ва муздаклиги ҳамда хислатлари таърифланади. Ҳавзи Кавсардан жаннат аҳли сув ичади. Ислом динига кўра, жаннатнинг 8 та дарвозаси бор. Булар: 1) Пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддик бандалар ва сахийлар; 2) намозхонлар; 3) закот берувчилар; 4) амри маъруф, наҳйи мункар қилган мўминлар; 5) нафсу шаҳватини жиловлаб юрганлар; 6) ҳаж ва умра қилганлар; 7) Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилганлар; 8) тақводорлар ва ота-онасини рози қилганлар кирадиган дарвозалардир. Жаннатда энг олий неъмат Аллоҳ таолонининг жамолини кўриш ҳисобланади.

ЗАРДЎЗЛИК – безак санъати тури; амалий санъатнинг зар (тилла ва кумуш суви



юритилган) ип, нозик сим, ипак билан кашта тикиб безак яратадиган соҳаси. Тўртбурчак чамбаракка (корчўпга) ўрнатилган бахмал, шойи, мовут, чарм ва бошқа матоларга зардўзи усулида кашта (гул, нақш, тасвир) тикилади. Каштада баъзан металл, тош, шиша мунчоқлар ҳам ишлатилади, турли матолар (бахмал, шойи ва бошқа)дан курак қилинади. Олдиндан тайёрланган (рассомлар томонидан яратилган мужассам нусхаси кўчирилган) ахта қоғозлардан кенг фойдаланилади. Матога мустаҳкамланган (тикилган ёки ёпиштирилган) ахта қоғоз зар ип билан бир томонлама қоплаб тикилади (мустаҳкамловчи чок учун зар ипга мос рангдаги ипдан фойдаланилади), натижада нақшгул юзаси зар иплар билан қопланади, матонинг тескарисида нақшгул шаклигина ҳосил бўлади. Зардўзлар безак яратишда бир неча усулни қўлайдилар: зардўзи заминдўзи ва зардўзи гулдўзи, шунингдек, биришимдўзи (ипак ишлатилганда), пулакдўзи (тугмасимон металл япроқчалар қўлланганда) ва бошқалар. Мустаҳкамловчи ва таҳрир чокларнинг бир неча хилининг моҳирона қўлланилиши ҳамда уларнинг нақш мужассамоти билан уйғунлашуви зардўзи буюмларга жозоба ва нафосат бахш этади; уларнинг бадий қиммати нақш мужассамоти, хом ашёси, тикилиши ҳамда зардўз устанинг дид ва маҳоратига боғлиқ. Нақш мужассамотида кенг тарқалган анъана зардўзлик бадий ҳунармандлик тури сифатида Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган. Асосан, бинолар ичини безайдиган буюмлар, аёлларнинг байрам либослари зардўзлик билан тайёрланган. Археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар Ўрта Осиё халқлари орасида зардўзи кийим ва бадий буюмлар тикиш қадимдан ривожланганлигини кўрсатади. Испан элчиси Клавиho ўз эсдаликларида зардўзлик усулида тикилган кўрпатўшаклар, ипак матога зар такилган қимматбаҳо дарпардалар ва чодирлар ҳақида, эрак ва аёлларнинг зар ипда тикилган кийимлари ҳақида завқ билан ёзади. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг “Ҳиндистон сафарномаси” рисоласида Шоҳрух (1442) Ҳиндистоннинг Калькутта вилояти ҳукмдори ҳузурига юборган элчилари орқали унга зардўзи дўппи совға қилгани қайд этилган. Восифий ўзининг

рисолаларида зардўзлик касби тўғрисида сўз юритган. Дарқақиқат, 15–18асрларда Бухоро, Самарқанд, Ҳиротда зардўзлик юксак поғонага кўтарилган. Унинг XIX асрдаги тараққиёти Бухоро билан боғлиқ. Бухорода сақланиб келаётган зардўзлик касби узок давр мобайнида сайқал топиб, такомиллаша борган. Зардўзлик билан, асосан, эраклар шуғулланган (ҳозир аёллар орасида ҳам кенг тарқалган), улар устахоналарга уюшиб ишлашган. XIX аср ўрталари, XX аср бошларида яратилган зардўзи буюмлар (тўн, камзул, чакмон, чалвор, пойабзал, белбоғ, салла, кулоҳ ва жул каби)нинг деярли барчаси амир ва унинг оиласи, сарой аъёнлари учун тайёрланган, қисман бадавлат хонадонлар буюртмалари ҳам бажарилган. XIX асрнинг 30–60 йилларида зардўзликда акс эттирилган мужассамотлар қанчалик оддий бўлса, каштагуллар ҳам шунчалик равон ва жозибador бўлган. XIX асрнинг 70–80 йилларида зар ип ёки зар аралаштириб эшилган ипак ип (пушти, тўқ қизил, мовий, яшил)дан фойдаланилган. Зардўзи биришимдўзи номли ўзига хос тури шу даврга хосдир. 1893 йилдан зар ипларнинг янги навлари кўп миқдорда ишлаб чиқарилиб, улар рангли ипак ипларни сиқиб чиқарди ва умумий тикиш услубини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. 1890–1900 йиллардаги зардўзлик заргарона ўта нозиклиги билан ажралиб туради. Турли кўринишдаги бўртма гирихлар, юлдузчалар ва шунга ўхшаган бошқа безаклар буюмга ўзгача зеб бериб турган, айниқса, давкур мужассамоти алоҳида ўрин тутган. XX асрнинг 20-йилларида барча амалий буюмларнинг турлари ўзгарди, аввалги ҳашамдор буюмлар ўрнини нафис ишланган, давр талабига мос буюмлар эгаллади, нақш мужассамоти соддалаштирилди, анъанавий нақшлар давр руҳини ифода этувчи шакллар билан бойитилди. Зардўзлар аёлларнинг байрам либослари (кўйлак, нимча, дўппи, камар, кавуш, сумкача), анъанавий буюмлар, эраклар учун совға тўнлар, дўппилар тайёрлай бошладилар. 40–50-йиллар бошида маҳобатли зардўзи намоёнлар яратиш сезиларли даражада ривожланди. Дастлабки йирик иш Навоий театри учун тикилган зардўзи парда бўлди (1947, А. Шчусев чизгиси, ҳажми 7х27 м). Рассомларнинг амалий санъат усталари



билан ҳамкорлиги ҳамда ижодий изланишлар натижасида янги мужассамотли майда буюмлар, бадий жиҳатдан кимматли намоёнлар яратилди ва яратилмоқда: “Китоба” (1952, Н. Аминов чизгиси), “Пахта” (1955, М. Прутская чизгиси), “Байрам” (1959, В. Столяров ва М. Аҳмедова чизгиси), “Тирих” (1962, В. Столяров чизгиси), Алишер Навоийнинг 525 йиллигига (1968) ва бошқаларга бағишланган намоёнлар зардўзнинг катта ютуғи бўлди. 90-йилларга келиб зардўзлик қайта тикланди. Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ургут, Қарши, Жиззах шаҳарлари, Сурхондарё вилояти замонавий зардўзлик санъатининг марказлари ҳисобланиб, зардўз усталар (Н. Аминов, Б. Жумаев, С. Акбарова, тушунча Содиқова, Г. Бозорова, Г. Пиримкулова, М. Ҳабибова, Г. Нуртоева, М. Муҳиддинова, Д. Тошева ва б.) чопон, дўппи, нимча каби либослар каторида мавзули намоёнлар, театр пардалари ҳамда совға буюмлар, игнадонлар, кўзойнак ғилофи, упа-элик сумкачаларини зардўз усулларида безатишни ривожлантирдилар. Б. Жумаев рафиқаси М. Жумаева билан биргаликда Бухоро зардўзлик санъати мактабини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида марказ ташкил қилди (1995). Б. Жумаевнинг “Баҳоуддин Нақшбандий” (1997), “Бухоройи Шариф” (1997), “Қўштовус” (1998), “Тултувак” (1998), “Алишер Навоий” (1998) мавзуларидаги деворий намоёнларининг юқори даражадаги техник ижроси ҳамда муаллифнинг ўзига хос услуби ва бадий анъаналарнинг уйғунлашганлиги билан ажралиб туради. Усталар ва рассомлар яратаётган йирик мавзули зардўзи буюмлар республика ва чет мамлакатлар кўргазмаларида намоёйиш этилмоқда, музейларида сақланмоқда.

ЗИЁРАТ – муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб муайян расм-русумларни бажариб келиш. Ислом ақидасига кўра, азиз-авлиёларнинг мақбараларига зиёрат учун борганда уларнинг руҳларидан мадад сўрашлик, ҳожатлар раво қилиниши, шифо, омад, ризқ, фарзанд кабиларни сўраш ҳаромдир. Чунки бу каби амалларни рўёбга чиқариш фақат Аллоҳнинг ихтиёридадир. Зиёрат қилинувчилар пайғамбар бўладими, авлиё ёки тариқат шайхи

бўладими, улардан нажот сўраш ўрнига ҳақларига дуойи хайр қилиш, садақа-эхсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринлидир. Исломда шахсга сиғиниш ширк саналади.

ЗИНО (арабча – бузуклик, фахш, зинокорлик) – Ислом ақидасига кўра, эркак ва аёлнинг шаръий никоҳсиз жинсий алоқада бўлиши. Зино Исломда қаттиқ қораланадиган гуноҳлардан ҳисобланади. Қуръонда “Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузукликдир – энг ёмон йўлдир”, дейилган (17:32). Шариатда зино учун юз дарра уришдан тортиб ўлим (тошбўрон қилиш) жазосигача белгиланган. Лекин жазога ҳукм қилиш учун зино билан айбланувчининг ўзи иқрор бўлиши ёки тўртта ишончли кишининг гувоҳлиги шарт қилинган.

ЗУЛМ (арабча – жабр қилмоқ, бировни ҳаққини поймол қилмоқ, адолатсизлик қилиш ва ҳақ йўлдан озиш). “Зулм” кундалик ҳаётимизда учраб турадиган сўзлардан бўлиб, одатда “Фалончи ўзига-ўзи жабр қилибди”, “Оиласига жабр қилибди” каби маъноларда ишлатиб келинади. Инсон мамлакатда ўрнатилган қонун-қоидаларни бузиши ҳам зулм саналади. Шунингдек, Ислом динининг асосий манбалари Қуръони Карим ва ҳадис шарифларда зулм сўзи бир неча маъноларда келган. Жумладан: “Ким шундай қилса, демак, ўзига зулм қилибди”. Ушбу оятда, зулм сўзи эр-хотин қоидаларига риоя қилмаган киши, адолатсизлик қилган саналалиши таъкидланмоқда (2:231); “У айтди: Зулм қилган кимсани, албатта, азоблагаймиз”, ушбу оятда эса, ҳақ йўлдан озган кимса, маъносида келган (18:78); “Кимки, Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, демак, у ўзига зулм қилибди”, ушбу ояти каримада эса инсоннинг ўзига ўзи жабр қилиши айтилган (65:1).

ИДДА, иддат ал-маръа (арабча – маълум вақт, аёллар учун белгиланган муҳлат) – шариат бўйича эри ўлган ёки эридан ажрашган хотинлар бошқа эрга чиқиши учун ўтиши шарт бўлган муддат. Бундай аёлларга идда ўтмагунча никоҳланиш тақиқланган: бева учун Идда 4 ой 10 кун,



эридан ажралишган аёл учун 3 ой белгиланган. Муддатнинг белгиланиши Қуръонга асосланган ҳолда шариатга киритилган бўлиб, аёлнинг ажралган ёки ўлган эридан ҳомиласи бор ёки йўқлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган.

ИЙД (арабча – байрам) – Исломдаги икки диний байрам. Биринчиси Қурбон ҳайити – зулҳижжа ойининг 10-куни. Иккинчиси Рўза ҳайити – рамазон ойи тугагандан кейин шаввол ойининг биринчи куни. Ҳар икки ҳайит куни ҳам бомдод намозидан ташқари куёш чиққандан кейин то туш пайтигача бўлган вақтда икки ракат ҳайит намози ўқилади. Ўзбекистонда ҳайит намозини кун чиққандан 15 дақиқа ўтгач ўқиш одат тусига айланган. Ҳар иккала ҳайитнинг 1-куни дам олиш куни деб белгиланган (яна қ. Ҳайит).

ИЙМОН (арабча – ишонч) – 1) Яратганга бўлган ишонч-эътиқод; кўнгилда ишониш ва тилда иқрор бўлиш; 2) умуман, ишонч; 3) муайян фикр, олий ғоянинг ҳақиқатлигига комил ишониш, шу ишончни эътиқодга айлантириш. Шунинг учун ҳам иймон сўзи эътиқод сўзи билан ёнма-ён келиб, иймон-эътиқод тарзида ишлатилади. Идда инсон онги ва руҳиятига сингган, ундан мустаҳкам ўрин олган дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч, инсон иродасини мустаҳкамлаш воситасидир. Иймон туфайли одам руҳи эзгулик сари интилади, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг инсонийлашувида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар қандай ғоя ва дунёқараш инсоннинг иймон-эътиқодига айлангандагина ҳаракатлантирувчи моддий ҳамда руҳий куч сифатида намоён бўлади. Ишонч билан иймон тушунчалари одатий (кундалик) онгда кўпинча бир маънода қўлланади.

Иймон ишончга нисбатан чуқур фалсафий мазмунга эга. У дунёқараш ва эътиқод билан узвий боғлиқ бўлгани сабабли алоҳида нодир руҳий ҳолат сифатида намоён бўлади. Ҳозирги даврда бутун жаҳонда диний дунёқараш билан бирга илмий-фалсафий дунёқараш ҳам мавжуд. Айрим одамларда диний онг устувор бўлиб, уларда иймон диний ақидалар ҳақлигига ишонч асосида шаклланади, баъзи кишиларда

эса илмий ҳақиқатларга ишонч устувор бўлгани сабабли, уларда иймон дунёвий билим, фалсафий дунёқараш негизида юзага келади. Қуръони Каримда иймонли инсонларнинг белгилари қуйидагича тавсифланади: улар мўмин, нисбатан ҳалим, Аллоҳ таолога итоаткор, сўзи билан амали бир, поклик ва ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари, шартномаларига риоя этувчи, ибодатига амал қилувчи кишилардир. Илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда иймон тушунчаси билан эътиқод тушунчасини айнан бир нарса деб талқин қилиш ҳолатлари учрайди, ҳатто эътиқодни иймондан устун қўядиган қарашлар ҳам бор. Аслида эътиқод одамнинг онги, аҳволи, руҳияти билан боғлиқ кетадиган, оламдаги нарса-ҳодиса ва жараёнларга алоҳида муносабатни қарор топтирадиган маънавий-руҳий ҳолатдир.

Умуман айтганда, уч нарсанинг бутунлигидан иймон ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод – чин дилдан ишониш; иқрор – сўзда буни тан олиш; амал – ишончни яхши ишлар билан исботлаш.

ИМИЖ (инглиз имиж – қиёфа, тасвир) – одамлар онгида муайян шахс, ташкилот ёки бошқа ижтимоий объектга нисбатан юзага келадиган, идрок этилаётган объект ҳақидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирган ва ижтимоий хулқ-атворга даъват этадиган муайян синтетик образ. Имиж турлари: корпоратив имиж (компания, фирма, корхона, муассаса, сиёсий партия, жамоат ташкилоти ва ҳоказо) ва индивидуал имиж (сиёсатчи, бизнесмен, артист, раҳбар, ижтимоий ҳаракат етакчиси каби алоҳида шахсларни) фарқлаш мақсадга мувофиқдир.

Иккала ҳолда ҳам, яъни ташкилотга нисбатан ҳам, индивид (шахс) га нисбатан ҳам ташқи ва ички имиж бўлади. Ташкилотнинг ташқи имижи – бу уни куршаган муҳитда, мазкур ташкилотнинг мижозлари, истеъмолчилари, рақиблари, ҳокимият органлари, ОАВ, жамоатчилик онгида у ҳақда шаклландиган образ, тасаввур. Индивиднинг ташқи имижи вербал, визуал, ахлоқий, эстетик ифода усуллари ва хулқ-атворнинг ҳар хил шаклларида таркиб топади, у билан бевосита ёки билвосита алоқага



киришадиган одамлар эса бу имиж субъекти ҳисобланади. Имиж масаласида функционал ёндашув тарафдори бўлган инглиз олими Ф.Жевкинз имижнинг куйидаги турларини таклиф қилади:

1. Кўзгусимон имиж – бизнинг ўзимиз ҳақимиздаги тасаввуримизга хос бўлган имиж.

2. Жорий имиж – четдан ташланган назарга хос бўлган имиж.

3. Мақбул имиж – шахс нимага интилаётганини акс эттирадиган имиж.

4. Корпоратив имиж – ташкилотнинг айрим бўлинмалари ёки унинг иш натижалари эмас, балки умуман ташкилот имижи

5. Кўп сонли имиж – ягона корпорация ўрнида бир қанча мустақил тузилмалар мавжуд бўлган ҳолда юзага келадиган имиж. Имиж масаласида контекстли ёндашув ҳам бор. У имижнинг мувофиқлаштирилган ҳолда яхлит хусусият касб этиши, рўёбга чиқариш шарт-шароитларининг ҳисобга олиниши, айрим жиҳатлари эса бир-бирига зид бўлмаслиги лозимлигини англатади. Инглиз олимаси Э.Сэмпсон шахсий имиж тўғрисида сўз юритар экан, ташқи ва ички омиллар уйғунлигига қараб, имижни уч турга – ўз-ўзининг имижи, идрок этиладиган имиж ва талаб қилинадиган имижга ажратади.

Ўз-ўзининг имижи ўтмиш тажрибасидан келиб чиқади ва ўзига нисбатан ҳурмат, ишончнинг ҳозирги ҳолатини акс эттиради. Идрок этиладиган имиж – бошқа одамларнинг бизга бўлган муносабатидир. Талаб қилинадиган имиж айрим касблар (роллар) муайян имиж хусусиятларини талаб қилишини англатади.

Айрим ҳолларда бунга кийим тури кўмаклашади. Ҳарбий уст-бош, судья мантияси, подшо тожи – буларнинг барчаси шахснинг муайян ролларни бажарувчи эканига ишора қиладиган имиж белгиларидир. Баъзи тадқиқотчилар харизматик имижни мустақил тур сифатида таклиф қилади. Харизма, харизмали раҳбар тушунчасини илмий муомалага социология асосчиларидан бири М.Вебер киритган. Имиж турларига ёпиқ имижни ҳам киритиш мумкин. У собиқ иттифоқ даврида аксарият давлат раҳбарларига хос эди. Ҳар бир одам бу имижга ўзи ишонган жиҳатни “юклаши” мумкин эди. Одатда, одамлар муайян шахс

ҳақида қанча кам ахборотга эга бўлса, бу шахс уларнинг кўз ўнгида шунча салмоқ касб этади.

Инсонга хос фаолият жабҳаларига, имиж шаклландиган турли ижтимоий доирага қараб, сиёсатдаги имиж (ва сиёсатчилар имижи), бизнес имижи, ташкилот имижи, мамлакат имижи каби имиж кўринишлари мавжуд бўлиши мумкин. Бу имижлар мазмун жиҳатидан, шаклланиш механизмлари намоён бўлиш шакллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шундай қилиб, имижни шакллантириш оқилона ижтимоий бошқарув тизимига киритилиши мумкин ва лозим, чунки бу масалада фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Ўзини, ўз фирма ва ташкилотларини контрагентларга, жамоатчиликка таништиришда имижнинг аҳамияти қанчалик муҳим эканини ҳозирги пайтда ҳамма ходим ва раҳбарлар ҳам тўла англаб етгани йўқ, уларнинг аксарияти эскича ишлашда давом этмоқда, шу боис рақобатга асосланган курашда мағлубиятга учрамоқда. Мухтасар айтганда, имиж тушунчаси энг муҳим гносеологик муаммо бўлиб, бошқа барча назарий-амалий ва технологик муаммолар кўпроқ шу муаммонинг ечимига боғлиқ. Аёллар ўз имижини яратишга алоҳида эътибор берадилар. Зеро имиж орқали аёлнинг дунёкараши, диди, ақлий тафаккури, ижодий салоҳияти ҳам намоён бўлади.

ИНСОН ҚАДРИ – одам зотининг Аллоҳнинг энг буюк мўъжизаси сифатида улуғланиши, ҳар томонлама муносиб кадр-қиммат топишини англатадиган тушунча. Инсон учун кадриятлар мезонини англашда дастлаб оила муҳити, ота-она, қариндош-уруғ, ўқитувчилар муҳим ўрин тутати. Айнан ана шу омиллар негизида инсон камол топиб боради. Инсоннинг бутун умри ўзида шахсий кадриятларни такомиллаштириш, ўз кадрини камолга етказиш, жамият, замонда содир бўлаётган ўзгаришлар кадрини англашга интилишдан иборатдир. Ўзи ва бошқанинг кадрини англаб етиш учун инсоннинг маънавий дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Бу маънода, Сукротнинг “ўз-ўзингни



англаб ет!” – деган даъвати ғоят катта аҳамият касб этади. Ўз қадрини англашнинг объектив, субъектив, ижтимоий ва шахсий жиҳатлари мавжуд бўлиб, доимий равишда ўзаро алоқадорликда яшайди, инсон табиатининг турли жиҳатларини акс эттиради. Ҳар қайси шахснинг қадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар кўзгусида намоён бўлади. Муҳит ва даврнинг талаблари шахснинг қадрини шакллантириб, юксалтириб боради.

Унинг ўзи ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида, ўз қадрининг шахсий талаблари, эҳтиёж ва мақсадлари билан нақадар боғлиқ эканини тобора кўпроқ англаб боради. Инсон ва унинг қадри муаммоси – фалсафанинг азалий мавзуларидан бири. Одам наслининг дунёга келиши, бошқа жонзотлардан фарқи, табиат ва жамиятдаги ўрни, инсоний фазилатлари, шахсий хусусиятияти тўғрисидаги масалалар ҳамма давр файласуфларининг диққат марказида бўлиб келган. Маълумки, одамнинг жисмоний тузилиши, табиий-биологик хусусиятларини ўрганиш илм-фан оламида ҳамон давом этмоқда.

Ижтимоий фанларда эса шахс камолоти, унинг ижтимоий, маънавий қиёфаси билан боғлиқ масалалари тадқиқ қилинмоқда. Хуллас, одамзод учун ўзига ўхшаган бошқа кишилар, уларнинг хусусиятлари, жамиятдаги ўрни, қадри, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ муаммолар қадимдан энг асосий тадқиқот ва кузатиш объекти бўлиб келган. Инсоннинг ўзини қадрият сифатида талқин қилиш билан унинг қадри ва шахсий даражадаги қадриятлар тизими тўғрисидаги масалалар бир-биридан фарқ қилади. Бу борада уч йўналишда фикр юритиш мумкин. Биринчидан, ҳар бир инсонни қадрият сифатида қараш мумкин.

Бунда инсоннинг ўзи, унинг табиий-тарихий жараёндаги мавжудлиги, тирик жонзотлар орасида ягона ижтимоий вужуд экани эътиборга олинади. Бу йўналишдаги таҳлил аниқ инсонга қаратилган бўлиб, уни махсус тадқиқот мавзуси объектига айлантиради. Иккинчидан, инсоннинг қадри, яъни уни ижт-й жараёнлардаги ўрнини, атроф-муҳит ва бошқа кишилар учун аҳамияти, жамиятдаги мавқеи каби масалаларни тадқиқ қилиш ҳам мумкин. Бундай таҳлил инсоннинг

ижтимоий-тарихий аҳамиятини ўрганишга асосланади. Учинчидан, шахснинг маънавий олами, қиёфаси, қизиқишлар дунёси, талаб ва эҳтиёжлари, фаолияти билан боғлиқ қадриятлар тизимини ҳам таҳлил қилиш мумкин. Бунда асосий эътибор қадриятларнинг шахсий (алоҳида, якка) даражада намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларига қаратилади. Ҳозирги даврда ҳар қайси одамнинг қадри – аввало, унинг табиатга, ташқи оламда рўй бераётган жараёнларга, бу жараёнлардаги ўрни ва фаолиятига, турли ирқ, миллат, ижтимоий қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсад ва қадриятларга интиладиган кишиларга, ўзига, оила, турмуш, жамоа ва жамиятдаги мавқеига нисбатан муносабатида яққол кўринади.

Шунингдек, меҳнат, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт борасидаги жараёнлардаги иштироки, жамиятдаги ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва моддий бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссаси ҳам инсон қадрини белгилайди. Қолаверса, сиёсий ўзгаришлар, жамиятни демократлаштиришда қатнашиши, бу жараёнда қандай мақсадларни кўзлаётгани ҳамда қадриятлар тизими тез ўзгариб бораётган бугунги кунда қандай позицияни эгаллаши, ўзини қандай тутиши билан боғлиқ фаолияти ҳам бу борада муайян аҳамият касб этади. Бундан ташқари, кадр-қиммат инсоннинг маънавий баркамоллиги, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётгани; ўзининг шахсий, миллий, диний, ирқий, синфий ва бошқа соҳалардаги манфаат ҳамда мақсадлари, талаб-эҳтиёжлари, интилиш ва фаолиятини умуминсоний талабларга мослаштира олгани билан боғлиқ сифатларда ифодаланади. Бу борада унинг турли бузғунчи ғоялар, вайронкор мафкура ва бошқалар бидъатларнинг моҳиятини тўғри англаб олгани, уларга нисбатан муносабати ҳам муҳимдир. Ана шу жиҳатларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда инсон қадрини баҳолаш ва шу асосда шахсларнинг типларини аниқлаш мумкин.

МУТААССИБЛИК – (арабча “чуқур кетиш”, “ғулувга кетиш”) ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб,



бошқа қарашларга мурасасиз муносабатда бўлиш.

Мутаассиблик – луғавий маъноси бирон эътиқодга ёки дунёқарашга ўта берилганлик, ўз фикрида қатъий туриб олиб, бошқаларнинг фикрини инобатга олмаслик ҳамда инкор қилиш ва ҳамиша ўзини ҳақ деб билишдир. Халқаро тушунчаларда бу “фанатизм” ҳам дейилади. Мутассиб (фанат) киши кўр-кўрона хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлсин ўзига маъқул бўлган бир фикрда маҳкам туриб, ўзининг фикрини ҳақ, бошқаларнинг фикрини ноҳақ деб ҳисоблаган ҳолда баъзан ўз фикрини амалда намойиш қилишга ҳаракат қилади.

Мутаассибликка берилган одамлар ва уларнинг гуруҳлари тарқатаётган ғоялар ва амалий фаолият жамиятдаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид ҳисобланади. Инсоният тарихида эътиқоддан бундай ғаразли сиёсий мақсадларда кўп бора фойдаланилган. Ўрта асрларда Европада “муқаддас ерларни озод этиш” ғояси билан христиан раҳнаомлари даъвати билан Шарқ томон амалга оширилган салб юришлари, кейинчалик амалга оширилган инквизициялар, реформацияга қарши ҳаракатлар, Ислом дунёсида аввал ва ҳозир фаолияти кузатилаётган радикал оқимларнинг мафкураси замирида диний мутаассиблик ётади.

Ислом дини мутаассибликни қоралайди. Теран ўйлашга, бошқаларга нисбатан мурасали бўлишга чақиради.

НАМОЗ (арабча.) – Ислом кўрсатмалари бўйича бажариладиган махсус ибодат тури; Исломдаги 5 рукндан бири. Намоз Меърожда (қ. Исро ва Меърож) фарз қилинган биринчи ибодатдир. Бир кеча-кундузда 5 маҳал (бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон) Намоз ўқиш фарз ҳисобланади. Намоз ўқиш “Аллоҳу акбар” деб такбир айтиш билан бошланиб, сано, қироат, тасбеҳ, саловот, дуони ўз ичига олади. Намоздан салом бериш билан чиқилади. Намознинг бир неча турлари мавжуд. Масалан фарз, вожиб, суннат, нафл, ишроқ, таҳажжуд, қазо, шукри вузу, жаноза ва б. қўшимча намозлар борки, уларни адо этиш мусулмон кишининг ихтиёрий ибодати саналади. Фарз, вожиб, суннат наамозлари эса адо этилиши шаръан талаб этилувчи намозлар

сирасига киради. Намоз ўқиш учун намозхоннинг бадан ва кийимлари ҳамда ўқиш жойи пок бўлиши шарт. Намоз қиблага – Маккадаги Каъбага юзланиб ўқилади. Уни ўқишда махсус тўшама – жойнамоздан фойдаланиш одатга айланган. Намозни киши бир ўзи ёки жамоат бўлиб ўқиши мумкин. Жума намозни эса жоме масжидда жамоат билан ўқилади. Жамоат бўлиб намоз ўқиганда намозхонлар қатор туради, улардан бири (имом) имомликка ўтади. Намоз пайтида гапириш, ейиш, ичиш, кулиш, турли ҳаракатлар қилиш ва бошқалар мумкин эмас. Касал ва ногиронлар намозни ўзларига қулай ҳолатда ўқийдилар. Ўзбекистонда намоз, асосан, ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ ўқилади.

НИКОҲ ТЎЙИ – келин ва куёвнинг никоҳини жамоатчиликка маълум қилиш тантанаси. Бу маросим даврлар ўтиши билан қисман ўзгариб борган ва ҳар бир этник гуруҳда ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилган. Ўзбек халқининг қадимий никоҳ тўйи тизимида бир қанча маросимлар мавжуд: совчилик, унаштириш, уй кўрар (қиз кўрар), фотиҳа тўйи, тўй юбориш, қиз оши (қизлар мажлиси), никоҳ ўқитиш, келин тушди, келин салом, чарлар, куда чақириқ каби маросимлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар. Уларнинг аксарияти ҳозиргача сақланиб, амал қилиниб келинади. Никоҳ тўйи куни ёки бир кун олдин қиз томонга тўйнинг ошини пишириб ёки хомлигича юборилади. Қиз хонадонидида жамоага ош тортилади. Баъзан куёвникида ҳам ош берилади. Тўй куни ёки бир кун олдин қизнинг отасиникида никоҳ маросими ўтказилади. Куёв яқин жўраси, тоғаси билан бўлажак келин хонадонига борган. Имом куёвга эр-хотинлик бурчи ва ҳуқуқларини тушунтиргач, қизнинг янгаси орқали рухсатини олиб кейин “Хутбаи никоҳ” (никоҳ ҳақидаги дуо) ўқиган. Қадимий ўзбекчилик удумига кўра, никоҳ тўйи тантаналари куёвникида ўтказилади. Тўй оқшоми куёв жўралари билан, карнай-сурнай, чилдирма-ю ногоралар садолари остида шўх ўйин-кулги ва завқли қийқириқлар билан келинникига келади. Улар чимилдиқ тортилган хонада, ноз-неъматлар тўла дастурхон атрофида сийланадилар. Суюқ овқат, ош ейилиб бўлингач, куёв жўраларидан бири келин томондан куёв



сарпосини “сотиб олади”. Куёвни қибла тарафга қаратиб унга қизнинг онаси тайёрлаган чопон, салла кийгизилади. Куёв жўралар муборакбод этгач, сурнай хониши остида куёвни қизнинг онаси, хола-аммалари билан кўришгани олиб келишади. Она ва бувининг оқ фотиҳаси, эзгу дуоларини олиб куёв ўз жўралари билан уйига қайтади. Келинга оқ либосини кийдириб, отаси, буваси ва тоға, амаки каби яқин қариндошлар билан хайрлашгани олиб чиқади. Келин янгалари, дугоналари даврасида отасининг олдига келиб таъзим ила берган нону тузига розилик сўрайди. Отаси қизининг пешонасидан ўпиб, елкасидан қучиб розилигини билдиради, бахт тилайди. Қиз онаси олдига бориб “онажон, берган оқ сутингизга раҳмат” деб бағрига сингиб рози-ризолик сўрайди. Келин машинага чиқмасидан аввал ота унга оқ фотиҳа беради, бахт тилайди. Иштирокчиларнинг ҳаммаси дуога қўл очиб унга жўр бўладилар. Энг қадим одатимизга мувофиқ келин куёвнинг уйига қадар ёр-ёр билан кузатиб кўйилади. Бу одатлар ҳар вилоятда, қишлоқларда ўзига хос тарзда ўтказилади. Ўзбекистон Республикасида никоҳ тўйларида миллийликни сақлаган ҳолда дабдабазликка берилмай, исрофгарчиликсиз, ихчам ўтказишга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

ОДОБ (арабча “адаб” сўзининг кўплиги) – жамиятда эътироф этилган ҳуқ меъёри. У шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалаб, ўзаро муносабатда, оила, меҳнат жамоасида намоён бўлади. Одоб асосини ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбияланганлик даражаси ва эстетик идеал талаблари ташкил этади. Одоб кишининг жамоада ўзини тутиши, одамлар билан муомала қилиши, турмуш тарзи, бўш вақтини ташкил этиши, ички ва ташқи олами қандай бўлиши лозимлигига оид қоидаларни (масалан, ор-номус, шарм-ҳаё, иффат, камтарлик, хушмуомалалик,) ўз ичига олади. Инсоннинг диний эътиқоди унинг одоби бўлиб камол топишида муҳим ўрин тутди. Одоб биринчи навбатда, оила муҳитида, қолаверса, таълим-тарбия, ижтимоий-фойдали меҳнат, амалий тажриба жараёнида шаклланади. Одоб – инсонни маънавий камолотга етказувчи жараён,

у болаликдан шаклланади. Ёши улғайган сайин инсоннинг одоби даражаси кенгайиб боради. У киши фаолиятини, маънавий етуқлиги, маънавиятини белгилайдиган мезон. Одоб “тарбияли” маъносини ҳам англатади.

У таълим-тарбия маҳсули, ақл суянчиги, барча фазилатлар ибтидоси ҳисобланади. Доно халқимизда “Адаб бозорда сотилмас”, “Одоб ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир”, “Одоб ийўқнинг ақли ийўқ”, “Одобсиз ақл, ақлсиз одоб ийўқ”, “Одобнинг миллати ийўқ”, “Одоблига имон ҳамроҳ” каби нақлларнинг кенг тарқалиши бежиз эмас. Шундай экан, ақл ва одоб бир-бирига боғлиқ, муштарак тушунчалардир. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у камол топади. “Ҳикматнома”да “Адаб икки хилдир: ҳикмат адаби ва хизмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди, хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказди”, дейилади. Эндиликда ота-боболаримизнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги ўғитлари, нақл ва ривоятлари ёшлар қалбига маънавий қадриятларни сингдиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, одоблилик ва ахлоқийлик, эзгулик, инсонийлик каби маънавий қадриятлар шахс камолотида дастуруламал вазифасини ўтайди. Ота-онанинг яхши одоби фарзандларга ижобий таъсир қилади. Уларда ватанпарварлик, фидокорлик, садоқат, мардлик, жасурлик, чидамлилик, вазминлик, кадр-қиммат, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантиради. Одобли бўлиш эл ўртасида одоб сақлаш, насихатларга амал қилиш, инсоф, имонли бўлишнинг асосий омилдир. Одоб илм эгаллаш, бадий, ахлоқий, шеърӣ асарларни мутолаа қилиш асосида шаклланади. Одобли киши яхши амалларни одат қилади, қўни-қўшни, дўст-биродарлар, ота-оналар ҳурматини жойига қўяди, соф виждонли бўлади. Демак, тилини одоби билан қуроллантирган, қўлини тўғрилиқка одатлантирган кишигина камолотга етиши мумкин.

ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАР – оилада бола-чақа, хонадон, уруғ, авлодлар, эр-хотин, уларнинг наслдан наслга ўтувчи, ҳаётда қарор топган (топаётган) удум, урф-одат ва бошқалар амаллар мажмуасини ифодаловчи тушунча. Инсониятнинг қадимий маданий-маънавий

қадриятларини ўрганишда оилавий анъаналар алоҳида аҳамият касб этади. Оиладаги турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлар маҳалла билан боғланган бўлиб, улар ҳар бир оила аъзосининг жамоа билан муносабатларида, жамоанинг ижтимоий вазифалари, ахлоқий қонун-қоидаларида намоён бўлиб келган. Оилавий маросим ва тадбирлар муайян этник бирлик ҳамда қариндошлар гуруҳидан ташкил топган, маҳалла аъзолари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, шахсий ва жамоа манфаатига молик муаммоларни ҳал қилишда алоҳида ўрин тутadi. Бундай анъаналар жамоа орқали баркамол шахсларни вояга етказиш, уларнинг онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, эзгу ишларга даъват этишда қудратли восита вазифасини бажариб, жамоанинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни қўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳотида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз. Этнографик кузатишларга қараганда, Ўзбекистоннинг деярли барча минтақаларида оилавий маросимларни бошқаришда жамоавий муносабатлар – оила, қариндошчилик, никоҳ, жамоага уюшиб меҳнат қилиш қабиларни тартибга солишда эркаклар, айниқса, оқсоқоллар алоҳида ўрин тутган. Ана шундай бошқарув шаклларида бири турли кўринишдаги оила-жамоавий йиғинлар – маслаҳат кенгаши ҳисобланган. Бу ўлкамизнинг айрим туманларида “Қорақозон” деб аталган. Қорақозон оилавий маслаҳатдан каттароқ йиғин бўлиб, унда маълум уруғ-жамоага мансуб қариндошлар ҳам қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Оила, уруғ бошлиқлари, оқсоқоллар оила, маҳалла,

кишлоқ миқёсидаги йиғинларда ҳал қилувчи имкониятга эга бўлган. Маҳалладаги тўй-маъракалар, байрам тадбирлари, сайллар, дафн ва таъзия маросимларига эркаклар орасидан сайлаб қўйилган оқсоқоллар бошчилик қилган. Оиланинг бошқарилиши аввало ёши улуг кишилар, бобо ёки ота-оналар томонидан амалга оширилган. Улар оилада вазифаларни тақсимлаш, молиявий масалалар, тартиб ва ахлоқий муҳитни йўлга қўйиш қабилар билан шуғулланганлар. Оилада белгиланган тартиб-қоидалар, урф-одатларга барча оила аъзолари бўйсунган. Оиласига эътибор бермаган ва бундай талабни бурч сифатида қабул қилмаган шахс – эркак маҳалла йиғинларида муҳокама қилиниб, тартибга чақирилган. Оила бошқаруви ва ижтимоий-маиший турмушда, хусусан оилавий маросим ва маъракаларни ташкил қилишда аёлларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Улар нафақат фарзанд тарбияси ёки уй-рўзгор юмушлари, балки маросим ва тадбирларда бош-қош бўлиб оила ва жамоанинг шаъни, нуфузини кўтаришга хизмат қилганлар. Оилавий анъаналардан бири бўлган никоҳ маросимлари – насл қолдирилиши учун тузилган иттифоқ ҳисобланиб, у шариат ҳукми бўйича соф, тоза бўлиши талаб этилган. Ўзбекистон оиласида азалдан фарзанд тарбиясига, фарзандларнинг саводли, имон-эътиқодли бўлишига, илм ва ҳунар ўрганишига алоҳида эътибор қаратилган. “Авесто”да келтирилган маълумотларга қараганда, қадимги аجدодларимиз болаларни бенуксон туғилишига ва чақалоқлигиданоқ нафақат жисмоний тарбиясига, балки унинг ақлан етук бўлишига, ҳикмат ўрганишига, ахлоқий фазилатларни эгаллашларига ҳам алоҳида ғамхўрлик қилишган. Аجدодларимизнинг ўша даврдаёқ ўз авлодини етук, жамиятга, Ватанга фидокор, меҳнатсевар инсон қилиб тарбиялаш чора-тадбирларини амалга оширилганлигининг усуллари ўрганиш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Азалий туркий удумга кўра, ота-онага қараганда, бобо ва момолар бола тарбиясида муҳим ўрин тутган. Бундай оилавий анъаналар буюк шахслар ва алломалар ҳаётида янада ёркинроқ кўзга ташланади.

Жумладан, Темурий шахзодаларнинг тарбияси асосан уларнинг момолари зиммасида



бўлган. Сароймулкхоним Шохрух Мирзо, суюкли набиралари Муҳаммадсултон Мирзо, Ҳалилсултон Мирзо ва Улуғбек Мирзолар тарбияси билан шуғулланган. Оила жамиятнинг алоҳида, шу билан бирга, узвий қисмидир. Шунинг учун ҳам ундаги ўзгаришлар айнан жамиятдаги ўзгаришларнинг акси бўлиб ҳисобланади. Оила манфаатлари эзгулик сари интилаётган мамлакат, халқ, миллат манфаатларидан таркиб топади. Мухтасар айтганда, ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Аждодларимиздан бизга мерос қилиб қолдирилган муқаддас анъаналаримиз, гўзал урф-одатларимиз юртимиздаги ҳар бир оила учун дастуриламал сифатида эъзозланиши, янгиланиши ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказилиши мавжуд қадриятларимиз жилосини Ватанга, аждодларимизга бўлган ҳурмат-эътиборини янада ошириши шубҳасиздир.

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ – маданиятнинг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Айни пайтда, фольклор, халқ маданияти ҳам оммавий маданият кўринишлари сифатида талқин қилинади. Оммавий маданият чуқур ижтимоий ва маданий илдизларга эга ва пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий илдизлари йирик саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Йирик саноат ривожини ёлланма ишчиларга заруратни туғдирган бўлса, феодал жамиятнинг анъанавий ижтимоий тузилмасининг емирилиши одатий меҳнатдан айрилган кишилар оммасини вужудга келтириб, ана шу эҳтиёжни кондиришга хизмат қилди. Оммавий маданиятнинг шаклланиши ана шу жараённинг инъикоси эди. Зеро, у янги ижтимоий қатламларнинг (ёлланма ишчилар ва хизматчиларнинг) ўзларигагина хос бўлган маданият кўринишини яратишга бўлган интилишнинг натижаси ўлароқ шаклланди. Оммавий маданиятнинг юзага келиши ва ривожланиши айни пайтда ижтимоий

қадриятларни содда, барча учун тушунарли бўлган тилга кўчириш, оммавий саводхонликнинг ўсиши, нашр маҳсулотларининг пайдо бўлиши ҳамдир. Узоқ вақт давомида дунёқараш ва ҳуқ меъёрлари устоздан шогирдларга яқка тартибда ўтиб келган. Тарихий тараққиёт, ижтимоий тажриба ва дастурлар узатиш механизмининг универсаллашуви уларни янада кенгрок доирага олиб чиқди. Бунга ҳам оммавий маданият шаклланишининг муҳим кўриниши сифатида қараш лозим. Бу жараённинг бугунги кундаги ўзига хос натижасини боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнининг универсаллаштирилган – ягона андаза ва дастурлар асосида ташкил этилганида кўришимиз мумкин. Бундай универсаллаштириш ҳозирда глобал миқёс касб этмоқда. XX асрда радио, кино, ТВ, видео, компьютерлар тизимининг пайдо бўлиши натижасида оилавий маданият ривожининг янги босқичига қадам қўйилди. Бу босқич кўпчилик учун мақбул бўлган қарашлар ва қадриятларни шакллантириш имкониятлари кескин даражада ўсгани билан характерланади. Таъсир этишнинг нозик ва қудратли қуролига айланган реклама, мода каби воситалар ёрдамида оммавий истеъмол маданиятини, интеллектуал фаолият жисмоний меҳнатни ҳар соҳадан сиқиб чиқариш кучайган бир пайтда жисмоний соғлом бўлишга хизмат қиладиган ҳар хил спорт турларини фаол тарғиб қилиш йўли билан жисмоний баркамол шахсни шакллантиришга уриниш ҳам ана шу жараённинг натижасидир. Оммавий маданият халқ маданиятидан фарқли ўлароқ, нафақат миллий, балки миллатлараро, байналмилал хусусият касб этиши, айни пайтда, умуман, миллийликдан узоқ бўлиши ҳам мумкин.

Кўпгина ҳолларда оммавий маданиятнинг муайян намунасининг миллий мансублигини фақат унинг тили ёки ижрочисига қараб ажратиш мумкин. Элитар маданият кўпчиликка мўлжалланмагани, тушунарсиз бўлгани билан ажралиб турар экан, бу унинг ташувчиларини жамиятда алоҳида мавқега эга бўлишларига хизмат қилган. Оммавий маданият эса кенг халқ ўртасида машҳур бўлган ўзининг аниқ муаллифлари билан ажралиб туради. Халқ маданияти ҳамма вақт муайян макон билан



боғланган. Оммавий маданиятда эса бундай локаллик кузатилмайди. У аввал бошданок кенг аудиторияга мўлжалланган бўлади. Унда инсонга хос бўлган ҳиссиётлар – муҳаббат, қўрқув, муваффақиятга эришишга бўлган интилиш, ғаройиботга ишонч ва шу кабиларга асосланиш устуворлик қилади. Шу йўл билан оммавий маданият реал ҳаётга қайсидир жиҳатлари билан ўхшаш, аммо айна пайтда ундан бирмунча узоқ бўлган ҳаёт манзарасини яратади, қарашлар ва қадриятлар тизимини, хулқ моделини шакллантиришга хизмат қилади. Оммавий маданият ўзининг мана шу хусусиятлари билан инсоннинг идеалга бўлган табиий эҳтиёжини қондиришга интилади. Оммавий маданият олим ва мутахассислар томонидан турлича талкин этилмоқда. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Оммавий маданият – халқ маданияти, урф-одатлари, маросимлари, санъати ва шу кабиларни ифодаловчи тушунча

2. Оммавий маданият Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ривож билан боғлиқ ҳодиса.

3. Оммавий ишлаб чиқариш, “кўнгилочар индустрия” томонидан яратилган, омма истеъмолига мўлжалланган маданиятнинг сийқалаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳодиса. Бугунги кунда оммавий маданият маданий-мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли қуролларидан бирига айланган. Истеъмолчилик кайфияти ўзагини ташкил этган оммавий маданият асл кишилиқ маданиятига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бузадиган ва охир-оқибат инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган жонзот, ҳайвон даражасига туширадиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир. Бугунги кунда ОАВ, ТВ маданиятни оммалаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, аввало, одамларнинг қайғу ва хурсандчилигини ифодалаган, уларни қизиқтирган ҳар қандай муаммони товарга, бир қолипга солинган кўнгилхушлиқка айлантирилишида намоён бўлади. Глобаллашув жараёнлари ва унинг йўналишларидан бири бўлган оммавий маданият экспанцияси таъсирида қадриятлар тизимида содир бўладиган туб ўзгаришлар

“ижтимоий мавжудот” ҳисобланган инсонда муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради, инсон ва жамият маънавий-ахлоқий таянчларидан маҳрум этилади, жамият инкирозга учрайди.

“Оммавий маданият” ўзига хос саноатни ташкил этади ва ортидан кўпчилиқни эргаштирган ҳолда тарғиботчиларга даромад олиб келади. Унинг манбалари қуйидагилар: босма маданият, яъни арзон рисолалар, турли фаҳш ёки зўравонлиқни тарғиб қилувчи адабиётлар; радио маданияти, яъни, кўпроқ эшитадиган одамларга мўлжалланган, реклама учун муҳим бўлган эшиттиришлар; бадий ва бошқа инфорацион фильмлар; телевизион дастурлар; мусиқа ва қўшиқчилик санъати; спорт; ўз маҳсулотларини тарғиб қилиш имконини берувчи маркетинг ва реклама технологиялари билан боғлиқ корпоратив ва хусусий брендинглар; ижтимоий тармоқлар; кийим ва мода.

Янги маънавий макон яратишда “оммавий маданият” манбаларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Демак, “оммавий маданият” мана шу манбалар орқали жамиятга кириб келиб, ижтимоийлашмоқда, ижтимоий маконнинг маънавий қиёфасида ўз таъсирига эга бўлган ўринни эгалламоқда. Бундан ташқари, юқорида таъкидлаганимиздай, инсон онги ва қалби учун курашнинг янгидан-янги восита ва усуллари пайдо бўлмоқдаким “оммавий маданият” каби трансляциялашаётган оқимлар бунда кучли восита вазифасини ўтамоқда. Кучли воситага ундан ҳам кучлиров восита, кучли тарғиботга ундан ҳам кучлироқ бўлган аксилтарғибот билан жавоб бериш лозим бўлади. Шу нуқтаи-назардан бу каби масалалар тадқиқотчилар учун мунтазам ўрганиб борилиши лозим бўлган мавзу бўлиб қолаверади. Ҳар қандай маънавий макон ёки ижтимоий-маънавий муҳитда маданий омилар ўз таъсирини кўрсатади.

ОНА – 1) фарзандни дунёга келтирган шахсга нисбатан қўлланадиган тушунча; 2) фарзандни дунёга келтирмаган бўлса-да, уни тарбиялаган ёки тарбиялашда муҳим ҳисса қўшган аёлга нисбатан қўлланадиган тушунча; 3) ўзбек халқи маданиятида кекса аёлга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида қўлланадиган атама;



4) инсон маънавиятининг илк шаклланиш давларида катта таъсир кўрсатувчи ва авлод дунёқарашининг маълум йўналиш олишида муҳим ўрин тутувчи оила аъзоси. Фарзанд туғилгач, у парваришга муҳтож бўлади, биринчи навбатда, онанинг меҳр-муруввати билан тарбияланади, вояга етгач меҳнат қилади, ўзи ҳам фарзандли бўлиб, уларни улғайтириш жараёнида кексаяди. Бу ҳодиса инсоният тарихида узлуксиз жараён бўлиб, оналарга фарзандини тарбиялаш, билим бериш ҳамда уларга ўз моддий ва маънавий бойликларини етказиш имкониятини берган. Оналар оила, қўшнилари давраси, маҳалла ва ижтимоий ҳаётнинг барча шаклларида авлодга бебаҳо тажриба етказишади. Улар ёш авлодга ўз ҳаётлари мисолида ибрат кўрсатади. Оналарга ҳурмат ва уларга ғамхўрлик ҳамма ерда ва ҳамма вақт инсоният тараққиётининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб келган. У инсониятнинг яшаб қолиши ва тараққиёти учун шарт-шароит яратган, ўзини сақлаб қолишга интилиш ва жамиятни сақлаш ўртасидаги асосий ўзаро боғлиқлик ҳамда уйғунликни акс эттирган. Оналар учун ўз оиласи, фарзандлари ва яқинларига, жамиятга кераклиги, улар учун суюкли эканини ҳис этиб яшаш энг юксак бахт ҳисобланади. Оналар фарзандлари оила ва халқ олдидаги бурч ва масъулиятини англаб, уларнинг ҳаётий режаларига камарбаста бўлиб яшаши ва бунинг ортидан эътибор топишини орзу қилиб яшайди. Оналарнинг беминнат хизматида бир умр содиқ бўлиш, уларнинг дуоларини олиш, насиҳатларига кулоқ тутиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади. Шарқда оналарни қадрлаш миллий менталитет даражасига кўтарилган, жумладан, уларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ўзбекона миллий қадрият бўлиб, бу ахлоқий фазилат ҳар бир болага ёшлигидан оила давраида сингдириб борилади. Ўз навбатида, кўчани кўрган, ҳаёт мураккабликларини енгган, қийинчиликда чиниққан, ақли расо оналар ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ва кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча таомил, урф-одатларни ёшларга ўргатади. Шу тарзда, бир томондан, она ва фарзанд ўзаро муносабатларининг узвийлиги таъминланса, иккинчи томондан, фарзандларда юксак ахлоқий ва маънавий фазилатлар шаклланиб боришига эришилади. Фарзанд

онадан намуна олиб, ҳаётда ўзидан бирор из, яхши ном қолдиришга интилади. Уларда она туфайли ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик, бунёдкорлик ҳисси шаклланади. Оналар фарзандига сирдош, суянчик, устоз, ҳамдард бўлиши маънавиятимиздаги асосий воқелиқдир. Уларнинг ҳаёт тажрибаси, меҳр-муҳаббати, ақл-заковати ёшлардаги куч-ғайратни, жўшқинликни, ташаббускорликни тўғри йўлга солишга, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасликка даъват этади. Она умр бўйи ахлоқ-одоб, тарбия, насиҳат билан камол топиб, энди бошқаларга, авваламбор, фарзандларига маслаҳат бера оладиган, уларга ибрат бўла оладиган ҳаёт донишманди, мураббий, устоз ҳисобланади. Оналар ҳаёт тарзи кўпинча фарзандларнинг “мустақиллик”, “озодлик”, “эркинлик” тушунчаларини чин қалбдан ҳис этишига олиб келади. Оналар ҳаётнинг пасту баландини, оғир-енгилини, кам-кўстини бошдан кечириб, окни қорадан, яхшини ёмондан, гуноҳни савобдан, дўстни душмандан, адолатни разолатдан, шукроналикни кўрнамакликдан ажрата олади. Ўзбекларда оналар фарзандларини оилали, уй-жойли ва албатта, баркамол, бахтли қилиш ташвиши билан яшайди. Бу улар ҳаётининг мазмунига айланган. Халқимизда азал-азалдан катталарни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларнинг сўзларини икки қилмаслик каби фазилатлар мавжуд. Чунки, ёшлар оналарнинг ўғитидан, доно насиҳатларидан, ибратли ҳаётидан хулоса чиқаради. Ҳар бир ўзбек оиласида фарзанд ота-онанинг ҳолидан хабар олиш, уларга зарур шароит яратиб беришни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Ҳадисларда онага яхшилик қилишнинг қайта-қайта таъкидланиши бежиз эмас. Чунки, она том маънода фарзандни комиллик даражасига етказди. Шу боис, оналарни иззат-ҳурмат қилиш, улар учун зарур шароит яратиб бериш фарзандларнинг инсоний бурчидир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда), деб қайд этилган. Ўз навбатида, катта ҳаётий тажрибага эга, турмуш синовларида чиниққан она ўтмиш мероси, урф-одатлар ва анъаналарни фарзандлар



қалбига жо этиб, бир томондан, авлодлараро муносабатларнинг узвийлигини таъминласа, иккинчи томондан, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилади.

Оналик бахти – аёлнинг фарзанд кўриш, уни тарбиялаш ва камолга етказиш билан боғлиқ қувонч ҳисси, табиий туйғу; ҳар бир нозик хилқат вакилининг бир умрлик орзуси. Оналик бахти ўзига яраша масъулият ҳамдир. Чунки инсоният тарихининг ҳамма босқичларида оналар табиий тарбиячи вазифасини бажариб келган. Илк тарбия, ахлоқ меъёрлари, миллий менталитетимизга хос анъана ва қадриятлар она орқали фарзандларга сингдириб борилади. Онадаги камтарлик, андиша, ҳаё-ибо, тартиб-интизом, сабр-қаноат каби ахлоқий фазилатлар наслдан-наслга ўтади. Бу Шарқ хотин-қизларига хос юксак ахлоқий фазилатларда яққол намоён бўлади. Серфарзанд миллат аёли ўзининг кўп сонли болаларини оиласидаги катта ёшли кишилар кўмагида тарбиялайди. Тажрибадан маълумки, оталар тарбия жараёнида бевосита иштирок этмайди. Лекин аёлларимизнинг оқилалиги ва уddaбуронлиги сабабли оталар кўпинча тарбия жараёнининг марказида бўлади. Чунончи, хонадонларимизда боланинг ҳар бир хатти-ҳаракати мумкин ёки мумкин эмаслиги билан эмас, балки шу иш отасига ёқиш ёки ёқмаслиги билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам ёмон иш қилган болани оналар деярли жазоламайди. Улар бундай чоғда: “Отанг ишдан келсин, айтиб бераман”, деган пўписа билан болаларга таъсир ўтказади. “Отанг билиб қолмасин”, “Отанг билиб қолса, уялиб қоласан”, “Ундай қилма, даданг хафа бўлади” каби огоҳлантирувчи танбеҳлар аёлларимизнинг тарбия жараёнида кунда такрор ишлатадиган ибораларидир.

Она соғлом ва бақувват фарзандлар дунёга келтириши билан бирга, уларни ота кўмагида одоб-ахлоқли, юксак маънавият соҳиби этиб тарбиялашга ҳам масъулдир. Демак, оналик бахтига муяссар бўлган аёлнинг масъулияти ҳам Ватани, ҳам оиласи олдида бениҳоя каттадир. Ана шу вазифани бекаму кўст бажариши учун у ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиши керак. Зеро, она қандай хислат ва фазилатларга эга бўлса, фарзанд ҳам шундай руҳда тарбия

топади. Шу маънода, ҳар қандай давлат ва жамиятнинг бугунги куни ҳам, келажаги ҳам айнан онага бўлган муносабат билан ўлчанади. Ислом дини ҳар бир аёл зиммасига турмуш ўртоғи, ота-онаси, жамиятга нисбатан бурчлар юклаган. Аллоҳ имонда, солиҳлик ва тақвода олий даражадаги аёлларни инсониятга ўрнак қилиб қўйди. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) завжаи мутоҳҳаралари Ойша (р.а.) ҳамда қизлари Фотима (р.а.), Исо (а.с.) оналари Биби Марям шулар жумласидандир. Ислом аёлни беҳурмат қилиш, обрўйини тўкиш, уни фисқ учун йўлдан уриш каби салбий ҳолатларни ҳамиша қоралаб келади. Оналик бахтига муяссар бўлган хотин-қизлар янада кўпроқ ўқиб-ўрганишлари, бутун меҳри, қалб кўрини фарзанд тарбиясига қаратишлари даркор.

ОТИН – 1) эски мактабларда қизлар ўқитувчиси; дин ва шариат билимдони. Кўпинча аёллар ўртасида диний маросимлар (мас, мавлуд)га бошчилик қилади; 2) аёлларни ҳурматлаб, улар исмига кўшиб айтиладиган сўз. Жамият маънавий ҳаётида ислом динининг инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари асрлар мобайнида сайқалланиб келмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида юзага келаётган мафкуравий таҳдидларни олдини олиш юртимизда фаолият юритаётган диний соҳа ходимлари, хусусан отинойиларнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Жамият маънавий муҳитини соғломлаштириш ўз навбатида, миллий ва диний қадриятлардаги эзгулик ғоялари бўлмиш поклик, ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби эзгу фазилатларга таянади.

Диний-маърифий соҳа фаолиятинини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланиб, “Жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғоя асосида отинойилар ҳам азалий қадриятларимизни ёшларимиз, жумладан, аёлларимиз ўртасида кенг тарғиб этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

ПАЙҒАМБАР (форсча – хабар берувчи, мужда келтирувчи; араба – набий, расул) – Аллоҳнинг хоҳиш-иродасини, динини бандаларига етказувчи, Аллоҳнинг Ўзи танлаган



вакили. Пайғамбар Аллоҳ билан бандалари ўртасидаги элчи. Пайғамбарларнинг биринчиси Одам алайҳиссалом бўлса, охиргиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Пайғамбар билан бир қаторда кўпинча “расул” атамасидан ҳам фойдаланилади. Аммо “расул” сўзи ўзига хос маънога эга. Расул (арабча – элчи) – Ислом анъанасига кўра, Аллоҳ томонидан танлаб олиниб, вакил қилинган, тарғибот, даъват қилиш вазифаси топширилган, илоҳий китоб нозил қилинган Пайғамбарларга нисбатан қўлланадиган тушунча. Набий китоб нозил қилинмаган Пайғамбар, шу боис, ҳамма расуллар набийлардир, аммо ҳамма набийлар ҳам расул эмас. Қуръони Каримда 25 нафар Пайғамбарнинг исми зикр этилган.

РАМАЗОН – 1) ҳижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи, Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни ваҳий қилиб, Жаброил алайҳиссалом орқали нозил этган; 2) Рамазон ойида болалар шу номда шеърлар тўкиб, эшикма-эшик, уйма-уй юриб айтадилар; 3) Рамазон ойида туғилган эркаклар исми. Бу ой муқаддас ой ҳисобланиб, бир ой давомида рўза тутиш буюрилган. Рамазон ойида мусулмон халқлари маънавиятига кўра, халқ, миллат, шахслар орасидаги ҳар қандай низо, келишмовчиликлар, уруш-жанжаллар тўхтатилган. Кишилар орасида аввалдан мавжуд қарама-қаршиликлар рамазон ойида ярашув билан барҳам топиши савобли иш экани Исломда кенг талқин этилади. Бундан ташқари, рамазон ойида тутиладиган рўза инсонга ҳам жисмоний, ҳам маънавий фойдалилиги масаласига динда катта аҳамият қаратилади. Рўза (форс. – кундузги иш, савм, бирор нарсадан ўзини тийиш) – Ислом динида фарз бўлган учинчи рукн бўлиб, ҳар йили рамазон ойида бир ой давомида эрта саҳардан шомгача ҳеч қандай овқат емаслик, ичмаслик, чекмаслик, жинсий алоқа қилмаслик талаб этилади. Шунингдек, рўза тутмаслик беморларга, ҳомиладор ва эмизикли фарзанди бор аёлларга, сафарда юрганларга кейин тутиб бериш шарти билан рухсат берилган. Рўза давомида инсон жисмоний иллатлардан тозаланиш билан бирга, маънавий жиҳатдан покланишга эришиши, ахлоқсиз

муносабатлардан тийилиши лозимлиги илоҳий талаблар сифатида талқин қилинади. Рўзанинг фарз, вожиб, нафл, макруҳ турлари мавжуд. Ўзбекистонда рамазон ойининг сўнгги куни – рамазон ҳайити байрам сифатида нишонланади.

РУХ (арабча – жон) – ғайримоддий асосни англатувчи тушунча. Инсон ва ҳайвонлар танасида яшовчи, уйқу ва ўлган пайтда танани қисман ёки бутунлай тарк этувчи ўзига хос куч. Рух тушунчасининг талқини тарихан ўзгариб борган. Юнон фалсафасида рух олам асосида ётувчи пневма, нус (ақл), логос деб тушунилган. Аристотель “нус”ни тартибсиз материяни шакллантирувчи куч деб билган. Ўрта аср мутафаккирлари руҳни табиатдан олдин мавжуд бўлган ва уни яратувчи куч деб ҳисоблаганлар. Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий ва бошқа файласуф, мутафаккирлар руҳни турлича талқин қилишган. Форобий руҳнинг бир танадан иккинчи танага кўчиб юришини рад этган. Шарқ табиблари руҳни “латиф буғ” деб тушунишган. Материалистик фалсафага кўра, рух деганда юқори даражада уюшган материянинг маҳсули деб қаралувчи онг, тафаккур тушунилади, материяга нисбатан иккиламчи ҳисобланади. Идеалистик фалсафага кўра, рух деганда материяга нисбатан бирламчи деб ҳисобланадиган ва бутун борлиқнинг негизини ташкил этган ғайримоддий асос, илоҳий куч тушунилади. И. Кант руҳни ғоя сифатида, Гегель борлиқни дунёвий руҳнинг ривожланиш босқичлари сифатида қарайди. Рух идеалистик таълимотларда марказий ўрин тутиб, тушунча (панлогизм), субстанция (пантеизм), шахс (теизм) сифатида намоён бўлади. Диний тушунчага қара, рух – киши ҳаётида у билан бирга, вафотидан кейин эса, танадан чиқиб абадий қоладиган кўзга кўринмас нарса. Баъзи уламолар руҳни қон, бошқалари нафас деб ҳисоблайди. Айримлари эса, руҳни латиф ва нафис ҳаводан иборат деб, уни моддий нарсалар қаторига қўяди. Қуръонга кўра, Аллоҳ одамзодни яратмасдан олдинроқ киёматга қадар келадиган одамларнинг руҳларини яратган. Ислом динида руҳнинг моҳияти ҳақида баҳс юритиш ман этилади. Қуръонда (Исро сураси, 85-оят) рух Аллоҳнинг илмига ҳавола этиладиган



сир экани, рух тўғрисида одамлар жуда оз маълумотга эга эканликлари таъкидланган. Кўчма маънода – инсоннинг ички ҳолати, ҳис-туйғулари, кайфияти. Шунингдек, иш-ҳаракат, воқеа ва ҳодисаларнинг кечишидаги белгилари хусусиятлари ҳам англатади. Масалан, замон руҳи, қонун руҳи, таълимот руҳи ва бошқалар.

РЎЗА (форсча) – Исломдаги 5 та рукн (мажбурий)дан бири. Рўза тутиш вақти тонг ёришмасдан аввал бошланиб, кун ботишига қадар давом этади. Бу вақтда ейиш, ичиш, жинсий яқинлик қилиш, номаъқул ишлардан тийилиш зарур. Қуръонда Аллоҳ Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни рамазон ойида ваҳий қилиб юборгани, ҳар йили шу ойда рўза тутиш фарзлиги қайд этилган (2:183–187). Исломга кўра, рамазон ойида рўза тутиш балоғат ёшига етган, соғлом мусулмонларга фарз қилинган. Ҳомиладор, эмизикли аёллар, сафарда юрганлар, оғир беморлар, қийин шароитларда ишловчилар рўза тутишдан озод этилган, уни имконият туғилганда адо этишларига руҳсат берилган. Рўзага тоқати етмайдиган кексалар, сурункали беморлар рўза ўрнига фидя садақаси бериши мумкин. Агар бунга қодир бўлмаса, Аллоҳга истиффор айтади ва дуо қилади. Ҳар бир рўзадор кишига рамазон ойи давомида фақиру мискинларга хайру эҳсон қилиш, барча ёмон хулқ ва феълу атворлардан сакланиш шарт ҳисобланади.

Рўза ҳижратнинг 2-йили фарз қилинган. Мусулмонлар ой таквимида рўза этишлари учун рўза йилнинг турли вақтларига тўғри келади. Шунингдек, бошқа вақтларда ҳам, чунончи, ражаб, шаъбон ва муҳаррам ойларида рўза тутиш (Масалан, ашуро рўзаси) маъқул ҳисобланади. Рўза тутиш одати қадимда динлар ва халқларда ҳам турли шаклларда мавжуд бўлган.

САВОБ (арабча – яхшилик, эзгулик, ажр) – инсон ва жамият манфаатига йўналтирилган эзгу ҳаракат; хайрихоҳлик, саҳийлик, бошқа кишиларни тушуниш, оғирини енгил қилиш, яхшилик қилиш, ўзгаларга беғараз кўмаклашиш, уларнинг бахтини ўйлаш ва унга эришишда кўмаклашишни англатадиган тушунча. Бинобарин, савоб сўзи барча яхши ва эзгу ишларга

нисбатан ишлатилади. Савоб ҳам ахлоқий, ҳам диний тушунча. Халқимиз маънавиятида ахлоқ ва диний эътиқод масалаларининг кўпчилиги асрлар оша намоён бўлиб келмоқда. Исломда савобга катта эътибор қаратилади. Диний эътиқодга кўра, савоб Яратганга ёқадиган барча эзгу ва яхши ниятли ишлардир. Инсоннинг яхшилик ва ёмонликдан иборат хатти-ҳаракати, фаолияти Исломда савоб ёки гуноҳ деб аталади. Диний кўрсатмаларни бажариш, инсон манфаати йўлида фаолият кўрсатиш савоб ҳисобланиб, диний тасаввурга кўра, инсоннинг амаллар дафтари (номаи аъмоли)ни фаришталар ёзиб борадилар. Охирида инсонларнинг савоб ва гуноҳлари тарзида тортилиб, натижалар Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола этилади. Ҳадиси шарифда таъкидланишича, инсоннинг барча савоб ишлари жаннатга киргандан кейин эришиладиган даражалар учун керак бўлади. Савоб иш қилганда хурсанд, гуноҳ иш қилганда хафа бўлиш мўминлик аломатларидан саналади.

САДАҚА (арабча – хайр-эҳсон) – мискин, бечораҳол, қашшоқ ва муҳтож кишиларга бериладиган мажбурий ёки ихтиёрий хайр-эҳсон. Садақанинг мажбурий турига закот, хирож, ушр, фитр, каффорат, ихтиёрий турига худойи, тўй, зиёфатлар, хайрия ташкилотларига, жамғармаларга бериладиган моддий маблағлар киради. Одатда, садақа деганда факат муҳтожларга бериладиган нарса тушунилади. Лекин диний истилоҳда садақа хайр-эҳсоннинг барча турлари учун қўлланилаверади. Исломда садақа қилишга кўп тарғибот қилинади. Унинг савоби, фазилати ва фойдаси тўғрисида Қуръон ва ҳадисларда таъкидланган.

САДОҚАТ (арабча дўстлик, бирдамлик; самимийлик) – инсонга хос энг эзгу маънавий-ахлоқий хислатни ифодаловчи тушунча. Садоқат “самимийлик”, “вафодорлик”, “содиқлик”, “дўстлик” сўзларига маънодош ҳисобланади. Масалан, машҳур француз сайёҳи Кусто бутун умрини уммон ва денгизлар ҳаёти ва ундаги сир-синоатлар, сув остидаги наботот ва ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлади. Унинг ўз ишига бўлган садоқатини бутун дунёдаги соғлом фикрловчи ҳар бир инсон



юксак кадрлайди. Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида икки вафодор ёрнинг бири-бирига садоқати улуғланади: Ҳиндистонда олиб борилган қаттиқ жангда Темур Кўрагон душманларнинг барчаси динсиз бўлгани учун уларни қиличдан ўтказишни буюради. Шу пайт икки севишган ногоҳ қотилларга дуч келади. Шоҳнинг жазосидан омон қолиш учун аскарлардан бири севишганларнинг бирини чопмоқчи бўлиб отидан тушади. Уни ўлдириш учун аскар ёнидан тигини чиқарган ҳам эдики, иккинчиси ўз шеригини тиг остида кўриб, уни ҳимоя қилиш учун қотилга бошини тутлади. “Агар сенинг мақсадинг бош олиш бўлса, уни қўй, унинг ўрнига бу бошни олақол!” – дейди у. Аскар унинг бошини олмоқчи бўлган ҳам эдики, униси ҳам худди шу сўзни айтади. У қайси бирини ўлдиришга ошиқса, иккинчиси тоқатсизлик билан дер эди: “Тез бўл, олдин мени ўлдира қол, то мен ўлгунча лоақал у тирик турсин!” Шу тариқа улар бир-бирига нисбатан чексиз садоқати туфайли жонини беришга ҳам тайёр туради. Бир-бири учун жонидан кечишга тайёр икки ёрни кўрган шоҳ ҳам халқнинг гуноҳидан ўтади.

Улар чинакам садоқат туйғуларини намоёйиш қилиб, элни ҳам, ўзларини ҳам халос қилади. Маълумки, мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонлик, танлаган касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутлади.

“Саодат” журнали – Ўзбекистон хотин-қизларининг оммабоп, ижтимоий-сиёсий, бадиий-безакли нашр. Тошкент шаҳрида 1 йилда 12 марта нашр қилинади. Дастлаб “Янги йўл” (1925–34), “Ёрқин турмуш” (1936–50), “Ўзбекистон хотин-қизлари” (1950–65) номлари билан чоп этилган. Муайян сабаблар ва урушлар туфайли 1934 йил апрелдан 1936 йил июлгача, 1941 йил июлдан 1950 йил октябргача нашр этилмаган. 1966 йилдан опа-сингилларимизнинг интилишлари, қалб истакларига ҳамоҳанг тарзда ушбу нашр – “Саодат” деб номланган.

Журналга турли йилларда Ўзбекистоннинг таниқли адибалари – жамоат арбоблари бош

муҳаррирлик қилган: Тожихон Шодиева (1927–29), Собира Холдорова (1930–31), Хосият Тиллахонова (1931–34), Саодат Шамсиева (1936–37), Фотима Ниёзова (1937–38), Иқбол Акбархужаева (1939–41), Ойдин (М.Собирова, 1951–53), Ўзбекистон халқ шоири Зулфия (1953–85), Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева (1985–94), Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева (1994–2014), Ф.Жалилова (2014–2018). 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мунаввара Усмонова раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ўтган даврларда журнал ўзбек аёлининг оилада назокатли, сеvimли, фарзандларига меҳрибон бўлиши, турмуш машаққатларини енгиб ўтиб, жамиятда ҳам ўз ўрнини топишига кўмакдош бўлиб келган; жуда кўп ёш шоира, адибаларнинг ижодкор сифатида шаклланиши учун мактаб вазифасини ўтаган. Бугун журналнинг вазифаси яна ҳам залворлироқ. Журнал ижтимоий тармоқлар орқали дунёга чиқмоқда. Ўзининг saodatjurnali.uz Веб.сайти, saodatmanzillari телеграм каналига ҳам эга. Мамлакат аёлларининг овози бўлган “Саодат” журнали юртимиз бўйлаб маҳаллалар, оилалар, ўқув муассасалари ва хонадонларга кириб бориб, туман, шаҳар, қишлоқ ва овулларда ҳам мутолаа давралари кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Х. Ахророва, С. Маҳмудова, Р. Шомансурова, Ҳ. Худойбердиева, О. Ҳожиева, Ш. Салимова, Р. Раҳмонова, М. Улуғова, Қ. Раҳимбоева, Д. Саидова, Х. Бобомуродова ва бошқа ижодкорлар “Саодат” мактабининг турли даврлардаги талабалари бўлиб, бугун Ўзбекистонда таниқли ижодкорлар сифатида фаолият кўрсатиб, “Саодат” тажрибаларини тарғиб қилмоқдалар.

Республика мустақиллиги йилларида “Саодат” аёл қалбининг минбари, миллий қадриятларнинг тарғиботчиси, хотин-қизларни кенг ижтимоий фаолиятга чорловчи оммабоп журнал сифатида тикланаётган миллат аёлларининг ўзини озод инсон сифатида қайта кашф этиши, имкониятларини намоён қилишига руҳий мададкор вазифасини бажармоқда. Унда ўзбек аёлларининг турмуш тарзи, уй тутиши, саломатлиги, бола тарбияси, маданий-маиший эҳтиёжлари ва бошқа масалалар ёритилиши



билан бирга ўзбек маданий мероси ва миллий қадриятларидан, жаҳон адабиётидан, ёш ижодкор қизларнинг асарларидан намуналар, дунёнинг машҳур хотин-қизлари ҳаётидан қизиқарли лавҳалар бериб борилади.

САҲИҲ (арабча – тўғри, чин, соғлом) – энг ишончли деб ҳисобланган ҳадис тўпламларининг номи. Муҳаддислар ҳадисларни саҳиҳ ва заифга ажратиш (яъни, кодификация қилиш) билан шуғулланиб, иснодни текшириш йўли билан саҳиҳ (ишончли), ҳасан (яхши) ва заиф (кучсиз) дан иборат 3 тоифага бўлганлар, улардан асосан саҳиҳларини тўплашга интиланлар. Шунинг учун баъзи тўпламларнинг номи ҳам саҳиҳ деб аталган (масалан “Саҳиҳи Бухорий”, “Саҳиҳи Муслим”).

САҲОБАЛАР (арабча – ҳамроҳ, дўст) – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сафдошлари, яқин ёрдамчилари. Кейинчалик Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни лоақал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам кўрган ва мусулмон ҳолида вафот этган барча инсонлар саҳобалар деб атала бошлаган. Саҳобалар Арабистондан ташқаридаги ўлкаларни фатҳ этишга киришган илк мусулмон кўшинининг ўзагини ташкил этган. Саҳобанинг олий қатламини муҳожирлар ва ансорлар ташкил қилган, улар дастлабки халифаларни сайлашга таъсир кўрсатганлар, уларни ноиблик ва олий даражадаги лашкарбошилиқ мансабларига тайинлашган. Саҳобанинг Ислом тарихидаги алоҳида аҳамияти шундаки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганидан сўнг, Ислом таълимотларини ҳаммалари бир бўлиб сақладилар. Саҳобанинг Пайғамбар сўзлари ва ишлари ҳақидаги ривоятлари (ҳадислар), шунингдек, шахсий ўрнаги ва фикри ислом ахлокий таълимоти – суннанинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этди. Саҳобага бўлган ҳурмат, эҳтиром кейинчалик уларнинг қабрларини эъзозлашга ва фазилатлари ҳақида асарлар пайдо бўлишига олиб келди.

ТАВОФ (арабча – атрофида айланмоқ) – Каъба атрофида айланиш жараёни. Ҳаж ва умра маросимлари таркибига киради. Бошқа пайтларда

ҳам, айниқса, жума кунлари ва рамазон ойида, Макка аҳли ва унинг меҳмонлари Каъбага юксак эҳтиром юзасидан уни тавоф қилади. Тавофнинг шартлари намознинг шартлари кабир. Твоф қилишда Каъбага яқинлашилган, унинг Қора тош жойлаштирилган бурчагига келиб, қўлини унга қарата чўзади ва имконият бўлса ўпади. Сўнг Каъба атрофида соат милага қарши тарзда 7 марта айланилади. Ҳар сафар махсус дуолар ўқилиб, гуноҳлар кечирилиши сўралади.

ТАЛОҚ (арабча – қўйиб юбормоқ, ажралмоқ) – никоҳнинг шариатга кўра, бекор қилиниши. Эр томонидан шу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятидан тўла озод қилади. Бу ҳолатда эрнинг хотинга берган мол-мулки (махр) хотинда қолади, эр хотинни идда муддати ўтгунча моддий таъминлаб туриши керак. Шариатда иккинчи талоқдан кейин ҳам эр-хотинни қайтадан яраштиришга рухсат этилади (Қуръон, 2:229). Учинчи марта талоқдан кейин эса шариат бунга йўл қўймайди. Талоқ қилинган хотин бошқа эрга чиқиши учун белгиланган идда муддатини ўташи керак. Ислом ҳукукида аёл ҳам талоқ талаб қилиши расман эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасида эр билан хотин ажралиши Оила кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

“ТАНАВОР” РАҚС ТЕАТРИ – миллий балет, ўзига хос театр тури. Бунда муайян замонавий ва тарихий мавзулар, инсоннинг ички дунёси, кечинмалари, ҳис-туйғулари мусиқа асосида, рақс ҳаракатлари воситалари билан акс эттирилади. 1984 йил октябрь ойида Ўзтелерадиокомпанияси қошида рақс ансамбли сифатида 16 раққоса ва 2 раққос билан иш бошлаган. Ташкилотчиси ва бадий раҳбари Юлдуз Исматова. Жамоа 1997 йилдан “Ўзбекрақс” миллий бирлашмаси таркибида. “Шарқ аёли” деб аталган биринчи дастурда “Муножот”, “Афғонча”, “Аноранор”, “Раққоса келди”, “Парвоз айлади”, “Хоразмча”, “Доира”, “Арабча”, “Эй сарви равон”, “Рок уфориси қашқарчаси”, “Ўхшар” рақслари ҳамда икки ёшнинг севги изҳори, совчи кутиш, нон ушатиш, келин салом, бешик тўйи каби этнографик



лавҳалар асосида ўзига хос спектакль яратишга ҳаракат қилинди.

Кейинги “Гул сайли” номли дастур ҳам шу йўналишда яратилди. Том маънодаги рақс театри Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони асосида яратилган “Севги нидоси” (либретто муаллифи М.Бобоев; Қ.Комилов мусикаси, 1991) спектакли билан бошланади.

Навоийнинг асл матни ва ғояларига таянган ҳолда Баҳром (Н. Хотамов) ва Дилором (Н. Саидова) нинг севги фожиаси ёритилади. Барча воқеалар, қаҳрамонларнинг изтироблари, ҳис-туйғулари рақс ҳаракатлари, пластика, юз ифодалари, нигоҳлари орқали акс эттирилади. Балетмейстер Ю. Исмамова, асосан, Фарғона рақс услубига таянган ҳолда ўрни-ўрнида бошқа услубларга ҳам мурожаат қилди, баъзан балетнинг оёқ учида юришидан фойдаланди. Шу йўналишда театр М. Бафоев билан ҳамкорликда “Нодира” (1992), “Улуғбек буржи” (1994), “Қадимий маросимлар” (1995), А.Икромов мусикаси асосида “Темурий маликалар” (1995), “Шарқ тароналари” (1997), Қ.Комилов мусикаси асосида “Увайсий” (1998), А.Мансуров мусикаси асосида “Сирли қутича” (2000), “Зумрад ва Қиммат” (2001), халқ куйлари ва сўзлари асосида “Севги васфи” (9 та “Танавор” рақси, 1995), “Эзгу ният дарахти” (2000), “Мозийдан садо” (2001) спектакллари билан театр жамоаси миллий балет, миллий рақс томошаси яратишда тажрибаси ортиб борди.

Театр ижодий жамоаси куйидаги йўналишларда фаолият кўрсатди: халқ оғзаки ижодиёти, маросимлари, куйлари, рақсларини муайян сюжет ипига териб театрлаштириш; буюк шоирлар, қаҳрамон ўзбек аёллари ҳаёти ва ижодига бағишланган рақс томошалари туркумини яратиш; халқ тарихини ёритиш, буюк саркардалар ҳаёти ва кураши ҳақида ҳикоя қилиш; болаларга атаб спектакллар яратиш. Театр ўз миллий балет ва театрлашган томошаларида мавжуд барча рақс услубларидан фойдаланиш, эътибор бермай келинган халқ рақслари ҳаракатларини ва тарихда бўлган баъзи композициялар, ҳаракатларни тиклаш, айтиб чоғда ҳозирги кунда жаҳон балет ва рақс санъатида мавжуд янги изланишлардан илҳомланиш йўлидан бормоқда.

Ҳар бир спектаклга махсус либослар, тақинчоқлар, оёқ ва бош кийимлар тикилади. “Театр” рақс театри Ўзбекистонда ўтказиладиган барча байрамлар ва тадбирлар (“Наврўз”, “Шарқ тароналари” ва бошқа)дан ташқари Франциянинг “Одеон” театрида бўлиб ўтган “Назм кечаси”да, ЮНЕСКО қароргоҳида (1995), АҚШда Ўзбекистон кунлари доирасида (1998), Нидерланд халқаро фестивалида (1999) ўз дастурларини намойиш этишди. Театрнинг энг муҳим спектакллари телефильм қилиб ишланган. Театр жамоаси: 34 раққоса, 3 раққос, 12 созанда, 2 хонандани бирлаштирди (2004). Раққосалардан Д.Мирзаева, З.Сафарова, Н.Юсупова, Р.Жўрабоева, У.Акромова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар; ёш раққосалардан Г.Абдиева, Н.Қаршибоева Ўзбекистон Давлат “Ниҳол” мукофоти ва Мукаррама Турғунбоева мукофоти совриндорлари.

ТАЪЗИЯ (арабча – юпатиш, ҳамдардлик билдириш) – азадор кишига тасалли бериш, аҳвол сўраш одати. Таъзияда марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қариндошлари, дўст-ёрлари, қўшнилари, ҳамкасблари томонидан ҳамдардлик билдирилади. Ислонда таъзия билдириш савоб ишлардан ҳисобланади. Таъзиянинг муддати ва адади 3 кун ичида бир бор таъзия билдириш, мабодо бунинг иложи бўлмаса, сўнг билдирса ҳам бўлади. Кимсанинг вафоти ҳақидаги ёзма хабар – таъзиянома (некролог), мотам маросими ўтказилаётган хонадон – таъзияхона, мотам тутган, азадор киши – таъзиячи дейилади.

ТАҲОРАТ – (арабча – тозалик, поклик) – намоз ўқиш, ибодат олдидан ювиниш, покланиш. Ислонда таҳоратнинг икки тури мавжуд: вузуъ – кичик таҳорат – қўл-оёқ ва юзни ювиш; ғусл – катта таҳорат, тўла ювиниш, чўмилиш. Таҳоратнинг 4 та фарзи бор; юзни ювмоқ; икки қўлни тирсак ила қўшиб ювмоқ; икки оёқни тўпиғи ила қўшиб ювмоқ, бошнинг тўртдан бир қисмига масҳ тортиш – икки қўлни хўллаб суртмоқ. Бу фарзлардан бирортаси бажарилмаса, таҳорат ҳақиқий бўлмайди. Таҳоратнинг фарзларидан бошқа суннат ва вожиблари ҳам бўлади. Таҳорат оладиган ҳар бир кимса сувни



керагидан ортик ҳам, оз ҳам сарф қилмаслиги; сувни юзга шاپиллатиб сочмаслиги; Таҳорат қилаётганда ўринсиз гаплашмаслиги; ифлос ерда таҳорат олмаслиги керак. Таҳорат қилиш учун сув топилмаса таяммум қилинади. Таҳорати бор кишида қуйидаги ҳолатлардан бири юз берса, таҳорати бузилган ҳисобланади: бадандан қон, йиринг чиқса, оғзи тўлиб қайт қилса, тупурганда тупугини ярмидан кўпи қон бўлса, кичик ва катта ҳожатга борса ва орқадан ел чиқарса, беҳуш ёки маст бўлса, намоз ичида кулса, ухласа. Бу ҳолда таҳоратни қайтадан қилиш лозим бўлади.

ТЕОЛОГИЯ (лотинча *theo* – худо, *logos* – таълимот) – Худо тўғрисидаги фан, таълимот. Худо, унинг сифатлари, белги ва хусусиятлари тўғрисидаги диний таълимотларни асослаш ва ҳимоя қилиш тизими. Таҳоратга муайян дин томонидан белгиланган ақидаларнинг ҳақиқатлигини исботлаш билан бирга, диндорларнинг ҳаёт тарзи ва меъёрлари мажмуи ҳам киради. Ўрта асрларларда технология мафкура сифатида давлат ва жамиятни бошқариш ишларида иштирок этган, шу сабаб давлат бошқарувининг теократия шакли ҳам вужудга келган. Технология Ўрта аср маданиятининг барча турларини, илм-фан, фалсафа ҳамда ахлоқни ўзида мужассамлаштирган ягона тизим шаклида намоён бўлади. Технологияни теософия фани ҳам ўрганади.

ТОШКЕНТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ – балет артистлари ва раққос(а)лар тайёрловчи махсус олий ўқув юрти. 1947 йилда Хореография билим юрти сифатида ташкил бўлган. 1997 йилдан ҳозирги номда. Ташкилотчиси ва биринчи директори Матюсуф Харратов (1947-58). И.Довгелли, Л.Засс, Р.Каримова, М.Турғунбоева ва бошқалар биринчи педагоглари. Олий мактабда ўрта махсус таълим тизими сақланган ҳолда, олий бўғинда олий маълумотли бакалаврлар тайёрланади. “Хореография педагогикаси”, “Балетмейстер режиссёр”, “Хореография жамоалари раҳбарлари” мутахассисликлари бўйича талабалар таҳсил олади. Мактабда мумтоз рақс, ўзбек рақс, халқ сахна рақси фанлари, “балет артисти” бўлимида дуэт мумтоз рақс чуқур ўргатилади.

Осиё китъасидаги шу соҳа бўйича ягона олий ўқув юрти ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида мактабдан Қ.Миркаримова, Р.Каримова, Г.Ҳамроева, Г.Маваева, Ю.Исматова, Д.Жабборовова, В.Оқилова, Ф.Солиҳова, Ў.Муҳамедова, З.Мадрахимова каби республикамизнинг етук рақс усталари етишиб чиққан. Франция, Япония, Туркия, Германия, Лотин Америкаси мамлакатлари, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон каби хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик, маданий-иждоий алоқалар ўрнатилган. Уларнинг йирик хореографлари, балет мактаблари билан тажриба алмашув, “Маҳорат дарслари” ўтказиш йўлга қўйилган. Р. Каримова, Қ. Миркаримова, Г.Маваева, И. Киборкова, А. Мўминов кабилар мактабнинг етакчи педагоглари.

УЙ ТУТИШ ОДОБИ (рўзғор одоби) – уй-рўзғор ва оила муносабатларининг маънавий тамойилларига асосланадиган тарихий ва маданий анъаналардан бири. Маданиятга эга бўлган ҳар бир халқ уйни қуришдан тортиб, уни безашгача алоҳида эътибор билан қарайди. Чунки уй тутиш инсоннинг мавқеи, дид-фаросати, имконияти ва шу каби жиҳатларини белгилайдиган хусусиятдир. Бу хусусият ўзбек халқи учун ҳам бегона эмас ва у маданиятимизнинг гўзал бир қисмига айланган.

Алломаларнинг бу ҳақда билдирган фикрлари, ибратли мулоҳазалари кўп. Масалан, XIX асрда ижод этган фозила аёл Олима ул-Банот ўзининг “Муошарат одоби” рисоласида уй тутиш поклик ва озодаликка асосланишини, покиза турмуш қуриш билан бирга покиза уй тутиш лозимлигини таъкидлаб, бу ҳусусда бир қатор тавсияларни беради: “уй ва хоналарни чўп-хаслардан, чанг-тупроқлардан супуриб туриш”, “ўргимчак уяларини олмоқ ва уй атрофларини соф тутмоқ”, “яшайтурган ўринларни, хусусан, уйларнинг ичкарилари ювиб қуришмоқ, ис ва шу каби нарсалардан соф этмоқ”, “фурсати билан деразаларни очиб, уйнинг ҳавосини алмаштириш” ва бошқа ишлар уй тутиш одобининг зийнатларидандир”. Яшайдиган уйимизнинг ички ва ташқи кўриниши, табиийки, ўзимизнинг дидимиздан келиб чиқиб шакллантирилади. Бунда энг асосийси,



уйда оила аъзолари ўзини қулай ва эркин ҳис қилишлари учун зарур бўладиган жиҳатларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бунинг учун, аввало, уйни ортиқча, яроқсиз нарсалар билан тўлдириб ташламаслик керак, бу уйдаги нарсаларнинг жойлашувини бузади.

Уйни безатиш ва саранжомлашда деразаларга алоҳида эътибор қилиш мақсадга мувофиқ. Деразалар хонани кенгайтириб ёки кичрайтириб кўрсатиши ҳам мумкин, аммо деразаларни жонли расмга айлантириш ёки мусаввирлик маҳорати билан бошқача кўриниш бериб беркитиш ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам деразалар инсонни ташқи олам билан боғлаб тургани ва уй ичига имкони борича кўпроқ тоза ҳаво киритиб тургани маъқул. Шунингдек, уй жиҳозларини жойлаштиришда уйда ёш болалар бўлишини ҳам эътиборга олиш зарур, чунки жойлаштирилган буюмлар уларнинг бемалол ҳаракат қилишлари учун ҳалакит бермаслиги керак. Танишларни уйдаги қимматбаҳо ва ҳашаматли жиҳозлар билан мақтаниб, ҳайратга солиш манманлик белгисидир. Шундай хонадонлар борки, соҳиб ва соҳибанинг дидсизлиги натижасида хона қиммат бўлса-да, кераксиз нарсалар билан тўлдириб юборилади. Бу уйда, бир сўз билан айтганда, файз йўқ, ўтирган одамнинг нафаси бўғилади, кишини асабийлаштиради. Ошхона ва зарурат хоналарини алоҳида тозаликда сақлаш кишини ноқулай вазиятга тушиб қолишдан асрайди. Гулларсиз уйни тасаввур этиш мумкин эмас.

Гуллар уйга гўзаллик бахш этади, айниқса, янги узилган, чиройли гулдасталар ёки қурилган ўт ва гуллар мажмуаси кишининг кайфиятини кўтаради, образли ифодаларни шакллантиради. Бироқ, гуллар бошқа барча нарсалар каби уйда озодалик, эътибор ва парваришни талаб қилади. Уйда тирик табиатни шакллантириш – тўти, каклик, бедана, канарейка сингари сайроқи кушлар, товус, қирғовул каби чиройли кушларни парвариш қилиш, балиқ, қуён каби чиройли жониворларни боқиш ҳам инсонларнинг табиатга нисбатан мунтини ўзгартиради, унга нисбатан меҳр пайдо қилади. Шунингдек, бу ҳолат хонадонда соғлом муҳитни мустаҳкамлайди, тарбия жараёнини барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

УМРА – Исломдаги таъкидланган суннат амал, ибодат. Умра Қуръон ояти ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатлари билан собит бўлган амал. Умрани йил – ўн икки ой бажариш мумкин. Умранинг иккита фарзи бор: эҳром, Каъбани тавоф қилиш. Бир киши Маккага борганда бир неча бор ўзига, отасига, онасига, яқинларига умра қилиши мумкин. Фақат ҳар бир Умра учун қайта мийқотга бориб, ювиниб, эҳромни кимга Умра қилаётган бўлса, ўша кишига ният қилиб ўрайди. Ҳажга бориб, Маккада яшаб турганлар учун “Танъим” (Ойша) масжиди мийқот ҳисобланади.

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР – жаҳондаги барча одамлар, халқлар ва давлатлар учун умумий кадрлаш мезони ҳособланган, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар тизимини ифода этадиган тушунча умуминсоний қадриятлар ниҳоятда кенг қўламли ва серкирра тушунчадир. У озодлик, эркинлик, тинчлик, бахт-саодат каби умумижтимоий маъно-мазмун касб этадиган тушунчалардангина иборат эмас. Уни фақат маданий бойликлар сифатида тушунишни ҳам мақсадга мувофиқ, деб бўлмайди.

Шу билан бирга, муайян миллий, этник ва бошқа хусусий қадрият тизимлари ҳам умуминсоний қадриятнинг ўрнини боса олмайди. Бу қадрият тизими ва унинг намоён бўлиш шакллари таҳлил қилиш, аслида, таркибий қисмлари бир-бири билан диалектик тарзда боғланган умумий тизимни, унинг асосий қисмлари ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилишдир. Жамият тараққиётининг муайян даврида яшаётган барча кишилар учун умумий бўлган тизимни ҳосил қилади, бошқа тамойиллар билан узлуксиз алоқада, зарурий боғланишда намоён бўлади. Умуминсоний қадриятнинг намоён бўлиш шакллари нисбий хусусиятга эга, аммо бу нисбийлик доимо ҳам кўзга ташланавермайди.

Тарихий ривожланиш жараёнида (объектив тарзда), жамият ва кишиларнинг талаб, эҳтиёжлари натижасида (субъектив тарзда) умуминсоний қадрият шаклларида гўҳ бири, гўҳ бошқаси умумий тизимнинг марказига, ҳаётнинг олдинги поғонасига чиқиб олади, масалан, юртда душманлар ҳукмронлик қилганида –



озодлик, мустақиллик; юрт мустақиллигига хавф туғилганида – ватанпарварлик; миллий ўзликни англаш ва миллий уйғониш даврида – тарихий ва маданий меросни ўрганишга интилиш; уруш шароитида тинчлик ва барқарорликка эҳтиёж кучайиб боради. Шу тариқа ижтимоий жараёнлар ривожига қадриятнинг маълум бир шаклининг долзарблиги, бошқасининг зарурлигини бир қадар хиралаштиргандай, уларнинг айримлари идеал ҳолатга яқинлашгандек, бошқалари эса улардан узоқлашгандек бўлиб туюлади. Бугунги кунда қадриятлар барча учун умумий мезон бўлиб қолганининг бир қатор сабаблари бор:

а) сайёрамизнинг дунёдаги барча кишилар учун, уларнинг ирқи, миллати, этники ва бошқа табиий-тарихий ҳамда ижтимоий белгиларидан қатъи назар, энг умумий ва шу билан бирга, чексиз коинотдаги мўъжазгина макон экани тобора яққолроқ ҳис этила бошлангани;

б) дунёдаги ижтимоий хилма-хиллик, сиёсий ва мафкуравий ранг-баранглик, турли хил эҳтиёж, қизиқиш, мақсад, интилиш, хатти-ҳаракат, фаолиятнинг тараққиёт талабларига мос келадиган энг умумий маънавий мезонларига муҳтожлик сезила бошлангани;

в) даҳшатли қирғин қуроллари, ядро уруши, экологик бўҳрон ва маънавий таназзул каби таҳдидлар билан юзма-юз келиш натижасида инсоният келажаги, сайёрамиз аҳолиси умумий генофондининг тақдири хавф остида қолгани, инсониятнинг ҳозирги авлоди мансуб бўлган тамаддунларни сақлаб қолиш ўта муҳим аҳамият касб этаётгани;

г) кишиларнинг қандай ижтимоий тузум ва давлатларда яшайдан қатъи назар, ҳамма жойда энг асосий мақсад инсон, унинг ҳаёти, манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари, одамлар учун мазмунли, тўкин ва фаровон турмушни таъминлашда бутун жаҳон аҳамиятига молик универсал технологиялар, илм-фан ютуқлари ҳамда уларни барча ҳаракатларда қўллаш имкониятларининг умумийлиги, бу имкониятларни рўёбга чиқариш учун умумсайёравий ҳамкорлик зарурлиги тобора кўпроқ англаб олинаётгани билан изоҳланади.

Умуминсоний қадрият деган тушунча ҳар қандай қадрият аслида инсон учунлигини англатади. Бу қадриятлар ижтимоий сиёсатнинг

барча, ҳатто қарама-қаши муносабатдаги субъектлари учун ҳам бир хил аҳамият касб этиб, уларда умуминсоний мақсад ва манфаатлар, умумижтимоий жиҳатлар, маънавий-ахлоқий сифатлар акс этади.

“Умуминсоний” деган сўзнинг ўзида барча одамлар, инсоният учун умумийлик, деган мазмун тушунилади. Бу умумийлик - ҳар бир инсоннинг ҳам мақсад-манфаатини ифодаладиган, ҳар бирининг эҳтиёжига мувофиқ келадиган, шу мувофиқлик асосида уларни бирлаштириш кучига эга бўлган объект, воқелик, мақсад, унга эришиш усуллари ва ҳоказоларда намоён бўлиб, уларни турли гуруҳга бўлиш мумкин:

- инсонлар учун умумий бўлган табиий борлик (замин, сайёра, табиат кабилар). Уларнинг умуминсонийлик сифати бу тушунчаларга “она” сўзини қўшиб айтишда ҳам кўринади;

- маънавий-ахлоқий сифатларнинг умумийлиги (эзгулик, яхшилик кабилар);

- замон билан боғлиқ умумийлик, яъни инсоният тарихи, бугуни, келажаги. Инсоният ўтмиш ва бугунни ўрганишида умумий ва хусусий ёндашув бор. Хусусийликда миллат, элат, ирқ, дин, аҳолининг таркибий қисми, ижтимоий келиб чиқишга оидлик кўринса, умумий ёндашувда - миллати, элати, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, ҳамма учун аҳамиятлилики намоён бўлади. Умумий ёндашув асосида ўрганиш ижтимоий сиёсатда умуминсоний ғоя, мақсадлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга;

- табиий-ижтимоий жиҳатлар умумийлиги эса инсоннинг мавжудлиги ва саломатлиги, муомала ва муносабат лаёқатида намоён бўлади;

- ҳуқуқий-ижтимоий йўналишдаги умумийликни инсониятнинг тинчлик, эркинлик, мустақиллик каби ўз камолоти учун муҳим бўлган эҳтиёжларга умуминтилишида кўриш мумкин;

- илм-фан ютуқлари, глобаллашув ва иқтисодий-ижтимоий интеграция, ахборотлаштириш кучи ҳам умуминсоний бирликни тоқазо қилиб, бу бирлик инсониятга нисбатан хавфни бартараф этишдаги муҳим омил ҳисобланади;

- инсоннинг умумидеаллари, орзу-интилишлари, туйғу-истаклари ҳар қандай



инсоннинг бахт-истикболга эришиш истагида, нафақат инсонни, балки бутун инсониятни бахтли қилиш эҳтиёжиди кўринади ва ҳоказо.

Инсоният учун бу каби умумийликларнинг аҳамияти, қадри ошгандагина у қадрият тусини олади. Яъни, дунёнинг бир четидаги инсон учун қадрият саналган объект ирқи, дини, миллати, ранги, ёши, жинси ва ҳоказолардан қатъий назар дунёнинг бошқа четидаги инсон учун ҳам қадрлидир. Қадриятлар ўзидаги инсонпарварлик элементларининг даражасига қараб шахсийдан то умуминсонийгача ўсиб, мукаммаллашиб бораверади. Шахсий қадриятнинг оила, оила қадриятининг миллат, миллий қадриятнинг инсоният учун аҳамияти бўлмаслиги мумкин. Лекин, шахсий, жамоавий қадрият миллат манфаатига, миллий қадрият жамият барқарорлигига путур етказмаса, улар яхлит қадриятлар тизимида мустақил элемент сифатида амал қилаверади.

УРФ-ОДАТ – маънавий ҳаёт ҳодисаси; анъаналар сифатида умумхалқ томонидан қабул қилинган, тарихан таркиб топган тартиб-қоида; расм-русум, тамойил. (Масалан, ўзбекларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамга муҳтожларга ҳашарга бориш ва бошқа). Урф-одат ва расм-русумлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисининг таркибий қисми ҳисобланади. Урф-одат ва расм-русумлар ҳар бир миллат ва элатнинг тарихи, турмуш тарзи ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади ҳамда уларнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи хусусиятлардан биридир. Масалан, ўзбекларда қудачилик ниҳоятда катта эътиборни талаб қилади. “Куёвни пайғамбарлар сийлаган”, дейилади ва шунга яраша куёвга ҳурмат-эҳтиром билдирилади.

Ўтмишда ота қизи келин бўлиб тушган маҳалладан отдан тушиб, пиёда ўтган. Урф-одат ва расм-русумлар миллий анъаналар, миллий тил ва миллий руҳ билан бир қаторда миллий маънавият ва маданиятнинг муҳим қиррасини ташкил қилади. Расм-русумлар ҳар бир миллатда

ўзига хос тизимни ташкил қилади, миллат томонидан турмуш тарзининг зарурий шартини деб қабул қилинади. Расм-русумларга бефарқ киши миллатидан узоқлашиб, узилиб қолади.

Урф-одатларга риоя қилиш ҳамда бошқа миллатлар билан бўлган дўстона муносабатларига путур етказмаслиги керак. Буюк бобомиз Абу Райҳон Бериуний минг йил аввал яратган “Ҳиндистон” асарида шундай деб ёзган: “Бирон халқнинг у ёки бу удумларига баҳо беришда буниси менга ёқади, униси ёқмайди, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, негаки, ҳар бир халқ удумлари, анъаналари минг йиллар давомида шаклланган ва ўша миллатнинг ҳаёт тарзига айланган”. Шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, ўз қадриятларимизни улуғлаб, бошқаларникини камситиш тўғри бўлмайди. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос удумлари бор.

Бироқ Шарқ билан ғарб дунёқараши орасида анчагина жиддий тафовутлар борлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Одатлар – халқ табиатининг кўзгусидир. Ҳеч бир халқнинг ҳеч бир одати айрим одамларнинг хоҳиш-истаги, шунчаки ҳаваси билан дунёга келган эмас. Улар эзгу ниятларнинг ифодаси сифатида, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати намойиши сифатида туғилади. Улар аслида халқ донишмандлигининг бир кўриниши бўлиб, айнан шунинг учун ҳам узоқ яшайди. Ҳатто замонлар ўтиб, баъзи одатлар янгича ҳаёт талабларига мос келмай қолганда ҳам бир неча ўн йиллар давомида яшаб келаверади. Ўзбек уламоларининг шахс маънавияти, унинг тасаввур дунёси, борлиқни қабул қилиш, рад этиш, англаш, тушуниш куртагини пайдо этиш йўсинига кўрсатган таъсири ортиб бормоқда.

Инсоннинг болалик давридаги илк тасаввури, атрофга нисбатан муносабати, кузатувчанлиги ҳам Урф-одатлар тарзида шаклланади. Кейинчалик анъана-удумлар, маросимлар яхлит ҳолда халқ маданиятининг яхлит тимсолига айланади. Шунга кўра, улар ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий, маънавий онг даражасидан дарак беради. Урф-одатлар турмуш тарзи, мавжуд шарт-шароит негизида шаклланиб, бир қанча ижтимоий тузумлар алмашганига қарамай, хануз яшаб келмоқда, айримлари янгича мазмун касб этмоқда.



ФАРЗ (арабча – қатъият, мажбурият) – ҳамма мусулмонлар бажариши қатъий буюрилган амал. Буларга Қуръон ва суннат билан фарз қилинган ақида ва амаллар киради. Фарз 2 тур – “фарзи айн” ва “фарзи кифоя”га бўлинади. Биринчи тури ҳар бир мусулмоннинг зиммасига алоҳида юкланган бўлиб, уларнинг адади 40 та (масалан, намоз, рўза, таҳоратдаги фарзлар). Амри маъруф, наҳий мункар, илм олиш ҳам “фарзи айн”га киради. “Фарзи кифоя” эса бир қисм мусулмонлар бажарса, қолганлар зиммасидан соқит бўладиган амаллар. Масалан, жаноза намози, кафанлаш, мурдани ювиш, дафн этиш қабилар. Шариятга кўра, фарзнинг бу турига қирувчи ишларни ҳеч бир мусулмон бажармаса, ҳамма мусулмонлар гуноҳкор бўлади. Кенг маънода фарз – бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч.

ФАРИШТА (форсча – малак) – нурдан яратилган, нафс, хоҳиш ва жинсга эга бўлмаган, Аллоҳ амрини бажарувчи, кўзга кўринмайдиган махлуқот. Мазкур атама баъзан инсонга нисбатан қўлланиб, одамнинг турли гуноҳлар, ёвуз ниятлар, ахлоқсизлик, бузғунчилик ва бошқа иллатлардан поклигини, маънавий юксаклиги, безарар ва аксинча, ҳаммага фойдаси тегиши, донишмандлиги, эътиқодлилигини ифодалайди. Шунга кўра, баъзан яхши бир инсон ҳақида гап кетганда, “Фаришта одам”, “Фариштасифат одам” каби васфлардан фойдаланилади. Аксинча, салбий хусусияти сезилиб турадиган шахс, жойга нисбатан “Фариштасиз” иборасидан фойдаланилади: “Фариштасиз одам”, “Фариштасиз уй” ва ҳоказо.

ФАТВО (арабча – тушунтириш, изох, ҳукм, қарор) – Исломда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун бериладиган қарор, ҳукм ёки изох. Исломнинг дастлабки даврида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сафдошлари, айниқса, дастлабки тўрт халифанинг турли ҳуқуқий масалалар юзасидан берган изохлари, шунингдек, уларнинг фикҳга доир чиқарган қарорлари фатво деб айтилган. Фатво барча диний-ҳуқуқий мазҳаб асосчилари томонидан фикҳга оид қўшимча манба сифатида

қаралган. Ҳуқуқий масалаларда берилган фатво диний жамоалар, муассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Фатво Қуръон, ҳадислар ва шариятга ёки илгари берилган фатволарга асосланиб чиқарилади.

ФИТР (арабча – рўза якуни (оғиш очиш) садақаси), фитр садақа, фитр рўза – Исломда рамазон ойи тугаши муносабати билан хурмо, арпа, буғдой, майиздан маълум миқдорда эҳтиёжмандларга бериладиган садақадир. Фитр асосида фуқаролар, мискинлар, бева-бечоралар ва ҳожатмандларнинг қалбларига ҳайит олдидан бир оз бўлса-да шодлик бахш этиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва оқибат натижада, одамлар орасида меҳр-шафқат туйғуларини уйғотиш ётади.

ШАХСИЙ ЕТУКЛИК – инсоннинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий баркамоллигини англатувчи тушунча. Ҳар бир кишининг ўз ўрнини билиши, одоб-ахлоқ талабларига риоя қилиши, ўзгалар ҳурматини жойига қўйиб, ўз шаъни, қадр-қиммати ва ор-номусини сақлаши, муомала ва билим-кўникмаларини юксак даражада эгаллаб олгани шахсий етуклик белгиларидир. Шахсий етуклик муаммоларни самарали ечиш ва жамият маданий ҳамда моддий қадриятларини яратишга имкон беради.

Шахсий етук инсон ўзини қуршаб олган оламни тасаввур ёки адашишлардан холи тарзда тўғри тушуниши, ўз хатти-ҳаракати учун масъулиятни зиммасига олишга тайёрлигини олдиндан кўра билишга лаёқатлилики назарда тутади. Шахсий етук инсон ўз олдига қўйган мақсадига қандай эришиш кераклигини билади; ўзининг ким экани, жамиятда ўз ўрнини билган ҳолда, кучли ва заиф томонлари ҳақида ўзига ҳисоб бера олади. Бундай инсон ўзини ҳурмат қилиш асносида бошқа кишиларни ҳам ҳурмат қилади, уларнинг манфаатларини ҳисобга олиб ҳаракат қилади.

Шахсий етуклик кишининг маънавий қадриятлари доирасида индивидуал эҳтиёжларидан ташқари ижтимоий масъулият ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шахсий етукликга психологияда тарбияланганлик ҳолати сифатида қаралади, ҳар



бир катта ёшдаги киши унга эришиши лозим, деб ҳисобланади. Шахсий етук жисмоний, ахлокий, маънавий жиҳатдан комил бўлишини назарда тутди. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида “оммавий маданият” шарқона урф-одат, кадриятларимизга салбий таъсир кўрсатаётган бир даврда шахснинг ўзлигини англаши, турли тазйиқлар, истеъмоличлик кайфиятларига берилмаслик, маънавий-мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш етуклик даражаси билан белгиланади. Етукликнинг такомиллашувига таъсир кўрсатувчи омиллар тил, тарихий хотира, авлодлар мероси ва кадриятларнинг ворисийлигидир.

Шунингдек, шахснинг қизиқиши, қатъий ишонч ва эътиқод уйғунлиги, ОАВ ҳамда ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнлардаги ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Етуклик шахснинг ўзида юксак маънавий-ахлокий кадриятларни, чуқур билим ва авлодлар тажрибасини мужассам этишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда катта куч ҳисобланган (умумий аҳолининг 64%) ёшларимиз шахсий етук субъекти саналади. Зеро, бугунги баркамол ёшлар учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилгани туфайли улар муқаддас ва азиз Ватанимизни фан ва санъат, спорт соҳасида дунёга танитмоқда. Ёшларимиз нафақат мамлакатимизнинг бугунги фахри, ифтихори, балки ёрқин келажаги, порлоқ Ватанимизнинг авлодларидир. Ғ.Ғуломнинг “Аъло Ватанининг аъло фарзанди, библиб қўйки сени Ватан кутади” сатрларида айнан шахсий етукликга интилган ёшларимизнинг маънавий ва маданий қиёфаси намоён бўлади.

ШАХСИЙ НАМУНА – шахс маънавия-тининг намоён бўлиш шакли ва даражаларидан бири; тақлид қилиш учун намуна вазифасини ўтовчи инсон, ижтимоий гуруҳ, жамоанинг ижобий ёки салбий ҳаракати, бир киши ёки гуруҳнинг хатти-ҳаракати бошқалар учун намуна бўлувчи тарбия усуллари билан бирини аниқлаш учун тушунча. Шахсий намуна ижтимоий интизом, ўзаро тарбия, анъаналарни асраб-авайлаш ва ҳуқ-атворни такомиллаштириш воситаларидан бири. Намуна кучи катта аҳамиятга эга. Унинг

таъсирчанлиги ижтимоий шарт-шароитлар ва имкониятларга боғлиқ. Шахсий намунага бўлган эҳтиёж бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш, кескин бурилиш давларида сезиларли даражада ошади.

Шахсий намуна тарбия воситаси сифатида оила, ўқувчи ёшлар, тарбияси оғир кишилар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар доирасида қўлланади, гўдаклик ва болалик ёшида эса таълим-тарбиянинг асосий усули ҳисобланади. Шахсий намуна асосан, оилада – ота-она тарбияси, шахсий ибрати орқали амалга ошади. Қариялар панд-насихати, ота ибрати, онанинг ширин сўзи фарзанд тарбиясида, унинг комил шахс сифатида шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. У воситали ва воситасиз усулларга эга. Шахсий намунанинг воситали усулида тарбиявий жараён, таъсир оилада ота-она ва қариялар, мактабда ўқитувчи ва устоз, жамоада раҳбар, маҳалла, кўча-кўйда обрўли кишилар ёрдамида амалга оширилади.

Воситасиз шахсий намуна шахснинг мустақил ўқиб, ўрганиши, ўз-ўзини тарбиялаб, такомиллаштириши (ОАВ, китоб, санъат асарлари), яъни синергетик тарзда намоён бўлади. А. Рудакий айтганидек: “Агар ҳар ким ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим”. Шахсий намуна инсон маънавий-ахлокий қиёфасининг олий кўриниши ҳисобланади. Инсоннинг чеҳраси, сўзи, ҳуқ-атвори, муомала маданияти ташқи томондан кўрса ҳавас қилгудай даражада бўлади. Шахсий намуна баркамоллик ва етуклик уйғунлигидир. Унда шахснинг нафақат зукколиги ёки маърифатлилиги, айти пайтда ён-атрофдагиларнинг ҳол-аҳволини тушунган ҳолда ижобий томонга ўзгартириш фаолиятини ҳам назарда тутди. У юксак бурч ва маъсулият, маънавият уйғунлигини ифодаловчи фаолият йиғиндиси билан белгиланади. Ўқиш ва ишда, оилавий ҳаёт ва меҳнат жамоалари фаолиятида кузатилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ислохотлар, ўзгаришлар, стратегик мақсад ва вазифаларни амалга оширишда шахсий намунанинг ўрни катта. Бу – ижтимоий фаол шахс тимсолида намоён бўлиб, бундай кишилар обод, эркин ва фаровон жамият барпо

этиш жараёнида асосий куч сифатида майдонга чиқади.

ЭЪТИҚОД (арабча – ишонч, иймон) – муайян мақсад, қадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур тарзини ифода этувчи тушунча. Илмий-фалсафий адабиётда эътиқод тушунчаси турлича талқин этилади, жумладан, эътиқоднинг вужудга келиши учун билим энг муҳим асос вазифасини бажаради. Лекин эътиқод ва билим айнан бир хил тушунчалар эмас. Албатта, билимларнинг чинлиги эътиқодни мустаҳкам бўлишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аммо ҳар қандай билим эмас, балки инсон онгида қайта ишлаб чиқилган, яъни тажриба чиғириғидан ўтган, иккинчи марта қайта ҳосил бўлган билимларгина (ғоялар, назариялар) эътиқоднинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Инсоният тараққиёти жараёнида яратилган билимлар инсоннинг ўзи учун, унинг эҳтиёжлари учун қайта кашф этилгандагина, чинакам эътиқод даражасига кўтарилади. Билим эътиқод айланиши учун бир неча босқичларни босиб ўтади. Чунончи, билим ўз тараққиётининг дастлабки босқичида англаш ҳолатини босиб ўтади. Англаб олинган билим, ўз тараққиётининг иккинчи босқичида тушуниш ҳолатига киради. Инсон билимларнинг маъно-моҳиятини тушуниб етгач, унинг тўғрилигига (ёки нотўғрилигига) ишонч ҳосил қилади. Тажрибадан маълумки, фақат мустаҳкам эътиқодга айланган билим (ғоя, назария) инсон амалий фаолиятининг такомиллашувига хизмат қилади. Инсон эътиқоди нафақат турли ҳақиқатларни ўзида акс эттирган билимлар, балки ўша билимларга берган баҳоси, унга бўлган муносабатига ҳам боғлиқдир. Эътиқод куйидаги уч ҳолатни босиб ўтади:

- а) билим, ғоя, назария (яъни ақлий ҳолат);
- б) билимга берилган баҳо, муносабат (яъни баҳолаш ҳолати);

в) ўзлаштирилган билимларни ўз фаолиятига татбиқ этиш, улар асосида ўз хатти-ҳаракатини тартибга солиш (хоҳиш-ирода билан бошқариш ҳолати). Инсон дунёқарашининг асосий компоненти сифатида эътиқод билиш, баҳолаш, бошқариш каби функцияларни бажаради. Билиш функциясининг асосида оламдаги турли воқеа-ҳодисалар, жараёнлар содир бўлишига доир

билимлар ётса, баҳолаш функцияси ўзлаштириб олинган билимларга таяниб, содир бўлаётган ўзгаришлар маъно-моҳиятини тушуниб олиш билан боғлиқдир. Бошқариш функцияси эса, инсоннинг ўз хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига кўрсатаётган таъсири, уни аниқ мақсад сари йўналтира олиш қобилияти, малакаси билан боғлиқдир. Эътиқод инсон хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатининг бирлиги ҳолатини ифодаловчи интегратив тушунчадир. Ўз навбатида, эътиқод инсон хатти-ҳаракати йўналишини белгиловчи асосий детерминантдир. Хоҳиш-ирода, истак каби унсурлар эътиқоднинг инсон амалий фаолиятида намоён бўлиши учун ҳал қилувчи туртки беради. Амалий фаолият эса эътиқодни инсон ҳаётий позициясига айлантиради. Эътиқод ўз мазмуни, характериға кўра, хилма-хил тарзда (гуманистик, фашистик, коммунистик, расистик ва бошқа) намоён бўлиши мумкин. Авторитаризм ёки зўравонлик, маъмурий буйруқбозлик ёки ирқчиликка асосланган ҳар қандай эътиқод шахс мустақиллигини емиради, инсонни буйруқни бажарувчи қўғирчоққа айлантиради. Аникроғи, дунёқарашида фашистик ёки ғайриинсоний, ирқчилик, буюк давлатчилик шовинизми ёки радикализм устуворлик қилган эътиқодга асосланган ҳар қандай инсон, ҳеч қачон мустақил шахс даражасига кўтарила олмайди. Шу боис ҳақиқий эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳақиқий эътиқод соҳиби ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдиришни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод шахсдаги журъат, мардлик, фидойилик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар билан боғлиқдир.

ЯНГИ МАЪНАВИЙ МАКОН – миллий қадриятларимизга таянган, миллий ўзлик ва миллий ғурур илдизларига таянган, юксак ахлоқий-тарбиявий фазилатлар ва ҳуқуқий билимларни уйғунликда мужассам эта оладиган фуқаролик жамиятидир. “Менинг назаримда, у – биз орзу қилаётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яққол акс этадиган, халқимиз



интилаётган ва эл-юрти миз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир”, деб эътироф этади Президент Ш.Мирзиёев. Мустақилликни мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий жабҳаларида туб тарихий бурилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ва вазифаларни ҳал этиш масаласини кўйди. Ана шундай улкан вазифа ва масъулият халқимиздан бир томондан, маънавий юксалишни, иккинчи томондан эса фуқаролик жамияти куришда унга таянишни такозо қилади. Негаки, миллий-маънавий юксалиш тараққиёт омилига айланди. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилдир. Инсонлар ўзлигини чуқур англаши, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушуниши, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашуви, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланди. Шу боис, мустақиллик йилларида буюк алломаларимизнинг бутун жаҳонда ҳайрат билан ўрганилаётган меросини янгидан ўрганиш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Айниқса, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аз-Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа кўплаб буюк сиймоларимиз илмий-адабий меросини ўрганиш мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг миллий-маънавий негизларини ташкил этмоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган бир пайтда, демократик тамойилларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демократик меъёрлар асосида кўппартиявийлик

тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич жамоат ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш каби вазифалар умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзида ифода этган ҳолда маънавият билан туташади. Жамиятдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун маънавият сиёсатининг бош таянчи бўлмоғи керак.

Маънавий юксалиш ҳар бир инсондаги руҳий ҳолат, онг тараққиёти билан боғлиқ. Фуқаролик жамиятини барпо этиш маънавий етук инсонларни тарбиялаш, таълим ва тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга ҳам боғлиқ. Чунки, айти билимлилик ва юқори маънавиятчиликдан ҳамманинг бахт-саодати йўлида фойдаланиш мумкин. Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири – жамиятни юксак ғоявийлик ва миллий ғояга содиқлик, ёт ва бузғунчи мафқураларга қарши муросасизлик руҳида тарбиялашдир.

Жамиятда мафқуравий иммунитетни шакллантириш фуқароларнинг ғоявий, назарий ва услубий тайёргарлигига боғлиқ. Ҳар бир жамият аъзоси, энг аввало, миллий ғоямизнинг тарғиботчиси бўла олиши шарт. Ҳар бир тарбиявий маърифий тадбир маънавий душманларимизга қарши ғоявий қурол бўлиши лозим. Бугунги дунёдаги мураккаб мафқуравий вазият жамиятимизда ғоявий иммунитетни тарбиялашни фаоллаштиришни талаб қилади. Чиндан ҳам Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий этган давлатлардан бирига айлантириш учун фарзандларимизда соғлом эътиқод ва дунёқараш, умуммиллий бирлик бўлиши керак.

ҚИБЛА (арабча – Қарши томонда турган нарса) – мусулмонлар намоз ўқиётган пайтда юзини қаратиб турадиган томон. Дастлаб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва унинг тарафдорлари Қуддусга қараб намоз ўқишган. Ҳижрий 2-йилда (624) Маккадаги Каъба (Байтуллоҳ) барча мусулмонлар учун қибла қилиб белгиланган. Ҳар бир мусулмон қаерда бўлмасин, албатта қибла томонга қараб намоз ўқийди. Масжидларда меҳроб қибла томонга ўрнатилади, шу томонга қараб азон айтилади.



Ислондаги кўп маросимлар ҳам, одатда, қиблага қараб бажарилади. Марҳум кўмилганда ҳам юзи қиблага қаратиб қўйилади. Ислон шариати қибла томонни улуғлайди, қибла томонга оёқларни узатиб ўтириш ва ётиш одобсизлик ҳисобланади. Ўзбекистонга нисбатан қибла жануби ғарб томонда бўлиб, компас мили Ғарб нуқтасидан чап томонга 14 градус қайтиши керак.

ҚИЁМАТ (арабча – ўликларнинг тирилиши, тик туриш, ўриндан туриш) – дунёнинг тугаши ва охират кунининг бошланиши ҳақидаги тушунча Қуръонда охират кунининг бошланиши билан боғлиқ даҳшатли ҳодисалар, барча мавжудотларнинг ҳалок бўлиши ва қайта тирилиши, бирма-бир сўроқ қилиниб, савоб ва гуноҳлари ўлчаниши, жаннат ва дўзахга киритилиши, дўзах азоблари, жаннат роҳатлари батафсил баён этилган. Инсонларда қибла кундаги сўроқдан кўрकिш ҳиссини шакллантириш воситасида маънавий тубанликдан тийилиш, турли-туман эзгу ишларга кўл уриш орқали сўроқ кунни шарафланганлар қаторидан ўрин олишга интилиш фикрини шакллантирган. Қибла ҳақида Таврот, Инжил, Забур каби бошқа динларнинг илоҳий китобларида ҳам қайдлар мавжуд.

ҚУРБОНЛИК – худога яқинлашиш ва унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлик сўйиш. Қурбонлик одати қадим замонларда кўп халқлар ва қабиаларда бор эди. Ислондан илгариги арабларда қулларни, ўз фарзандларини қурбон қилиш одати бўлган. Аллоҳ таоло “Кавсар” сурасида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга жаннатдаги Кавсар ҳовузини ато этгани, жонлик сўйиб қурбонлик қилиши ҳақида сўз борган (108:2). Даврлар ўтиши билан инсон ўрнига ҳайвонни қурбон қилиш одатга айланган. Библия ривоятига кўра, Иброҳим (Авраам) ўзининг чин эътиқодини исботлаш учун ўз ўғли Исҳоқ (Исаак)ни қурбон қилишга қарор қилганда худо уни тўхтатиб, боланинг ўрнига кўчқор сўйишни буюрган (Библия, Борлиқ китоби, 22-боб, 1–13-бандлар). Бу ривоят Қуръонга айнан ўтган. Фақат Иброҳим ўз ўғли Исҳоқни эмас, балки Исмоилни қурбонлик қилишга чоғланади

(37:102–107-оятлар). Ислон динида қурбонлик ҳаж маросимининг қатъий ва мажбурий қисмларидан биридир. Ҳажда иштирок этмаган мусулмонлар қурбон ҳайити кунни имкониятига қараб қурбонлик қилиши лозим ҳисобланади. Қурбонлик учун сўйиладиган ҳайвон – қўй, мол, туя. Бир қўйни 1 киши, қорамол, туяни эса 1 кишидан то 7 кишигача бир бўлиб қурбонлик қилиши мумкинлиги белгиланган.

ҚУРЪОН (арабча – ўқимоқ, қироат қилмоқ) – мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Қуръон – ваҳий орқали Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга 610–632 йиллар давомида нозил қилинган Аллоҳнинг каломи (Каломуллоҳ). Қуръон “Китоб” (ёзув), “Фурқон” (ҳақ билан ботилнинг орасини айирувчи), “Зикр” (эслатма), “Танзил” (нозил қилинган) каби номлар билан аталиб, “Нур” (ёруғлик), “Худо” (ҳидоят), “Муборақ” (баракотли), “Мубин” (очик-равшан), “Бушро” (хушхабар), “Азиз” (эъзозланувчи), “Мажид” (улуғ), “Башир” (башорат берувчи), “Назир” (огоҳлантирувчи) каби сўзлар билан сифатланган. Ислон оламида Қуръон мусҳаф номи билан ҳам машҳур. Уламолар Қуръоннинг 30 хил ном ва сифатларини санаб ўтганлар. Ислон тарихига оид манбаларда келтирилишича, Қуръон нозил бўлиши милодий 610 йил бошланган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам 40 ёшда Макка шаҳри яқинидаги Ҳиро ғорида чуқур тафаккурга берилиб ўтирган бир пайтда Жаброил фаришта “Икраъ” (“Ўқи”) деб бошланувчи “Алақ” сурасининг аввалги 5 оятини келтирди. Бу жараён Маккада 13 йил, Мадинада 10 йил, жами 23 йил давом этган. Қуръоннинг нозил қилиниши ислон ақидаси бўйича рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси юз берган. Шунинг учун ҳам бу ой муқаддас ҳисобланиб, рўза тутилган куннинг 27-кечаси лайлатул-қадр, яъни қадрли, илоҳий қудрат намоён бўладиган, бандаларнинг бир йиллик тақдири ҳал қилинадиган (қадр – тақдир, ўлчов) табаррук кеча деб улуғланади. Қуръон сура ва оятларининг нозил бўлиш тартиби воқеаларнинг ривожига қараб давом этган. Илк Ислон даврида нозил бўлган суралар, асосан, Аллоҳнинг ягоналиги, борлиқнинг мутлақ илоҳи, дунёдаги барча нарсалар Унинг борлигидан дарак берувчи



далил экани, Ислом таълимотида белгиланган ақидавий тушунчалар – фаришталар, пайғамбарлар, муқаддас китоблар, охират, жаннат ва дўзахнинг ҳақлиги тўғрисида бўлган. Пайғамбар ва мусулмонларга оғир келган Макка даврида сабр-бардошга чакирувчи, дин йўлида чекилган машаққатлар учун улуғ ажру мукофотлар борлиги ҳақидаги оятлар нозил этилган бўлса, мусулмонлар жамоаси шаклланган Мадина даврида ибодат ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишга бағишланган оятлар нозил бўлган. Диний масалалар бўйича берилган саволларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳий қилинган оятлар билан жавоб берар эдилар. Қуръоннинг бўлимлари сура дейилади, уни шартли равишда боб билан таққослаш мумкин. Ҳар сура оятларга бўлинган. Қуръон 114 сура, 6236 оятдан иборат. Ҳар бир суранинг ўз номи бор. Оятлар эса тартиб рақами билан берилган. Сураларнинг номлари унинг бошида келган сўз, сурада зикри кўпроқ келган нарсалар, воқеалар ёхуд шахс номи билан аталган. Кейинчалик ўқиш ва ёдлаш осон бўлиши учун Ироқ ҳокими Ҳажжож ибн Юсуф (ҳукмронлик йиллари 694–714) кўрсатмасига биноан Қуръон 30 қисм (арабча – жуз, форсча – пора)га бўлинган. Қуръонда биринчи келган “Фотиҳа” сурасидан кейинги суралар катта, ўртача ва қисқа суралар тартибида жойлашган. “Бақара” сураси 286 оятдан, энг қисқа “Кавсар” сураси 3 оятдан иборат. Энг қисқа оятлар “Тоҳо” ва “Ёсин”, энг узун оят “Бақара” сурасининг 282-оятидир. Суралар нозил бўлиш вақти ва жойига кўра, 2 га: ҳижратдан олдин нозил бўлган суралар – “Макка суралари” (610–622 йиллар, 90 сура) ва ҳижратдан кейин нозил бўлган суралар – “Мадина суралари” (622-йилдан, 24 сура)га ажратилади.

ҲАДИС (арабча – хабар, гап, янгилик) – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзлари, қилган ишлари, иқдорлари тўғрисидаги ривоят. Ислом динида Қуръондан кейин 2-манба ҳисобланади. Ҳадис 2 қисмдан иборат бўлади: матн ва иснод. Ҳадис 2 турга – Ҳадиси қудсий (маъноси Аллоҳ таолодан, лафзлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бўлган Ҳадислар) ва Ҳадиси набавийга бўлинади.

Ҳадислар эътиборга олинishi жиҳатидан 3 қисмга бўлинади: 1) саҳиҳ (ишончли); 2) ҳасан (яхши); 3) заиф. Қуръонда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаш учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларини айтарди. Бу ҳадисларни пайғамбарларнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. Пайғамбар вафотидан сўнг ҳадисларни нақл қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат билан бир гуруҳ мусулмонлар уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. Биринчи ҳадис китобини Ибн Шихоб аз-Зухрий ёзди. Ундан кейин бирин-кетин ҳадис тўпламлари тасниф этила бошлади. Лекин бу тўпламлар муайян тартибга солинмаган, бобларга ажратилмаган бўлиб, уларда Пайғамбар ҳадислари билан бир қаторда саҳобалар ва тобеъинларнинг фатволари ҳам келтирилган. Ҳижрий III асрда ҳадис таълиф этиш соҳасида “муснад”, “саҳиҳ”, “сунан” деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди. “Муснад” йўналишида тасниф этилган тўпламларда турли мавзудаги ҳадислар бир жойда келтирилиб, улар ҳадис ривоят қилувчи саҳобаларнинг Ислом динини қабул қилган вақтига кўра ёки алифбо тартибида жойлаштирилган. Абу Ҳанифа, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳадис китоблари шу йўналишга мансуб. “Саҳиҳ” йўналишига тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган. Бу йўналишга Имом Бухорий асос солган. “Сунан” йўналишидаги тўпламга эса, тўғри, ишонарли ҳадислар билан бир қаторда “заиф” ҳадислар ҳам киритилган. Абу Довуд, Абу Исо Термизий, Насоий, Ибн Можа тўпламлари шу йўналишга мансубдир. Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий ҳадислар тўпламини таълиф этган. Бундан ташқари Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Роҳавайх ал-Марвазий, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баракотий, Иброҳим ибн Макхул Насафий ва бошқалар ҳадис тўпламларини тасниф этишган. Кейинчалик, миллий-сиёсий ихтилофлар натижасида, пайғамбар номидан ёлғон ҳадислар тўқиш, фикҳ ва калом илми соҳасидаги зиддиятлар, амир ва ҳокимларга хушомадгўйлик оқибатида кўплаб ишонарсиз, тўқима ҳадислар



юзага келган. Давр ўтиши билан ҳадислар танланиб, муҳим деб ҳисобланганлари бир тизимга солина бошлади. IX–X аср бошларида диндорлар орасида энг ишончли деб танилган ҳадиснинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: “Саҳиҳи Бухорий”, “Саҳиҳи Муслим”, “Саҳиҳи Термизий”, “Сунани Аби Довуд”, “Сунани Ибн Можа”, “Сунани Насоий”. “Саҳиҳи Бухорий” кўпроқ эъзозланади. Бу 6 та ҳадис тўпламини тузган муҳаддислардан 2 таси мовароуннаҳрлик, 4 таси эса хуросонлик бўлган. Ҳадислар тўплами сунна деб ном олган. Ҳадисларни тўпловчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар муҳаддис деб аталган.

Ҳадис йиғиш ўрта аср мусулмон маданиятининг муҳим хусусияти бўлиб, билим излашнинг асосий мазмуни ҳисобланган. Ҳадис ҳар қандай илмий асарни асослашнинг муҳим қисми бўлган; ундан ҳикматли сўз ва матал сифатида ҳам фойдаланилган. Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” асари ислом олами олий ўқув юртларининг шариятда асосий ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилиб келмоқда.

ҲАЁ – ахлоқшунослик тушунчаси. Муҳим ахлоқий меъёр, айна пайтда хулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан бири. Ҳаё уят ҳисси билан ўхшаш бўлса-да, аслида андиша ва ибоба яқин фазилят тарзида намоён бўлади, у нафосат билан уйғунлашиб кетади. Уят ҳиссида инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка зид хатти-ҳаракатларидан ноқулай вазиятга тушиш, ўнғайсизланиш ҳолати пайдо бўлади, бу ҳолат хатти-ҳаракат содир этгандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобини кўзгатади.

Ҳаёда эса мазкур ҳолатлар соф маънавий характерга эга бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтдагина юзага чиқади. Ҳаёнинг инсоний сифат тарзидаги мавжудлиги ҳаёлилик бўлиб, кишининг маънавиятли, маърифатли, номусли, очиқ кўнгилли эканини англатади, унинг зидди – беҳаёлик (ҳаёсизлик) эса, аксинча, маънавиятсизлик, нопокликка мойиллик, қалби қаттиқлик, виждонсизлик каби иллатлар билан характерланади. Ҳозирги кунда турли

цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омухталашуви, урбанизация, модапарастлик сингари замонавий ижтимоий ҳодисалар ҳаёлиликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатаётир, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг ўзини тутиши-да, муомаласида, кийинишида бу таъсирни яққол сезиш мумкин. Оиладаги ва мактабдаги тарбияда ҳаёли бўлишлик – хулқий гўзаллик, назокат экани, беҳаёлик – хулқий хунуклик ва қўполлик эканини уқтириш, шахс эркинлиги доимо ўзгалар олдидаги масъулият билан боғлиқлигини тушунтириб бориш муҳим вазифалардан биридир.

ҲАЖ (арабча – зиёрат, қасд қилиш) – Исломнинг 5 асосий рукнидан бири. Ҳаж қилиш оқил, соғлом, балоғат ёшига етган ва оиласи нафақасидан ташқари сафар харажатларига кифоя қилгудек маблағи бўлган ҳар бир мусулмонга (умрида бир марта) фарз қилинган. Ҳаж қилувчи кишилар мийқот (эхромни боғлаш учун олдиндан белгилаб қўйилган махсус жой) дан бошлаб тозаланиб, сочларини олиб ёки қисқартириб, Маккага бориш учун ҳозирлик кўрадилар. Сўнгра эхромга кириб 2 ракаат намоз ўқилади. Ҳажда Каъба 7 марта тавоф қилинади. Зиёратчилар ҳажар ал-асвад (қора тош)ни ўпиб, кейин Сафо ва Марва тепаликлари орасида 7 марта саъй қиладилар, сўнгра замзам сувидан ичадилар. Арафа куни (зулҳижжа ойининг 9-куни) Ҳажнинг асосий маросими – Арафотда туриш (вукуф) бошланади. Зиёратчилар у ерда хутба эшитадилар, ибодат қиладилар ва намоз ўқийдилар. Бу туриш кун ботгунча давом этади. Сўнгра ҳожилар Муздалифа водийсига йўл оладилар. У ерда тонгга қадар ибодат билан машғул бўлинади. Зулҳижжа ойининг 10-куни (қурбон ҳайити) дан бошлаб 3-4 кун Мино водийсида шайтонларга тош отилади ва жонлиқ сўйиб қурбонлик қилинади. Бир киши бошқа одам учун Ҳаж арконларини адо этиши ҳам мумкин. Бу ҳажжи бадал деб аталади. Вафот этган одам ҳамда моддий таъминланган, аммо саломатлиги ёки қариллиги туфайли Ҳаж зиёратига бора олмайдиганлар учун ҳажжи бадал қилиш мумкин бўлади. Ҳадисга кўра, Ҳаж қилишнинг асосий қоидалари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан 632



й. “Видолашув Ҳаж” (Ҳажжатул вадоъ)да белгилаб берилган. Кейинчалик асосий ҳуқуқий мазҳаб намояндалари Ҳаж зиёрати қоидаларини Ислом манбалари асосида батафсил ишлаб чиққанлар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимиз мусулмонларига Ҳаж амалини адо этиш учун имкониятлар яратиб берилди. Мустақиллик даврида 200 мингдан ортиқ киши Ҳаж ибодатини адо этдилар (2024).

ҲАЙИТ (арабча ийд – байрам) – мусулмонларнинг диний байрами. Ислом анъанасида иккита ҳайит расман диний байрам сифатида нишонланади: катта ҳайит ёки қурбон ҳайити (арабча ийд ал-кабир, ийд ал-адҳо) ва кичик ҳайит ёки рўза ҳайити (арабча ийд ас-сағир, ийд ал-фитр). Қурбон ҳайити ҳаж маросими

ва қурбонлик қилиш билан, рўза ҳайити эса рамазон ойи ниҳояси билан боғлиқ. Қурбон ҳайити ҳижрий зулҳижжа ойининг 10-кунида, рўза ҳайити эса шаввол ойининг 1-кунида байрам қилинади. Ҳайитда масжидда эрталаб ҳайит намози ўқиш, рўза ҳайити фитр-садақа бериш (ҳайит намозидан олдин), қурбон ҳайитида эса қурбонлик қилиш ва шу каби амаллар адо қилинади.

Ҳайитдаги бу маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари – арафа куни ош улашиш, янги кийим кийиш, “ҳайитлик” бериш, сайилга чиқиш, яқин одамларини кўриш ва ҳоказолар ҳам қўшилиб кетган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қурбон ҳайити ҳам, рўза ҳайити ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.



АЁЛЛАР ИЛМ-ФАН СОҲАСИДА

АКАДЕМИК (аёллар) – юксак илмий унвон. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясида академиклар сайланади. Академик унвони Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясида ва бошқа илмий ҳамда ўқув муассасаларининг олим ва ижодкорлари, шунингдек, айрим шахсларга берилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида аёллар илм-фанни жаҳон андозалари талаблари даражасида юксак илмий аҳамиятга эга бўлган илмий ишлар билан бойитган, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган мактаб яратган, илмий ютуқлари мамлакатнинг интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш ва кучайтиришга жавоб берадиган, ёши 65 дан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган фан докторларидан сайланади.

Мустақиллик йилларида илм-фаннинг турли йўналишларида самарали меҳнат қилган **11 нафар** аёл академик мақомига эга бўлди. Бугунги кунда Фанлар академияси 78 нафар академикларининг 5 нафарини аёллар ташкил этади. Ўзбек илм-фани тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган Ўзбекистон ҳақиқий аъзоси бўлган аёллар: Абдуллаходжаева Малика Саматовна (2000), Абидова Муҳаббат Фазиловна (2000), Азимжанова Сабохат (2000), Аминова Раҳима Ходиевна (2000), Власова Нина Александровна (2000), Глушенкова Анна Ивановна (2000), Пугаченкова Галина Анатолевна (1984), Сулайманова Хадича Сулаймановна (1956), Убайдуллаева Раъно Ахатовна (2000), Хаджинова Максуда Агзамовна (1996), ҳозирда Арипова Тамара Ўктамовна, Иноятова Флора Илясовна, Мавлани Машхура Эгамовна, Рашидова Сайёра Шарафовна, Юсупова Дилором Юнусовналардир.

Шунингдек, Бутовская Евдокия Михайловна (сейсмолог, 1979), Камилова Хасият Камиловна (тилшунос, 1952), Матвиевская Галина Павловна (шарқшунос, 1984), Ахунова Мелихон Ахуновна (Ўзбекистон тарихи, 1979), Райкова Илария Алексеевна (ботаника, 1956) каби олималар Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир-аъзоси бўлган аёллардир.

БАКАЛАВР (лотинча Baccalaria – вассалнинг ер-мулки) – кўп мамлакатлардаги дастлабки илмий даража. Ўрта асрда Ғарбий Европа университетларида таълимнинг биринчи босқичини тугаллаган талабаларга берилган. Ўзбекистонда “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ва бакалавриятни тугатганларга бакалавр даражаси берилади ҳамда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади. Бакалавр дипломи билан магистратурада ўқишни давом эттириши ҳам мумкин. Баъзи хорижий мамлакатлар (масалан, Франция)да ўрта маълумотга эга бўлиб, олий ўқув юртига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳам Б. деб аталади. Бакалавр 2012–13 йилдан Ўзбекистонда тўлиқ олий маълумот берадиган босқич ҳисобланади.

2024-2025 ўқув йилида олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторга кўра 183 та бакалавр йўналишлари мавжуд.

Бакалаврият Ўзбекистонда олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугаллангандан сўнг, битирувчиларга бакалавр даражаси берилиб давлат аттестацияси якунларига кўра давлат



томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги диплом топширилади.

2024/2025 ўқув йилида Ўзбекистон Олий таълим муассасаларида (ОТМ) тахсил олаётган талабалар сони 1 млн 327 минг нафарни, шундан, хотин-қизлар 677 мингни (51%) ташкил этади. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 12% ошган. ОТМ таълим йўналишлари бўйича таҳлил қилганда, физика йўналишида 64 %, математика й. 60 %; хизмат кўрсатиш йилига 34 %; АКТ йилига 45 %; қишлоқ хўжалигида 36 %; ишлаб чиқаришда ва маҳсулотларга ишлов бериш йилига 32 %ни хотин-қизлар ташкил қилади. ОТМга ўқишга қабул қилишда хотин-қизлар учун бир нечта имтиёзлар яратилган. Жумладан, “Зулфия” номидаги давлат мукофотида сазовор бўлган қизлар ОТМ бакалавриат йўналишига имтиёзли қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги ПҚ-4749-сон қарори билан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилиши ва ҳудудлар кесимида тасдиқланиши амалиёти йўлга қўйилди. Уларнинг 50 фоизи аниқ ва табиий фанлар, техника ва тиббиёт йўналишлари орасида ҳудудлар ва соҳалар кесимида тақсимланди. Ҳар йили эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган 2 минг нафар хотин-қиз давлат гранти асосида олий таълим муассасаларга ўқишга қабул қилинади.

Мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қиз ҳар йили Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсияномаларига асосан тест синовлари натижаларига мувофиқ контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

ОТМда контракт-тўлов асосида ўқиётган хотин-қизлар учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилади. 2022 йилда 133,6 минг хотин-қизнинг ўқиши учун 2023/2024 ўқув йили 116,4 минг аёл-қизга фоизсиз таълим кредити ажратилди. 4 минг нафарга яқин муҳтож ёлғиз аёллар ва боқувчисини йўқотган қизларни

олий таълимдаги контракт-тўловлари қоплаб берилди.

ДИССЕРТАЦИЯ (лотинча *dissertatio* – тадқиқот, мулоҳаза) – илмий даража олиш учун тақдим этилган ва жамоатчилик олдида яқка тартибда ҳимоя қилинадиган илмий асар. Муаллиф томонидан шахсан олиб борилган, тадқиқот моҳияти тегишли талабларга жавоб берган, тугалланган ва мазмунан яхлит илмий иш сифатида илмий янгилиги ва амалий натижалари тизимли равишда асослаб берилган қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар. Диссертация илмий ёки таълим ташкилоти кенгаши қарори билан диссертация мавзуси бўйича тадқиқот олиб бориш учун масъул муассаса сифатида тасдиқланган муассасада олиб борилади.

Диссертация мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳамда жаҳон илмий-технологик тараққиёти тенденцияларига мувофиқ долзарб бўлиши лозим. Диссертация изланувчи ўтказган тадқиқотлар ва эълон қилган илмий ишлар асосида тайёрланади. Диссертацияни расмийлаштириш ва уни ҳимоя қилиш изланувчининг хоҳишига кўра ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида ёки ОАК билан келишилган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади. Диссертация ҳимоя қилиш дастлаб ўрта асрларда немис тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг университетларида пайдо бўлган. XVI-XVII асрларда бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошлаган. Ўзбекистонда 1934 йилдан фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилиш жорий этила бошлади. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинадиган диссертация янги илмий-амалий хулоса ва тавсияларни ўз ичига олиши, унинг муаллифи (диссертант) танланган мутахассислик бўйича чуқур илмий-назарий билимга эга эканлигини кўрсатиб бериши лозим. Фан доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинадиган диссертация фан ва техниканинг муайян соҳасидаги катта илмий назарий муаммони ҳал қилиши, фан ва амалиётнинг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилиши лозим. Номзодлик ва докторлик диссертациялари олий ўқув

юртлари ёки институтларида ташкил этилган ихтисослаштирилган илмий кенгашларда ҳимоя қилинади. Ҳимояга тақдим этилган диссертациянинг асосий мазмуни алоҳида китоб тарзида ёки журнал, илмий тўплам ва бошқа нашрларда эълон қилиниши лозим.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация билимларнинг тегишли соҳасида муҳим аҳамиятга эга масаланинг янги ечимидан иборат ёки долзарб илмий масаланинг ечимига қаратилган илмий асосланган илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий тавсиялар ишлаб чиқилган тугалланган илмий иш бўлиши лозим.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация тугалланган илмий иш бўлиши ва унда:

- муҳим ижтимоий-иқтисодий, илмий ёки амалий муаммолар ечими келтирилган;
- ёки тегишли фан соҳасининг истикболли йўналишини ривожлантириш учун йирик ютуқ сифатида баҳоланадиган янги назарий қоидалар комплекси ишлаб чиқилган;
- ёки жорий этилиши фан ва техника, ижтимоий-сиёсий соҳа ёки иқтисодиёт тармоғининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган назарий-методологик ва услубий асослар, илмий асосланган техник, иқтисодий ёки технологик ечимлар ишлаб чиқилган (такомиллаштирилган) бўлиши лозим.

Уларнинг сони ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан белгиланади. Шунингдек, муҳим ихтиро ва кашфиётлар, айрим шахс ёки жамоа томонидан янги машина, бошқариш тизими, турли асбоблар, қурилма ва технологик жараёнлар яратишдаги тугалланган ишлар, бир муаллиф томонидан тайёрланган мустақил илмий ёки илмий методик асар даражасида бўлган оригинал дарсликлар ҳам илмий маъруза шаклида диссертация ўрнида ҳимояга тақдим этилиши мумкин. Диссертация ҳимояси олдида унинг асосий мазмуни ва хулосалари ёзилган автореферат эълон қилинади. Ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертациялари ОАК томонидан белгиланган муддатларда тасдиқлангандан сўнг диссертация ҳимоя қилган

шахсларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади. Ҳимоя қилинган диссертациялар ҳимоя ўтган илмий муассаса кутубхонасида, шунингдек, муайян соҳа кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистон Республикасида 2000/2001 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимида магистрлар учун илмий ёки илмий техникавий мазмундаги магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш жорий этилган.

ДОКТОРАНТУРА – илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайдиган таълим тури. Ўзбекистонда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура мавжуд. Таянч докторантура – фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли, докторантура – фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли, (олий таълимдан кейинги таълимнинг мустақил изланувчилик ва стажёр-тадқиқотчилик шакли ҳам мавжуд). Докторант – илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс. Диссертация Ўзбекистон Республикаси ФА, вазирлик ва идоралар тасарруфидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва ташкилотларда очилади. Обрўли илмий мактаблар, етарли илмий салоҳият ҳамда зарур лаборатория тадқиқот базаларига ва Ихтисослашган илмий кенгашга эга илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, илмий муассаса ва ташкилотлар қошида фан ва техниканинг энг муҳим мутахассисликлари бўйича фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, республика ва унинг минтақаларида илмий-техника тараққиёти ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни

таъминловчи давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилади.

Таянч докторантурага магистр даражасига ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар, диссертацияга, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражаларга эга бўлганлар қабул қилинади. Таянч докторантура ва докторантурада Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва тўлов-контракт асосида ўқитилади. Диссертацияда ўқиш муддати 3 йил ва у илмий ёки илмий-педагогик иш стажига кўшилади. Идора ичида ва идоралараро мақсадли диссертация ҳам мавжуд. Мақсадли диссертацияга тузилган шартнома асосида муассаса ва ташкилотлар томонидан юбориладиган фан номзоди ёки фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлган шахслар қабул қилинади. Ўзбекистонда таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат ҳар йили 1 – 25 ноябрь даврида ўтказилади. Таянч докторантурада ва докторантурада таҳсил олувчи шахсларга стипендия тўланади. Олий таълимдан кейинги таълимни тугатганлар таянч докторантура ёки докторантурага қайта қабул қилинмайди. Диссертация асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини, яъни докторлик диссертациясини Ихтисослаштирилган илмий кенгашларда ҳимоя қилиш билан якунланади. Диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилганларга давлат намунасидаги фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) дипломи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сонли қарори билан мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида **300** тадан мақсадли квота ажратилмоқда. 2024 йилда олий

таълимдан кейинги таълим институтларига жами 8 минг 897 та ўринга қабул квотаси ажратилган бўлиб, шундан 4 минг 663 та квота хотин-қизларга (52 фоиз) ажратилган. Бунда, стажёр-тадқиқотчиликка — 312 та, таянч докторантурага — 4118 та ва докторантурага — 233 та қабул квотаси ажратилган.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2025 йил учун стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантурага ихтисосликлар кесимида 5250 та, шундан, 732 та докторантура, 3920 та таянч докторантура, стажёр-тадқиқотчилик, мақсадли докторантура 29 та, мақсадли таянч докторантура 219 та квота ажратилди.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ – янги билимларни ишлаб чиқиш жараёни, билиш фаолияти турларидан бири. Унга объективлик, ишонччилик, аниқлик хос. Илмий-тадқиқот ҳамма шартларга амал қилиб такрорланганда ҳаммаша бирдек натижа бериши, баҳс этилаётган масалани исботлаши лозим. Илмий-тадқиқот бир-бири билан боғланган икки қисм – тажриба ва назариядан иборат. Илмий-тадқиқотнинг асосий компонентлари: мавзунини белгилаш, мавжуд ахборотни, тадқиқот соҳасидаги шарт-шароит ва методларни, илмий фаразларни олдиндан таҳлил этиш, тажриба ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш, келиб чиққан фаразларни олинган далиллар асосида текшириш, янги факт ва қонунларни ифодалаб бериш, илмий башорат юритиш. Илмий-тадқиқотларни фундаментал ва амалий, микдорий ва сифатий, ноёб ва комплекс тадқиқотларга ажратиш кенг тарқалган. Илмий-тадқиқотларнинг метод ва тажрибалари фаннинг ўзидагина эмас, балки кўпгина иқтисодий ва ижтимоий масалаларни қал қилишда ҳам кенг қўлланилади.

Илмий-тадқиқот иши ОТМ ва илмий-тадқиқот институтларида, шунингдек, корхона ва ташкилотларда олиб борилади. Ўзб.да олий таълимдан кейинги таълим институтларида докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик шаклида илмий тадқиқотлар олиб борилади.

ИЛМИЙ ТАДҚИКОТ ИНСТИТУТЛАРИ – фан, техника, ишлаб чиқариш соҳаларида илмий тадқиқот олиб борадиган муассаса. (лотинча *institutum* – муассаса) муайян йўналишда фаолият юритадиган илмий-текшириш ташкилоти. Дастлаб XIX аср охири XX аср бошларида вужудга келган. 1888 йил Парижда Пастер институти, 1909 й. Радий институти ташкил этилган. XX асрнинг бошларидан назарий масалалар билан бирга техника, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш бўйича муҳим муаммолар устида тадқиқотлар олиб борувчи турли илмий-тадқиқот институти пайдо булди. XX асрнинг ўрталарига келиб илмий-тадқиқот институти кўп мамлакатларда илмий фаолиятни ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қолди. Ўзбекистонда асосий назарий муаммолар илмий-тадқиқот ишларининг мувофиклаштириш маркази – Ўзбекистон Фанлар академиясида тадқиқ этилади. Билимнинг муайян соҳаларини тадқиқ этувчи ва бевосита вазирликлар, давлат қўмиталарига буйсунувчи тармоқ И.т.и.лари ҳам мавжуд. Ўзбекистонда биринчи и.т. муассасаси – Тошкент астрономия ва физика обсерваторияси (ҳоз. Астрономия институти) 1873 йил ташкил этилган. 2000 йил Ўзбекистонда 100 дан ортиқ И.т.и. ишлади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибида 33 та илмий-тадқиқот институти ва илмий-тадқиқот марказларида фан, техника, маданият ва маърифат соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар амалга оширилади.

Шунингдек, илмий-тадқиқот институтида муайян соҳаларга доир илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. М: Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти, А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти ва ҳоказо.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда оила институтини илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сон қарори билан “Оила” илмий амалий маркази ташкил этилган (қаранг. “Оила ва гендер” ИТИ).

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-208-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 августдаги 500-сон қарори билан Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

ИЛМИЙ УНВОН – профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий мақоми; олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот институти илмий ходимларта бериладиган унвон. Профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонлари ихтисослик бўйича берилади.

Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида доцент ва профессор, илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ходим, проф. Илмий унвонлари жорий этилган. Профессор, доцент ва катта илмий ходим унвони илмий даражаси бўлган ва олий ўқув юрти ёки и.т. муассасасида педагогик ёки илмий-тадқиқот ишларини бажариш жараёнида етарли малака кўрсатган шахсларга олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институт илмий кенгашлари тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (ОТФИБ) ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан берилади.

Профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвони, истисно тариқасида, тегишли малакавий ва аттестация талабларини бажариб, таълим муассасасида ва илмий-тадқиқот институтида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган мутахассисларга ҳам берилади. Шунингдек, маданият, санъат, архитектура, жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатаётган илмий даражага эга бўлмаган мутахассисларга берилиши мумкин:

Катта илмий ходим илмий унвони ўз мақомига кўра, доцент илмий унвонига тенглаштирилади. Профессор, доцент ёки катта илмий ходим илмий унвонига эга бўлган шахсларга давлат намунасидаги хужжат (аттестат) берилади.

ИННОВАЦИЯ (инглизча *Innovationas* – киритилган янгилик, ихтиро) – ҳар қандай янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар ёки хизмат) ёки жараёни, янги маркетинг



усулини ёки бизнес амалиётида, иш жойини ташкил этишда ёки ташқи алоқаларда янги ташкилий усулни жорий этиш.

Инновация тушунчаси биринчи марта XIX асрда илмий тадқиқотларда пайдо бўлган. “Инновация” тушунчаси XX аср бошларида австриялик ва америкалик иқтисодчи Ж.Шумпетернинг илмий ишларида “инновацион комбинациялар” ва иқтисодий тизимлар ривожланишидаги ўзгаришларни таҳлил қилишда қўлланилган.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида Инновацион ривожланиш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик томонидан устувор соҳа ва тармоқларга илм-фан ютуқларини татбиқ этиш ва мамлакатнинг инновацион ривожлантиришнинг стратегияси, илмий фаолиятга доир давлат дасутрлари ишлаб чиқилади. Илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларни жалб этади, Илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича амалий, инновацион ва фундаментал лойиҳалар танловларини эълон қилиш, янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, стартап лойиҳаларни амалга ошириш агентликнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

2020 йилдан буён аёллар учун алоҳида танлов — “Олима аёллар грантлари” ташаббускор амалий ва инновацион лойиҳалар танлови ўтказиб келинади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги “Олима аёллар” жамияти хотин-қизларни илмий фаолиятга жалб қилишда агентлик билан ҳамкорлик қилади.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК – ижодий ақлий фаолият маҳсули. Ихтирочилик ва муаллифлик

объекти ҳуқуқи мажмуига кирувчи, фан, адабиёт, санъат ва ишлаб чиқариш соҳасида ижодий фаолиятнинг бошқа турлари, адабий, бадиий, илмий асарлар, ижрочи актёрлик санъати, жумладан овоз ёзиш, радио, телевидение асарлари, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, компьютерлар учун дастурлар, маълумотлар базаси, ноу-хаунинг эксперт тизимлари, товар белгилари, фирма атамалари ва б. ақлий мулк объектларига киради. Бугунги кунда интеллектуал мулк давлат ва жамият учун катта аҳамиятга эга соҳа эканлиги кундек равшан. Зеро интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ бошқа мулк қатори тан олиниб, даромад келтирадиган манба сифатида кўриб чиқилмоқда. Бу ҳозирги кунда билим, инновация ва ижодий натижаларга инвестицияларни жалб қилишга ҳам ёрдам беради. Жумладан, ривожланган мамлакатларда интеллектуал мулк инновацион иқтисодиётнинг асоси бўлиб бормоқда. Масалан, АҚШда сўнгги беш йил ичида ички иқтисодий фаолият ёки ишлаб чиқариш ҳажмининг 40 фоиздан ортиғи интеллектуал мулк объектларидан интенсив фойдаланган компаниялар ҳисобига тўғри келди. Ушбу компаниялар 2019 йилда 62,5 миллион иш жойини ёки мамлакат бандлигининг 44 фоизини таъминлаган. Интеллектуал мулкни тан олиш ва ҳимоя қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ва инновацион ёндашувларни қўллашга имкон беради.

Ҳозирги даврда Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил декабрда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди, 1993 йилдан саноат мулкни муҳофаза қилиш Париж конвенциясига қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221-сон қарори билан “2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси” қабул қилинди. Стратегиянинг асосий йўналишлари қуйидагилардан ташкил топган: интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш; интеллектуал мулк соҳасидаги

қонунчилиқни такомиллаштириш; интеллектуал мулк объектларини яратиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнларини янада такомиллаштириш; интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш; интеллектуал мулк билан боғлиқ муносабатларга ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва такомиллаштириш; жамиятда интеллектуал мулкка бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш; интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро стандартларни имплементация қилиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Юқорида келтирилган йўналишларни амалга ошириш йўлида бир қанча вазифалар белгилаб олинган, жумладан, бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (BIMT) кўмагида республикада муаллифлик ҳуқуқини интернетда ҳимоя қилиш бўйича “WIPO Alert” онлайн платформасидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини тартибга солувчи маъмурий регламентларни ишлаб чиқиш, глобаллашув ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, интернет маконида интеллектуал фаолият натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи жиҳатлардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган реал чораларни кўриш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун тўлов-шартнома асосида ўз интеллектуал мулк объектларини юқори даромад келтирувчи воситага айлантиришга кўмаклашувчи “IP Management” (Интеллектуал мулкни бошқариш) ўқув курсларини ташкил қилиш, мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини таҳлилий ўрганиш, уларни муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни том маънода ҳимоя қилувчи ташкилотларга айлантириш чораларини кўриш, умумий ўрта таълим ва касб-хунар мактаблари ўқувчи-талабаларида интеллектуал фаолият натижаларини ҳурмат қилиш ҳамда ихтирочилик ва новаторлик ҳислатларини шакллантириш

мақсадида интеллектуал мулк соҳасига оид фан дастурларини такомиллаштириш каби бир қатор вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Замонавий глобаллашув жараёнида айнан интеллектуал мулк ҳимоясини тўғри ва оқилона ташкил этиш – мамлакат тараққиётининг муҳим омили саналади. Интеллектуал мулк нафақа илм-фан ва технологик тараққиётга ҳисса қўшади, янгиликлар ва инновацияларни жорий этилишига хизмат қилади. Интеллектуал мулк – бу бугунги кунда сезиларли тижорий фаровонлик воситаси бўлиб, унинг давлат томонидан ҳимояланиши, албатта, фуқаролар ва давлатнинг муносиб даражада ривож топиши, бойишига ҳисса қўшади.

ИНТЕРНЕТ (лотинча inter – аро ва net (work) – тармоқ) – 1) катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғлайдиган бутун жаҳон компьютер тизими, бутун дунё бўйлаб фаолият кўрсатадиган халқаро ахборот алмашувининг глобал компьютер тармоғи; 2) турли-туман масалалар ва соҳалар бўйича маълумотларни қамраб оладиган, узоқ масофалардан туриб алоқани амалга ошириш, электрон тижорат, масофавий таълим, аудио, видео, теле, тасвир айирбошлаш ва умуман, кўпдан-кўп янгилик ва маълумотларни жамлайдиган электрон ахборот воситаси ва дастурини англатувчи тушунча. Интернетда географик жой, замон ва макондан қатъи назар айрим компьютер ва майда тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик унинг глобал информация инфратузилмасини ташкил этади. Кенг қўламдаги янгиликларни турли йўналишларда тарқатиш ва телеконференцияларни ташкил этиш каби муаммолар ечимига амалий ёрдам кўрсатади.

Қайдномалар тизими билан бошқариладиган барча ҳосила тармоқлари ҳамкорликда истеъмолчиларга информацияни сақлаш, эълон қилиш, жўнатиш, қабул қилиш, излаш ва маълум бўлган барча вариантлар (матн, товуш, видеотасвир, фотосурат, графика, мусиқа тарзида ва бошқа кўринишлар)да информация алмашинуви учун имкон яратади. Ўзбекистонда глобал Интернет тармоғига уланиш масалаларини ҳал этишга 1997 йилдан бошлаб киришилган эди. Бу тармоққа уланган



истеъмолчи ишхонадаги (уйидаги) компьютер орқали хоҳлаган давлатдаги Интернет тармоғига уланиши мумкин ва улардан ахборотларни матн, сурат, графика, жадвал ёки видеотасвир кўринишида олиши мумкин. Ахборот ресурсларига оид кўп масалаларни мамлакатимиздаги йирик кутубхоналар шу соҳадаги Интернет тармоқларига суянган ҳолда ҳал қилади. Интернет т.си XX асрнинг 60-йилларидан шакллана бошлаган. 1969 йилда ARPA (Илғор тадқиқот лойиҳалари) агентлиги тўпламлар коммутатсия қилинадиган экспериментал тармоқ яратиш мақсадида тадқиқот бошлайди. Тармоқ яратилиб, у ғоят оддий ҳамда қисқа ном – ARPANET, яъни агентлик тармоғи номини олади. Тармоқ алоқа тизимида маълумотлар оқимини мустақил узатиш технологияларини ўрганиш учун барпо этилган эди. Тадқиқот лойиҳаси муваффақиятли амалга ошгани боис уни яратишда қатнашган кўпгина ташкилотлар бу тармоқдан ўз кундалик мақсадларида фойдалана бошлайди ва 1975 йилда мазкур эксперимент ишчи тармоққа жорий қилинади. Бунда тармоқ учун жавобгарлик DCA (АҚШ Мудофаа алоқаси агентлиги) зиммасига юкланади. Айни вақтда мутахассислар TCP/IP (Transmission Control Protocol/Internet Protocol – Узатиш жараёнини бошқариш протоколлари) Интернет Протокол асосларини ишлаб чиқишга киришади. Айнан ана шу вақтнинг ўзида “Internet” атамаси (Interconnected Networks – бирлаштирилган тармоқлар сўзларининг қисқартмаси) қўллана бошлайди. Ҳолбуки, бу вақтда ARPANET иккита алоҳида тармоққа: MILNET (ҳарбий тармоқ) – Маълумот узатиш мудофаа тармоғининг номахфий қисми (DDN) ва янги (ҳажми кичрайтирилган) ARPANETга бўлинган эди. Ўша вақтда бир йўла ҳар иккала тармоқ, назарда тутилиши керак бўлган ҳолларда эса Internet атамаси қўлланган. Ўтган а.нинг 90-йилларда “Жаҳон ўргимчак тўри” – Worldwide Web гиперматн саҳифалари тизими вужудга келади. CERN (Швейцария) компанияси ходими Тим Бернерс-Ли ҳужжатларни гиперматнли чегаралаш тили – HTML тилини ишлаб чиқади. 1993 йилда NCSA (National Center for Supercomputing Application) ходимлари Марк Андрессен ва Эрик Бина илк браузер – “Mosaic X”ни ишлаб чиқишади.

Кейинчалик Мosaic Коммунистатсионс Интернет саҳифалари браузерининг биринчи версияси – Нитссапе Навигатор 1.0 версиясини тақдим этади. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, 90-йилларда Майкрософт компанияси бутун дастурий таъминот бозорини бошқаради, Нитссапе Навигатор дастури эса ўзининг онлайн имкониятлари орқали Windows билан рақобатлашиши мумкин эди. Шунда Билл Гейтс уларнинг рақобатчи эканини англаб, ходимларига бу компанияни дарҳол “ўйин”дан чиқариш тўғрисида буйруқ беради.

Шу тариқа браузерлар қарама-қаршилиги бошланади. 1995 йил 7 декабрда Майкрософт Internet Explorer (IE) браузерини ишлаб чиқади. 1997 йил сентябрь ойида браузерлар қарама-қаршилиги Майкрософт компаниясининг ғалабаси билан тугайди. Ўша вақтда Луис Монье Alta Vista қидирув тизимини ишлаб чиқади. Шу вақтнинг ўзида эса Сиэтлдаги бўлажак “Интернет-дўконлар қироли” – Amazon иш бошлайди. 90-йиллар охирларига келиб, Compaq компанияси Alta Vista қидирув тизимини 3 миллион доллар эвазига сотиб олади. Ўшанда дастлабки Интернет аукционлар, порталлар, шунингдек, Интернет тармоғида биринчи марта MP3 форматидаги мусикий файллар пайдо бўлади. Орадан бир йил ўтгач, 1998 йилнинг март ойида Netscape компанияси жаҳон навигаторининг бошланғич кодларини очади ва бутун дунёдаги компьютер ихлосмандлари бирлашиб, Mozilla Organization деб номланган ҳамжамият – кичик лойиҳага асос солади. Кейинчалик у Mozilla Foundation деб қайта номланади. Ҳозирги кунда Интернет браузерлар жуда кўпайиб кетган. Улар орасида энг оммалашганлари, албатта – Internet explorer, Flock, Netscape, Mozilla Firefox, Avant Browser ва бошқалардир. Маълумки, 90-йилларнинг ўрталарида Интернет тармоғига тижорат нуқтаи-назаридан қаралмас эди. Аммо 1995 йилнинг охирларида Yahoo компанияси биринчи бўлиб Интернетда реклама тарғиботини бошлайди ва Интернет орқали даромад кўриш мумкинлигини тушуниб этади. Тез орада Yahoo нинг рақиблари ҳам пайдо бўлади. Уларнинг орасида энг хавфлиси талабалар томонидан яратилган Excite эди. Аммо Yahoo га қараганда Excite

такмиллаштирилган тизимдан фойдаланар эди. Ўша кезларда кўпроқ даромад топиш мақсадида Yahoo ва Excite да рекламалар, фойдали маслаҳатлар, почта сервислари ва чатлар тобора кўпайиб, бу кидирув тизимлари кўнгилочар порталларга айлана борди. Yahoo ва Excite ўртасидаги рақобат шафқатсиз эди, аммо кидирув тизимлари ўзларининг дастлабки йўналишлари бўлган маълумот кидиришни унутиб қўйди. Зарур маълумотни топиш лозим бўлганда Yahoo ва Excite кераксиз нарсаларни чиқариб берарди. Баъзан керакли маълумотларни излаб топиш учун бир кунлаб вақт кетарди. Шу боис кескин тарзда фарқланувчи янгилик зарур эди ва бунинг жавоби Стенфорд университетида топилади. Сергей Брин ва Ларри Пейж 1998 йилнинг биринчи ярмида янги, истиқболли технологияни ривожлантириб, бу янги кидирув тизимига Google деб ном беришди. Ўша пайтда Стенфорд университетининг ётоқхонасидаги Пейжнинг хонаси маълумотларни қайта ишлаш марказини, Брин хонаси эса ишчан офис вазифасини бажарар эди. Оғайнилар ўз ғояларини сотмоқчи бўлишганида муваффақиятсизликка учрайди.

Шунда улар бизнес-режа тайёрлаб, ўз компанияларини ташкил этиш учун маблағ излашга тушади. Натижада дастлабки инвестициялар ҳажми 1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу пуллар қариндош ва дўстлардан, шунингдек, инвесторлардан тўпланади. Жумладан, Sun Microsystems компанияси ташкилотчиларидан бири Энди Бехтольсхайм ғоя муаллифларига 100 минг АҚШ доллари чек беради. Google кидирув тизими кунига 10 мингта сўровга жавоб беради ва PC Magazine журнали томонидан 1998 йилнинг энг яхши 100 та Интернет сайти қаторига киритилади. Бугунги кунда Google энг машҳур ва муваффақиятли кидирув тизимларидан бири ҳисобланади, унинг асосчилари Брин ва Пейжнинг даромади эса бир неча миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бугун компьютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўринга эга, компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг юқори савиясини белгилаб берадиган омилга айланиб бормоқда. Эндиликда компьютерда ишлашни билмайдиган ходимни яхши мутахассис дейиш қийин. Агар ўтган а.нинг 90-йиллари ўрталарида

ёшларнинг энг сеvimли машғулоти мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги кунда эса компьютер ва Интернет аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди.

Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва сеvimли машғулоти ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда компьютер технологиялари, Интернетга бўлган қизиқишини биринчи ўринда тилга олади. Nielsen/Net Ratings компанияси ўтказган сўнгги илмий текширув натижаларига кўра, бутун дунё тармоғига уланаётган ёш болаларнинг сони кун эмас, соат сайин ошмоқда: биргина 2007 йили Европада ёш авлод вакилларининг учдан бир қисми онлайн тизимдан фойдалангани кузатилган. 2008 йили дунё ахборот тармоғида 10 миллион ёш “сайр” қилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони аллақачон 13 миллиондан ошиб кетди. Бу кўрсаткич кундан-кунга кўпаймоқда. Бундай онлайн ҳаётда яшайдиган ёшларнинг катта қисми – 4,5 миллиони Буюк Британияга тўғри келади. Улар ҳар куни электрон манзилларини текширади, турли хил сайтлардан маълумот излайди ва чат (глобал тармоқдаги суҳбатхона)лар орқали мулоқотда бўлишади. Германияда ҳозирча 3 миллион ва Францияда эса 1,5 миллион ёш вақтини асосан онлайн тизимида ўтказади. Бир йилдан сўнг бу кўрсаткич икки баробарга ошиши кутилмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 70% қисми интернет фойдаланувчиси ҳисобланади. Аҳолининг 18,3% қисми эса, ижтимоий тармоқлардан мунтазам фойдаланади. Ўзб. аҳолиси энг кўп Инстаграм ижтимоий тармоғидан фойдаланади. Ҳозирги кунда ушбу тармоқдан фойдаланувчилар сони 4,8 млндан ортиқ саналиб, уларнинг 34,4 фоизини аёллар ташкил этади. Бундан ташқари фойдаланувчиларнинг асосий қисми ёшлардан (18-35 ёш) иборат.

Ўзбекистонда интернет фойдаланувчиларининг неча фоизи аёллар эканлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар ҳар йили ўзгариб боради ва бу бўйича расмий статистикалар кам учрайди. Бироқ, турли глобал тадқиқотларга ва Марказий Осиё минтақасидаги умумий



тенденцияларга асосланиб, аёллар ва эркеклар орасидаги интернетдан фойдаланиш фарқи аста-секин камайиб бораётганини кузатиш мумкин. Ўзбекистонда аёллар интернет фойдаланувчиларининг тахминан 40-45% қисмини ташкил қилиши мумкин.

ИХТИРО – (арабча – янгилик, янгилик яратиш, ўйлаб чиқиш) халқ хўжалигининг турли соҳаларида, ижтимоий-маданий қурилиш ва мудофаа соҳаларида ижобий самара берадиган, ўзига хос техникавий ечимга эга бўлган янгилик. Тор маънода – давлат томонидан тан олинадиган ва тегишли қонун билан муҳофаза қилинадиган янги техникавий ечим. Ҳар қандай янгилик ҳам ихтиро бўлавермайди. Масалан, куруқ илмий қоидалар, хусусан, кашфиётлар, амалга ошириб бўлмайдиган ва хато таклифлар (мас, абадий двигател яратиш ҳақидаги таклифлар) ихтиро ҳисобланмайди. Ҳал қилинадиган масала фақат назарий эмас, балки амалий эҳтиёжларни қондирадиган бўлиши лозим. Ихтиро қонун билан муҳофазаланган давлатларда ҳар бир таклифнинг ихтиро бўлиш шартлари белгиланади. Бу шартлардан асосийси масаланинг энг янги ҳисобланган техник ечимидир. Муайян таклифни ихтиро деб ҳисоблаш учун ундан бир неча марта фойдаланиш имкони қам бўлиши керак. Ихтиро – бу аввалдан ҳаётда мавжуд бўлмаган ёки ҳеч қачон бўлмаган бирор қурилма ёки механизмни яратиш. Масалан, телевизор ихтиро қилиниши деган гапда, телевизор аввалдан табиатда ёки оламда умуман мавжуд бўлмаган. Кимдир телевизорни ўз қўли билан ясади ва телевизор мавжуд бўлди. Ихтиронинг янгилиги, яъни биринчи эканлиги (кўпинча, ихтирочиликка оид ташкилотларга берилган ҳужжат – ариза санаси) олдин берилган муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар, Ихтирога бўлган ҳуқуқ патент билан тасдиқланади. Патент эгасига ихтирога эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқи берилади. Ихтиролар патентланиши учун янги, саноатда қўлланила олиши ва ихтирочилик даражасига эга бўлиши лозим. Ихтиролар эълон қилинадиган тегишли адабиётлар, кўргазмаларда намойиш қилинган экспонатлар ва бошқаларга мувофиқ, аниқланади.

Ўзбекистон Республикасида ихтирочи бўла олиш шартлари ва уни таснифлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йилда тасдиқланган “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида”ги қонунда белгиланган. И. бўйича талабномаларни экспертиза қилиш, муаллифлик гувоҳномаси ва патент бериш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан амалга оширилади (яна қ. Ихтирочилик ҳуқуқи). Ўзбекистон Республикасида ихтирочи бўла олиш шартлари ва уни таснифлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 2002 йил 29 августда “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида”ги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти нодавлат-нотижорат ташкилоти ташкил қилинди.

2017 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари қошида Ўзбекистон Ихтирочи аёллари уюшмаси ташкил этилди. Уюшма томонидан республика олима аёллари, докторант, мустақил изланувчи, иқтидорли талаба, ихтирочи, рационализатор, муҳандис, конструктор ва мутахассис хотин-қизларнинг имконият, қобилият, билим даражаси, талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш асосида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга ошириб борилади. 2017 йилдан буён ҳар йили уюшма томонидан “Ўзбекистон аёлларининг 100 та инновацион лойиҳаси” республика танлови ўтказиб келинади. Ўзбекистон ихтирочи аёллари илк бор Жанубий Кореяда ўтказилган “KIWIE 2018”да қатнашиб, юқори ўринларни эгаллади.

2023 йилда Корея ихтирочи аёллари ассоциацияси (KWIA), Корея Интеллектуал мулк офиси (KIPO) ва Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти томонидан ташкил этилган “Корея халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси” (KIWIE 2023) да ҳам 10 нафар ўзбекистонлик

олима аёллар иштирок этди. Ушбу кўргазмада 40 дан зиёд давлатлардан иштирок этган 400 нафардан ортик олима, ихтирочи ва тадбиркор хотин-қизлар орасидан 7 нафар ўзбекистонлик хотин-қизлар ўз ихтиролари ҳамда инновацион ишланмалари билан қаторидан жой олди.

Ақлий меҳнат асосида яратилган ихтиро, фойдали модел, санаот намунаси, товар белгиси каби интеллектуал мулк объектларининг унинг яратувчисига тегишли эканлигини давлат органларидан рўйхатдан ўтказилиб, Патент бериш муҳофазаланади. **Патент** (лот. *patens* — очик, аниқ-равшан) — бу умумий маънода ақлий меҳнат асосида яратилган ихтиро, фойдали модел, санаот намунаси, товар белгиси каби интеллектуал мулк объектларининг унинг яратувчисига тегишли эканлигини давлат органларидан рўйхатдан ўтказиш орқали олинадиган муҳофаза ҳужжати ҳисобланади. Давлат патент идораси томонидан ихтиро муаллифига ёки ариза бўйича ҳуқуқий ворисига берилади. Кўп мамлакатлардаги қонунларга кура, патент 15—20 й. муддатга берилади. Патент у берилган мамлакат ҳудудида амал қилади. Ихтиролар, фойдали модел, санаот намунасига нисбатан қўйиладиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда патент идорасининг бундай ҳужжатни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва санаот намуналари тўғрисида”ги қонунида белгилаб берилган.

ИХТИСОС – инсон томонидан ҳаётнинг муайян соҳаси бўйича махсус тайёргарлик йўли билан ҳосил қилинган назарий билим, амалий кўникма ва малакалар мажмуи. Илм-фан, техника, санъат соҳаларида ҳар бир мустақил касб; мутахассислик; касбий малака. Ихтисос кишига турмушнинг моддий ва маънавий соҳасида бирор ишни бажариш ҳамда шу йўл билан ўз тирикчилигини таъминлаш имкониятини беради. Ихтисос касб, мутахассислик сингари тушунчаларга нисбатан торроқ маънода қўлланади ва муайян касб ёки мутахассисликнинг бирор соҳасини англатади. Масалан: касби – илмий ходим, мутахассислиги – филолог, Ихтисослиги–адабиётшунос каби.

Касб, мутахассислик ва ихтисоснинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши тарихий

характерга эга. Янги соҳаларининг вужудга келиши, техниканинг тараққий этиши, шу жумладан, бирор технологик жараённинг бошқасига алмашилиши билан янги касб, мутахассислик ва ихтисослар пайдо бўлади. Инсон турмушининг чуқур ихтисослашуви меҳнат тақсимотининг тобора ижодий қиёфа касб этиб бораётганидан далолатдир. Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида ихтисос рўйхати (классификатор) бўйича таълим жараёнининг ўқув дастур ва режалари тузилади. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари профессионал таълим муассасалари фаолияти ана шу режа ҳамда дастурлар асосида ташкил этилади. Уларни битирган кишиларга муайян ихтисослик берилади.

Шунингдек, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ҳам ихтисосликлар шифри бўйича тайёрланади. Ихтисослик – муайян белгилар (максад, предмет, моҳият, алоқадорлик ва бошқалар) асосида моҳиятан бир-бирига яқин ва мазмунан турдош бўлган тадқиқот йўналишларининг тегишли фан тармоғи асосида ихтисослик доирасидаги бирлиги. Ихтисос номи ва рақамига қараб фарқланади. Ихтисос номи муайян ихтисослик моҳиятининг аннотация тарзида аниқ ва жуда қисқа шаклда ифодаланиши. Ихтисос шифри (рақами) – олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги муайян ихтисосликнинг тегишли фан тармоғи ва ихтисосликлар гуруҳи рақамланган тизимидаги тартиб рақами.

Ихтисосликлар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, докторлик диссертациясини химоя қилган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан қуйидаги ихтисосликлар бўйича фалсафа доктори (PhD ва фан доктори (DSc) илмий даражалари берилади:

ИҚТИДОР (арабча қодир бўлмоқ, қила олмоқ) – шахснинг ижодий хусусияти ва ақлий фаолиятини англатадиган тушунча. Иқтидор шахс фаолиятида турли кўринишларда намоён бўлади. Чунончи, илмий, бадий, техник ижодкорликда, спорт ва касб маҳоратида



якқол кўринади. Шунингдек, иқтидор инсон амалий фаолиятидаги барча соҳаларда ўзига хос тарзда акс этади. Иқтидор ҳар бир соҳа мутахассисида ўзига хос тарзда ривожланган ёки ривожланмаган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун инсон фаолияти давомида билим ва тажрибасини муттасил ошириб бориши лозим. Иқтидор ахлоқий меъёрлар билан уйғунлашгани сари мукаммаллашиб бораверади. Бундай иқтидор соҳиби жамият учун, айниқса, зарур бўлади. Чунки иқтидорли киши ўзига бино қўйиб, калондимоғ ва ўзбошимча бўлса, охиروқибатда иқтидорини ҳам увол қилади. Иқтидор кўпроқ ақл билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

Қобилият эса айрим кишилар тоифаси фаолиятида акс этади. Иқтидор ва қобилият бири-биридан фарқ қилувчи жиҳатларга эга бўлса-да, лекин улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Шу маънода, Иқтидор ва қобилиятнинг уйғун бўлиши маън-й баркамолликнинг асосий шартларидан биридир. Иқтидор ва қобилиятни шакллантиришда био-физиологик омиллар (жисмоний соғломлик, мия фаолиятидаги бир маромдаги ўзгаришлар, ҳатто экологик муҳит ва бошқа) табиий жараёнлар, ижтимоий муҳит (зиёлилар, ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар, мутахассислар, оила ва б. ш.к. ижтимоий муносабатлар), интуитив фаолият ва маънавий-руҳий поклик ўзига хос ўрин тутати. Иқтидор, биринчи навбатда, гнесеологик вазифани бажаради. Яъни, инсон иқтидор орқали ўзи яшаётган дунёни билишга, воқеликни яхлит ҳолда идрок қилишга, уни ижобий ўзгартиришга интилади. Бугунги кунда юртимизда ёзувчилар, шоирлар, илм-фан, маданият ва санъат аҳли, барча ижодкорларга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бу эса аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида иқтидорли йигит-қизларни топиш, тарбиялаш ва камолга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болаларни аниқлаш ва пухта таълим бериш мақсадида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари, Президент мактаблари ташкил этилган. Ўзбекистонда фаолият олиб борадиган “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 2025 йилдан камбағал

оилаларнинг иқтидорли фарзандларини чет элга нуфузли университетларга ўқиша юбориш учун алоҳида квоталар ажратилади.

КАШФИЁТ – табиат ва жамиятни илмий билиш жараёнида эришилган янги ютуқ; моддий дунёнинг илгари номаълум, объектив равишда мавжуд бўлган нақшлари, хусусиятлари ва ҳодисаларини ўрнатиш. У илмий-техникавий инқилобнинг негизида ётади, фан ва техника тараққиётига тубдан янги йўналишлар бериб, ижтимоий ишлаб чиқаришни инқилоб қилади. Ижодий (эвристик) фаолият натижаси.

Илмий кашфиётлар ва ихтиролар фан ва техника тараққиётини тезлаштирди, назарияларни тасдиқловчи ёки рад этувчи фактларни келтирди. Бугунги кунда фойдаланадиган буюмларнинг кўпчилигини аёллар ихтиро қилган. Советгич, зирҳли жилет аёл кишилар томонидан ўйлаб топилган. Юқори технологиялар соҳасидаги баъзи донгдор ихтиролар ҳам айнан аёлларга тегишли. Масалан, Доктор Мария Телкес ва унинг ҳамкасби Элеанор Реймонд куёш батареялари ишлаб чиқиш соҳасида янгилик яратувчилар бўлди. Телкеснинг илмий ишлари унга кўплаб мукофотларни келтирди ва “ақлли уйлар” технологиялари учун асос қилиб олинди. Олима ва актриса Хеди Ламарр АҚШ флоти учун радиоалоқа соҳасида инновация яратди, у Bluetooth ва “Wi-Fi”га ўхшаш бўлган технологиялар учун асос бўлди. Жесси Картрайт маиший техникада кўплаб фойдали технологияларни ўйлаб топган, бироқ улар орасида энг аҳамиятлиси микротўлқинли печдир. Сюзен Кейр – Macintosh компьютерларидаги интерфейсининг афсонавий элементларини яратган график дизайнер. Америкалик муҳандис Мери Энгл Пеннингтон 1907 йилда озиқ-овқат етказиб бериш учун кўчма refrigerator қурилмаларини ишлаб чиқди. 1914 йилда эса яна бир ихтирочи аёл Флоренс Паспарт уй советгичи учун патент олди. Доктор Ширли Энн Жексон телекоммуникациялар соҳасидаги тадқиқотлари орқали тон билан териладиган телефон, портатив факс ва бошқа кўплаб юқори технологияга оид буюмлар ихтирочилари учун йўл очиб берди.

КОМПЕТЕНЦИЯ (лотинча *competo* – эришяпман, муносибман, лойикман) – 1) у ё бу соҳадаги билимлар, тажриба. 2) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлиги, шу соҳани билиш даражаси.

Компетенция мавжуд билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллашдир, етишмаётган билимларни таъминлаш қобилияти, ўз имкониятларини намоён этиш билан характерланадиган зарур билим, малака, кўникмаларнинг ҳосиласи бўлиб, билимлардан фарқли ўларок, компетенциялар амалий вазифани амалга ошириш имкониятларига тўғри келади ва энг яхши натижага эришишга ёрдам берадиган, замон билан ҳамнафас омиллар йиғиндиси.

Назарий жиҳатидан, компетенция – бу маълум бир соҳада самарали ишлаш учун зарур бўлган ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган шахснинг турли лаёқатлари ва хусусиятларининг йиғиндиси. Компетенция натижадорликни таъминлайдиган алгоритмнинг инсон имкониятлари орқали намоён бўлишидир. Компетенция – инсоннинг мутахассис сифатидаги мақсадга йўналтирилган ва унинг имкониятларини тўла намоён этадиган ҳаракатлари, фаолиятидир.

Инсоннинг билиш фаолияти натижаларини тизимлаштириш, унинг тушунча ва ғоялар кўринишида мавжуд бўлган билимлардан фарқли ўларок, компетенция фақат амалда аниқланади. Умуман олганда, компетенция мавжуд билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллашдир, етишмаётган билимларни таъминлаш қобилияти, ўз имкониятларини намоён этиш билан характерланадиган зарур билим, малака, кўникмаларнинг ҳосиласидир.

Биринчи бор “компетенция” атамаси 1965 йилда Массачусетс университети ўқитувчиси Н.Хомский томонидан ишлатилади. Бу сўзнинг семантик чегараси бугунги кунда жуда кенг бўлиб, аслида бу сўз “келишув”, “келишувчанлик”, “бирор-бир нарсага мос келиш”, “мос бўлиш” маъноларини англатади. Бугунги кунда мазкур сўз кўпроқ “фаолият олиб боришнинг универсал, яъни ҳамма учун мос бўлган умумий хусусиятлари ва талаблари мажмуини” англатади. Мазкур компетенциялар турли мутахассисликлар доирасидаги долзарб,

ечилиши зарур вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

Умуммаданий ва касбий компетенциялар мавжуддир. **Умуммаданий компетенцияларга** инструментал, шахслараро, тизимли компетенциялар киради. Инструментал компетенциялар ўз ичига: а) когнитив қобилият, яъни ҳар хил соҳада асосий билим, ғоя ва мулоҳазаларни тушуниш ва қўллаш қобилияти; б) услубий қобилият, яъни атроф-оламни тушуниш ва бошқариш, вақтни ташкиллаштириш, ўқитиш стратегиясини олға суриш, масалаларни қабул қилиш ва ҳал этиш, асосий умумилмий усулларни билиш ва уларни қўллаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш қобилияти, ахборот бошқаруви кўникмаларини; в) техник қобилият, яъни техникани қўллаш билан боғлиқ бўлган билимлар, компьютер кўникмалари ва ахборот бошқарув қобилияти; г) лингвистик маҳорат, коммуникатив компетенция, она тилидаги саводли оғзаки ва ёзма коммуникацияларни ўз мазмунига қамраб олади. Шахслараро компетенцияга – муносабатларни ўрнатиш қобилияти, танқидий фикрлаш ва ўз-ўзини танқид қилиш қобилияти, ижтимоий ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик жараёнлари билан боғлиқ ижтимоий кўникмалар, бошқа соҳа мутахассислари билан мулоқот қилиш, ижтимоий ва ахлоқий мажбуриятларни бажариш, хилма-хиллик ва маданиятлараро фарқларни қабул қилиш, халқаро муҳитда ишлаш қобилияти киради. Тизимли компетенция деганда яхлитлик қисмларини бир-бири билан қандай боғлиқлигини англаш ва тизимдаги таркибий қисмларининг ҳар бирининг ўрнини, тизимни такомиллаштириш ва янги тизимларни қуриш учун ўзгаришларини режалаштириш қобилиятини англашга имкон берадиган тушуниш, муносабат ва билимларнинг йиғиндиси тушунилади. Уларга билимларни амалиётда қўллаш, тадқиқот қобилияти, янги шароитларга мослашувчанлик қобилияти, янги ғоялар яратиш (креативлик) қобилияти, мустақил ишлаш қобилияти, лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва бошқариш, сифат ҳақида ғамхўрликлар киради.

Касбий компетенция – маълум бир ишни бажариш учун зарур бўлган шахсга қаратилган стандартлаштирилган талаблардир.



МАГИСТРАТУРА (лотинча magistratus – бошлиқ) – Ўзбекистонда магистратура тегишли бакалавриат негиздаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир. Магистрлик дастурини тугаллаб, илмий ёки илмий техникавий мазмундаги магистрлик диссертациясини химоя қилгандан сўнг, битирувчиларга давлат малака аттестацияси якунларига кўра магистр даражаси берилиб, уларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар ва илмий фаолият б-н шуғулланиш ҳукукини берадиган диплом топширилади. Ўзбекистон Республикасида магистратурани биринчи марта 2001 йил 1828 киши битириб чиқди.

Магистр даражасидаги мутахассис танланган мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбий фаолиятни мустақил юритиш, касбий фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, олий таълим муассасасидан кейинги таълимни магистрлик тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтида давом эттириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади. Ўз мутахассислигидан келиб чиқиб, илмий-педагогик, илмий-ижодий, илмий-тадқиқот ва тажриба, ишлаб чиқаришда бошқарув, шунингдек, бакалавриат таълим йўналишига мувофиқ бошқа фаолият турлари бўйича ҳам шуғулланиши мумкин.

Магистратура босқичи талабаларга таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиётни, ижтимоий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мувофиқ билимларни олиш, олий таълим муассасаси фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш имкониятини беради. Олий таълим муассасаси ахборот-ресурс марказлари хизматларидан, шу жумладан, ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек, олий таълим муассасасининг уставида белгиланган тартибда бошқа турдаги хизматлардан бепул фойдаланишда, илмий-тадқиқот ишларида, конференциялар ва симпозиумларда иштирок

этишда, ўз илмий-тадқиқот ишларини илмий нашрларда чоп этишга тақдим этишда, олий таълим муассасаси Илмий кенгаши тавсиясига мувофиқ етакчи хорижий ва республика таълим (илмий) муассасаларида амалиёт ўташ, стажировкада бўлиш ёки магистрлик диссертациясининг тажриба-синов қисмларини бажариш учун ушбу муассасалар билан тегишли келишувлар мавжуд бўлганда уларга йўлланма олиш ҳукукига эга бўладилар.

Ўзбекистонда 2018/2019 ўқув йилида магистр талаба-қизлар 4 минг 488 нафарни ташкил этган бўлса, 2024/2025 ўқув йили 14 минг 170 нафар бўлиб, жами талабалар сонига нисбатан 60,2 фоизга етган. Ҳар йили давлат ОТМ магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт-тўловлари қоплаб берилади ва бунга ҳар йили камида давлат бюджетидан 200 млрд. сўм ажратилади. 2022/2023 ўқув йилида 14 минг 110 нафар талаба хотин-қизларга, 2023/2024 ўқув йилида 5 минг 991 нафар талаба хотин-қизларга Давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилган.

2024-2025 ўқув йилида олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторга кўра 546 та магистратура мутахассисликлари мавжуд.

НОБЕЛ МУКОФОТИ – ҳар йили буюк ишлар учун бериладиган халқаро мукофот. Таъсис этувчиси А. Б. Нобелнинг васиятига кўра, ундан кейин қолган маблағ асосида Нобел жамғармаси ташкил этилди; шу жамғармага ҳар йили келиб тушадиган даромад 5 қисмга тенг бўлиниб, ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берилади (1968 й.да Швеция давлат банки ўзининг 300 йиллиги муносабати б-н иқтисод фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча Нобел мукофотини таъсис этган). Нобел мукофоти Алфред Нобел тасвири туширилган олтин медал, диплом ва миқдори Нобел жамғармасидаги даромадга боғлиқ (одатда, 30 мингдан 70 минг долларгача) бўлган маблағдан иборат. Алфред Нобелнинг васиятига кўра, Нобел мукофотини бериш вазифаси Стокголмдаги ҚироликФанлар

академиясига (физика, кимё, иқтисод фанлари бўйича), Стокгольмдаги Қироллик тиббиёт-жарроҳлик ин-тига (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция академиясига (бадий асарлар бўйича) топширилган. Тинчликни мустаҳкамлаш 4 йўлида кўрсатилган фаолият учун Нобел мукофотини Норвегия парламентининг Нобел комитети аъзолари беради. Тинчлик мукофотидан ташқари ҳамма мукофотлар фақат индивидуал тарзда берилади. Вафот этганларга Нобел мукофоти берилмайди. Нобел мукофотини топшириш тантанаси Стокгольм ва Ослода Алфред Нобел вафот этган кун (10 декабр)да ўтказилади. Биринчи мукофот 1901 йил топширилган.

Бугунги кунгача Нобел мукофотини қабул қилиб олганлар орасида аёллар ҳам алоҳида ажралиб туради. Покистонлик тинчлик ҳаракати бўйича фаол Малала Юсуфзои лауреатлар ичида энг ёш номзод сифатида (17 ёшида) мукофот билан тақдирланган. Кюри оиласи энг кўп совринларни қўлга киритди, тўртта соврин бешта лауреатга топширилди. Мари Кюри физика (1903 йилда) ва кимё (1911 йилда) бўйича мукофотларга сазовор бўлган. Унинг турмуш ўртоғи Пер Кюри 1903 йилги физика мукофотини у билан бўлишди. Уларнинг кизи Ирен Жолиот-Кюри турмуш ўртоғи Фредерик Жолиот-Кюри билан 1935 йилда кимё бўйича мукофотга сазовор бўлган. Бундан ташқари, Мари Кюрининг иккинчи қизининг эри Генри Лабуис 1965 йилда ушбу ташкилот номидан Тинчлик учун Нобел мукофотини олганида ЮНИСЕФ директори эди.

Нобел мукофотини олган аёллар.

Физика бўйича:

- Мария Кюри (1903 йил);
- Мария Гёпперт-Маер (1963 йил);
- Донна Стрикленд (2018 йил);
- Мария Кюри (1911 йил);
- Ирен Жолиот-Кюри (1935 йил);
- Дороти Ходжкин (1964 йил);
- Ада Ёнат (2009 йил);
- Френсис Х. Арнолд (2018 йил);
- Эмануел Шарпанте (2020 йил);
- Женнифер Дудна (2020 йил).

Тиббиёт ёки физиология бўйича:

- Гerti Кори (1947-йил);
- Розалин Ялов (1977 йил);
- Барбара Макклиток (1983 йил);
- Франсуаза Барре-Синоусси (2008 йил);
- Элизабет Блекберн (2009 йил);
- Керол В. Грейдер (2009 йил);
- Май-Бритт Мосер (2014 йил);
- Ту Ёёу (2015 йил);
- Каталин Карико (2023 йил).

Адабиёт бўйича:

- Селма Лагерлўф (1909 йил);
- Гразиа Деледда (1926 йил);
- Сигрид Ундсет (1928 йил);
- Перл Бак (1938 йил);
- Габриела Мистрал (1945 йил);
- Нелли Закс (1966 йил);
- Тони Моррисон (1993 йил);
- Херта Муллер (2009 йил);
- Светлана Алексиевич (2015 йил).

Тинчлик бўйича:

- Бертха вон Суттнер (1905 йил);
- Жане Аддамс (1931 йил);
- Эмилий Греене Балч (1946 йил);
- Она Тереза (1979 йил);
- Ригоберта Менчу (1992 йил);
- Ширин Эбади (2003 йил);
- Леймах Гбовэ (2011 йил);
- Малала Юсуфзай (2014 йил).

Иқтисодиёт бўйича:

- Элинор Остром (2009 йил).

“ОИЛА ВА ГЕНДЕР” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ. Жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганиш ва оилаларга амалий ёрдам мақсадида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, 1998 йил 2 февралда Ўзбекистон



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сон қарори билан оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда замонавий намунали оила мезонларини жорий этиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида республиканинг етакчи илмий-тадқиқот эксперт муассасаси сифатида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика “Оила” илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Республика “Оила” илмий-амалий марказининг оила саломатлигининг тиббий-биологик асослари; оила психологияси; оила маънавияти; демография ва оиланинг ижтимоий-иқтисодий истиқболи асослари; оила ва ҳуқуқ асослари деб номланган **5 та** бўлимида долзарб илмий муаммолар устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Республикамизнинг барча ҳудудларида марказнинг ҳудудий бўлимлари фаолият юритди. Марказда аспирантура ташкил этилиб, оилашунос олимлар, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланди. “Оила” ИАМ томонидан илмий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган тавсиялар МФЙ, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар орқали оилаларга етказилди ва амалиётга жорий қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгиланиб, жамиятда оиланинг ўрни ва ролини янада оширишга асосий эътибор қаратилди. 2018 йилга келиб Республика “Оила” илмий-амалий маркази “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони билан республика “Оила” илмий-амалий маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилди. Марказ олдида оила институтини мустаҳкамлаш бўйича ягона давлат сиёсатини

олиб бориш, бу соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишлар ташкил этилди, замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказилди, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этилди. Замонавий намунали оиланинг мезонлари ва шаклини белгилаш ҳамда “Оила жамият ва давлат ҳимоясида” конституциявий принципини кенг тарғиб этиш, жамиятга сингдириш борасида самарали ишлар қилинди.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурида тиббиёт касб-ҳунар коллежлари негизида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги 367-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда “Маҳалла зиёси” республика ўқув-услугий маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва

оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтига асос солинди.

Институт маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлашга қўмаклашувчи, фуқаролар йиғинларини аҳолининг чинакам маслакдошига айлантириш ва “Соғлом оила – соғлом жамият” ғоясини ҳаётга татбиқ этиш ишларини илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи ихтисослаштирилган давлат илмий-тадқиқот муассасаси сифатида фаолият олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-208-сон Фармони ҳамда 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-401-сонли Қарорига мувофиқ институтнинг мақоми ўзгарди. “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти негизида “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Институт оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ишлари ва гендер тенглигини таъминлаш бўйича илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот муассасаси ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра давлат муассасаси ҳисобланади. Институт Оила ва хотин-қизлар қўмитасига бўйсунди. Илмий-тадқиқот институти олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалаларига оид муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, натижалари бўйича муаммолар ечими юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва киритиш;

- оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича аҳоли ўртасида ўтказиладиган тарғибот ишлари учун услубий қўлланмалар ва тарғибот материалларини тайёрлаш;

- оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича фанлараро фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар, социологик сўров, илмий конференциялар ўтказиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

- олимлар ва илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалаларида илмий тадқиқот ўтказётган изланувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ишланмалари амалиётга жорий этилишига қўмаклашиш;

- оила, хотин қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш, халқаро ташкилотлар, жамғармалар, маҳаллий ва хорижий тадқиқот марказлари, ўқув муассасалари билан шартномалар асосида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ўрганишлар асосида таклифлар ишлаб чиқиш;

- оила, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалаларига оид халқаро индекс ва рейтингларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга киритиб бориш.

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти томонидан Ўзбекистонда илк маротаба оилаларнинг бахтлилик индекси ва унинг назарий-методологик асослари ишлаб чиқилди, Ўзбекистон оилалари атласи яратилди. “Бахтиёр оила” веб-портали, Mediation.uz ахборот сайти ишга туширилди, ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Оила маънавияти концептига доир электрон тезаурус” ташкил этилди, “Оила, маҳалла ва гендер тенглиги” мавзусида бадий асарларнинг электрон корпуси, Миллий ўйинлар электрон ахборот-таълим ресурси яратилди. “Меҳр дафтари” ишлаб чиқилди ҳамда уни юритиш орқали ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича вақтинчалик Тартиб ишлаб чиқилди. “Оила демографияси” илмий-ўқув лабораторияси ЮНФПАнинг бевосита қўмағида 14 та ҳудуд ҳамда 209 та туманларнинг демографик интерактив харитасини ишлаб чиқди. 2015-2020 йиллардаги расмий статистик маълумотларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон оилалари статистиқ тўплами тайёрланди.

Маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш йўналишида долзарб илмий муаммоларни тадқиқ этишга қаратилган 150 га яқин илмий-амалий лойиҳалар амалга оширилди.



Институтнинг илмий салоҳияти 44%ни ташкил этади. “Оила ва гендер” ити ҳузуридаги PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 рақамли илмий кенгашда 5 та ихтисосликлар бўйича докторлик диссертациялари ҳимояси ўтказилади. Илмий-тадқиқот институти олий таълимдан кейинги таълимнинг таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилик шаклида 30 нафар тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб боради.

“Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила” халқаро, “Ижтимоий бошқарув” республика илмий журналларида оила ва гендер муаммоларига оид илмий мақолалар эълон қилиниб, “Маҳалла ва оила” нашриётида чоп этилган монография, услубий қўлланма, рисола ва методик тавсиялардан оилалар билан ишлашда фойдаланилади.

“ОЛИМА АЁЛЛАР” ЖАМИЯТИ.

Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдизларига эга. Аждодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга ундашган. Ёш олималарни турли фан соҳаларида ўз интеллектуал салоҳиятларини намойиш этишларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрловчи таянч докторантура ва докторантура катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, хотин-қизларни илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишга кенг жалб қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Ўзбекистон ихтирочи аёллари маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) нинг таклифлари асосида нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида “Олима аёллар жамияти” ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Олима аёллар жамияти фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

– таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда хотин-қизларни илм-фан ва

илмий фаолият соҳасига кенг жалб этиш, илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишга иқтидори бўлган хотин-қизларни аниқлаш, улар ижодий, интеллектуал ва ихтирочилик қобилиятларини рўёбга чиқаришга ҳамда стартап лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш;

– фан, технология, инжиниринг, санъат, математика (STEAM) ва бошқа фан соҳаларида хотин-қизлар илмий-ижодий салоҳиятини ривожлантириш, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришига ҳамда натижаларини амалиётга тадбиқ этишига қўмаклашиш, жамият иштирокчиларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, ёш олималар сафини кенгайтириш ва олима аёллар кўмагида “Устоз-шогирд” анъаналарини янада ривожлантиришда фаол иштирок этиш;

– олима аёлларга оид ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгиланган бориш, улар илмий фаолиятига оид ютуқларни оммалаштириш ва инновацион ғояларини ривожлантиришни рағбатлантириш, илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги миллий ва халқаро танловларда, халқаро рейтингларда иштирокини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш;

– жамият иштирокчиларининг ривожланган хорижий мамлакатлар нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака ошириш ҳамда тажриба алмашиши имкониятларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш;

– халқаро ва маҳаллий даражада эътироф этилган турдош ташкилотлар, хорижий тузилмалар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, улар олимлари ва мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари, тренинглар, шунингдек, долзарб илмий-инновацион йўналишлар бўйича конференциялар, семинарлар ва танловлар ўтказиш;

– хотин-қизлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий тадқиқот натижаларини ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган илм-фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларини, илмий дастурларини шакллантиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Қуйидагилар жамият фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланган:

- давлат субсидияси ва давлат ижтимоий буюртмаларидан келиб тушадиган маблағлар;
- юридик ва жисмоний шахслар ҳомийлик хайриялари;
- юридик ва жисмоний шахслар, хорижий ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар грантлари;
- жамият маблағларини тижорат банкларида депозитга қўйишдан олинадиган даромадлар;
- жамиятнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлари;
- қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

2022 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ҳар йили олима аёллар ҳамда илм-фан ва илмий фаолият соҳасида илмий изланишларни олиб бораётган хотин-қизлар, шунингдек илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишга иқтидори бўлган ўқувчи ва талаба қизлар ўртасида танловларни ташкил этиш ва ғолибларни ҳар йили 11 февраль – “Халқаро илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар куни”да тақдирланади.

Бугунги кунда республикада мавжуд олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари илмий салоҳиятни юксалтириш, таълим самарадорлигини ошириш ҳамда илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

РЕНЕССАНС (УЧИНЧИ РЕНЕССАНС) (франц. Renaissance – уйғониш) – инсоният уйғониш даври. Бизнинг халқимиз ўз тарихида икки бор ана шундай Ренессансни яратган. Биринчиси илк ўрта асрларда, иккинчиси эса Соҳибқирон Темур ва темурийлар даврида рўй берган ва инсоният тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлган. Бугунги кунда юртимизда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилмоқда.

Дунё маданиятини яхлит олиб ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатдики, Осиё марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин (IX-XII асрлар) улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илғор инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган. Бу давр дунё илмида

“Мусулмон Ренессанси” (А. Метс) ёки “Шарқ Уйғониши” (Н. И. Конрад) номи билан аталиб келинмоқда. Шарқ Уйғониш даврида Европа Уйғониш даврининг асосий белгилари мужассам: жўшқин ижодий фаолият, улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани, ақлни ҳайратга солувчи бемисл асарларнинг яратилгани шундан далолат беради. Шарқ Уйғониш даври ҳам улўғ алломалар, комусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғазолий, Насафий Азизиддинларнинг фалсафий асарлари тафаккур хазинасини бойитди, олам, одам ва жамият яхлитликда тадқиқ этилиб, янги қонуниятлар очилди, ақлий билим уфқлари кенгайди, фозил жамият ва комил инсон назарияси чуқур ишлаб чиқидди. Шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби даҳо ижодкорлар етишиб, ўлмас асарлар яратдилар, ишқ-муҳаббат, қахрамонлик, озодлик ва эзгуликни куйладилар. Рассомчиликда бир неча мактаблар шаклланди, бунда Камолиддин Бехзод расмлари янги ижодий ёналишга асос солди.

Шарқ Уйғониш даври ютуқлари Ғарбий Европадаги Уйғониш даврига бевосита таъсир этган. Чунки XII-XIV асрларда мусулмон олами билан Европа давлатлари орасида алоқа кучайган эди. Айниқса, туташ чегара мамлакатлари: Қурдоба (Испания), Кавказ, Болқон ярим оролида бу жараён кучли бўлган. Европаликлар Шарқ олимларининг асарларини лотин, испан, яҳудий тилларига қилинган таржималар орқали ёхуд бевосита араб тилида ўқиб ўрганганлар. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, “Китоб аш-шифо”, Форобийнинг “Илмлар таснифи”, Аҳмад Фарғонийнинг “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум”, Мусо ал-Хоразмийнинг “Ал-жабр вал муқобала”, Ибн Рушд, Абу Бакр ар-Розий асарлари таржима қилиниб, кейинчалик нашр этилган. Бугунги кунда компьютер ва бошқа



замонавий қурилмаларнинг асоси бўлган алгоритм тушунчаси Хоразмий асарлари туфайли шаклланган. “Тиб қонунлари” 7 аср мобайнида Европа университетларида тиббиёт дарслиги сифатида хизмат қилди. Ибн Сино шогирди Ибн Рушд ғоялари Италия, Франция ҳурфикрлигини бошлаб берган.

“Учинчи ренессанс пойдеворини яратиш” – Президент Ш.Мирзиёев томонидан асослаб берилган, бугунги кундаги ислохотлар ва янгиланишларнинг энг устувор йўналиши ва мақсад-муддаоларини лўнда ва яхлит ифодалайдиган улуғвор ғоя. Ушбу ғоя Она-Ватанимиз заминининг ўз тарихида бир эмас икки марта, нафақат минтақамиз ўтмишида улкан из қолдирган, балки жаҳон тамаддунига катта таъсир кўрсатган ўзига хос уйғониш, яъни Ренессансларга макон бўлгани ва бугунги ислохотлар натижасида янги уйғониш даври рўй бериши муқаррарлиги ҳақидаги тарихий-илмий манбалар, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий асосларга таяниб ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифалар стратегик мақсад қилиб қўйилди. “Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда”, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, “Учинчи Ренессанс” пойдеворини яратиш замирида бунёдкорлик, яратувчанлик, ҳар доим ўқиш ва изланишга даъват мужассам.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни амалга оширишни мақсад қилган маърифатпарвар жадидлар XX асрда “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий этиқод деб билганлар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблаганлар. Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Иброт

домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар Миллий уйғониш ва Миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турган. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этганлар.

Биринчи ва иккинчи ренессанс даврида ривожланган педагогик таълимотлар шахсни фаоллаштиришнинг дастлабки илмий асосларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, таълим тизими учун алоҳида аҳамият касб этди. Бугунги кунда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда.

Учинчи Ренессанс миллий ғояга айланиши зарур. Шундагина у халқни ўша мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар этади. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”. Шундай экан, Учинчи Ренессанс бунёдкорларини тарбиялаш ва аждодларимизга муносиб авлодларни вояга етказишда уларнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш ва ёшлар онгига етказиш вазифаси туради.

СТИПЕНДИЯ (лотинча stipendium – ҳақ, маош) – олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқийдиган талабалар, ишлаб чиқаришдан ажралган холда илмий-тадқиқот иши олиб боровчи аспирант, докторант ва малака ошириш курслари тингловчиларига ҳар ойда мунтазам бериб туриладиган пул нафақаси. Ўзбекистонда стипендия Давлат бюджетидан тўлаб борилади. Янги қабул қилинган талабаларга кириш тест саволлари бўйича олган баллари натижаларига қараб стипендия берилади. Олий ўқув юрти талабаларига ўқитилаётган ўқув фанларини ўзлаштириш даражасига қараб стипендия миқдори белгиланади. Талабаларга стипендия миқдорини белгилашнинг табақалаштирилган шаклига амал қилинади ва талабанинг сессия якуни бўйича тўплаган умумий рейтинг бали унга асос қилиб олинади.

Бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилган. Уларнинг энг юқориси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендiasiдир. 10 йўналиш бўйича бакалавр (1993 йилдан), магистр (2002 йилдан) ва 5 йўналиш бўйича аспирант (1993 йилдан) ларга берилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари бакалаврлари учун муайян йўналишлар бўйича Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Ислон Каримов, Бобур, Пахлавон Махмуд, Тўлепберген Қайибергенов, Ибройим Юсупов, Абдулла Авлоний номли номидаги давлат стипендиялари таъсис этилган. Мазкур стипендиялар олий ўқув юртларида аъло ўқийдиган, жамоат ишларида фаол иштирок этадиган, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган ва белгиланган махсус имтиҳонларни муваффақиятли топширган юқори курс бакалаврларига берилади. Айрим институт ва университетларнинг турли номдаги (мас, Замахшарий, Бехзод номидаги) стипендиялари, жамғармалар (мас, Амир Темури, Соғлом авлод учун жамғармалари) нинг стипендиялари ҳам мавжуд. Турли мулк шаклларида асосланган корхона, фирма, қишлоқ хўжалиги, ширкатлари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари томонидан олий ўқув юртларига юборилган талабалар, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ана шу корхона, фирма, ширкат, ташкилотларнинг ўзлари шартномада белгиланган миқдорда стипендия тўлайдилар. Аспирант ва докторантлар стипендиясининг миқдори олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларининг категориялари ҳамда уларнинг аспирантура ва докторантурага кириш арафасидаги маошига қараб белгиланади. 2001 йилгача касб-хунар коллежи ўқувчиларига ҳам стипендия берилган.

Шунингдек, ОТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзбек адиблари номидаги (Огаҳий, Бердак, Муқимий, Фуркат, Бехбудий, Чўлпон, Қодирий, Александр Файнберг каби) ҳамда илм-фан соҳасида муваффақиятга эришган машҳур ўзбек аёллари номи билан аталувчи стипендиялар, жумладан, Суйима Ғаниева,

Шамсирўй Хасанова, Муножот Йўлчиева, Тўлқиной Қодирова, Ҳалима Худойбердиева, Нортош Ўлжабоева, Ҳанифа Солиҳова, Олмаҳон Ҳайитова, Марям Исмаилова, Аноргул Аширова, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалимаҳон Алимова, Мунаввара Салаева, Анна Глюшенкова, Ҳадича Сулаймонова, Малика Абдуллаходжаева номидаги стипендиялар таъсис этилган.

ФАН (араб. илм, билим, маҳорат) – дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими; уни маълум мақсадлар йўлида ўзгартиришга хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳаётини акс эттирувчи ижтимоий онг шакли. Жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири бўлган фан қадриятлар тизимида ўзига хос ўринга эга. У катта илмий салоҳиятни, ижодий куч-қувватни бирлаштиради, миллат дунёқарашини шакллантиради, таълим-тарбия, ахлоқ меъёрларини вужудга келтиради, маънавий баркамол инсонни тарбиялайди, мамлакатда қудратли илмий салоҳиятни яратишга хизмат қиладир. Шунинг учун Ўзбекистон зиёлилари фан ва техникани, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, долзарб мавзуларда тадқиқотлар олиб бормоқдалар, масалан, табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси, эҳтимоллар назарияси, геологик жараёнларнинг қонуниятларини ўрганиш, молекуляр-генетик, ген-ҳужайра соҳасидаги, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, энергиянинг ноанъанавий турларини яратиш, қуёш энергиясини комплекс ва самарали суратда бошқа турдаги энергияга айлантириш ва бошқалар. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фан соҳасидаги ислохотларга катта аҳамият берилмоқда. Масалан, 2002 йилда Республика Фан ва техника давлат қўмитасининг Ўзбекистон Фан ва технологиялар марказига айлантирилиши, 2006 йилда эса бу соҳада яна бир тизимли ўзгаришнинг амалга оширилиши қабиладир шулар жумласидандир.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ. Профессional таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича қуйидаги даражаларни ўз ичига олади:

- бошланғич professional таълим;
- ўрта professional таълим;
- ўрта махсус professional таълим.



Бошланғич профессионал таълим касб-хунар мактабларида 9-синф битирувчилари негизида бепул асосда кундузги таълим шакли бўйича умумтаълим фанларининг ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртки таълим шакллари бўйича амалга оширилади.

Ушбу Қонун кучга киргунига қадар ўрта махсус, касб-хунар таълими (тўққиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими) олган фуқаролар ҳам ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим олиш ҳуқуқига эга.

Касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар таълим олувчиларнинг ўзи танлаган касбга ва мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди.

Фуқаролар шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги профессионал таълимни олиш ҳуқуқига эга.

2024–2025 ўқув йилида Ўзбекистондаги жами 670 та касбий таълим муассасаларида 353 минг нафар ўқувчилар таҳсил олмоқда. Ўқувчиларининг 158 минг нафари (44,8%)ни хотин-қизлар ташкил қилади.

Касбий таълим муассасаларида 28 минг нафар педагог кадрлар фаолият юритмоқда, уларнинг 14 минг нафари хотин-қизлар.

“2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ҳамда Миллий дастурни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасига мувофиқ фарзандлари бўлган хотин-қизларни янада қўллаб қувватлаш, уларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳудудлардаги Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида болаларга, беморлар ҳамда

доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш бўйича (40920101) Тиббий-ижтимоий ишлар мутахассислиги бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 3 августдаги 262-сон буйруғи билан 2022–2023 ўқув йилида 225 та давлат гранти ўринлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ қурилиш, транспорт, коммунал, кишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги коллеж ва техникумларда касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олишларининг таъминланиши белгиланган.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ (юнонча – encyclopaedia – кенг қўламдаги таълимот, билимлар доираси), қомус – муайян тизимга солинган кенг қамровли билимлар тўплами, илмий ёки илмий оммабоп нашр. “Энциклопедия” терминининг маъноси тарихан ўзгариб турган. Антик даврда у “эркин санъат” деб аталган 7 илм (грамматика, риторика, диалектика ёки логика, геометрия, арифметика, мусиқа ва астрономия) ни англатган. 16-асрда Ғарбий Европада энциклопедия янги маънода – турли билимлар мажмуи маъносида ишлатилган. Айни вақтда билимлар таснифи маъносини ҳам билдирган; бу маънода “энциклопедия” термини 18-асрда ҳам қўлланган. Ҳозирги пайтда “энциклопедия” термини фаннинг барча соҳалари бўйича (универсал энциклопедия) ёки бирор тармоғи (соҳа энциклопедияси) ёхуд амалий фаолият бўйича энг муҳим маълумотларни ўз ичига олувчи нашрни англатади. Аслида энциклопедия мақсади бўйича ёйилган билимларни тўплаш, уларни бугунги кун ўқувчисига тушунарли бир тизимга солиш ва кейинги авлодга етказишдан иборат. Энциклопедия ҳозир биз билган шаклга XVIII аср. келтирилган. Унинг бу шаклга келтирилишига луғатлар асос бўлган. Луғатлар ўқувчига сўз ва унинг мазмуни ҳақида минимал маълумотни беради. Луғатларда кўпинча сўзнинг қўлланилиш соҳаси, унинг тузилиши,

таркиби ҳақида батафсил маълумот берилмайди. Шу етишмовчиликни тўлдириш мақсадида энциклопедия тузилган.

Энциклопедияларни тузиш тарихида алфавит ва иерархик деб номланмиш икки асосий тур устуворлик касб этади. Энциклопедия алфавит асосда тартиб беришда ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган мақолалар алфавит асосида жойлаштирилади. Иерархик энциклопедия маълумотлар билимлар соҳаси бўйича ажратилади. Аралаш типдаги энциклопедиялар ҳам мавжуд.

Энциклопедия материаллари, асосан, алифбо тартибида ёки мавзуси бўйича берилади. Универсал энциклопедия, одатда, муайян давлат миқёсида тузилиб, шу давлатда эришилган фан-техника, маданият ютуқлари даражасини кўрсатади. Унда ўша давлатнинг мафкураси озми-кўпми, акс этади. Шу маънода ҳам универсал энциклопедия миллий энциклопедия ҳисобланиб, унга “давлатнинг шаҳодатномаси”, “маънавий кўзгуси” деган сифатлар ҳам берилади. Универсал энциклопедияларда турли фан соҳаларидаги муҳим тушунчалар билан бир қаторда тарихий воқеа ва жараёнлар, инсоният сивилизатсиясининг муҳим ютуқлари акс этади. Соҳа энциклопедияси муайян фан соҳасидаги тушунча ва бошқалар маълумотларни универсал энциклопедияга қараганда батафсилроқ ёритади. Ҳажмига кўра, энциклопедиялар кўп жилдли ва 1–2 жилдли бўлиши мумкин. Энциклопедия мақолаларида сўзларнинг этимологияси, транскрипсияси, дефинитсияси муайян тартиб билан берилади. Ёритилаётган тушунча ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун муҳим адабиётлар рўйхати (библиография) кўрсатилади. Энциклопедия ҳажмининг муайян қисмини безак материаллар (оқ-қора, рангли суратлар, харита, чизма-схемалар ва бошқалар) ташкил этади. Энциклопедия мақолаларида ортиқча тафсилотларга, қайтариқларга йўл қўйилмайди (бунинг учун тегишли мақолага ҳавола қилишдан фойдаланилади). Энциклопедия тайёрлашда факт ва маълумотлар аниқлигига, атама ва терминлар ўз ўрнида, тўғри ишлатилишига аҳамият берилади. Унинг баёнида илмийлик, оммабоплик, қисқалик, лўндаликка эътибор берилади. Энциклопедик тарздаги асарлар қадимий Шумер давлатида, Хитой, Юнонистон,

қадимий Римда, кейинчалик араб ёзувидаги мамлакатларда, хусусан, Мовароуннаҳрда пайдо бўлган. Юнонистонда Демокрит ва Аристотел асарлари энциклопедик асарлар ҳисобланган. Ўрта Осиё мутафаккирлари – Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари ҳам ўз давридаги билимларни атрофлича қамраб олган. Имом Бухорийнинг “Саҳихи Бухорий”си, Форобийнинг “Фанлар таснифи”, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, “Донишнома”си, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Алишер Навоийнинг “Мажолис уннафоис”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират ушшуаро”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарлари қомусчилик тарихига қимматбаҳо ҳисса бўлиб қўшилган.

Византия тилшуноси Свиданинг “Лексикон”и (X аср) дан бошлаб муайян тизимга солинган билимлар луғатларда ифодалана бошлади. XVII аср охири ва XVIII асрда Англияда П. Бейлнинг “Тарихий ва танқидий луғат”и катта аҳамиятга эга бўлган. 1704 йил Ж. Харрис “Техник лексикон ёки Умумий инглиз санъат ва фан луғати”нинг биринчи нашрини чиқарган. “Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-хуналарнинг изоҳли луғати” (1751–80 йиллар, 35 жилд)нинг юзага келиши Франция тарихида йирик ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Бу энциклопедияни тайёрлашда машҳур файласуф Д. Дидро асосий рол ўйнади; уни нашр этишда Ш.Л. Монтескё, Волтер, Ж.Ж. Руссо, Ж.Д.Аламбер ҳам қатнашган. 1768–71 йилларда шотланд матбаачиси У. Смелли 3 жилдли “Британия энциклопедияси”ни чиқарди. Бир неча марта қайта нашр этилган ушбу Э. Англиянинг энг йирик миллий энциклопедияси бўлиб қолди. XIX аср ва XX асрнинг 1-ярмида Франция, Россия, АҚШ, Германия, Италия, Испания, Туркия ва бошқалар мамлакатларда ҳам универсал ва соҳа энциклопедиялари чиқарилди. Булар ичида “Америка энциклопедияси”, “Катта Брокгауз” (Германия), “Катта Ларусс” (Франция), “Ислом энциклопедияси”, Брокгауз ва Ефрон энциклопедик луғати, Гранатлар



энциклопедик луғати алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда 1971–80 йилларда 14 жилдли “Ўзбек совет энциклопедияси” (ЎзСЭ) нашр этилди. Бош муҳаррири акад. И.М.Мўминов; 10 жилддан акад. К.А.Зуфаров. Унда жами 40000 дан ортиқ мақола берилган. ЎзСЭ мақолаларининг илмий-назарий ва ғоявий-сиёсий йўналиши марксча-ленинча мафкура билан белгиланган.

Мустақил мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасида универсал миллий энциклопедия тайёрлашга киришилди. 1997 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон миллий

энциклопедияси” Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилиб, нашриёт зиммасига 12 жилдли “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”ни тайёрлаш ва нашр этишни топширди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда, шунингдек, “Тошкент” энциклопедияси, “Ўзбек педагогик энциклопедияси”, 1 жилдли Болалар энциклопедияси, Хотин-қизлар энциклопедияси, 2 жилдли “Жаҳон фалсафаси энциклопедияси”, “Ислом” энциклопедияси ва баъзи фан тармоқларидан соҳа энциклопедиялари нашр этилди. Аёллар энциклопедияси, 2025 йилгача “Ўзбекистон тарихи энциклопедияси”ни тузиш белгиланган.



АЁЛЛАР БАНДЛИГИ ВА ТАДБИРКОРЛИГИ

АЁЛЛАР БАНДЛИГИ – жамиятда гендер тенглигини амалга ошириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг муҳим қисми ҳисобланади. Аёллар учун иш ўринларини яратиш ва уларни меҳнат бозорида тенг имкониятлар билан таъминлаш нафақат уларнинг шахсий ривожланиши, балки бутун жамиятнинг иқтисодий тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аёллар бандлигини ошириш учун қўлланилаётган чоралар нафақат иш ўринлари яратиш билан чекланмай, балки меҳнат шароитларини яхшилаш, гендер стереотипларини йўқ қилиш, аёллар учун юқори малакали касбларга кириш имкониятини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Бунда, меҳнат бозорида аёллар учун қулай муҳит яратиш, уларнинг касбий ўсишларини рағбатлантириш ва юқори лавозимларга кўтарилишларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, аёлларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат ҳуқуқларини кучайтириш орқали уларнинг меҳнат бозорида фаол иштирок этишига кенгрок имкониятлар яратилди, бу эса мамлакатнинг умумий иқтисодий ўсишига кўмаклашади. Ўзбекистонда касаначиликни ривожлантириш орқали оила бюджети даромадларини ошириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар сонини қисқартириш, маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 сентябрда “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-376-сон қарори муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга юқоридаги қарор ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 650-сон қарори тасдиқланди. Аёллар бандлигини таъминлаш жамиятда аёллар учун барқарор ва тенг имкониятларга эга иш ўринларини яратиш, уларнинг меҳнат бозоридаги фаол иштирокига ёрдам бериш ва иқтисодий мустақиллигини оширишга қаратилган фаолиятлар мажмуасидир. Аёллар бандлигини таъминлаш нафақат иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради, балки ижтимоий адолатни ҳам таъминлайди, чунки бу гендер тенглигини оширишга, оилавий аҳволни яхшилашга ва ижтимоий инклюзивликка ёрдам беради.

АЁЛЛАР ИШ ВАҚТИ – бу аёлларнинг расмий иш жойларидаги ёки шахсий фаолиятларини амалга ошириш учун сарфлайдиган вақтини ифодалайди. Аёлларнинг иш вақти турли жамиятлардаги меҳнат шартлари, иш берувчиларнинг талаблари ва шахсий мажбуриятларга боғлиқ ҳолда фарқланади. Аёллар тўлиқ иш вақтида ишлашлари ёки қисқартирилган иш жадвалида меҳнат қилишлари мумкин. Шунингдек, уйдан туриб ишлаш (масофадан ишлаш) ёки вақтинчалик иш ўринлари каби имкониятлар ҳам аёллар иш вақтида фаол рол ўйнайди. Аёллар учун тўлиқ иш вақти умумий ишчиларники каби



одатда кунига 8 соат ёки ҳафтасига 40 соатни ташкил этади. Бу иш вақти тўлиқ бандлик билан меҳнат қилишни ва расмий меҳнат шартлари асосида маош олишни англатади. Тўлиқ иш вақти аёллар учун касбий ўсиш ва молиявий барқарорликка эришиш имконини беради. Бундай иш жадвали одатда ижтимоий кафолатлар ва меҳнат ҳуқуқларини ўз ичига олади. Аёллар учун қисқартирилган иш вақти ёки ярим кунлик иш режимлари мавжуд бўлиб, уларнинг уй-рўзгор мажбуриятлари ёки шахсий ҳолатларига мос келади. Бу турдаги иш вақти болали аёллар, қарияларга қараш лозим бўлган аёллар ёки ўқиш билан банд бўлганлар учун қулайдир. Қисқартирилган иш вақтида аёллар оилавий ва касбий мажбуриятларини яхшироқ мувофиқлаштиришлари мумкин. Бунда иш вақти одатда кунига 4-6 соатни ташкил этади. Иш вақти мослашувчанлик хусусиятига эга бўлган аёллар, айниқса масофадан (онлайн) ишлаш имконига эга бўлганлар, ўз иш жадвалини шахсий эҳтиёжлари ва оилавий мажбуриятларига мослаштиришлари мумкин. Бу турдаги ишлаш шакли замонавий технологиялар орқали иш жойига боғланмай фаолият юритиш имкониятини яратади. Аёллар иш вақти мослашувчан бўлганида, улар куннинг ўзларига қулай қисмида ишлаб, қолган вақтларида шахсий ёки оилавий ишларни бажаришлари мумкин. Аёллар иш вақти иш жойидаги меҳнат фаолияти билан чекланмайди. Аксарият аёллар уй хўжалиги ишлари, болаларни парваришлаш, таълим ёки бошқа шахсий мажбуриятларни ҳам бажарадилар. Шунинг учун уларнинг умумий иш жадвали узоқ вақтни талаб қилиши мумкин. Баъзи ҳолларда аёллар иккинчи иш ўрнида ёки ўриндошлик асосида ҳам ишлайдилар, бу эса уларнинг умумий иш вақтини янада узайтиради. Кўплаб мамлакатларда меҳнат қонунчилиги аёллар учун иш вақтини мослаштириш имкониятларини таъминлайди. Масалан, ҳомиладор аёллар ва 3 ёшгача боласи бор аёллар учун иш вақти қисқартирилган ёки мослаштирилган тарзда ташкил этилиши мумкин. Иш вақти тўғрисидаги қонунчилик аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, иш жадвалини оилавий мажбуриятлар билан мувофиқлаштиришга қаратилган. Аёллар иш

вақти жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва оилавий муносабатларга кучли таъсир кўрсатади. Меҳнат қонунчилигида аёллар учун иш вақтига оид махсус тартиблар жорий қилинган бўлиб, уларнинг касбий ва шахсий ҳаёти ўртасида мувозанат сақлашга ёрдам беради.

Иш куни – сутканинг маълум қисмида ишчи, хизматчининг корхонада меҳнат қиладиган, ишлаб чиқариш фаолиятида банд бўладиган вақти. XVIII аср охирида кўп мамлакатларда иш куни 16 – 17, 1-жаҳон уруши арафасида 10 – 12 соатни ташкил этган. 1919 йил халқаро миқёсда 8 соатлик иш куни жорий этиш ҳақида Вашингтонда расмий равишда келишиб олинди. Ўзбекистонда ҳамма ишчи ва хизматчилар учун 6 кунлик иш ҳафтасида 7 соат, 5 кунлик иш ҳафтасида 8 соат жорий этилган. Ўсмирлар учун (15 ёшдан 16 ёшгача) 4 соатлик иш куни, вояга етмаганлар (16 ёшдан 18 ёшгача) учун 6 соатлик иш куни белгиланган. Ҳозир саноатда иш ҳафтаси 40 соат. Иш кунининг аста-секин қисқариши ва бўш вақтнинг кўпая бориши ҳозирги тараққиётнинг муҳим қонуниятлардан биридир. Амалдаги қонунчиликда 3 ёшга тўлмаган боланинг бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига) иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади. Иш вақтининг қисқартирилган давомийлигида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар кунги тўлиқ иш давомийлигида ишлайдиган ходимлар учун белгиланган миқдорда амалга оширилади. Ҳомиладор аёллар, 14 тўрт ёшга тўлмаган боланинг (16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бири (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) фақат ўз ёзма розилиги билан тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиниши, шунингдек хизмат сафарига юборилиши мумкин. Бунда иш берувчи мазкур ходимларни тунги ишлардан, иш вақтидан ташқари ишлардан, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишлардан ёки хизмат сафаридан воз кечиш борасидаги ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши шарт. Ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга

бундай иш ҳомиладор аёлнинг ҳамда боланинг ҳаётига ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНнинг мақсади аҳоли бандлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилнинг 20 октябрь куни имзоланган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун аҳоли бандлиги соҳасида долзарб муаммолар ечими йўлида муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур қонун соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий ечимига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонун 19 боб, 621 та моддадан иборат. У тўғридан-тўғри амалиётда ишлайдиган хусусиятга эга бўлиб, амалдаги 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 та фармон ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга оид қабул қилинган 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатда кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни, тизимдаги сўнгги ислохотларни, янги молиявий механизмларни ўзида ифода этган. Аёллар бандлиги тўғрисидаги қонунда соҳага комплекс ёндашиш мақсадида барча давлат органлари ва ташкилотларнинг вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, биринчи маротаба Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, ишга жойлаштириш бўйича агентликлар ҳамда аутстафтинг хизматларини кўрсатувчи иш берувчиларнинг соҳадаги вазифалари белгиланди. Ишга жойлаштириш бўйича агентлар аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашишга доир ишларни маҳаллий меҳнат органлари билан тузилган шартномалар асосида бажарувчи жисмоний шахслардир. Уларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда ҳамда миқдорларда рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар бериш кўзда тутилган. Аутстафтинг иш берувчи томонидан ўз ходимларини уларнинг розилиги билан бошқа юридик шахсларга ушбу ходимлар томонидан иш берувчи ва унинг ходими

ўртасида тузилган меҳнат шартномаларида, жамоа келишувларида белгиланган меҳнат вазифаларини бажариш учун вақтинчалик юбориш йўли билан кўрсатиладиган хизматлар тури ҳисобланади. Аёллар бандлиги тўғрисидаги қонунда иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини шакллантириш, давлат буюртмасига мувофиқ иш ўринлари ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш белгиланди. Иш ўринларини ташкил этишга доир буюртмани олган ташкилотларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ссуда ажратилади. Ссуда 3 йилгача муддатга миллий валютада берилади ва битта иш ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошиб кетиши мумкин эмас. Маҳаллий меҳнат органларига мурожаат этган иш қидираётган ва ишсиз шахсларга кўрсатиладиган хизматлар сони 7 тадан 16 тага кўпайди. Иш қидираётган шахсларни меҳнат органлари томонидан рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқариш, ишга жойлаштириш билан боғлиқ жараёнлар соддалаштирилди. Шу билан бирга, ҳужжатда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар алоҳида моддаларда очиб берилган. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш тартибга солинмоқда, жумладан, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли тоифалари кенгайтирилиб, уларга 14 ёшга тўлмаган болалари ва ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар киритилди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни белгиланган энг кам сондан ортиқча ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир ишга қабул қилган ходим учун 12 ой давомида субсидиялар ажратилиши белгиланди. Қонунга ишсиз шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид нормалар киритилди. Жумладан, ишсизлик нафақаси миқдори 2,5 баробар оширилди. Барча тоифадаги ишсиз шахсларга ишсизлик нафақаси 12 ойлик давр ичида 26 календарь ҳафта давомида тўланиши белгиланди. Олдинги тартибга кўра, нафақа илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётганларга 12 ойлик давр мобайнида 13



календарь ҳафта тўланарди. Олдинги (“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги) қонунда бўлмаган, ишсиз шахсларни ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Аёллар бандлиги тўғрисидаги қонунда касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида ишсиз шахсларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 26 календарь ҳафтагача муддатга стипендия тўланиши кўзда тутилган. Стипендияларнинг миқдори 2-2,5 баробаргача ошди. Масалан, ишдан ва иш ҳақидан охириги 12 ойликда маҳрум бўлганларга — аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизидан, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ва ўртача иш ҳақидан кўп бўлмаган миқдордаги стипендия тўланади. Олдинги тартибга кўра, бундай шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан оз бўлмаган миқдорда бўлган. Мазкур Аёллар бандлиги тўғрисидаги қонунда олдинги эски таҳририда мавжуд бўлмаган бир қатор янги тушунчалар алоҳида моддада берилган. Ўзини ўзи иш билан банд қилиш, “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий комплекси, касбий малака, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими, малакани баҳолаш ва бошқалар шулар жумласидан. Иш берувчиларни рағбатлантириш механизмлари аниқ нормаларда берилаётгани эътиборга молик. Субсидия бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган молиявий кўмакдир. Субсидиялар иш берувчиларга маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки уларнинг малакасини оширишга доир харажатларнинг ўрнини қоплаш учун — ҳар бир ходимга олти ой давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир ярим бараваригача бўлган миқдорда ажратилади. Хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари амалдаги қонунда берилмаган эди.

Янги қонуннинг алоҳида бобида фуқароларнинг чет элларда ишлаш ҳуқуқи, чет элда ишлаш тартиби, меҳнат мигрантларининг кенг қамровли маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг кетишдан олдинги тайёргарлиги, мониторинги, моддий ва ижтимоий ҳимояси каби бандликнинг комплекс масалалари акс эттирилган. Умуман айтганда, бугунги кунда ўта долзарб бўлиб турган бандлик соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда мазкур ҳужжат ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ГРАНТЛАР

– иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ажратиладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир. Грантлар касбга ўқитиш марказларига (касб-ҳунар таълими муассасаларига) қуйидагиларни молиялаштириш учун ажратилади: иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқароларни, кам таъминланган оилалардан бўлган хотин-қизларни касбга тайёрлаш харажатларини; касбга ўқитиш марказларида (касб-ҳунар таълими муассасаларида) фермер хўжаликларининг раҳбарлари ва ходимларини, деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва аъзоларини, томорқа ер участкалари эгаларини агротехнологиялар, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳасида касбга тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни. Грантлар фуқароларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уюшган ҳолда ишга қабул қилиш доирасида фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари, хорижий тиллар ва касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун касбга ўқитиш марказларига (касб-ҳунар таълими муассасаларига), шунингдек ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш учун ташкилот ҳамда “уста-шогирд” мактабларига ҳам ажратилади. Грант ажратилиши учун талабнома меҳнат бозорининг эҳтиёжлари

ҳисобга олинган ҳолда, маҳаллий меҳнат органлари томонидан шакллантирилади ва ҳудудий меҳнат органларига кўриб чиқиш учун юборилади. Талабномага касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака оширишдан ўтишни хоҳловчи шахсларнинг рўйхати илова қилинади. Грант асосида касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишни касбга ўқитиш марказлари (касб-хунар таълими муассасалари) амалга ошириши мумкин. Касбга тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва малака оширишни молиялаштириш ҳудудий меҳнат органлари ҳамда касбга ўқитиш марказлари (касб-хунар таълими муассасалари) ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

“БАНДЛИК ХИЗМАТИ” АХБОРОТ ТИЗИМИ – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг меҳнат органларига мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган электрон ахборот тизими. Ушбу тизим меҳнат бозоридаги ҳолатни мониторинг қилиш, ишсизликни камайтириш, фуқароларни иш билан таъминлаш, ҳамда иш берувчиларга хизмат кўрсатишда қўлланиладиган муҳим восита ҳисобланади. “Бандлик хизмати” ахборот тизими Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва иш қидирувчиларга, шунингдек, иш берувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида яратилган. Тизим орқали фуқаролар ўзларига мос иш қидиришлари, иш берувчилар эса талаб қилинадиган кадрлар билан таъминланиши мумкин. Ушбу тизим орқали иш қидирувчиларнинг маълумотлари, уларга кўрсатилган хизматлар, иш билан таъминлаш натижалари ва бошқа тегишли маълумотлар сақланади ва таҳлил қилинади. “Бандлик хизмати” ахборот тизими нафақат фуқароларни иш билан таъминлашда, балки иш берувчиларни ҳам зарур кадрлар билан таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Тизим орқали бандлик соҳасидаги статистик маълумотлар йиғилади, таҳлил қилинади ва меҳнат органлари томонидан фаолиятни

режалаштиришда қўлланилади. Тизимнинг доимий равишда такомиллаштирилиши, ундан фойдаланувчиларга кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни талаб қилади. Аёллар бандлигида “Бандлик хизмати” ахборот тизимининг ўрни жуда муҳим ҳисобланади, чунки у аёллар учун иш топиш ва меҳнат бозорида фаол иштирок этиш имкониятларини осонлаштиради. Бандлик хизмати ахборот тизими аёлларга замонавий технологиялар орқали тез ва самарали иш қидириш, янги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларга кириш имкониятини беради. Шунингдек, бу тизим аёлларга касбий ривожланиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича тренинглар ва ўқув дастурлари ҳақида ахборот беради. Ахборот тизими аёллар учун ишга жойлашиш жараёнини енгиллаштиради, чунки у уйдан чиқмасдан туриб ҳам иш топишга ёрдам беради. Бандлик хизмати ахборот базалари аёлларнинг шахсий эҳтиёжлари, малакаси ва ишлаш тажрибасига мос бўлган бўш иш ўринларини кўрсатиш билан бирга, иш топиш жараёнида маслаҳатлар ҳам беради. Бу, айниқса, болали аёллар, масофадан ишлашни хоҳловчилар ёки касб ўзгартиришни истаганлар учун жуда қулайдир.

ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТ-СИЗЛИК – ходимнинг соғлиғига кўра нисбатан қисқа муддат давомида ишни бажара олмаслиги. Ўзбекистон Республикасида меҳнат қобилияти муттасил йўқолиб, беморнинг меҳнат фаолиятини умуман ёки узоқ муддатга тўхтатиш ёки меҳнат шароитларини жиддий равишда ўзгартиришга олиб келган тақдирда, ходимга тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси томонидан ногиронлик белгиланади. Ходимларнинг, шунингдек меҳнат шартномаси асосида ишлаётган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, шу жумладан, кооператив (ширкат), фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган фуқароларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлигини экспертиза этиш тиббиёт муассасаларининг шифокорлари ёки тиббий маслаҳат комиссияси томонидан амалга оширилади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан



белгиланган касаллик варақаси билан, айрим қонунда кўрсатилган ҳолларда эса, тиббий маълумотномалар билан тасдиқланади. Касаллик ёки меҳнатда майиб бўлиш оқибатида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ёки протезлаш, яъни ясама аъзолар қўйиш учун протез ортопедия корхонанинг стационарига жойлаштирилган ходимлар давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан нафақа билан таъминланади. Шунингдек, ходим санаторий-курортда даволаниш учун юборилган, оиланинг бемор аъзосини парвариш қилиш зарурати туфайли ўз меҳнат вазифаларини бажаришдаи озод этилган ҳолларда, карантин вақтида ҳам нафақаси тўланади. Аёлларнинг Вақтинча меҳнатга қобилиятсизаёлларнинг турли сабабларга кўра вақтинча ишлай олмаслиги ҳолатидир. Бу ҳолат тиббий сабаблар (касаллик, жароҳат, ҳомиладорлик ва туғиш, туғишдан кейинги тикланиш) ёки бошқа ногаҳон ҳолатлар туфайли юзага келиши мумкин. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик давомида аёллар иш фаолиятини тўхтатиб туришлари керак бўлади, лекин уларнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади ва меҳнатга лаёқатсизлик вақтида моддий қўллаб-қувватлаш имкониятлари яратилади. Аёлларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсиз даврида улар меҳнат қонунчилигига мувофиқ компенсация олиш ҳуқуқига эга. Бу компенсация давлат ёки иш берувчи томонидан тўланади ва меҳнатга лаёқатсизлик вақтида аёлларнинг моддий ҳолатини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Вақтинча меҳнатга қобилиятсиз ҳуқуқлари ва компенсациялар аёлларнинг соғлигини тиклаш ва иш фаолиятига қайта киришларига ёрдам беради.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — кенг маънода — мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода — давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги. Давлатнинг ижтимоий сиёсатини ифодалаш шакли бўлиб, фуқароларнинг айрим

тоифаларини ижтимоий ривожланишнинг муайян босқичида давлат томонидан тан олинган муҳим воқеликлар жараёнида бу фуқароларнинг ижтимоий мавқеини жамиятнинг қолган қисми билан тенглаштириш мақсадида давлат бюджети ва махсус бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳисобидан моддий таъминлаш тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлат барпо этишни кўзлаган ҳолда бугунги кунда мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланиши учун шароит яратишга қаратилган. Ушбу сиёсат туфайли одамларнинг меҳнати ва соғлиғи ҳимоя қилинади, оила, оналик, оталик ва болалик, ногирон ва кекса фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар тизими ривожланмоқда, давлат пенсиялари, нафақалари ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа кафолатлари белгиланган. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишлари: эркин ижтимоий-иқтисодий фаолият кўрсатишни таъминлаш; иш билан бандлик, касб танлаш, ўқиш ва билим олиш; даромадларнинг кафолатланиши; ҳар бир фуқаронинг ўз иқтисодий фаолиятида даромадга эга бўлиши; истеъмолчилар ҳимояси, истеъмолчилар жамиятлари; товарлар ва хизматлар сифати, истеъмол кафолатини таъминлаш; аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш; ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмларига пенсиялар, нафақалар, турли хил имтиёзлар бериш.

Турли мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя тизими мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, демократик тараққиёт ва унинг аҳоли манфаатига мувофиқлиги, ижтимоий сиёсат даражаси, ижтимоий таъминот тизими

каби омилларга боғлиқ ҳолда амал қилади. Аёллар ижтимоий ҳимоясининг эволюцияси узоқ тарихий жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва гендер тенглигига бўлган муносабати билан узвий боғлиқ. Дастлаб аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш кўпроқ оила ва маҳаллий жамоаларнинг қўллаб-қувватлашига асосланган эди, чунки ўша даврларда давлат томонидан жамият аъзоларига махсус ижтимоий ҳимоя механизмлари жорий қилинмаган эди. Индустириал ривожланиш даврида, айниқса, Европа ва Америкада, ишчи аёлларнинг қийин шароитларда ишлаши ижтимоий ҳимоя зарурлигини кун тартибига қўйди. Бу даврда аёллар учун болаларга қараш ва бола парвариши таътиллари каби ижтимоий ёрдам чоралари босқичма-босқич шакллана бошлади. XX асрнинг ўрталарига келиб, жаҳон миқёсида аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича фаол иш олиб борилди. Бир қатор давлатлар гендер тенглиги бўйича қонунлар қабул қилди, меҳнат соҳасидаги аёлларга нисбатан камситишни тақиқлаш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус қонунлар жорий этилди. XX асрнинг иккинчи ярмида аёллар учун тўлиқ иш вақтини қисқартириш, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш, бола парваришига таътил бериш каби кафолатлар жорий қилинди. БМТнинг 1979 йилда қабул қилган “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш” Конвенцияси давлатларни аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини қонуний асосда мустаҳкамлади. Сўнгги йилларда аёлларнинг ижтимоий ҳимояси янада комплекслашиб, молиявий ёрдам, психологик қўллаб-қувватлаш, таълим, ва профессионал ривожланиш дастурлари орқали бойитилди. Кўпгина давлатлар аёлларга иш ва оила мажбуриятларини мувофиқлаштиришда ёрдам бериш учун янги сиёсатлар, масалан, болалар боғчаларига давлат кўмаги, уйдан ишлаш имкониятлари, флексибил иш графиклари ва таълим-касбий ривожланиш дастурларини жорий этди. Бу каби ўзгаришлар аёлларнинг И.х.сини ривожлантиришда янада кенгрок мақсадларни қамраб олиб, жамиятнинг гендер тенглигини

таъминлаш ва иқтисодий барқарорликка ҳисса қўшишни мақсад қилган. Ўзбекистонда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар ва дастурлар жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига ҳисса қўшиш учун муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни бандликка жалб этиш, таълим, соғлиқни сақлаш, оилавий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар ва давлат дастурлари амалда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, шунингдек, “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” бу йўналишдаги асосий ҳуқуқий ҳужжатлардир. Ушбу қонунлар аёллар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқларини кафолатлайди, меҳнат жойида ва ижтимоий фаолиятда аёлларга нисбатан камситишларни тақиқлайди. Ўзбекистонда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим йўналишларидан бири – улар учун меҳнат ва оилавий мажбуриятларни мувофиқлаштириш имкониятларини яратишдир. Ҳукумат, шунингдек, кишлоқ жойларидаги аёлларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун махсус дастурлар жорий этган, улар орасида кичик ва ўрта бизнес учун грантлар, микрокредитлар, ўқув курслари ва касбий ривожланиш дастурлари мавжуд. Аёллар учун таълим дастурларини кучайтириш, уларнинг малакаларини ошириш ва меҳнат бозоридаги имкониятларини кенгайтириш учун ҳукумат томонидан махсус иш ўринлари яратиш ва уларни турли касбларда қайта тайёрлашни қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилмоқда. Бундай ислохотлар аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги, уларнинг ижтимоий ҳимоя ва жамиятдаги ролига ижобий таъсир кўрсатиб, барқарор ривожланишга йўналтирилган.

Моддий ёрдам – корхона ва муассасаларнинг муҳтож ходимларга, маҳаллаларнинг муҳтож фуқароларга ёки бошқа шахсларга буюм ёки пул шаклида кўрсатадиган ёрдами. Ижтимоий ҳимоя тадбирларига киради. Моддий ёрдамнинг асосий мақсади ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга ёрдам бериш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва зарур эҳтиёжларини



қондиришдир. Ўзбекистонда моддий ёрдам кўпинча кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кекса ёки меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар учун ажратилади. Бундай ёрдам нафақа, бир марталик ёрдам тўловлари, ижтимоий таъминот маблағлари кўринишида амалга оширилади. Моддий ёрдам турли ҳолатларда кўрсатилади. Масалан, оилавий моддий ёрдам нафақа шаклида бўлиб, камбағаллик таъсиридаги оилаларнинг даромадларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шунингдек, фавқулодда ҳолатларда ёки тиббий заруратларга кўра ҳам бир марталик ёрдамлар ажратилиши мумкин. Таълим, тиббиёт, уй-жой билан таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам моддий ёрдам кўрсатилади, бу ёрдамларнинг манбалари давлат бюджети, хайрия ташкилотлари ёки халқаро фондлар бўлиши мумкин. Моддий ёрдам ижтимоий барқарорлик ва аҳолининг иқтисодий ҳимоясини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

ИШСИЗЛИК – бир қисм иқтисодий фаол аҳолининг ўзига лойиқ иш топа олмасдан қолиши ва меҳнат захирасига айланиши. Ўзбекистонда ишсизлик тушунчаси расман 1992 йил “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши билан меъёрий кучга эга бўлди. Ушбу қонун (2020 йил) ўз кучини йўқотиб, ўрнида “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Ишсизлик инсон манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган йирик ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Иш жойини йўқотиш кўп кишилар учун оилавий турмуш даражасининг пасайишини, шахсий ҳаётининг нотинчлигини келтириб чиқаради, кишига жиддий руҳий таъсир кўрсатади. Амалдаги иқтисодий ҳаётда ишсизлик иш кучи таклифининг унга бўлган талабдан ошиб кетиши тарзида намоён бўлади. Ишсизлик сабаби турлича: техника ривожланиш билан меҳнат унумдорлиги ортади, ишлаб чиқариш кам меҳнат талаб бўлиб қолади. Иқтисодиётда жами талаб ва таклиф мувозанати бузилади, товарларга бозор талабининг қисқариши иш кучига талабни ҳам қисқартириб юборади, натижада иш кучининг бир қисми ортиқча

бўлиб қолади; иқтисодиёт ривожланиши билан малакали иш кучига талаб ошиб, малакасизлар керак бўлмай қолади; аҳоли ишлаб чиқаришга нисбатан тез ўсган кезларда, унинг бир қисми ортиқча булиб, ишсиз қолади. Ишсизлик сабаби ҳар хил бўлганидан унинг шакллари ҳам турлича. Ишсизликнинг асосий шакллари: фрикциион ишсизлик – турли сабабларга кўра (янги яшаш жойига ўтиш, касбни ўзгартириш, бола боқиш, янги иш танлаш) вақт-вақти билан ишсиз қолиш. Бу ихтиёрий ишсизлик ҳисобланади. Таркибий ишсизлик – ишлаб чиқариш тузилмаси ўзгартирилган шароитда эски тармоқларда ишлаб келган кишиларнинг янги тармоқларга керак касбни ҳали ўзлаштирмаган кезларида юз беради. Циклли ишсизлик – иқтисодий тангликлар билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши натижасида юзага келадиган ишсизлик бу мажбуран ишсиз қолишдир. Мавсумий ишсизлик – мавсумий ишда банд бўлганларнинг мавсум тугагач, ишсиз қолиши. Яширин ишсизлик – расман иш билан банд бўлганларнинг фақат қисман ишлаши. Унга қисқартирилган иш кунини ёки иш ҳафтасига ўтганлар, иш йўқлигидан ҳақ берилмайдиган таътилга чиққанлар киради. Ишсизлар ишлаётганлар билан бир қаторда мамлакат иш кучини ташкил қиладиган. Иқтисодиётда ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш орқали мамлакат (корхоналар) ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Ишсизлар сафига, одатда, нафақат турли сабабларга кўра ишдан бўшатирилганлар, балки ўз ихтиёрига кўра ишдан кетганлар ва янги иш топишга ҳаракат қиладиган шахслар ҳам киритилишини қайд этиш лозим. Ишсизлик таркиби унинг сабабларига кўра иш кучининг тўртта асосий тоифасини ўз ичига олади: ишдан бўшатирилиши натижасида иш жойини йўқотганлар; ишдан ихтиёрий равишда бўшаганлар; танаффусдан сўнг иш қидираётганлар; биринчи бора иш қидираётганлар. Бу тоифаларнинг ўзаро нисбатлари иқтисодий ривожланиш босқичларига боғлиқ. Мамлакат миқёсида 3–5% даражасидаги ишсизлик иқтисодиёт

учун нормал ҳолат (ишсизликнинг табиий чегараси) ҳисобланади. Ишсизлик даражасини пасайтириш учун аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастурлари ишлаб чиқилади, корхоналар қурилиб, янги иш ўринлари ташкил этилади, ходимларни янги касбларга ўқитиш, қайта тайёрлаш ишлари амалга оширилади, бандликка ёрдам жамғармаси ташкил қилинади. Меҳнат қонунларига кўра, ишсизларга ҳудудий Бандликка кўмаклашиш марказлари орқали ишсизлик нафақаси тўланади. Ўзбекистон Республикасида аёллар ишсизликни камайтириш мақсадида бир қатор ислохотлар ва дастурлар амалга оширмоқда. Бу дастурлар аёлларнинг таълим олишларини рағбатлантириш, касб-ҳунарга ўқитиш ва аёллар учун масофавий ёки қисқа иш вақтли иш ўринлари яратишга қаратилган. Шунга қўшимча, тадбиркорлик фаолиятига қизиқиш билдирган аёлларга давлат томонидан кредитлар ва грантлар ажратилиши аёлларнинг иқтисодий фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ишсизлик нафақаси – ишсиз шахсларни давлат томонидан қафолатланган тарзда пул шаклида қўллаб-қувватлаш тури. Ишсизлик нафақасини тўлаш ишсиз шахснинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ишсизлик нафақасига солиқ солинмайди. Ишсизлик нафақаси ишсиз деб тан олинган шахсга у маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган биринчи кундан эътиборан ҳисобланади ва тўланади. Ишсизлик нафақаси ўн икки ойлик давр ичида кўпи билан йигирма олти календарь ҳафта давомида тўланади. Жорий ойда ишсизлик нафақасини тўлаш ўтган ой учун амалга оширилади. Тўлиқ бўлмаган календарь ой учун ишсизлик нафақасини тўлаш чоғида ишсизлик нафақаси мазкур нафақа тўланиши керак бўлган ушбу календарь ойдаги кунлар сонининг тўлиқ календарь ойдаги кунлар сонига мутаносиб миқдорда тўланади. Ишсизлик нафақасини олиш даврида ишсиз шахс касал бўлган тақдирда ишсизлик нафақасини ишсиз шахснинг қариндошлари (отаси, онаси, эри (хотини),

вояга етган болалари) ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ишсиз шахснинг бошқа ишончли шахслари томонидан олишга йўл қўйилади. Ўз меҳнат стажини ҳужжат билан тасдиқлаш имкониятига эга бўлмаган шахсларга ишсизлик нафақасини тайинлаш чоғида уларга илгари ишламаганлар ва биринчи марта иш қидираётганлар сифатида қаралади. Ишсизлик нафақасини олиш даврида ишсиз шахс иш қидириши ва ишга жойлаштиришга доир йўлланма (ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома) ёхуд касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малакасини оширишга йўлланма олиш учун икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органига мурожаат қилиши шарт (Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида” қонуни; 2020 йил 20 октябрь). Ишсизлик нафақаси ишсиз шахснинг аввалги иш жойидаги охириги бир йилдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоизда белгиланади. Бошқа ҳолларда ишсизлик нафақаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан фоизда белгиланади. Ишсизлик нафақалари қуйидаги миқдорларда тўланади: ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) сўнгги ўн икки ойлик давр ичида маҳрум бўлган шахсларга – аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлмаган ва нафақани ҳисоблаш пайтида Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда; ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ҳамда узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга – меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида; илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсларга – меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг камида етмиш беш фоизи миқдорида. Ҳарбий хизматдан, ички ишлар органларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардияси органларидан ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралардан бўшатилиши муносабати билан иш ҳақидан маҳрум бўлган шахслар ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисид



назарда тутилган шартлар асосида ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга. Қонунчиликка мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ошганда, ишсизлик нафақасининг миқдори ошириш коэффициентига тенг миқдорда кўпаяди. Ҳар ой учун (шу жумладан ишсизлик нафақаси тўланадиган тўлиқсиз ойлар учун) ишсизлик нафақаси миқдори тўғрисидаги маълумотлар “Бандлик хизмати” ахборот тизимида акс эттирилади.

КАМБАҒАЛЛИК – бу шахс ёки оиланинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий ресурсларга етарлича эга эмаслиги ҳолатидир. Камбағаллик нафақат даромаднинг етишмаслиги, балки таълим, соғлиқни сақлаш, турар жой, озиқ-овқат ва бошқа муҳим хизматлардан фойдаланиш имкониятининг камлиги билан ҳам характерланади. Камбағаллик мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Камбағалликни турли хил қирралардан келиб чиқиб бир қанча турларга ажратиш мумкин. Камбағаллик турлари одатда иқтисодий, ижтимоий ва психологик омилларга асосланади. Қуйида камбағалликнинг асосий турлари келтирилган. Масалан, Абсолют камбағаллик инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлмаган ҳолатни англатади. Абсолют камбағаллик даражаси одатда кунлик даромад асосида баҳоланади. Жаҳон Банки маълумотларига кўра, кунлик даромади 2.15 АҚШ долларидан кам бўлган инсонлар абсолют камбағалликда яшайди. Нисбий камбағаллик иқтисодиётдаги ўртача даромад даражасига нисбатан аниқланади. Мисол учун, агар бир кишининг даромади мамлакатдаги ўртача даромаддан паст бўлса, у нисбий камбағалликда деб ҳисобланади. Кўп омилли камбағаллик инсонларнинг фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки соғлиқни сақлаш, таълим, турмуш шароити каби омиллардан келиб чиқиб ҳам қийин аҳволда бўлишини назарда тутаяди. Яъни, инсон асосий эҳтиёжлари қондириладиган ҳолда ҳам, турли қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Субъектив камбағаллик инсоннинг ўз молиявий аҳволидан қониқмаслиги ва ўзини камбағал деб ҳисоблаши билан боғлиқ.

Субъектив камбағаллик одамларнинг шахсий ҳис-туйғулари ва ижтимоий муҳитдаги ўрнига қараб шаклланади. Умрбоқий камбағаллик инсоннинг бутун умри давомида камбағалликда бўлишини ифодалайди. Бу ҳолатда инсон камбағалликдан чиқиш имкониятига эга бўлмайди. Сурункали камбағаллик (инглизча Chronic Poverty) – бу инсонлар ва оилаларнинг узок муддат давомида камбағалликда бўлиб, ушбу ҳолатдан чиқиш имкониятига эга бўлмасликларини англатади. Сурункали камбағаллик инсоннинг фақат бир неча йил давомида эмас, балки бутун умри давомида иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечириши билан характерланади. Бу ҳолатда камбағаллик авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиши мумкин. Камбағалликни қисқартириш ва унга қарши курашиш Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш учун турли қонунлар ва дастурлар қабул қилинган. Булар орасида камбағалликни аниқлаш ва мониторинг қилиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағал аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар бор. Ўзбекистонда камбағаллик билан курашишга қаратилган сиёсат мустақиллик йилларидан бошлаб амалга оширилмоқда. Илгаридан камбағаллик асосан ижтимоий ёрдам дастурлари орқали бартараф этишга урғу берилган бўлса, сўнгги йилларда иқтисодий ислохотлар ва турли ривожланиш дастурлари орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган ислохотлар мамлакатдаги умумий иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ. Камбағалликни самарали қисқартириш учун аҳолининг иш билан таъминланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг даромад манбаларини ошириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш зарур. Ижтимоий ёрдам дастурларининг манзиллилиги, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларига кенг кириш имконияти ҳам камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга. Камбағалликка қарши курашиш жараёнида давлат ва хусусий сектор

ҳамкорлиги, жамиятнинг барча қатламларини жалб қилиш муҳимдир. Камбағаллик мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади.

Аёллар камбағаллиги — иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ресурсларга чекланган кириш имкониятлари сабабли аёллар эркакларга нисбатан қийинроқ иқтисодий шароитда яшашини англатувчи феномендир. Бу ҳолат аёлларнинг меҳнат бозоридаги кам иштироки, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг чекланганлиги ва гендер тенгсизлиги билан боғлиқ. Аёллар камбағаллиги нафақат шахсий муаммо, балки жамият тараққиётига салбий таъсир этувчи жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммодир. Аёллар камбағаллигининг бир нечта асосий сабаблари мавжуд. Биринчидан, аёллар кўпинча кам ҳақ тўланадиган ёки норасмий ишларда банд бўлади. Улар мулк ва молиявий активларга эгалик қилиш ҳуқуқига чекловлар сабабли иқтисодий мустақилликка эришишда қийинчиликка дуч келади. Иккинчидан, таълим ва касбий малакага кириш имконияти камлиги юқори даромадли иш ўринларини топишни мураккаблаштиради. Қишлоқ жойларда қиз болаларнинг таълим олишидаги чекловлар ва касбга йўналтиришдаги тенгсизликлар ҳам бу жараёнга таъсир қилади. Учинчидан, аёллар кўпинча уй-рўзғор ишлари ва болалар парвариши учун масъул бўлиб, бу уларнинг меҳнат бозорида тўлиқ иштирок этишини чеклайди. Гендер тенгсизлиги ва ижтимоий дискриминация ҳам аёллар даромадлари паст бўлишининг асосий омилларидан биридир. Аёллар камбағаллигининг салбий оқибатлари кенг қамровлидир. Таълим ва соғлиқни сақлашдан кам баҳраманд бўлиш нафақат аёлларнинг ўзига, балки уларнинг фарзандлари ва оиласига ҳам таъсир қилади. Бу ижтимоий тенгсизликнинг авлоддан-авлодга ўтишига сабаб бўлади. Шунингдек, аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги таъминланмаган жамиятларда ижтимоий-сиёсий фаоллик даражаси пасайиб, жамиятнинг умумий иқтисодий ривожланиши сустлашади. Аёллар камбағаллигини камайтириш учун бир нечта стратегиялар таклиф этилади. Иқтисодий имкониятларни

кенгайтириш учун аёлларга кичик бизнесни ривожлантиришда ёрдам бериш, кредитлар ва молиявий ресурсларга кириш имкониятларини ошириш зарур. Шу билан бирга, аёлларнинг таълим олишини рағбатлантириш, айниқса, техник ва инновацион соҳаларда малака ошириш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат бозорида аёлларга нисбатан дискриминацияга барҳам бериш, қонунчиликни гендер тенглигига мослаштириш ва болалар парвариши билан боғлиқ шароитларни яхшилаш ҳам аёллар камбағаллигини камайтиришда муҳим рол ўйнайди. Аёллар камбағаллиги муаммосини ҳал қилиш жамиятнинг барқарор ривожланиши учун зарур. Бунда давлат, фуқаролик жамияти ва халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари талаб этилади. Аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тўлиқ иштирокини таъминлаш нафақат уларнинг шахсий ҳолатини яхшилайдиган, балки бутун жамиятнинг ижтимоий фаровонлигига ҳисса қўшади.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ — бу давлат томонидан ижтимоий ва иқтисодий сиёсати доирасида камбағаллик даражасини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Камбағалликни қисқартириш дастурлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга ва иқтисодий фаолиятларини кенгайтиришга йўналтирилган. Камбағалликни қисқартириш - аҳоли даромадларини ошириш, иш ўринларини яратиш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларига кенгроқ киришни таъминлаш, шунингдек, камбағалликни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш орқали камбағал аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган чоралар тизимидир. Бу жараёнга давлат сиёсатининг кенг қўламли ислохотлари, хусусий секторнинг ривожланиши ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ёрдам беради. Камбағалликни қисқартириш масалалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Давлат томонидан камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган



турли дастурлар, қонунлар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Масалан, ижтимоий нафақалар, ишсизлик нафақаси, аҳолини иш билан таъминлаш дастурлари, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги имтиёзлар орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар Ўзбекистонда мустақиллик йилларидан бошлаб изчил амалга оширилади. Илк босқичларда камбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсат асосан ижтимоий нафақалар ва имтиёзлар бериш орқали амалга оширилган бўлса, сўнгги йилларда иқтисодий ислохотлар, аҳолини иш билан таъминлаш, таълим сифатини ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликни қисқартиришга катта эътибор берилмоқда. Камбағалликни қисқартиришда аҳолининг иш билан таъминланиш имкониятларини кенгайтириш, даромад манбаларини кўпайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларидан кенг фойдаланишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар аниқ ва самарали бўлиши учун уларнинг манзиллилигига эътибор қаратиш лозим. Камбағалликни қисқартиришда турли ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини инобатга олиш муҳимдир. Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Ўзбекистонда 2020 йилдан бошлаб камбағалликни қисқартириш бўйича кенг қамровли дастурлар амалга оширила бошланди. Давлат томонидан янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий нафақаларни ошириш, уй-жой шароитларини яхшилаш ва кам таъминланган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сон қарори имзоланди ва унда 2024 йил якунига қадар 500 минг, 2025 йил давомида 1 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш чораларини кўриш

юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Камбағалликни қисқартиришда “Аёллар дафтари”нинг ўрни бекиёсдир. Ушбу дастур Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларидан бири бўлиб, унда оғир иқтисодий ёки ижтимоий шароитларда яшовчи аёллар махсус рўйхатга олиниб, давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бу дастурнинг мақсади аёлларнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишга қаратилган. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган аёллар бевосита давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан турли қўмақлар, масалан, ижтимоий нафақалар, ишга жойлашишга қўмаклашиш, касб-хунар ўргатиш, тиббий ёрдам ва бошқа ёрдам турларини олиш имкониятига эга бўладилар. Агар аёлнинг иқтисодий ёки ижтимоий ҳолати яхши томонга ўзгарса, яъни у доимий даромад манбаига эга бўлса, ишга жойлашса ёки турмуш шароитларини яхшиласа, у рўйхатдан чиқарилиши мумкин. “Аёллар дафтари” дастури Ўзбекистонда ижтимоий тенглик ва фуқароларнинг турмуш сифатини оширишга қаратилган кенг қўламли ташаббуснинг бир қисми бўлиб, аёллар учун муҳим қўллаб-қувватлаш манбасидир.

“Индивидуал дастур” – “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган ҳар бир хотин-қиз ҳамда уларга кўрсатиладиган амалий ёрдам турлари, даври (санаси), миқдори (суммаси, фоизи ва бошқалар) ва амалий ёрдамлар мониторинги тўғрисидаги маълумотлар мажмуи. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарорида “Индивидуал дастур” шакллантирилиши бўйича барча кўрсатмалар келтириб ўтилган. Қарорда келтирилганидек, тегишли тартибда тузилган анкета-сўровномалар тўлдирилгандан сўнг 3 кун муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва

бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланиб, секторлар раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан тегишли тартибда уларнинг индивидуал дастурлари шакллантирилади. Индивидуал дастурлар асосида секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан 3 кундан ошмаган муддатда “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси, имзоланган ҳолда, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади. Амалдаги меъёрларга мувофиқ, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунга қадар уларни “Аёллар дафтари”дан чиқаришга йўл қўйилмайди. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ижроси мониторинги уларнинг индивидуал дастурлари орқали мониторинг қилинади. Индивидуал дастурлар туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан юритилади. Анкета-сўровномалар ва индивидуал дастурларнинг асл нусхалари туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида 5 йил муддат давомида сақланади. Индивидуал дастурда кўрсатилган тегишли чора-тадбирлар ижроси белгиланган масъуллар томонидан таъминланади ҳамда индивидуал дастурда қайд этиб борилади. Барча муаммолар бартараф этилиб, индивидуал дастурда қайд этилган чора-тадбирлар тўлиқ бажарилгандан сўнг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва масъуллар томонидан тасдиқланиб, хотин-қизлар рўйхати халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига “Аёллар дафтари”дан чиқариш учун киритилади.

КАСБ – кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти тури; муайян иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат, тажрибани талаб этади. Касблар ичида меҳнат фаолиятининг энг тор соҳаси билан ажралиб турадиган ихтисослар бор

(масалан, врачлик касбида хирург, офтальмолог, дерматолог ва б.). Касб, одатда, шахснинг асосий тирикчилик манбаи ҳисобланади. Аёллар учун замонавий касблар соҳа ва имкониятлар нуқтаи назаридан кенгайиб бормоқда, айниқса, технология, рақамли маркетинг, ва инновацион йўналишларда янги иш ўринлари пайдо бўлди. ИТ соҳасида аёллар дастурлаш, маълумотлар таҳлили, веб-дизайн, ва киберхавфсизлик мутахассислари сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бу соҳаларда аёлларга янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш учун турли онлайн ва анъанавий ўқув курслари мавжуд. Ўзбекистонда давлат ва хусусий сектор томонидан аёлларни технология соҳасида қўллаб-қувватлаш мақсадида ИТ марказлар, коворкинг жойлари ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари ташкил қилинмоқда. Замонавий касблар ичида медиа ва коммуникация, контент яратиш, рақамли маркетинг ва ижтимоий медиа бошқаруви ҳам аёллар ўртасида оммалашмоқда. Ижтимоий медиа мутахассиси, контент-менежер ёки маркетинг стратегиячиси каби касблар аёлларга ўз ижодий ва бошқарув қобилиятларини намоён қилиш имконини беради. Бу йўналишларда ишлаш орқали аёллар фриланс ёки масофадан туриб ишлаш каби замонавий иш шаклларини ҳам қўлламоқдалар. Бундай касблар аёллар учун юқори малакали мутахассис сифатида меҳнат бозоридаги иштирокини оширади ва уларнинг иқтисодий мустақиллигига ёрдам беради. Бугунги кунда замонавий касбларнинг кенгайиши аёлларга ҳар томонлама ривожланиш, янги технологиялардан фойдаланиш ва жамиятнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш имкониятини яратмоқда.

Аёллар учун айрим касблар. Аёллар учун касб танлаш жамиятдаги гендер тенглиги, иш бозоридаги талаб ва шахсий қобилиятларга асосланиб, турли йўналишларда ривожланиб келмоқда. Айрим касбларнинг умумий тавсифи, уларнинг хусусиятлари ва аёллар учун муҳим жиҳатлари қуйидагилар: 1. Тиббиёт соҳаси (шифокорлар, ҳамширалар ва фармацевтлар). Тиббиёт соҳасида аёллар ҳамширалик, шифокорлик, фармацевтика ва лаборатория ходимлари сифатида фаолият юритишлари мумкин. Бу касблар юқори даражада масъулият,



сабр-тоқат ва бошқаларга ёрдам бериш истагини талаб қилади. Аёллар учун доимий таълим ва малака ошириш муҳимдир. 2. Ўқитувчи ва педагогика соҳаси. Мактабларда ўқитувчи, тарбиячи, мактабгача таълим мутахассислари бўлиш аёллар учун анъанавий касблардан ҳисобланади. Педагогика соҳаси мулоқот қobiliяти, болаларга меҳр-муҳаббат ва сабрни талаб қилади. Илғор таълим технологияларини ўрганиш касбдаги муваффақиятни таъминлайди. 3. Иқтисодчи ва молия соҳаси мутахассислари. Аёллар бухгалтерия, аудит, молия ва банк соҳаларида фаолият юритишлари мумкин. Бу соҳада математик анализ, режалаштириш ва молиявий хавфларни бошқариш қobiliяти талаб этилади. Иқтисодий билимларни мунтазам янгилаш касбий ўсиш учун зарур. 4. Технология ва IT соҳаси. Техникавий мутахассисликлар, дастурлаш, веб-дизайн ва ахборот хавфсизлиги соҳалари аёллар учун янги имкониятлар яратмоқда. Бу соҳада муваффақиятга эришиш учун янгича фикрлаш, янги технологияларни тез ўзлаштириш ва ижодкорлик муҳимдир. 5. Юридик касблар: адвокат ва ҳуқуқшунослар. Ҳуқуқшунослик соҳасида адвокат, нотариус ва судья сифатида аёллар муваффақиятли фаолият олиб боришлари мумкин. Меҳнатсеварлик, ҳолислик ва мураккаб вазиятларни таҳлил қилиш қobiliяти ушбу касбда муҳим аҳамиятга эга. 6. Тадбиркорлик ва бизнесни бошқариш. Аёллар кичик бизнес ва стартапларни бошқариш орқали ўз соҳаларини ривожлантиришда етакчи бўлиши мумкин. Ташаббускорлик, инновацион ёндашув ва маркетинг билимлари муваффақиятли тадбиркорликнинг асосидир. 7. Маданият ва санъат соҳаси. Аёллар рассом, дизайнер, мусиқа ижроچиси ёки театрда фаолият юритиши мумкин. Буюк ижодкорлик ва эстетик ҳиссиёт ушбу соҳаларда муҳим ўрин тутди. Янгиликларни ўз вақтида ўрганиш ижодий юксалишга сабаб бўлади. Умуман олганда, аёллар учун касб танлашда шахсий қизиқишлар, қobiliят ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳимдир. Таълим ва доимий ривожланиш муваффақият калити бўлиб хизмат қилади.

КЛАСТЕР – ўхшаш белгилари ёки меъёрлари бўйича бир гуруҳга бирлаштирилган объектлар тўпламидир. Бу тушунча турли фан ва иқтисодиёт соҳаларида, айниқса, тадбиркорликда, жуда кенг қўлланилади. У одатда ўзаро боғлиқ элементлар гуруҳи сифатида таърифланади, улар ўзаро ўхшашликларга эга ва бир-бирлари билан ташқи муҳитга нисбатан кўпроқ ўзаро алоқа қиладилар. Кластер тушунчаси илк бор 1990 йилда Майкл Портер томонидан “Давлатларнинг рақобатдош афзаллиги” номли асарида келтирилган. 10 та саноат жиҳатдан ривожланган давлатларнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилгач, Майкл Портер кластерларнинг пайдо бўлиши иқтисодий ривожланиш ва саноатлаштириш жараёни таркибининг ажралмас қисмидир деган фикрга келган. Шундай қилиб, кластер – ўзаро боғлиқ корхоналарни бирлаштиришнинг бир шакли бўлиб, бу ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Ташкиллаштириш шакли жиҳатидан, кластер – вертикал равишда интеграцияланган тузилма дейиш мумкин. Кластер услубини қўллаш, айниқса бир-бири билан боғлиқ булган корхоналар мавжуд ҳудудлар учун катта аҳамиятга эга. Кластерлар ҳудудларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди. Ушбу ёндашув иқтисодий жиҳатдан устувор тармоқлар ва лойиҳаларни аниқлаш имконини беради. Ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланишида кластерли ёндашувнинг асосий афзалликларидан бири – иқтисодий омилларнинг ролини кучайтириш ва маъмурий омилларнинг ролини камайитишдан иборат. Ҳудудий маъмуриятларнинг роли фақат дастлабки босқичда юқоридир. Масалан, янги кластерларни ташкиллаштиришда, айнан шу ҳудуд манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, истиқболли кластерларни танлашда ҳудуд маъмуриятининг роли юқори бўлади. Кейинчалик эса, ҳудудий маъмуриятларнинг роли камайиб боради ва бозор иқтисодиёти қонунлари ва омиллари бир қадам олдинга чиқади. Кластер аъзолари якуний натижага жамоавий равишда жавобгар бўладилар. Ҳар бир кластер иштирокчисининг, шу жумладан деҳқоннинг саъй-ҳаракати ушбу кооперативнинг якуний даромадини, демак, ҳар бир иштирокчининг

даромадини белгилаб беради. Микро даражадаги иқтисодий тизимнинг элементи сифатида фермер харажатларини минималлаштириш ва даромадини максималлаштиришдан манфаатдор. Кластерлар иштирокчилари ўртасидаги ҳамкорлик орқали қўшимча манфаатлар, яъни билимлар алмашинуви, бозорларга яхшироқ кириш ёки харажатларни камайтириш каби имкониятлар юзага келади. Кластер тушунчаси иқтисодиёт, технология, таълим ва бошқа соҳаларда қўлланилади. Иқтисодий кластерлар бир-бири билан алоқадор бўлган корхоналар, таълим муассасалари, тадқиқот марказлари ва давлат идораларининг ҳамкорликда фаолият юритишини назарда тутаяди. Масалан, автомобилсозлик, текстил ёки озиқ-овқат саноати кластерлари. Таълим кластерлари таълим муассасалари, тадқиқот марказлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорликда фаолият юритишига асосланади. Бу турдаги кластерлар таълим сифатини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлашни мақсад қилади. Технологик кластерлар инновацион ишланмалар, стартаплар ва илмий тадқиқотларни бирлаштирган ҳудудлар ёки ташкилотлар гуруҳидир. Улар ахборот технологиялари, биотехнология ва бошқа юқори технологиялар соҳаларида фаолият юритади. Қишлоқ хўжалиги кластерлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини қамраб олган корхоналар гуруҳидир. Иқтисодиёт контекстида, хусусан, аёллар тадбиркорлиги соҳасида кластер аёллар томонидан бошқариладиган корхоналар ёки бизнесларнинг маълум географик ҳудудда ёки бир соҳада жойлашган ва умумий мақсадларга эришиш учун ҳамкорлик қиладиган гуруҳини англатиши мумкин. Масалан, аёллар бизнес-кластери ўзларининг умумий манфаатларини илгари суриш, бизнесни ривожлантириш, маркетинг, таълим ёки меҳнат шароитларини яхшилаш учун биргаликда иш олиб боришлари мумкин.

КРЕДИТ (лотинча *creditum* – қарз, *credo* – ишонаман) – 1) пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатларга қарзга бериш. Қарзга маблағ

берувчи томон кредитор (давлат, банк, корхона, хусусий шахс ва бошқа), ссуда олувчи томон эса дебитор (қарздор) дейилади. Кредит келишуви қарздан фойдаланиш шартлари қайд этилган шартнома билан расмийлаштирилади. Кредит муомаласи қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир. Лекин ҳар қандай қарз муносабати ҳам кредит бўла олмайди. Кредит муносабатида олинган маблағ қайтариб берилиши, фойдаланилгани учун ҳақ (келишилган фоизда) тўланиши, муддатли, маълум товар ва номоддий активлар билан таъминланган бўлиши, мақсадли ишлатилиши шарт. Берилиши муддатларига кўра, қисқа муддатли (1 йилга қадар), ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача), узок, муддатли (6 йилдан ортиқ) кредитга бўлинади. Кредитнинг тижорат, банк, давлат, истеъмол, халқаро, ипотека ва бошқа шакллари бор. Тижорат кредити – бир хўжалик юритувчи субъект томонидан берилади ва, одатда, вексель билан расмийлаштирилади. Банк кредити – жисмоний ва юридик шахсларга пул шаклида банклар томонидан берилади. Банк кредитининг форфейтинг, факторинг, харидорга қарз бериш каби кўринишлари бор. Давлат кредити – давлатнинг қарз берувчи ва қарз олувчи сифатида иштирокини назарда тутаяди. Давлат қарз берувчи сифатида банк тизими орқали бюджетдан тармоқ, ҳудуд, корхоналарни кредит ажратиб молиялаштиради. Қарз олувчи сифатида аҳолига давлат заёмлари, облигацияларини сотиш билан жисмоний ёки юридик шахслардан қарз олади, натижада ички давлат қарзи, чет давлатлардан олинган кредитлар ҳисобидан ташқи давлат қарзи пайдо бўлади. Истеъмол кредити – аҳолига истеъмол товарлари, хизматларни насияга сотиш, уй-жой қурилиши харажатлари учун, ломбардлардаги мулк гарови ҳисобига, ўзаро ёрдам кассаси қарзлари ва бошқа кўринишларда берилади. Халқаро кредит – муддатли, қайтимли ва фоиз тўлаш шартлари билан бир мамлакатдаги кредитор томонидан иккинчи мамлакатдаги қарз олувчига пул ёки товар шаклида бериладиган қарз, шунингдек, чет эл облигациялари, чет эл корхоналари акциялари ва бошқа қимматли қўғозларга фойда олиш мақсадларида капитал қўйиш. Кредит иқтисодиётда муҳим



вазифаларни бажаради, уларнинг орасида молия ресурсларини қайта тақсимлаш асосий ўринда туради. Кредит ёрдамида капитални бир тармоқдан иккинчисига, бир мулкдордан бошқасига оқиб ўтиши таъминланади. Шу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, маблағларни капитал қўйишнинг энг фойдали ва истикболли йўналишларида тўплаш имкониятлари юзага келади. Кредит ресурсларини банклар томонидан тартибга солиш механизмлари ёрдамида пул айланмаси торайтирилади ёки кенгайтирилади, тўловга қобил талабнинг қўпайиши ёки қисқариши юз беради, бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ривожига рағбат беради. Кредит муносабатларида унинг барқарор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун мамлакатда кредит сиёсати олиб борилади. Кредит хотин-қизларнинг молиявий мустақилликка эришишига ёрдам беради ҳамда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим восита ҳисобланади. Шу тариқа, аёллар ўз бизнесини бошлаш ёки кенгайтириш, уй-жой шароитларини яхшилаш ва янги касбий қўникмаларга эга бўлиш орқали ўз ҳаёт сифатини яхшилаш имконига эга бўладилар. Ўзбекистонда эҳтиёжманд хотин-қизларга имтиёзли кредитлар тақдим этилмоқда. Жумладан, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун тижорат банклари кредитлари, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга мўлжалланган кредитлар, ипотека кредити учун бошланғич бадални тўлаш, деҳқончилик, фермерлик ва иссиқхона қуриш учун кредитлар ҳамда имтиёзли таълим кредитлари ажратилади. Бу имтиёзли кредитлар хотин-қизларга ўзларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва шахсий турар-жойга эга бўлиш имконини яратади. Шунингдек, деҳқончилик ва фермерлик билан шуғулланиш, иссиқхоналарни ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ўз ўрнини топиш имконияти берилади. Имтиёзли таълим кредитлари эса хотин-қизларнинг таълим олишдаги имкониятларини кенгайтириб, уларнинг касбий ўсиши ва янги қўникмаларга эга бўлишига шароит яратади. Хотин-қизларга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли

жамғармаси ҳисобидан 3 йилгача ва 6 ойгача имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар ажратилиши белгиланган. Ушбу кредитлар аёлларнинг иқтисодий фаоллиги ва мустақиллигини оширишга қаратилган муҳим восита ҳисобланади. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали бериладиган имтиёзли кредитлар аёлларга тадбиркорлик йўналишида ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий имкониятлар яратади. Бу кредитлар ёрдамида аёллар ўз ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларини йўлга қўйиб, жамиятда иқтисодий роли ва иш ўринлари яратишда фаол иштирок этишлари мумкин.

Ипотека (юн. *hypothēke* – гаров) – қўчмас мулк (ер ёки бино)ни ссуда олиш мақсадида гаровга қўйиш. Бунда гаровга қўйилаётган мулк қарз берувчининг қўлига ўтмай, қарздор ихтиёрида қолади. Ўзбекистонда ипотекага хизмат кўрсатадиган махсус банк бор. Ипотека, асосан, уй-жой сотиб олиш учун қўлланиладиган қарз тури бўлиб, қарз олувчи (ҳаридор) уй сотиб олиш учун кредит олади ва бу кредитни гаров сифатида қўйилган қўчмас мулк орқали тўлайди. Қарзни тўлиқ тўлашгача қўчмас мулк банк ёки молиявий ташкилот гарови бўлиб қолади. Ипотека кредити муддати узоқ вақтни камраб олади (одатда, 15–30 йил), ва унда қарз олувчи ҳар ойда тўловлар амалга оширади. Бу тўловлар асосий қарз ва унга қўшимча фоизлардан иборат бўлади. Агар қарз олувчи кредит тўловларини ўз вақтида амалга оширмаса, банк уйни мусодара қилиш ҳуқуқига эга бўлади, яъни гаровга қўйилган мулкни сотиб, қарзни қоплашга ҳаракат қилади. Ипотека кредитлари ҳар бир мамлакатнинг банк тизими, қонунчилиги ва молиявий бозорига боғлиқ ҳолда турли шартларга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистонда ипотека кредитлари бўйича фоизлар уларнинг пул манбаларига қараб фарқланади: банкларнинг ўз маблағлари; молия вазирлиги томонидан банкларига ажратиладиган маблағлар; ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари. Ушбу турдаги ипотекаларнинг шартлари ва ставкалари турлича. Масалан, банклар ўз ҳисобидан ажратаётган кредитларда фоиз ставкалари юқорироқ – 22–26%. Давлат

маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган кредит ставкалари эса 17-19% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, давлат ипотекаси доирасида субсидиялар олиш мумкин. Яна бир катта фарқ – ставкаларнинг ўзгариши. Агар Марказий банкининг асосий ставкаси пасайтирилса, янги тартиб доирасида ажратилган кредитлар бўйича ставка ҳам мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади. 2024 йил ҳолати бўйича кредит ажратилиши юзасидан ариза, қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг паспорт нусхаси, уларнинг (агар мавжуд бўлса) даромадлари ҳақидаги маълумотнома: уй-жой қурган пудрат ташкилоти билан квартирани сотиб олиш тўғрисида тузилган шартнома, сотиб олинаётган уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари талаб этилади. Маълумки, бугунги кунда хотин-қизлар учун Халқ банки томонидан “Аёлларга кўмак” (18,0%) ипотека кредити таклиф этилмоқда.

Истеъмол кредити - истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун қайтаришлик шarti билан аҳолига бериладиган пул маблағлари ёки товарлардан иборат кредит. Одатда, аҳолининг қимматбаҳр товарларни харид этиши учун ажратилади. Узоқ фойдаланадиган товарлар (автомашина, уй, дала ҳовли, яхта ва ҳ. к.) борки, уларни харид этиш учун жорий даромадлар етишмай қолади, уларни нархи юқори бўлганидан насияга олиш зарурати пайдо бўлади. Истеъмол кредити бевосита (бунда товар эгаси уни харидорга ўз номидан насияга сотади ва харидорни ўзининг қарздорига айлантиради) ва билвосита (бунда кредитни банк беради, яъни товар ҳақини тўлаб юборади ва харидор товар эгасидан эмас, балки банкдан қарз бўлиб қолади) кредит бериш орқали амалга оширилади. Истеъмол кредити берилганда харидор учун товар нархи ошади, чунки у келажакда қайтариладиган пул таркибида товар нақдига сотиладиган нархдан ташқари қарз учун фоиз ҳам тўлайди. Аммо товарларни сотиш мушкуллашганда ва аҳолининг муайян қатламини қўллаб-қувватлаш зарур бўлганда фоизсиз кредит ҳам очилади. Масалан, талабаларга ўқиш ҳақини тўлаш учун истеъмол кредити очилганда фоиз ундирилмаслиги мумкин. Фирма ўз ишчиси ёки хизматчисига

товар олиш, ўқиш ёки даволаниш учун арзон ёки фоизсиз кредит беради. Истеъмол кредити истеъмолчини замонавий, лекин қимматбаҳо товарлардан баҳраманд этиш, кишиларда келажакда яхши даромад топишга интилиш ҳосил қилиш (чунки қарзни тўлаш қўшимча даромад талаб қилади) ва ички миллий бозорни кенгайтириш ҳисобига товарлар сотувини ошириб, капитал айланмасини тезлаштиради. Истеъмол кредити аёллар учун молиявий мустақилликка эришиш ва турли эҳтиёжларни қондиришда муҳим восита ҳисобланади. Қўплаб аёллар оилавий ва шахсий эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида, шу жумладан уй-жой, таълим, тиббий хизматлар ёки ўз бизнесларини ривожлантириш учун истеъмол кредитларидан фойдаланадилар. Истеъмол кредитлари аёлларга молиявий имкониятларини кенгайтириш, оилавий даромадларни тўғри тақсимлаш ва шошилишч харажатларни қоплаш имконини беради. Истеъмол кредити олиш аёлларга ўз шахсий молиявий мақсадларига эришишда ҳам ёрдам беради. Кредит воситалари уларга молиявий мустақилликка йўл очади, ўз бизнесларини бошлаш ёки кенгайтириш учун зарур капиталга эга бўлишларига ёрдам беради. Шу билан бирга, кредит тарихининг шаклланиши аёллар учун келгусида янада йирик молиявий операцияларни амалга ошириш имконини беради, масалан, ипотека кредити ёки инвестицияларни жалб қилиш.

КАСАНАЧИЛИК — тузиладиган меҳнат шартномасига мувофиқ жисмоний шахс (касаначи) томонидан ўз яшаш жойи бўйича ёки касаначига ёхуд унинг оила аъзоларига тегишли бўлган ёки касаначи томонидан ижарага олинган бошқа хоналарда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш борасида амалга ошириладиган ишдир. Касаначилик хунармандларнинг меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ўз уйида ишлаши, яшаш жойида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш. Касаначиликда махсус ташкилот ва корхоналар билан келишув, шартнома асосида буюртмалар бажарилади. Жамиятда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, қўшимча даромад топиш, иш

вақтининг қатъий белгиланмаганлиги, махсус биноларга эҳтиёж бўлмаслиги ва бошқа. Касаначиликнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди. Ривожланган мамлакатларда касаначилик кенг қўлланилади. АҚШда касаначилик усулида ишлайдиганлар сони 5 млн. кишидан ортиқ (2000). Японияда ҳатто электротехника, электроника, туризм каби тармоқларда ҳам кенг қўлланилади. Касаначиликда меҳнат фаолияти тўла бўлмаган иш куни турига киради. Оиладан, уй ишидан ажралиб корхона, ташкилотларда ишлаш имконияти бўлмаганлар ва ёрдамчи даромадга муҳтож шахслар учун касаначилик жуда қулай ҳисобланади. Касаначилик ўзига хос ташкил этишни талаб этади. Хом ашё, материалларни етказиб бериш, тайёр-маҳсулотларни олиб кетиш, ҳисоб-китобнинг белгиланган вақтда олиб борилиши зарур шарт ҳисобланади. Касаначиликнинг, айниқса, қишлоқ жойларида уй-рўзғор ишлари, оилада бола тарбияси билан банд бўлган ва ёрдамчи даромадга муҳтож аёллар учун ташкил этилиши аҳамиятлидир. Шу билан бирга бунга ногиронлар ҳам жалб этилиши мумкин. Ҳунармандчиликни ривожлантириш ва оиладаги ёшларни шогирдликка жалб этишда қўл келади. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари, оила ҳўжалиги тузилиши, ишлаб чиқариш воситалари шароитлари касаначилик ривожини таъминлайди. Ҳунармандчилик, айниқса, игна иши талаб этувчи тикувчилик, каштачилик, мебелсозлик ва бошқа учун касаначилик қулай. Касаначиларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган “Касаначилик тўғрисида”ги низоми (11.01.2006 йил тасдиқланган) белгиланган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда татбиқ этилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 16 ёшга тўлган жисмоний шахс касаначи бўлиши мумкин. Агар касаначиликнинг хусусияти касаначи билан яқка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома

тузиш заруратини тақозо этса, 18 ёшга тўлган шахсларнинг касаначиликни амалга оширишига йўл қўйилади. Касаначи томонидан ишларни бажариш иш берувчининг розилиги олинмаган ҳолда касаначининг оила аъзолари иштирокида (ёрдамида) амалга оширилиши мумкин. Бунда касаначининг оила аъзолари ва иш берувчи ўртасида яқка тартибдаги меҳнат муносабатлари юзага келмайди. Касаначи ўзига ёрдам берадиган оила аъзолари томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) сифати учун иш берувчи олдида жавобгардир. Касаначилик технология жараёни ва бошқа шарт-шароитлар уй шароитларида бутловчи буюмларнинг, ярим тайёр маҳсулотларнинг, маҳсулотларнинг ҳамда ишларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш имконини берадиган саноат тармоқларида ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкилотлар ҳамда уларнинг буюртмалари бўйича уйда товарлар ишлаб чиқараётган ёки хизмат кўрсатаётган ходимлар ўртасидаги кооперация асосида ташкил этилади. Ишсиз аҳолини, айниқса, аёллар ва меҳнатга лаёқатли ногиронларни иш билан таъминлашга қўмаклашиш, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелдаги ПҚ-214-сон Қарори қабул қилинган. Унга кўра, 2022 йил 1 июлдан бошлаб касаначиликни меҳнат шартномаси билан бир қаторда ишларни бажариш, товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, шу жумладан пудрат шартномаси асосида ташкил этишга рухсат берилди.

МЕҲНАТ – инсоннинг мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолияти; энг аввало табиат предметларини ўзгартириб, эҳтиёжга мослаштиришни билдиради. Меҳнат кишилик жамияти ҳаётининг асосий шarti, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Инсоннинг фаолияти туфайли меҳнат предметлари маҳсулотга айланади.

Аёллар меҳнати – бу аёлларнинг турли соҳалардаги меҳнат фаолияти бўлиб,

жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Аёллар таълим, соғлиқни сақлаш, саноат, хизмат кўрсатиш, савдо ва замонавий технологиялар каби соҳаларда ишлаб, меҳнат бозорида ўз ўрнини эгаллаб келмоқда. Аёллар меҳнати турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, иқтисодий тенглик ва меҳнат бозоридаги гендер мувозанатини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Аёллар, анъанавий касблардан ташқари, ҳозирги кунда технология, тадқиқот, ва STEM соҳаларида ҳам ўз иштирокини кенгайтириб, юқори малакали лавозимларда ишламоқдалар. Ўзбекистонда аёллар меҳнати ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинган бўлиб, меҳнат жойида тенглик ва камситишлардан ҳимоя қилиш чоралари жорий этилган. Шу билан бирга, аёллар меҳнатига қўллаб-қувватловчи ижтимоий хизматлар ҳам зарур, чунки аёллар ишлаш билан бирга кўпинча оилада болаларга ва кексаларга қараш, уй ишларини олиб бориш мажбуриятларини ҳам бажарадилар. Кўпгина давлатлар аёллар учун бола парвариши таътили, болалар боғчаси хизматлари ва масофадан туриб ишлаш имкониятларини яратиш орқали уларнинг меҳнат бозорида фаол иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аёлларнинг иш билан таъминланганлик даражасини оширади, уларнинг даромад имкониятларини кенгайтиради ва жамиятда иқтисодий барқарорликка ёрдам беради. Аёллар меҳнатининг кенгайиши жамиятнинг умумий фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади ва гендер тенглигига ёрдам беради.

МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ, касб гигиенаси – гигиенанинг бир бўлими. Меҳнат жараёнлари ва ишлаб чиқариш муҳитининг одам организмига таъсирини ўрганади ҳамда қулай меҳнат шароитини яратиш ва касб касалликларининг олдини олиш учун гигиена меъёрлари ва тадбирларини ишлаб чиқади. Ҳар қандай жойдаги меҳнат шароитлари ишлаб чиқариш жараёни технологиясига ва иш ўринларида яратиладиган санитария-гигиена шароитларига боғлиқ. Жисмоний меҳнат жараёнида, асосан, одам мускулларига, ақлий меҳнатда эса асабий-руҳий томондан зўр келади. Техника

ривожланиб, ишлаб чиқариш жараёнлари мукаммалашган сари жисмоний меҳнат ўрнини ақлий меҳнат эгаллади ва ақлий меҳнат жараёнларини кўпроқ ўрганишга эҳтиёж туғилди. Ишлаб чиқаришнинг санитария-гигиена шароитлари деганда ишловчи кишининг атрофидаги бутун вазият, жумладан, унга таъсир қилиши мумкин бўлган кимёвий моддалар, чанг, шовқин, вибрация, ионлаштирувчи нурлар, шунингдек, ҳаво ҳарорати, намлиги, ҳаракатнинг тезлиги, хоналар ёки бошқа иш жойининг ёритилиши, микроорганизмлар кўп-камлиги ва бошқалар тушунилади. Кишини муҳофаза қилинадиган тегишли чоралар кўрилмаса, мана шу омилларнинг ҳар бири ёки бир нечтаси бирга саломатликка зиён етказиши мумкин. Меҳнат гигиенасининг асосий вазифаси ҳам ана шу ноҳўя таъсирлар олдини олишдан иборат. Меҳнат шароитларини яхшилаш Ўзбекистон Республикасида умумдават вазифаси ҳисобланади. “Ўзбекистон Республикаси давлат санитария назорати тўғрисидаги низом”га мувофиқ, меҳнат гигиенаси соҳасида давлат санитария назоратининг бажарадиган асосий вазифаси санитария қонунларига риоя қилинишини кузатиб боришдир. Меҳнат гигиенасида назорат олиб бориш учун турли усуллардан фойдаланилади. Шулардан асосийси санитария-гигиена текширувларидир. Об-ҳавога тегишли омиллар; ҳавонинг ифлосланиш даражаси, вибрация, шовқин, радиоактив нурларни ўлчаш ва бошқа ишларда шу метод қўлланади. Бундан ташқари, физиологик, статистик ҳамда экспериментал текширув усуллари ҳам бор. Меҳнат гигиенаси ишлаб чиқаришда одам организмининг физиологик ва биологик талабларига ҳаммадан кўра кўпроқ мувофиқ келадиган гигиена нормативларини белгилаб олиш мақсадида организм билан ишлаб чиқариш муҳити ўртасида бўлиб турадиган ўзаро таъсир қонуниятларини ҳам ўрганади. Мамлакатда жорий этилган тартиб-қоидага мувофиқ, ишлаб чиқариш омилларининг биронтаси ҳам йўл қўйиладиган нормадан ёки энг катта концентрациядан ортиқ бўлмаслиги, ишловчилар уларга чексиз узоқ вақт давомида яқин юрганида омиллар ўша одамларга муайян касаллик ёки сезиларли



бирор ўзгариш пайдо қилмаслиги керак. Меҳнат гигиенаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган махсус давлат нормативлари, йўриқнома ва кўрсатмаларига амал қилган ҳолда олиб борилади.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора-тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади. Аёллар меҳнат муҳофазаси – аёлларнинг иш жойида хавфсизлик, саломатлик ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ва ташкилий чора-тадбирлар тизимидир. Аёллар меҳнат муҳофазаси нафақат уларнинг физик хавфсизлигини таъминлаш, балки меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни дискриминациядан ҳимоя қилиш ва махсус меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Аёллар меҳнатини муҳофаза қилишнинг асосий жиҳатлари: 1) Аёллар иш жойларида хавфли ва оғир меҳнат шароитларидан ҳимоя қилинади. Ҳомиладор аёллар ва ёш болалари бор аёллар учун иш шароитлари алоҳида тартибга солинади, уларга енгил иш берилиши ёки иш вақти қисқартирилиши мумкин. Бундан ташқари, хавфли саноатларда, масалан, оғир саноат ва кимёвий ишлаб чиқаришларда аёллар меҳнати махсус муҳофаза қилинади. 2) Аёллар меҳнат кодексига мувофиқ, тенг иш учун тенг маош талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, болали аёллар учун махсус таътилар, масалан, туғруқ таътили ва болаларни парваришлаш таътиллари қонунчиликда белгиланган. Бу уларнинг оилавий мажбуриятларини иш билан мувозанатлаштиришга ёрдам беради. 3) Аёллар меҳнат бозорида дискриминациядан ҳимоя

қилинади, яъни жинсга асосланган маош, лавозим ёки иш шартларида тенгсизликка дуч келмасликлари керак. Бу қонунчилик асосида кафолатланади ва иш берувчилар гендер тенглиги қоидаларига риоя қилишлари шарт. 4) Аёлларга оилавий вазифалар ва ишлашни мувозанатлаштириш учун махсус шарт-шароитлар яратилади. Масофадан ишлаш, қисқартирилган иш куни ва флексибил иш вақти каби имкониятлар болали аёлларга ишлаш учун қулай бўлишига ёрдам беради. 5) Аёллар меҳнат муҳофазаси Ўзбекистондаги Меҳнат кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг иш жойларида тенгликни таъминлаш ва уларни қонунчилик асосида қўллаб-қувватлаш вазифаларини бажаради. Аёллар меҳнат муҳофазаси тизими иш шароитларини яхшилашга, меҳнатдаги тенгликни таъминлашга ва аёлларнинг касбий ва шахсий ҳаёти ўртасидаги мувозанатни сақлашга қаратилган бўлиб, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

МЕҲНАТ КОДЕКСИ – Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солувчи ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар гендер жиҳатларида адолатни таъминлаш бўйича мутлоқо янги механизм яратилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, истеъдоди ҳамда қобилиятини юзага чиқариш, гендер тенгликка эришиш миллий сиёсатимизда устувор вазифа сифатида белгиланиб, изчил амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги белгиланиб, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида

ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди. Ҳомиладорлик ёки фарзанд кўриш билан боғлиқ сабабларга кўра аёлларни ишга қабул қилишдан, ишдан бўшатишдан ва иш ҳақини камайтиришдан бош тортиш тақиқланиши белгиланди. 2024 йилнинг 30 апрель куни кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида бутун боб хотин-қизлар ва оилавий вазифаларни бажариш билан шуғулланувчи шахслар меҳнатини тўғри тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Меҳнат кодексининг 4-моддасига мувофиқ ҳар ким меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эга эканлиги белгиланди. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 20-моддасига мувофиқ меҳнат ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлиш лаёқати (меҳнатга оид ҳуқуқ лаёқати) ҳамда фуқаронинг (жисмоний шахснинг) ўз хатти-ҳаракатлари орқали меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун меҳнат мажбуриятларини олиш ва уларни бажариш лаёқати (меҳнатга оид муомала лаёқати) Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун тенг равишда эътироф этилади. Шу билан бирга Меҳнат кодексининг 25-бобида “Ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кучли ҳимоя қилинишга муҳтож шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари” белгиланган бўлиб, бунда аёлларнинг ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган (392-410 моддалар). Хусусан, ҳомиладорлиги ёки фарзандлари борлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этишни ёки иш ҳақи миқдорини камайтиришни тақиқлаш; аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар; ҳомиладор аёлларни енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш; тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ҳамда ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларда ҳомиладор

аёллар ва болалари бор шахслар меҳнати қўлланилишининг ҳамда уларни хизмат сафарига юборишнинг ўзига хос хусусиятлари; ҳомиладор аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш; меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида ҳомиладор аёллар учун кафолатлар ва бошқа бир қанча нормалар белгиланган. Давлат касб эгаллашда ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва бандлик шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғоналари бўйича кўтарилишда ҳар кимга имкониятлар тенглиги яратилишини кафолатлайди. Шунингдек, Меҳнат кодексида тенг қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўланишини таъминланади. Иш берувчининг ўз молиявий аҳволидан қатъий назар, қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ ходимлар томонидан бажарилган иш учун ҳақ тўлаши шарт. Иқтисодиётдаги тенглик, шунингдек, кўпроқ аёлларнинг ишчи кучи билан шуғулланишини англатади, бу эса кўпроқ фаровонлик ва маҳсулдорликка олиб келади.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ – шахсни ўз хоҳиш-иродасига қарши тарзда меҳнат қилишга мажбурлашдир. Мажбурий меҳнат инсон ҳуқуқларини бузишнинг оғир шаклларида бири ҳисобланади ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда миллий қонунчилик томонидан тақиқланган. Мажбурий меҳнат жисмоний зўравонлик, таҳдид, қарз қарздорлиги ёки бошқа турдаги тазйиқлар орқали амалга оширилиши мумкин. Мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шакли инсоннинг эркинлиги ва ҳуқуқларига қарши қаратилган бўлиб, унинг қонунчилиги ҳар қандай жамиятда маъқулланиши мумкин эмас. Мажбурий меҳнат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва бошқа норматив ҳужжатларида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро мажбуриятларини бажариш доирасида Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO)нинг мажбурий меҳнатга қарши конвенцияларини ратификация қилган. Мажбурий меҳнатга оид қонунбузарликлар учун жиноий жавобгарлик



назарда тутилган. Ўзбекистонда “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенцияси 1930 йил 28 июнда қабул қилинган (30.08.1997 йилда ратификация қилинган); “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенцияси 1957 йил 25 июнда қабул қилинган (1997 йил 30 августда ратификация қилинган); “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенциясининг Баённомаси 2014 йилда қабул қилинган (2019 йил 25 июнда ратификация қилинган); “Саноат ва савдодаги меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 81-сонли Конвенция 1950 йил 7 апрелда қабул қилинган (2019 йил 27 августда ратификация қилинган); “Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 129-сонли Конвенция 1972 йил 19 январда қабул қилинган (2019 йил 27 августда ратификация қилинган). Мажбурий меҳнат инсоният тарихида узоқ вақт давомида мавжуд бўлган. Қуллик, феодал мажбурий меҳнат ва бошқа шакллар инсон ҳуқуқларини поймол қилган ҳолда турли жамиятларда қўлланилган. Индустрал инқилоб даврида ва ундан кейинги вақтларда мажбурий меҳнатга қарши кураш кучайган ва халқаро майдонда унинг тақиқланиши муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, XX асрда Халқаро меҳнат ташкилоти мажбурий меҳнатга қарши бир неча конвенциялар қабул қилди ва бу конвенциялар кўплаб давлатлар томонидан ратификация қилинди. Мажбурий меҳнатга қарши курашда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат муносабатларини ташкил этишда ишчиларнинг эркинлиги ва хавфсизлиги таъминланиши керак. Иш берувчилар ва давлат органлари мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўришлари лозим. Мажбурий меҳнатга учраган шахсларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ҳуқуқларини тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Мажбурий меҳнатга қарши курашда жамоатчилик, давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим рол ўйнайди. Мажбурий меҳнатга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш ва бу каби қонунбузарликларнинг олдини олиш учун таълим ва тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Аёлларга нисбатан ажбурий меҳнат

турли шаклларда бўлиши мумкин, масалан, қарзни тўлаш ёки ҳуқуқлардан маҳрум этилганлик орқали меҳнатга жалб қилиш, алдаш ёки зўрлик ишлатиш. Аёллар мажбурий меҳнати айниқса иқтисодий жиҳатдан ночор ёки ҳуқуқий ҳимоясиз бўлган аёллар орасида кўпроқ учрайди. Бундай меҳнат тури кўпинча инсон ҳуқуқларининг кўпол бузилишига олиб келади ва аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда шахсий ҳаётларига катта салбий таъсир кўрсатади. Аёллар мажбурий меҳнати, шунингдек, гендер тенгсизлиги, саводсизлик, таълимга кириш имкониятининг чекланганлиги ва иқтисодий заифлик туфайли кучайиши мумкин. Мажбурий меҳнат шароитида аёллар кўпинча ҳимоясиз бўлиб, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилади, маошлари тўланмайди ёки улар жуда оғир ва хавfli иш шароитига дуч келадилар. Жаҳон миқёсида давлатлар ва инсон ҳуқуқлари ташкилотлари мажбурий меҳнатга қарши курашишга интилишмоқда, лекин бу муаммонинг тубдан ечим топиши учун қонунчилик кучайтирилиши ва аёлларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши зарур.

ТАДБИРКОРЛИК – капитал сарфлаб товар ва хизматлар яратиш билан фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият, бизнеснинг асосий тури; тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулккий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир. Тадбиркорлик ноёб қобилият, ер, меҳнат, капитал, ахборотлар билан бир қаторда иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг бош омилларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик бизнесга киради, лекин ҳар қандай бизнес тадбиркорлик бўлавермайди. Бизнесда товар ва хизматлар яратилиб, бозордаги талаб қондирилганда тадбиркорлик фаолияти юзага келади. тадбиркорлик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалсада, тадбиркорлик тушунчаси 18-асрда пайдо бўлган ва кўпинча “мулкдор” ибораси билан бир маънода қўлланилган. Хусусан, А. Смит тадбиркорни фойда олиш учун биронбир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида таваккалчилик билан иш кўрувчи

мулкдор деб тавсифлайди. Ҳозирги замон Ғарб адабиётида ҳам тадбиркорлик фойда олиш мақсадида хўжалик юритиш санъати, иқтисодий ва ташкилий ижодкорлик ва ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, новаторлик, хавф-хатарга доим тайёр туриш каби белгилар билан тавсифланади. Тадбиркорлик қуйидаги тамойилларга таянади: бозор талабига кўра мустақил иқтисодий фаолият олиб бориш; фойда олишдан иборат мақсадга эга бўлиш; иқтисодий масъулият ва мажбуриятни ўз зиммасига олиб, таваккалига иш кила билиш; янгиликка интилиш; белгиланган қонунқоидаларга риоя қилиш; тадбиркорлик сирини саклаш; ижтимоий масъулиятни ҳис этиш, яъни ўз жамоаси, халқи фаровонлигини таъминлашни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб билиш ва бошқа. Ўзбекистонда тадбиркорлик тарихан кўҳна ҳодиса ҳисобланса-да, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ўтказилган иқтисодий ислохотлар натижасида 20-асрнинг 90-йилларидан бошлаб кичик ва ўрта савдо, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарининг хусусийлаштирилиши муносабати билан хусусий тадбиркорлик анча ривожланди.

Аёллар тадбиркорлиги – бу аёлларнинг фойда олиш мақсадида ўз иқтисодий фаолиятини бошлаш, ривожлантириш ва иқтисодий мустақилликка эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатидир. Аёллар тадбиркорлиги жамиятда янги иш ўринлари яратиш, турли хизмат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда инновацион ғояларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Тарихан тадбиркорликнинг кўпгина соҳаларида аёллар иштироки чекланган бўлса-да, ҳозирги кунда давлатлар ва халқаро ташкилотлар аёлларнинг бизнесга кириши ва унда муваффақиятли фаолият юритишини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли грантлар, микрокредитлар, маслаҳат хизматлари ва бизнес ўқув курслари орқали қўмаклашмоқда. Ўзбекистонда ҳам аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун махсус дастурлар ва ислохотлар амалга оширилмоқда. Аёлларга ўз тадбиркорлигини бошлаш учун имтиёзли кредитлар, молиявий ёрдам ва грантлар ажратиш, қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган махсус чоралар

жорий қилинган. Шунингдек, уларнинг бизнес билимларини ошириш учун турли тренинглар, маслаҳат хизматлари ва бизнесга оид ўқув дастурлари ташкил этилмоқда. Бу чоралар аёлларнинг тадбиркорликка жалб қилиниши ва уларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини оширишга қаратилган. Аёллар тадбиркорлиги нафақат уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди, балки жамиятда тенг имкониятлар ва гендер тенглигини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Маълумки, 19 ноябрь - Аёллар тадбиркорлиги куни сифатида дунёнинг 144 мамлакатига кенг нишонланади. Ташаббуснинг мақсади аёлларга иқтисодий жараёнларда иштирок этиш имконини бериш, етакчи, ихтирочи, янгиликка интилувчи ва тадбиркор аёллар ҳамжамятини ташкил этиш, иқтисодий ўсиш ва янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда мамлакатдаги камбағаллик даражасини қисқартириш, гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022 йил бошида жами фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари таркибида аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар улуши 11,3% ни ташкил этди. Мамлакатда аёллар тадбиркорлиги учун яратилган кўплаб имконият ва имтиёزلарга қарамай, “2020 йилда аёлларнинг тадбиркорлик фаоллиги индекси (WBL) бўйича жаҳонда 139-ўринни эгаллади”. Ваҳоланки, тадбиркор аёллар бутун дунё бўйича фаол ўсаятган тадбиркорлик субъектларининг учдан бирини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” номли 69-мақсад таркибида “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш” вазифаси белгилаб берилган.

“ТАДБИРКОР АЁЛ” ЎЗБЕКИСТОН ИШ-БИЛАРМОН АЁЛЛАР АССОЦИАЦИЯСИ.

Ушбу ассоциация 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган дастлабки нодавлат-нотижорат ташкилот-



лардан бири ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, молиявий, таълим ва ахборот ресурслари билан таъминлашда уларга кўмак кўрсатишдан иборат бўлган. 1991 йилдан 2005 йилгача ассоциация аёлларнинг бизнесини бошлаш, уларга кўмаклашиш учун керакли тузилмаларни яратди. Ассоциациянинг асосий мақсадларидан бири аёлларни иқтисодий мустақилликка эришишга кўмаклашишдир. Бунинг учун ассоциация малакали кадрлар тайёрлаш, бизнесни бошқариш бўйича таълим бериш ва тадбиркорлик соҳасидаги билимларни оширишга қаратилган турли семинарлар, тренинглар ва форумларни ташкил қилади. Шунингдек, аёл тадбиркорлар учун молиявий ресурсларга киришни осонлаштириш ва уларга инвестицияларни жалб этишда амалий ёрдам кўрсатади. Ассоциация ўз фаолияти давомида аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорликда учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш ва қонунчиликка ўзгаришлар киритишда ташаббускор бўлиб, давлат органлари билан ҳамкорлик қилади. Шу билан бирга, аёлларни рақамли технологиялар ва инновацияларга ўргатишга катта эътибор қаратади, бу эса уларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Жумладан, Бозор кўникмаларини ривожлантириш ўқув маркази, Бизнес алоқалар ўрнатиш маркази ва бизнес инкубаторлар ташкил этилди. Бу марказлар фаолияти Европа Иттифоқи лойиҳалари ва БМТ кўмагида амалга оширилди. Ассоциация тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёлларимиз учун Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда уларни, энг аввало, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва адабиётлар билан таништириш учун методик қўлланмалар яратиш келади. Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёллар учун “Қорхоналар ташкил этишда “А”дан “Я”гача”, “Аёллар тадбиркорлигининг муваффақиятли ташаббуслари”, Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий мавқеини оширишда кўмак кўрсатиш лойиҳаси доирасида “Аёллар тадбиркорлигининг таҳлилий шарҳи”,

тадбиркорлар учун “Маҳсулдорлик ва рақобатбардошлилик” каби ўқув қўлланмалари тайёрланган ва чоп этирилган. Бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган кишлоқ ёшлари учун содда ва раво тилда “Тадбиркорлик алифбоси” яратилган. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ассоциациянинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ассоциация халқаро ташкилотлар, инвесторлар ва бошқа мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиб, аёл тадбиркорларнинг халқаро майдонда фаолият юритиш имкониятларини оширади. Миллий ва халқаро кўргазмалар, бизнес форумлар ва тадбирлар орқали аёл тадбиркорлар ўз маҳсулот ва хизматларини кенг намойиш қилиш имконига эга бўладилар. Хулоса қилиб айтганда, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси аёлларнинг тадбиркорликдаги фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим платформа ҳисобланади. Ассоциациянинг фаолияти жамиятнинг иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшиш, аёлларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш ва гендер тенглигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

ФЕРМЕР АЁЛЛАР – кишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатиб, ўз деҳқончилик ёки чорвачилик фаолиятини бошқараётган аёллардир. Улар ерда ишлаб чиқариш, маҳсулот етиштириш, чорва боқиш ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга чиқариш билан шуғулланади. Аёл фермерлар кишлоқ жойларидаги иқтисодий ривожланиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадилар, шунингдек, ўз оилалари ва маҳаллий жамоалар учун иш ўринлари яратишга ҳисса қўшадилар. Ўзбекистонда ҳам аёллар фермерлик соҳасида фаол иштирок этиб, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳисса қўшмоқдалар. Улар учун махсус кредит линиялари, ўқув дастурлари ва ресурсларга кириш имкониятлари мавжуд бўлиб, бу уларга фермерлик фаолиятини ривожлантиришда ёрдам беради. Аёл фермерларни қўллаб-қувватлаш учун ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан турли дастурлар жорий қилинмоқда. Масалан, микрокредитлар,

грантлар, ресурслар ва техникадан фойдаланиш имкониятлари аёл фермерларга фермерлик фаолиятини кенгайтириш ва даромадларини оширишга ёрдам беради. Шунингдек, уларнинг агротехника, бизнесни бошқариш ва маркетинг соҳаларидаги билимларини ошириш учун тренинг ва маслаҳат дастурлари ўтказилади. Аёл фермерларнинг меҳнат бозорида фаол иштироки нафақат уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлайди, балки қишлоқ жойларида барқарор ривожланиш ва гендер тенглигини таъминлашга хизмат қилади. Муротова Лола Неъматовна (1958-2022) қишлоқ хўжалигида 40 йилдан ортиқ меҳнат қилган аёл сифатида танилган. Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиши билан биринчилардан бўлиб „Нурли обод“ фермер хўжалигига асос солиб, уни умрининг охирига қадар бошқарган ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ярим асрдан ортиқ меҳнат қилиб, ғалла етиштириш сирларини пухта ўзлаштирган тажрибали деҳқон сифатида машҳур бўлган.

ХУНАРМАНДЧИЛИК – миллий-анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат қуроллари ёрдамида якка тартибда ва қўл меҳнатига асосланган саноат тури; шундай маҳсулотлар тайёрладиган касбларнинг умумий номи. Йирик саноат ишлаб чиқариши вужудга келишига қадар кенг тарқалган, айрим соҳалари кейин ҳам сақланган. Кам ривожланган мамлакатларнинг халқ хўжалигида ҳозир ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Хунармандчилик инсоннинг и.ч. фаолияти билан вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида аста-секин деҳқончилик чорвачиликдан ажралиб чиқди, турли ижтимоий-тарихий даврлар доирасида техника ривожини билан алоқадор ҳолда такомиллаша борди, турли ихтисосликлар (кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, кемасозлик, тунукасоzлик ва б.)га ажралди. Хунармандчилик қандай табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб, мас, пахта ва пилла бор ерда тўқимачилик, сифатли хом ашё бор ерда (масалан, Риштонда)

кулолчилик, жун ва тери кўп ерда тўқимачилик ва кўнчилик, шунга қараб косибчилик, ўрмонлар кўп ерда ёғочсоzлик маъданларга бой ерларда металл ишлаб чиқариш ва темирчилик, денгиз ва дарё бўйларида кемасозлик ва бошқалар ривож топган. Хунармандчиликнинг 3 тури шаклланган: 1) уй хунармандчилиги; 2) буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик; 3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли фармон билан 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб хунармандчилик субъектлари, “Хунарманд” уюшмасининг аъзолари хунармандчилик фаолияти маҳсулотларини (товар, иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилиши тартиби ўрнатилган. Ушбу уюшмага аъзо хунармандлар ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловидан озод этилди. Шунингдек, қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадалининг 50 фоизини тўлайди. Ўзбекистонда аёллар хунармандчилиги жуда ривож топган. Айниқса, тикувчилик ва тўқувчилик аёллар ўртасида кенг оммалашган.

Тикувчилик – касб-хунар тури; кийим-кечак: кўрпа-тўшак ва бошқа буюмларни тикиш касби. Тикувчилик буюмлари деҳқончилик билан шуғулладиган халқларда кўпроқ ўсимлик толаларидан тўқилган газламалардан, чорвадор халқларда аксарият жун газлама ва теридан тикилган. 19-асргача барча халқларда, жумладан, Ўрта Осиё халқларида ҳам тикувчилик ишлари қўлда бажарилган. Баъзи соҳаларда бу касб намуналари юксак санъат даражасига кўтарилган (масалан, гул-кўрпа, зарбоф тўн, чойшаб, жияк ва ҳ. к.). Турли даврларда



тикувчиликдан мустақил касб сифатида этикдўзлик, маҳсидўзлик, пўстиндўзлик, дўппидўзлик, каштадўзлик, гиламчшшк ва бошқа кўплаб касб турлари ажралиб чиққан. 19 асрнинг иккинчи ярмидан Европа мамлакатларида тикувчиликда махсус тикув машиналари кенг қўлланила бошлади, кейин бошқа ҳудудларга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам тарқалди. Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда тикувчилик ҳунармандчиликдан енгил саноатнинг йирик тармоғига айланди. Замонавий техника билан ускуналанган корхоналар ташкил этилди, маҳаллий тикувчи, косиб ва бошқа ҳунармандлар тикувчиликнинг

янги техникасини ўзлаштирдилар. Тикувчилик соҳаси аёллар учун анъанавий ва кенг тарқалган касб бўлиб, у турли хил кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари ва декоратив маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Бу соҳадаги бандлик аёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий мустақиллигини оширишда муҳим рол ўйнайди, чунки тикувчилик орқали аёллар даромадга эга бўлади ва ўз меҳнат маҳоратини ривожлантириш имконига эга бўлади. Тикувчиликда аёллар бандлиги уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бирга қишлоқ жойларида иш ўринларини яратиш ва жамиятнинг умумий иқтисодий фаровонлигига ҳисса қўшади.



АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА ТИББІЙ МАДАНИЯТИ

АБОРТ (лотинча abortus – бола ташлаш) – аёлларда ҳомиладорликнинг дастлабки 22 ҳафтасида бачадондан ҳомила тушиши ҳисобланади. Аборт эрта (ҳомиладорликнинг 12 ҳафтасигача) ва кечикиб (12 – 22 ҳафта ичида бола тушиши) содир бўлиши мумкин. Аборт сунъий ва ғайриихтиёрий абортга бўлинади. Ғайриихтиёрий аборт (бола ташлаш) сабаблари: 1) ўткир ва юқумли касалликлар, масалан, терлама, безгак, бруцеллёз, захм ва б.; 2) она билан ҳомила қони резус факторининг мос келмаслиги (она қонида резус фактор манфий, ҳомилада эса мусбат бўлиши); 3) умумий касалликлар (юррак, қон томирлари, ўпка ва нафас аъзолари, буйрак, эндокрин без касалликлари); 4) жинсий аъзо касалликлари (тухумдон фаолиятининг бузилиши, бачадоннинг яллиғланиши); 5) аёл таносил аъзосининг етарли ривожланмаганлиги (инфантилизм); 8) турли шикастлар (ҳомиладорлик вақтида йиқилиш, оғир юк кўтариш, лат ейиш ва ҳоказо); ҳомиладорнинг бирор нарсадан қаттиқ кўркиши, ҳаяжонланиши, алкоголь ва тамаки маҳсулотларни суистеъмол қилиш. Ғайриихтиёрий аборт ҳомиладорликнинг кўп учрайдиган асоратларидан бири ҳисобланади, дунё статистикаси бўйича барча ҳомиладорликнинг 10-20 гача фоизини ташкил этади ва у 80% ҳолатларда эрта аборт ҳисобига бўлади. Агар аёлда 22 ҳафтагача 2 ва ундан ортиқ ғайриихтиёрий аборт рўй берса одатий бола ташлаш ҳисобланади ва аёл махсус даволаниши зарур бўлади. Ғайриихтиёрий аборт рўй берганида аёл албатта акушер-гинекологга мурожаат қилиши керак, чунки, тугалланмаган абортда бачадондан кўп миқдорда қон кетиб қолиши ёки тўлиқсиз аборт ҳолатларида инфекция ривожланиши, натижада бачадон ва бошқа жинсий аъзолар ҳамда қорин пардаси яллиғланиши мумкин, ҳомиладорнинг иситмаси

кўтарилади, хатто сепсис бўлиши мумкин. Септик аборт да эса микроблар она организмга қон орқали тарқалади, беморнинг аҳволи оғир бўлади; ўз вақтида чора кўрилмаса, она нобуд бўлиши мумкин.

Сунъий аборт - ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш, аёлнинг ўз истаги ёки соғлиғига қараб ҳомиладорликнинг 12-ҳафтасига қадар, тиббий сабабларга кўра эса бундан кечроқ муддатларда ҳомиладорликнинг 22-ҳафтасигача фақат стационарларнинг акушерлик бўлимида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги “Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида” ЎРҚ-528-сон қарорининг 18 моддасига мувофиқ “Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш: ҳомиладорликнинг ўн икки ҳафтагача бўлган муддатида аёлнинг хоҳишига кўра; ҳомиладорнинг ҳаётига хавф солувчи тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганида ҳомиладорлик муддатидан қатъий назар амалга оширилади. Тиббиёт муассасалари тиббий кўрсатмаларга кўра ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш тўғрисида ёки ҳомиладорликни тўхтатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган аёлни унинг соғлиғи учун ҳар қандай эҳтимол тутилган салбий оқибатлар ҳақида хабардор этиши шарт”, деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистонда шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила тушириш таъқиқланади ва жиноят ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1995 йил 114-модда). Аёлни абортга мажбур этган шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилади (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 115-модда). Ҳомиладорликни сунъий



равишда тўхтатиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади, унга асосан ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш қандай усулда бўлишидан қатъий назар тиббиёт муассасасининг акушерлик бўлимида стационар шароитда амалга оширилиши белгилаб берилган.

Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш фақат шифокор тавсияси асосида амалга оширилиши керак. Ҳомиладорликни мустақил равишда тўхтатиш онанинг саломатлиги ва ҳаёти учун хавф туғдиради. Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш акушерлик-гинекологик муассаса томонидан эр ва хотиннинг ёзма розилиги билан, эр бўлмаган тақдирда аёлнинг ўз розилиги ёки ота-онасининг розилиги ёхуд у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда бошқа қонуний вакиллариининг ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатишни қўллаш бўйича ихтиёрий розилик аризасига асосан амалга оширилади. Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш истагида бўлган аёл албатта ўзининг оилавий шифокорига ва унинг йўлланмаси асосида Аёллар маслаҳатхонасига мурожаат қилиши керак.

АЁЛ САЛОМАТЛИГИ – аёлнинг жисмоний ва руҳий фаровонлиги билан боғлиқ турли жиҳатларни қамраб олади. Бу ёш қизчалик давридан бошлаб барча ёш гуруҳидаги аёлларни ўз ичига олади. Аёл саломатлигининг айрим турлари қуйидагилардан иборат: Репродуктив саломатлик: аёл репродуктив тизими саломатлиги унинг умумий саломатлигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу бачадон, тухумдонлар, тухум ва бутун репродуктив жараёни ўз ичига олади. Бунда тизимли гинекологик кўриклар, бачадон ва кўкрак беzi саломатлиги назорати, оилани режалаштириш ва ҳомиладорлик муаммоларини бартараф қилиш зарур. Менструал саломатлик: мунтазам ва оғриқсиз менструал цикл аёл саломатлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Нотўғри ёки оғриқли менструал цикл аёл саломатлигидаги муаммолар сабабли бўлиши мумкин, шунинг учун гинеколог маслаҳатига бориш керак. Ҳомиладорлик саломатлиги: ҳомиладор аёл ва унинг ҳомиласининг саломатлиги ниҳоятда муҳим. Бунинг учун аёл тўғри овқатланиши,

оптимал кун тартиби ва ҳимояланган жисмоний фаолликка риоя қилиши, саломатлик ҳолатини баҳолаб туриш учун шифокор назоратида бўлиши керак. Саратоннинг олдини олиш: кўкрак беzi ва бачадон бўйни саратони аёллар орасида энг кенг тарқалган онкологик касаллик ҳисобланади. Мунтазам кўрик ва скрининг текширувлар касалликни эрта аниқланиши ва самарали даволанишига ёрдам беради. Юрак саломатлиги: аёлларда ҳам юрак қон-томир касалликларига чалиниш хавфи бор. Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан чекланиш, семизликдан воз кечиш юрак қон-томир касалликлари профилактикасида муҳим ўрин эгаллайди. Суяк саломатлиги: остеопороз - бу суяклар зичлигини йўқотиши билан боғлиқ касаллик ҳисобланиб, аёллар менопаузадан кейин у билан тўқнашади. Шифокор тавсиясига кўра кальций ва Д витаминига бой маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳамда препаратларини қабул қилиш, меъёргаги вазн назорати ва жисмоний фаоллик муаммоларни бартараф қилишда ёрдам беради. Руҳий саломатлик: аёллар руҳий саломатлиги унинг умумий фаровонлигида ҳам муҳим рол ўйнайди. Депрессия, хавотир-ташвишланиш ва овқатланиш тартибини бузилиши кўпроқ аёлларга хос. Бундай пайтда руҳий саломатликни қўллаб-қувватлаш ва терапевтик муолажалар асқотади. Асосийси, аёл ўз саломатлигига масъул бўлиши ва уни муҳофаза қилишда етакчи бўлиши керак. Доимий тиббий кўриклар, тавсияларга риоя қилиш ва заруратга кўра дарҳол мурожаат қилиш жуда муҳим.

АЁЛЛАР ГИНЕКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРИ – хотин-қизлар организмнинг анатомик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ касалликлар бўлиб, гинекология фани ўрганади. Бу касалликлар жинсий органлар ва тизимга тегишли бўлса-да, у бутун организмга таъсир қилади. Барча аъзо ва тизимлар бир-бири билан узвий боғлиқлиги туфайли аёллар гинекологик касалликларига бутун организмнинг касаллиги деб қараш лозим; гинекологик касалликлар ўз навбатида бошқа аъзо ва тизимлар касалликлари оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Бунда

турли специфик ва носпецифик инфекциялар, болаликда ўтказилган касалликлар, эндокрин хасталиклар, моддалар алмашинуvinинг бузилиши, ҳаётий муҳим аъзолар патологияси асосий аҳамиятга эга. Аёллар гинекологик касалликлари бир неча гуруҳларга бўлинади: яллиғланиш касалликлари, ҳайз фаолиятининг бузилиши, ўсма касалликлари, жинсий аъзолар ривожланиши ҳамда жойлашуви анамалияси ва ҳоказо. Хотин-қизларда кўпроқ яллиғланиш касалликлари кузатилади. Бу кўп жиҳатдан репродуктив тизим функцияси билан боғлиқ бўлиб, ҳайз, аборт ва айниқса туғруқ жараёнида аёл организмида инфекция ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади. Бундан ташқари специфик инфекциялар, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар – захм, сўзак, трихомонада, сўнгги йилларда ОИВ/ОИТС, хламидиялар ва вируслар аёллар гинекологик касалликларига сабаб бўлади. Ҳайз функциясининг бузилиши – гиперменструал синдром (ҳайз қони миқдорининг ортиши) ёки, аксинча, гипоменструал синдром (ҳайз қонининг камайиши ёки ҳайзнинг сийраклашуви), дисфункционал қон кетиши ва бошқалар билан боғлиқ. Аёллар гинекологик касалликлари орасида жинсий тизимнинг хавфли ва хавфсиз ўсмалари ҳам учрайди, улар асосан тухумдон ва бачадонда кузатилади. Гинекологик амалиётда жинсий органларнинг рак олди касалликларини олдини олиш муҳим, чунки улар вақт ўтиши билан ракка айланиши ҳам мумкин. Ўсмалар ҳам, раколди касалликлар ҳам одатда кўзга яққол ташланмайдиган белгиларсиз кечади, шу сабабли аёллар йилига икки марта акушер-гинекологга қўриниб туришлари лозим.

Аёллар жинсий тизими касалликларининг олдини олиш ва даволашни республикамиздаги аёллар консултациялари, туғруқ комплекслари ва оилавий поликлиникаларнинг шифокор-гинекологлари амалга оширади. Ўз навбатида Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази уларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, самарали даволаш ва реабилитация қилишда ҳудудларга илмий, амалий ва услубий жиҳатдан вертикал бошқарув муассасаси ҳисобланади. Бу муассаса олимлари томонидан ушбу

касалликларнинг диагностика ва даволаш стандартлари, клиник протоколлар ишлаб чиқилади, янги замонавий усулларнинг муассаса ва ҳудудлар амалиётига жорий этилиши ва шу соҳада кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш асосий вазифалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланиб, ушбу масала давлат раҳбарининг доимий диққат марказида.

Охириги 7 йилда болалар ва аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига қаратилган 10 дан зиёд Қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Педиатрия республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази (РИИАТМ), Она ва бола саломатлиги РИИАТМ, Болалар миллий маркази, Республика перинатал маркази, Педиатрия – Тиббиёт институтининг клиникаси, Қорқалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Она ва бола саломатлиги марказларининг 14 та филиали, 46 та перинатал марказлар, 227 та туғруқхоналар, 209 та туман/шаҳар марказий шифохоналарининг болалар бўлимлари, 209 та туман/шаҳар кўп тармоқли поликлиникаларнинг болалар, қизлар саломатлиги, Аёллар маслаҳатхонаси, аёллар онконазорат хоналари, алоҳида болалар стоматологик поликлиникалари каби муассасалар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг асосий вазифаси болалар ва аёлларга сифатли, малакали, самарали ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат.

АЁЛЛАР МАСЛАҲАТХОНАСИ – ҳомиладорлик даври назорати ва парвариши, аёллар касалликларини эрта аниқлаш, олдини олиш ва даволаш мақсадида ташкил этилади. Аёллар малаҳатхонаси ҳар бир туман/шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг бўлими сифатида ташкил этилади. Унда ҳомиладор аёлларни ҳисобга олиш, ҳомиладорлик ва чилла даврида кузатиш, туғруққа психопрофилактик йўл билан тайёрлаш ва регионализация қоидалари асосида туғруқ комплексларига йўналтириш асосий вазифаси



ҳисобланади. Шу билан бирга, гинекологик ва онкогинекологик касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш, самарали даволаш ва кўрсатмага кўра ихтисослаштирилган муассасаларга йўналтириш, реабилитация қилиш каби функциялари ҳам мавжуд. Аёллар малаҳатхонаси мутахассислар томонидан касалликлар профилактикаси бўйича аёлларга индивидуал тарғибот тадбирлари ўтказилади ва мутахассислар оммавий тарғибот тадбирларида ҳам қатнашади. Шунингдек, аёллар маслаҳатхонаси ҳузурида пренатал скрининг (қ. Пренатал скрининг) ва онконазорат хоналари ҳам мавжуд.

Онконазорат хонаси – аёллар орасида хавфли ўсма касалликларини эрта аниқлаш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг Аёллар маслаҳатхонаси таркибида ташкил этилади. Асосий мақсад скрининг (қ. Скрининг) текширувларини мувофиқлаштириш, аёллар кўрикларини ташкиллаштириш ва касаллик аниқланганларни кейинги босқич муассасаларига юбориш ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада 209 та аёллар маслаҳатхоналари мавжуд бўлиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган, Аёллар малаҳатхонаси асосан акушер-гинеколог, УТТ шифокори ва доялар фаолият юритади.

“Аёллар маслаҳатхонаси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармониға мувофиқ ташкил этилган бўлиб, вертикал асосида ОНА ва бола саломатлиги РИИАТМ билан боғланган. 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғиндаги тиббий бригадалар таркибига 8,5 минг нафар доя штати қўшимча ажратиб берилган. Ҳар бир аёл ҳомиладорлик, гинекологик касалликлар ёки уларни олдини олиш, контрацепция масалалари бўйича ўз яшаш жойларидаги оилавий поликлиникаларнинг патронаж доялари, оилавий шифокор ва акушер-гинекологларига мурожаат қилишлари мумкин.

АКУШЕРЛИК – (фр. accoucher – туғиш, туғруқни қабул қилиш) клиник тиббиётнинг

бир соҳаси. Ҳомиладорлик, туғруқ вақтида ва туғруқдан кейин (чилла даврида) аёл организмда содир бўладиган физиологик ва патологик жараёнларни ўрганади. Асосий вазифаси: туғруққа ёрдам бериш, ҳомиладорлик касалликлари (масалан, токсикозлар)да туғруқ, туғруқдан кейин (туғруқ вақтидаги шикастлар, қон кетиши ва б.) юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш, асоратлар пайдо бўлганда эса аёлга, ҳомила ва янги туғилган чақалоққа тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг мақбул усуллари ишлаб чиқишдан иборат. Бу вазифани шифохоналар, туғруқхоналар ёки бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида шифокор акушер-гинеколог ёки акушер-гинеколог дояси бажаради. Акушерлик–тиббиётнинг қадимги соҳаларидан бири. Тиббиётга оид қад. китобларда (мас, “Аюрведа”) туғруққа ёрдам беришнинг айрим усуллари келтирилган. Абу Али Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида хотин-қизлар гигиенаси ва касалликларига, жумладан Акушерликка алоҳида боб ажратган. Илмий Акушерлик 17–18- асрлардан бошлаб анатомия, эмбриология, физиология ва клиник тиббиёт соҳасидаги ютуқлар билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикасида Акушерлик, жумладан она ва болаликни муҳофаза қилиш давлат аҳамиятидаги устувор йўналиш ҳисобланиб, ушбу йўналишда алоҳида Қонун, қарор ва фармонлар, давлат дастурлари қабул қилинган. Акушерлик олий ва ўрта тиббиёт ўқув юртларида фан сифатида ўқитилади.

Ўзбекистонда Акушерлик ва гинекология хизмати бўйича бош муассаса Акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти – 1974 йил Тошкентда 2-туғруқхона қошида ташкил этилган, акушерлик ва гинекология масалалари бўйича республикада йирик илмий, ташкилий, методик ва консультатив марказ ҳисобланган. Институтда 10 та илмий бўлим (акушерлик, гинекология ва ҳ.к.), 200 ўринли клиника, клиник ординатура, докторантура, илмий кутубхона, кундузги стационар ва бошқалар бор. 2000 йилдан кунига 200 миқдорга мўлжалланган “Оила ва никоҳ” илмий маслаҳатхонаси (5 бўлим, лаборатория, тиббий-генетика, оилани режалаштириш марказлари,

инсеминация ва физиотерапиядан иборат) фаолият кўрсатади. Жиззах, Наманган, Нукус ва Қаршида институтнинг филиаллари ташкил этилган. 2003 йил институт қошида сунъий уруғлантириш (экстракорпорал уруғлантириш) билан шуғулланадиган “Янги инсон” номли репродуктив марказ очилган. Институтда 10 фан доктори, 47 фан номзоди ва 100 дан зиёд малакали илмий ходимлар хизмат қилган (2005).

2017 йилда институт Республика Акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази деб қайта номланган.

2023 йил 1 октябрдан Республика Акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази, Республика Скрининг маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги марказлари негизда Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, шунингдек, ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда “Она ва бола скрининг” марказлари негизда Марказнинг 14 та ҳудудий филиалларини ташкил этилган.

Марказ республика, ҳудудий тиббиёт муассасалари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болалар скрининги, шунингдек репродуктив ёшдаги аҳоли орасида экстрагенитал, туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси бўйича ихтисослаштирилган ҳамда юқори технологик диагностика ва даволаш амалиётларини жорий этиш; акушерлик-гинекология, тиббий-генетик маслаҳат, соғлом оилани режалаштириш, молекуляр-генетик текширув, пластик ва эстетик гинекология, ёрдамчи репродуктив технологиялар хизматларини ташкил этади ва ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш; репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болаларга малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашда иштирок этиш; репродуктив ёшдаги аҳоли, ҳомиладор аёллар, янги туғилган болалар касалликлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; ўсмирлар орасида репродуктив аъзолар патологиясининг

олдини олиш бўйича тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этиш; хорижий илмий-тадқиқот тиббиёт марказлари, клиникалар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш; соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда илғор усуллар ва технологияларни йўлга қўйиш, туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта пренатал ва неонатал даврда аниқлаш, болалар ўлими ва туғма ногиронликнинг олдини олиш чораларини кўриш каби вазифаларни бажаради.

Марказ дунёдаги етакчи тиббиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, тиббий диагностика ва даволашнинг илғор усулларини клиник амалиётга кенг жорий этаётгани ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, гинекология йўналишида йилига 1300 дан ортиқ жарроҳлик операциялари муваффақиятли амалга ошириляётгани, 36 турдаги юқори технологик операциялар йўлга қўйилгани қанча-қанча юртдошларимизни ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб, чет элга бориб даволаниш ташвишидан халос этмоқда.

2024 йил октябрь ойида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллиги республикада кенг нишонланди, соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшган қатор мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ давлат мукофотлари билан тақдирланишди.

АНЕМИЯ (юн. an – инкор қўшимчаси ва haima – қон), камқонлик – қонда эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдорининг камайиши, сифатининг ўзгариши б-н кечадиган касаллик. Анемияга қон яратилиш жараёнининг бузилиши, тўсатдан ёки сурункасига қон йўқотиш, қизил қон таначалари (эритроцитлар) нинг кўп парчаланиши, асосий қон яратувчи тўқима – кўмикнинг ўз функциясини етарли бажара олмай қолиши сабаб бўлиши мумкин. Темир етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган анемия бирмунча кенг тарқалган. Оз-оздан узок вақт қон кетиб турганда, масалан, бавосил ёки меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигида ҳам кўпинча анемия



кузатилади. Ҳайз кони узоқ ва кўп кетадиган аёлларда ҳам темир етишмаслигидан келиб чиқадиган анемия тез-тез учраб туради. Темир етишмаслигига алоқадор анемияга тез-тез ва қайта ҳомиладор бўлиш, ҳомиладорлик ва бола эмизиш даврида тўғри овқатланмаслик сабабли ҳам бўлиши мумкин, чунки ҳомиладорлик ва эмизлик даврида она организмдаги темир захирасининг бир қисми болага ўтади. Кичик ёшдаги болаларда кузатиладиган камқонлик уларни нотўғри овқатлантириш (бир хил турдаги овқатлар, жумладан фаст-фудлар, газли ва ширин ичимликларни суистеъмол қилиш, мева ва сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик ва бошқа) оқибатида рўй беради. Эритроцитлар сони сал камайгани ёки расо бўлгани ҳолда, қонда гемоглобин миқдорининг озайиши темир етишмаслигига алоқадор анемиянинг асосий белгиларидандир. Беморнинг тери ранги синиққан, қуруқ бўлиб, аксарият тез чарчаш, бош оғриши, бош айланиши, кўз олди живирлашишидан шикоят қилади, сочи тўкилади, тирноқлари мўртлашиб синишга мойил бўлиб қолади. Баъзан ютиниш қийинлашади, беморнинг одатда истеъмол қилинмайдиган нарсалар (бўр, оҳак, гилвата) егиси келади, аччиқ, шўр таомларни хуш кўради. Темир етишмаслигига алоқадор анемиянинг олдини олиш ва даволашда қон йўқотиш эҳтимоли бўлган манбаларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш, ҳомиладор бўлиш ва туғишни маълум даражада режалаштиришга эришиш, рационал овқатланишга риоя қилиш лозим. Витамин В 12 ёки фолат кислота етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган анемия анча кам учрайди. Анемиянинг бу хилида ўзига хос аломатлар: тил ачишиши, касаллик ўтказиб юборилганда нерв системасининг зарарланиш (фуникуляр миелоз) белгилари кузатилади. Бу хил анемиянинг олдини олиш учун меъда-ичак йўлининг сурункали касалликлари, айниқса, ич кетиши билан ўтадиган касалликларни ўз вақтида аниқлаб даволаш жуда муҳим. Айниқса, ёш болаларда паразитар касалликлар, жумладан, гельминтоз(гижжа)дан зарарланишнинг олдини олиш чораларини кўриш зарур, касаллик пайдо бўлганда эса ўз вақтида даволаш лозим. Барча турдаги анемияда шифокорга мурожаат этиш ва ўз вақтида, тўғри даволаниш зарур.

Ўзбекистон Республикасида аёллар ва болалар орасида камқонлик касаллигини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4887-сонли қарорига мувофиқ, 6 – 23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент қуқуни билан; 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар “А” витамини билан; 2 – 10 ёшдаги болалар гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан; ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3 – 15 ёшдаги болалар йод препарати билан; 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар темир ва фоллий кислотаси препарати билан бепул таъминланади. Шунингдек, республикада биринчи нав бугдой уни билан бир қаторда олий нав бугдой уни микронутриентлар билан бойитилади.

Республикада анемия касаллигига ташхис қўйиш учун барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами гемолитик анализатор аппаратлари билан таъминланган, кўп тармоқли марказий поликлиналарга гематолог штатлари ажратилган. Анемия чалинган беморларни даволаш Катталар гематология маркази ҳамда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник гематологияси марказлари ҳамда бошқа шифохоналарнинг гематология бўлимларида амалга оширилади.

БАЧАДОН – Аёлларнинг ички жинсий аъзоси; ҳомила шу ерда ривожланади. Бачадон ток, ковак аъзо бўлиб, мускуллардан тузилган ва кичик чанок бўшлиғида қовуқ билан тўғри ичак орасида жойлашган, шакли тўнкарилган нокка ўхшайди. Унинг танаси, туби ва бўйни бўлади. Б. танаси ва туби қовуқ юзаси билан қовуқ устида олдинга бир оз букилиб жойлашган, орқа юзаси тўғри ичакка юзма-юз туради. Бачадон бўйнининг бир қисми қин ичига кирган бўлиб, шу ерда бачадон тешиги қинга очилади. Бачадон девори ички – шиллик қават (эндоэтрий), ўрта – мускул қават (миоэтрий) ва ташқи – сероз қават (қорин пардаси) дан иборат. Шиллик қават Бачадон найлари шиллик қаватининг давомидир. Бачадон ичида шиллик қават

бурмалари йўқ, асосан майда безлар учрайди. Шиллик қават бачадон бўйнида қалинлашиб, бурмалари ва шиллик безлари бўлади, у ҳар ойда ҳайзга тайёрланади; бунда бачадоннинг юза жойлашган шиллик қавати марказий нерв системаси ҳамда гипофиз ва тухумдондан ажралган гормонлар (фолликулин, прогестерон) таъсирида қалинлашади, ҳар ойда бир марта кўчиб, қон билан ажралади. Мускул қават яхши ривожланган, қон томирларга бой силлик мускул уч қават бўлиб жойлашган. Сероз қават Б. олди ва орқа юзаларини қоплаб, икки ёнбошида кенг бойлам ҳосил қилади; шу бойлам оралиғида бириктирувчи тўқима қатлами (параметрий) бўлади. Бачадон бўшлиғи учбурчак шаклда бўлиб, уни катта-кичик бир неча бойлам ва чанок тубининг мускуллари ўз ўрнида ушлаб туради. Бачадон бўйнининг ички юзаси шиллик қават бурмаларидан иборат бўлиб, цилиндрсимон эпителий билан қопланган; бўйин деворидаги безлар секрет чиқаради; у ишқорий реакцияга, бактерицид хусусиятга эга. Унинг бу хусусияти Бачадонга инфекция тушишига йўл қўймайди; бундан ташқари, сперматозоиднинг ҳаракатчанлигини ошириб, унинг бачадонга киришини таъминлайди. Б. анча ҳаракатчан бўлиб, қовуқ ҳамда тўғри ичак тўлганда, ҳомиладорликда ва б. физиологик ҳолатларда ўз шаклини осон ўзгартира олади. Ҳомиладорликда мускул толаларининг йўғон тортиши ва янги толалар пайдо бўлиши ҳисобига бачадон катталашади. Ҳомила туғилгач, бачадон қисқаради ва янги толалар йўқолиб кетади. Тез-тез ва қайта туғруқлар, чилла даврида ва туғруқдан кейин жисмоний зўриқишни чекламаслик чанок тубининг мускуллари ва б. бойламлари бўшашиб, бачадон тушиши мумкин.

Бачадон бўйни эрозияси – бачадон бўйни шиллик қаватининг юза шикастланиши. Бачадон бўйни эрозияси, кўпинча жинсий аъзолардаги яллиғланиш касалликлари (кольпит ва б.) сабаб бўлади; бу касалликларда бачадондан кўп ажралма чиқади, бундан ташқари, бачадон бўйнидаги безлар ҳам кўп шиллик ажратади, натижада шиллик қават юзаси бичилиб, шилинади. Бачадон бўйни эрозияси аборт, туғруқ вақтида бачадон бўйни шиллик қаватининг зарарланиши, шунингдек гормонал

жараёнларнинг бузилишидан ҳам юзага келиши мумкин. Шиллик қаватнинг зарарланган юзаси (чин эрозия) тезда бачадон бўйни каналидан ўсиб чиққан цилиндрик эпителий б-н қопланади – сохта эрозия вужудга келади. Касаллик узоқ вақтгача (ойлаб, йиллаб) ҳеч қандай белгисиз кечиши мумкин. Уни қанча барвақт аниқланса, тез ва осон даво қилинади; кечиктириб юборилса, хавфли ўсмага айланиб кетиши мумкин. Бачадон бўйни эрозиясининг олдини олиш учун жинсий аъзоларнинг турли яллиғланиш касалликларини ўз вақтида даволаш, энг муҳими мунтазам равишда йилига икки марта гинеколог кўригидан ўтиб туриш лозим. **Бачадон тушиши** – бачадон ва дилокнинг ўз ўрнидан пастга силжиши билан кечадиган касаллик; бунда бачадон тўла (жинсий тешиқдан чиқиб кетади) ёки қисман (жинсий тешиқдан бачадон бўйни чиқади холос) тушиши мумкин. Кўпроқ ёши каттароқ аёлларда кузатилади. Ички жинсий аъзоларни ўз ўрнида ушлаб турадиган чанок туби мускуллари фаолиятининг бузилиши, қорин ички босимининг ортиши, жинсий аъзоларнинг ривожланмай қолиши, туғруқ асоратлари, организм тўқималарининг бўшашиши ва б. сабаб бўлади. Бачадон тушиши натижасида чанокдаги бошқа аъзолар: қовуқ, тўғри ичак девори ҳам силжийди. Бачадон тушганда белда оғриқ пайдо бўлади, кўп оқчил суюқлик келади, юриш қийинлашади. Агар бачадон тўла тушган бўлса, бемор сийишга қийналади, чунки сийдик йўли бекилиб қолади, бунда кучли оғриқ, баъзан бачадоннинг яллиғланиш касалликлари ва бачадон бўйнида турли ярачалар ҳосил бўлиши кузатилади. Беморнинг аҳволига қараб даво тайинланади, зарурият бўлса операция қилинади. Ҳозирги вақтда операция лапароскоп аппарати ёрдамида енгил ўтказилмоқда. Операция қилиш мумкин бўлмаса, бачадон халқаси (кольцо)дан фойдаланиш тавсия этилади, буни фақат шифокор (гинеколог) буюради. Бачадон тушишининг олдини олиш учун, унинг илк аломатлари сезилганда дарҳол гинекологга кўрсатиш ва буюрганларини (жисмонан зўриқмаслик, даво физкультураси б-н шуғулланиш, қорин девори бўшашган бўлса бандаж тақиш ва б.) бекам-кўст бажариш лозим; бунда энг муҳими чилла даври тартибига қатъий риоя қилишдир. **Бачадондан**



ташқари ҳомиладорлик – уруғланган тухум хужайранинг бачадондан ташқарида тараққий этиши. Уруғланган тухум хужайранинг пайвандланган жойига қараб, ҳомила бачадон найининг ўзида (бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг шу тури энг кўп учрайди), тухумдон ёки қорин бўшлиғида, шунингдек бачадоннинг рудиментар шохиди ривожланиши мумкин. Бачадон найларида яллиғланишга хос ўзгаришлар (чандиқ ва бошқа) бўлиши оқибатида улар ўзининг асосий функцияси, яъни уруғланган тухум хужайрани бачадон бўшлиғига ўтказиш қобилятини йўқотади (к. Ҳомиладорлик), натижада уруғланган тухум хужайра шу жойнинг ўзида тараққий этади. Кўпинча аёллар жинсий аъзолари касалликлари (полип, ўсма ва бошқа), инфантилизм (жинсий аъзоларнинг етилмай қолиши), бот-бот бола олдириш ва бошқа сабаб бўлади. Касалликнинг кечиши ва белгилари унинг тури, босқичи ҳамда ҳомиладорликнинг муддатига боғлиқ. бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг барча турида ҳам қиндан қонли ажралма келади, баъзан қон кетиши, қорин пастиди оғриқ, бўшашиш, бош айланиши, қўнғил айланиши, ранг ўчиши кузатилади. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик бачадон найида бўлса, ҳомиладорликнинг 4–6 ҳафтасида най ёрилади, бунда қорин пастиди чидаб бўлмайдиган оғриқ бўлиб, ҳатто ҳушдан кетиш мумкин. Кўп қон кетиши туфайли қон босими пасаяди, томир тез, лекин билинар-билинемас уради. Оғир ҳолларда шок рўй бериши мумкин. Бачадондан ташқари ҳомиладорликга гумон қилинганда аёл дарҳол касалхонага ётқизилади ва жарроҳлик усули б-н даволанади. Операциядан кейин маълум муддатгача яллиғланиш касалликларини ўз вақтида даволатиш, вақт-вақти билан мунтазам тиббий (асосан акушер-гинеколог) кўрикдан ўтиб туриш бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг олдини олишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бачадон бўйни саратони. Бачадон бўйни саратони аёллар саломатлигига таҳдид қилувчи жиддий касалликлардан бири ҳисобланади. 2018 йилда дунёда Бачадон бўйни саратони билан қарийб 570 минг янги касалланганлик ҳолати қайд этилган. Ҳар йили шу касалликдан 311 мингдан ортиқ аёллар вафот этади. Саратоннинг

бу турининг олдини олиш борасида синалган ва самарали стратегиялар мавжуд. Улардан бири — одам папиллома вируси (ОПВ) га қарши эмлаш. Ўзбекистон бу борада биринчи қадамни қўйган, 2018 йилнинг ноябридан бошлаб 9-14 ёшли қизларни ушбу касалликка қарши эмлаш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида келажақда ҳар йили 1 100 та касалланиш ва бачадон бўйни хасталиги бўйича 600 га яқин ўлим ҳолатларининг камайишига эришилади.

Қайд этилишича, айти пайтда ОПВга қарши режали эмлаш дунёнинг 92 та давлатида, улар орасида ЖССТ Европа минтақасидаги 36 мамлакатиди ҳам қўлланиб келинмоқда. Бачадон бўйни саратони олди жараёнларини камайтиришдаги эмлашнинг юқори самараси клиник синовлар даврида, шунингдек, бу вакцина кўп йиллардан бери қўлланиб келинаётган давлатлар (АҚШ, Австралия, Канада, Дания, Ирландия, Швеция, Финляндия, Янги Зеландия, Шотландия) мисолида кўринган.

Бачадон бўйни саратони тарқалишига кўра жаҳонда аёлларда учрайдиган саратон касалликлари орасида тўртинчи ўринда туради. Дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам бачадон бўйни саратони барча ёшдаги аёллар ўртасида тарқалиши бўйича кўкрак беи саратонидан кейинги ўринда туради. Касалликлардан ўлим кўрсаткичи бўйича эса, ушбу хасталик барча ёшдаги аёллар ўртасида кўкрак беи ва ошқозон беи саратонидан кейин учинчи ва туғиш ёшидаги аёллар (15-44 ёш) орасида эса иккинчи ўринни эгаллайди. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили Ўзбекистонда 1660 нафар аёл бачадон бўйни саратони касаллигига чалинмоқда. Шу боис бутун дунёда ушбу касалликнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги “Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-402-сонли қарорида аёллар орасида онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш, скрининг жараёнларини самарали ташкил қилиш, замонавий скрининг усулларини амалиётга кенг жорий этиш, ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишларни

мувофиқлаштириш ҳамда мутахассисларнинг билимларини ошириш ва кўникмаларини ривожлантириш назарда тутилган. Ушбу мақсадда 2025 йилдан бошлаб ҳар йили 30 — 50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги одам папилломаси вирусини полимераза занжирли реакция текшируви усули орқали аниқлаш ҳамда суюқлик цитологияси усулида текшириш йўли билан амалга оширилади. Бунда манфий натижа аниқланганда, улар 10 йилдан сўнг қайта текширувдан ўтказилади, мусбат натижа аниқланган аёллар кўшимча текширувга йўналтирилади.

Ушбу касалликни эрта аниқлаш мақсадида ҳар бир аёл ҳар йили бир марта гинеколог кўригидан ўтиши лозим. Касалликнинг илк белгилари пайдо бўлганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш муҳим.

БЕПУШТЛИК, туғмаслик, туғдира олмаслик – вояга етган организмнинг насл (авлод) қолдиришга ожизлиги. Одамда – бир маромда (нормал) жинсий ҳаёт кечириб, бўйида бўлишдан сақланиш воситалари (контрацепция)дан фойдаланмай, камида 2 йил бирга туриб фарзанд кўрмаслик бепуштлик ҳисобланади. Бепуштлик эркакларда ҳам, аёлларда ҳам учрайди. Эркаклардаги бепуштлик – туғдира олмасликка жинсий аъзоларнинг туғма нуқсони, яллиғланиш касалликлари ёки уларнинг шикастланиши, жинсий майлнинг сустилиги, шунингдек эндокрин система фаолиятининг ўзгариши, уруғ суюқлиги(сперма)да сперматозоидлар (жинсий ҳужайралар) бўлмаслиги ёки уларнинг уруғлантира олиш хусусиятининг йўқлиги сабаб бўлади. Аёллардаги бепуштлик – туғмасликка бачадон, тухум йўллари, тухумдон ва найларнинг яллиғланиши, сўзак, жинсий аъзолар сили; ички секреция безлари (тухумдон, қалқонсимон без, буйрак усти бези ва бошқа) фаолиятининг бузилиши, балоғатга етиш даврида инфекцион касалликлар билан оғриш натижасида марказий нерв системасида рўй берган жиддий ўзгаришлар, жинсий аъзоларнинг етилмай қолиши – инфантилизм сабаб бўлиши мумкин. Яллиғланиш (туфайли бачадон найларининг битиб қолиши, тешигининг жуда торайиб кетиши сабабли аёл тухум ҳужайраси эркак

жинсий ҳужайраси (сперматозоид) билан учраша ва уруғлана олмайди ёки уруғланган тухум ҳужайраининг бачадонга ўтиши қийинлашади. Бепуштликда эр-хотин тиббий кўрикдан ўтказилади. Бепуштлик ни иложи борича барвақт аниқлаб, сабаблари бартараф қилинса яхши натижага эришиш мумкин. Бепуштлик ни шифокор даволайди. Яллиғланиш жараёни билан боғлиқ бўлган бепуштликда физиотерапия ва курортларда даволаниш айниқса муҳим. Эндокрин системасидаги ўзгаришлар туфайли бепуштлик рўй берганда физиотерапия, курортларда даволаниш билан бирга гормонал дори-дармонлар ҳам буюрилади. Бепуштликнинг олдини олишда жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларини ўз вақтида аниқлаб даволаш, абортга йўл қуймаслик, шахсий ва жинсий озодалик тартибларига қатъий амал қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида бепуштликка чалинган оилаларга ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан **ёрдамчи репродуктив технологиялар** усуллари қўлланилади. (Қонуннинг 18-моддаси “Ёрдамчи репродуктив технологиялар уруғлантиришнинг айрим ёки барча босқичлари аёлнинг организмидан ташқарида амалга ошириладиган ҳомиладорликка эришишга қаратилган тиббий технологиялар, даволаш усуллари ва муолажаларидан иборатдир.) Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган.

Шу билан бирга, қонуннинг 19-моддасига асосан “Ёрдамчи репродуктив технологиялар қўлланилиши тўғрисидаги, шунингдек ёрдамчи репродуктив технологиялар дастурлари иштирокчиларининг шахси ҳақидаги маълумотлар шифокорлик сирини ташкил этади ва улар тўғрисидаги ахборот махфий бўлиши керак” лиги белгиланган.

Шунингдек, Она ва бола саломатлиги РИИАТМ ёрдамчи репродуктив технологиялар усуллари қўллаш бўйича замонавий клиник протоколлар ва стандартлар ишлаб чиқади ҳамда ушбу йўналишдаги барча тиббиёт



ташкilotлари фаолиятини услубий жиҳатдан мувофиқлаштириб боради.

Бепуштлики касаллигини аниқлаш, уларни даволаш ёки ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш масалаларида аёллар ўзларининг оилавий шифокорлари орқали акушер-гинекологларга мурожаат қилишлари ва тегишли ёрдамни олишлари мумкин. Шифокор кўрсатмасисиз, мустақил равишда бепуштликини даволашга уриниш турли хил асоратларга сабаб бўлиши мумкин.

БУҚОҚ – қалқонсимон безнинг катталашуви. Касаллик шу без функцияси ўзгармасдан (эутиреоз), функцияси сусайиши (гипотиреоз) ёки кучайиши (тиреотоксикоз) билан кечади. Буқоқнинг бир неча шакли бор. Эндемик Б. атроф муҳитда (сув, тупроқ, ҳавода) йод оз бўлган муайян географик чегараланган ҳудудларда (жумладан Ўзбекистонда) учрайди. Касаллик шу без функцияси ўзгармасдан (эутиреоз), функцияси сусайиши (гипотиреоз) ёки кучайиши билан кечади. Соғлом одамга бир кеча-кундузда 100–200 микрограмм йод керак, шу миқдор камайса, қалқонсимон без гормонлари (тироксин, трийодтиронин)нинг ҳосил бўлиши камаёди. Оқибатда, қалқонсимон безнинг катталашиши кузатилади, болаларда бўй ўсмай қолади, руҳияти ўзгаради, ақли ожиз бўлади (кретинизм), баъзан касаллик шиш ҳосил бўлиши билан кечади (қ. Микседема). Спорадик (онда-сонда учрайдиган) Буқоқ–буқоқ эндемияси бўлмаган жойларда ривожланади, касаллик кенг тарқалмайди. Диффуз токсик Буқоқ (Базедов касаллиги) – бунда қалқонсимон без катталашуви билан бирга функцияси кучаяди. Диффуз токсик буқоқни 1840 йилда немис шифокори Карл Базедов таърифлаб бергани учун Базедов касаллиги деб аталади. Келиб чиқишида ирсий мойиллик, иммун системадаги ўзгаришлар, руҳий изтироб муҳим ўрин тутди. Қалқонсимон без функцияси кучайиши натижасида мускуллар заифлашиб, бемор серзарда, йиғлоқи бўлиб қолади, озиб кетади, кўзи чакчаяди (экзофтальм, офтальмопатия), кўп терлайди, оёқ кўли, баъзан бутун танаси титрайди, юраги тез уради (тахикардия), уйқуси бузилади, бир оз иситма чиқади, тез толиқади ва ишга яроқсиз бўлиб

қолади. Кўп тугунли токсик буқоқ – кўпинча бир неча йил давомида кўп тугунли эутиреонид буқоқ билан оғриб келаётган 50–60 яшар аёлларда учрайди. Касаллик белгилари диффуз токсик буқоқга ўхшаш, аммо бунда офтальмопатия ва претибил микседема кузатилмайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра, Ер юзи бўйича 665 миллиондан ортиқ одам эндемик буқоқ ва қалқонсимон безнинг бошқа касалликларидан азият чекмоқда. 1,5 миллиард инсон эса **йод етишмаслиги касалликлари** ривожланиш хавфига эга. Бу хавф кейинги йилларда дунёнинг аксарият мамлакатлари, шу қаторда Ўзбекистон учун ҳам долзарб масалага айланиб бормоқда.

Йод микроэлементини инсон организми ишлаб чиқара олмайди. Шу сабабли уни фақат ташқи муҳит орқали қабул қилиши мумкин. Бу модда организмда қалқонсимон без гормонларининг нормал синтезланиши учун керак. Агар етарли даражада йод истеъмол қилинмаса, қалқонсимон без функцияси бузилиши кузатилади. Ушбу муҳим ҳаётий микроэлиментга бўлган кунлик эҳтиёж чақалоқларда 50 микрограмм, 1-6 ёшли болаларда 90 микрограмм, 7-10 ёшли ўғил-қизларда 120 микрограмм, ўсмирлар ва катталарда 150 микрограммни ташкил этади. Ҳомиладорлик ва эмизиклилик даврида эса аёлларнинг йодга бўлган кунлик талаби 200-300 микрограммгача ортиб кетади. Бироқ ҳозир юртимизда деярли барча аҳоли вакиллари рационда мазкур микроэлемент танқислиги кузатилади. Ваҳоланки, бунинг асоратлари ёмон. Масалан, йод танқислиги ақлий заифлиқнинг асосий омили. Бу модда етишмаслиги қалқонсимон без ва овқат ҳазм қилиш органлари фаолияти билан боғлиқ турли жиддий касалликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, тирноқларнинг табақаланиши, соч тўкилиши, тери қуруқлашуви, уйқучанлик, чарчоқ ҳам организмда йод тақчиллиги аломатларидандир. Бу муаммо болаларда эндемик буқоқнинг келиб чиқиши, уларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан ривожланишдан орқада қолишига сабаб бўлади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги ПҚ-4887-сонли қарорига мувофиқ мамлакатимизда аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳлари, жумладан, болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларни йод препаратлари билан бепул таъминлаш амалиёти йўлга қўйилган.

Шунингдек, республикада йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил қабул қилинган “Йод етишмаслик касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ тартибга солинади.

Ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган, сотилаётган ва истеъмол қилинадиган ош тузини истисносиз 100 фоиз йодлаштиришни таъминлаш қатъий назорат қилиниши зарур.

Буқоқни мутахассис шифокор даволайди, турли гормонал дорилар буюрилади. Баъзан жарроҳлик йўли билан даволанади. Токсик Б.ни даволашда радиоактив йод ҳам қўлланилади. Буқоқнинг оммавий олдини олиш учун йодланган ош тузи ишлатилади. Буқоқ бўйича хавфли гуруҳларга (боғча ва мактаб ёшидаги болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар) таркибида йод тутувчи дорилар берилади.

Ушбу касалликка гумон қилинган ҳолатларда болаларнинг ота-оналари ва аёллар, албатта, ўз оила шифокорларига мурожаат қилишлари лозим. Улар қўшимча текширувлар ва эндокринолог маслаҳатига юборилади. Буқоқ касаллиги ёки йод танқислик ҳолатларини шифокор тавсиясиз ёки мустақил даволаш оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

ВЕНЕРИК КАСАЛЛИКЛАР, таносил касалликлари, зухровий касалликлар – жинсий йўл билан юқадиган захм, сўзак, юмшоқ шанкр, трихомоноз, микоплазмоз, хламидиоз, чов лимфогранулематози, жинсий аъзолар соҳаси учуғи, шунингдек орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС)нинг умумий номи. Венерик касалликлар жуда қадимдан маълум. Гиппократ, Цельс, Гален ва бошқалар асарларида ҳам венерик касалликлар ҳақида маълумотлар бор. Кам ривожланган мамлакатларда аҳолининг оғир аҳволда яшаши, ишсизлик, баъзи аёлларнинг ҳеч қаерда ишламай

фоҳишалик б-н шуғулланиши, эркакларнинг моддий қийинчилик туфайли дуч келган аёллар билан жинсий алоқада бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик ва бошқа венерик касалликларнинг тарқалиши ва кўпайишига замин яратади. Венерик касалликлар (айниқса захм, сўзак ва хламидиоз) кенг тарқалиши мумкин. Улар кишилар соғлиғига путур етказишдан ташқари, жамият учун ҳам хавфлидир. Венерик касалликлар вақтида даволанмаса ёки нотўғри даволанса касаллик сурункали тус олиб, бемор узоқ вақтгача иш қобилиятини йўқотади, кўпинча ногирон бўлиб қолади.

Сўзак, гонорея, триппер – гонококклар кўзгатадиган юқумли венерик касаллик. Кўпинча, тасодикий, пала-партиш жинсий алоқа қилиш оқибатида келиб чиқади. Касаллик, асосан, жинсий йўл билан юққанлиги учун аксарият сийдик чиқариш канали ва жинсий аъзолар зарарланади. Инфекция манбаи сўзак билан оғриган эркак ёки аёл. Баъзан касаллик бемор ишлатган буюмлар (сочик, мочалка, кўрпа-тушак, кийим-кечак ва бошқа) дан фойдаланганда ҳам юқиши мумкин. Чунончи қизларга касаллик бемор онадан ўтади; бунга жинсий аъзолардан ташқари, кўз ва оғиз шиллиқ пардаларининг сўзак оқибатида яллиғланиши сабаб бўлиши мумкин. Касаллик аломатлари, одатда, сўзак юққанидан сўнг орадан 3–5 кун ўтгач пайдо бўлади. Аёлларда асосан ажралмаларнинг кўпайиши, рангининг сарғимтир-яшил тусга кириши, жинсий аъзоларда маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши, қичишиш ва қизиш пайдо бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда касаллик умуман белгиларсиз кечиши ҳам мумкин. Сўзак ўз вақтида даволанмаса, бошқа аъзоларга тарқалиши, йиллаб чўзилиши ва ниҳоят сурункали тус олиши мумкин. Жинсий алоқа, аччик, шўр овқатлар ейиш, спиртли ичимликларга ружу қилиш оқибатида касаллик бот-бот кўзиб туради.

Захм, люэс, сифилис – барча аъзо ва системаларнинг зарарланиши б-н кечадиган сурункали таносил (венерик) касаллиги. Захм қадимдан маълум. Унинг ер юзида пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳақида турли фикр ва назариялар мавжуд. Кўп олимлар фикрига кўра, Христофор Колумбнинг захм б-н касалланган



матрослари Испанияда заҳм тарқалишига сабаб бўлишган. 1496 йилда эпидемия бошланиб, Италия, Франция, Швейцария, Германия, кейин Австрия, Венгрия ва Польшага тарқалган. Заҳм 16 аср бошларида деярли бутун дунёда пайдо бўлган. Заҳмни оқиш трепонема (спирохеталар) кўзгатади (бу микроорганизм анилин бўёғи билан ёмон бўялганлиги учун оқиш дейилади). У бемор конида, теридаги ярада, лимфа тугунлари, орқа мия суюқлигида, сўлагиди, нерв тўқималари ва ҳамма аъзоларида, ҳатто заҳм билан оғриган аёл сутида ва эркак шахватида ҳам бўлади. Оқиш трепонема организмдан ташқарида қуритилганда ўлади, лекин нам муҳитда (масалан, шахват, сўлакда, қин шилимшиғида) узоқ яшайди. Бемор заҳм тарқатадиган манбадир; у соғлом киши билан ўпишганда, жинсий алоқа қилганда ёки унинг идиш-товокларидан фойдаланганда касаллик юқади. Оқиш трепонема терига ёки шиллик пардага киргач, тез кўпаяди ва лимфа томирлари орқали бутун организмга тарқалади. Заҳм билан касалланган одам аввал ўзини мутлақо соғлом сезади, 3–4 ҳафтадан кейин (яширин – инкубацион давр тугагач) оқиш трепонемалар кирган жойда заҳмнинг биринчи белгиси – оғримайдиган бирламчи сифилома (каттик шанкр) пайдо бўлади. Бемор фурункулёз, ўпка яллиғланиши, ангина, сўзак ва бошқа касалликлар сабабли бирор антибиотик билан даволанган бўлса, заҳмнинг яширин даври анча чўзилиши мумкин. Бу давр 6–9 ҳафта давом этади ва ўз вақтида даво қилинмаса, иккинчи даврига ўтиб кетади: оғиз шиллик қавати, жинсий аъзолар, қўл, оёқ ва баданда доғ, тугунча ва ҳ.к. кўринишида катта-кичик, ранг-баранг тошмалар (йирингли тугунчали) пайдо бўлади; кўпчилик беморларнинг сочи тўкила бошлайди, суяк, бўғим, мускул, қон томирлар, юрак, кўз, қулоқ, ички аъзолар ва нерв системаси зарарланиши мумкин. Бу даврда бемор атрофдагилар учун ўта хавфли ҳисобланади. Бемор шифокор айтганларини қилмаса, спиртли ичимликлар истеъмол қилса, тахминан 3–5 йилдан кейин иккинчи давр заҳмнинг охириги, учинчи даврига ўтади: олча данагидек дўмбоқчалар ёки тухумдек, баъзан ундан каттароқ гуммалар пайдо бўлиб, тўқималарни емиради, ярага

айланади ва чандикланиб битади. Касаллик оқибати гуммалар ўрнашган жойга боғлиқ. Мия, юрак, томир, жигар каби ҳаёт учун муҳим аъзолар зарарланса, бемор ҳаёти хавф остида қолади; юз зарарланган бўлса, бурун скелети емирилиб, бемор бадбашара, бурни эгарсимон бўлиб қолади. Ҳаракат, кўрув, эшитув аъзолари, нерв системасининг зарарланиши кишини умрбод майиб қилиб қўяди. Касал она даволаш курсини тўлиқ ўтмаган бўлса, заҳм боласига ўтиши мумкин. Аёлнинг бўйида бўлишидан олдин ёки ҳомиладорлик даврида эркак унга заҳм юқтирганда ҳам касаллик болага ўтади. Бу ирсий эмас, туғма заҳмдир. Заҳм аёлнинг фарзанд кўрмаслигига сабаб бўлмайди, бироқ ҳомиладор заҳм билан оғриб даволанмаса, одатда, ҳомиладорликнинг 4–5 ойида боласи тушади ёки заҳм боланинг чала (7–8 ойлигида) мажруҳ, баъзан ўлик туғилишига сабаб бўлади. заҳм белгилари йўқлиги учун унинг яширин даврини ўтаётган она ўзини соғлом ҳис қилади ва кўпинча дарди жуда оғир, заҳм билан касалланган бола туғади. Етук туғилган болада биринчи кунлари ёки биринчи ой охири ёки иккинчи ой бошида туғма заҳм белгилари намоён бўлади. Суяклар зарарланиши қаттиқ оғриққа сабаб бўлиб, бола ухлай олмайди ва йиғлайверади; баданига доғга ўхшаш ва тугунсимон жуда кўп тошма тошади; кўпинча ички аъзолар, нерв системаси ва сезги аъзолари зарарланади. Кечиккан туғма заҳм, одатда, бола 5 ёшдан балоғатга етгунча рўй бериши мумкин. Даволанмаган ёки чала даволанган болалардагина кечиккан туғма заҳм ҳаёт учун хавфлидир. Давоси. Бемор шифокор айтганларини қилиб, қунт б-н узоқ даволаниши керак. Заҳм даврларига қараб махсус даво тадбирлари белгиланади, заҳмга қарши дорилар буюрилади. Беморлар венерология шифохоналарида ҳисобга олиниб, мунтазам текшириб турилади. Касаллигини яшириб, даволанмай юрган ёки давоми тўхтатиб қўйган беморлар қонун йўли билан мажбурий даволанади.

Венерик касалликлар билан оғриган бемор ўз вақтида тери-таносил касалликлари диспансерига мурожаат қилиб, мутахассис шифокор кўрсатмаси бўйича даволанса, албатта, тузалиб кетиши мумкин. Саёқ юриш,

ичкиликка ружу қилиш, тасодифий жинсий алоқаларга йўл қўйиш В. К. нинг кўпайишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасида Венерик касалликка қарши курашиш учун махсус диспансер ва шифохоналар ва бошқа даволаш-профилактика муассасалари мавжуд. Улар касалликни юқтирганларни қидириб топиб, даволанишга мажбур қиладилар, бу билан венерик касалликнинг бошқаларга юқиш хавфининг олди олинади. Венерик касалликнинг олдини олишда ҳомиладор аёллар, болалар муассасалари, озиқ-овқат соҳаси ходимларининг белгиланган муддатда шифокор кўригидан ўтиб туришлари муҳим. Аҳоли орасида Венерик касалликнинг ёмон оқибатлари, унинг олдини олиш ва даволатиш зарурлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Бемор ўзида венерик касаллик борлигини била туриб бошқалар билан жинсий алоқа қилиб, касалликни юқтирса Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади.

ГИГИЕНА (юн. *hygieinos* – соғлом) – тиббиётнинг муҳим соҳаси; кишилар соғлиғига турмуш ва меҳнат шароитлари таъсирини ўрганади ҳамда касалликларнинг олдини олиш, яшаш учун энг қулай шароит яратиш, соғлиқни сақлаш ва умрни узайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Гигиенанинг бир неча соҳалари бор. Гигиена физиология, патофизиология, эпидемиология, токсикология, физика, кимё, шунингдек ижтимоий-иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғланган, чунки табиий омиллар билан бирга жамиятнинг иқтисодий аҳволи ҳам киши соғлиғига таъсир этади. Эҳтиёт ва кундалик санитария назорати асосларини илмий асосда ишлаб чиқиш, кишиларнинг яшаш ва ишлаш шароити ҳамда дам олишини тўғри ташкиллаштириш бўйича санитария тадбирларини асослаб бериш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини сақлаш, санитария меъёр ва қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмлари сифатини санитария экспертизасидан ўтказишда қатнашиш гигиенанинг вазифасидир. Замонавий гигиена соғлиқни сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш, унумли иш қобилиятини таъминлаш ва

умрни узайтириш учун қулай шароит яратиш мақсадида турар жойлар ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳавоси ва касалликларнинг олдини олиш, унумли иш қобилиятини таъминлаш ва умрни узайтириш учун қулай шароитлар яратиш билан шуғулланмоқда.

Жинсий гигиена – жинсий аъзолар касалликларидан, шунингдек, венерик касалликлардан сақланиш, туғиладиган фарзанднинг соғлом, оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлаш мақсадида кўриладиган тадбирлар. Аёл организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари (ҳайз кўриш, ҳомиладорлик, бола туғиш, эмизиш), шунингдек, уларни жинсий аъзолар касалликлари ва венерик касалликлардан сақлаш ҳамда олдини олиш учун алоҳида озодалик талаб этилади. Қизамиқ, скарлатина ва бошқа умумий касалликлар оқибатида қинга инфекция тушиши мумкин. Ҳатто гижжалар тўғри ичакдан чиқиб қинга кириш ҳоллари ҳам кузатилади. Бунда қизалоқ қичинганлиги учун тери ва шиллик пардалари тирналиб, инфекция киради ва яллиғланиш касалликлари вужудга келади. Бу эса оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин – қизлик пардаси, қин беркилиб қолиши (қ. Битов) ёки сурункали яллиғланиш касалликлари – кольпит (қин яллиғланиши) ва бошқа юзага келиши мумкин. Жинсий аъзолар гигиенаси учун ишлатиладиган буюмлар тоза жойда алоҳида сақланиши, уларни ҳеч ким тутмаслиги керак. Қиз болаларнинг жинсий аъзолари қай аҳволда эканлигига доим кўз-қулоқ бўлиб туриш лозим: тозалikka риоя қилиш, жинсий аъзоларини, оралиқ соҳасини мунтазам ювиб туриш, ич кийимларини тез-тез алмаштириб, уларни қайнатиб ювиш ва дазмоллаш, қиз бола кийимлари, сочик ва бошқаларни алоҳида сақлаш ва ҳоказо. Қиз боланинг балоғатга етиш даври алоҳида эътиборни талаб этади. Унга ҳайз бошланиши, унинг моҳияти ва у касаллик эмас, балки физиологик ҳолат эканини олдиндан тушунтириш лозим, токи кутилмаганда ҳайз бошланса, у саросимага тушмасин. Ҳайз кўриш кунларида баданни тоза тутиш ва ташқи жинсий аъзоларни ювишдан ташқари, қўшимча гигиена чораларини кўриш зарур. Бу даврда шамоллаш, грипп ва бошқа инфекциялардан



эхтиёт бўлиш, очик ҳавзаларда, ваннада чўмилмаслик, оғир иш қилмаслик лозим. Фақат енгил душ қабул қилиш мумкин. Эри билан турган аёл жинсий ҳаёт гигиенасига айниқса жиддий риоя қилиши, йилига камида бир марта аёллар маслаҳатхонасига бориб туриши керак. Жинсий аъзоларда ўзгариш сезилса (оғрик, ҳайз қонининг кўп ёки оз кетиши, оқчил келиши ва ҳоказо) шифокорга мурожаат қилиш зарур. Юқорида айтилган гигиена чоралари аёл ҳаётининг климактерик ва қарилик даврларида ҳам амалга оширилади. Умуман, хоҳ аёл, хоҳ эркак, гигиенага тўла-тўқис амал қилса, ҳар қандай нохушликларнинг олди олинади.

Шахсий гигиена – гигиенанинг бир бўлими; шахсий ҳаёт ва меҳнат фаолиятида амал қилиниши зарур бўлган гигиеник режим йўли билан одам соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалаларини ишлаб чиқади. Шахсий гигиена ҳар бир кишининг ўзига ва ёшига боғлиқ бўлиб, ақлий ва жисмоний меҳнатни тўғри йўлга қўйиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, вақтида овқатланиш, мириқиб ухлаш, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкиллаштиришдан иборат. Тор маънода бадан (тери, соч, тирноқ, тишлар), кийим-кечак, пойабзал, кўрпа-тўшак, турар жой, овқат тайёрлаш гигиенаси ва ҳоказолар ҳам шахсий гигиенага киради. Биринчи навбатда, баданни озода сақлашга эътибор бериш зарур. Айниқса, баданнинг очик жойлари, шунингдек, тирноқ ости тез кирланади, шунинг учун қўлни бот-бот совунлаб ювиб туриш, тирноқларни тўғри парвариш қилишга одатланиш керак. Уйда овқат тайёрлаганда ҳам қўлнинг тозаллигига эътибор бериш лозим. Шахсий гигиена қоидаларига болалар жуда ёшлигидан оқибатда одатланиши зарур. Кунига душ қабул қилиш яхши одат. Уйда душ бўлмаса, баданнинг очик, айниқса, кўп терлайдиган жойларини, қўлтиқ ва кўкрак остини иссиқ сув билан совунлаб ювиш лозим. Ўринга ётишдан олдин тишларни тозалаш, оёқни ювиш, агар бармоқ бурмаларида чақаланган, бичилган жойлар бўлса, даволатиш керак. Оғиз бўшлиғини тоза тутиш фақат тишларнинг соғлом бўлишини таъминлабгина қолмай, балки ички аъзолардаги касалликларнинг олдини олишда ҳам муҳим. Тишни ҳар куни эрталаб ва кечқурун ювишга,

шунингдек, ҳар овқатлангандан кейин оғизни чайишга одатланиш керак; агар оғиз ҳидланса, дарҳол шифокорга кўриниш зарур.

Шахсий гигиенага умумий гигиена тадбирларидан ташқари, жинсий аъзолар парвариши ҳам киради; буни бола балоғатга етганида эмас, аксинча, бола туғилганидан оқибатда амалга ошириш керак.

Ички кийим тоза бўлиши, ҳар куни ёки кун ора пайпоқни алмаштириб туриш шахсий гигиенада жуда муҳим; бадан, кийим-кечак, турар жой, ошхона, иш жойи ва бошқаларнинг тоза бўлишига эътибор бериш керак. Ҳар бир оила аъзосининг сочиғи, кўрпа-тўшаги алоҳида бўлиши, кўрпа-ёстиқ жилди, чойшабни ҳафтада бир алмаштириб туриш зарур. Уйкуга ётишдан олдин ички кийимни алмаштириш лозим. Шахсий гигиенага оид тадбирларни, айниқса, оила аъзоларидан бирор киши оғриганда қатъий амалга ошириш талаб этилади, акс ҳолда касаллик атрофдагиларга, хусусан болаларга тез юқиши мумкин.

Хонадон гигиенаси. Хонадон тоза ичимлик суви манбаига эга бўлган ҳолда ҳар фасл бошида бир марта уй кўтариб, хоналар, ётоқхоналар, ошхона, қишлоқда эса тандирхона, ҳовли, дарвоза олди, томорқаси, ҳожатхона, оғилхоналарини ҳамда ўз кўчасини ортиқча буюмлар ва чиқиндилардан тозалаб, тартибга келтириши, болалар ва оила аъзоларини вақтида тиббий кўриқдан ўтказиб, касалликларга қарши эмлатиб туриш, гижжа касаллиги ва битлиқликка йўл қўймаслик, болаларга тўғри тарбия бериш, уй ҳайвонларини ҳам вақтида турли касалликларга қарши эмлатиб туриш ҳамда уй жиҳозлари ва хўжалик буюмларидан фойдаланганда техника хавфсизлиги қоидаларидан хабардор бўлишидир. **Жамоат гигиенаси.** Бизни ўраб турган олам - кўчалар, бинолар атрофи, арик, қўл, денгиз, хиёбонларни озода сақлаш, ҳашар ва шанбаликлар уюштириб, гуллар ва дарахтлар экиш, маҳаллаларда, муассасаларда, деҳқон бозорларида, озиқ-овқат дўконларида ҳамда бошқа жамоат жойларида кишиларнинг экологик тозалликка ва савдо-сотиқ гигиенасига амал қилишлари ҳамда жамоат ободончилигига эришишда фаол қатнашиш ҳамда йўл қоидалари, кўча техника хавфсизлиги қоидаларига

виждонан амал қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда инсонларга биринчи ёрдам кўрсатиш билимлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.

Жисмоний ва руҳий гигиена. Инсонлар режали кун тартибига риоя қилиб яшаши, руҳий саломатлигини асраши ва турли стресслардан сақланиши, саломатлик учун эрталабки бадантарбия машқлари билан шуғулланиб туриши лозим. Меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри ташкил қилиши, гавдасининг ҳар бир аъзосини тўғри парваришлаши, турли ёшида юз бериши мумкин бўлган физиологик ўзгаришлар, касалликлар ва уларнинг олдини олиш ҳақидаги бошланғич билимларга эга бўлиши керак. Шунингдек, спиртли ва бошқа зарарли ичимликлар ичиш, сигарет ва носвой чекиш, наркотик моддалар қабул қилишнинг зарарли оқибатлари, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари ҳамда турли касалликларга учраганда шифокор маслаҳатисиз мустақил даволанишнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунчаларга эга бўлиши лозим.

ГИНЕКОЛОГИЯ (юн. *gynaikos* – аёл ва ...логия) – клиник тиббиётнинг бир соҳаси; турли ёшдаги хотин-қизлар организмнинг ўзига хос анатомик-физиологик хусусиятларини ҳамда уларнинг жинсий аъзолари касалликларини ўрганади. Аёлларнинг нормал жинсий фаолияти – ҳайз кўриши, бола туғиши, шунингдек, бола туғиш ва ҳайз кўришдан қолиши (климактерия даври) ҳамда шу даврга хос касалликлар, яллиғланиш касалликлари, туғмаслик сабаблари, уларнинг олдини олиш ва даволаш йўл-йўриқларини ҳам ўрганади. Гинекология акушерлик билан чамбарчас боғланган. Гинекология 19-асрнинг ўрталарида мустақил фан сифатида ташкил топди. Анатомия, физиология, умумий патология, микробиология, эндокринология, жарроҳлик ва б. фанлар гинекологиянинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Гинекологиянинг тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Миср, Ҳиндистон, Юнонистоннинг қадимги қўлёзмаларида гинекологияга оид маълумотлар келтирилган. Гинекологиятушунчаси Гиппократ, Герофил каби юнон шифокорларининг асарларида

ҳам ўз ифодасини топган. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”да бир қанча гинекологик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш йўллари баён этилган. Тошкентда Хадра даҳасида Ўзбекистонда биринчи аёллар ва болалар шифохонаси очилиши (1880), Ўзбекистонда акушер-гинеколог шифокорлар тайёрлана бошлаши, 1927 йилда Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти, Ўрта Осиё унверситетити (1921), ТошТИ (1931; 1940), СамТИ (1934) ҳамда Шифокорлар малакасини ошириш институтида (1950; 1960) акушерлик ва гинекология кафедралари фаолият кўрсата бошлаши гинекология ва акушерлик соҳасининг фан сифатида ривожланишига олиб келди. Бунда Ўзбекистан ФА акад. И.З.Зокиров, проф. А.А.Коган, А.А.Кодинова, О.Мирсоатов, Ю.К.Жабборова ва бошқаларнинг салмоқли ҳиссалари бор. Ўзбекистон Республикасида Акушерлик ва гинекология, Педиатрия илмий-тадқиқот институти, тиббиёт институтлари, шифокорлар малакасини ошириш институти ҳамда йирик касалхоналарнинг гинекология бўлимларида гинекология масалаларини ҳал этишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилди. Бугунги кунда Акушерлик ва гинекология институти негизида Она ва бола саломатлиги республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг 14 та ҳудуддаги филиаллари, 46 та туманлараро перинатал марказлар ҳамда 209 та туман/шаҳарларда 227 та туғруқ комплекслари фаолият юритмоқда.

Гинекология хизматини тиббиёт олийгоҳларини битиргандан кейин махсус ихтисослаштириш-магистратура ёки клиник ординатурада тайёрланган акушер-гинеколог мутахассислар амалга оширади. Ушбу мутахассислар республика тиббиёт олийгоҳлари ҳамда Она ва бола саломатлиги РИИАТМ, унинг 14 та ҳудуддаги филиалларида тайёрланади, малакасини оширади ва амалий кўникмалар ҳосил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сон қарорига мувофиқ ҳар бир тиббиёт бригадаси учун 8500 та патронаж доялар ажратиб



берилганлиги гинекология хизматини аҳолига янада яқинлаштирилишига имкон берди.

ГОРМОНЛАР (юн. *hormanino* –қўзғатаман) – ички секреция безлари (эндокрин безлар)да ишланиб чиқиб, қонга ва тўқима суюқлигига ўтадиган биологик фаол моддалар. Улар бутун организмга тарқалиб, турли аъзо ҳамда тўқималарнинг фаолиятини бошқаради. Баъзилари муайян аъзоларга, мас., тиреотроп гормон асосан қалқонсимон безга, адренкортикотроп гормон (АКТГ) буйрак усти безларининг пўстлоқ қаватига, эстрогенлар бачадонга таъсир этади. Бошқалари (қалқонсимон без гармонни, кортикостероидлар, ўсиш гормонни ва бошқалар) организмнинг ҳамма тўқималарига (умумий) таъсир кўрсатади. Гармоннинг ўзига хос таъсир этиши турлича кимёвий тузилганлигига боғлиқ; масалан, инсулин углеводлар алмашинувига таъсир этади, тестостерон ва бошқа андрогенлар ассимиляция жараёнларини кучайтиради, организмда азот тўпланишига сабаб бўлади, глюкокортикоидлар моддалар алмашинувини ўзгартириб, жигарда гликоген ҳосил бўлишини, айниқса бириктирувчи ва лимфоид тўқимада оқсилларнинг парчаланишини, эстрогенлар бачадонда фосфолипидлар билан оқсил синтез бўлишини кучайтиради, ўсиш гормонни (соматотроп гармон) ёғ, фосфор ва кальций алмашинувига таъсир этади. Гармон ҳужайранинг генетик аппаратини стимуллаш, ферментларни фаоллаштириш ва ферментатив реакциялар тезлигини ўзгартириш йўли билан моддалар алмашинувига таъсир кўрсатади. Улар оқсилнинг тузилишини белгилаб берадиган информатсион рибонуклеин кислотасининг ҳосил бўлишини кучайтириб, оқсиллар биосинтезига таъсир этади. Ўсиш ва жинсий гармон организмнинг ўсишини, балоғатга етишини бошқаради. Зарур пайтда организм имкониятлари гармон иштирокида сафарбар қилинади.

Эстроген ва прогестерон. Аёлларнинг жинсий гормонлари 45 ёшдан кейин, аёлларда менопауза бошланганида ўзини кўрсатади. Эстрогеннинг паст даражаси қорин соҳасида ёғ ҳужайралари тўпланишига ҳисса қўшади.

Прогестероннинг паст даражаси организмни кўпроқ суюқлик тўплашга мажбур қилади. Ўз-ўзидан тана ўлчами ортиб боради.

Тестостерон. Менстурал циклни ўзгариши ва тухумларнинг поликистози айрим ҳолларда тестостероннинг юқори кўрсаткичи сабабли юзага келади. Бу вазннинг назоратсиз ортиб бориши, юзда туклар, ҳуснбузарларнинг пайдо бўлиши ва бепуштлиқка олиб келади. Менопауза вақтида тестостероннинг паст даражаси моддалар алмашинуви суръатини пасайтиради, бу эса семизликнинг сабабларидан бирига айланади.

Стресс, дори-дармонлар, метаболик касалликлар — гормонал даражадаги ўзгаришларнинг сабаблари кўп бўлиши мумкин. Аммо кўпинча гормонал мувозанат издан чиқиб кетганига эътибор берилмайди ва чарчок, вазн ўзгариши ва бошқа аломатларни ёш ўтишига ёки ортикча ишлаш билан боғлашади. Аёл организмда гормонлар етишмаслиги ёки улар мувозанатининг бузилганлидан дарак берувчи бир неча ҳолатлар мавжуд. Жумладан, иштаҳанинг ортиши - агар доимо очлик ҳисси тарк этмаса ва одатдаги овқатланиш кифоя қилмаса, қалқонсимон гормонлар мувозанатини текшириб кўриш лозим. Гипертиреозда қалқонсимон без гормонлари кўп миқдорда ишлаб чиқарилганда, организм калорияларни кўпроқ сарфлайди ва иштаҳани оширади. Бундан ташқари, доимий очлик стресс гормонни кортизол даражасининг ошиши туфайли пайдо бўлиши мумкин: организм хавфли вазиятда кўпроқ энергия сақлашга интилади.

Соч тўкилиши - аёлларда тестостерон даражасининг ошиши эркак типдаги соч тўкилишига олиб келади. Кўпинча, ушбу гормоннинг ортиши поликистик тухумдон синдромидан дарак беради, бу нафақат фарзанд кўриш эҳтимолини пасайтиради, балки диабет ёки саратон каби касалликлар хавфини ҳам ошириши мумкин.

Вазн ўзгариши - ҳеч қандай сабабсиз пайдо бўладиган вазннинг ўзгариши гормонал номуносивлик ҳақида дарак беради. Вазн ортиши кортизол ёки тестостероннинг ортикча эканлигини кўрсатиши ёки қалқонсимон без фаолиятининг сустлашишидан огоҳлантириши

мумкин. Тўсатдан вазн камайиши қалқонсимон без, аксинча, зарур бўлгандан кўра фаолроқ ишлаётганлигини ва у томонидан ишлаб чиқарилган жуда кўп гормонлар қон оқимиға киришини кўрсатиши мумкин.

Кайфият ўзгариши - ҳомиладор ёки менопаузани бошдан кечираётган аёлларда бу аломатни кўриш одатий, аммо гормонлар мувозанати бузилган бўлса, жиддий руҳий ўзгаришлар ҳар қандай ёшдаги аёлларни қийнаши мумкин.

Доимий чарчоқ - организмнинг ҳар қандай тизимидаги, шу жумладан гормонал тизимдаги номутоносизлик, албатта, энергия даражасининг пасайишига олиб келади. Агар тезда чарчаб қолсангиз, ҳеч қандай ҳолатда дам ололмасангиз, ўзгаришларни ёш ўтиши ёки стресс билан боғлаб бўлмайди. Албатта, шифокор билан маслаҳатлашиш лозим. Доимий чарчоқ ва ҳолсизлик жуда хавфли аломатдир, уни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Уйқунинг бузилиши - кечаси етарли даражада ухлаб бўлмаса, кортизол даражаси кўтарилади ва юқори кортизол ухлаганга ҳалакит беради. Бундан ташқари, уйқусизлик қалқонсимон гормоннинг кўтарилишидан келиб чиқиши мумкин ва агар бу гормон паст бўлса, дангасалик ва уйқучанлик кузатилади. Қандай бўлмасин, уйқу бузилиши, айниқса тўсатдан ва ҳеч қандай ташқи сабабларга кўра юзага келмайди. Бу эса шифокорга учрашиш учун сабабдир.

Хотира ва диққатнинг бузилиши - қалқонсимон без яхши ишламаса ва гормонлар кам ишлаб чиқарилса, когнитив функциялар ёмонлашиши мумкин: хотира, концентрация ва маълумотни идрок этиш қобилияти ёмонлашади. Агар кундалик вазифаларни бажариш қийинлашса ва эътиборсизлик кучайган бўлса, эндокринолог билан маслаҳатлашиш зарур.

Суяк синиши - суяклар учун зарур Д витамини организмга киргандан сўнг калситриол гормонига айланади. Агар кальций ва Д витамини етарли миқдорда қабул қилинса-ю, лекин суяклар заиф бўлса, ушбу гормон ёки кальций даражасини назорат қилишга ёрдам берадиган қалқонсимон без гормони мувозанати бузилган бўлиши мумкин.

Агар аёлларда юқоридаги белгилар пайдо

бўлса, гинеколог-эндокринологга мурожаат қилиш тавсия этилади.

ДИЕТА (юн. *diaita* – ҳаёт йўсини, овқатланиш режими) – парҳез, овқатнинг миқдори, таркиби, хоссалари, тайёрлаш (пишириш) усуллари, уни қанча ва неча маҳал истеъмол қилишга доир махсус режим. Диетология (диета ва ...логия), диететика – организмнинг тўғри овқатланиши, овқатланиш гигиенаси ҳақидаги фан. Соғлом ҳамда турли касалликларга чалинган беморларнинг овқатланиш тарзини ишлаб чиқади ва асослаб беради (қ. Парҳез билан даволаш). Диета овқатнинг кимёвий таркиби, овқатланиш тартиби, уни истеъмол қилиш вақти, ҳажми, овқатланишлар орасидаги вақт ва бошқаларни ўз ичига олади. Диета тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Гиппократ ўз даврида беморни даволаш касаллигининг турли босқичларида у қанча ва қандай овқат ейишини тўғри танлай билишдан иборат деб таъкидлаган. Ўша даврда диетанинг асосчиларидан ҳисобланган рим шифокори Асклепиад (мил. ав. 128–50 йиллар) парҳез тўғри танлангандагина дори-дармон яхши қор қилиши ва нафи бўлишини айтиб ўтган. У ўз шогирдлари билан турли хасталикларни даволашда овқат маҳсулотларидан тўғри фойдалана билиш кўрсатмаларини ишлаб чиққан. Рим шифокори Гален беморларнинг овқати масаллиқларига алоҳида аҳамият берган. Замонавий диета даволаш амалиётида тиббиёт, биокимё, физиология, морфология ва бошқаларда эришилган энг янги усул ва кашфиётлардан фойдаланади. Ўзбекистонда ҳам диета кенг ўрганилган, тиббиёт олийгоҳлари ва тиббий техникумларда диетолог шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш тизими жорий этилган. Республикадаги барча шифохоналарда бемор овқатланишини назорат қилиш учун мазкур мутахассислар фаолияти таъминланган.

Тўғри овқатланиш – соғлом, рационал/оқилона овқатланиш. Тўғри овқатланиш соғлиқни асраб ва мустаҳкамлаб, ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига организмнинг қаршилигини оширади, юқори ақлий ва жисмоний меҳнат қобилиятини ҳамда фаол узок умр кўришни таъминлайди. Тўғри овқатланиш баланслашган, адекват ва оптимал



бўлиши керак. Овқатланиш тартиби - бу кун давомида неча маротаба, қанча вақт оралиғида, қанча давомийликда озуқа маҳсулотлари ва таомларини тақсимлаш, истеъмоли қилиш билан ифодаланади. Кунига 4 маротаба овқатланиш ва уни қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади: эрталабки нонушта – 30% ,тушлик – 40%, кечки чой – 10 %, кечки овқат – 20 %. Овқатлар хилма-хил бўлиши ҳаётий зарур моддалар – оксил, ёғ, углевод, витамин, минерал моддалар ва сувдан иборат бўлиши керак. Кундалик ёғ истеъмоли катталар рационидан жой олган маҳсулотлар умумий кувватининг 30 фоизидан ошмаслиги керак, шакар истеъмолини чеклаш, унинг ўрнини сифатли углеводлар - биринчи навбатда, дон, сабзавот, мева ва дуккакли маҳсулотлардан олиши керак. Хусусан, катталар кунига камида 400 грамм мева-сабзавот тановул қилиши мақсадга мувофиқ. Энг асосийси, озиқ-овқат маҳсулотларидан олинадиган энергия кишининг кун давомида сарфлаётган энергиясига тенг бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ёш болалар, етук ёшдагилар, спорт билан шуғулланадиган ёки оғир жисмоний меҳнатда бандлар, ақлий меҳнат билан шуғулланадиганлар ва кекса ёш вакилларининг овқатланиш таркиби ва тартиби турлича бўлади. Тўғри овқатланиш қоидаларига риоя қилиш учун турли ижтимоий тармоқлардаги маълумотларга эмас, оилавий шифокор маслаҳатларига риоя қилиш керак.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг соғлом овқатланиши ва жисмоний фаоллигини таъминлашда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш, юкумли бўлмаган касалликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, ҳар бир фуқарода соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик маданиятини шакллантириш мақсадида 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4887 сонли қарори қабул қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилган. Қарорга мувофиқ 209 та кўп тармоқли марказий поликлиникаларда “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи хоналари” ташкил этилиб, аҳолига касалликлар профилактикаси, тўғри овқатланишнинг

аҳамияти ва тамойиллари бўйича суҳбатлар, индивидуал ва оммавий тадбирлар ўтказилади.

ЖИНСИЙ ТАРБИЯ – болалар, ўсмирлар ва ёшларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириб боришга қаратилган тиббий ва педагогик тадбирлар тизими, тарбия жараёнининг муҳим қисми. Жинсий тарбия шахснинг жисмоний, ақлий, маънавий ва эстетик ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Жинсий тарбиянинг асосий вазифаси ёш авлоднинг яхши ўсиб-унишига, зурриёт бериш функциясини бекамукўст қилиб шакллантиришга, никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат. Жинсий тарбияни болаларнинг ёши, жинси ва малакасига мос тушадиган қилиб олиб бориш зарур. Кўплар Жинсий тарбияни балоғат ёшида бошлаш керак деб ҳисоблашади. Бу нотўғри, чунки бунга тааллуқли айрим масалаларни боланинг ёшлигидан бошлаб ҳал қила бориш керак. Кўпгина ота-оналар жинс масаласини муҳокама қилиш одобдан эмас деб ўйлаб ёшларни қизиқтирадиган масалалар тўғрисида сўзлашмасликни лозим кўришади. Натижада, болалар атрофдагилардан, кўпинча тасодикий манбалардан кўр-кўрона маълумотлар олиб, ўзларини қизиқтирган мавзулар юзасидан аксари нотўғри тасаввурга эга бўлиб қоладилар. Аввало, ёшлар жинс орасидаги тафовутлар, улар жинсий аъзоларининг тузилиши ва моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим. Буни мактаб ёшидан бошлаган маъқул. Маълумки, ўсмирлик даврига келиб гормонал ўзгаришлар, балоғатга етиш, жисмоний етилиш туфайли қарама-қарши жинсга қизиқиш пайдо бўлади. Худди шу даврда улар жинсий аъзоларнинг анатомик ва физиологик хусусиятларидан бохабар бўлишлари лозим. Жинсий тарбия жараёнини шартли равишда бир нечта босқичга ажратиш мумкин. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга оддий гигиена малакалари ва юриштириш қоидаларини ўргатиб бориш, организмни чиниктириш муҳим, чунки уларнинг жинсий жиҳатдан ривожланиши умумий жисмоний ривожланишига боғлиқ. Балоғатга етиш давридаги жинсий тарбия, биринчи галда, шу даврда ўсмирнинг организм ва шахсиятида бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим.

Қизлар 12–14 ёшда, бу даврда уларнинг ички дунёси бойиб, эндокрин безлари, айниқса, жинсий безларининг фаолияти кучаяди, аста-секин жинсий майл уйғона бошлайди. Балоғатга етиш жараёнида жинсий онг қарор топа бошлайди. Оналар шарқона феълимиздаги қон-қонига ўтиб келаётган орият туйғуси, авлодларнинг шаънини пок сақлаш йўлидаги андиша туйғуси қизлар учун жавохирлардан ҳам юксакроқ эканлигини йўл-йўлакай уқтириб боришлари лозим. Қизларни маънавий камол топтириш учун улар руҳиятига масъуллик, бурч, уят, меҳрибонлик, фидойилик, вафо фазилатларини сингдириб боришлари даркор. Шунингдек, ифбат, виждоний поклик, номус, ҳаё қизлар табиатига хос фазилат эканлигини тушунтириб қўйиш муҳим. Балоғат ёшидагилар бу даврдаги гигиена масалалари тушунчаларини тасодифий ўртокларидан эмас, балки ота-оналари, педагоглар ва мактаб шифокорларидан олишлари муҳим. Хусусан, бу даврда қизларни ҳайз кўришга тайёрлаш, бу физиологик ҳодисалар табиий ҳол эканлигини, улар бошланганида қандай гигиена қоидаларига амал қилиш кераклигини қизларга онаси ёки яқин кишилари тушунтириб бериши керак. Ёшлар ўзларида пайдо бўлиб борадиган алланечук истакларни ҳамиша ҳам жиловлаб ололмайди, қарама-қарши жинсдаги ўз тенгқурлари олдида энди ўзларини ноқулай ҳис қиладиган бўлишади. Мана шу даврда ёшлар ўзларини қизиқтирадиган ишлар билан банд бўлса, кўнгли одамларга хайрихоҳлик билан тўлиб-тошиб турса, уларда жинс масалаларига одатдан ташқари қизиқиш пайдо бўлмайди. Шунинг учун ёшлардаги ижодий майлларни, кўп қиррали қизиқишларни тарбиялаб бориш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини тарғиб қилиш ниҳоятда муҳим. Чунки жисмоний тарбия ва спорт ёшларнинг ортиқча куч-қуввати ва вақтини банд қилиб, организмнинг ҳар томонлама камол топишига, бақувват бўлишига ёрдам беради. Ота-оналар ва педагоглар ёшларни ҳурмат қилиб, уларнинг фикрлари билан қизиқишлари ва ўртоқлашишлари лозим. Одам жисмонан ва руҳан балоғатга етганидан кейин чин муҳаббат пайдо бўлади. Бундай муҳаббат ўзаро ҳурмат, дунёқараш ва қизиқишларга ҳамоҳанг бўлса,

инсоннинг ҳаётини бойитади ва мустаҳкам оила қуриш учун негиз яратади.

ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАР – генетик информация (ирсий ахборот)нинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар; асосан, хромосомалар ёки генлардаги мутациялар туфайли пайдо бўлиб, наслдан наслга ўтади. Мутациялар ташқи муҳит омиллари (ионлаштирувчи нурлар, айрим биологик фаол кимёвий бирикмалар) ҳамда организм ва ҳужайралардаги салбий таъсирлар оқибатида рўй бериши мумкин. Ирсий касалликлар асосан, клиник генеалогик усул билан ўрганилади, бунда авлодлар шажараси тузилади. Бу усул ёрдамида ирсий касалликлар (аутосомдоминант, аутосом-рецессив ва жинс билан боғлиқ касалликлар)нинг турли йўллари билан наслдан наслга ўтиши аниқланади. Аутосомдоминант касалликларда, касаллик аутосомада жойлашган доминант генлар орқали назорат қилинади. Бунда касаллик ҳар авлодда 50% дан ортиқ ҳолларда учрайди. Брахидактилия, арахнодактилия, ретинобластома, псориазнинг маълум бир турлари ва бошқа шу йўл билан наслдан наслга ўтади.

Аутосом-рецессив ирсий касалликларда патологик рецессив генлар ота-онада бўлса, касал бола туғилиш эҳтимоли бор, шунинг учун бу касалликлар ҳар авлодда учрамайди. Лекин, бу эҳтимоллик ўзгарган ген тутувчи яқин қариндошлар ўртасида оила қурилганда ошади. Буларга фенилкетонурия, миоклония, эпилепсия, олигофренияикнт маълум бир турлари ва бошқалар мисол бўла олади.

Маълум бир аутосомдоминант ва аутосом-рецессив ирсий касалликлар (мас, дальтонизмнинг маълум бир тури, гемофилия А, сидероахрестик анемия ва бошқалар) жинс билан боғлиқ ҳолда наслдан наслга ўтади. Хромосома ва ген ирсий касалликлари фарқланади. Хромосома касалликлари, асосан, хромосома тузилиши ва сонининг ўзгариши туфайли келиб чиқади, бу янги туғилган болаларда 1% ни ташкил этади. Хромосомадаги жиддий ўзгаришлар кўпинча организмнинг ҳаёт фаоллигини чеклаб, ривожланаётган ҳомиланинг нобуд бўлишига олиб келади. Бу касалликлар аутосомалар ва



жинсий хромосомаларда рўй берган ўзгаришлар оқибатида келиб чиқади. Буларга Шерешевский-Тернер (кариотиби – ХО), Клайнфелтер (ХХУ), Патау (13 трисомия), Даун, “мушук чинкириғи” каби синдром ва касалликлар киради.

Умуман кўпгина хромосома касалликларида одам скелети тузилиши ва нерв системаси ўзгаради, ташки ва ички аъзоларнинг туғма нуқсонлари, ўсишдан орқада қолиш, нерв, эндокрин ва бошқа системаларнинг бузилиши кузатилади, беморларнинг генератив фаоллиги пасаяди.

Ген касалликлари нуқтали мутациялар натижасида юзага келадиган моддалар алмашинувида алоқадор. Ҳозир уларнинг 30 дан ортик хили аниқланган. Булардан энг оғири Тей-Сакс амавротик идиотиясидир, бунда кўриш крбилиятининг сусайиши, эси пастлик ва бошқа неврологик симптомлар кузатилади. Ўзбекистонда ирсий касалликларни олдини олиш, уларни эрта аниқлаш мақсадида пренатал, неонатал скрининг тизимлари йўлга қўйилган.

Пренатал скрининг – ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг ривожланиш нуқсонларини аниқлаш бўйича тиббий текширувлар (лаборатор, ультратовуш ва б.) мажмуи. Пренатал скрининг ҳомиладорликнинг 12 ҳафтасигача, 18-21 ва 30-34 ҳафталик муддатларида ўтказилади. Пренатал скринингдан ўтиш учун ҳомиладорга оилавий шифокор ёки тегишли акушер-гинеколог яшаб турган жойидаги марказий поликлиникага йўлланма беради. Республикамиздаги 209 та туман шаҳарларда пренатал скрининг хоналари ташкил этилган замонавий ва юқори сезгирли ультратовуш аппаратлари билан жиҳозланган. Шифокорлар махсус курсларда ўқитилган. П.с. натижасида ҳомила ривожланишида хавф белгилари топилса ёки аёл хавф гуруҳига мансуб бўлса (аввалда ирсий касаллик ва туғма нуқсонлар билан фарзандларнинг туғилиши, ўлик туғиш, ота ёки онанинг оиласида ирсий касалликларнинг мавжудлиги, қариндошлар орасидаги никоҳ ва б.) вилоят марказига қўшимча текширув ва маслаҳатга юборилади. Вилоят марказида ҳомилада ҳаётга мос келмайдиган ривожланиш нуқсонлари ва ирсий касалликлар ёки гумон аниқланганда, ҳомиладорга тиббий кўрсатма асосида ҳомиладорликни тўхтатиш тавсия этилади.

Неонатал скрининг- республикамизда ҳар бир янги туғилган чақалоқлар туғруқ комплекслари ва бўлимларида товонидан қон олиш орқали галактоземия, туғма гипотиреоз, муковисцидоз, фенилкетонурия каби ирсий касалликларни аниқлаш учун неонатал скринингдан ўтказилади.

Неонатал скрининг натижасида касалликка гумон қилинган болалар алоҳида рўйхатга олинади, кўрсатма асосида қўшимча текширувлардан ўтказилади, касаллик аниқланса, стандарт асосида даволаш чоралари қўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 217-сон қарорига мувофиқ спинал мушак атрофияси - ирсий касаллигига чалинган болаларни даволаш, парваришлаш ва реабилитация қилишда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг комплекс чоралари белгиланган. Унга мувофиқ ушбу касалликка чалинган болалар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан дори-дармон билан таъминланади.

КЛИМАКС (юн. klimakter – зинапоя), климактерик давр – жинсий фаолиятнинг сусайиб, кексая бориш даврига ўтиш палласи. Аёлларда ҳам, эркакларда ҳам кузатилади. Климакснинг юзага келиши жинсий безлар фаолиятининг сусайиши билан бирга организмда вақтинча рўй берадиган ўзгаришларга асосланган. Климаксда аёлларнинг ҳайз кўриши ўзгаради; гипоталамус – гипофиз – тухумдонларда функционал ўзгаришлар вужудга келади. Ҳайз қони тўхтаб-тўхтаб келади, баъзан кўп ва узоқ кетиб, ниҳоят бутунлай тўхтади (менопауза). Юрак-томир ва асаб тизимининг функцияси бузилади: бошига қон кўп келиб, юзи қизаради, бадани аввал қизиб, кейин жунжийди ва совук тер босади, ҳаллослайди, қулоғи шанғиллайди; аёл салга қўзғалувчан ёки маъюс бўлади, хотираси пасаяди, сабабсиз бетоқат бўлади, боши оғрийди, уйқуси бузилади ва ҳоказо. Баъзан юраги ўйнайди, юрак соҳасида оғриқ сезилади. Климаксда пайдо бўладиган

аломатлар организмнинг умумий ҳолатига боғлиқ.

Кўпчилик аёлларда сезиларсиз ўтиши, бу уларнинг умумий аҳволига таъсир этмаслиги ҳам мумкин. Климакс даври оғирроқ кечганида қалқонсимон без фаолияти (юррак ўйнаши, қўл қалтираши) ва моддалар алмашинувининг бузилиши (аёл семириб ёки жуда озиб кетади), рухий изтироб, хаяжонланиш, невроз, психопатия ва б. ҳолатлар кузатилади. Климакс, одатда, 45–50 ёшларда бошланади, у одатдагидан эртароқ (40 ёшгача – эрта климакс) ёки кечроқ (55 дан кейин – кечиккан климакс) рўй бериши ҳам мумкин. Бу меҳнат, турмуш тарзи, иқлим шароити ҳамда ирсий хусусиятларга, шунингдек, аёлнинг етуқлик даври қандай ўтганлигига (аборт, туғиш, жинсий ҳаёти ва б.) боғлиқ. К. даврини ўтказаетган аёл баъзан бўйида бўлиб туғиши ҳам мумкин. Климакс, аёл организмда қандай кечишидан қатъий назар, унга хос дастлабки аломатлар пайдо бўлиши билан шифокорга учрашиш ва тегишли маслаҳатлар олиш зарур.

КЎКРАК БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИ- (mammar) Кўкрак(сут) безининг яллиғланиш, хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларини таснифлаш мумкин.

Мастит (юн. mastos – кўкрак, сийна) – сут безининг яллиғланиши; касаллик аксарият тукқан аёллар ва ҳомиладорларда кузатилади. Ахёнда чақалоқларда, эркаларда ҳам учрайди. Маститга стафилококklar, стрептококklar, ичак таёқчаси ва бошқа сабаб бўлади. Аёл организмдаги сурункали яллиғланиш касалликлариди инфекция гематоген (қон орқали) ёки лимфоген (лимфа орқали) йўл билан ўтиши ҳам мумкин. Кўкракда сут туриб қолиши (лактостаз), шунингдек, иммунитет пасайишига олиб келадиган ҳолатлар (туғиш), санитария-гигиена қоидаларига амал қилмаслик ва ҳоказою Маститнинг ривожланишига имкон беради. Маститнинг ўткир (сероз, инфильтратив, абсцесслашган, флегмоноз, гангреноз) ва сурункали (инфильтратив) хиллари фарқ қилинади. Касалликда сут бези оғрийди ва таранглашади, зарарланган қисм териси қаттиклашиб, қизаради, беморнинг тана ҳарорати

кўтарилади, баъзан эти увишади. М.нинг дастлабки белгилари сут бези сўрғичининг ёрилиши ва бошқа) кўзга ташланиши билан шифокорга кўрсатилса, ўз вақтида олдини олиш мумкин. Аёл ҳомиладорлик вақтидаёқ сут безини чиниктириши ва бола эмизишга тайёрлаши лозим. Маститнинг олдини олишда чақалоқни тўғри эмизиш ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш муҳим. Сут безида сут туриб қолмаслик, бола эмганидан кейин сут қолса, тегишли қоидаларга риоя қилиш муҳим. Сут безида мастит бўлиши дори-дармонлар билан даволанади. Оғирроқ ҳолларда жарроҳлик усули қўлланади. **Мастопатия** (мастит ва юн. Pathos – азобланиш, дард), фиброаденоматоз – сут бези касаллиги (қ. Сут безлари), бунда, кўпинча, сут безининг юқори қисмида ҳар хил катталиқда, ушлаганда қўлга уннайдиган, оғрикли (баъзан оғриқсиз) майда қаттиқ тугунчалар пайдо бўлади. Баъзан оғриқ ҳайз даврида ёки ундан олдин кузатилади. Мастопатия, кўпинча, ёшроқ аёлларда учраб, одатда, ички секреция безлари (гипоталамо – гипофизар система, тухумдон, буйрак усти бези, қалқонсимон без) фаолиятининг издан чиқиши оқибатида вужудга келади, бу ўзгаришларга жинсий органларнинг турли яллиғланиш касалликлари ва аборт сабаб бўлади. Бунда пролактин ўртасидаги нисбатнинг бузилиши ҳамда гипофизнинг фолликулни стимулловчи гормони кўп ишлаб чиқарилиши муҳим рол ўйнайди. Мастопатиянинг диффуз, тугунли ва пролифератив шакллари фарқ қилинади. Сут безида арзимаган ўзгаришлар пайдо бўлганда дарҳол шифокорга мурожаат этиш ва Мастопатияга сабаб бўлган омилларни даволаш лозим. **Кўкрак бези саратонига** чалиниш нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа давлатларда ҳам биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили 1,5 миллион аёлда сут бези саратони аниқланади. Кўкрак бези саратони – бу кўкрак бези тўқималарининг хавфли ўсмаси. Дунё миқёсида бу аёллар орасида энг кенг тарқалган саратон касаллиги бўлиб, касаллик 13 ёшдан 90 ёшгача бўлган қизлар ва аёлларда учрайди. У шунингдек, умумий популяцияда ўпка саратонидан кейин иккинчи ўринда туради. ЖССТ мутахассисларининг фикрига кўра,



дунёда ҳар йили кўкрак беи саратонининг 800 мингдан 1 миллионгача янги ҳолатлари рўйхатга олинади. Саратоннинг ушбу тури аёллар орасида ўлим ҳолатлари бўйича иккинчи ўринда туради. Америка Қўшма Штатлари ва Ғарбий Европада касалланиш даражаси энг юқори. 1970-йиллардан кейин ривожланган мамлакатларда кўкрак беи саратони билан касалланганлар сонининг кескин ўсиши ушбу мамлакатлар аҳолисининг ўзгарган турмуш тарзи билан боғлиқ. Хусусан, оилаларда болалар камлиги ва эмизиш вақти озлиги ёки яримтайёр маҳсулотлардан фойдаланилаётгани асосий сабаблардан бири.

Ўзбекистон Республикасида аёллар орасида кўкрак беи саратонини эрта аниқлаш мақсадида барча онкологик клиникалар маммограф аппаратлари билан таъминланган, мутахассислар мамлакатда ва хорижий клиникаларда тайёрланмоқда.

Кўкракни қўлда пайпаслаш орқали саратонни 1 ёки 2- боскичда, айниқса, кўкрак тўқималарида чуқур жойлашган ўсмаларни аниқлаш деярли мумкин эмас. Маммография 45–65 ёшдаги аёллар учун кўрсатилади. Ва 45 ёшгача бўлган аёллар учун ультратовуш диагностикаси ҳар икки йилда бир марта тавсия этилади. Хавф омилларига қўйидагилар киради: яқин қариндошларда кўкрак беи саратони кузатилгани, гормонларни алмаштириш терапияси (айниқса, эстрогеннинг юқори дозалари билан), кўкрак қафаси ёки сут безларига радиация терапияси, кеч менопауза, BRCA-1 ва 2, PALB-2 генларининг мутацияси мавжудлиги ва бошқалар.

Энг асосийси, касалликларни эрта боскичда аниқлаш бўлиб, бу орқали аёлларни ногиронлик, ҳатто ўлимдан сақлаб қолиш мумкин.

КЎКРАК СУТИ (ОНА СУТИ) бола учун муҳим озуқа омилдир. Табиий овқатлантирилаётган боланинг гормоник ривожланиши ҳамда унинг организми иммун дончаларининг етарли миқдорда ишлаб чиқаришга қодир бўлмаган дастлабки ойларда, гўдакни юқумли касалликлардан асрашда кўкрак сути асосий ўрин эгаллайди. Фақатгина она сути билан боқилаётган кўкрак ёшидаги болаларнинг сунъий, аралаш овқатлантирилаётган болаларга

нисбатан 2,5 марта камроқ касалланиши, ошқозон-ичак системаси касалликлари билан эса 25 баробар кам касалланиши бунга аниқ далилдир. Бундан ташқари она билан боланинг доимий жисмоний боғлиқлиги янги туғилган чақалоқда доимий ҳимоя, илиқлик туйғусини, онада эса оналик меҳрини уйғотишга, бу эса келгусида болани ижтимоий муҳитга, онани эса ҳомиладорлик даврини ҳомила туғилгандан кейинги даврга мосланишини енгиллаштиради. Она сутида тузлар, темир моддаси, мис, рух, кобальт ва қон ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилувчи бошқа микроэлементлар етарли миқдорда бўлади. Бунинг натижасида кўкрак сути эмган болаларда сунъий овқатлантириладиган болаларга қараганда камқонлик касали кам учрайди. Она сутига микроблар тушиш эҳтимоли йўқ, у доимо янги, ҳарорати 36-37 даражада бўлиб, бола танаси ҳароратига яқин, ошқозонга аста-секин ва оз-оздан тушади ва кичкинтой танасига таомнинг таркибий қисми тўла ҳолда парчаланмай сўрилади. Бундан ташқари, она сутида чақалоқнинг дастлабки ойларида айрим юқумли касалликлардан ҳимояловчи, иммун таначалар ҳамда ҳазм жараёнини яхшиловчи ферментлар мавжуд. Шу сабабли бу бебаҳо неъмат билан улғайган болалар ҳар томонлама яхши ривожланади. Рахит, камқонлик касаллиги, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши каби хасталиклар деярли кузатилмайди. Зотилжам билан эса камдан кам ҳоллардагина оғрийдилар. Бола 6 ойга тўлгач, ўсаётган тана эҳтиёжлари она сути томонидан тўлақонли қопланмайди ва белгиланган тартибда қўшимча овқатлантиришга тўғри келади.

ЮНИСЕФнинг таъкидлашича, сайёрамизда туғилаётган ҳар икки нафар боланинг бири дунёга келишининг дастлабки дақиқасиданоқ она сутидан маҳрум экан. Илмий тадқиқотларга қўра, кўкрак сути билан озиқланиш даражаси 100 фоизга қўтарилса, ҳар йили дунёда 5 ёшгача бўлган 820 минг бола ва 20 минг аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин экан.

Ўзбекистонда “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган



бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш, шунингдек гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир белгиланган талабларга риоя этилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Лактация (лакт...) – одам ва сут эмизувчи ҳайвонларда сут ҳосил бўлиши, йиғилиши ва вақт-вақти билан ажралиб чиқиши. Лактация туғруқдан кейин бошланади. Сут сут безларица қондан сўриб олинган озиқ моддалар ҳисобига йиғилади. Лактация – мураккаб нейро-гуморал жараён (қ. Нейро-гуморал регуляция). Аёлларда кўзи ёриган кунининг дастлабки куниданоқ оғиз сути, 2–3 ҳафтадан кейин эса росмана сут кела бошлайди; 10–20-ҳафталарга келиб лактация авжига чиқади. Лактация муддати ҳар бир аёл сут безларининг ўзига хос хусусиятларига, эмизикли онанинг овқатланиш тарзига, шунингдек, болани эмизиб боқишига боғлиқ. Агар сут безларидан сут чиқариб турилмаса, лактация тўхтайди. **Агалактия** (юн. а – инкор қўшимчаси, gale – сут) – эмизикли аёл кўкрагида сут бўлмай қолиши. Агалактия асосан сут безларининг етарли ривожланмаганлиги ва организмда ички секреция безлари функциясининг бузилиши, мас, жинсий безлар ва гипофиздан чиқадаган гормонлар ўртасидаги мувозанатнинг йўқолиши, баъзи аъзоларнинг касалланиши натижасида келиб чиқади. Нотўғри овқатланиш, кучли ҳаяжон, қўрқув ва асабийланиш ҳам агалактияга сабаб бўлиши мумкин. Умуман, агалактия кам учрайди, кўпроқ гипогалактия, яъни сут камайиб қолиш ҳодисаси рўй беради. Агалактияни даволаш учун сут безини массаж қилиш (уқалаш), ўз вақтида ва бекаму кўст овқатланиш, тиниқиб ухлаш ва дам олиш, болани эркалаш, бағрига босиш, унга меҳр бериш лозим. Бу ёрдам бермаса, шифокор тавсияси билан болани гўдаклар учун мўлжалланган сутли овқатлар билан боқиш тавсия этилади.

НИКОҲЛАНУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ТИББИЙ КЎРИГИ – никоҳланувчи шахслар келин ва куёвнинг оила қуришдан аввалги тиббий кўриги, соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишини олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Тиббий кўрик Оила кодексига мувофиқ амалга оширилади ва “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”, “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”, “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинган. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги учун никоҳланувчи шахслар ФХДЁ органлари йўлланмаси асосида кўп тармоқли марказий поликлиникага мурожаат қилади. Бу ерда психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўрикдан ўтади. Никоҳланувчи шахсларда текшириш натижасида дарҳол даволаш курсидан ўтишни талаб этувчи касалликлар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига йўналтирилади. Агар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида уларнинг биттасида ёки ҳар иккаласида юқорида келтирилган касаллик, шунингдек, диспансеризация натижасида бошқа касалликлар аниқланган тақдирда, никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқланганидан кейин амалга оширилади. 2023 йил 1 июлдан бошлаб ўз ҳисобидан молекуляр гинетик тестдан ўтказилади.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ

– оналар ва болалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом, жисмонан ва ақлан баркамол болаларни тарбиялашга қаратилган давлат ва ижтимоий-тиббий тадбирлар тизими. Ўзбекистон Республикасида бу тизим аёллар, ҳомиладорлар ва эмизикли оналар меҳнатини муҳофаза қилиш ва репродуктив ҳуқуқ қонунчилиги, оналар ва болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шунингдек, акушерлик-гинекология ва педиатрия ёрдами кўрсатадиган махсус даволаш-профилактика муассасалари тармоқларини яратишга асосланган. Мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг оналар ва болалар муҳофазасига қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар кўзда тутилган дастурлар ишлаб чиқилган. 1998 йилдан Тошкентда “Оила” илмий-амалий маркази фаолият



кўрсата бошлади; бу марказда Ўзбекистонда оилани шакллантириш ва демографик ривожлантиришга оид муаммолар юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Давлат томонидан ёш болали оналар иш соатлари чекланади, уларга тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, шунингдек, заруриятдан келиб чиқиб ўзларига қулай соатларда ёки уйда ишлаш имкониятлари берилади. Ҳар бир она ва бола соғлиғини кузатиш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам давлат зиммасида. Соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари томонидан мактабгача таълим, мактаб, интернат мактаб, болаларни соғломлаштириш комплекслари каби хилма-хил тармоқлар ривожлантирилмоқда.

Оналар ва болалар муҳофазаси 2 асосий бўлимни: акушерлик-гинекология (туғишга ёрдам бериш) ва болаларга даволаш-профилактика ёрдами кўрсатишни ташкил қилишни ўз ичига олади. Акушерлик-гинекология ёрдамини махсус муассасалар, хусусан, 209 та туман/шаҳарларда ҳамда республика шифохоналарининг туғруқ комплекслари/бўлимлари, 46 та туманлараро перинатал марказлар, Она ва бола саломатлиги республика илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиаллари, Республика перинатал маркази, Тиббиёт олийгоҳларининг акушерлик-гинекология кафедраси таркибидаги шу соҳа бўлимлари, 209 та туман/шаҳар кўп тармоқли поликлиникаларининг “Аёллар маслаҳатхонаси бўлимлари, оилавий поликлиникалардаги акушер-гинеколог ҳамда оилавий шифокорлик пунктларининг доя хонаси амалга оширади. Аёллар маслаҳатхонаси ўз ҳудудидаги поликлиника, туман/шаҳар марказий шифохоналари, туманлараро перинатал марказлар, “Никоҳ ва оила” маслаҳатхоналари, шунингдек маҳалла институти билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Республикамизда фаолият кўрсатаётган Она ва бола саломатлиги республика илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика перинатал маркази, Педиатрия республика ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази, Болалар миллий маркази, шунингдек, шу соҳага оид қатор даволаш-профилактика муассасаларида оналар ва болалар муҳофазаси бўйича илмий изланишлар олиб борилади,

кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасида оналар ва болалар муҳофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, мамлакатнинг 2030 йилга қадар “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг устувор вазифалари сифатида белгиланган.

ОРТТИРИЛГАН ИММУН ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ (ОИТС) – ретровирус гуруҳига мансуб вирус кўзгатадиган касаллик; икки даврга бўлинади: ОИТВ инфекцияси ва бевосита ОИТС (СПИД) даври. ОИТВ инфекцияси даври одам организмида вирус бор, лекин касаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган давр. Вирус деярли бир вақтда Парижда проф. Люк Монтанье ҳамда АҚШда проф. Галло бошчилигидаги олимлар томонидан кашф этилган (1983 йил). Бу вирус одамнинг иммунитет тизимида танлаб таъсир кўрсатади, айниқса, CD4+ иммун хужайраларига қирғин келтиради. Вирус одам организмига тушгач, 2–3 кундан сўнг, 25–30% ҳолларда бирламчи инфекция даврига хос аломатлар кузатилиши мумкин. Бу “ўткир сероконверсия синдроми” деб аталади, бунда ҳарорат кўтарилади, тунда терлаш, бўғимлар ва бош оғриғи, лоҳаслик, қайт қилиш, ич кетиши, баданда, айниқса, унинг юқори қисмида тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Бу аломатлар одам организмига тушган вирус таъсирига иммунитет тизими маълум даражада жавоб қайтариш реакцияси билан боғлиқ. Лекин бу даврда антителоларни аниқлаш натижа бермайди, чунки иммунитет тизимининг жавоби ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади. Касалликнинг бу даври 8–10 йилгача, баъзан ундан ҳам узоқ давом этиши мумкин. Ҳоз. кунда амалиётда ОИТВ инфекцияси ташхисини қўйиш қонда касаллик вирусига қарши пайдо бўлган антителоларни аниқлаш – иммун фермент таҳлили (ИФТ) реакциясига асосланган. Дастлабки антителолар вирус организмга тушгач, 3 ҳафтадан сўнг шакллана бошласа ҳам, қўлланадиган диагностикалар уларни илғай олмайди. Шу боис, одамга ушбу инфекция илашгани тўғрисида вирус организмга тушганидан сўнг 90 кун ўтказиб олинган текшириш натижасига қараб хулоса чиқариш

мумкин. ОИТС ОИТВ инфекциясининг якуний даври ҳисобланади. Вирус билан организм ўртасидаги кураш узоқ давом этиб, вируснинг устунлиги билан тугайди.

Шу вақтдан ОИТС даври бошланади. Бу даврда одам организми ҳар қандай микробга бардош бериш хусусиятини йўқотади. Жумладан, нафас, меъда-ичак, сийдик йўлларида доимо мавжуд бўлган ва касаллик қўзғата олмайдиган микроблар ҳам фаоллашиб, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг намоён бўлиши организмда юзага келган ОИТС ҳолати билан боғлиқ бўлгани учун, ушбу гуруҳга кирувчи касалликлар жамланган ҳолда ОИТС билан боғлиқ (ассоцирланган) инфекциялар деб аталади. Булар бактериал инфекциялар, замбуруғли касалликлар, вируслар қўзғатадиган касалликлар, Капоши саркомаси ва ҳоказо. Касаллик вируси инфекция юккан одамнинг конида, эркалар шахватида, аёлларнинг жинсий аъзолари чиқиндиларида ва кўкрак сутида бўлади. Шунинг учун ОИТВ, асосан, уч хил йўл билан юқади: қон орқали, жинсий алоқа воситасида ва инфекция юккан онадан ҳомиласига вертикал йўл билан ўтади. ОИТС билан оғриганларнинг кўпчилигини наркоманлар (гиёҳвандлар), фоҳишалар, гомо- ва бисексуаллар ташкил этади. ОИТС организмга жинсий алоқа, парентерал муолажалар (ностерил игна, шприц ва бошқа тиббий анжомлар ишлатилганда), инифицирланган қон ва унинг ўрнини босувчи дориларни қўллаш, аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш (трансплантация) вақтида, шунингдек, вирусни юктириб олган онадан ҳомилага ҳомиладорлик даврида, туғиш жараёнида ва гўдак эмизиладиган бўлса, кўкрак сути билан юқиб қолиши мумкин. Ўзбекистонда ОИТВ/ОИТС билан боғлиқ масалалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТВ/ОИТС хизмати томонидан амалга оширилади. Республика ОИТВ/ОИТС маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ОИТВ/ОИТС маркази, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ОИТВ/ ОИТС марказлари ўз ҳудудларида ушбу соҳа фаолияти билан боғлиқ барча профилактик, эпидемиологик, лаб. текшируви, даволаш тадбирларини олиб боради. Ҳар бир марказ қошида ўз ихтиёри билан лаборатория текшируви учун келганларни сир

сақлаган ҳолда текширадиган аноним хоналар мавжуд. Хавф гуруҳига мансуб фуқаролар билан вирус юқиб қолишининг олдини олиш мақсадида хуфёна иш олиб борадиган Ишонч пунктлари (ИП) ҳам ишлайди. Профилактикаси: ушбу инфекция кенг тарқалган касалликлардан бири бўлгани учун муҳофаза тадбирлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа вакиллари иштирокида олиб борилиши лозим. Ҳар бир йигит-қиз бу инфекциянинг тарқалиш йўллари, унинг олдини оладиган тадбирлардан хабардор бўлиши ва ўзини ундан эҳтиёт қилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида” ги ЎРҚ-353-сон қонуни қабул қилинган. Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида 10 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Қонун ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган комплекс чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда касалликнинг вертикал йўл орқали онадан болага юкиши тўлиқ бартараф қилинган. Яъни ОИТС касаллигига чалинган она шифокор тавсияларига риоя қилиш орқали амалий соғлом фарзандни дунёга келтириши ва тарбиялаши мумкин. Шунингдек, паразентерал йўл билан касалликнинг юкишини янада камайитириш чоралари кўрилмоқда.

ПАТРОНАЖ (франц. patronage – ҳомийлик) – Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан ёш болалар, ҳомиладорлар ва айрим беморларга уй шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш ва хабар олиш тизими. Ушбу муассасаларда бириктирилган аҳоли учун тиббиёт бригадалари ажратилади. Тиббиёт бригадаси таркибида патронаж- оила ҳамшираси ҳам фаолият юритади. Патронаж ҳамшира боланинг соғлиғини назорат қилади, бола парвариши ва озиқланиши бўйича онага маслаҳатлар беради, зарур ҳолатларда ушбу жараёнга оиланинг бошқа аъзоларини ҳам жалб этади. Она туғруқхонадан чиққанидан кейин 3 кун орасида патронаж ҳамшира хонадонга ташриф буюриб, бола касал бўлиб қолса, қандай парвариш қилишни онага ўргатади. Вақти вақти



билан боланинг ҳолидан хабар олиб туради. Уни профилактик эмлашлар ва профилактик кўрикларга таклиф қилади. Шунингдек патронаж ҳамшира/доя ҳомиладорларни эрта аниқлаш, уларнинг саломатлик ҳолатини назорат қилишни амалга оширади, заруратга кўра уйда тиббий ёрдам кўрсатади, туғруққа психологик тайёрлаш бўйича суҳбатлар ўтказди. Патронаж сурункали беморларни ҳолидан хабар олиш, зарур ҳолатларда шифокор кўрсатмаси асосида беморларга уйларида муолажалар қилиши мумкин. П. ҳамшира бириктирилган аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликнинг аҳамияти, шахсий ва хонадон гигиенаси, зарарли одатларга қарши курашиш, касалликлар профилактикаси бўйича ҳам аҳоли орасида, хонадонларда суҳбатлар ва оммавий тарғибот тадбирларини ўтказди.

Ўзбекистон Республикасида бирламчи тизимни аҳолига янада яқинлаштириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, беҳатар оналикни таъминлаш мақсадида 2020 йил 12 ноябрда “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сонли Фармон ҳамда 2022 йил 25 апрелда “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 215-сонли Қарорига мувофиқ ҳар 200 нафар аҳолига оилавий шифокор ва терапия, педиатрия, акушерлик патронаж ҳамшираларидан иборат бўлган “тиббиёт бригадалари” ташкил қилиниши белгиланди. Бугунги кунда республикада 18 мингтадан зиёд тиббиёт бригадалари фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, республикада янги универсал-прогрессив патронаж тизими жорий этилган.

ПРОФИЛАКТИКА (юн. *profi* *laktikos* сакловчи, олдини олувчи) – одамларнинг узоқ умр кўриши, ишлаш қобилиятини сақлаб қолиши, аҳолининг жисмоний ривожланишини

яхшилаш, касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда саломатликни ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, гигиеник ва тиббий чора-тадбирлар мажмуи. Профилактика жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқаролар томонидан амалга оширилади. Профилактика тушунчаси ва унинг амалий шакли жамиятнинг тарихий тараққиёти даврида иқтисод, давлат тузуми ва илм-фаннинг ривожланишига қараб ўзгариб турган. Профилактика қадим замондан маълум. Қадим тиббиётда шахсий гигиена ва тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилиш б-н касалликларнинг олдини олишга катта аҳамият берилган, лекин профилактика 19-асрдан бошлаб илмий жиҳатдан асослаб берилди. Касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишида ташқи муҳитнинг аҳамиятини ўрганиш, микробиология, физиология, иммунология, эпидемиология ва гигиена соҳасида қўлга киритилган ютуқлар илмий Профилактиканинг ташкил топишига имкон берди. Замонавий профилактика инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган омилларни йўқотишни кўзда тутадиган ҳамда уларнинг жисмоний ва маънавий иродаларини ҳар томонлама ўстиришни таъминлайдиган, давлат ва жамоат аҳамиятига эга бўлган комплекс тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Шахсий, жамоат, тиббий профилактика фарқланади. **Шахсий профилактика**га инсоннинг ўз соғлиғини сақлаши ва мустаҳкамлашига қаратилган чоралар, яъни соғлом турмуш тарзига амал қилиш, шахсий гигиена, никоҳ ва оила, шунингдек, кийим-кечак, овқатланиш гигиенаси, ўсиб келаётган авлодни гигиеник тарбиялаш, рационал ишлаш ва дам олиш, фаол жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланиш киради. **Жамоат профилактика**сига жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларни жисмоний ва маънавий ривожлантиришни таъминловчи, халқ соғлиғига ёмон таъсир қилувчи омилларни камайтиришга қаратилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, қонуний, тарбиявий, санитар-техник, санитар-гигиеник, эпидемиологик ва тиббий чора-тадбирлар киради.

Тиббий профилактика бирламчи, иккиламчи ва учламчи бўлади. Бирламчи тиббий

профилактика касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланишига қарши қаратилган ижтимоий, тиббий, гигиеник ва тарбиявий чоралар; ташқи муҳитнинг номақбул таъсирига организмнинг чидамлилигини ошириш; организмнинг соғлом ҳолатини сақлаб қолиш, унга патологик таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш; диспансеризация ўтказиш ва юқумли касалликларга қарши эмлашдан иборат.

Иккиламчи тиббий профилактика касалликларни эрта босқичларда аниқлаш, патологик жараённинг ривожланиши ва рецидивларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар.

Учламчи профилактика-реабилитация, касалликлар асоратларининг олдини олиш ҳамда ижтимоий ва касбий мавқеини тўлиқ тиклашга қаратилган ҳаётий чекловлар ва йўқотилган функцияларни бартараф қилиш ва тиклашга қаратилган тиббий, психологик, педагогик, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи.

Ўзбекистонда охириги йилларда касалликлар профилактикаси устувор вазифа қилиб белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари асосида давлат дастурлари қабул қилинган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида Санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Стратегик ривожланиш ва саломатлик институти ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифаси тегишлилиги бўйича профилактиканинг барча босқичларини мувофиқлаштириш, ривожлантиришга қаратилган. Профилактиканинг самарадорлиги нафақат тиббиёт тизимида, балки молия, иқтисод, атроф-муҳит, қишлоқ хўжалиги, бандлик, коммунал хизматлар, спорт, маданият, таълим каби жуда кўп соҳаларнинг ҳамкорлигига боғлиқ. Энг асосийси, профилактика инсоннинг тиббий маданиятига бевосита боғлиқ. Шу билан бирга, мамлакатнинг “Ўзбекистон 2030” стратегиясига мувофиқ профилактика мақсадлардаги тадбирларни амалга ошириш орқали 2030 йилга қадар аҳолининг ўртача умр давомийлигини 78 ёшга етказиш режалаштирилган.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК – бу репродуктив тизим, унинг функциялари ва жараёнлари билан боғлиқ барча соҳаларда

нафақат касалликнинг йўқлиги, балки тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир (ЖССТ тавсифи). Репродуктив (lot. re-тикланиш, такрорланиш маъносида, produco – яратаман). Илк бора репродуктив саломатлик ибораси 1994 йил Қоҳирада бўлиб ўтган аҳоли ва ривожланиш масалаларига бағишланган Халқаро конференцияда тилга олинган ва қуйидагича изоҳ берилган: инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг асосий ижтимоий хизматларидан фойдаланишни яхшилаш, қашшоқлик билан курашишда ҳаракатларни бирлаштириш, касалликлар тарқалишини камайтириш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда “Фуқаролар репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида” ЎРҚ-528-сон Қонун ва унинг ижроси бўйича қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Қонун фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қонунга асосан фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб - фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш; фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш; фуқароларда соғлом фарзандлар туғилишига нисбатан онгли ва масъулиятли муносабатни тарбиялаш; эркалар ва аёлларнинг ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишида уларнинг имкониятлари тенглигини таъминлайдиган шароитларни яратиш; фуқароларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш; репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш; фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;



фуқаролар ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши учун уларга тиббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқлари (10-модда) сифатида хавфсиз ва самарали репродуктив технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз фарзандларининг туғилиши хусусида мустақил равишда қарорлар қабул қилиш; ўзининг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олиш; туғилишни тартибга солишнинг хавфсиз усулларида ва контрацепциядан фойдаланиш; тиббий-профилактика хизматларидан фойдаланиш ва соғлиққа хавф солувчи воситалардан, шу жумладан илмий тажрибалар қўлланилишидан ҳимояланиш; ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида тиббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам ва ахборот олиш; ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш белгиланган.

Аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш (11-модда) ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштликни даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш; репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш; репродуктив саломатлик масалалари юзасидан махфийликка риоя этилган ҳолда тиббий маслаҳатлар ва хизматлар олишдан иборат. Аёл бепуштликдан даволаниш, репродуктив саломатлигини ҳомиладор бўлгунига қадар, ҳомиладорлик даврида, туғиш ва туғишдан кейинги даврда даволашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда сақлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга. Ҳомиладорлик давридаги тиббий аралашув эр ва хотиннинг ёзма розилиги билан, эр бўлмаган тақдирда аёлнинг ўз розилиги ёки ота-онасининг розилиги ёхуд у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда бошқа қонуний вакиллариининг розилиги билан амалга оширилади. Тиббий аралашувни рад этиш факти эҳтимолдаги оқибатлар кўрсатилган ҳолда тиббий ҳужжатларда қайд этилади ва ҳомиладор аёл томонидан, бунинг имкони бўлмаган тақдирда унинг эри ёки қариндошлари томонидан ёзма

тарзда, тиббий аралашувни рад этиш ҳақида ёзма жавоб олишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса, шифокорлар консилиумининг ҳулосаси билан тасдиқланади. Аёл ҳомиладорликка, уни сунъий равишда тўхтатишга ва контрацепцияга мажбур қилиниши мумкин эмас деб белгиланган.

Репродуктив ёш – аёлнинг хоҳлаган пайтида ҳомиладор бўлиш ва туғиш имкониятига эга давр, бу асосан 15 ёшдан 49 ёшгача тўғри келади. Ҳомиладор бўлиш ва туғиш учун оптимал ёш 19-29 ёш ҳисобланади. 19 ёшгача бўлган ҳомиладорлик эрта ва 35 ёшдан кейин эса кеч ҳомиладорлик ҳисобланади. Эрта даврда бўлғуси онанинг организми тўлиқ шаклланиб улгурмаган ва бу юкламани кўтаришга тайёр бўлмайди. Бундай ҳолатда бола ташлаш, чала туғиш ҳолатлари бўлиши мумкин. 35 ёшдан кейин эса турли сурункали касалликлар туфайли асоратли ҳомиладорлик ва туғруқлар юзага келиши мумкин. Энг асосийси ҳар бир ҳомиладорлик исталган бўлиши ва организм бу ҳомиладорликка тайёр бўлиши керак, бу ҳам онанинг ҳам боланинг саломатлигига ўз таъсирини кўрсатади.

ТИББИЙ МАДАНИЯТ - бу соғлом турмуш тарзи билан яшовчи комил инсоннинг ўз саломатлигини асраб-авайлаши, уни сақлаши ва мустаҳкамлаши, ўзини турли хавфли касалликлардан муҳофаза қилиши, ўзи ва оила аъзолари ҳаётда жисмонан соғлом ва ақлан баркамол яшаши учун зарур бўлган меъёрий яшаш омиллари ва ресурсларини тинч маконда - оиласида, ишхонасида, жамоат жойларида ярата олиши, шахсий гигиена қоидаларини етарли ўзлаштириши ва атроф-муҳит тозаллиги - экологияни тоза сақлаши, жамият саломатлигини сақлашга қаратилган жамоат гигиенаси қоидаларига амал қилиши, ўзидан соғлом насл қолдириши, тиббий маданиятнинг элементар билимларидан ўзи ҳамда оила аъзоларининг ҳам хабардор бўлишига эришиши демакдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрича, саломатлик 20 фоиз ҳолатларда ирсий омилларга, 20 фоизи атроф муҳитга, 8-10 фоизи тиббий хизматга, қолган 50 фоизи эса турмуш тарзига боғлиқ экан. Демак, инсон салоаматлиги ҳар жиҳатдан

унинг ўз қўлида. Саломатликни асрашнинг энг муҳим шарти эса тиббий маданиятни шакллантириш ҳисобланади. Тиббий маданият кундалик турмушни инсон организми ва у яшаётган муҳит қонуниятларидан келиб чиқиб, саломатликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлардан иборат. Унумли меҳнат қилиш, мароқли дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, тартибли ва тўғри овқатланиш, зарарли одатлардан ҳоли бўлиш, доимий равишда шифокор кўригидан ўтиб туриш тиббий маданиятни ташкил этади.

Тиббий маданият даражаси қанчалик юқори бўлса, аҳолининг касалликка чалиниш хавфи шунча камаяди, касалликларнинг сурункали шаклга ўтиб кетмаслиги ёки ногиронликка чалинишнинг олди олинади.

Оилада аёллар тиббий маданиятнинг асосчиси ва негизи саналади. Айнан хонадон гигиенасига риоя қилиш, фарзандларда шахсий гигиена кўникмаларни ҳосил қилиш, овқат тайёрлашда покизаликка риоя қилиш, болаларни ўз вақтида эмлаш ва тиббий кўриклардан ўтказиш, шифокор тавсияларига амал қилишда аёл бош бўлади. Аёл ҳомиладор бўлганида унга тўғри овқатланиши, дам олиши ва кун тартибига риоя қилишида етарлича шароит яратиб бериш, ўз вақтида шифокор назоратида бўлиш, туғруқлар орасидаги мақбул интервалга риоя қилиш, болани кўкрак сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлашда оила аъзоларининг тиббий маданияти асосий рол ўйнайди.

Тиббий маданият экологик маданият билан ҳам чамбарчас боғлиқ, атроф-муҳитнинг тозалиги саломатлигимиз гарови эканлигини унутмаган ҳолда, чиқиндиларни тўғри саралаш ва фақат белгиланган жойларга ташлаш, уй ҳайвонларини тўғри парвариш қилиш, ичимлик сувидан унумли фойдаланиш, дарахтлар экиш, гулзор ва боғларни яратиш ҳам саломатлигимизни таъминловчи омиллардан биридир.

Соғлом турмуш тарзига риоя қилган, тиббий маданияти юксак инсон доимо хушмуомала, уйқуси тинч, ишчанлик кайфияти барқарор бўлади.

ТУҒРУҚ – ҳомиладорликни якунлайдиган мураккаб физиологик жараён. Туғруқда ҳомила ва йўлдош туғруқ йўлларидадан ўтиб, ажралиб чиқади. Туғруқ нормал кечганида ҳомила 10 акушер (9 календарь) оyiда туғилади; бу даврда ҳомила етук, бачадондан ташқарида яшаш қобилиятига эга бўлади. Ҳомиладор аёлларнинг кўпчилигида туғруқда 2 ҳафта олдин туғруқ нишонаси кўринади; бунда бачадон туби кескин олдинга эгилади, қорин пастга тушади ва аёл енгил нафас ола бошлайди; организмдан ажралган суюқлик ҳисобига вазни бир қадар енгиллашади; бачадон мускуллари вақти вақти билан қисқариб таранглашади.

Аёлнинг кўзи ёришига 1–2 кун қолганида киндан куюқ чўзилувчан шиллиқ ажралади, баъзан шиллиқ бир оз қон аралаш бўлади (ҳомиладорлик давомида бачадон бўйни каналини тўлдириб турган шиллиқ тиқин ажралиб чиқади), қорин пастда, думғазада, бел соҳасида тарқоқ оғрик кузатилади. Туғруқ нишонасидан аёл чўчимаслиги, аксинча туғруқнинг яқинлашиб қолганлигини ҳис қилиши лозим. Ана шундай белгилар кўринганида аёл уйда бўлиб тургани маъқул, чунки тез орада тўлғоқ кучайиб, уни зудлик билан туғруқхонага элтиш зарур бўлади. Баъзи аёлларда туғруқ нишонаси бошланганида қоғоноқ суви кетиб қолади; бундай белгилар пайдо бўлганда аёлни дарҳол туғруқхонага ётқизиш керак, акс ҳолда қоғоноқ суви билан бирга ҳомиланинг киндик ҳалқаси ёки қўли кинга тушиши мумкин. Бундан ташқари, қоғоноқ суви туғруқдан олдин кетиб қолса, кин орқали бачадонга инфекция кириши осонлашади. Ҳомиладор аёл туғишига яқин дард тутта бошлайди. Ҳомила ўтадиган туғруқ йўли (туғруқ канали) – кичик чанок суяклари ва юмшоқ тўқимадан (бачадон бўйни, бачадон туби мускулларидан) ташкил топган бўлиб, шакли эгилган найга ўхшаш. Туғруқ каналининг кириш қисми қаттиқ суяк ҳалқадан иборат, эни 13 см, бўйи 11 см. Бу ўлчамлар ҳомила бошининг нормал ўтишига мос бўлади; ўлчамларнинг бундан кичик бўлиши (тор чанок) туғруқни мушкуллаштиради. Бундай вақтда операция қилиб туғдирилади. Туғруқ биринчи марта туғаётган аёлларда 15–24 соат, такрор туғаётган аёлларда 10–12 соат давом



этиши мумкин. Туғруқнинг қанча давом этиши аёлнинг ёшига (ёши каттароқ аёллар биринчи марта туғаетганида туғруқ узоқ давом этади), ҳомиланинг катта-кичиклигига, чанок ўлчамига, бачадон мускулларининг қисқаришига боғлиқ.

Туғруқ уч даврни ўз ичига олади. Биринчи давр узоқроқ (биринчи марта туғаетган аёлларда 13–18 соат, такрор туғаетганларда 6–9 соат) давом этади. Бу даврда бачадон бўйни аста секин текисланиб, туғруқ канали кенгаяди. Бачадон бўйнининг ташқи тешиги тўла очилгач қоғонок (ҳомила пуфаги) ёрилади. Баъзи ҳолларда ҳомила пуфаги ёрилмай қолса, бола “пардали” туғилади, бу ҳомила учун жуда хавфли, чунки у димиқиб нобуд бўлиши мумкин. Бачадон бўйнининг тўла очилиши ва қоғонок сувининг кетиши бачадон мускулларининг қисқаришига ва ҳомиланинг туғилишига имкон беради (иккинчи давр). Бу даврда бачадон мускулларининг ритмик қисқариши янада кучлироқ ва узоқроқ давом этиб, унга қорин девори мускуллари ҳамда диафрагманинг қисқариши кўшилади, яъни кучаник рўй беради. Аёл ҳар кучанганида ҳомила туғруқ канали бўйлаб сурила бошлайди, бунда ҳомила маълум ҳаракатлар қилиб сурилади, бу эса унинг осонгина туғилишини таъминлайди. Ҳомила боши чанокнинг катта ўлчамига мослашиб силжийди, бу даврда ҳомила боши букилади ва энгаги кўкрагига тегади, юзи ўнг ёки чапга қарайди. Ҳомила туғруқ канали бўйлаб силжиганда энса қисми билан олдинга, юзи билан думғаза томонга ўгирилиб олади. Ҳомиланинг боши чанок туби, тўғри ичак ва ташқи чиқарув йўлини босади, бунда аёлнинг ҳожати қистагандек туюлади. Кейинчалик аёл ҳар кучанганида ҳомила боши жинсий ораликда кўринади, кучаник тўхташи билан кўринмай қолади; тез орада шундай пайт келадики, кучаник тутмай турганида ҳам ҳомила боши кўриниб тураверади. Бу вақтда туғруқни бошқарувчи акушер чақалоқни туғдиришга киришади. Ҳомиланинг туғилиш даврида аёл акушернинг айтгани бўйича кучаниқни тезлатиши ёки секинлатиши мумкин, бунда бола чиқаётганида туғруқ йўлидаги юмшоқ тўқималар йиртилмай қолади. Ҳомиланинг боши чиқиши билан танаси кўринади. Шу билан туғруқнинг иккинчи, яъни ҳомиланинг туғилиш

даври тугайди. Бу давр биринчи бор туғаетган аёлларда 1,5–2 соат, такрор туғаетган аёлларда ярим соатдан бир соатгача давом этади.

Чақалоқ билан йўлдошни бирлаштирувчи киндик кесиб боғланади. Чақалоқ туғилиши биланок йиғлайди, нафас ола бошлайди. Энди учинчи давр, яъни йўлдош тушиш даври бошланади, бу ўртача 30 минутдан 1 соатгача давом этади. Бунда йўлдош бачадон деворидан кўчади ва тушади; бир оз (250 мл.ча) қон кетади. Йўлдош тушиш даврини шифокор синчиклаб кузатиб туради, чунки йўлдош бутунлигича тушмай, бирор бўлаги қолиб кетса, қон кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Йўлдош, бола ўрни – бола туғилгач, кетидан тушадиган ҳомила пардалари, плацентаси ва киндигидан иборат аъзо: ҳомилани она танаси б-н боғлаб туради. Туғруқнинг йўлдош тушиш даврида плацента ва пардалар бачадон деворидан тўла кўчади ва туғруқ йўллари орқали чиқади. Йўлдош тушиши билан туғруқ тугаб, чилла даври бошланади.

Кесар кесиши (лот. sectio – ёриш, очиш; caedo – кесаман) – хирургик операция; акушерлик амалиётида қориннинг олдинги деворини ва бачадонни кесиб (баъзан қин томондан кесилади – бу қинни кесар кесиш дейилади), ҳомила ва йўлдошни олиш. Табiiй туғруқ йўллари орқали бола туғилиши мумкин бўлмаган ҳоллар (масалан, аёл чаноғининг торлиги ёки бачадоннинг ёрилиш хавфи туғилиши ва бошқа)да, шунингдек, туғаетган аёл жиддий касал бўлганда (масалан, юрак порокларида) қилинади. Ҳозир кесар кесиш бачадоннинг пастки сегментини кесиб очиш йўли билан бажарилади. Бунинг учун қорин деворини қаватма-қават кесиб, бачадонгача борилади; уни ҳам қовуқдан юқори қисми кўндаланг кесилади ва дастлаб ҳомила, кейин йўлдош чиқариб олинади. Шундан сўнг бачадон девори, кейин қорин девори қаватма-қават тикилади. Бир марта Кесар кесиш қилинган аёлда бачадон чандиғи юзага келиши сабабли кейинги ҳомиладорлик ва туғиш шифокор кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда бўлиши лозим.

Туғруқхона – даволаш-профилактика муассасаси. Аёлларга ҳомиладорлик, туғруқ ва чилла даврларида малакали тиббiiй ёрдам

кўрсатади ҳамда уларга хос гинекологик касалликларни даволайди, шунингдек, чақалоқларни парвариш қилиш ва тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини олиб боради. 1996 йилдан Ўзбекистондаги мавжуд туғруқхоналар туғруқ мажмуи (комплекси) деб юритилади, улар бошқа даволаш-профилактика муассасалари, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари билан узвий боғлиқ ҳолда иш кўради, бу эса оналар ва чақалоқлар саломатлигини мунтазам назорат қилиш имконини беради. Кўзи ёрийдиган аёлларнинг турар жойларидан қатъий назар зарур ҳолларда туғруқ мажмуида зудлик билан акушер-гинекологик ёрдам кўрсатилади. Ҳозир Ўзбекистонда 227 та туғруқ комплекслари, жумладан, 46 та туманлараро перинатал марказлар, республика перинатал маркази, Она ва бола саломатлиги республика ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиаллари, 209 та туман/шаҳарларда “Аёллар маслаҳатхона”лари фаолият кўрсатмоқда (2024).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-296-сон қарорига мувофиқ туғруқ ўринларини 2023-2027 йилларда 4321 тага кўпайтириш, барча туғруқхоналарни энг замонавий зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш масалаларини ўз ичига олган дастур тасдиқланган ва ушбу дастур ижросини таъминлаш учун бюджет маблағлари ва ҳомийлик маблағлари жалб этилиши белгиланган.

Туғруққа ёрдам бериш – ҳомиладорлик, туғруқ ва чилла даврида аёллар соғлигини муҳофаза этишга қаратилган профилактика ва даво тадбирлари тизими. Туғруққа ёрдам бериш оналар ва болалар муҳофазасининг муҳим бўлидир. Ўзбекистонда туғруққа ёрдам бериш тизими туғруқ комплекслари ва шифохоналарнинг туғруқ бўлимлари, перинатал марказларда амалга оширилади. Бу ерда аёлларга ўз вақтида юқори малакали ихтисослашган акушер-гинеколог ёрдам кўрсатади. Туғруққа

ёрдам бериш ташкилий ва илмий методик асосларининг бирлиги, туғруққа ёрдам бериш муассасаларида даволаш ва диагностика стандартлари ва клиник протоколларни амалиётга татбиқ этиш, тиббиёт кадрлари малакасини мунтазам ошириб бориш, муассасаларни зарур асбоб-ускуна, дори-дармон ва сарфлов материаллари билан таъминлаш аҳолига акушер-гинекологик ёрдам кўрсатишнинг тобора яхшиланиб боришига имкон беради. Ўзбекистонда туғруққа ёрдам бериш ишини яхшилаш мақсадида туғруқ комплекслари ва поликлиникалардаги аёллар маслаҳатхонаси билан узвий ҳамкорликда фаолият юритади. Бу эса гинекологик касалликлар ва ҳомиладорлик асоратларини барвақт аниқлаш, ҳомиладор аёлларни мунтазам кузатиб бориш ва зарурият бўлса, даволаш, кўзи ёрийдиган аёлларни ўз вақтида туғруқхонага ётқизиш, ҳомиладорлик, чилла даври ва бола парвариши гигиенасига оид тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш имкониятини беради. Туғруққа ёрдам бериш муассасаси аёлларга оналик ҳуқуқларининг ҳимояси юзасидан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатади, шунингдек, ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашга тегишли тиббий генетика текширувларини олиб боради.

ЭКЛАМПСИЯ (юн. – чакнаш) – ҳомиладорлик токсикозларининг хавфли шакли, кечки токсикоз. Биринчи марта бўйида бўлган, аксари эгиз ҳомиладорлик ёки буйрак, юрак қон-томир касалликлари бор аёлларда ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида, кўпинча сўнгги ойларида вужудга келади. Эклампсиянинг асосий белгиси тутқаноқ тутишидир. Эклампсиядан аввал нефропатия ва преэклампсия аломатлари (қаттиқ бош оғриши, кўз хиралашиши, кўз олди жимирлашиши, қон босими кўтарилиши, сийдикда оксил кўпайиши, уйқусизлик, бетоқатлик ва бошқалар) намоён бўлади. Эклампсияда тутқаноқ тутади, бемор ҳушдан кетади. Эклампсия ҳомиладорликда, асосан, туғруқ вақтида, баъзан чилла даврида ҳам учрайди. Тутқаноқ бошланганда дастлаб беморнинг юз мускуллари “учади”, ковоклари юмилиб, лаб бурчаклари осилиб кетади. Сўнг бутун гавда мускуллари қисқариб, тана



таранглашади, бемор хушдан кетиб, баъзан нафас олмай қолади, кўкаради (тоник талваса). Кейин юз, тана ва қўл-оёқ мускуллари тортишиб қискаради (клоник талваса), бемор нафаси қисиб хириллайди, оғзидан кўпик келади, ётган жойида ўзини кўтариб-кўтариб отади. Тиришиш тўхтагач, аёл бир неча вақт кома ҳолатида (беҳуш) ётиб, секин-аста ўзига келади. Оғирроқ ҳолларда эклампсия тутқаноқсиз кечади (коматоз шакли). Баъзан эклампсия аломатлари рўй-рост кўзга ташланмайди, уларни вақтида аниқлаш анча қийин. Шу сабабли у гўё беҳосдан пайдо бўлгандек бўлади. Тутқаноқ тутганда беморнинг бирор жойига шикаст етиб қолмаслик чорасини кўриш лозим; у тилини тишлаб олмаслиги учун оғзига бандига дока ўралган қошиқ солиб қўйилади; тутқаноқ хуружи ўтиб кетгач, беморнинг сўлаги нафас йўлларига тушмаслиги учун оғзини тоза салфетка билан артиб олинади. Эклампсияда ўпка шишиши ёки мияга қон қуйилиши туфайли аёл, плацентанинг ўрнидан кўчиши, бачадонга қон қуйилиши туфайли эса ҳомила нобуд бўлиши мумкин. Давоси. Марказий нерв системаси фаолиятини нормаллаштирувчи, қон босимини пасайтирувчи, сийдик ажралишини кучайтирувчи дори-дармонлар, кислород, парҳез буюрилади. Олдини олиш: ҳомиладорликнинг илк токсикозларини ўз вақтида даволаш ва шифокор назоратида бўлиш, шифокор тавсияларига тўлиқ амал қилишдан иборат. Ҳомиладор аёл организмда энг кичик ўзгариш бўлганида ҳам, шифокорни огоҳлантириш ва унинг тавсияларига амал қилиши лозим.

ҲАЙЗ, ҳайз цикли, ой кўриш, менструация – балоғатга етган қиз болада ва бола туғиш ёшидаги аёлларда ҳар 26–29 кунда, баъзан 21–24 кунда (қиска цикл) содир бўладиган биологик жараён; Ҳайз циклида асосан тухумдон ва бачадонда ўзгариш рўй бериб, бачадондан маълум микдорда қон кетади. Ҳайз кўриш марказий нерв системаси (бош мия пўстлоғи, гипоталамус, гипофиз) томонидан бошқарилади. Гипоталамус – бош мианинг асосий қисми, ички аъзолар ишини бошқариб, тартибга солиб туради, у ажратган нейрогормонлар гипофиз функциясини кучайтиради. Гипофиз ҳам, ўз

навбатида, ички секреция безлари, хусусан жинсий безлар (тухумдон) функциясини кучайтирадиган гормон ишлаб чиқаради. Тухумдонда гипофиздан ажраладиган гормонлар таъсирида тухумхужайрали фолликула (Грааф пуфакчаси) ўсади ва ривожланади. Фолликула етилаётганида бачадонга бевосита таъсир этадиган махсус жинсий гормонлар (эстрогенлар) ажратади. Фолликула етилгач ёрилиб, ундан етилган тухумхужайра чиқишига овуляция жараёни дейилади. Ёрилган фолликула ўрнида сариқ тана – ички секреция беzi ҳосил бўлади; сариқ танадан прогестерон ажралади. Прогестерон ва эстрогенлар таъсирида бачадон шиллиқ қавати қалинлашади, унинг қон томирлари кенгайиб қон билан тўлади. Агар аёлнинг бўйида бўлмаса, сариқ тана нобуд бўлади, бачадон шиллиқ қаватининг функционал қисми парчаланиб кўчади ва ҳайз кўрилади. Кейинчалик шиллиқ қават юзаси аста-секин битиб, асли ҳолига келади. Шундай қилиб, тухум-хужайра етилиши даврий равишда (ҳар 21–25 кун, кўпроқ 28 кунда) такрорланиб туради. Қиз боланинг биринчи ҳайз кўриши, унда иккиламчи жинсий белгилар (масалан, кўкрак беzi тўлишиб, қов усти ва қўлтиқда тук ўсиши ва б.) етилганидан кейин бошланади.

Биринчи ҳайз кўриш муддати қиз боланинг соғлиғи ва турмуш тарзига, шунингдек, турар жойи ва иқлимга боғлиқ. Қизларнинг ҳайз кўриши кечикса (15–16 ёшгача), албатта, аёллар маслаҳатхонасига учрашиши ва тегишли маслаҳат олиши лозим. Ойлик қон келиши аёл организмнинг (қиз боланинг) хусусиятларига боғлиқ. Ҳайз кўриш муддати бошида ўзгарувчан бўлиб, кейинчалик аниқ бир вақтга тўғри келади. Кўпчилик аёлларда ҳайз маълум кунларда бошланиб, доим бир текис, оғриксиз кечади, аёлнинг умумий аҳволи деярли ўзгармайди, улар одатдаги юмушларини бажараверишлари мумкин, аммо ортиқча толиқмасликлари, жисмонан зўриқмасликлари, гигиена қоидаларига риоя қилишлари керак. Ҳайз кўриш вақтида баъзи аёлларнинг кайфияти бузилиб туради, бўшашади, сут безлари дағаллашади. Ҳайз кўриш циклининг ўзгариши организмда бирор-бир касаллик борлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳар бир аёл махсус

хайз календари (ойномаси) тузиши ва унга хайз кун, муддати ва бошқа маълумотларни мунтазам қайд қилиб бориши лозим, шундай қилинса, хайз кўриш циклининг бузилишини ўз вақтида аниқлаш мумкин. Ҳомиладорлик ва баъзан бола эмизиш даврида аёл хайз кўрмайди. Аёлнинг бўйида бўлмаган даврида қон кўрмай қолиши (аме́норея) ёки аҳёнда бироз қон келиши (гипоменструал синдром), бир неча кун кўп қон келиши (менорагия), унинг оғриқли бўлиши (альгоменорея), шунингдек, хайз қонидан ташқари бачадондан қон кетиши (метроррагия) бирор касалликдан дарак беради, уни ўз вақтида аниқлаб даволаш талаб этилади. Бундан ташқари, айрим аёлларда хайз кўриш олди ҳолати кузатилади; бунда аёл бўшашади, кайфияти ўзгаради, сут безлари дағаллашади, боши айланади, уйқуси бузилади, юраги ўйнайди, баъзан юрак соҳасида оғриқ пайдо бўлади. Аёл организмнинг нормал функционал ҳолати турмуш тарзининг бекаму кўст бўлишига, қизларни ёшлигидан бошлаб тўғри тарбиялаш ва парвариш қилишга боғлиқ. Бу гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, организмни чиниқтириш, яхши овқатланиш, меҳнат ва дам олишни тўғри йўлга қўйиш, жисмоний машқларни бажариш, инфекцион касалликлардан сақланиш, агар касаллик рўй бергудек бўлса, ўз вақтида даволатишдан иборат.

Шуни назарда тутиш керакки, қиз бола организми хайз кўргунча унга аста-секин тайёрланиб боради, бунда организмнинг бири-бири билан боғлиқ бўлган аъзо ва системалари (ички секреция безлари, юрак-томир, нерв системаси ва ҳоказо) иштирок этади, бу мураккаб жараённинг ҳаммаси хайз циклининг нормал кечишида муҳим рол ўйнайди. Қиз бола организми балоғатга етиш даврида ҳиссиётга тўла, турли нохуш омилларга нисбатан ўта таъсирчан бўлади.

Асабий ва руҳий бузилишлар, турмушдаги нохушликлар, жисмоний ва ақлий жиҳатдан толиқиш, шунингдек, айрим инфекцион касалликлар хайз циклининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бу даврда қиз бола билан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш, жанжаллашмаслик, ўта толиқишга йўл қўймаслик зарур. Қизлар биринчи бор хайз

кўрганида (бу ҳақда тасаввурга эга бўлмаса) жуда ҳаяжонланади. Шунинг учун қиз болани хайз кўришига олдиндан тайёрлаб бориш лозим. Хайз функциясининг бузилиши ва бошқа гинекологик касалликларнинг олдини олишда хайз кўриш вақтидаги гигиена қоидаларига амал қилиш зарур. Ванна қилиш, чўмилиш тавсия этилмайди, гигиеник душ қабул қилиш мумкин. Жисмонан зўриқтирадиган машқлар билан шуғулланмаслик керак.

Дисменорея (due... ва юн. Men – хайз, rhoira – кечиш), альгоменорея – хайзнинг оғриқли кечиши. Дисменореяда, одатда, қорин пасти, бел ва думғаза соҳаси оғрийди. Оғриқ хайздан олдин ёки унинг дастлабки кунлари пайдо бўлиб, бутун хайз кунлари давомида кузатилади. Баъзан кўнгил айланиши, қусиш, бош оғриғи, умумий аҳволнинг ўзгариши ҳоллари кузатилади. Дисменорея бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи дисменорея жинсий аъзоларнинг касалликлари билан боғлиқ бўлмайди, кўпинча туғмаган аёлларда учрайди. Иккиламчи дисменорея турли гинекологик касалликлар (ўсма, эндометриоз ва бошқалар) нинг оқибатидир. Дисменорея мустақил касаллик бўлмай, балки турли касалликлар, ривожланиш аномалиялари ва б.нинг белгиси сифатида намоён бўлади. Дисменореянинг юзага келишида, айниқса, нерв системасининг функционал хусусиятлари ва ўзгаришлари, шунингдек, бошдан кечирилган касалликлар (инфекция, зўриқиш, оғир руҳий кечинмалар), инфантилизм, эндокрин бузилишлар муҳим рол ўйнайди. Дисменореяни даволаш уни юзага келтирган омилларни бартараф этишдан иборат. Бирламчи дисменореяда нерв системаси фаолиятини тартибга солиш, нормал ҳаёт тарзи, тўғри овқатланиш, руҳиятга зарарли таъсиротларни йўқотиш, турли соматик касалликларни даволаш лозим. Иккиламчи дисменореяда яллиғланиш касалликлари, эндометриоз ва бошқаларни даволашга эътибор бериш керак.

Олти ой ва ундан кўпроқ муддат хайз кўрмаслик **аме́норея** деб аталади. Агар аёл хайз кўриш ёшига етган бўлса-ю, хайз кўрмаган бўлса, бирламчи, олдин хайз кўриб юрса-ю, маълум вақтдан сўнг хайз қони узок вақтгача



ёки бутунлай тўхтаб қолса, иккиламчи аменорея бўлади. Физиологик аменорея балоғатга етмаган қизларда, ҳомиладорлик, бола эмизиш ва климактерик даврида учрайди. Патологик аменорея оғир инфекцион касалликлар (терлама, сил, сепсис), умумий дармонсизлик, моддалар алмашинувининг бузилиши, ички секреция безлари фаолиятининг ўзгариши, организмнинг заҳарланиши туфайли рўй беради. Ҳайз цикли бузилган ҳолларда дарҳол шифокорга учрашиш ва унинг кўрсатмаларига амал қилиш лозим.

ҲОМИЛА – она қорнида 2-ойнинг охиридан (9-ҳафта) бошлаб туғилиш вақтигача (40-ҳафта) ривожланаётган пушт (эмбрион). 9-ҳафтада ҳомила инсон қиёфасига киради (бу даврда ҳомиланинг боши, кўзи, бурни, оғзи, танаси, қўл-оёқлари аниқ бўлади). Бир акушер ойи (28-кун)да ҳомила тухумидан пушт ва унинг пардаси ривожланиб, ҳомила шакллана бошлайди. 2-ойнинг охирида ҳомила бўйи 3,5 см, вазни 4 г; 3-ойнинг сўнгида ҳомила бўйи 8–9 см, вазни 40 г ча бўлиб, боши катталашади, жинси шаклланади, қўл-оёқ ҳаракатлари суст бўлади. 4-ой охирига келиб ҳомила бўйи 16 см, вазни 120 г га етади, қўл-оёқ ҳаракатлари фаоллашади (лекин ҳали онага сезилмайди), жинси аниқлашади. Ҳомила 5 ойлик бўлганида бўйи 24–26 см, вазни 280–300 г, териси нозик, қип-қизил бадани майин туклар билан қопланади; ҳаракатлари онага сезила бошлайди. Она қорнига қулоқ тутилганда ҳомила юраги ураётгани билинади. 6-ойнинг охирида ҳомила серҳаракат бўлиб, бўйи 30 см, вазни 600–700 г га етади. 7-ойнинг сўнгида ҳомила бўйи 35 см, вазни 1000–1200 г га етади; бу даврда ҳомила тирик туғилиши мумкин, лекин чала ҳисобланади, бироқ махсус парвариш қилинса, яшаб кетади; 8 ойликда ҳомиланинг бўйи 40 см, вазни 1500–1600 г га келади. 9-ойнинг охирида ҳомила бўйи 45 см, вазни 2400–2500 г га етади, тери ости ёғ қавати қалинлашади, баданидаги туклар камаёди, териси силлиқлашиб, пушти рангга киради, сочлари узаяди. 10-ой охирида (9 календарь ойига тўғри келади) ҳомила етилиб туғилади; бўйи 50 см, вазни 3200–3500 г бўлади. Ҳомила тараққиётининг ўзига хослиги унинг она қорнида бўлиши билан ифодаланади; унда бош мия пўстлоғи тўла-тўқис тараққий

этмаган бўлиб, асосий ҳаётий функциялар (озикланиш, нафас олиш, ажратиш) плацента билан узвий боғланган орқа мия орқали бошқарилади; плацента ҳомила билан киндик орқали боғланади. Ҳомила она организмидан ўзининг ўсиши ва ривожланиши учун зарур озиқ моддалар (оксил, ёғ, углеводлар), туз, сув, витаминлар, шунингдек, кислородни қон томирлар орқали олиб, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни чиқаради ва ҳоказо. Шунинг учун айрим касалликлар (юрак пороклари, гипертония, қандли диабет, инфекцион касалликлар), нотўғри овқатланиш, режим бузилиши, атроф-муҳитдаги зарарли омиллар (ишлаб чиқаришдаги заҳарли моддалар, вибрация, нурланиш), ичкилик ичиш, чекиш ва б. натижасида плацента функциясининг бузилиши ҳомиланинг ўсишига, айниқса, ҳомиладорликнинг дастлабки 3-ойида, ҳомила аъзоларининг тараққиёт даврида ёмон таъсир кўрсатади. Бу даврда ҳомиланинг ўсишида қатор ўзгариш ва нуқсонлар пайдо бўлиши, жумладан, ҳомила тўла етилмаслиги, у мажруҳ бўлиши, ўлик туғилиши ёки ўз-ўзидан тушиши, шунингдек, асфиксия, калла суягининг шикастланиб туғилиш ҳоллари учраши мумкин. Ҳомиладорликнинг 4-ойидан ҳомиланинг турли таъсиротларга нисбатан сезгирлиги бир қадар пасаяди. Гигиена қоидаларига риоя қилиш – овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри уюштириш ҳомиланинг нормал ўсишини таъминлайди, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган нохушликларнинг (ўлик туғиш, чилла даврида ўлиш ва ҳ.к.) олдини олади.

ҲОМИЛАДОРЛИК, оғир оёқлик – уруғланган тухум хужайранинг она организмидан ривожланиб, етук ҳомилага айланишидан иборат физиологик жараён. Аёл тухумдонидида етилиб чиққан тухум хужайранинг эркак жинсий хужайраси билан қўшилиши (уруғланиши)дан бошланади ва ўрта ҳисобда 280 кун, яъни 10 қамарий ой давом этади. Уруғланиш бачадон найида рўй беради. Уруғланган тухум хужайра бачадон найининг чувалчангсимон қисқариши туфайли бачадон бўшлиғига қараб сурилиб боради, шу вақтда у майин туклар (ворсинкалар) билан қопланиб, кўп хужайрали эмбрионга

айланади, ўша туклар ёрдамида бачадон шиллик пардасига пайвандланиб олади. Шу вақтдан бошлаб ҳомила шакллана бошлайди ва аёл организмидаги баъзи тизимлар функцияси тегишлича ўзгариб боради. Эмбрионнинг бачадонга пайвандланган жойида туклар жуда ўсиб кетади ва улардан плацента, яъни йўлдошнинг таркибий қисми – бола ўрни ҳосил бўлади, у киндик орқали ҳомила билан туташади. Киндик қон томирлари бўйлаб плацента орқали она организмидан ҳомилага озик моддалар, кислород келиб туради ва ҳомиладан келадиган алмашинув маҳсулотлари чиқиб кетади. Бачадон найларининг турли касалликларида тухумхужайранинг бачадонга қараб сурилиб келишига тўсқинлик қиладиган ўзгаришлар оқибатида тухумхужайра бачадон найига пайвандланиб қолиши мумкин.

Ҳомиладорлик даврида аёл организмида ҳар хил функционал ўзгаришлар рўй бериб, ҳомиланинг яхши ривожланиб бориши учун қулай шароитлар юзага келади. Бу даврда марказий нерв системаси функцияси бир қадар ўзгариб, натижада орқа миyanинг қўзғалувчанлиги пасаяди, бу – бачадон мускулларининг бўшашиши ва унинг тинч ҳолатда бўлишига олиб келади. Ҳомиладорлик пайтида ҳосил бўладиган сариқ тана ва плацента ҳомиланинг ой-қуни етиб туғилиши учун зарур гормонлар ишлаб чиқаради; плацентадан ишланиб чиқадиган ва б. гормонлар таъсирида сут безлари катталашиб, ҳомиладорлик охирига борганда, ундан оғиз сути, чилла даврида эса сут кела бошлайди. Бачадонда ҳам талайгина ўзгаришлар рўй беради: у ҳам бўйига, ҳам энига қараб ўсиб, плацентага қон олиб келадиган йирик ва майда қон томирлари ниҳоятда кўпаяди. Аёл чуқурроқ нафас оладиган бўлиб қолади, бу – қоннинг кислород билан кўпроқ тўйинишини таъминлайди. Юракнинг қисқариш хусусияти сезиларли даражада кучаяди, натижада кислород билан тўйинган қон аёлнинг ҳаёт учун муҳим аъзоларига, жумладан бачадонига тезроқ етказиб берилади. Буйрақлар ҳам зўр бериб ишлаб, она организмидагина эмас, балки ҳомилада ҳам пайдо бўлган алмашинув маҳсулотларини ажратиб чиқариб туради. Кўмикда эритроцитлар ҳосил бўлиши тезлашади, яъни қон миқдори кўпаяди,

қон томирлари кенгайиб, газ алмашинуви кучаяди. Шу боис ҳомиладор организмидаги аъзо ва системаларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш ҳамда ҳомила ривожланадиган қулай шароит вужудга келтириш учун озик моддалар ва кислород кўп бўлиши керак. Ҳомиладорнинг аҳволи ва ўзини қандай тутиши кўп жиҳатдан ҳомиладорликнинг нормал кечиши, ҳомиланинг кейин қандай ривожланиб бориши ва бўлғуси боланинг соғлиғини белгилаб беради. Ҳомиладор аёлнинг бирор касаллик (грипп, сил, ревматизм, ангина, қандли диабет, камқонлик, жигар, буйрак, юрак касалликлари ва б.) билан оғриши, нотўғри овқатланиш, кун тартибини бузиши, шифокор буюрмаган дориларни ичиши ҳомила ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин. Ҳомиладорлик чоғида турли асоратлар бўлмаслиги учун мумкин қадар барвақт (ҳайз тўхташи билан) аёллар маслаҳатхонасига бориб, текширувдан ўтиш ва керакли маслаҳатлар, зарур бўлса, тегишли даво олиш лозим. Ҳомиладорлик даврида аёл ўз бадани ва кийим-кечаклари тозалигига алоҳида эътибор бериши керак. Ҳомиладорлик нормал ўтаётган бўлса, аёл одатдаги турмуш тарзини ўзгартириши шарт эмас, у ўз юмушларини дам олиб дам олиб бажаравериши мумкин. Фақат оғир нарса кўтармаслик, қалтис, кескин ҳаракатлар қилмаслик мақсадга мувофиқ.

Тиникиб ухлашнинг аҳамияти бор, аёл камида 8 соат ухлаши, кечқурун ётишдан олдин очик ҳавода бироз сайр қилиши ва хонани шамоллатиши тавсия этилади. Соғлом ҳомиладорларнинг шифокор тавсиясига кўра ҳаво ва қуёш ванналари қабул қилишига рухсат этилади. Ҳомиладорлик нормал ўтаётган бўлсагина аёл дарё ва анҳорларда чўмилиши мумкин. Ҳомиладорликнинг биринчи кунларидан бошлаб очик ҳавода имкони борица кўпроқ бўлишга ҳаракат қилиши лозим, врач тавсиясига кўра ҳаво ва қуёш ванналари қабул қилишига рухсат этилади. Ҳомиладорлик нормал ўтаётган бўлсагина аёл дарё ва анҳорларда чўмилиши мумкин. Озуқаси хилма-хил, оқсиллар ва витаминлар (айниқса С витамини) га бой бўлиши керак.

Ҳомиладорликнинг охириги ойларида ёғлиқ ва хамир овқатларни кўп тановул қилиш ярамайди,



чунки бундай овқат ҳомиланинг анча катталашиб кетиши ва туғишнинг қийинлашиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Соғлиқ ўзгарган баъзи ҳолларда, масалан, баданга шиш келганида шифокор одатда тузсиз парҳез буюради. Ҳомиладор аёл енгил бадантарбия машқларини қилиб туриши лозим. Ҳомиладорлик даврларига қараб махсус гимнастика машқлари комплекси тавсия этилади (буни фақат шифокор буюради). Мунтазам бадантарбия машқларини қилиб турувчи аёлларнинг тез ва эсон-омон кўзи ёрийди.

Ҳомиладорлик токсикозлари – ҳомиладорлик даврида учрайдиган касаллик ҳолати; асаб, юрак қон-томир, эндокрин тизими ва моддалар алмашинувининг ўзгариши туфайли келиб чиқиб, туғруқдан сўнг ўтиб кетади. Ҳомиладорлик токсикозларига ҳомиладор аёл организмда мавжуд хасталиклар сабаб бўлади. Шунинг учун бўйида бўлган аёл эртароқ (2 ойгача) аёллар маслаҳатхонасига бориб, шифокор маслаҳатларидан фойдаланиши керак. Маълумки, ҳомиладорлик бошланишида кўпчилик аёллар бошқоронғи бўлади. **Бошқоронғилик** – ҳомиладор аёл организмда рўй берадиган ўзгаришлар ифодаси; иштаҳа йўқолиши ёки зўрайиши, шунингдек нордон, аччиқ, шўр нарсаларни кўмсаш, гилвата, шама ва одатдан ташқари бошқа нарсаларни кўнгил тусаши; ўқтин-ўқтин кўнгил айланиши, қусиш, сўлак оқиши; пиёздоғ, атир, тамаки ва ҳоказолар ҳидини ёқтирмаслик, гап кўтара олмаслик, жиззакилик, салга толиқиш, бош айланиши, уйқучанлик, кайфиятнинг ўзгариб туриши. Бундай ҳолларда аёл (айниқса, қусаётган) акушер-гинеколог шифокордан тегишли маслаҳат олиши керак.

Бу ҳолатлар баъзи аёлларда эртароқ, баъзиларида эса кечроқ бошланиб, ўтиб кетади. Аммо баъзи ҳомиладор аёлларда бу аломатлар йўқолмай, зўрайиб боради, натижада ҳомиладорлик токсикозлари пайдо бўлади. Ҳомиладорликнинг биринчи (илк) ва иккинчи ярми (кеч) токсикозлари фарқ қилинади. Илк токсикозлар ҳомиладорликнинг дастлабки 12 ҳафтасида рўй беради. Аёлнинг умумий аҳволи ўзгаради, дилгир бўлиб қолади, кўнгли айнийди, сўлаги оқади (кўп), қусади. Баъзан аёл ҳадеб қайт қилаверади, дармонсизланади,

оза бошлайди, уйқучан ва сержаҳл бўлиб қолади. Лекин ҳомиладорлик токсикозларида кузатиладиган тўхтовсиз (суткасига 20 мартагача) қусиш организмнинг сувсизланиши ва аёлнинг ҳолсизланишига олиб келади. Унинг қон босими пасаяди, тана ҳарорати кўтарилади, пульси тезлашади, териси қуруқшайди, оғзидан нохуш ҳид келади. Бундай ҳолларда даволаш табдиллари ёрдам бермаса, баъзан аборт қилиб, ҳомилани олиб ташлашга тўғри келади. Илк токсикозларда ҳомиладор аёл маслаҳатхонага қатнаб даволаниши мумкин; ҳаддан ташқари кўп қусиш аёлни касалхонага ётқизишни талаб этади. Кеч токсикозлар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида, кўпинча сўнгги ойларида вужудга келади. Буларга ҳомиладорлар истискоси, нефропатия, преэклампсия ва эклампсия киради. Кеч токсикозларнинг барчаси кетма-кет келиб, касаллик босқичма-босқич кечади. Ҳомиладорлар истискосида шиш пайдо бўлади. Одатда, у тўпикдан бошланиб, тизза, сон, қорин ва ташқи жинсий аъзоларга ўтади, сўнгра аста-секин бутун танага тарқалади. Аёлнинг юзи кўпчийди. Шиш аёл гавдасининг ҳамма қисмига тарқалган бўлса ҳам, преэклампсия ва эклампсия ҳисобланади. Ҳомиладор аёлни тарозида тортиб туриш йўли билан ҳам шишни аниқлаш мумкин. Ҳомиладор истискосида мунтазам даволаниш зарур. Ҳомиладор аёл ойда икки марта маслаҳатхонага бориши, шунингдек, шифокор кўрсатмаларига ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, ҳафтада бир марта тарозида тортириб туриши лозим. Суюқлик (суткада 1 л гача рухсат этилади) ва тузни чеклаш, сервитамин овқатлар, сабзавотлар, ҳўл мевалар, творог, кефир истеъмол қилиш тавсия этилади. Аёл ўз вақтида даволаниб истисконинг олдини олмаса, парҳезга, дам олиш ва меҳнат режимида риоя қилмаса, истиско нефропатияга ўтиб кетади. Ҳомиладорлар нефропатияси одатда истисқодан кейин вужудга келади. Нефропатиянинг асосий белгиси шиш ва сийдикда оксил бўлишидан иборат. Нефропатияда ҳомиланинг ривожланиши бузилади, у чала ёки ўлик туғилиши мумкин. Нефропатияда аёл касалхонада даволанади; олди олинмаса, у осонликча преэклампсияга ўтиб кетади. Преэклампсияда ҳам нефропатиядаги

каби шиш, қон босимининг ошиши, сийдикда оксил бўлиши билан бирга беморнинг боши қаттиқ оғрийд, кўзи хиралашади, кўз олдида чивин учаётганга ўхшаб кўринади; кўкрак остида оғриқ пайдо бўлади. Бош оғриб, кўз хиралашуви мияда қон айланишининг жиддий бузилганлигидан далолат беради. Бемор вақтида даволанмаса, преэклампсия янада оғирроқ касаллик – эклампсияга айланиб кетади.

Ҳомиладорлик токсикозларига касалликнинг шаклига қараб даво қилинади. Олдини олиш учун ҳомиладорлик даврида кун тартибига риоя қилиш (тўғри дам олиш ва меҳнат қилиш, бекаму кўст овқатланиш), аёллар маслаҳатхонаси назоратида бўлиш, Ҳ.т.га олиб келадиган касалликни ўз вақтида даволатиш лозим.

ҲОМИЛАДОРЛИКДАН САҚЛАНИШ, бўйида бўлишдан сақланиш – исталмаган ҳомиладорликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари. Ҳомиладорликдан сақланишнинг табиий ва сунъий усуллари мавжуд. Лактацион аменорея усули (ЛАУ) – бу ҳомиладорликнинг олдини олишнинг табиий усули, уни аёллар туғруқдан сўнг дастлабки 6 ой ичида фақат кўкрак сути билан эмизиш даврида қўллашлари мумкин. Симпотермал усул – бунда аёл ўзини ҳайз кунларини назорат қилишида бўлишдан сақланиш – исталмаган ҳомиладорликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари. БИВ (бачадон ичи воситаси) юқори самарадор ва оддий муолажа бўлиб, уни махсус ўргатилган мутахассис-шифокор бажаради. Бачадон ичи спирали тўсиқ воситаси сифатида энг самарали контрацепция ҳисобланади. Бачадон ичи спирали олиб

ташланганидан кейин аёлда репродуктив функция тез тикланади. Орал таблеткалар таркибида эстроген ва гестаген гормонлари бўлиб, уларнинг микдори жуда кам ва организм учун зарарсиз (логест, марвелон, диане–35, новинет, фемоден), шу сабабли жигарга салбий таъсири йўқ. Ҳайз даврида оғриқ ва қон кўп кетишини камайтиради. Жинсий аъзоларнинг ўткир яллиғланиши, кин, бачадон ва тухумдон ракиннинг айрим турларини олдини олади, лекин жинсий йўл билан юқадиган касалликлардан сақламайди. Аёл ўзи истаган пайтда таблетка ичишни тўхтатиб, ҳомиладор бўлиши мумкин.

Презерватив – бу юпка резинадан тайёрланган жуда самарали восита бўлиб, ҳомиладорлик билан бирга жинсий алоқа орқали юқадиган касалликлардан ҳам сақлайди. ДМПА (депо–медроксипрогестерон ацетат ёки Депо-Провера) инъекция ёрдамида юбориладиган контрацептив модда; сунъий гормондан таркиб топган бўлиб, табиий гормон – прогестерон хусусиятига эга, у тухум ҳужайранинг етилишига тўсқинлик қилади. Ҳар 3 ойда бир марта юбориладиган инъекция ҳомиладорликдан сақланишни таъминлайди.

Ҳомиладорликдан сақланиш воситаларининг ўта афзалликлари билан бир қаторда, учраши мумкин бўлган салбий оқибатлари ҳам бор. Ҳар бир аёл организми ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бир организм учун фойдали нарса бошқасига зарарли бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳомиладорликдан сақланишни аҳд қилган аёл ўзига беэиён контрацептив воситалардан фойдаланиши ва бунинг учун, албатта, ўз шифокори билан маслаҳатлашиб олиши керак.



АЁЛ – БОЛА ПАРВАРИШИ ВА ТАРБИЯСИДА

АГРЕССИВ ХУЛҚ – бу бола томонидан ёки бевосита ёки билвосита (масалан, сўзлар орқали) баён қилинган жисмоний ёки рухий зарар етказишга қаратилган хатти-ҳаракатлардир. Бундай хулқ турли ёшдаги болаларда учраши мумкин ва бунинг сабаблари кўп турли омилларга боғлиқ.

Бола ўз ҳиссиётларини назорат қилолмаганида агрессивлик юзага келиши мумкин. Бу қўрқув, ташвиш, тушкунлик ёки қўрқитиш ҳиссидан келиб чиқиши мумкин. Ўз оиласида агрессив хатти-ҳаракатларни кузатса, бола уларни ўзлаштириши мумкин. Масалан, ота-она ўртасидаги зўравонлик ёки қўпол муомала болада шу турдаги хулқни пайдо қилади.

Агар болага муносабатда жазо ёки қаттиқ назорат қўлланилса, бола ўзига қарши фаол реакция қилиши мумкин. Жисмоний ёки рухий жароҳатлар ёки доимий рухий босим ҳам агрессияни келтириб чиқаради. Она ва бола ўртасидаги ишончли алоқа боланинг ҳиссий барқарорлигига ёрдам беради. Агар она боланинг ҳис-туйғуларини эътиборга олмаса ёки уни танқид қилса, бола ўзини тушунарсиз ва нотўғри ҳис қилиб, буни агрессив йўл билан ифода қилиши кузатилади.

Шунингдек, атрофидаги агрессив хатти-ҳаракатларини кўриши натижасида, унга тақлид қилиш кузатилиши мумкин. Ондаги стресс (иктисодий муаммолар, оилавий можаролар ва ҳоказо) боланинг рухий ҳолатига салбий таъсир қилади. Она ўзининг негатив ҳис-туйғуларини билиб-билмай болага узатиши мумкин, бу эса боладаги агрессив хулқни кучайтиради. Масалан, она ўзидаги агрессив хулқни кўрсатса (масалан, газабини болага ёки бошқаларга чиқарса), бола бу хулқни ўрганиб, уни ўзидаги муаммоларини ҳал қилишда қўллаши мумкин. Бундай вазиятда тажовузкорона хатти-ҳаракат

кузатилади, яъни катталарга кучи етмаган бола ўз хатти-ҳаракатларига эрк беради.

Боладаги агрессив хулқни бартараф этишда оила муҳим рол ўйнайди. Болани эмоционал қўллаб-қувватлаш ва ўз ҳиссиётларини тўғри ифода қилиш имкониятларини яратиш бериш муҳим.

Катталар томонидан болаларга зўравонлик ва агрессия тўғрисида маълумот бериш, мулоқот қилиш, унинг зарарли оқибатларини тушунтириш керак. Оилада тинч ва самарали мулоқот муҳитини яратиш бола хулқига ижобий таъсир кўрсатади.

Она болага доимо меҳр ва қўллаб-қувватловчи муносабатни намоён этиши, ўз хулқи орқали болага тўғри муносабатни кўрсатиши муҳим. Боланинг агрессияси кўпинча оиладаги муносабатлар билан боғлиқ. Уйдаги тинч ва соғлом муҳит агрессив хулқни камайтиради.

Онанинг болага муносабати ва унинг тарбиясидаги ёндашувлар боланинг хулқ-атвори шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Она меҳр-муҳаббат ва соғлом муносабат орқали боланинг ижобий ривожланишига ёрдам бериши мумкин. Агар болада агрессив хулқ мунтазам ва кучли бўлса, унда ота-она психолог ёки педагог-мутахассис, психотерапевтга мурожаат этиши лозим.

АДАПТАЦИЯ (лотин. adaptatio - мослашиш) – бу болаларнинг янги муҳитга, шароитга ёки ҳаётдаги ўзгаришларга мослашиш жараёнидир. Адаптация болаларнинг психик ва эмоционал барқарорлигини таъминлаш, янги шароитларда ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиш учун муҳим. Мослашиш жараёни мактабга, мактабгача таълим ташкилотига бориш, янги оилавий шароитлар (масалан, кўчиб ўтиш ёки ажрашиш),

жамоадаги янги қоидаларга ўрганиш каби ҳолатларда ўта муҳим.

Оила муҳитининг таъсири болалар адаптациясининг қай даражада кечишига таъсир этади. Оиладagi муҳит ва ота-онанинг эмоционал қўллаб-қувватлаши болалар адаптациясининг муҳим омилidir. Болалар тинч ва барқарор муҳитда ўзларини ишончли ҳис қилади. Айниқса, кичик ёшдаги болалар кўпроқ эмоционал қўллаб-қувватлашни талаб қилади, катталарда эса ўз ҳиссиётларини яхшироқ тушуниш ва назорат имконияти кенг.

Адаптация даврининг осон кечишига ҳар бир боланинг ўзига хос темпераменти ва ҳулқ-атвори ҳам таъсир этади. Баъзи болалар янги муҳитга тез мослашади, бошқалари эса кўпроқ вақт талаб қилади. Адаптация жараёнида фарзанддаги ўзига хос хусусиятларни яхши билган она эътиборли бўлиши, қўллаб-қувватлаши муҳим жиҳатдир. Ота-оналар ва педагоглар болаларни қўллаб-қувватлаши, уларнинг эҳтиёжларини тушуниши керак. Шунингдек, кун тартибни йўлга қўйиш жоиздир. Боланинг кун тартиби аниқ бўлиши керак, чунки маълумотлилик ва барқарорлик болага ишонч бағишлайди.

Ҳар бир бола турли тезликда мослашади, шунинг учун болага вақт бериш ва унинг ҳиссиётларини тўғри тушуниш муҳим. Оиладagi катталарнинг бола янги муҳитда ўзини қандай ҳис қилаётгани ҳақида очик суҳбатлашиши, унинг қийинчиликларини муҳокама қилиши ва зарур тавсиялар бериши болада ишончнинг юксалишига сабаб бўлади. Адаптация жараёнининг муваффақиятли ўтиши боланинг психологик ва эмоционал ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, унинг келажақдаги ривожланиши ва жамиятдаги фаол иштироки учун муҳимдир.

АЛЛЕРГИЯ (юн. *allos* – бошқа, ўзга, бегона ва *ergon* – таъсир) – бола организмда ташқаридан таъсир қилувчи аллергенлик хусусиятига эга бўлган ҳар хил ёт моддаларга нисбатан пайдо бўладиган ўзига хос реакция. Аллергенга нисбатан жавоб рақцияси дарҳол ёки аста-секин ўта сезувчанлик кўрсатиш орқали содир бўлади. Аллерген организмга тушганида унга жавобан ҳақиқий ва сохта (псевдоаллергик)

аллергик рақциялар пайдо бўлиши мумкин. Ҳақиқий аллергик рақция бошланишидан олдин маълум бир давр ўтиб, бунда организмнинг унга биринчи бор тушган моддага сезгирлиги ортиб боради, бу сенсibiliзация деб аталади. Сенсibiliзация юзага келиши организмда унга биринчи бор тушган аллергенга жавобан алоҳида оқсил моддалар – антителолар ёки ўша аллерген билан ўзаро таъсир қила оладиган лимфоцитлар пайдо бўлишига боғлиқ. Шунгача аллерген организмдан чиқариб юборилган бўлса, ҳеч қандай касаллик аломати кўзга ташланмайди. Агар аллерген чиқиб кетмаган бўлса ёки чиқиб кетганидан кейин организмга такрор тушса, бунда у юқоридаги антителолар ёки лимфоцитлар билан ўзаро таъсирлашиб, Адаптацияга сабаб бўлади. Натижада бир қанча биокимёвий жараёнлар бошланиб, гистамин, серотонин каби талайгина моддалар ишланиб чиқиб, ҳужайралар, тўқималар ва аъзоларни зарарлантиради, шу тариқа махсус, яъни илгари организмга таъсир қилган аллергенга жавобан рақция рўй бериб, аллергик касаллик пайдо бўлади. Сохта рақциялар организм аллергенга биринчи бор дуч келганида бошланаверади. Бунда сенсibiliзация даври бўлмайди. Организмга тушган аллергеннинг ўзи ҳужайра, тўқима ва аъзоларни зарарлантирадиган моддаларни пайдо қилади. Сохта рақциялар кўпинча дори-дармонлар ва озиқ-овқатларга нисбатан рўй беради. Организм аллергенга дуч келганида ҳамиша ҳам А. пайдо бўлавермайди. Бунда ирсият, нерв ва эндокрин системалар аҳволи муҳим аҳамиятга эга, чунки касалликка асосан бу системалар функциясининг бузилиши, оғир руҳий кечинмалар сабаб бўлади. Адаптациянинг олдини олиш сенсibiliловчи таъсирга эга бўлган моддаларнинг организмга такрор киришига ва организм ҳимоя рақцияларининг бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўришдан иборат.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳозир Ер юзи аҳолисининг қарийб 40 фоизи аллергиядан азият чекмоқда. Ҳар уч кишидан бири аллергик ринит, ҳар ўнинчи одам бронхиал астмага чалинган.

Бу глобал муаммо юртимизда аллергик касалликларни аниқлаш ҳамда даволаш бўйича илғор тажрибаларни амалиётга самарали тадбиқ



этиш, соҳада илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо этади.

Тиббиётнинг ушбу муҳим йўналишини ислоҳ қилиш мақсадида, Президентимизнинг 2024 йил 23 ноябрда “Аллергик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, тиббиётнинг бирламчи бўғинидан бошлаб аллергия касалликларнинг эпидемиологик кўрсаткичлари устидан назорат кучайтирилиши ва манзилли скрининг текширувлари жорий этилиши белгиланди.

Аллергик касалликлар кўрсаткичлари юқори ҳудудларда йилига камида бир марта оммавий ва селектив скрининг текширувлари ўтказилиб, ҳудудларда аллергология ва клиник иммунология йўналишида юқори технологик ташхислаш ва даволаш амалиётлари турлари босқичма-босқич 10 турдан 20 тургача оширилиши ҳам муҳим янгилıklar сирасидан.

Шу билан бирга, 2025 йил 1 январдан Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази этиб қайта ташкил қилинади. Бинобарин, аллергия касалликка чалинган беморларнинг электрон реестри яратилиб, амалиётга татбиқ этилади.

АНАЛИЗАТОРЛАР – одам организми ва ҳайвонларга ўзгариб турадиган ташқи ва ички муҳитдан келадиган қўзғатувчи таъсирларнинг идрок, таҳлил ва синтез қилинишини таъминловчи мураккаб анатомик-физиологик тизим (нерв механизмлари). Организмнинг анатомик ва физиологик тадқиқотлари натижасида ушбу тушунча илк бор И.П.Павлов томонидан қўлланилиши таклиф қилинган. Ҳар бир анализатор уч қисмдан таркиб топади: ташқи таъсирларни қабул қилиб олувчи рецепторлар, қўзғалишни тегишли нерв марказларига етказиб берувчи – ўтказувчи нерв йўли, қўзғалишни психик жараёнга айлантирувчи орқа миёна ёки бош миёнадаги тегишли нерв марказлари. Анализаторларга сезги органларининг барчаси: кўриш, эшитиш, туйиш, таъм билиш, ҳид билиш анализаторлари, шунингдек, ички органлар ва мускулларда жойлашган махсус

анализаторлар киради. Ташқаридан келувчи ахборот (информация) рецепторлар – сезувчан (афферент) нерв учлари орқали қабул қилинади. Рецепторлар қўзғатувчи таассурот энергиясини нерв импульсларига ўтказиши, сўнгра булар нерв тизимининг ўтказувчи йўллари орқали анализаторнинг марказий бўлимларига – бош миёна пўстлоғи қисмларига ўтади.

“Анализаторлар гигиенаси” ёки боланинг ҳозирги муҳитни, нарсаларни ҳис қилиш ва тушуниш жараёнидаги тозалик ва саломатлик билан боғлиқ жиҳатларда она жуда катта таъсир кўрсатади. Бу боланинг соғлом ривожланиши, иммунитетининг мустаҳкамланиши ва турли касалликлардан ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Она болани кичик ёшидан бошлаб шахсий гигиенага риоя қилишни, яъни қўлларни ювишни ўргатиш, тозалikka эътибор бериш, овқатдан олдин ва кейин гигиена қоидаларига риоя қилишга ўргатишда асосий шахс ҳисобланади. Хусусан, оилада гигиеник муҳитнинг яратилиши ҳам муҳим ҳисобланади. Она боланинг яшаш муҳити тозалигини таъминлайди. Бу боланинг иммун тизими ва соғлиғига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Бунда тоза кийим ва уй анжомлари, бола фойдаланаётган нарсалар, хусусан, ошхонадаги воситалар тозалаб турилади.

Она ўз хатти-ҳаракатлари билан болага намуна кўрсатади. Агар она ўзи шахсий гигиенага риоя қилса, бола ҳам унинг изидан бориб, бундан кундалик одатга айлантиради. Она боланинг соғлиғини назорат қилиш ва зарурат туғилганда тиббий кўрикка олиб боришда фаол иштирок этади. Бу касалликларнинг олдини олишда муҳим. Она боланинг шахсий гигиенаси ва муҳит тозалигида ҳал қилувчи рол ўйнайди. У боланинг фаолиятлари, овқатланиши ва кундалик одатлари орқали соғлом турмуш тарзини шакллантиради. Бунда болани мустақил равишда ўз гигиенасига эътибор беришга ўргатиш янада муҳимдир.

АРТИКУЛЯЦИЯ ОРГАНЛАРИ – тил, лаб, танглай, юқори ва пастки жағ, тишлар. Бу овозларни яратиш ва нутқни шакллантириш учун масъул бўлган тана қисмлари. Артикуляция органлари боланинг нутқ ривожланишида

муҳим рол ўйнайди, чунки улар овозларни ишлаб чиқиш, уларни аниқ ва тушунарли тарзда талаффуз қилишга ёрдам беради.

Янги туғилган чақалоқнинг артикуляция органлари ривожланиш жараёнида янада мураккаб бўлади. Улар нутқни тўғри равишда шакллантириш учун доимий равишда фаол бўлади.

1-3 ёш даврда бола ҳарфларни ва сўзларни аниқ айта олиш қобилиятини ривожлантиради. Артикуляция органларининг ҳаракатлари тобора яхшиланади.

3-5 ёш даврда бола нутқни яқинлаштириш учун артикуляция органларини тўғри фойдаланишда бундан ҳам юқори даражада ривожланади.

5 ёшдан ўтган боланинг артикуляция органлари тўлиқ ривожланиб, мураккаб сўзларни айтиш қобилиятини шакллантира бошлайди. Нутқнинг аниқлиги ва равшанлиги ошади.

Бу даврлар бола артикуляция органларининг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Бу даврда мактабгача таълим ташкилоти ҳамда оилада онанинг таъсири муҳимлиги билан ажралади. Мактабгача таълим ташкилотида педагог томонидан олиб борилган таълимий фаолиятлар, оилада она томонидан давом эттирилса, самарали натижа бўлади.

Боланинг артикуляция органлари – бу унинг нутқ ривожланишидаги асосий элементлардир. Улар боланинг ижтимоий, психологик ва фикрлаш қобилиятларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Артикуляция органларини ривожлантириш орқали бола ўзини муваффақиятли ифода қилиш ва атрофдагилар билан самарали алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлади.

Бош миянинг муайян жойи шикастланиши билан боғлиқ ҳолда нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолишининг кузатилиши **Афазия** дейилади. Афазияда беморнинг нутқий қобилияти тикланиши учун нафақат тиббий, балки психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳам муҳимдир.

Афазия билан курашаётган бола ёки катта кишига эмоционал қўллаб-қувватлаш жуда зарур. Она ўз меҳри ва сабри орқали беморнинг ўз имкониятларига ишонишини таъминлайди,

уни тушунишга ҳаракат қилиши, ҳеч қачон танқид қилмаслиги керак.

Шунингдек, она нутқ терапевти ёки логопед тавсия этган машқларни доимий равишда уйда бажаришни таъминлаши лозим.

Она бола ёки катта кишини фаол мулоқотга жалб қилиши, ҳар куни суҳбат қилишга одатлантириши муҳим. Биргаликда китоб ўқиш, сўзларни қайтариш, сўзлар билан ўйинлар ўйнаш, оддий саволларга жавоб олиш нутқни ривожлантиришга ёрдам беради. Афазиянинг тикланиши вақт талаб қиладиган жараён бўлиб, она доимо сабрли бўлиши ва беморга босқичма-босқич ёрдам бериши керак.

Болалар нутқида учрайдиган яна бир касаллик – бу **Дислалия**дир. Дислалия (юнон. сўз бузилиш маъносини билдирувчи олд кўшимча, алийа – нутқ) – товуш талаффузининг бузилиши, бунда битта товуш ёки артикуляциясига кўра бир турдаги товушлар талаффузида (оддий дислалия) ёки турли артикуляцион гуруҳга мансуб товушлар талаффузида (мураккаб дислалия) камчилик кузатилиши мумкин. Асосан беш ёшгача болаларда кузатиладиган товуш талаффузидаги бундай бузилишлар артикуляция органлари ҳаракатларининг функционал жиҳатдан ривожланмай қолганлиги ҳамда фонематик эшитишнинг етарли даражада шаклланмаганлиги билан белгиланади. Оддий дислалияда логопед аралашувисиз ҳам иш кўриш мумкин. Бироқ мураккаб дислалияда мутахассиснинг мунтазам малакали ёрдами керак бўлади.

Шунингдек, нутқ аппаратини ҳаракат функцияларининг бузилиши натижасида юзага келадиган нутқ нуқсони бўлган - Дизартрия касаллиги ҳам мавжуд. У нерв тизимидаги органик бузилишлар туфайли артикуляция, нафас олиш ёки овоз чиқариш жараёнида муаммоларга олиб келади. Бу ҳолатда нутқнинг равлонлиги, аниқлиги ва ритмикаси таъсирланади.

Дизартрия - бу марказий характердаги органик нутқ бузилиши ҳисобланади. Дизартрияда нутқ аъзоларининг (юмшоқ танглай, тил, лаблар) кам ҳаракатланиши натижасида нутқ товушлари артикуляцияси қийинлашади, шу билан биргаликда овоз, нафас бузилишлари ҳамда нутқнинг суръати, ритми



ва ифодалилигида ўзгаришлар кузатилади. Дизартриянинг оғир формасида нутқ бутунлай тушунарсиз бўлади. Бундай ҳол анартрия деб аталади.

Дизартрия аломатлари оилада қанча эрта аниқланса, шунча тезкор даволаш самарали бўлади.

Нутқ суръати ва ритмининг бузилиши, айрим товуш ва бўғинларни қайта-қайта такрорлаш ёки тўхталиб талаффуз этишга асосланган нутқнинг мураккаб бузилиши сифатида болаларда дудукланишни кузатиш мумкин. Болаларда дудукланиш – бу нутқ ривожланишидаги бузилиш бўлиб, у кичик ёшдаги болаларда тез-тез учрайди. Нутқ пайтида бола товушларни, бўғинларни ёки сўзларни такрорлайди, чўзади ёки гапиришда тўхтаб қолади. Дудукланиш болалар орасида кенг тарқалган бўлиб, кўпчиликда бу ҳолат вақт ўтиши билан ўз-ўзидан йўқолади, лекин баъзи ҳолларда узок давом этиши ва махсус даволашни талаб қилиши мумкин.

Болаларда дудукланишнинг сабаблари бир неча омиллар билан боғлиқ бўлиши кузатилади. Тил ва нутқ ривожланишида, болаларнинг нутқи ва тил кўникмалари ривожланиш жараёнида баъзан дудукланиш пайдо бўлади. Бу одатда 2–5 ёш оралигида содир бўлади, чунки бу даврда болалар кўпроқ гапиришни ўрганадилар ва кўп янги сўзларни қўллаб бошлайдилар.

Генетик мойилликда, агар оилада дудукланиш билан боғлиқ муаммолар бўлса, бола ҳам бунга мойил бўлиши мумкин. Дудукланиш ирсий жиҳатдан ҳам ўзини намоён қилиши мумкин.

Неврологик омиллар, баъзи ҳолларда бола миясидаги нутқ марказлари ва мушаклар орасидаги узилишлар туфайли дудукланиш пайдо бўлади. Бу миянинг нутқни бошқаришдаги муаммоси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Психологик ва ижтимоий омиллар, стресс, травма ёки катта ўзгаришлар (масалан, янги муҳитга мослашиш, оилавий муаммолар) дудукланишни кучайтириши ёки пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Баъзида болалар ўзларини ноқулай ҳис қилишлари ёки хавотирланишлари натижасида дудукланишга дуч келишади.

Болаларда дудукланиш белгилари товушлар ёки сўзларнинг такрорланиши, товушларнинг

чўзилиши, тўхтаб қолиш, хулқ-атвор ўзгаришларида намоён бўлади. Агар дудукланиш узок давом этса, бу болага бошқалар билан мулоқот қилишдан қўрқиши ва ўзини камситилган ёки қўрқувда ҳис қилиши, боланинг дўст топиши ёки ижтимоий фаоллигида қийинчиликлар юзага келиши, дарсларда қатнашиши ва ўз фикрларини ифода этишида қийинчилик туғдириши мумкин. Болаларда дудукланишни даволашда бир нечта усуллар қўлланилади.

Дудукланган боланинг оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши муҳим ҳисобланади. Боланинг дудукланишига сабр ва хотиржамлик билан муносабатда бўлиш, унинг фикрини тинглаётганда унинг фикри қизиқ эканлигини кўрсатиш болага катта куч беради.

Бола гапираётганда уни тўхтатмаслик, унинг фикрини якунлашга шошилтирмаслик ва фикрини охиригача гапиришига қўйиб бериш муҳимдир. Оила аъзоларининг бола билан мулоқотда шошилмасликлари, равон ва аниқ гапиришга ҳаракат қилишлари ҳам боладаги дудукликни камайтиришга сабаб бўлиши мумкин. Чунки, бола атрофидагиларнинг нутқидан ўрнатилган олади.

Оила аъзолари бола билан мулоқот қилишда стресс туғдирмайдиган муҳит яратишиши жоиз. Дудукланаётган болани уялтириш ёки уни тузатишга ҳаракат қилиш, унинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Болага ёқмайдиган, уни стресс ёки қўрқувга туширадиган ҳолат бўлишининг олдини олиш муҳимдир.

Шу билан бирга, болани мажбурлаб гапиришга ундаш, ёки “Шошилмасдан гапир!” деб босим ўтказиш ҳам салбий натижаларга сабаб бўлиши мумкин. Бу унинг дудукланишини янада кучайтириши мумкин.

АРҒИМЧОҚ ўйин-эрмакка училадиган тебранма мослама. Арғимчоқ – болалар учун аттракцион бўлиб, у кўпинча боғлар, ўйин майдончалари ва хонадонларда ўрнатиладиган турли хил конструкциялардан иборат. Арғимчоқ болаларнинг танасини ривожлантириш, мувозанатни сақлаш, ҳаракатланиш қobiliятини оширишга хизмат қилади ва болалар учун қизиқарли вақт ўтказиш усули ҳисобланади.

Арғимчоқнинг бола саломатлигига аҳамияти катта. Арғимчоқда ўйнаш болаларга ҳаракат-

ларини бошқариш, мувозанатни сақлаш ва мушакларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бола арғимчоқда бўлганида қўллари, оёқлари ва бел мушаклари фаол ишлайди. Арғимчоқда ўйнаш болаларга фаол бўлиш ва кучли ҳаяжонни ҳис қилиш имконини беради, уларнинг кайфияти кўтарилишига ёрдам беради. Арғимчоқда бошқа болалар билан бирга ўйнаш ижтимоий кўникмаларнинг ривожланишига ёрдам беради, чунки улар навбатга туриш, жамоавий ўйнаш ва ўзаро муносабатлар ўрнатишни ўрганадилар. Аммо ўйнаш жараёнида хавфсизлик қоидаларига амал қилиш муҳимдир. Арғимчоқ хавфсиз жойга, қулай ва тегишли баландликдаги майдонга ўрнатилиши керак. Бола арғимчоқда ўйнаётганда, катталар унинг хавфсизлигини кузатиб туриши зарур. Ҳар доим арғимчоқнинг мустаҳкамлигини ва унда камчиликлар йўқлигини текшириб туриш керак. Арғимчоқ болалар учун фойдали бўлиб, уларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига катта ҳисса қўшади.

АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШ – боланинг ёши ва ҳаётий тажрибасининг ортиши ҳамда тарбиявий таъсирлар билан боғлиқ ҳолда унинг фикрлаш фаолиятида содир бўладиган сифат ва миқдор ўзгаришлари. Ақлий ривожланиш даражаси қуйидагилар билан белгиланади: ўзлаштирилган билимлар, малакалар ҳамда уларни ўзлаштиришда шаклланган ақлий ҳатти-ҳаракатлар; ўзлаштирилган билимлар ва кўникмалардан фикрлаш жараёнида эркин фойдаланиш ва бунинг натижасида янги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштириш.

Ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган болалар туғма, ирсий, эга бўлинган касалликлар ёки белгиланган тартибда тасдиқланган жароҳатлар асоратлари оқибатида ҳаётий фаолият(лар)и чекланган жисмоний ва (ёки) психик камчиликка эга бўлган 18 ёшгача бўлган болалар (бола). Бундай камчиликлар туғма ёки туғилгандан кейин пайдо бўлиши мумкин. Туғма камчиликларнинг юзага келиш сабаблари қаторида насл (генетик) омиллар катта ўрин эгаллайди. Туғма муаммолар ривожланаётган ҳомилага кимёвий, механик, инфекция таъсирлар кўрсатиш натижасида

ҳам пайдо бўлиши мумкин. Туғилгандан сўнг пайдо бўладиган камчиликлар бола ривожининг илк даврида унинг юқумли касалликлар билан оғриши (менингит, полиомиелит, қизамиқ, скарлатина), жароҳатланиши, интоксикация натижасида рўй беради. Ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган болаларнинг асосий гуруҳлари эшитишида камчиликлари бор бўлган болалар (кар, заиф эшитувчи, кейин кар бўлганлар); кўришида муаммоси бўлган (кўр, заиф кўрувчи) болалар; ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар; ҳаракатланишида муаммоси бўлган болалар; нутқий ривожланишида муаммоси бўлган болалар; мураккаб (комплекс) бузилишлар кузатилган болалар (икки ёки ундан ортиқ камчиликларнинг қўшилиб келиши).

Шахснинг атроф-олам (вокелик)дан ўзини олиб қочиши ҳамда ўзининг ички дунёсида яшашга интилиши **Аутизм**дир. Аутизм (юнон. autos - мен ўзим) -. Атрофдагилар билан мулоқотга киришишдан қочиш турли кўринишларда намоён бўлиши.

Республикамизда ақлий ривожланишида камчилик бор болаларга қўмаклашиш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда махсус таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун махсус мактаблар ва синфлар ташкил этилган. Масалан, 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган 638-сонли қарорга кўра, махсус таълим муассасаларида ўқувчиларнинг минимал ва максимал сони белгиланган.

Болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари ҳам аҳамиятга эга. Бу хизматлар болаларни оилага ўхшаш муҳитда ақлий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган.

Шунингдек, ақлий ривожланишида камчилик бор болалар (интеллектуал ривожланишида муаммолар бор болалар) учун кўплаб ислохотлар ва дастурлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ва жамиятга мослашувини таъминлашга қаратилган.

Мактабларда махсус инклюзив таълимга мослаштирилган синфлар ва гуруҳлар ташкил қилинмоқда, шунингдек, инклюзив



таълим бўйича ўқитувчилар тайёрланыпти. Бу болаларнинг умумий таълим муассасаларида таълим олишини таъминлайди. Айтиш ўринлики, бугунги кунда мактабгача таълим тизимига инклюзив таълимнинг кириб келиши ҳам муҳим ислохотлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ақлий норасолик – туғма ёки 3 ёшгача бўлган даврда орттирилган руҳий ривожланмай қолиш билан кечадиган касалликлар **гуруҳи олигофрения** дейилади. **Олигофрения** oligo. ва рhгеп – ақл деган маънони билдиради. Бу ном немис психиатри Э.Крепилин томонидан берилган. Олигофрения аёлларга нисбатан эркаклар орасида кўпроқ учрайди. Олигофрениянинг енгил – дебиллик, ўртача – имбециллик ва оғир идиотлик (идиотизм) тури фарқ қилинади. Олигофрениянинг сабаблари хилма-хил. Буларга генетик-ирсий омиллар, хромосомаларнинг бузилиши, ота-она касалликлари, айниқса, онанинг ҳомиладорлик вақтидаги касалликлари ва заҳарланишлари, боланинг туғилиш давридаги шикастланишлари ҳамда бола туғилгандан кейин 3 йил ичида ўтказган оғир касалликлари (менингит, энцефалит ва ҳ.к.), миянинг шикастланишлари ва б. қиради.

Олигофрениянинг асосий белгиси руҳий фаолиятнинг ҳамма томонлама етишмаслиги, шахснинг билим ва қўникмаларининг етук эмаслиги, тафаккури, фикрлаш қобилиятининг чегараланганлиги ёки умуман йўқлиги қиради. Шахс ривожлана ва камол топа боргани сари унинг фикрлаши абстрактлаша бошлайди, яъни аниқ нарсалар ва белгиларга қараб тафаккури бойийди. М-н, дастлаб бир сонни бошқасига қўшиш керак бўлса, бунда болалар конкрет предметларни кўзда тутадилар. Кейинроқ предметлашган сонлар ўрнига фақат қуруқ сонларнинг ўзи қолавериши мумкин бўлиб қолади, яъни ўша конкрет нарсалар, буюмлар (предметлар) мавҳумлашади. Мана шу жараёнга улар тушуниб етмайдилар. Карра жадвални ёдлаб олиб айтиб бериш – конкрет ҳодисадир, конкрет хотира фаолиятидир. Бироқ бу жадвал ичида айириш, қўшиш, бўлиш каби амалларни бажаришда мавҳумлашган фикрлар зарур бўладики, буни бажаришда ақли заиф

болалар жуда қийналадилар ёки бутунлай бажара олмайдилар. Фикрларни абстракция қилиш қобилиятининг йўқлигини, сўзларнинг маъносига тушуниб етмаслик ҳолатларини ҳам кўриш мумкин. Олигофренияда сўз бойлиги, сўзлаш қобилияти, ҳиссиётлар, ҳаракатлар ҳам саёз бўлади. Кўпинча бундай беморларда турли хил туғма нуқсонлар (аномалиялар) кузатилади. Буларга мускулларнинг заифлиги (парез), бош мия чаноғининг катта ёки кичиклиги ҳамда қийшиқ бўлиши, кўз, қулоқ, бурун, оғиз бўшлиғи, қўл-оёқ панжалари камчиликлари ёки нуқсонлари ва бошқалар қиради. Каттароқ ёшга етган ақлий норасо беморларда дайдилик, овқатланиш ва жинсий ҳисларнинг ошишига тааллуқли хатти-ҳаракатлар, итоат етмаслик, қайсарлик ёки тажовузкорлик белгилари кузатилади.

Республикамизда ақлий ривожланишида муаммолар бор болалар учун махсус мактаб ва реабилитация марказлари яратилган. Уларда индивидуал ёндашув асосида таълим ва тарбия берилади. Реабилитация марказлари болаларнинг психологик, педагогик ва тиббий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Маскур марказларда Психологик ёрдам кўрсатиш, Логопедия ва дефектология хизматлари, Тиббий реабилитация, Ота-оналар учун маслаҳатлар каби асосий йўналишлар доирасида хизматлар олиб борилади.

Тошкент шаҳридаги Психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш маркази айнан ақлий ривожланишида муаммолар бор болаларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ривожланиши, таълимга ва жамиятга интеграциясига қаратилган махсус муассаса ҳисобланади. Бу марказда таълим, реабилитация, маслаҳат ва ривожлантирувчи машғулотлар ўтказилади.

Наманган ва Самарқанд вилоятларидаги реабилитация марказлари ҳам ақлий ривожланишида муаммолар бор болаларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган муҳим муассасалардир. Улар болаларнинг руҳий, психологик ва ижтимоий мослашувини таъминлаш, шунингдек, таълим ва ривожланишда қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган.

Бу каби ташкилотлар фақат педагогик фаолият билан шуғулланиб қолмасдан, бу турдаги

касаллик билан касалланган болаларнинг ота-оналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида ота-оналар учун болаларни тарбиялаш бўйича психологик маслаҳатлар ва семинарлар ташкил этиб қўллаб-қувватлайди.

АҚЛИЙ ҲАРАКАТЛАР – бу боланинг билим олиши, фикрлаш, тушуниш, муаммоларни ҳал қилиш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларидир. Ақлий ҳаракатлар бола ақлий ривожланиш жараёнининг муҳим қисмидир ва унинг билиш қобилиятларини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Боланинг ақлий ҳаракатлари турли босқичларда ривожланади ва бу жараёнда ота-оналар ва таълим муҳити катта рол ўйнайди.

Бола ақлий ҳаракатларининг босқичлари:

Туғилишдан 2 ёшгача (сенсомотор босқич) бўлган босқичда боланинг ақлий ҳаракатлари асосан ҳиссий идрок ва ҳаракатлар орқали амалга ошади. Бола турли объектлар билан мулоқотда бўлиш орқали уларни тушунишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай ҳаракат ва объект бола учун янги тажриба бўлиб, у уларни ҳис қилиш, ушлаб кўриш ва таъсирлаш орқали ақлий жавоб беради.

Масалан, бола ўйинчоқни силжитганда, у ўз ҳаракатларининг натижасини кўради ва бу жараён ақлий ривожланишнинг илк шакли ҳисобланади.

2 ёшдан 7 ёшгача бўлган босқичда болада рамзий фикрлаш ривожланиб, дунёни тушунишга ҳаракат қилади. У тасаввурни қўллаган ҳолда ўйин ўйнайди ва воқеаларни, тушунчаларни ҳақиқий ҳаётдаги таассуротлар билан боғлайди.

Масалан, бола кубикларни машиналар сифатида тасаввур қилиб ўйнаши, уларни ҳаракатлантириши – бу ақлий ҳаракатлар орқали дунёни тушунишга интилиш ҳисобланади.

7 ёшдан 11 ёшгача (конкрет операциялар босқичи) босқичда бола конкрет фикрлашни ўрганади. Бола воқеалар ва нарсалар ўртасидаги боғлиқликларни тушуниб, мантиқий хулосалар чиқариш қобилиятини ривожлантиради.

Масалан, бола турли ўйинларда қоидаларга амал қилишни ўрганади, математик масалаларни еча бошлайди, турли нарсаларни гуруҳларга ажратишни ўзлаштиради.

Бола бу босқичда мураккаб муаммоларни тушуниш ва уларни мантиқан ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиради.

12 ёшдан юқори (формал операциялар босқичи) босқичда бола абстракт фикрлаш ва назарий тушунчалар билан ишлаш қобилиятини ривожлантиради. У гипотетик вазиятларни таҳлил қилиш ва келажакка оид қарорлар қабул қилишда мантиқий фикр юритади.

Масалан, бола фикрлаш жараёнида “агар бўлса, унда...” деган тасаввурлар билан мураккаб муаммоларни еча бошлайди.

Оила муҳити болада ақлий ҳаракатларни рағбатлантириш, ишонч уйғотиш ва ижтимоий мослашув кўникмаларини шакллантириш учун асосий платформа ҳисобланади.

Болада ақлий ҳаракатлар ва ўрганишга қизиқиш уйғотиш учун ота-онанинг илиқ муносабати муҳим. Бола билан самимий мулоқот ва болани рағбатлантириш унинг ўз кучига бўлган ишончини оширади.

Боланинг кундалик ҳаётда қарор қабул қилиш ва муаммоларни ҳал этиш жараёнларида иштирок этиши ақлий ҳаракатларини кучайтиради.

Ривожланиш учун қулай муҳит яратиш, яъни ўқишга қизиқтирувчи материаллар (китоблар, ўйинлар, мультфильмлар) билан таъминлаш муҳимдир.

Ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш. Бунда боланинг бошқа оила аъзолари ва тенгдошлари билан мулоқоти унинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга ёрдам беради.

Агар болада ақлий ҳаракатлар ривожланишида қийинчиликлар кузатилса, ота-она бунга эрта пайқаб, мутахассисларга мурожаат қилиши керак.

Бундай вазиятда боланинг эришган муваффақиятларини рағбатлантириш болани илҳомлантиради, ўзига бўлган ишончни оширади.

Боланинг яхши уйқуси, тўғри овқатланиши ва жисмоний фаоллиги унинг ақлий ривожланиши учун асосий омиллардир.

Оиланинг қўллаб-қувватлаши натижасида бола ижобий ўйлашга ва муаммоларни мустақил ҳал қилишга ўрганади. Ақлий ҳаракатлардаги қийинчиликлар бартараф этилиши мумкин. Бола билимга бўлган қизиқишни йўқотмайди ва доимий ривожланишга интилади.



БОЛА КОМПЕТЕНЦИЯСИ – боланинг муваффақиятли ижтимоий ва жисмоний ривожланиши учун керакли билим, кўникма, маҳорати ва хулқ-атворларни ўз ичига олган мураккаб қобилиятлар мажмуи. Бола компетенцияси боланинг ҳаётдаги муваффақияти, ўзини англаши, ижтимоий муносабатлари ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини шакллантиради.

Оила бола компетенциясининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Оиладаги ижодий муҳит, яъни расм чизиш билан шуғулланса, мусиқа тингласа, катталар билан театрға борса, у ўз ҳиссий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантира олади.

Оилада спортға бўлган қизиқишнинг уйғотилиши, турли спорт тўғаракларига иштирокининг таъминланиши ҳам муҳимдир. Жисмоний фаолият боланинг жисмоний ва эмоционал соғлиғини яхшилайдди, ижтимоий кўникмаларини шакллантиради.

Оилада катталарнинг китоб ўқишга бўлган иштиёқининг намоён қилиниши, янги билимларни ўзлаштиришга, интеллектуал компетенцияси ривожлантиришга туртки бўлади. Байрам, туғилган кун ёки боладаги ҳар қандай кичкина муваффақиятини китоб совға қилиб рағбатлантириш муҳимдир.

Болани жамоат ишларига, лойиҳаларга ёки фаолиятларга жалб қилиш, унинг жамоавийлик ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Бола компетенцияси боланинг ҳаётида муваффақиятга эришиш, ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, ўзини анлаш ва жамиятда ижобий рол ўйнаш учун муҳимдир. Бола компетенциясини ривожлантириш, унинг жисмоний, эмоционал ва ижтимоий ривожланишини таъминлайди, шунингдек, соғлом ва муваффақиятли ҳаёт кечириш учун зарурий асосни яратади.

БОЛАЛИК – бу инсоннинг ҳаётидаги ижодий ва жисмоний ривожланиш, билим олиш, хулқ-атвори шакллантириш ва ижтимоий алоқаларни ўрганиш даври. У ҳар бир инсоннинг ҳаётида муҳим босқич бўлиб, унинг келажаги учун асосий пойдеворни ташкил этади. Болалик

даври 0 дан 12 ёшгача бўлган даврни қамраб олади, бу даврда болаларнинг ривожланиши ва шаклланиши учун кўпинча оила, жамоа ва таълим тизими асосий ролга эга.

Болаликнинг асосий хусусиятлари сифатида болаларнинг физик ўсиши, мускуллар, суяклар ва ҳаракат функцияларининг шаклланишини айта оламиз.

Ушбу даврда болаларда билим олиш қобилияти, таълим, ўрганиш ва муаммоларни ҳал қилиш қобилияти ривожланади. Интеллектуал фаолиятлар, китоб ўқиш, ўйинлар ва ижодий фаолиятлар орқали таълим олиш кузатилади.

Эмоциялар, ҳислар ва уларни бошқариш қобилияти ривожланади. Болалар жамиятдаги ўз ўрнини, дўстлик, рақобат ва жамоада ишлашни ўрганадилар. Ижтимоий муносабатлар, жамиятнинг қоидаларини тушуниш шаклланади.

Болалик даври муҳим аҳамият касб этади. Болалик даврида олинган билим, кўникма ва ҳушёрлик боланинг келажақда муваффақиятли яшаши, ижтимоий муносабатларда фаол қатнашиши ва касбий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Соғломлик. Ушбу даврда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллик боланинг соғлиғига катта таъсир кўрсатади.

Болалар ўз муҳитидан, оиласидан ва жамиятидан маданият ва маънавий кадриятларни ўрганади. Бу боланинг ижтимоий адаптациясига ёрдам беради.

Болалик даврида боланинг ривожланишини таъминлаш учун ота-оналар, педагоглар ва жамоатчилик биргаликда фаолият олиб боришлари керак. Бу даврда олинган таълим, эмоционал ва жисмоний фаоллик, ижодий фаолиятлар болаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Бола фаолияти, ўйинлари, ижодий лойиҳалари ва ижтимоий алоқалари орқали болалар ўзларининг қобилиятларини, шижоатини ва ижодкорлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

БОЛАЛАР ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРИ. Сепсис (юн. sepsis – чириш, ириш) (қонга микроблар кириши, умумий йирингли инфекция, қонга йиринг тушиши) – йиринглатувчи микробларнинг маҳаллий

инфекция ўчоғидан қон оқимиға, лимфа йўллариға, улардан эса беморнинг ҳамма тўқима ва аъзолариға тарқалишидан келиб чиқадиган умумий инфекцион касаллик. Инфекция тушган жароҳат ва турли соҳада жойлашган йирингли касалликлар (чипқон, хўппоз, флегмона ва бошқа) сепсис манбаи бўлиши мумкин. Киндикнинг йиринглаши чақалоқлар сепсисга сабаб бўлади. Бачадон бўшлиғининг йиринглаши натижасида туғруқдан кейинги сепсис пайдо бўлади. Одатда, стафилококк, стрептококк, камроқ пневмококк, гонококк, ичак таёқчаси ва бошқа микроблар сепсисни қўзғатади. Сепсис ривожланишиға, биринчидан, йирингли жараёни келтириб чиқарган микроблар вирулентлиги (касаллик қўзғатиши)нинг юқорилиги, иккинчидан, беморнинг озиб кетиши, витамин етишмаслиги ва бошқа касалликлар оқибатида организм ҳимоя кучининг пасайиб кетиши сабаб бўлади. Сепсиснинг энг оғир турида микроблар қонда кўпайиб, уни ўз заҳарли маҳсулотлари (токсинлар) билан зарарлайди, қизил қон ҳужайралари (эритроцитлар)ни емиради. Сепсиснинг бу турида гавда температураси 39–40° гача кўтарилади, беморнинг эти увушади, бу ғарқ-ғарқ терлаш билан алмашилиб туради. Баъзан тери сарғимтир тусга кириб, унга тошмалар тошади. Сепсиснинг бирмунча енгил ҳолларида микроблар қонда кўпаймай, қон оқими билан турли аъзо ва тўқималарға тарқалади, натижада уларда кўп сонли йирингли ўчоқлар ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда сепсис узокроқ кечиб, йиринг бойлаган жой ҳосил бўлаётган пайтда оғирлашиб, мадда ёрилгандан сўнг ёки операциядан кейин бир қадар енгиллашиб туради. Сепсисга фақат касалхонада даво қилинади. Сепсис профилактикаси ҳар қандай йирингли жараёнда – жароҳат йиринглаганда, ҳасмол, флегмона пайдо бўлганда ўз вақтида врачға мурожаат этишдан иборат. Турмушда шикастланишларнинг олдини олиш, майда шикастларни, айниқса, жароҳатларни ўз вақтида даволаш зарур.

Ўткир юқумли касаллик; ҳароратнинг кўтарилиши, тери ҳамда шиллиқ қаватларға серозли пуфакчалар тошиши билан кечадиган касаллик тури Сувчечак деб номланади. **сувчечак**ни филтрланувчи вируслар қўзғатади.

Кўпинча 10 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Вируслар бемор йўталганда, гапирганда, акса урганда ҳаво орқали соғ одамға ўтади. Сувчечак билан оғриган бола такрор оғримаслиги мумкин. Инкубацион даври 10–21 кун (кўпинча 14 кун). Дастлаб боланинг дармони курийди, тана ҳарорати 39–39,5° гача кўтарилади, юзига, танасининг турли қисмлариға тошма тошиб, кейинчалик пуфакчаларға айланади. Пуфакчалар тиниқ суюкликка тўла бўлиб, атрофи қизариб туради. Улар аксари бошнинг сочли қисми, юз, бадан ва оёқ, кўлга тарқалади. Кейинчалик пуфакчалар ёрилиб ўрнида пўст ҳосил бўлади, 1-3 ҳафтадан кейин пўстлар тушиб кетади, ўрнида чандиқ қолмайди. Сувчечак тошмаси баданнинг ҳамма қисмиға бир вақтда эмас, балки 1-2 кун оралатиб тошади. Баъзан улар оғиз, томоқ, бурунҳалқум шиллиқ пардасиға ҳам тошиши мумкин. Ҳар гал тошма тошиши олдидан бемор иситмалайди, тошмалар куриб битгач, ҳарорат нормаллашади. Сувчечак асоратлари кам кузатилади. Сувчечак тошмалари кўз мугуз пардасида бўлса кератит, томоқда бўлса ларингит, заифроқ болаларда - асбцесс, зотилҷам, лимфаденит, отит, сарамас, флегмона пайдо бўлиши мумкин.

Бемор кўпинча уйда врач назоратида даволанади. Бола қашиниб, терисини тирнаб юбормаслиги учун тирноғини олиб туриш, қўлини доим тозалаб ювиб қўйиш зарур. Тошмаларға калий перманганат эритмаси ёки бриллиант кўки суртилади; оғзини дезинфекцияловчи эритмалар билан чайиб туриш тавсия этилади. Сувчечак жуда юқумли, шунинг учун бемор болани алоҳидалаб қўйиш лозим.

Аксарият болаларда учрайдиган инфекцион касалликлардан бири - **скарлатина**дир. Скарлатина (лот. scarlatum – оч қизил ранг) деган маънони англатиб, иситма, умумий интоксикация, муртак безлари ва томоқнинг яллиғланиши, терига майда тошмалар тошиши ва ҳоказо билан кечади. Қўзғатувчиси А гуруҳиға мансуб гемолитик стрептококклар. Касаллик манбаи – бемор, шунингдек, бошқа стрептококкли инфекция (ангина, фарингит)лар билан оғриган кишилар. Инфекция ҳаво томчи йўли орқали юқади. Баъзи бемор фойдаланган



ўйинчок, идиш-товоқлар ва бошқалар ҳам скарлатина тарқалишига сабаб бўлади. Кўпроқ 2–6 яшар болаларда куз-киш ойларида учрайди. Яширин даври ўртача 2–7 кун. Одатда, тўсатдан бошланади. Гавда ҳарорати тез 39–40° гача кўтарилиб, бемор ҳолсизланади, боши ва томоғи оғрийди, кўпинча қусади. Касалликнинг дастлабки кунларида терида қизил, майда нуктасимон тошмалар пайдо бўлади. Томоқда скарлатинага хос ангина аломатлари кўзга ташланади, қизарган юмшоқ танглай қаттиқ танглайнинг оқиш шиллиқ қаватида якқол ажралиб туради. Жағ ости безлари катгалашади ва пайпаслаганда оғриқ сезилади. Касалликнинг авж олган даври 4–5 кун давом этади. Бу даврда ангина, лимфа безларининг катталашиши, тошмалар ортиб боради. Гавда ҳарорати 39° ва ундан ҳам юқори бўлади. Беморнинг эс-хуши хиралашиши, алаҳлаш ҳоллари кузатилиши мумкин. 4–5 кундан сўнг ҳарорат пасайиб, бемор ўзини яхшироқ ҳис қилади. Тил учи томонидан қарашдан тозаланиб боради. Ундан мусаффо бўлгач, тил малинага ўхшаб қип-қизил бўлиб қолади. Касалликнинг 6-кунларидан соғайиш даври бошланади. 10-кунларига келиб касалликнинг барча аломатлари йўқолади. Касалликнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб терида пўст ташлаш кузатилади, бадандан майда кепаксимон, қўл ва оёқ кафти, панжалардан пўст палахса бўлиб кўчади. скарлатинанинг енгил, ўртача оғир ва оғир турлари ажратилади. Касалликнинг дастлабки кунларидан бошлаб қонда якқол ифодаланган лейкоцитоз, эозинофилия, ўзгаришлар рўй беради. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) ҳам ортиб, соатига 30–50 мм ни ташкил қилиш мумкин. Скарлатинанинг барча турларида ҳам турли асоратлар: нефрит, лимфаденит, синусит, юрак-томир системасининг жароҳатланиши ва бошқалар кузатилади. Скарлатина билан оғриган бола, албатта, ўрин-кўрпа қилиб ётиши шарт, уни касалхонага ётқизиш-ётқизмасликни врач ҳал қилади. Касаллик енгилроқ кечганида беморни уйда даволаш мумкин. Давоси. Беморнинг оғзи ва томоғи 2%ли сода эритмаси ёки 1:5000 нисбатдаги фурациллин эритмаси билан чайиб турилади. Эритромицин, пенициллин, бициллин ва б. антибиотиклар 7 кун давомида берилади. Аллергияга қарши препаратлар қўлланади.

Ўткир юкумли касаллик; гавда ҳароратининг кўтарилиши, умумий интоксикация, юқори нафас йўллари ва кўз шиллиқ пардасининг яллиғланиши ҳамда баданга қизил, йирик доғли тошмалар тошиши билан кечадиган касаллик қизамиқдир. **Қизамиқ**, гул – ер юзида энг кенг тарқалган инфекциялардан, унга барча ёшдаги кишилар, асосан, ёш болалар берилувчан бўлади. Касаллик мавсумий бўлиб, куз-киш ва баҳорда кўпроқ учрайди. Инфекция манбаи фақат касалланган одам ҳисобланади, соғлом киши организмга вирус нафас йўллари орқали тушади. Касалликдан кейин умр бўйи сақланадиган иммунитет қолади. Чақалоқлар (пассив иммунитет туфайли) қизамиқ билан оғримайди. Организмга юқори нафас йўллари шиллиқ пардалари, кўз конъюнктиваси ва бошқалар орқали кирган қизамиқ вируси у ерда кўпайиб, кейин қонга тушади. Касаллик боскичма-боскич кечади, инкубацион (яширин) даври 9–11 кун; ундан сўнг продромал (бошлангич, катарал) давр 3–4 кун давом этади. Касаллик бошланишида гавда температураси 39° гача кўтарилади, юқори нафас йўллари ва кўз конъюнктиваси қизаради, бемор куруқ йўталади, тумов бўлади, кўзи қизариб ёшланади, ёруғликка қарай олмайди, товуши бўғилиб қолади. Бола безовта бўлади, уйқуси бузилади, иштаҳаси йўқолади, ҳолсизланади, баъзан ич кетиши, коринда оғриқ, оғирроқ ҳолларда умумий интоксикация, талвасалар, эс-хушни йўқотиш аломатлари рўй бериши мумкин.

Ўткир вирусли касаллик; юқори нафас йўллари, кўз ва бурун шиллиқ қаватларининг яллиғланиши, терида турли тошмалар тошиши ва лимфа безларининг катталашиши билан кузатиладиган касаллик тури Қизилча ҳисобланади. Дастлаб **қизилча**, қизамиқдан фарқ қилинмаган, 1881 йилдан у алоҳида касаллик деб ҳисоблана бошланди. Қизилчани рубовируслар оиласига мансуб р-н Квируси кўзгатади. Ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Айниқса, ҳомиладорликнинг дастлабки даврларида юқиши хавфли ҳисобланади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда балғами, сўлаги таркибидаги вирус ҳавога тушади, сўнгра соғлом одамнинг нафас йўллари орқали унинг организмга киради.

Қизилча барча ёшдаги кишиларда, асосан, болаларда учрайди. Касалликнинг инкубацион (яширин) даври 14–21 кун. Болаларда касаллик асосан енгил кечади. Гавда ҳарорати бир оз кўтарилади, қизамиқдагига ўхшаш тошма тошади, каттароқ ёшдаги болаларда бўйин ва кулоқ соҳасидаги лимфа безлари катталашади, бўғимлар оғриши мумкин. Баъзан энцефалит ва тромбоцитопения ривожланади. Кўпинча қизилча клиник аломатларсиз кечади, лекин бунда атрофдагиларга юқиш хавфи сақланиб қолади. Вирус ҳомиладор аёлга юққанида – туғиладиган бола туғма юрак пороги, кўр, кар, миттибош, акли заиф ҳолда туғилиши мумкин – бу хасталиклар мажмуи “туғма қизилча синдроми” деб номланади, улар туғма ногирон ҳисобланади. Беморни врач уйда даволайди. Болага тинч ва осойишта шароит яратиш, енгил ҳазм бўладиган овқатлар бериш тавсия этилади. Олдини олиш учун бола 12–15 ойлигида (1-бор), кейин 6 ёшида (2-бор) Қ.га қарши вакцина билан эмланади. Энг муҳими, касалланган болани соғлом болалардан ўз вақтида ажратиб қўйиш зарур.

БЕШИК – чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун мўлжалланган йўрға оёқли махсус мослама. Асосан тут, тол ва бошқа ёғочдан ясалади. Узунлиги 1–1,05 м, баландлиги 50 см дан 60 см гача. Бешикнинг тузилиши: тўрттадан саккизта устбози (помбози) ва такбози (гирдбози) билан ўралган; бола ётиши учун такбозилар устига юпка тахтачалар ўрнатилади (унда тувак учун махсус жой ажратилади). Бешикнинг икки томонидаги ярим доира шаклидаги йўрға (оёқ)ларига узунлиги 1,2 м, эни 8–10 см бўлган эгмоч (қосқон) ўрнатилади, эгмочга даста бириктирилади. Дастанинг иккала томонига қуббалар ясалади. Боланинг бош ва оёқларини муҳофаза қилиш учун эгмочларнинг ичига бошлоғи ва бағалак чўплар ўрнатилади. Бешик нақшлар билан безатилади ёки ранг-баранг бўёқлар билан бўялади, сўнг баъзан лок суртилади. Болани белаш учун ип ёки шойи матодан махсус тикилган абзаллар (қовуз тўшакча, таглик кўрпача, ёстикчалар, қўлбоғлар, говрапўш, чойшаб ва бошқа) ишлатилади. Бешиқда ётганда боланинг таги курук, тоза

туради; Бешикнинг бир маромда тебранишига она алласининг ҳамоҳанглиги бешиқдаги болага яхши таъсир этади, унинг тинч осуда ухлашини, руҳан соғлом яхши ривожланишини таъминлайди. Бешиқ қадимдан ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ, қирғиз ва бошқалар. Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Қадимги манбаларда, хусусан “Девону луғотит турк” (11-аср)да тилга олинган.

Боланинг бу даврида унинг ёнида асосан онаси бўлади. Шунинг учун бешиқда ётган боланинг хавфсизлигини таъминлаш – бу она зиммасидадир. Бешиқда хавфсизликка риоя қилиш орқали бола жароҳатланиш хавфи камаяди, бола мириқиб дам олади ва боланинг соғлом ривожланиши учун асос яратилади. Бу оила учун ҳам ором ва хотиржамлик олиб келади.

БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ – асосан болалар орасида учрайдиган ёки болалик даврида ўзига хос кечадиган касалликлар гуруҳи. Боланинг ривожланиш хусусиятларига кўра она қорнида ўсиш даври, чақалоқлик даври, бола туғилгандан кейинги (4 ҳафта), эмизикли даври (бир ёшгача), ясли даври (3 ёшгача), мактабгача даври (7 ёшгача), бошланғич мактаб ёшидаги (12 ёшгача) ва ўсмирлик ёки балоғатга етиш даври (18 ёшгача) фарқ қилинади. Она қорнида ўсиш даври боланинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди; ҳомиладорлик давридаги зарарли омиллар (касалликлар, интоксикациялар, турмуш ва овқатланиш шароитининг кам-кўстлиги, дори-дармонлар таъсири) онагагина эмас, қорнидаги ҳомиланинг ўсиши ва ривожланишига ҳам таъсир этади. Бу даврда кўпроқ туғруқ вақтидаги зарарланишлар (асфиксия, шикастланишлар, фалажлар, стафилококк инфекциялар) кузатилади. Чақалоқлар айрим инфекция касалликларга туғма чидамли бўлади, бироқ уларга (айниқса, чала туғилган болаларга) йиринглатувчи микроблар аввало, стафилококклар тез таъсир қилиб, киндик жароҳатининг йирингли яллиғланишига, чилла ярага ва ҳатто чақалоқлар сепсиси каби оғир касалликка сабаб бўлади. Бу даврда зотилжам ҳам хавфли касаллик ҳисобланади. Эмизикли даврида бола овқатнинг ўзгаришига мосланиши



анча қийин, уни нотўғри овқатлантирилганда меъда-ичак бузилишлари (диарея, ичак инфекциялари ва б.), моддалар алмашинувининг бузилиши кузатилади. Бу даврда нафас ва ҳазм аъзоларининг касалликлари оғир ўтади; болани нотўғри овқатлантириш, соф ҳаво ва қуёш нуридан етарли баҳраманд этмаслик натижасида рахит авж олади, диатез, спазмофилия бот-бот учрайди. Ясли ёшидаги ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ўз тенгқурлари билан ўйнаб юрган чоғида кўкйўтал, қизамик, дифтерия, тепки ва бошқалар юқиши мумкин. Бундан ташқари, онасидан ўтган иммунитетнинг кучи йўқолади. Шунинг учун бу даврда болалар эмланиб (вакцинация), иммунитет вужудга келтирилади. Мактаб ёшидаги болаларда юқумли касалликлар кўпроқ учрайди. Эмизикли бола кўкйўтал ва қизамик билан оғриганда кўпинча ўпкаси ҳам яллиғланса, мактаб ёшидаги болаларда бу касалликлар аксари асоратсиз ўтади (ўпка яллиғланмайди). Бошланғич мактаб ёшидаги болаларда ангина, юрак ва буйрак касалликлари, шунингдек, аллергия касалликлар кўпроқ учрайди. Каттароқ болаларда ва ўсмирлик (балогатга етиш) даврида юрак-томир, нерв ва эндокрин системалар (ички секреция безлари) фаолиятида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Соф ҳаводан етарли баҳраманд бўлмайдиган, спорт билан шуғулланмайдиган, кун тартибига риоя қилмайдиган болаларда бу системалар кўпроқ касалланади. Демак, болалар касалликларининг турли шакллари организмнинг чидамлилигига, юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиш кучига, боланинг ёшига боғлиқ. Ҳар бир касаллик, у қандай бўлишидан қатъи назар (юқумли ёки юқумсиз) жисмонан баркамол, соғлом болада енгилроқ, озгин, нимжон болада эса оғирроқ ўтади. Бир хил микроб қўзғатган касаллик боланинг турли ёшида турлича кечади. Болалар касалликларининг олдини олишда бола организмнинг ўзига хос хусусиятлари кўзда тутилади. Эмизикли даврда она сути энг мақбул озиқ бўлиб, болани қўшимча овқатлантириш зарурияти бўлганда фақат врач (педиатр) билан маслаҳатлашиб олиш керак. Болалар касалликлари қанча барвақт аниқланиб, вақтида даволанса, асорати қолмайди. Бунинг учун катталар ва ота-оналар болалар

касалликларининг олдини олиш усулларини ва дастлабки белгиларини билишлари, болада касалликка хос бирор аломат сезганда дарҳол врачга мурожаат этишлари зарур.

Даун касаллиги – туғма олигофрениянинг бир шакли, бунда боладаги ақли норасолик билан бирга унинг ташқи қиёфаси ҳам ўзига хос кўринишда бўлади. Даун касаллигини биринчи бўлиб инглиз врач Л.Даун тавсиф этган (1886). Касаллик ирсий табиатга эга бўлиб, кам учрайди; бунга асосан хромосома тўпламида ортиқча хромосомалар бўлиши (21-жуфт) сабаб бўлади, шунинг учун ҳам баъзан касаллик трисомия деб юритилади. Даун касаллигига йўлиққан болалар нафақат рухий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам заиф ва турли инфекцион касалликларга мойил бўлади. Беморларни асосан меҳнат билан даволаш, махсус мактабларда ўқитиш лозим.

Интеллектуал ривожланишда камчиликлар бўлган болалар учун махсус мактаблар ҳам мавжуд. Улар фақат Даун синдромига эга болалар учун эмас, балки турли даражадаги интеллектуал муаммоларга дуч келган болалар учун ишлайди. Бундай муассасаларда болаларга адаптив таълим, ижтимоий қўникмалар ва мустақил ҳаётга тайёрланишга ёрдам берилади.

БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ – болаларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбиялаш воситаларидан бири. Болалар ўйинлари болаларнинг ҳар томонлама камол топишига катта таъсир қилади. Ўйин вақтида сезги, идрок, тафаккур, ҳаёл, хотира, диққат, ирода, ҳиссиёт ва бошқа рухий жараёнлар иштирок этади. Болалар ўйинларининг 3 асосий хусусияти бор. Биринчидан, бола ўйин фаолиятини эркин, ўз хоҳиши билан бажаради. Иккинчидан, мазкур фаолиятнинг ижодий ва фаоллигидир. Учинчидан, ўйин ҳаракатларининг жўшқинлиги: бола ўйинга қизиқиб кетади, завқланади, унда ўртоқлик ҳисси кучаяди ва ҳоказо. Болалар ўйинлари мазмунига қараб ўйинчоқли, воқеабанд (сюжетли), ҳаракатли ва дидактик ўйинларга бўлинади: 1) ўйинчоқли ўйинлар асосан мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ўйинларидир (содда ўйинчоқлар, мас, шиқилдок, кубиклар ўйнаш; кум билан ўйнаш); 2) воқеабанд ўйинларда болалар катталар фаолиятига

тақпид қилишади. Бу ўйинлар боланинг ташқи муҳитидаги воқеликни акс эттиради (масалан, “бола боқиш”, “овқат пишириш”, “боғча-боғча” ўйнаш ва бошқалар) Болалар улғайган сари уларнинг воқеабанд ўйинлари ҳам мураккаблаша боради; 3) ҳаракатли ўйинларни болалар яққаякка ёки биргаликда бажарадилар (мас, копток ўйнаш, тез югуриш ва бошқалар). Бу ўйинлар мактаб ёшидаги болаларга айниқса фойдалидир: болалар соғлиғини мустаҳкамлайди, уларни иродали қилиб тарбиялашга ёрдам беради. Болаларнинг спорт ўйинлари ҳам ҳаракатли ўйинлардандир; 4) дидактик ўйинларни тарбиячилар ўйлаб топади. Бу ўйинлар боғчаларнинг катта гуруҳларида тарбияланадиган ва бошланғич синфларда ўқийдиган болаларга мўлжалланади (масалан, табиий-илмий мавзуларга, чет тили сўзларини эслаб қолишга оид, лото ўйнаш ва ҳоказо). Бу ўйинлар болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, зеҳн каби сифатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Болани соғлом ва бақувват бўлиб ўсишига имкон беради. **Болалар ўйин кўшиқлари** – фольклор жанри. Болалар ўйини жараёнида айтилади. Болалар ўйинининг таркибий қисми бўлиб, ўйин учун замин, кайфият ҳозирлайди, иштирокчилар ҳаракатини тўлдиради, драматик ҳолатни юзага келтиради. Ўзбек болаларининг кўплаб анъанавий ўйини кўшиқлари бор. Одатда, болалар ўз ўйинларини чек ташлаш ёки санамалар (“Бир, икки ...ўн олти”, “Чорий чамбар” ва бошқалар), шунингдек “Ўрта қўл топиш”, “Гулдур гуп” ва б. ёрдамида бошлайдилар. Ўғил ва қиз болалар ўртасида “Тўп”, “Тўп тош”, “Читтигул” каби ўйинлар кенг тарқалган ва ўзига хос кўшиқлари ҳам бор. Болалар ўз даврасида уларни айтиш орқали кўшиқчилик маҳоратини намоёиш этадилар, акалари, келинойилари ва бошқаларни тасвирлайдилар. Копток ўйинида айтиладиган кўшиқ коптокнинг ер ёки деворга урилишига ҳамоҳанг бўлиб, у орқали ютуқлар сони ҳисобланади. Ҳаракат ва овознинг ритмик бирлиги ўзига хос мусиқийлик яратиб, боланинг ўйин ҳолатидаги кайфиятини ифодалайди. Унда маълум тарихий давр, болалар ўсаётган шароит, оилавий муҳит ва бунга уларнинг муносабати, шунингдек кайфият ва кечинмалари

яққол сезилиб туради. Болалар ўртасида кенг тарқалган “Оқ теракми, кўк терак?”, “Чучвара қайнайди”, “Тепдим, сандиқ очилди”, “Думсиз тулки”, “Куёним, куёним, не бўлди” каби ўйин ва уларнинг кўшиқлари Ўзбекистоннинг турли жойларида турлича номда учраса ҳам, мазмуни асосан бир хил. Болаларнинг ўзаро муомала маданиятининг ошиши, киришимлилик, дилкашлик каби фазилатларининг шаклланиши, шунингдек ҳам жисмоний, ҳам маънавий ўсишида бундай кўшиқлар муҳим аҳамиятга эга.

ГИГИЕНА (болалар гигиенаси) – яшаш тарзи ва меҳнат шароитининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганадиган, касалликларни профилактика қилиш, соғлиқни сақлаш ва ҳаётни узайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқадиغان қадимий тиббиёт соҳаларидан бири.

Гигиена болаларнинг саломатлигини сақлаш, ривожланишини таъминлаш ва уларнинг ҳаёт сифатига таъсир кўрсатувчи гигиеник одатлар, амаллар ва принципларни ўз ичига олади. Бола гигиенаси ота-оналар, тарбиячилар ва соҳа мутахассислари учун муҳим аҳамиятга эга, чунки у боланинг соғлом ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Бола гигиенасининг асосий принциплари қуйидагилар:

Шахсий гигиена. Танани тозалаш: Боланинг танаси, оғзи ва бадани мунтазам тозаланишини таъминлаш. Тишларни парвариш қилиш: Тишларни ҳар куни тиш шеткаси ва паста билан тозалаш. Бу боланинг оғиз соғлиғини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қўлларни тозалаш: Инфекцион касалликларнинг олдини олиш учун болаларнинг қўллари мунтазам тозалаб ювилиши керак, айниқса овқатланишдан аввал.

Овқатланиш гигиенаси. Соғлом овқатланиш: Боланинг рацони соғлом, витамин ва минералларга бой бўлиши лозим.

Тозалаш: Овқатлар ва ичимликларни тозалаш, уларни қайнатиш.

Кундалик режим. Уйку режимини таъминлаш: Боланинг ёшига мос уйку вақти жуда муҳимдир. Болалар учун кунига 14-16 соат, катталар учун 10-12 соат уйку тавсия этилади.



Жисмоний фаолият ва оилавий муносабатлар, боланинг жисмоний ва эмоционал соғлиғини яхшилайдди.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси – гигиенанинг бир соҳаси; гўдақликдан бошлаб то 17-18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланади.

Ҳаёт шароити, ўқув-тарбия ва меҳнатнинг ўсаётган организмнинг камол топиши ва саломатлигига қандай таъсир қилишини ўрганиш ва шунга асосланиб, ёш авлоднинг соғлом ўсишига ҳамда ҳар томонлама тўғри ривожланишига ёрдам берадиган гигиена тадбирларини ишлаб чиқиш болалар ва ўсмирлар гигиенаси вазифасидир. Унинг тавсияномалари шахсий, яъни ҳар бир айрим болага ва муайян болалар гуруҳига тааллуқли бўлиши мумкин. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси ташқи муҳит омилларининг бола организмга, унинг ҳаёт фаолиятига, таълим-тарбиясига таъсирини ўрганади, ўсаётган авлоднинг баркамол ҳамда жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланиши учун зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Болалар ва ўсмирлар муассасаларида ҳамма гигиена мезонлари ва тавсияномаларига риоя қилинишини шаҳар ва қишлоқ туманларининг санитария эпидемиология станцияларидаги санитария врачлари назорат қилиб туради.

Болалар ва ўсмирлар гигиенасида гигиеник тарбиянинг ўрни муҳим. Гигиеник тарбия – мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий таълим муассасаларида тиббиёт ва педагог ходимлар олиб борадиган фаолият турларидан бири бўлиб, у тарбияланувчиларда маданий-гигаеник малакалар ва кўникмаларни, шунингдек соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини шакллантиришга қаратилган мақсадга мувофиқ ва мунтазам ишни ташкил қилиш ва олиб боришдан иборат. Гигиеник тарбияни амалга ошириш ишлари бўйича тавсиялар бериб бориш ва бу ишларнинг назоратини амалга ошириш тиббиёт ходими зиммасига юклатилади.

ГИПЕРҒАМХЎРЛИК – боланинг ҳаёти ва фаолиятида ҳар бир детални назорат қилишга қаратилган ортикча ғамхўрлик. Бу тарбия

услугада ота-оналар боланинг мустақил қарор қабул қилиш имкониятини чеклаб, унинг шахсий ривожланишига тўсиқ бўлади. Гиперғамхўрлик кўпинча болани ҳимоя қилиш ёки унга максимал даражада қулайлик яратиш истигаидан келиб чиқса-да, бу усулнинг салбий таъсири кўп.

Гиперғамхўрлик, кўпинча, боланинг жисмоний, эмоционал ва психологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Гиперғамхўрликнинг белгиларидан бири ота-оналар ёки тарбиячилар томонидан бола ҳар бир ҳаракатининг назорат қилиниши, унинг мустақиллигининг чекланишидир.

Бола учун қарорларни қабул қилиш ҳолати ҳам гиперғамхўрлик белгисидир. Бола томонидан қабул қилинган қарорлар катталар томонидан рағбатлантирилмайди, балки, ота-оналар унинг номидан қарор қабул қиладилар.

Ота-оналарнинг гиперғамхўр бўлиб қолиш сабабларини кўриб чиқамиз. Бундай ота-оналар ўз болаларини хато қилишдан ёки уларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги учун керагидан ортик хавотирланишади.

Уларнинг ўз оиласидан олган тажрибалари ёки болаликдаги ёмон воқеалар ота-оналарнинг гиперғамхўр бўлишларига олиб келиши мумкин.

Ота-оналар орасида “бола қандай бўлиши керак” деган ижтимоий талаблар уларни гиперғамхўрликка ундайди.

Гиперғамхўрликнинг салбий таъсирлари ҳам мавжуд. Гиперғамхўрлик натижасида болада ўз қарорларини қабул қилиш қобилияти йўқолади, бу эса кейинчалик ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Болада давомли стресс ҳолатлари пайдо бўлиши мумкин, чунки улар ҳар доим ота-оналарининг диққатини жалб қилишга ҳаракат қиладилар.

Гиперғамхўрлик боланинг ижодий қобилиятларини, ижтимоий муносабатларини ва ўзини ифодалашини камайтиради.

Гиперғамхўрликнинг болага салбий таъсирини кўриб чиқамиз. Боладаги мустақилликнинг чекланиши натижасида болада ўз ҳаракатларига ишонч йўқолади ва у доимо бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Болада хатолар қилишдан қўрқув пайдо бўлади, чунки у ҳар қандай нотўғри ҳаракат

учун танқид ёки «ҳимоя»га дуч келади. Доимий назорат болада тушқунлик, асабийлик ва стресс ҳолатларига олиб келади. Бола катта ёшга етганида ижтимоий ва шахсий қийинчиликларни мустақил ҳал қилишда қийинчиликка дуч келади.

ГИПЕРФАОЛЛИК – феъл-атвордаги комплекс бузилиш, ҳаракатлардаги ноўрин фаоллик, диққатни тўплай олмаслик, ташкил этилган ва бир мақсадга йўналтирилган фаолиятга лаёқатсизликда намоён бўлади. Гиперфаоллик – бу болада энергиянинг юқори даражада бўлиши, диққатни тўплашда қийинчиликлар ва ҳаракатларни бошқаришда муаммолар билан характерланадиган ҳолат.

Гиперфаоллик (гиперактивлик) – бу болаларда жисмоний ҳаракатлар, эътибор, ва ҳулқ-атворининг ортиқча фаоллигини ифодалайди. Гиперфаоллик, одатда, боланинг жисмоний, эмоционал ва ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Гиперфаолликнинг белгиларидан бири бола доимий равишда ҳаракатда, ўрнидан туриб кетади, жадал ҳаракатланади, жуда кўп ортиқча шовқин чиқаради.

Диққатни жамлашида муаммоларга дуч келади. Бола диққатни бир жойга тўплашда, вазифаларни бажаришда қийинчиликка дуч келади, уларнинг диққати осонлик билан чалғийди.

Рухий қўзғалишларнинг кузатилиши, яъни ҳар қандай вазиятга тез ва шошилишча жавоб беришга интилиши. Шунингдек, ўзини яқинларидан четда ушлашга интилиш кучи бўлиши мумкин.

Гиперфаоллик – бу боланинг жисмоний ҳаракатларида ортиқча фаолликнинг самараси. У боланинг таълим, ижтимоий муносабатлари ва эмоционал ҳолатига таъсир кўрсатади. Гиперфаол болалар билан ота-оналар алоҳида ёндашувни қўллаш лозим. Қуйида гиперфаол болаларнинг ота-оналарига маслаҳатлар келтирилади:

Боланинг гиперфаоллиги унинг шахсий хусусияти эканлигини қабул қилиш, уни муаммо деб эмас, балки боланинг табиий ҳолати сифатида қабул қилиш лозим. Ота-

она томонидан болани тенгдошлари билан солиштириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Болани бошқалар билан таққослаш ўрнига, унинг шахсий ютуқларига эътибор қаратиш лозим.

Аниқ ва тўғри тузилган кун тартибининг яратилиши муҳимдир. Режимга амал қилишни одатга айлантириш боланинг ўз-ўзини ташкил қилиш кўникмасини шакллантиради. Бола диққатини жамлашни рағбатлантириш муҳим ҳисобланади. Болага қисқа ва аниқ вазифалар бериш орқали, унинг диққатини жамлашга эришиш мумкин. Бир нечта вазифа ўртасида қисқа танаффуслар қилишга имкон бериш муҳим жиҳат ҳисобланади. Осондан мураккабга шиори остида берилган вазифаларни мураккаблаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Бу каби болалар билан мулоқотга киришганда ота-оналар боланинг фикрларини, истакларини тинглаши ва тушуниши муҳимдир. Бу унинг асабийлигини камайтиради. Боланинг хатоларини танқид қилиш ўрнига, уни тўғри йўналтириш ва қўллаб-қувватлаш лозим.

Бундай болалар тарбиясида ота-онадан кучли меҳр талаб этилади. Боланинг яхши ҳаракатларини мақтаб, рағбатлантириш унинг ўзини тўғри тутишга интилишини оширади.

Хонада ортиқча шовқин ва стресс омили бўлмаслигига эътибор бериш орқали бола хотиржамлигига эришилади. Боладан унинг ёшига номувофиқ бўлган вазифаларни талаб қилмаслик лозим.

Агар гиперфаоллик боланинг ўқишга, ижтимоий муносабатларга ёки кундалик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатаётган бўлса, унда ота-оналар психолог билан маслаҳатлашилари лозим. Психолог боланинг эмоционал ҳолатини тўғри баҳолаш ва корекция қилиш учун маслаҳат беради. Гиперфаоллик агар жиддий даражада тус оладиган бўлса, невропатолог ёки психиатр кўриги ҳамда махсус даволаш усулларида мурожаат этиш керак бўлади.

Ота-оналар учун яна бир муҳим жиҳат шуки, агар гиперфаол болаларнинг энергияси тўғри йўналтирилганса, улар ижодкор, фаол ва келажакда катта ютуқларга эришадиган шахсларга айланиши мумкин.



ГУГУЛАШ ДАВРИ – бир ёшгача бўлган болаларнинг нутқни эгаллашга тайёргарлик даврида турли хил товушларни, бўғинларни айтиши. Гугулаш даври боланинг тил ривожланишидаги муҳим давр бўлиб, одатда 6 ойдан 12 ойгача даврни қамраб олади. Бу даврда бола, ўз туйғуларини, эҳтиёжларини ва истакларини ифодалаш учун турли овозлар, ҳар хил товушлар ва интонацияларни ишлатади. Гугулаш боланинг коммуникатив ва лингвистик ривожланишида катта аҳамиятга эга. Гугулаш даврида бола ўзининг овозини турли хилдаги гаплар ва интонацияларда чиқаради. Бунда “гу”, “гү”, “ла” ва бошқа овозлар пайдо бўлади. Бола ота-онаси ёки атрофидаги одамларнинг овозларини такрорлашга ҳаракат қилади, бу ифода ва тинглаш қобилиятларини оширади. Бу даврда бола овози билан ўз эмоциялари, хурсандчилиги ёки хафагарчиликларини ифодалайди. Гугулаш боланинг тилини ривожлантиришда муҳим ўрин тутати. Бу даврда овозлар ва товушлар чиқариш, боланинг нутқ фаолиятини ривожлантиради. Бола бошқалар билан мулоқот қилишда биринчи қадамларни бошлайди, гугулаш орқали у ўз ҳис-туйғуларини ва эҳтиёжларини ифодалайди. Қолаверса, гугулаш даврида бола, оилавий атрофидаги одамлар билан алоқада бўлиб, ижтимоий муносабатларни ўрганади. Гугулаш даври – бу боланинг нутқ ривожланишидаги муҳим босқич бўлиб, овозлар билан ўйнаш, ҳис-туйғуларни ифодалаш ва мулоқот қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Ота-оналар бу даврда болага эътибор беришлари, мулоқот қилишлари ва рағбатлантиришлари керак, бу боланинг жаҳонни тушунишини ва ота-она билан муносабатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Гугулаш даврида ота-оналарга бола билан тўғри мулоқот қилиш, унга жавоб бериш, интонацияларни ўзгартириш ва овозлар билан ўйнаш, боланинг сўз бойлигини ошириш учун китоблар ўқиш, расмли китоблардан фойдаланиш, унинг учун керакли муҳитни яратиш, овозли ўйинлар ва мулоқотлар билан шуғулланиш тавсия этилади.

ГУНГЛИК, карсоқовлик – туғма ёки чақалоклик даврида рўй берган карлик ва шунинг оқибатида келиб чиққан соқовлик.

Гунглик эшитиш қобилияти сақланган ва аклий заиф кишилардаги соқовликдан ҳамда руҳий карликдан (нутқни илғаб олишнинг бузилиши) фарқ қилади. Туғма кар боланинг тили мустақил чиқмайди, чунки у теварак-атрофдаги кишилар сўзини эшитмайди. Соғлом бола теварак-атрофдаги кишилар сўзини эшитиб, таклид қилади ва шу тариқа гапиришни ўрганади. Демак, қулоғи эшитмаса, бола гапира олмайди. “Тили чиқмаган” ёки эндигина “Тили чиқаётган” боланинг қулоғи эшитмай қолса, бу гунгликга сабаб бўлади. Бола эрта кар бўлиб қолса, орттирган сўз бойлигини аста-секин унутиб, гунг бўлиб қолади. Гунглик боланинг ёшлигида бўлиб ўтган касалликлари: менингит, қизамиқ, грипп, скарлатина, эшитиш аъзосининг туғма аномалиялари ва шикастланишлари натижасида рўй беради. Боланинг гунглиги қанча тез ва эрта аниқланса, уни бу дарддан фориғ қилиш мумкин. Ҳозирги замон текширув усуллари ҳатто эмадиган боланинг ҳам эшитув даражаси қанчалик пасайганини аниқлай олади. Гунгликда эшитишни тиклаш ёки яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳамма вақт ҳам тайинли самара беравермайди. Шунга қарамай гунг болаларни ёзма ва оғзаки нутққа ўргатадиган махсус сурдологик (лот. сурдос – карлик сўзидан) муассасалар мавжуд; 16-а. даёқ гунг болаларни ўқитиш учун қўл ёки бармоқ алифбоси тавсия этилган. Гунг болалар махсус усулда ўқитилади. Ўқитиш қанча эрта бошланса, шунча яхши натижа беради. Ўзбекистон бўйлаб вилоятларда, шунингдек, Тошкент шаҳрида ҳам гунг болаларга мўлжалланган махсус мактаб ва мактабгача тарбия ташкилотлари мавжуд.

Бугунги кунда гунгликни даволаш замонавий ютуқларга асосланган турли технология ва методларни ўз ичига олади: Логопедия машғулоти; Дефектология; Сурдологик воситалар (қулоқ қурилмалари, овоз рағбатлантирувчилар); Мутахассислар маслаҳатлари қабили.

Терапевт боланинг муаммосига кўра замонавий технологик воситалар (аппаратлар, нутқ терапияси қурилмалари) ёрдамида даволаш имкониятларини яратади. Турли руҳий ва жисмоний машғулотлар боланинг ривожланишига ёрдам беради.

Бундай болалар тарбиясида онанинг ўрни бекиёс. Она боланинг ҳис-туйғуларини

тушунишга ҳаракат қилиши, ёнида бўлиб қўллаб-қувватлаши муҳимдир. Бола ҳаётида фақат она эмас, балки бошқа оила аъзолари ҳам болани қўллаб-қувватлаши муҳим. Боланинг хусусиятларини оиладаги ҳар бир киши тўғри қабул қилиши ва у билан муносабатларини тўғри йўналтиришга эришиши лозим.

Айрим ҳолларда оналар руҳан тушкунликка тушиб қолишлари, чарчашлари мумкин. Она сифатида у ўзини биринчи навбатда руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун дам олишга вақт ажратиши жуда муҳим.

Гунг болаларнинг ривожланиши учун муҳит, меҳр ва сабр асосий омиллардир. Уларни тушуниб, қўллаб-қувватлаш орқали боланинг ижтимоий ва интеллектуал ривожланишида катта ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин.

ГҶДАК, эмадиган бола – бир ёшгача бўлган бола (шартли равишда туғилганидан кейин тўрт ҳафтагача –чақалок). Гўдак организми ҳали тузук ривожланмаган, аъзолари такомиллашмаган, турли хил касалликларга тез чалинадиган, шу сабабли синчиклаб парвариш қилишга муҳтож бўлади. Бу даврда боланинг бўйи ва вазни тез ўсади, унда энергия сарфи ортади, шу боис унинг кўпгина, хусусан ҳазм, нафас, юрак-томир ва бошқа системалари фаолияти жадал такомиллаша боради. Бола яхши парвариш қилинса ва тўғри, иложи борица она сути билан боқилса, у соғлом бўлиб, вазни ошаверади. Гўдак учун энг зарур овқат – она сути, унда боланинг соғлом ва тўғри ўсиши учун зарур моддалар – оксил, ёғ, углевод, туз, сув, витаминлар, шунингдек, химоя антителолари бор, улар бола ҳаётининг дастлабки ойларида баъзи бир юқумли касалликлардан сақлаб қолади. Кўкрак сути бошқа овқатларга қараганда яхши ҳазм бўлади ва тўла-тўқис сингади, таркибида микроблар бўлмайди. Боланинг нормал ўсиши уни бекаму кўст овқатлантиришга боғлиқ. Бола бир ойлик бўлишига яқин бўйи 3–3,5 см, бир ёшида эса 25–27 см узаяди. Дастлабки 3 ойда вазн ҳафта сайин 200–250 г дан, 6-ойларда 150– 200 г дан ошиб боради. 6 ойлик [$<0.2G$]. вазни туғилгандаги вазнига нисбатан икки ҳисса, 1 ёшида уч ҳисса ошади, бу даврда вазни 10–11 кг га етиб қолади.

Боланинг ҳаракат фаолияти ва психикаси жуда тез ривожланади: аввалига бола ўтира бошлайди, кейин эмаклаб кетади ва ниҳоят, турадиган бўлади, ота-онасини танийди. Бир ёшга яқин аввал катталар ёрдамида, кейин ўзи юради; тили чиқади ва мурғак қиёфасига киради; у нимжонлигига қарамай ўзининг ҳиссиётлари, кечинмалари бўлади. Бу даврда бола организмнинг ҳамма аъзо ва системалари яна ҳам ривожланади, бироқ унча такомиллашмаган ва ўзига хос бўлади. Териси нозик, салга шикастланадиган ва ўзига хос парваришни талаб этади. Дастлабки 3–4 ойда тер безлари функцияси суғ бўлиб, бу иссиқлик идора этилишини ёмонлаштиради, ҳарорат ўзгарганида бола салга иссиқлаб кетиши ёки совқотиши мумкин. Гўдак ярим ёшлигида айниқса юзда тери ости ёғ қавати яхши ривожланади. Гўдак ҳаётининг дастлабки ойларида суяклари қисман тоғай тўқимасидан иборат бўлиб, бора-бора суяк тўқимасига айланади. Тоғайлар соҳасида суякланиш нуқталари пайдо бўлади. Катта лиқилдоқ кечи билан 1,5 ёшга бориб ёпилади; калла суяклари оралигидаги чоклар 3–4 ойга бориб секин-аста зичлашади. Боланинг умуртқа поғонаси жуда майин бўлиб, салга қийшаяди. Бола нотўғри парвариш қилинса, у соф ҳавода кам бўлса, скелетининг шаклланиши бузилади – бу рахит ва бошқа касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Тахминан 6 ойгача болада тиш бўлмайди; 6–8 ойликда тиш чиқа бошлайди, бола бир яшарлигида 8 та тиши бўлади. Тиш чиқиши маромида, ҳеч қандай касаллик аломатларисиз кечади, баъзан тиши чиқаётган бола инжиқ бўлиб қолади; дармонсизланиш, уйқусизлик, иситмалаш, ич кетиши ва бошқалар кузатилиши мумкин. Бу вақтда дарҳол врачга мурожаат этиш керак. Гўдак ҳаётининг дастлабки ойларида ҳазм аъзолари фақат она сутини ҳазм қила олади, 1,5–2 ойлигида витаминларга бой сабзавот ва мева шарбатлари, аста-секин 4–5 ойлик бўлганида сутли ва сабзавотли омухталар, 6–7-ойларга келиб гўштли (қиймаланган) овқатлар ва творог бериш мумкин. Бола 10–12 ойлик бўлганида хилма-хил овқатларни бераверса ҳам бўлади. Болага овқатни маълум тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда, унинг



мурғаклигини назарда тутиб тайёрлаш талаб этилади. Акс ҳолда меъда-ичак ва моддалар алмашинувининг турли касалликлари тез авж олади. Бу даврда гўдакнинг мускул системаси ҳали тузук ривожланмаган бўлиб, бола ўсган сари у такомиллашиб, бирмунча кучли, чидамли бўлиб боради. Болани мунтазам бадан тарбия қилдирилганда мускуллари жуда тўғри ва бекаму кўст ривожланади. Нафас мускуллари анча ривожланади ва кўкрак қафаси нафас олишда фаол қатнашади: ўпка сигими катталашади. Бу ёшда ўпкага анча зўр келади. Нафас йўллариининг шиллиқ қавати нозик бўлади, шу сабабли, бола пала-партиш парвариш қилинса, нафас аъзолари бот-бот касалланади. Юрак-томир системаси бирмунча ривожланиб, такомиллашиб боради, юрак вазни ортаверади. Юрак-томир системасининг ўзига хос хусусиятлари қон айланишини осонлаштиради. Сийдик-таносил аъзолари ҳам ривожланиб боради; қовуқ катталашади, сийдик ажралиши анча камаяди. Гўдакнинг нерв системаси жуда тез ривожланади. Сезги аъзолари яхши ривожланган бўлиб, илк гўдаклик кунлариданоқ бола ширин ва аччиқни ажратади; қаттиқ товуш келганда сесканиб тушади, равшан ёруғликка ялт этиб қарайди. Бир ойлик бола рангли буюмларга тикилиб туради. Бола туғилишидан ҳид билади, она кўкрагини яқинлаштиради, бошини буради, оғзини очади, сўриш ва ютиш ҳаракатларини қилади. Гўдакнинг нерв фаолияти биринчи ва иккинчи сигнал системаси ривожланишига бевосита боғлиқ. Гўдак 2-ойдан бошлаб ихтиёрий ҳаракат қилади; бошини кўтара ва тутта бошлайди. Йўргакланганда қўли ва оёқларини кимирлатади, жилмаяди. Бу ёшда гўдак бир кеча-кундузда тахм. 20 соатча ухлаши керак. 3–4 ойлик гўдак чалқанча ётқизилса, қаддини кўтаради, ён томонга ағдарилади. Қўл ҳаракати фаоллашади, ўйинчоққа интилади, бармоқларини оғзига тикади, йўргакни тортади. Унга тикилиб караганда гувраниб бир қадар аниқ товуш чиқаради. 4 ойлик бола суяб турилса ўтиради, таниш-нотаниш кишиларни ажратади, гувраниб хониш қилади, 5 ойлигида онасини яхши танийди, бегоналарга бормаиди, қўлтиғидан ушланса, оёқда текис туради, 6 ойлигидан ҳеч нарсага суянмай ўтира олади, эмакламоқчи ёки

ушлаб турса, қадам ташламоқчи бўлади, содда бўғинларни талаффуз қила бошлайди. 8 ойлигида бемалол эмаклаб кетади, бирор нарсага тирмашиб ўрнидан тура олади, кўлидан ушланса, қадам ташлайди, “ойи”, “ада” сўзларини аниқ айтади. 10 ойлигида ўрнидан бемалол туриб “обке” ёки “айт” деганингизни қилади; “қилма”, “қил” деганнинг фарқига етади, 10–15 тача сўзни билади. Суткада 14–16 соат ухлайди. Гўдак ҳаракат функциясининг ривожланиш схемаси расмда кўрсатилган. Бу даврда бадан тарбия ва чиниктириш муҳим аҳамиятга эга, чунки чиниққан бола турли касалликларга камроқ чалинади. Нимжон болаларда диатез, рахит, анемия, гипотрофия ва бошқа касалликлар кузатилади. Шунинг учун иложи борица гўдакни очик ҳавода сайр қилдириш, ҳаво ва куёш ванналаридан баҳраманд этиш, массаж, гимнастика ва бошқалар унинг ҳар томонлама етук ва соғлом ўсишига ёрдам беради. Гўдакнинг овқати ҳам ўзига хос ва ранг-баранг бўлиши керак. Бола нотўғри овқатлантирилса, у зарур озик моддаларни етарлича олиб турмаса, бу унинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланишига ёмон таъсир кўрсатади, натижада организм турли хил касалликларга чидамсиз бўлиб қолади. Ҳаддан ташқари кўп овқат бермаслик керак, акс ҳолда бола хом семиз бўлиб, бот-бот касалланади. Овқат таркибида оксил, ёғ, углевод, тузлар ва витаминлар маълум миқдорда бўлиши мумкин. Кўкракда сут кам деган баҳона билан болани барвақт кўкракдан айириш ярамайди, онанинг ҳатто озгина сути ҳам болани чиниктиради. Мабодо сут камлигидан бола оч қолиб оза бошласа, врач билан маслаҳатлашиб қўшимча овқат берилади. Гўдак соғлиғини сақлашда ич кийими, озик-овқати, идиш-товоқлари ва ўрин-бошларини озода тутиш жуда муҳим. Гўдак бешикда ётадиган бўлса, уни вақтида белаб, вақтида ечишга эътибор бериш керак. Гўдак бешикдан ечилгач, унинг баданларини, хусусан боши ва куракларини силаб-сийпалаш, оёқ-қўлларини машқ қилдириш, бешик ҳамда унга ишлатиладиган анжомларини бот-бот шамоллатиб туриш лозим. Гўдакка қуруқ сўргич сўрдириш ярамайди, уни яхшилаб қайнатиб ишлатиш лозим. Гўдак алоҳида уйда ётқизилса

тинч ухлайди, хона тоза, ёруғ бўлиши ва вақт-вақти билан шамоллатиб турилиши лозим. Хона ҳарорати 20° бўлгани маъқул. Бундан исиб кетса, болани очик ҳавога олиб чиқилганда тез шамоллайди. Гўдак териси нозик бўлиб, салга зарарланиши мумкин, шунинг учун мунтазам парвариш қилиш, ҳар куни эрталаб ва кечкурун юзини илиқ сув билан, қўлини эса совунлаб ювиш (чунки у қўлини оғзига тикади, сўради), тирноғини вақт-вақти билан олиб туриш зарур. Уни ҳар куни илиқ сувда совунламасдан, ҳар 2–3 кунда совунлаб чўмилтирилади, бетоб бўлиб қолса, тузалгунча чўмилтирмай турилади. Чўмилтирилгандан кейин майин сочиқ билан артилади, чов бурмалари, қўлтиқ ва кулоқ орқасига вазелин ёки қиздирилган ўсимлик ёғи, “Болалар” креми суртилади. Қайнатилган тоза сувга ҳўлланган пахта билан гўдак кўзининг бурчагидан бурунга қараб ҳар куни артилади. Худди шу зайлда унинг бурни ҳам тозалаб турилади. Бурундан нафас олганда кўкрак қафаси ва ўпка яхши ривожланади, бола тинч ухлайди ва касалликка кам чалинади. Гўдаклар кийим-кечаги енгил, иссиқ, кенг, тер ва бошқа чиқиндилар бемалол буғланиб кетадиган бўлиши керак. Уни ҳаддан зиёд ўраб-чирмаш ярамайди, акс ҳолда у исиб кетиб тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолади. Гўдак ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб очик ҳавога ўргатилиши керак. Соф, салқин ҳавода организми чиниқади, иштаҳаси очилади, тери ва ўпкаси мустаҳкамланади, касалликларга чалинмайдиган бўлади. Гўдак организмни аста-секин чиниқтира бориш керак. Кетликни шошмасдан (гўдакни 1–2 мин. яланғоч ётқизиб қўйиб) алмаштириш лозим, шунда гўдак ҳаво ваннасига ўргана боради. Гўдакни очик ҳавода сайр қилдириш муддати об-ҳавога қараб ўзгартириб турилади. Болани кун бўйича қўлда кўтариб юриш ярамайди, акс ҳолда ўрганиб қолиб, онасига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермайди, ўзи ҳам қийналади. Она ва оиладаги бошқа кишилар Гўдакка гапириб, товушни ажратишга, ўйинчоқларни ўйнашга ўргатишлари лозим. Соғлом бола ҳар қандай шароитда ҳам ўзи ухлаб қолади. У ётган хонани қоронғи қилиш, тинчлик сақлаш шарт эмас. Бола йиғласа, сабабини аниқлашга ҳаракат қилиш лозим.

Атрофдагилар қанчалик ширинсухан бўлишса, бола ҳам шунчалик сергак ва соғлом ўсади. Гўдакни 4–5 ойлигидан тўсишга ўргатиш, эмизшдан олдин ва кейин, ухлатиш олдидан ва уйғонганидан кейин тўсаётганда уни мақтаб, эркалаб туриш керак. Гўдакнинг ҳаракатланиш қобилятини ўстира бориш жуда муҳим, лекин бунда эҳтиёткор бўлиш лозим. Болани барвақт, яъни бадани ҳали қотмаганда, ҳатто атрофига ёстиқ қўйиб ўтқазилса ҳам, букчайиб ўтиради, натижада умуртқа поғонаси, эрта юришга ўргатилганда эса оёғи қийшайиб қолиши мумкин. 2,5–3 ойлигидан бошлаб болани қаттиқроқ нарсга устига қорни билан ётқизиб туриш керак, бунда бўйин, орқа, оёқ мускуллари мустаҳкам бўлиб боради. Бола сурила бошлагач, узокроққа ўйинчоқ қўйиб, уни сурилиб боришга ўргатиш зарур. 4–5-ойдан бошлаб ҳар куни 5 минутча бадан тарбия қилдириш керак. Ёшига мос ҳолда танланган ўйинчоқларни ўйнатиш боланинг теран ўсишига имкон беради. Она туғруқхонадан чиққач, Гўдакни болалар поликлиникаси ҳисобга олади, шифокорлар она ҳузурига бориб, унга болани тўғри боқиш ва парваришлашга оид тегишли маслаҳатлар бериб турадилар.

ДЕФЕКТОЛОГИЯ (лот. Defectus – нуқсон ва ...логия) – жисмоний ва рухий нуқсонли болалар ривожланишининг психофизик хусусиятларини ўрганиш, уларга махсус таълим-тарбия бериш, ундаги нуқсонларни йўқота бориш қонуниятларини ўрганувчи фан. Кўр ва кўзи ожиз, кар ва кулоғи оғир, ақли заиф, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бор, нутқ камчилигига эга бўлган болалар дефектология фани объектидир. Шунга кўра дефектология тўртта алоҳида соҳаларга бўлинади: сурдопедагогика (кар ва кулоғи оғир болаларни ўқитиш, тарбиялаш усуллари ўрганади), тифлопедагогика (кўр ва кўзи ожиз болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини тадқиқ этади), олигофренопедагогика (ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларини ишлаб чиқади), логопедия (нутқ камчиликлари бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш назарияси ва амалиёти билан шуғулланади). Дастлаб сурдопедагогика ва тифлопедагогика



пайдо бўлган (1770 йил карлар учун Испанияда, 1784 йил кўрлар учун Парижда махсус муассаса очилган). Кейинчалик логопедия ва олигофренопедагогикага асос солинган. Нуксонли ва психофизик камчилиги бор болаларнинг руҳий қонуниятларини ўрганувчи махсус психология, шунингдек, таълим-тарбия бериш, нуксонларни тузатиш, тиклаш воситаларини ишлаб чиқувчи сурдотехника ва тифлотехника ҳам дефектологияга киради. Дефектология анатомия, физиология, патофизиология, неврология, невропатология, эшитиш, кўриш ва нутқ патологияси, мактаб гигиенаси, умумий ва педагогик психология, педагогика, тилшунослик, болалар психологияси ва бошқа фанлар билан узвий боғланган. Дефектологиянинг асосий вазифаси нуксонли болаларни аниқлаш, ташхис усуллариини ишлаб чиқиш, улар учун махсус ва мужассамлаштирилган таълим-тарбияни ташкил этиш, ақлий ва жисмоний камчиликларни йўқотиш воситаларини излаб топиш, амалда қўллаш, уларни ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий фойдали инсонлар қилиб етиштиришдан иборат. Ўлкамизнинг буюк аллома, шоир ва мутафаккирлари, хусусан Ибн Сино, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий ва бошқалар. Дефектологияни изчил ва атрофлича муайян йўналишда ўрганмаган бўлсалар ҳам, ўз асарларида дефектологик ҳолатларнинг акс этиши, намоён бўлиши, ривожланиши, ўзгаришлари тўғрисида қимматли фикрлар билдиришган. Ўзбекистонда дефектологиянинг илмий-назарий, методик ва амалий тадқиқотлари билан Г. Ш. Айтметова, Е. Д. Гордиенко, Л. Р. Мўминова, Р. Шомахмудова, Ғ. Шоумаров ва б. шуғулланган. Жисмоний ва руҳий нуксонли болаларни жамиятга фойдали кишилар қилиб тарбиялаш учун Ўзбекистонда махсус мактабгача тарбия муассасалари, махсус мактаблар, махсус интернат мактаблар мавжуд. Тошкент педагогика университетининг педагогика ва дефектология факультетида махсус мактаб ва муассасалар учун дефектолог кадрлар тайёрланади (1967 й.дан).

ДИҚҚАТНИНГ БУЗИЛИШИ – психик фаолиятнинг йўналганлигидаги патологик

ўзгаришлар. Болаларда диққатнинг бузилиши узок вақт давомида бола эътиборини бир нарсага қаратиши ёки ўз ҳаракатларини бошқаришда қийинчиликка дуч келишига олиб келадиган ҳолатдир. Диққат бузилиши — болада диққатни бир ишга йўналтириш ва узок вақт давомида ушлаб туриш қийинчилиги билан характерланади. Бу ҳолат диққат етишмовчилиги ва гиперактивлик синдроми деб ҳам аталади. Бу синдром жуда кенг тарқалган ва бола таълим жараёнида ёки кундалик фаолиятда қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Бир вазифага узок вақт эътибор бера олмаслик, ўқиш ёки ўқув машғулотида давомида тез чалғиш, айтилган топширикни тўлиқ бажаролмаслик - диққат бузилишининг белгилари ҳисобланади.

Диққатнинг бузилишида маълум вақт бир жойда тинчлик сақлаб ўтира олмаслик, бошқалар гапирганда қўшилиб гапириш ёки бошқаларга ҳалал бериш ҳолатлари кузатилади. Генетик омилнинг таъсири, миянинг баъзи бўлимлари (масалан, фронтал зоналар)даги фаоллик камлиги, туғруқ жараёнида кислород етишмовчилиги, болаликда юз берган шикастлар, ортиқча стресс, айрим витамин ва минераллар етишмаслиги (масалан, темир ва магний) диққатнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Албатта, юқорида айтилган ҳолатлар ота-оналарни ташвишга солади. Бундай ҳолларда оналар боланинг кун тартибини режалаштириши лозим. Маълум вақтда ўйнаши, ўқиш, хордиқ олиш ва ҳоказоларнинг тартиби ишлаб чиқирилиши бола учун муваффақият калити ҳисобланади.

Шу билан бирга, боланинг чалғишига сабаб бўладиган омилларни (овоз, гаджетлар) камайитириш муҳимдир. Бола эътиборини яхшилаш учун катталар унинг ютуқларини мақташи муҳимдир. Бола билан ишлашда босим ўтказмасдан, болани секин-асталик билан йўналтиришга эришиш лозим.

Оила шароитида бола билан шуғулланиш учун бола диққатини оширишга ёрдам берувчи машқлар муҳим рол ўйнайди. Масалан, товушларни ажратиш учун болага атроф-муҳитдан маълум товушларни топиш топшириғини бериш мумкин. Рангли карточкалар, пазллар, ёки “Топинг ва айтиб

беринг” каби ўйинлар, белгиларни турли рангларда кўрсатиш ва уларни ажратиш машклари болаларда диққатнинг нормал ривожланишига хизмат қилади.

Диққатнинг бузилиши болаларнинг мактабда муваффақият қозониши, ижтимоий муносабатлар ўрнатиши ва кундалик вазифаларни бажариши каби соҳаларда муаммолар туғдириши мумкин. Бу бузилиш кўпинча диққат етишмовчилиги ва гиперфаоллик синдроми билан боғлиқ бўлади. Болаларда диққатнинг бузилиши учта асосий белгилар билан намоён бўлади: диққат етишмовчилиги, гиперфаоллик ва импульсивлик. Болаларда диққат бузилиши ҳолатини олдини олиш учун ота-оналарга болага сабр билан ёндашиш ва уни қўллаб-қувватлаш, унга нотўғри хулқ-атвори учун ҳаддан ташқари танбеҳ беришдан сақланиш, бола учун аниқ ва барқарор кун тартибини ўрнатиш каби тавсиялар берилади. Болага кичик ва аниқ топшириқлар бериш ва муваффақиятларини қўллаб-қувватлаш унинг мотивациясини оширади.

ИНТЕЛЛЕКТ (болада) – инсон ақлий имкониятларининг нисбатан барқарор тузилмаси. Бир қатор психологик концепцияларда интеллект ақлий операциялар тизими, муаммоларни ҳал қилиш услуби ва стратегияси, билиш фаоллигини талаб қилган вазиятларда индивидуал ёндашиш самарадорлигига ва ҳоказолар тенглаштирилади. Интеллект боланинг атроф-муҳитни тушуниш, маълумотни қайта ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш ва фикрлаш қобилиятидир. Интеллект боланинг когнитив ривожланишининг асосий қисмидир ва унинг ақлий фаолияти қанчалик самарали бўлишини белгилайди. Боланинг интеллект ривожланиши туғилганидан бошлаб, тажриба орқали шаклланиб боради.

Боланинг интеллект ривожланиши куйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

Сенсор мотор босқичи (0–2 ёш) Жан-Пиаженинг когнитив ривожланиш назариясига кўра, бу даврда бола атроф-муҳитни ҳислари ва ҳаракатлари орқали ўрганади. Болалар объектининг доимийлиги тушунчасини (объект кўз олдида йўқолса ҳам, мавжудлигича қолади) ривожлантиради.

Преоперацион босқич (2–7 ёш) да болалар тасаввур қилиш қобилиятини ривожлантиради. Улар рамзлар ва белгилар орқали фикр юритишни бошлайди, лекин уларнинг фикрлаши ҳали ҳам конкрет ва эгоцентризм билан чекланган. Болалар ўз нуқтаи назарларини бошқаларники билан алмаштиришда қийналади.

Конкрет операциялар босқичи (7–11 ёш) да болалар мантикий фикрлашни ўргана бошлайди. Улар эндиликда конкрет нарсалар ва вазиятлар ҳақида мантикли қарорлар қабул қила оладилар, масалан, вазн, ҳажм ва миқдор каби тушунчаларни тушунади.

11 ёшдан юқори босқичда абстракт фикрлаш ривожланади. Болалар назарий тушунчалар устида фикр юритишни, муаммоларни бир неча нуқтаи назардан кўришни ва гипотезаларни синашни бошлайди.

Боланинг интеллектуал ривожланишига куйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Ирсият - интеллектнинг бир қисми ирсиятга боғлиқ бўлиб, бола туғма қобилиятларга эга бўлиши мумкин.

Муҳит ва тарбия - оилавий муҳит, таълим, болага бериладиган эътибор ва рағбат боланинг интеллектуал ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Тажриба - боланинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири, янги нарсаларни ўрганиш жараёни ва ижтимоий муносабатлар интеллектнинг шаклланишига ёрдам беради.

Боланинг интеллектуал ривожланиши жисмоний ва ҳиссий ривожланиш билан узвий боғлиқ ва уларнинг уйғун ривожланиши боланинг умумий ёшига хос ривожланишига асос яратади.

КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТ – кишилар билан шахсий ва ишга оид муносабатларда қулайлик туғдирадиган шахсий қобилиятлар мажмуи: ўзгаларни тушуниш, қўллаб-қувватлаш, хайрихоҳлик ва ҳоказол. Коммуникатив қобилият боланинг бошқалар билан самарали мулоқот қилиши, ўз фикр ва эҳтиёжларини етказиш қобилиятидир. Бу қобилият боланинг ижтимоий ва эмоционал ривожланиши учун жуда муҳимдир. Коммуникатив қобилият боланинг ёшидан ва ривожланиш босқичидан келиб чиқиб шаклланади ва унда турли элементлар мавжуд:



сўзлашиш, эшитиш, ишора қилиш, ўқиш ва ёзиш каби. Боланинг коммуникатив қобилияти қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

Вербал (овозли) коммуникатив қобилият: Бу боланинг сўзлар орқали мулоқот қилиш қобилиятидир. Вербал қобилият боланинг нутқида намоён бўлади ва у боланинг атрофидаги одамлар билан фаол мулоқот қилишга ёрдам беради. Бу сўз бойлиги, тўғри грамматик қурилиши ва сўзларнинг тўғри талаффузи орқали шаклланади.

Нутқ нормада ривожланган болада бошқалар билан муносабатга киришиш осон кечади ва муҳим жиҳат ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўз, нутқий воситалар ёрдамида фикр алмашилишлари (муносабатга киришилишлари) вербал мулоқот дейилади. Боланинг сўз ва тил воситасида алоқа қилиш қобилиятини, нутқни фойдаланишини ва ўз ҳис-туйғуларини ифодалашини ўз ичига олади.

Вербал мулоқот болаларнинг ижтимоий муҳитда муносабатларни ўрганишларига, дўстлар билан мулоқот қилишларига ва ижтимоий алоқаларини ривожлантиришларига ёрдам беради. Эмоционал ҳолатларни ифодалаш ва бошқалар билан ҳиссиётларни аниқлаш қобилияти вербал мулоқот орқали ривожланади. Сўзларни ва грамматика тушунчаларини ўзлаштириш боланинг ўйлаш, ёдлаш, фаҳмлаш ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади. Нутқ ва тил қўникмалари муваффақиятли таълим олиш ва билим олиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Ота-оналар ва тарбиячиларнинг ушбу жараёнга эътиборли бўлишларини талаб этади.

Қуйида оилада она ёрдамида нутқни ривожлантириш учун осон бажарилиши мумкин бўлган усулларни келтирамиз. Турли овозларни айтиш машқлари, сўзларни такрорлаш ва ибораларни айтишдан фойдаланиш мумкин.

Нутқ ривожланиши учун қизиқарли мавзуларда расмлар орқали кроссвордлар тайёрлаш.

Овозларни тинглаш, аниқлаш ва такрорлашга қаратилган ўйинлар боланинг нутқини ривожлантиришга ёрдам беради.

Болалар билан суҳбатлашиш, уларни суҳбатга жалб этиш, мураккаб сўзларни аниқлашга

қаратилган қизиқарли мавзуларда муҳокама қилиш орқали ривожлантириш мумкин.

Но-вербал (овозсиз) коммуникатив қобилият: Бу сўзларсиз, ишоралар, юз ифодалари, жисмоний ҳаракатлар орқали мулоқот қилишни аниқлатади. Болалар но-вербал усуллардан гапирмасдан туриб ҳам эҳтиёжларини билдириш учун фойдаланадилар, масалан, қўлни кўтариш, бошни қимирлатиш ёки юзнинг ифодасини ўзгартириш орқали.

Эшитиш қобилияти: Самарали мулоқот қилиш учун бола фақат ўз сўзларини билдирибгина қолмай, балки бошқаларнинг сўзларини тинглаш ва тушуниш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Эшитиш – бу мулоқотнинг бир қисми бўлиб, боланинг диққатли тинглаши ва жавоб беришига ёрдам беради.

Ёзма ва ўқиш қобилиятлари: Бола катта ёшга етган сари ёзиш ва ўқиш каби ёзма тил шакллари ўзлаштиради. Бу қобилиятлар таълим жараёнида алоҳида ўрин тутди.

Ижтимоий коммуникатив қобилият: Бола бошқалар билан ижтимоий мулоқот қилиш учун муайян қоидаларни ўзлаштириши керак. Масалан, навбат билан гапириш, бошқаларнинг ҳиссиётларини тушуниш ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

КЎКЎТАЛ (франц. cogueluche) – бўғилиб-бўғилиб йўтал тутиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик. Кўпинча болаларда учрайди. Кўк йўтални Борде-Жангу таёқчаси деган бактерия кўзғатади (уни кашф этган белгиялик Ж.Борде ва франциялик О.Жангу номига қўйилган). Ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Касал бола аксирганда, йўталганда ҳавога тарқалган шиллик томчиларидаги кўк йўтал таёқчаси соғлом боланинг нафас йўллари орқали организмга киради. Кўк йўтал кўзгатувчиси бола организмда 2–15 кун давомида ҳеч қандай касаллик аломатларини пайдо қилмаслиги ҳам мумкин – бу инкубацион давр. Кейинчалик бола бир оз йўтала бошлайди, йўтал кун сайин зўрая боради, ҳарорати кўтарилади, бола инжиқ бўлиб қолади, яхши ухлай олмайди, иштаҳаси йўқолади, бу – катарал давр бўлиб, 2 ҳафтагача давом этади. Боланинг аҳволи аста-секин ёмонлаша боради, кетма-кет қаттиқ

йўталади ва иккинчи ҳафтанинг охири, учинчи ҳафтанинг бошларига келиб, хуружсимон йўталга айланади, касаллик учинчи даврга – спазматик даврга ўтади, у 1–5 ҳафта давом этади. Йўтал тутиш даври касалликнинг асосий ва доимий аломати бўлиб, йўтал 2–3 марта қаттиқ йўталиш билан бошланади, кейин тинмай кетма-кет калта-калта йўталаверади ва нафаси ичга тушиб кетиб, товуш ёриғи қисқариши натижасида “ғийк” деган товуш чиқади. Йўтал тутганда боланинг юзи аввал қизариб, кейин кўкаради, кўзи ёшланиб, унга қон куйилиши мумкин, тили осилиб кетади, бўйин томирлари бўртади. Озроқ балғам кўчиши ва кўпинча қайт қилиш билан йўтал тутиши тўхтайдди. Йўтал тутган пайтида болани кўтариб олиш ёки ўтиргизиб қўйиш лозим, оғизда йиғиладиган шиллик ажралишини камайтириш учун бошини сал олдинга энгаштириб ушлаб туриш керак. Йўтал тутмаган пайтда бола ўзини яхши сезади. Бора-бора йўтал тутиши камайдди, боланинг руҳи энгиллашиб, соғайиш даври бошланади, бу давр 1–3 ҳафта давом этади. Бола касаллик бошланган кунидан тортиб 30 кунгача юқумли ҳисобланади. Кўкйўталга қарши оммавий эмлаш туфайли кўкйўталнинг энгилроқ тури кўпроқ учрайди, бунда йўтал тутиш даври жуда энгил ўтиши ёки йўтал тутмаслиги ҳам мумкин. Эмадиган ва нимжон болаларда кўкйўтал оғирроқ кечади. Кўкйўталнинг оғир хилидан кейин кўпинча бурун қонаши, бронхит, зотилжам (аксари гўдакларда) каби асоратлар кузатилади. Олдини олиш мақсадида АҚДС (адсорбирланган кўк йўтал дифтерия-қоқшол) вакцинаси қўлланилади (болалар 5, 6, 7 ойлигида, кейин 1–2 ёшида ва 6 ёшида врач буюрганида эмланади). Касал бўлмаган, лекин бемор билан мулоқотда бўлган болалар маълум кунгача алоҳидалаб қўйилади. Давоси: кун тартибига риоя қилиш, соф ҳаводан баҳраманд бўлиш, оз-оздан, лекин дам-бадам тўйимли овқат бериб туриш тавсия этилади. Беморни врач даволайди. Кўкйўтал бир умрга иммунитет қолдиради.

ЛАРИНГИТ (laringo юн. – яллиғланиш) – ҳиқилдоқ шиллик қаватининг яллиғланиши. Ўткир ва сурункали хиллари бор. Ўткир ларингит кўпинча грипп, кизамиқ, скарлатина, кўкйўтал

ва бошқалар, шунингдек, бутун организмнинг совқотиши, овоз бойламларига зўр қилиши (бақириб гаплашиш), муздек ёки жуда иссиқ овқат истеъмол қилиш, тамаки чекиш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш натижасида рўй беради. Ўткир ларингитда бемор томоғи қуриб, қирилиши, тирналишидан шикоят қилади; йўтал туттади, товуши бўғик, дўриллаган ёки бутунлай чикмай қолади, баъзан ютинганда оғриқ пайдо бўлади. Ўткир ларингитнинг катарал, диффуз, геморрагик, флегмоноз ва бошқа шакллари фарқ қилинади.

Кўпинча, болаларда (хусусан, 6–8 ёшгача бўлган болаларда ўткир ларингитнинг сохта круп (бўғма) шакли учрайди. Бу одатда, экссудатив диатез ва бошқа аллергия касалликларга мойил болаларда кузатилади. Ўткир катарал ларингит тезда тузалиб кетиши, диффуз-геморрагик шакли эса оғирроқ кечиби, узок давом этиши мумкин. Флегмоноз ларингитда беморнинг аҳволи мушкуллашади, ҳарорати кўтарилади, ҳиқилдоқ соҳасида оғриқ пайдо бўлиб, ютиш қийинлашади ва ҳоказолар. Ўткир ларингитнинг бот-бот кўзиб туриши ва уни яхши даволамаслик, тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, овозни зўриқтириб қўйиш (ўқитувчилар, лекторлар, ашулачиларда) ва бошқа сурункали ларингитга сабаб бўлади. Сурункали ларингит билан оғриган беморнинг товуши хириллаб бўғилади, тез толиқади, кўпинча йўталиб туради. Давоси: касалликнинг хили ва кечишига қараб физиотерапевтик муолажалар, доривор моддалардан ингальция буюрилади, организмни чиниқтириш, касбга оид зарарли моддаларни йўқотиш тавсия этилади.

Бу касаллик кўпинча тунда намоён бўлишини эътиборга олиб оналардан хушёрлик ва эътибор талаб қилинади. Шунингдек, бола жуда кам гапириши ёки овоз чиқармаслигига аҳамият бериш лозим. Боланинг куч билан бақирishi, йиғлаши овоз пайчаларини янада зиён кўришига сабаб бўлади.

Хона ҳарорати куруқ бўлмаслиги керак. Бунда намлагич (увлажнитель) ишлатиш ёки томоққа энгил қўшимча намлик бериш фойдали. Ҳаво мўътадил бўлиши лозим.

Мамлакатимизда ларингитни даволаш учун ихтисослашган тиббий муассасалар ва



мутахассислар мавжуд. Бундай ҳолатларни одатда оториноларинголог (ЛОР) шифокорлари даволайди. Республика ихтисослаштирилган оториноларингология марказида нафақат ларингит, балки томоқ ва нафас йўлларида оид ҳар қандай касалликлар бўйича замонавий диагностика ва даволаш ишлари олиб борилади. Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳам болаларда ларингитни даволаш бўйича мутахассислар мавжуд. Барча вилоятлардаги кўп тармоқли шифохоналарда ва вилоят тиббиёт марказларида ЛОР шифокорлари ишлайди. Тошкент ва йирик шаҳарларда замонавий диагностик ва даволаш имкониятларига эга хусусий клиникалар ҳам кўп. Улар нафас йўлларида учрайдиган касалликларни диагностика қилиш ва даволаш учун зарур ёрдам кўрсатади.

ЛОГОПЕДИЯ (logos ва юн. paideia – тарбиялаш, ўқитиш) – педагогика фани тармоғи; нутқдаги камчилик (дудуклик, тил ривожланмаганлиги, ўқиш ва ёзувдаги нуқсон ва б.) сабаблари, уларнинг олдини олиш, тузатиш йўллари ҳамда нутқ фаолияти бузилиши механизмлари, аломатларини махсус таълим ва тарбия воситасида ўрганади. Нутқдаги нуқсонларни тузатиш масалалари дастлаб 17-асрда Европа мамлакатларида сурдопедагогикага оид илмий ишларда тадқиқ этила бошлади. 19-асрнинг 2-ярмидан бу соҳага мустақил равишда, аммо тиббиёт нуқтаи назаридан ёндашилди. Аста-секин нутқ фаолиятининг табиати ҳақидаги илмий тасаввур кенгая бориб, логопедия йўналиши тубдан ўзгарди, педагогик мазмун биринчи ўринга қўйиладиган бўлди. 20-асрга келиб логопедия мустақил фан сифатида шаклланди, унинг мақсад ва вазифалари, методик асос ва тамойиллари, бошқа фанлар биланалоқаси масалалари ишлаб чиқилди. Замонавий логопедия мактабгача ёшдаги болалар логопедияси, мактаб ёшидаги болалар логопедияси, ўсмирлар ва катта ёшдагилар логопедиясига бўлинади. Логопедиянинг асосий мақсади нутқда нуқсон бор шахсларни ўқитиш, тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, нутқ нуқсонининг олдини олишдан иборатдир.

Логопедия фан сифатида катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, у тилнинг, нутқнинг ижтимоий моҳияти, боланинг талаффузи, лексик-грамматик тузumi, тафаккури ва бутун руҳий фаолияти узвий боғлиқлиги билан белгиланади. Л.нинг асосий вазифалари: нутқ бузилишининг турли шаклларида нутқ фаолияти онтогенезини ўрганиш; нутқ бузилишларининг кенг тарқалганлиги, келиб чиқиш сабаблари, механизмлари, тузилиши, аломатлари ва даражаларини аниқлаш; нутқий фаолияти бузилган болаларнинг ўз-ўзидан ва бирор мақсадга қаратилган ривожланиш динамикасини, шунингдек, нутқий заифликни уларнинг шахс сифатида етишувига, руҳий ривожланишига, турли кўринишдаги фаолиятларини намоеъ қилишга, ўзларини тутишларига таъсирини аниқлаш; ривожланишда турли хил фарқлар бўлган болаларда (эшитиш, кўриш, фикрлаш қобилияти ҳамда таянч-ҳаракат аппаратининг бузилиши ҳолларида) нутқнинг шаклланиши ва бузилишлари хусусиятларини ўрганиш; нутқ бузилишларининг педагогик диагностикаси методларини ишлаб чиқиш; нутқ бузилишларини тартибга солиш; нутқ бузилишини бартараф этиш тамойиллари, дифференциялашган метод ва воситаларини ишлаб чиқиш; нутқ бузилишининг олдини олиш методларини такомиллаштириш; логопедик ёрдамни ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқиш. Логопедиянинг юқорида кўрсатилган вазифаларида унинг назарий ва амалий йўналишлари белгилаб берилган.

Л. назарий йўналиши нутқдаги бузилишларни ўрганиш, унинг сабабларини аниқлаш, олдини олиш ва тузатишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқиш, амалий йўналиши эса ана шу методларни тезроқ тадбиқ этиб, мазкур нуқсонлар ва уларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этишдан иборат. Логопедиянинг назарий ва амалий вазифалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, нутқдаги камчиликларнинг пайдо бўлиши, табиати, инсон руҳиятига таъсири турлича бўлади. Улар билиш жараёнини, атрофдаги кишилар билан муомалани қийинлаштиради. Бу нарса боланинг фаолиятида, юриш-туришида акс этади. Оғир

нутқий бузилишлар эса инсоннинг ақлий ривожланишига, айниқса, олий билиш фаолияти даражаларига, шахснинг шаклланишига таъсир этади, унинг характеридаги тортинчқлик, қатъиятсизлик, одамовилик, номукамаллик туйғуси каби салбий хусусиятларни келтириб чиқаради. Логопедиянинг аҳамияти эса боланинг нутқидаги нуқсонларни бартараф этиб, унинг ҳар томонлама баркамол ривожланишини таъминлашдан иборат. Логопедия нутқ бузилишини ўрганиш ва тузатишда нутқ билан фикрнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги, бола ривожланишида умумий ва махсус қонуниятларнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги назарий қоидаларга, нутқ ва фаолиятнинг ҳамоханг ривожланиши ҳамда руҳий камолотга эришишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги назарияга таянади. Логопедия умумий анатомия ва физиология, нутқ механизмлари, нутқ жараёнининг бош мияда содир бўлиши ҳақидаги, нутқ фаолиятида иштирок этадиган анализаторларнинг тузилиши ва ҳаракатга келиши тўғрисидаги билимлардан фойдаланади. Нутқдаги нуқсонларнинг аломатларини, уларнинг этиологияси, механизмлари, нутқ фаолияти бузилиши таркибида нутқий аломат билан нутқсиз аломатнинг муносабатини билиш учун логопедия бошқа фанлар билан ҳамкорликда иш юритади. Жумладан, у тилшунослик, оториноларингология, психоллингвистика, умумий ва махсус психология, психодиагностика, невропатология, психопатология, олигофрения клиникаси, педиатрия билан узвий алоқада ишлайди. Нутқ ва эшитиш аъзоларининг патологияси нутқдаги бузилиш этиологиясини аниқлашдан ташқари тиббий таъсир воситасида бўладиган логопедик ишларни тўғри қўшиб олиб бориш учун ҳам имкон беради. Ўзбекистонда ёрдамчи мактаблар, болалар поликлиникалари, болалар боғчалари ва бошқа муассасаларда логопедик ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, нутқи заиф болалар учун алоҳида боғчалар, махсус мактаблар мавжуд.

МАКТАБГАЧА ЁШ – боланинг руҳий ривожланиш босқичи. Бола ривожланишининг ҳозирги замон миллий даврлаштирилиши

бўйича 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври. Бу даврда болаларнинг жисмоний, ҳиссий, ижтимоий ва интеллектуал ривожланишига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача ёшда болалар кўп нарсаларни, жумладан, ўзларининг ҳис-туйғулари, бошқалар билан муносабатлари ва ўрганиш жараёнидаги фаолиятини ўрганадилар.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг хусусиятлари: интеллектуал ривожланишда болаларнинг дунёқарашлари кенгайиб, савол бериш, ўрганиш ва тушуниш қобилиятлари ривожланади. Улар ўйинлар орқали билим олишади, мисол учун, ранглар, шакллар, саломатлик, ҳайвонлар ва табиат ҳақида. Ҳиссий ривожланиш: ҳиссий бўшлиқларни ривожлантириш, ҳис-туйғуларни таниш, ўз хислатларини ифодалаш ва бошқаларнинг ҳис-туйғуларига эътибор бериш улар учун муҳим. Болалар ўзларини бошқара олиш ва самарали мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантира бошлайдилар. Ижтимоий ривожланиш: Мактабгача ёшдаги болалар жамиятдаги муносабатларини мустаҳкамлашга олиб келади. Улар дўстлари билан ўйнаш, биргаликда ишлаш ва ижтимоий қоидаларни ўрганиш орқали ижтимоий кўникмаларини ривожлантирадилар. Жисмоний ривожланиш: Жисмоний фаолият, ўйин ва спортнинг ривожланиши кўзга кўринади. Бу даврда мотор кўникмалари, мускуллар ва ҳаракатланиш қобилиятлари ривожланади. Ушбу даврда болаларнинг жисмоний ҳаракатлари орқали мустаҳкамлик ва координациясини ривожлантиришга эътибор бериш керак.

Мактабгача ёшда таълим катта аҳамиятга эга. Мактабгача таълим болаларга фан, санъат, ижод ва ижтимоий кўникмаларни ўрганишда ёрдам беради. Ушбу даврнинг муҳим ўрни бор, чунки бу даврда болалар муҳит ва оиладан олинган билимларга кўпроқ мослашадилар. Бу даврда ўйин орқали таълим, яъни талабга мос фаолиятлар ва ўйинлар болаларнинг билимларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўйинлар кўпинча фикрлаш, муносабатлар, ижодий фаолият ва мослашувчанликни ривожлантиради. Мактабгача таълимнинг индивидуал ёндашуви болаларнинг ўзига хослигини, кўникмаларини ва қобилиятларини ҳисобга олишга асосланади. Ҳар бир бола ўз хусусиятларига эгаллигини



ривожлантириш учун алоҳида эътиборга муҳтож.

Мактабгача ёш даври болаларнинг ривожланиши учун муҳим босқичдир. Бу даврда болаларнинг интеллектуал, ҳиссий, ижтимоий ва жисмоний кўникмалари ривожланади. Мактабгача таълим, ўйин шаклида бўлиб, болаларнинг билим олишлари, ижодий фаолиятда иштирок этишлари ва ижтимоий муносабатларни ривожлантиришида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу даврда ота-оналар, таълим муассасалари ва жамият болаларга қулай муҳит яратишда иштирок этиши керак. Мамлакатимизда мактабгача таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу соҳанинг ривожланиши учун тизимли ишлар ташкил этилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2024 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режасида 1-мақсад: Мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда болаларнинг тўлиқ камровини таъминлаш этиб белгиланган.

МУОМАЛА (болада) — кишилар билан муносабат, сўзлашув ва шунингдек, иш, хизмат ва бошқа барча соҳалар билан боғлиқ алоқаларни ифода этувчи тушунча.

Муомала боланинг шахсий ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи жараён бўлиб, унинг ўзини тутиши, бошқалар билан муносабатда бўлиши ва ҳис-туйғуларини ифода этишини шакллантиради. Болалар жуда сезгир бўлгани учун улар билан тўғри муомала қилиш ва тўғри ёндашув уларнинг психологиясига, ўзига бўлган ишончига ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Болалар катталар билан муомалада ҳурмат ва ишонч туйғусини ҳис қилишлари керак. Агар бола катталар томонидан ҳурмат қилинса, у ўзини муҳим ва қимматли деб ҳис қилади. Шу билан бирга, бола ўз ҳис-туйғуларини баён қилишда ишончли ва хавфсиз муҳитда бўлиши керак.

Боланинг фикрларини қабул қилиш, унинг ҳис-сиётларини ҳурмат қилиш ва унинг саволларига

жиддий эътибор бериш зарур. Болалар тезда ўзгаришларга мослаша олмайдилар ёки катталар даражасида мулоқот қилишга қийналадилар. Шундай ҳолларда, катталар сабрли бўлишлари ва болага ўз фикрларини ва эҳтиёжларини ифода қилишга вақт беришлари зарур.

Болани шошилтирмаслик, унинг ҳар бир қадамини ва ҳаракатини сабр билан кузатиш лозим. Унинг ҳаракатлари нотўғри бўлса, буни тушунтириш учун мулоҳима ва кўмакчи ёндашувдан фойдаланиш катталардан талаб этиладиган тамойилдир. Бола билан қилинадиган муомала қоидалари аниқ бўлиши ва доимий сақланиши керак. Қоидаларнинг ўзгарувчанлиги болани чалғитиб қўйиши мумкин. Бола аниқ чегараларга эга бўлган муҳитда ўзини хавфсиз ва осойишта ҳис қилади. Оилада қоидаларни барчага бирдек тадбиқ этишга ҳаракат қилиш муҳимдир.

Болалар ўз ҳаракатлари ва ютуқлари учун мақтовга муҳтож. Мақтов боланинг ўз-ўзига ишончини оширади ва унинг кейинги ҳаракатларига мотивация беради. Лекин мақтов самимий бўлиши ва боланинг ҳаракатларига муносиб бўлиши керак. “Сенинг ҳаракатинг жуда ёқди”, “Бу жуда яхши натижа!” каби мақтовлар болани рағбатлантиради. Болалар ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ҳис-туйғуларини баён қилишлари мумкин. Улар ғазабланишлари, хафа бўлишлари ёки қувончли ҳис-туйғуларни кўрсатишлари мумкин. Катталар боланинг ҳис-туйғуларига ҳурмат билан қараши, уни тушуниши ва қўллаб-қувватлаши керак.

Бола хато қилади ва бу нормал ҳолат. Лекин болаларни доимо жазолаш ўрнига, уларга тўғри йўлни кўрсатиш, хатоларини тушунтириш ва ўргатиш муҳимдир. Жазо болани тушунмовчиликка ва ўзини ёмон ҳис қилишга олиб келиши мумкин, ўргатиш эса уни ривожлантиришга ёрдам беради.

Болани доимо назорат қилиш ўрнига, унга мустақил қарор қабул қилиш имконини бериш муҳим. Мустақиллик боланинг шахс сифатида ривожланишига ёрдам беради ва унинг масъулиятли бўлишини таъминлайди.

Муомалада болани доимий назорат қилиш ва унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиш боланинг мустақил ривожланишига тўсқинлик қилади.

Танқид ва камситиш ёки унинг шахсини танқид қилиш унинг ўзига бўлган ишончини пасайтиради. Болани жазолаш ўрнига тушунтириш ёки ўргатиш тўғрироқ бўлади, чунки жазо унинг фикрлаш қобилиятини сўндиради ва ёмон хулқни кучайтиради.

Бола билан муомала қилиш жараёни сабр-тоқат, ҳурмат, ишонч ва мувозанатли ёндашув талаб қилади. Боланинг ҳар бир ҳаракатини тушуниш, уни қўллаб-қувватлаш ва тўғри йўналиш бериш орқали унинг ижтимоий ва шахсий ривожланишига катта ёрдам бериш мумкин.

РАХИТ (юн. rhachis – умуртқа), ширзада – ёш болаларда учрайдиган касаллик. Организмда D витамини етишмаслиги туфайли фосфоркальций алмашинувнинг бузилиши натижасида келиб чиқади. Рахитга кўпинча боланинг чала туғилиши, қувватсизлиги, сунъий овқатлантириш сабаб бўлади. Бола яхши парвариш қилинмаса, очик ҳаво ва қуёш нуридан баҳраманд бўлмаса, нотўғри овқатлантирилса, унинг организмига витамин D етарли миқдорда кирмайди ёки ультрабинафша нурлар етишмаслигидан терисида витамин D ҳосил бўлиши бузилиб, рахит касаллиги кучаяди. Бундан ташқари, боланинг тез-тез касалланиши, онанинг ҳомиладорлик вақтида овқат рационининг бузилганлиги ҳам рахит касаллигига сабаб бўлади. Рахит касаллиги моддалар алмашинувнинг бузилишига ҳамда турли аъзо ва системалар ишининг издан чиқишига олиб келади. Бу касалликда фосфор ва кальций каби минерал тузлар алмашинуви айниқса кучли бузилади. Ичакда кальцийнинг сўрилиши ва суякларга ўтириши ўзгаради, бу – суякнинг ингичкалашиб, тўқималарининг юмшашига, нерв системаси ва ички аъзолар ишининг бузилишига сабаб бўлади. Касалликнинг дастлабки даврида беморнинг нерв системасида ўзгаришлар рўй беради: бола қўрқоқ, тажанг, инжиқ ёки шалвиллаган бўлиб қолади; кўп терлайди, эмаётганида юзи, ётганида энсаси терга ботади. Болани қичима безовта қилганлиги учун у бошини ёстиққа ишқайверганидан орқа сочи тўкилиб кетади. Касаллик кучайганда мускуллар

заифлашади, буришади; касал бола соғлом болага нисбатан кеч юради, қорни шишади, ичи кўпинча қотади ёки суради, кейинчалик суяк системаси ўзгаради: елка суяги яссиланади, боши катталашади, пешона ва калланинг тепа суяги туртиб чиқади, пешона дўнг бўлиб қолади, калла тепа суяги ва энса соҳасидаги суякнинг юмшаши кузатилади. Бошнинг катта лиқилдоғи ўз вақтида суякланмайди. Кўпинча тўш ёнидаги қовурға суяклари қалинлашади. Бола юра бошлаганида оёқлари X шаклида ёки O шаклида қийшаяди. Кўкрак қафасининг шакли ҳам ўзгаради: ё олдинга туртиб чиқади ёки ичига кириб кетади. Рахитга учраган болалар турли юқумли касалликларга (айниқса, зотилжамга) мойил бўлади. Рахит касаллигининг олдини олиш туғруққача бўлган даврда бошланади. Ҳомиладор аёл мумкин қадар тоза ҳавода кўпроқ бўлиши, режимга қатъий риоя қилиши, тўғри овқатланиши керак. Бола туғилганидан кейин уни парвариш қилишнинг барча қоидаларига риоя қилиш ва иложи борида кўкрак сути билан боқиш лозим. Айниқса, болага ғамхўрлиги фақат она зиммасига юкланмаслиги, яқин қариндошлар кўмаги ҳам муҳим ҳисобланади. Рахитни даволашда врачнинг кўрсатмасига мувофиқ, витамин D бошқа дорилар билан биргаликда берилади. Зарур бўлган ҳолларда врачнинг тавсиясига мувофиқ даво гимнастikasi, массаж, кварц лампаси билан нурлантириш ўтказилади.

ТИЛ ЧИҚИШ – инсонлар ўртасида алоқа воситаси бўлиб, жамият аъзоларининг бир-бири билан фикр алмашилишига хизмат қилади. Бола тили ўзининг ўзгартирилган структураси, овоз ва лексикаси билан айни вақтда ота-оналар ва катталар томонидан тўғри тушунишни осонлаштиради.

Бола тили, одатда, содда ва аниқ бўлади. Бола ўз фикрларини ҳаддан ташқари мураккаб бўлмаган сўзлар билан ифода этади. Бола товушларни тўғри талаффуз қилишни ўрганаётганида, баъзан хатоликларга йўл қўйиши мумкин. Улар ҳаётда учрайдиган овозларни такрорлашга ҳаракат қилишади. Болалар, кўпинча, ўзларининг қизиқишларига асосланиб саволлар берадилар. Уларнинг саволлари ўзларининг қизиқишлари, тажрибалари ва хулосаларига асосланади. Бола



нутқининг тартибли ва мазмунли бўлишига ижобий таъсир этувчи омиллардан бири, бу у томонидан берилган саволларнинг катталар томонидан жавобсиз қолдирилмаслигидир. Ота-оналар ва катталар билан доимий мулоқот қилиш боланинг тилини ривожлантиришда муҳимдир.

Бола тили ҳамда овозлар муаммоларини ҳал қилиш учун улар вақт ўтган сари мослашиб, ривожланади. Уларнинг суҳбатда иштирок этишлари ва гаплашишлари уларнинг ўқишлари ва туйғуларини ифода этиш учун муҳимдир. Катталар томонидан болага ҳали гўдаклик пайтидаёқ китоб ўқиб берилиши унда китобга меҳр пайдо қилади. Катталар одатда бу даврда ҳали болани тушунмайди деб ташхислайди. Аммо қанча кичик ёшдан китоб ўқиб берилса, боланинг луғатини кенгайтиришга ва тилини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйинлар ҳам болада тилнинг ривожига катта таъсир этади. Тил ривожланишини рағбатлантирувчи ўйинлар ва фаолиятлар боланинг тилини яхши ривожлантириш учун самарали. Бола тилининг ривожланиши – бу мураккаб ва қизиқарли жараёндир, унда ота-оналарнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Бола тилининг чиқишида айрим ҳолларда кечикиш кузатилади ва бу оила аъзоларининг кайфиятларига салбий таъсир этади. Агар оилада кимдир тил ривожига билан боғлиқ муаммоларга дуч келган бўлса, бу ҳолат болада ҳам ўзининг таъсирини кўрсатиши мумкин. Интеллектуал ривожланишнинг ёки генетик касалликларнинг таъсири боланинг тил ривожига таъсир кўрсатиши мумкин.

Боланинг эшитиш қобилияти бузилса, тил ривожига кечикиши мумкин. Агар бола яхши эшитмаса, бу тилни ишлатиш ва тушуниш қобилиятини заифлаштиради. Нерв тизими касалликлари, масалан, церебрал паралич, неврологик бузилишлар (аутизм) боланинг тилини ривожлантиришда кечикишларга олиб келиши мумкин.

Нутқ органларида муаммолар бўлса, агар болада овқатланиш ва нафас олиш билан боғлиқ муаммолар бўлса (масалан, катта тил, тор томоғи ёки назал муаммолари), бу нутқни кечиктириши мумкин. Бола кўпгина вақтни ёлғиз ўтказса ёки оилада тил ривожига имконият бермайдиган

катта ёки секин омиллар бўлса, тил ривожига кечикиши мумкин.

Оила аъзоларининг бола билан кам мулоқот қилиши ёки нотўғри тилда (қисқа, жуда содда) гапириши, бу боланинг тилини ривожлантиришни кечиктиради.

Боланинг ижтимоий муҳити ҳам тили чиқишида муҳим. Агар боланинг овқатланиши номоддий ёки нотривиатив бўлса, бу унинг нейрологик ва когнитив ривожини кечиктириши мумкин. Витамин ёки минерал етишмаслиги: Витамин В12, D ва омега-3 ёғ кислоталари етказиш ёки етишмаслиги бола миясининг ривожига ва нутқини кечиктириши мумкин.

Лекин, айрим бошқа омиллар ҳам борки, оналар хавотири ўринсиз бўлади. Баъзи болалар жуда кечиктириб тилни ўзлаштиришади. Маълум даврга етгач, бу болаларни гапиришдан тўхтатиб бўлмайди. Бу, одатда, жисмоний ёки аниқ тиббий сабабларга эмас, балки индивидуал хусусиятларга боғлиқ. Ҳар бир боланинг ривожланиш суръати турлича бўлади. Бунинг учун ота-оналар шифокорлар билан маслаҳатлашишлари керак.

ТИФЛОПЕДАГОГИКА (юн. Typhlos кўр ва педагогика) – дефектологиянинг кўр ва заиф кўрувчи болаларни ўқитиш, тарбиялаш ҳамда уларни меҳнатга тайёрлаш масалаларини ишлаб чиқувчи соҳаси. Болаларнинг аклий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиришни, умумий ўрта маълумотга эга бўлишларини, ҳаёт ва меҳнатга тайёрлашни мақсад қилиб қўяди. Тифлопедагогика кўр ва заиф кўрувчи болалар учун таълимни такомиллаштириш йўллари, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш методларини, махсус мактаб ҳамда мактабгача муассасалар тузилмасини, уларнинг таълим-тарбиясининг ташкилий шакллари ишлаб чиқади. Тифлопедагогиканинг энг муҳим вазифаси болаларда сакланиб қолган кўриш имкониятларидан ўқиш жараёнида тўғри фойдаланиш ва уни ривожлантириш, кўриш имкониятларини сақлаш учун шароит вужудга келтириш, таълимнинг техника воситаларини қўллашдан иборат. Тифлопедагогика умумий ва махсус пед., психология, физиологик оптика, офтальмология, педиатрия, мактаб гигиенаси,

олий нерв фаолияти физиологияси, тилшунослик, тифлотехника фани маълумотларига суянади.

Кўриш қобилиятининг бузилиши ёки йўқолиши юзага келган болалар **кўзи ожиз болалардир**. Кўзи ожиз болалар – бу туғма ёки кейинчалик орттирилган кўриш қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган болалардир. Кўзи ожизлик, ўз навбатида, боланинг кундалик ҳаётига, ижтимоий алоқаларига ва ўқиш фаолиятига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу болаларнинг таълим олиши, жамиятда фаол қатнашиши ва ўз ҳиссиётларини ифодалаши учун махсус ёрдам ва ресурсларга эҳтиёжлари бор. Кўзи ожиз болалар тўлиқ ёки қисман кўриш қобилиятини йўқотишлари мумкин. Бу ҳолат кўп ҳолларда кўзнинг туғма аномалиялари, касалликлар, травма ёки бошқа сабаблардан келиб чиқади. Кўзи ожиз болалар ижтимоий муносабатларда муаммоларга дуч келишлари мумкин, чунки улар ишораларни, юз ифодаларини тушунишда қийинчиликларга дуч келади.

Кўзи ожиз болалар учун махсус таълим ва реабилитация дастурлари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу дастурлар болаларга турли йўллар билан, мисол учун, тактиль тажрибалар, ишора тили, овозли маълумотлар ва махсус асбоблар орқали маълумот олишларига ёрдам беради. Кўзи ожиз болаларнинг ижтимоий мослашиши учун уларни алоқада бўлиш ва ҳамкорлик қилишга рағбатлантириш муҳимдир. Уларни жамоавий фаолиятларда қатнашишга ундаш, шундай қилиб, дўстлар билан алоқа қилиш имконини беради.

Кўзи ожиз болалар ўз ҳиссиётларини бошқа туйғулар орқали ривожлантиришлари мумкин. Улар учун махсус методлар, масалан, ҳикоялар, ривожлантирувчи ўйинлар, ифодали гаплар ёрдамида таълим олиш ёрдам беради. Кўзи ожиз болалар учун махсус техник воситалардан фойдаланиш, масалан, тактиль карталар, овозли компьютер дастурлари, махсус сигнализаторлар, қобилиятни оширишда ёрдам беради. Кўзи ожиз болаларнинг муҳотида улар билан танишувни осонлаштириш муҳим. Буларга манзилларни белгилаш, матнларни тактиль ёзувда ёзиш, ёрдам берувчи қурilmаларни жорий этиш киради.

Кўзи ожиз болалар орасидаги муаммолар катта бўлиши мумкин. Улар учун ижтимоий,

эмоционал ва академик муаммолар келиб чиқади. Шунинг учун ота-оналар ва таълим муассасалари болаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни рағбатлантириш ва муаммоларини енгилда кўмаклашиш учун муҳим ўрин тутати. Кўзи ожиз болаларнинг саломатлиги ва ижтимоий мослашишини таъминлашда, улар учун махсус дастурлар ва ресурслар муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда таълим бериш сифатини ошириш ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар ташкил этилган. Ўзбекистонда кўзи ожизлар (кўрлар) учун қўллаб-қувватловчи асосий ташкилот Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти (ЎзКОЖ) ҳисобланади. Ушбу жамият кўзи ожизлар ва кўриш қобилияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш, таълим, меҳнат ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Жамият кўзи ожиз шахсларнинг таълим олиш, ишлаш, ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади. Уларга нисбатан дискриминациянинг олдини олиш ва тенг имкониятлар яратиш учун турли ташаббусларни илгари суради.

Жамият кўзи ожизлар учун ихтисослаштирилган мактаблар, курслар ва марказларни ташкил қилади. Брайль ёзуви, махсус техник воситалар ва ахборот ресурслари орқали таълим олиш имкониятлари мазкур жамият қўллови натижасида амалга оширилади.

ЭМЛАШ, вакцинация – одамларда инфекция касалликлар юқишининг олдини олиш усули, бунда организмга вакциналар, иммун зардоблар ёки гаммаглобулин юбориб, сунъий фаол ёки пасив иммунитет ҳосил қилинади.

Сунъий фаол иммунитет ҳосил қилиш учун одам вакциналар билан эмланади, бунда организмда юборилган вакцина таркибидаги антигенларга қарши фаол иммунитет ривожланади. Эмлашда вакциналарни тери устига, тери остига, мускул орасига, бурун ва оғиз орқали юбориш мумкин. Вакциналар билан эмлаш жадвали ҳар хил: бир маротаба, икки, уч маротаба ва ҳоказо. Сунъий фаол иммунитет



иммунизация тугаганидан сўнг 2–3 ҳафта ўтгач пайдо бўлади ва ойлаб, ҳатто йиллаб сақланиб қолади. Такрор эмлаш (иммунитет даражаси сусайганда) ревакцинация деб аталади. Сунъий пассив иммунитет организмнинг ҳимоя фаолиятини ошириш, кўзда тутилган тегишли юқумли касалликка қарши чидамлик ёки бошланган касалликнинг кечишини енгиллаштириш мақсадида қилинади. Бир қанча юқумли касалликлар (одамларда гепатит В, сил, бўғма, қоқшол, кўкйўтал, қизамиқ, тепки, полиомиелит; ҳайвонларда бруцеллёз, кутуриш, ўлат, оқсим ва бошқалар)га қарши режали равишда; айрим юқумли касалликлар (грипп, ич терлама, куйдирги, туляремия ва бошқалар) га қарши эса эпидемиологик зарурият бўйича эмланади.

Эмлаш поликлиникаларда ёки эмлаш марказларида махсус тайёрланган тиббиёт ходими томонидан врач назоратида ўтказилади. Болани эмлашдан аввал унинг гавда ҳарорати ўлчанади ва қандай касалликлар билан оғриганлиги сўраб суриштирилади; врач болани синчиклаб текшириб, уни эмлаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқпайди. Юрак-томир, марказий нерв системаси касалликларидан тузалган ёки сурункали касалликлари бор болалар тегишли мутахассислар кўригидан ўтганидан сўнг эмланиши лозим. Бола эмланганда баъзан кучли реакция юзага келади, шунинг учун эмлангандан кейин у маълум бир вақт давомида врач назоратида бўлиши керак.

Эмлаш маҳаллий ва умумий таъсир кўрсатиши, яъни эмланган жой сал қизариши, шишиши, оғриши, ҳарорат кўтарилиши ва умумий дармонсизлик кузатилиши мумкин. Эмланган бола жуда безовталанса, қаттиқ иситмаласа, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур. Болалар ёки катталарнинг эмланганлиги ҳақидаги маълумотлар уларнинг тиббий ҳужжатида қайд этилади. Ота-оналар боласига қандай эмлаш ўтказилганини ва қайсилари қачон қилиниши кераклигини яхши билишлари, шунингдек, эмлашнинг белгиланган муддатда ўтказилишига амал қилишлари зарур, чунки ўз вақтида ўтказилган эмлаш жуда яхши наф беради. Ҳозир республикамызда кўпгина оғир кечувчи юқумли касалликларга қарши режали

равишда ва эпидемиологик ҳолатларга қараб болалар ва хавфли гуруҳга кирувчи катта кишилар давлат томонидан бепул эмланади. Ўтказилган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон ҳудудида шол касаллиги охириги йилларда қайд этилмаяпти, шунингдек, бўғма, қизамиқ, тепки, гепатит В касалликлари болалар орасида кескин камайди.

Эмлаш болаларни жиддий инфекцион касалликлардан ҳимоя қилишнинг энг самарали усулидир. Уни рад этиш нафақат боланинг соғлиғига, балки бутун жамиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Куйида болани эмлатмасликнинг асосий салбий оқибатларига тўхталамиз.

Эмланмаган болалар қизамиқ, полиомиелит, гепатит В, сил, паротит, коклюш, ва дифтерия каби хавфли касалликларга чалиниш эҳтимоли юқори бўлади. Баъзи касалликлар, масалан, қизамиқ ёки полиомиелит, нафақат боланинг соғлиғига катта зарар етказиши, балки ўлимга олиб келиши мумкин. Эмланмаган болалар инфекцияларни тарқатиш хавфини оширади. Бу бошқа эмланмаган болалар, кекса ёки иммунитети заиф кишилар учун жиддий хавф туғдиради. Агар жамиятнинг катта қисми эмланмаса, касалликлар эпидемияси авж олиши эҳтимоли ошади.

Эмланмаган бола касалликка чалиниб, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлади. Бу оила учун молиявий ва руҳий юкни оширади. Хавфли касалликларнинг давоси кўпинча қиммат ва қийин бўлади.

Эмлаш талабларига амал қилмаган болаларни кўпгина мактаблар, боғчалар ёки халқаро саёҳатларга қабул қилишда чекловлар қўйилади. Бу боланинг таълим олиш ва ижтимоий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Баъзи касалликлар, масалан, гепатит В, узоқ муддатли асоратларга сабаб бўлиши ва келажакда жигар саратони каби касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Полиомиелит ёки қизамиқ каби касалликларнинг асоратлари туфайли бола бутун умр давомида ногирон бўлиб қолиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида эмлаш (вакцинация) сиёсати катта аҳамият

қаратилади. Инфекцион касалликларнинг олдини олиш, эпидемияларнинг тарқалишини чеклаш ва жамиятда умумий иммунитетни шакллантириш учун давлат томонидан қатор тизимли чоратадбирлар амалга оширилади. Мамлакатда Миллий эмлаш дастури (Иммунизация дастури) БМТнинг ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳар бир чақалоқ ва болани бепул эмлаш, болаларга туғилган пайдан бошлаб белгиланган вакциналарни бепул бериш мақсади белгиланган.

Эмлашнинг тақвим асосида амалга оширилиши ҳам назорат қилинади. Болаларга биринчи йилда BCG (силга қарши), полиомиелит, гепатит В, қизамиқ, эпидемик паротит ва бошқа касалликларга қарши эмлашлар ўтказилади. Шунингдек, тез-тез янгилаб бориладиган тақвим ҳам мавжуд бўлиб, Миллий эмлаш тақвими халқаро стандартларга мувофиқ янгиланиб, замонавий вакциналар қўшилмоқда.

ЭШИТИШ АНАЛИЗАТОРИ – бу боланинг овозларни қабул қилиш ва эшитиш орқали атроф-муҳит ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини берадиган жисмоний ва физиологик тизимидир. Эшитиш анализатори боланинг нутқ ривожланиши, ижтимоий муносабатлари ва ақлий ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Эшитиш анализатори уч асосий қисми орқали овоз сигналларини қабул қилади ва уларни марказий асаб тизимига етказди:

Ташқи қулоқ қулоқ пинаси ва қулоқ йўлакчасидан иборат бўлиб, овоз тўлқинларини қабул қилиб, ички томонга йўналтиради.

Ўрта қулоқда учта кичик суякчалар мавжуд бўлиб, овоз тўлқинларини кучайтириб, ички қулоққа узатади.

Ички қулоқда овоз тўлқинлари электр импульсларга айлантирилиб, асаб орқали миёга узатилади.

Боланинг эшитиш қобилияти туғилганиданок фаол ишлайди. Эшитиш анализатори болага атрофидаги овозларни, масалан, онасининг овозини танишга ёрдам беради. Болаларда эшитиш қобилияти ва ишлов бериш даражаси тез суръатда ривожланади ва бу жараён боланинг

нутқи, талаффузи ва умумий ўрганиш жараёнига катта таъсир қилади.

Баъзи болаларда эшитишда турли даражадаги муаммолар бўлиши мумкин. Масалан, туғма эшитиш нуқсони ёки ўткир инфекциялар натижасида пайдо бўлган муаммолар. Бундай ҳолатларда эрта ташхис қўйиш ва даволаш боланинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бола эшитишидаги муаммоларни эрта аниқлаш боланинг нутқ, тил ва ижтимоий кўникмалари ривожланиши учун жуда муҳимдир, шунинг учун болаларнинг эшитиш қобилиятини мунтазам текшириб туриш тавсия этилади.

Сурдопедагогика (лот. Surdus кар ва педагогика) – дефектология тармоғи; кар ёки заиф эшитувчи болаларни махсус ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ишлаб чиқади. Сурдопедагогика га кар ёки заиф эшитувчи болаларни ўқитиш назарияси тарихи, кар ва заиф эшитувчи болаларнинг психологик ривожланиш, ўқув фанларини ўқитиш, талаффузни ўргатиш ва “лаб билан ўқиш”, меҳнатга ўргатиш, тарбиявий ишлар методикалари киради. Сурдопедагогика кар ёки заиф эшитувчи болаларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиб, махсус ўқув-тарбия жараёни тузилишининг асосларини, махсус ўқув-тарбия муассасаларини ташкил этиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Фан асосларини ўрганиш билан заиф эшитувчи болаларда оғзаки нутқ шаклланиб боради. Заиф эшитувчиларга оғзаки нутқни ўргатиш учун сўзлар талаффуз қилинганда нутқ органларининг ҳаракати кўрсатилади. Шу ҳаракатларга қараб заиф эшитувчилар товуш ва сўзларни ажратиб олишга, яъни “лабга қараб ўқишга” ўрганади.

Сурдопедагогиканинг маълум бир йўналишини **заиф эшитувчи болалар** ташкил этади. Нутқни эгаллашга ва нутқий мулоқот қилишга тўсқинлик қиладиган эшитиши пасайган болалар. Заиф эшитувчи болалар эшитиш қобилияти тўлиқ ёки қисман пасайган болалар ҳисобланади. Бундай болаларнинг эшитиш қобилиятини яхшилаш ёки унга мувофиқ келадиган таълим ва ижтимоий муҳит яратиш жуда муҳим ҳисобланади. Уларга махсус ёндашув, таълим услублари ва логопедик ёрдам зарур бўлади. Ота-оналар болаларининг



эхтиёжларини тўғри тушуниб, уларни қўллаб-қувватлашлари жуда муҳим. Улар боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғи учун зарур бўлган ҳар қандай ёрдам ва даволаш жараёнларида фаол иштирок этишлари керак. Ота-оналарга ҳам махсус курслар ва тавсиялар берилган бўлиб, улар бола билан қандай мулоқот қилиш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Заиф эшитувчи болаларнинг тўлақонли ривожланиши учун уларга махсус ёндашув, таълим ва реабилитация зарур. Махсус педагоглар, эшитиш қурилмалари ва ишора тили каби ёрдамчилар уларнинг ҳаётда ва таълимда муваффақиятга эришишларига қўмаклашади.

Кар болалар – туғма ёки илк ёш даврида эшитиш қобилиятининг чуқур ва турғун йўқолиши оқибатида махсус педагогик ёрдамсиз нутқни эгаллай олмайдиган болалар. Кар болалар – эшитиш қобилияти йўқотилган ёки буткул эшитмайдиган болалардир. Бундай болаларда эшитишнинг йўқлиги туфайли тилни ривожлантиришда қийинчиликлар юзага келади, чунки эшитиш овозлар ва сўзларни ўрганишнинг асосий йўлидир. Бироқ, кар болалар бошқа усуллар орқали тилни ўзлаштиришлари мумкин, масалан, ишора тили (сўзлашув тилининг визуал алтернативаси) ёрдамида. Кар болалар учун махсус таълим дастурлари, сурдопедагоглар ва эшитишни яхшилаш учун турли техник воситалар (масалан, кохлеар имплантлар ёки эшитиш аппаратлари) мавжуд. Карлик даражасидан келиб чиқиб, болаларга замонавий эшитиш аппаратлари бепул ёки имтиёзли шартларда тақдим этилади.

Ўта оғир эшитиш бузилишларида болаларга операция орқали кохлеар имплантация ўрнатилади. Бу операциялар мамлакатдаги йирик тиббиёт марказларида ёки чет элда давлат қўллаб-қувватлови билан амалга оширилади.

Кар болаларни қўллаб-қувватлаш, жамиятга мослашиш осон кечиши учун уларга инклюзив муҳит яратиш муҳимдир. Бундай болаларга мос келувчи муҳитни яратиш уларнинг ҳар томонлама ривожланишига ва жамиятда тўлақонли иштирок этишига ёрдам беради. Уларга мослаштирилган ўқув дастурлари ва сурдопедагоглар орқали махсус таълим берилади. Уларда эшитишни яхшилаш учун

эшитиш аппаратлари ва кохлеар имплантлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мамлакатимизда бу каби алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш, уларга қулай муҳит яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда эрта ёшдан бу касалликни аниқлаш ва даволаш мақсадида янги туғилган чақалоқларда аудиологик скрининг орқали текшириш амалга оширилади. Агар болада эшитиш бузилишининг белгилари топилса, унинг сабабларини аниқлаш ва даволаш учун мутахассисга юбориш кузатилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларнинг умумий ўрта таълим муассасалари мавжуд бўлиб, улар **махсус мактаблар** деб ном олган. Бу мактабларнинг вазифаси – ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирлардаги нуқсонларни тузатиш, бартараф этиб, уларнинг шахсиятини ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва амалий фаолиятга тайёрлаш. Мамлакатимизда махсус мактаблар таълимнинг умумий тамойиллар асосида ташкил қилинади, лекин тузилиши, таълим-тарбия методлари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай мактаблар махсус ўқув режа ва дастурлари асосида ишлайди. Эшитиш, кўриш қобилияти ва ақли заиф болалар учун алоҳида дарсликлар тузилади.

ЯССИ ОЁҚ – оёқ панжаси гумбазининг ялпайиб, текис бўлиб қолиши. Бола оёғи бўйига ёки энига ясси бўлиши мумкин, гоҳо ҳар иккиси бирга учрайди. Бола оёғи энига ясси бўлса, унинг таги энига ялпаяди, оғирлик эса оёқнинг 1- ва 5-бармоқларига тушмай, бармоқ тагига, қафт суяқларининг бошчасига тушади. Агар бола оёғи бўйига қараб ясси бўлса, унинг таги ерга бир текис тегиб туради. Оёқ яссилиги туғма (жуда кам) ёки ҳаётда орттирилган бўлади. Ҳаётда орттирилгани кўпроқ учрайди. Асосан оёқ панжаси мускулбойлам аппаратининг заифлашиши (м-н, рахит ёки ҳаддан ташқари зўр келиши оқибатида), пойабзалнинг ноқулай бўлиши, маймоқлик, оёқ шикастланиши ёки

фалажланиши (кўпинча полиомиелитда) сабаб бўлади. Баъзан касаллик иш кунининг кўп қисмини оёқда тик туриб ўтказадиган кишилар (сартарошлар, сотувчилар ва бошқалар)да пайдо бўлади.

Касалликнинг дастлабки белгиси: бола оёқлари тез толиқади, таги оғрийди, болдир, сон соҳасида ҳам оғриқ сезилади; кейинчалик оғриқ тизза бўғимлари ва белга ҳам тарқалади. Кечкурунга бориб оёқ шишади, кечаси шиш қайтади. Оёқ жуда ясси бўлса, оёқ панжаси узун, ўрта қисми эса сербар тортади. Ясси оёқ кишилар оёғини кериб, тизза ва чаноқсон бўғимини сал букиб, қўлларни силкиб юришади, уларда

кўпроқ пойабзалнинг пошнаси ва тагчарми (ички юзаси) ейилади. Ясси оёқнинг олдини олишда пойабзалнинг оддий ва қулай бўлиши (сиқмаслиги, пошнаси жуда баланд бўлмаслиги) ниҳоятда муҳим. Болаларда учрайдиган ясси оёқнинг олдини олиш учун уларнинг қад-қоматига эътибор бериш, боши ва танасини тўғри тутишга ўргатиш лозим. Оёқнинг мускул ва бойламларини мустаҳкамлашда бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш, шунингдек, ёзнинг иссиқ кунлари тупроқда оёқ яланг юришнинг фойдаси бор. Оёғи ясси болаларни ортопед шифокор даволайди. Давони иложи борича эрта бошлаган маъкул.



АЁЛЛАР ВА СПОРТ

АДАПТИВ СПОРТ (лотинча adaptation - мослашаман) — имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган инсонларга спорт тадбирларида қатнашиш ва натижаларга эришиш имконини берадиган шароитларни яратишдир.

Адаптив спорт билан шуғулланишда айнан имконияти чекланган аёлларнинг иштирок этиши даставвал Германияда XIX асрнинг охирларида вужудга келган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Людвиг Гуттман томонидан Буюк Британияда ногиронлиги бўлган ҳарбийлар, жумладан, ҳарбий аёллар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этиш ташаббуси юзага келган.

Ўзбекистонда адаптив спортда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган аёлларнинг спорт турлари йўналишларида иштирок этиши ва уларни ижтимоий ҳимоялаш, жамиятга мослаштириш учун имкониятлар яратилди. Илк марта Ўзбекистон аёл спортчилари 2012 йилда Лондонда (Буюк Британия) ўтказилган Паралимпия ўйинларида енгил атлетика ва пауэрлифтинг спорт турлари бўйича мусобақаларда иштирок этишди.

2016 йилда Рио-де-Жанейрода (Бразилия) ўтказилган ёзги Паралимпия ўйинларида 8 нафар ўзбек аёл спортчилари иштирок этди. Ушбу мусобақада юртимиз шарафини аёл спортчиларимиздан Фатимахон Амилова ва Нозимахон Қаюмова муносиб ҳимоя қилди. Ушбу мусобақаларда спортчилар томонидан жами 13 та (2 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза) медал қўлга киритилди.

2021 йилда Токиода (Япония) бўлиб ўтган Ёзги Паралимпия ўйинларида 19 та медалнинг 11 тасини (жумладан 4 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза медал) аёллар қўлга киритишди.

2024 йилда Парижда (Франция) бўлиб ўтган Ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон

делегацияси томонидан қўлга киритилган 26 та медалдан 12 таси (жумладан, 2 та олтин, 7 та кумуш ва 3 та бронза медал) аёл спортчиларга тегишли бўлди.

Ҳозирги кунгача паралимпия спорт турлари бўйича Ўзбекистон аёл спортчилари Нозимахон Қаюмова (икки карра), Фатимахон Амилова (кумуш ва бронза), София Бурхонова (икки марта кумуш), Нурхон Қурбонова (кумуш ва икки марта бронза), Асила Мирзаёрова (олтин ва кумуш), Гулжаной Наимова (кумуш медал) Мохигул Ҳамдамова (бронза), Муслима Одилова (иккита кумуш ва бронза), Рўза Кузиева (икки марта кумуш), Шоҳсанамхон Тошпулатова (уч марта бронза медал) олимпиада чемпионлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йилда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори Ўзбекистонда адаптив спортни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистонда адаптив спорт турлари Ассоциацияси ташкил этилиб, унга ушбу спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш, иктидорли спортчиларни аниқлаш, саралаш ва профессионал спортчи сифатида тарбиялаш, ушбу спорт турлари бўйича инфратузилмани ривожлантириш, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини таъминлаш, мураббий, услубчи-йўриқчиларни қайта тайёрлаш каби вазифалар юклатилди.

Қарорга мувофиқ, спорт билан шуғулланишни истаган ногиронлиги бўлган шахсларга “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан давлат мулкида бўлган жисмоний тарбиясоғломлаштириш ва спорт иншоотларида бепул спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиб берилиши белгиланган.

АЁЛЛАР СПОРТИ – хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши, жисмоний тарбия ва жисмоний машқлар билан машғул бўлиши тарихдан мавжуд бўлганлиги қайд этилган. Бироқ иштирок этиш кўрсаткичлари ва мусобақалар миллат, давр, география ва иқтисодий ривожланиш босқичига қараб бири-биридан фарқ қилади. Тахминан 1870 йилгача аёлларнинг спортдаги фаолияти норасмий ва кўнгличарактерга эга бўлиб, қоидалар йўқ эди ва рақобатдан кўра жисмоний фаолиятга кўпроқ урғу бериларди.

1900 йилда Парижда ўтказилган II Олимпиадада аёллар икки хил спорт тури: гимнастика ва енгил атлетика бўйича спорт мусобақаларида қатнашди. Бугунги кунда аёллар спорти ҳам ҳаваскорлик спорти даражасида, ҳам профессионал даражадаги халқаро миқёсда ўтказиладиган беллашувларни назарда тутди.

Хотин-қизларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши улар организмнинг анатомик-физиологик хусусиятларини ва оналик билан боғлиқ биологик функцияларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим.

Мунтазам ва тўғри ташкил этилган жисмоний тарбия машқлари хотин-қизлар саломатлигига яхши таъсир кўрсатади. Одатда, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган аёлларда шуғулланмайдиган аёлларга нисбатан ҳомиладорлик ва туғиш анча енгил ва кам асоратли бўлади. Жисмоний машғулотлар билан шуғулланган онадан туғилган чақалоқ ўз тенгдошларидан бўй узунлиги ва тана оғирлиги кўрсаткичлари билан устунроқ туради.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг барча қатламлари, айниқса, хотин-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали уларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига эга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, мардлик, ватанпарварлик, она юртга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, хотин-қизлар орасида иқтидорли спортчиларни саралаб олиш тизими такомиллашиб бормоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон

Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси” бу борадаги муҳим ислохотларга тўртки бўлди.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда Республика спорт тиббиёти маркази фаолиятини такомиллаштириш, бу борадаги ўқув дастурлари ва методологияни янгилаш, спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш йўлга қўйилди.

Беш ташаббус ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида спорт объектилари ишга туширилиб, хотин-қизлар спортга фаол жалб этилмоқда. Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби бўлган спортчилар туман ва шаҳарларга бириктирилди, айримларининг спорт мактаблари очилди. Кейинги йилларда маҳаллаларда ташкил этилган спорт майдончалари ёшларнинг сеvimли масканига айланди.

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий етук бўлиб улғайиши, жумладан, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи” электрон платформаси ишлаб чиқилмоқда. Пиёда ва велосипедда юришга мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари” барпо этилмоқда.

Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаётгани фарзандларимизнинг қалбида спортга меҳр уйғотмоқда. Айниқса, бу соҳада фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишлар ижобий самара бермоқда.

Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овул, шаҳар, посёлка ва қишлоқлар аҳолисини, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида спорт оммалаштириш, уларни спортга кенг жалб этиш; спорт таълими тизимини доимий асосда такомиллаштириш ва рақамлаштириш орқали спортда юқори самарали спортчилар захираси шаклланиб бормоқда.

Бугунги кунда юртимиз хотин-қизларининг 59 фоизи спорт билан шуғулланмоқда.



Бу кўрсаткич хотин-қизлар спортининг шиддат билан ривожланиб, оммаланиб бораётганига мисолдир. Спорт – хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг дунёқарабини ошириб, тиббий маданиятини юксалтирмоқда. Жисмоний тарбия билан шуғулланган қизлар оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини теран англаб, соғлом ва бахтли турмуш қурмоқда. Кўплаб қизлар профессионал спортчи бўлиб етишиб, мамлакатимиз, қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда улкан натижаларга эришмоқда. Хусусан, 38 нафар қиз спортдаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлгани аёллар спортига қаратилаётган эътибор намунасидир.

Давлатимиз раҳбари, жисмоний тарбия ва спортни таълим-тарбия билан узвий равишда изчил ривожлантириш, мамлакат миқёсида унинг оммавийлигини таъминлаш, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилишида энг эзгуси ва асосийси – Ўзбекистон фарзандларининг соғлом дунёга келиши, улғайиши, тарбия топиши ва пировардида миллат генофондини яхшилаш мақсади мужассам эканлигини алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Соғлом оила, соғлом она, соғлом бола, соғлом турмуш тарзи тушунчаларини англаб етиш, жойларда соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш, жисмоний тарбия билан доимий шуғулланишга одатланиш, соғлом болани вояга етказишни асосларидан биридир. Ҳаётий эҳтиёж инсонни турли шароитда моддий неъмат яратишга ҳаракат қилишга ундайди. Бу жараёнга болани тайёрлаш, кўникиш ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Оилада бола тарбияси унинг жисмоний ва маънавий соғлом бўлиб етишишини ўз вақтида босқичма-босқич амалга оширилиб борилишида оталар билан бир қаторда оналар ҳам бирдек маъсулдирлар. Оилада жисмоний соғлом ва фаол муҳит шаклланиши учун аввало ота-она спорт билан шуғулланиши фарзандларини спортга ошно қилиш учун шароит яратиб беришлари зарур.

Зеро, бу мақсадларни амалга ошириш учун Давлатимизда бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан биргина 3,5

минг йиллик тарихга эга, ўзбек халқи севган ва миллий қадриятларни ўзида акс эттирган кураш спортини олсак, республикадаги спорт-таълим муассасаларида 1 мингдан ортиқ кураш секциялари фаолият кўрсатиб, 43 минг нафар спортчилар профессионал шуғулланмоқда, уларнинг 6,5 минг нафари ёки 16 фоизи аёл курашчилар ҳисобланади.

Яратилган шарт-шароитлар натижасида курашчи қизларимиз қисқа муддат ичида нуфузли халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллашди. Жумладан, уч карра Жаҳон ва Осиё чемпиони Моҳинур Мўминова, икки карра Жаҳон ва Осиё чемпиони ҳамда Осиё ўйинлари ғолибаси Ҳилола Ортиқбоева, Осиё ўйинлари совриндори Ситора Элмуродова, Жаҳон ва Осиё чемпионлари Оля Хамидова, Филура Эргашова, Покизахон Камолиддинова, Маликахон Қаҳҳорова, Юлдуз Муҳаммадиева, Ибодатхон Агажанова каби курашчи қизларимизни мисол келтириш мумкин. Шунингдек, 2020 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ва бугунги кунда маҳаллалардан бошлаб беш босқичда бўлиб ўтаётган “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг оммавий спорт мусобақаларида жами 5,7 миллион ёшлар, шундан 2,3 миллион нафари ёки 40 фоизи аёллар камраб олинди.

АЛПИНИЗМ – (Алп тоғи номидан) – спорт тури, турли мураккаб тўсиқлардан ўтиб тоғ чўққиларига кўтарилиш. Алпинизм уч синфдан – траверслар (довон ошиш, тоғ тизмалари ва этакларидан ўтиш), мураккаб чиқиш (тик тоғларга чиқиш) ва баланд тоғларга кўтарилишдан иборат. Алпинизм спорт тури бўлибгина қолмай, кам ўрганилган тоғларни илмий тадқиқ этишга ҳам хизмат қилади. Алпинизм тарихи 1786 йилдан бошланади: ўшанда швейцариялик Ж.Балма ва М.Паккар Алп тоғининг Монблан чўққисига кўтарилган эдилар. Алпинизм Марказий Европадан бошқа ўлкаларга, шу жумладан, Россия ва Осиёга тарқалди. Алпинистлар бирин-кетин Кавказ, Тянь-Шан, Помир, Олтой тоғларини забт этдилар. XIX асрнинг охирида Туркистон ҳарбий топографлари Чимён тоғига – 3309 м баландликка кўтарилдилар. Ўтган асрнинг 20-йилларида

Ўрта Осиё давлат университетида, Тошкент телеграфи, алоқа техникуми ва бошқа жойларда алпинизм секциялари ташкил қилинди. 1938 йил Ўзбекистонда алпинида ўтказилди, унинг 60 қатнашчиси Пском тоғининг 8 та чўққисини забт этди. 1970–80-йилларда Ўзбекистонда 1500 га яқин киши алпинизм билан шуғулланди.

Дунёдаги энг баланд Эверест (Жомолунгма) чўққиси (Ҳимолай тоғида бал. 8848 м) ни забт этиш алпинистларнинг эзгу орзуси ҳисобланади. Янги зеландиялик Эдмунд Хиллари ва Норгей Тентсинг 1953 йилда унга биринчи марта кўтарилганлар. Ўзбекистонда Эверестни забт этувчи алпинистлар гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ 1998 йил майда чўққига чиқди. 22 май куни Рустам Ражабов биринчи бўлиб Эверестни забт этди ва у ерга Ўзбекистон давлат байроғини қадади. 1977 йилда ўзбекистонлик алпинистлар Марказий Тянь-Шаннинг “Хонтангри” (7010 м) ва “Ғалаба” (7439 м) чўққисини забт этгандилар.

Ўзбек алпинизми тарихи 1865 йилдан, баъзи маълумотларга кўра Чотқол тизмасидаги чўққи – Катта Чимён (3309 м) биринчи марта забт этилган даврдан бошлаш мумкин. Чимён худудини жиддий географик ўзлаштириш 1886 йилда Чирчиқ ҳавзасининг тоғли худудларини тадқиқ қилган В.Ф.Ошанин экспедицияси томонидан бошланган. Кейинги муҳим воқеа сифатида 1948 йилни, В.И.Ратсек Тошкентда Алпинизм секциясини ташкил этганини эътироф этиш жоиз.

Алпинизм қийинчиликларга тўла, инсондан куч ва ирода талаб қиладиган спорт тури бўлгани сабаб, унда эркакларнинг иштироки кўп кузатилади. Аммо бу спорт билан шуғулланишга ўзида куч топган ва машҳурликка эришган спортчи аёллар ҳам кўп. Ўзбекистон алпинизм соҳасида, айниқса, ушбу спорт турида эришган ютуқлари билан шуҳрат қозонган аёллар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Тамара Лунегова – Ўзбекистоннинг биринчи алпинист аёлларидан бири, Тянь-Шан ва Помирда кўплаб мураккаб кўтарилишларни амалга оширган, 1958 йилда совет экспедицияларидан бирида қайд этилишича, энг мураккаб ҳозирги Абу Али ибн Сино чўққисига 7134 метр баландликка чиқишга муваффақ бўлган. **Людмила Аграновская** – машҳур алпинист

ва Марказий Осиё тоғ тадқиқотчиси, 1960 йилларда Помир ва Тянь-Шанда бир нечта ажойиб кўтарилишларни амалга оширган ва Ўзбекистондаги энг яхши алпинистлардан бири сифатида тан олинган, ёш алпинистларни ўқитиш ва тайёрлашда ҳам фаол иштирок этди, бу эса минтақада ушбу спортнинг ривожланишига ёрдам берган. **Римма Дегтярева** – 1970 йилларда Қирғизистон ва Тожикистондаги тоғ чўққиларига экспедицияларда қатнашган.

Ўзбекистон алпинизм ва қояга чиқиш федерацияси мамлакатимизда ушбу спорт турларини фаол ривожлантирмоқда. Ташкилот алпинизмни халқаро миқёсда тарғиб қилиб, ҳам янги, ҳам тажрибали спортчилар учун машғулотлар ва мусобақалар ўтказди. Яқинда ўзбекистонлик алпинистлар мамлакатимизнинг энг баланд чўққиси - Сурхондарё вилоятидаги 4668 метр баландликдаги чўққига кўтарилди.

ВЕЛОСПОРТ – велосипед билан шоссе, трек, маунтенбайда, БМХ, велотриал, фигурали учиш ва велобол ва велополо мусобақалари. Велоспорт қизиқарли ва соғлиқ учун фойдали спорт турларидан биридир. Велосипедда шамол, ёмғирда учиш, пойғаларда қийинчиликларни енгиб ўтиш (юқорига кўтарилиш, тик қоялардан тушиш), мусобақа масофасида бетиним диққатни ва тезкор ҳаракатларга тайёргарлик, доимий тактик рақиблик спортчиларда қатъият, жасорат, топқирлик, фаоллик ва ғалабага интилиш каби муҳим хусусиятларни шакллантиради ва тарбиялайди.

Велоспорт Европада 1860 йилларда пайдо бўлган. Биринчи мусобақалар “Дрезина” велосипедларида XIX асрда ўтказилган. Бу мусобақаларда ўз ихтиросини тарғибот-ташвиқот этиш мақсадида Карл Дрейс ташкиллаштирган. Велоспорт бўйича биринчи расмий мусобақа 1868 йил 31 майда Париж шаҳрининг Сен-Клу шаҳарчасида 2000 метр масофали пойга ўтказилган. Бир йилдан сўнг шоссе бўйича Париж-Руан пойгаси ташкиллаштирилди. Ва шу мусобақа ғолиби Англиялик Д.Муруга 120 км масофани босиб ўтиш учун 10 соату 45 дақиқа вақт сарфлаб, ўрта тезлиги натижаси соатига 11 километрни ташкил топди. 1870 йил Европанинг турли давлатларида велоспортчиларнинг



махсус майдони бўлган (велотреклар) курила бошлади. 1890 йилда велосипед спортида пойгачиларнинг бир неча тоифаси пайдо бўла бошлади: профессионаллар, хаваскорлар ва эркин пойгачилар. Профессионал-пойгачиларга велосипедларни ишлаб чиқарувчи ёки ўз маҳсулотларини реклама қилувчи фирмалар ҳомийлик қилар эдилар.

Велоспорт 1896 йилдан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. 1893 йилдан трекда, 1921 йилдан шоссед, 1929 йилдан ёпиқ биноларда, 1950 йилдан кросс бўйича жаҳон биринчиликлари ўтказилади. Халқаро велосипедчилар уюшмасига (UCI; 1900 йил асос солинган) 152 мамлакат аъзо бўлган.

Велоспорт бўйича аёллар учун биринчи жаҳон чемпионати 1958 йилдан мусобақа дастурига киритилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда велосипед спортининг ривожланиши XIX асрнинг 90-йилларига бориб тақалади. 1894 йилдаёқ маҳаллий велосипедда учиш хаваскорлари ташаббуси билан Туркистонда биринчи Тошкент хаваскор-велосипедчилар жамияти ташкил этилади. Унинг раиси этиб М.И.Бродовский тайинланади. 1895 йил 16 апрель куни велосипедчилар жамиятининг йиғинида трек қурилиши тўғрисида қарор қабул қилинди ва 1896 йил 4 август куни у фойдаланишга топширилди. Велотрек ўша вақт самоват спортининг замонавий талабларига биноан энг нозик математик амаллар бўйича қурилган бўлиб, трек йўлкасининг узунлиги 1 верста, кенглиги эса 2 сажендан 3 саженгача бўлган. 1894 йилдан 1903 йилгача Туркистонда, айниқса, Тошкент шаҳри велосипед спортининг энг ривожланиш даври деб ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда велоспорт кенг тарқалди. 1924 йил 8 август куни Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Туркменистон жамоалари иштирокидаги Туркистон Спартакиадасининг очилиши маросими бўлиб ўтди ва ушбу мусобақада Норвегия жамоаси ҳам иштирок этди.

1997 йил Ўзбекистон Велоспорт федерацияси қайта ташкил қилинди. Ўзбекистондан етишиб чиққан М. Колюшее, Ш. Захриддинов, А. Жамолиддинов, **Ф. Галиуллина** ва бошқалар жаҳон биринчилиги учун ўтказилган пойгаларнинг ғолиби бўлган.

Бугунги кунда Ўзбекистон велоспортида хотин-қизларнинг иштироки ошган. Токио – 2020 олимпиядасида илк марта аёл велоспортчи Олга Забелинская иштирок этган бўлса, 2024 йил Париж олимпиадасида 2 нафар аёл спортчи **Олга Забелинская, Янина Кускова** қатнашди. 2022 йилда Аёллар миллий терма жамоамиз ҳамда профессионал велоспорт клуби ташкил топди. 2024 йилда “Tashkent City Women professional Cycling Team” профессионал аёллар “de Frans femme” кўп кунлик пойгасида ҳамда “Giro d’Italia” кўпкунлик велопойгасида иштирок этишди.

ГИМНАСТИКА – (юнонча gymnastike – машқ қиламан) – жисмоний машқлар тизими, жисмоний тарбиянинг муҳим тури. Кишиларнинг жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ўсишига ва саломатлигини мустаҳкамлашга, эпчил, чакқон, ҳаракатчан бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, киши саломатлигини мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама жисмонан тарбиялаш ва ҳаракат қобилиятларини, кучи, чакқонлиги, ҳаракат тезкорлиги, чидамлилиги ва бошқа хусусиятларини такомиллаштириш учун ишлатиладиган махсус танланган жисмоний машқлар, усулларнинг тизими.

Гимнастика ўз вазифалари, хусусиятлари ва методик усулларига қараб қуйидаги турларга бўлинади: асосий гимнастика (гигиеник ва атлетик гимнастика билан бирга), гимнастиканинг амалий турлари (шу жумладан ишлаб чиқариш гимнастikasi), спорт гимнастikasi, бадий гимнастика ва спорт акробатikasi.

Спорт гимнастикасига 19-аср бошида немис мутахассиси Ф.Л.Ян асос солган. 1973 йил Халқаро олимпиада кўмитаси тасдиқлаган замонавий спорт гимнастика дастурига аёллар ўртасида (таяниб сакраш, ходада, ҳар хил баландликдаги қўшпояда бажариладиган ва эркин машқлар) ўтказиладиган шахсий ва жамоа биринчиликлари кирган. Ҳар бир машқда мажбурий (Халқаро Спорт гимнастика федерацияси томонидан белгиланадиган) ва эркин (расмий талабларни инобатга олиб спортчиларнинг ўзлари тузадиган) композиция бўлади. Машқларнинг бажарилиши 10 балли

тизим асосида баҳоланади. Халқаро Спорт гимнастикаси федерацияси 1881 йил тузилган бўлиб, унга 100 дан ортиқ мамлакат аъзо. Спорт гимнастикаси 1896 йилдан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган, 1903 йилдан эркаклар ўртасида жаҳон чемпионатлари ўтказиб келинади. 1928 йилдан аёллар мусобақалари ўтказила бошлаган, 1934 йилдан аёлларнинг жаҳон биринчилиги ўтказилади.

Ўзбекистонда гимнастика ўтган асрнинг бошларида вужудга келиб, ривожлана бошлаган. 1912 йилда Тошкентлик гимнастикачилар Москвада ўз маҳоратларини намойиш этдилар. 1915 йилда Тошкентда аёллар гимнастикаси бўйича дастлабки ўқув курслари очилган. Шу курсларни битирган Полина Владимировна Гарфунг Ўзбекистонда гимнастиканинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Ўтган асрда Ўзбекистонлик спорт гимнастикачилари К. Жўраев, Т. Каримов, Э. Ғиёзов, Г. Ғиёзов, Т.Иброҳимов, Ш. Хонкелдиев, А.Отахоновлар турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашган. Ўзбекистон гимнастикачиларидан Г.Шамрай илк бор олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлди (1952, Хельсинки).

Бугунги кунда Ўзбекистонда спорт гимнастика кенг ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-449-сонли қарорига мувофиқ, аҳоли ўртасида гимнастика спорт турлари (спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, трамполин, акробатика) оммавийлигини ошириш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартлар асосида профессионал спортчиларни тайёрлаш орқали миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида кенг қўламдаги чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Республикада мазкур спорт турига ихтисослашган 7 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 70 нафардан зиёд мураббий **мингдан** ортиқ ўғил-қизга устозлик қилади.

Ўзбекистонда спорт гимнастикаси хотин-қизлар ўртасида анча оммалашган.

Ўзбекистонда Галина Шамрай, Саади Элвира Фуадовна, Лилия Кушнарченко, Роза Галиева, Бернара Бабаджанова, Ирода Собирова, Луиза Галиулина, Оксана Чусовитина, Асал Сафарбоева, С.Мақсудова, Ишоқова, Розданова каби гимнастикачилар етишиб чиқди. Ўзбекистонлик аёл гимнастикачиси Элвира Саади Мюнхен олимпиадасининг олтин медали (1972) ва жаҳон чемпиони унвони (1974) билан тақдирланган бўлса, Ирина Бараксанова 1985 йил жаҳон чемпиони ҳамда 1986 йилги “Яхши ният ўйинлари” чемпиони бўлди. Ўзбекистонлик гимнастикачи Оксана Чусовитина спорт гимнастикаси бўйича Олимпия ўйинларида энг кўп иштирок этган (1992, 1996, 2000, 2004, 2008, 2012, 2016, 2020 й.й.) ер юзидаги ягона аёл гимнастикачи сифатида Гиннеснинг рекордлари китобига киритилган. Шунингдек, у 1992 йил Барселонада ўтган Олимпия ўйинлари олтин медали соҳиби, 3 карра Жаҳон чемпиони бўлган. Розалия Галиева ҳам Олимпия ўйинлари ғолиби бўлган. 1998 йилда Бангкокда ўтказилган мусобақаларда Э.Гордеева, А.Дзюндзяк, Б.Боятанова, С.Бабаева, С.Бахритдинова каби маҳоратли гимнастикачи қизлар иштирок этишган.

Бадий гимнастика – спорт тури, ўз шаклланиши ва ривожланишида спорт ва саънатдан энг яхши хислатларни ўзига мужассам қилган. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Француа Делсартнинг ифодали гимнастика студияси, Эмил Жак-Далкрознинг ритмик гимнастика, Жорж Деменининг рақс гимнастикаси ва Айседора Дунканнинг эркин рақс студиялари жуда катта оммавийликка эришган. Уларнинг ижодий мероси бутун дунёда тан олинди ва бадий ҳаракатнинг янги йўналиши ривожланишига асос бўлди. Айнан шу, қизлар учун спорт турини юзага келишининг бошланиши бўлди.

Бадий гимнастикада буюм (тасма, копток, ҳалқа, арғамчи) билан ва буюмсиз турли нафис гимнастика ва рақс машқларини мусиқа остида бажариш бўйича аёллар мусобақалари ўтказилади.

Халқаро спорт мусобақаларининг ҳозирги замон дастурида кўпкураш (битта мажбурий ва буюмлар билан учта эркин машқлар) ҳамда



буюм билан гуруҳ бўлиб эркин машқлари мавжуд. Голиблар кўпкурашда, алоҳида ва гуруҳ бўлиб бажариладиган машқларда аниқланади. Спортчиларнинг машқлари 10 балли тартиб бўйича баҳоланади.

1940 йиллардан бадий гимнастика мусобақалари ўтказила бошланган. Ўтган асрнинг 50-йиллар охирида Халқаро гимнастика федерацияси (ФИЖ) бадий гимнастикани спорт тури сифатида тан олди. 1963 йилдан тоқ йиллари жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда, 70-йиллар бошидан Интервидение Кубоги учун йирик халқаро мусобақалар ташкил қилинмоқда. 1984 йилдан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган.

Ўзбекистонда бадий гимнастикачилари терма жамоаси 1991 йил Симферополда ўтган иттифок чемпионатида 1-ўринни қўлга киритган. 1996 йилда Осиё чемпионати (Хитой), 1997 йил Жаҳон чемпионати (Германия)да иштирок этган.

Ўзбекистонда бадий гимнастикага қизларнинг шижоати-шавқи, чаққонлиги-ю орасталиги, жисмонан чиникиш ва спорт билан тобланишида жуда аҳамиятли, нафис ҳаракатларини янада жозибали кўрсатиш, тана аъзолари кўркамлиги-ю нафислигини таъминлаш, уларни соғлом вояга етишига замин ҳозирлайдиган спорт тури сифатида қаралади. Янги Ўзбекистон шароитида бадий гимнастика бўйича спорт иншоотларининг қурилиши, спорт мураббийларига берилаётган кенг имкониятлар, моддий-техник базасининг яхшиланиши янги муваффақиятлар олиб келмоқда. Ўтказилаётган мусобақалардан ҳам кўриш мумкинки, кундан-кунга иштирокчиларнинг сони ва маҳорати ошиб бормоқда. Нафақат шаҳар, туман марказлари, балки чекка қишлоқларда ҳам спортнинг бу турига қизиқиш ва эътибор кучайган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан зиёд қизлар спортнинг нафис тури бўлмиш бадий гимнастика билан шуғулланиб келмоқдалар. Ўзбекистонда бадий гимнастика мактабидан Жамила Раҳматова, Замиражон Санокулова, Севара Сафоева, Тахмина Икромовна, Анастасия Сердюкова, Марта Ростобурова, Зарина Қурбонова, Лера Давидова, Самира Амирова, Наталя Усова, Мишел Нестерова, София Усова каби бадий гимнастикачи қизлар бу спорт

турининг гўзаллигини намоён қилиб, уни қизлар орасида кенг тарғиб қилмоқдалар.

Акробатика – (юн. Akrobotes – оёқ учидан юраман, юқорига чиқаман) – сакраш, спорт ускуналарига таяниб ёки уларсиз мувозанатни сақлаб бажариладиган, куч, эпчиллик намоён қилинадиган ва бошқа махсус жисмоний машқлар мажмуаси, спорт тури. Спорт акробатикаси XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди. Бу спорт турида сакраш машқлари қуйидагича бажарилади: айланишлар, ўмбалоқ ошишлар, салто. Бу ҳаракатларни бажарганда спортчи, аввало, ўз мувозанатини, сўнг шерикларининг мувозанатини сақлаши зарур. XVIII аср охирларидан циркда кенг тарқалди. Асосан, динамик ва статик машқларга бўлинади. Динамик машқлар ўмбалоқ ошиш, тўнтарилиш, салто (турган жойда муаллақ ҳолда ўмбалоқ ошиб, яна ўз вазиятига қайтиш) ҳаракатларидан; статик машқлар турли вазиятда мувозанат сақлаш, чалқанчасига ағдарилиб, гавдани “кўприкча” қилиш каби машқлардан иборат. Акробатика спорт турида хотин-қизлар фаол қатнашади. Халқаро спорт акробатикаси федерациясига 1973 йил асос солинган бўлиб, унга 73 та мамлакат аъзо сифатида қабул қилинган. Акробатика спорт тури бўйича 1974 йил илк жаҳон чемпионати ўтказилган.

Ўзбекистонда акробатика спорти 1936 йилдан бошлаб ривожланиб бошлаган. 1939 йил спорт акробатикаси Ўзбекистонда мустақил спорт тури сифатида эътироф этилган. Тошкентда 1943 йилда Республика ўқувчилар саройи қошида акробатика тўғараги ташкил этилди, бу тўғарақда 30 нафардан зиёд қизлар собиқ Иттифокда хизмат кўрсатган спорт устози Н.И.Лакиза раҳбарлигида шуғилланишган. Ўзбекистон Республикасида Н.Лакиза, М.Қодирова каби машҳур акробатчи аёллар эътироф этилади.

Акробатика турлари куч акробатикаси (қўлда ёки бошда туриб мувозанат сақлаш), сакраш акробатикаси (икки ёки ундан ортиқ кишининг сакраши, флик-фляк, салтомортале, гилдираксимон сакраш ва б.), елка акробатикаси (3 кишидан кам бўлмаган ҳолда, улардан бири елкадан елкага сакрайди), комик акробатика (масхарабозлар гримда чиқиб тасодифан қоқилиб кетгандек бўлиб, томошабинларни

кулдиради, дор, турник, батут ва манеж устида кулгили машқлар бажаради) ва бошқалар. Яна акробатика ўйинлари мавжуд. От устида акробатика (чошиб кетаётган от устида машқлар бажариш) – замонавий циркда асосий жанрлардан бири. Ўзбекистон цирк ва эстрада дастурларида акробатикадан кенг фойдаланилади. Махсус (цирк, театр) ўқув юртларида акробатика алоҳида дарс сифатида ўқитилади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА — спортнинг энг оммавий турларидан бири; турли масофаларга югуриш, спортча юриш, сакраш (баландликка, узунликка, уч ҳатлаб, лангарчўп б-н), улоқтириш (найза, лаппак, босқон), ядро иргитиш, кўпкураш (ўнкураш, еттикураш) машқларини ўз ичига олади. Енгил атлетикада 50 дан зиёд машқ бор, улардан 49 таси Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Гомернинг “Илиада”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” ва бошқа китобларда енгил атлетика машқларига оид маълумотлар учрайди. Қадимги Олимпиада ўйинларида (милoddан аввалги 776 йилдан милodий 394 йилгача) асосан енгил атлетика бўйича мусобақалар уюштирилган. Замонавий енгил атлетиканинг ривожланишида 19-асрда Англияда (1837 йилдан) мусобақалар, Афинада (1859 йилдан) умумгрек ўйинлари ўтказилиши ва олимпиада тикланиши (1896 йилдан)нинг аҳамияти катта бўлди. 1912 йилда Халқаро ҳаваскор енгил атлетикачилар федерацияси (IAAF) тузилган, унга 200дан ортиқ мамлакат аъзо (Ўзбекистон Енгил атлетика федерацияси 1993 йилдан аъзо). IAAF 1977 йилдан жаҳон кубоги (ҳозирги кунда Гран-при мусобақалари), 1983 йилдан жаҳон биринчилиги мусобақаларини ўтказиб келади. Енгил атлетика АҚШ, Буюк Британия, Германия, Куба, Хитой каби мамлакатларда яхши ривожланган.

Ўзбекистонда енгил атлетикага қизиқиш 1885 йилда Марғилонда шу турга мослаштирилган ўйингоҳ барпо этилгандан кейин кучайди. Тошкентда 1902 йилдан енгил атлетика мусобақалари, 1919 йилдан мамлакат биринчиликлари, 1927 йилдан спартакиада ўтказила бошлаган. Ўзбекистонлик енгил атлетикачилар 1952 йилдан Олимпиада

ўйинларида қатнашади. Олимпиадаларда аёллардан Марина Шмонина (4x100 м га эстафетали югуриш, 1992) олтин медалга сазовор бўлган бўлса, ўз даврида Роза Бабич (200 м.га тўсиқлар оша югуриш) ва Татьяна Бирюлина (найза улоқтириш) жаҳон рекордини янгиллаган. Осиё ўйинларида 1994 йилда Светлана Мунькова (баландликка сакраш), Оксана Яригина (найза улоқтириш), олтин медал билан тақдирланган.

Босқон улоқтириш – Босқон улоқтириш тури қадимий тарихга эга бўлиб, ўз номи билан улоқтириш спорти. Рус тилида молот (кувалда яъни катта болға)ни темирчи усталар ишлатган бўлиб, Ирландияда улоқтирилган ва шу тариқа бу спорт пайдо бўлган. Ўша замонларда темирчи болғасини улоқтириш бўйича кучли полвонлардан Кучелейни кучлилардан бири бўлган. Босқон улоқтириш бўйича мусобақа 1928 йил ва 1932 йиллар Олимпия ўйинларида қўлланилган. Патрик Окаллахан икки марта ғолиб бўлган. Кейинчалик Англияда босқон ўрнида тўқмоқ улоқтириш бўйича мусобақалар ўтказилган. Дастлаб мусобақаларда турган жойидан, югуриб келиб ҳамда айланишларни чексиз бажаришга рухсат этилган. Ўлчаш эса улоқтирганда охириги ўнг оёқдан ўлчанган ва улоқтириш хоҳлаган томонга бажарилган. Бу ҳакамларга ҳамда мухлисларга ҳам хавфли бўлган. Босқон снаряди тарихда жуда кўп ўзгаришларга дуч келган. Дастлаб ёғоч сопли бўлган, кейинчалик эгилувчан жисмлардан ясалган, босқоннинг ўзи эса тўрт бурчак ўрнига шарсимон кўрғошиндан ясалган. Кейинчалик дастаси занжир ва вақт ўтиб, симли икки қўл билан ушлаш дастаси тайёрланган. Икки қўл билан улоқтириш яхши натижа бермаган.

Диск улоқтириш – Қадимги Юнонистонда эрамиздан олдинги Олимпия ўйинларида диск улоқтириш бўйича мусобақалар оммавий ва қизиқарли бўлиб, ўша замонларда диск тошдан, тахтадан, бронза ва мис каби материаллардан тайёрланган. Ўша даврда дисклар турли оғирликларда бўлиб, 1,25 кг дан 6 кг.гача бўлган. Диаметри 16 см.дан 34 см.гача бўлган. Диск ўлчамлари 70x80 см бўлган мармар тош устида жойидан туриб улоқтирилган.

Илк замонавий олимпия ўйинларида пентатлон, яъни бешкураш таркибида



бўлган. 1897 йил АҚШда дискни доира ичида улоқтиришни бошлашган. Мусобақа қоидаларига кўра айлананинг диаметри 213 см.ни ташкил этган. Аммо бу спортчиларга ноқулайлик туғдириб, қоидалар бузилишига сабаб бўлган. Шу боисдан 1910 йил айлана 218 метрга ўзгартирилди. 1908 йилги Олимпия ўйинларида 2 кг.ли диск улоқтирила бошланди. 1925 йилдан бир ярим айланишдан улоқтириш бошланди. Бунда спортчи улоқтириш томонга ён томон билан туриб бир ярим айлана туриб улоқтирган. Биринчи жаҳон рекордчиси бўлиб америкалик Д.Дункан 1912 йил дискни 47.58 см.га улоқтирган ва унинг рекорди 12 йил сақланиб турди. 1929 йил америкалик Э.Крентс дискни ўзининг янги усулида яъни айланиб сакраб 50.00 метрга улоқтирди ва шу тариқа диск улоқтириш бўйича натижалар йилдан йилга ўсиб бориб, 74.08 метрга ўсди. Бу натижа германиялик Юрген Шулт томонидан 1986 йил янгиланиб, у жаҳон рекордини ўрнатди. Аёлларда эса 76.80 м натижа Габриела Райнш томонидан қўлга киритилиб, у 1988 йил жаҳон рекорди ўрнатилди. Ҳозирги кунда германиялик спортчилар улоқтириш турларида етакчи ҳисобланишади.

Ядро улоқтириш – махсус спорт снарядининг қўлни силташ ҳаракати билан масофага улоқтириш бўйича мусобақа бўлиб, енгил атлетика дастурининг техник турларига киритилган. Спортчилардан портловчи куч ва мувофиқлаштириш(координация)ни талаб қилади. Бу 1896 йилдан бери эркалар учун, 1948 йилдан бери аёллар учун Олимпиада атлетика машқи ҳисобланади.

Наталя Венедиктовна Лисовская Олимпия чемпиони ва уч карра жаҳон чемпиони бўлган, 1987 йилдан ҳозирга қадар жаҳон рекордчиси (22,63 м) ҳисобланади.

Узунликка сакраш – қадимги Юнонистонда пентатлон бешкураш таркибига кириб, мусобақалар ўтказилди. 1860-йил Англияда Оксфорд унверситети талабалари ўртасида спорт мусобақаларида узунликка сакраш бўйича ҳам мусобақалар ўтказилган. Биринчи қайд қилинган рекорд 5.95 см бўлган. 1968 йил англиялик А.Тосуел 6.40 см.га сакраган.

Узунликка сакрашнинг қуйидаги усуллари бўлиб, 1900 йилда “қайчи” усули пайдо бўлган.

1920 йил финландиялик спортчи Туулос “кўкракни кериб” усулини намоёниш қилди. 1874 йил Д.Рейн 7.05 см. натижа билан жаҳон рекордини ўрнатди. 1935 йил Ж.Овенс 8.13 см натижа кўрсатиб, ўрнатган жаҳон рекорди 1960 йилгача турди.

1968 йил Мехико Олимпиядасида америкалик Боб Бимон 8.90 см.лик натижа кўрсатиб рекордни янгилади. 1991 йил америкалик спортчи Майк Пауел 8.95 см натижа билан жаҳон рекордини ўрнатди ва ҳозирги кунда ҳам эркаларда жаҳон рекорди ҳисобланади. Аёлларда жаҳон рекорди 1928 йилдан бошлаб қайд этила бошлади. 1928 йил К.Хитомен 5.98 см натижани кўрсатган. Ҳозирги кунда собиқ иттифоқ спортчиси Галина Честикова 7.52 см натижаси билан жаҳон рекордини ўрнатган.

Бу спорт тури бўйича Ўзбекистонда Анастасия Сергеевна Журавлева (халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон рекордчиси, Марказий Осиё ўйинлари уч карра ғолиби, уч карра Осиё чемпиони) Асила Мирзаёрова (икки карра Жаҳон чемпиони, Ханчжоу-2022 Пара Осиё ўйинларида олтин ҳамда Токио-2020 ёзги Паралимпия ўйинларида кумуш медали соҳиби, Париж-2024 Паралимпия рекордчиси), Давронова Шарифа Жамшеровна (Ханчжоу-2022 ёзги Осиё ўйинларида олтин медали соҳиби) каби аёл спортчилар етишиб чиққан.

Эстафетали югуриш – Енгил атлетика турлари орасида эстафетали югуриш тури жамоавийлиги ва ҳис-ҳаяжонга бойлиги билан ажралиб туради. Эстафетали югуриш мусобақалари стадионда ва стадиондан ташқарида (боғ, хиёбон, шаҳар кўчалари ва бошқа жойлар) ўтказилиши мумкин бўлган ўзига хос турдир.

Эстафетали югуриш бўйича дастлабки мусобақалар XIX асрда ўтказилган. Эстафетали югуриш тури 1908 йили Лондонда ўтказилган IV Олимпиада ўйинларида илк бор мусобақалар дастурига киритилган. Унда 200+200+400+800 м масофаларга эстафетали югуриш мусобақалари ўтказилган. Эстафетали югуриш бўйича биринчи ғолиб жамоа АҚШ ҳисобланади. Улар мазкур масофани 3:29.4 натижа билан югуриб ўтадилар. Иккинчи бўлиб Германия ва учинчи ўринни эса Венгрия жамоалари қўлга

киритади. Навбатдаги Олимпиада ўйинларида (Стокгоlm, 1912 йил) эстафетали югуришнинг иккита тури мусобақалар дастурига киритилади. Унда спортчилар 4x100 ва 4x400 м. масофага югурадilar. Унда Буюк Британия вакиллари 4x100 м. масофага 42.4 натижа кўрсатиб ғолиб бўладilar. 4x400 м. масофага эса АҚШ жамоаси 3:16.6 натижа кўрсатиб ғолиб бўладilar. Йилдан-йилга эстафетали югуриш масофаларида натижаларнинг ўсиб бораётганини кузатиш учун Пекин-2008 Олимпиада ўйинларида худди шу юрт вакиллари кўрсатган натижаларни келтириб ўтишнинг ўзи кифоя. Яъни Буюк Британия жамоаси 4x100 м. масофани 38.07 ва АҚШ вакиллари эса 4x400 м. масофани 2:55.91 натижа билан якунлаб мусобақалар олтин медалларига сазовор бўладilar.

Аёллар ўртасида эстафетали югуриш дастлаб Амстердамда ўтказилган IX Олимпиада ўйинларида мусобақа дастурига киритилади. Унда аёллар жамоаси 4x100 м. масофага югуриши талаб этилади ва шу масофага илк бор Канада аёллар жамоаси 48.4 натижа билан ғолибликни қўлга киритадилар. Иккинчи ўринни АҚШ ва учинчи ўринни эса Германия жамоалари эгаллайдилар. Аёллар ўртасида 4x400 м. масофага югуриш бўйича дастлабки мусобақалар 1969 йилдан ўтказиб келинади. 4x400 м. масофага эстафетали югуриш бўйича биринчи расмий рекорд Буюк Британия жамоаси томонидан ўрнатилган (3.30:8). 4x100 ва 4x400 м. масофаларга эстафетали югуриш бўйича рекордлар Германия ва АҚШ жамоалари томонидан бир неча бор янгиланган.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ – соғлиқни мустаҳкамлашга, одам организмини уйғун равишда ривожлантиришга қаратилган умумий тарбиянинг узвий қисми. Жамиятдаги жисмоний маданиятнинг аҳволини билдирувчи кўрсаткичлардан бири. Жисмоний тарбиянинг асосий воситалари: жисмоний машғулотлар, организмни чиниқтириш, меҳнат ва турмуш гигиенаси. Жисмоний тарбия ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия билан қўшиб олиб борилади. Ибтидоий даврдан бошлаб жисмоний тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Дастлаб жисмоний машқлар турли ўйинлар, меҳнат

жараёнлари, овчилик, ҳарбий ҳаракатларга ўхшатиш мусобақалар ва синовлар шаклида мавжуд бўлган, турли маросимларни акс эттирган. Кейинчалик ёшларни қиличбозлик, чавандозлик, камондан отиш, яккама-якка кураш маҳоратига ўргатиш жамиятнинг асосий вазифаларидан бирига айлана борган. Уйғониш даврида жисмоний тарбияга эътибор янада кучайди. Гуманистлар жисмоний тарбияни ўқув дастурига киритишга уринганлар. Жисмоний тарбияга ўрта асрларда Европада оилавий тарбия ва мактабдаги педагогик жараённинг муҳим қисми сифатида қарала бошланди.

Ўзбекистонда жисмоний тарбияга жуда қадимдан саломатликни мустаҳкамлашнинг асосий воситаси деб қаралган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида 100 дан зиёд халқ ўйинлари тўғрисида маълумот берилган. “Алпомиш” ўзбек халқ қаҳрамонлиқ достони, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, Зайниддин Восифийнинг “Бадое ул-вақое” (“Нодир воқеалар”), Бобурнинг “Бобурнома” асари ва б. да жисмоний, жанговар машқлар, кучлилик баҳс-мунозараларининг хилма-хил намуналаридан хикоя қилинади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларига келиб жисмоний тарбия ва спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1992 й. да (2000 йилда эса янги таҳрирда) “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, 1993 йилда “Соғлом авлод” давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида спорт турларини ривожлантиришга оид ва ниҳоят, 1999 йилда “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори жисмоний тарбиянинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Жисмоний тарбиянинг кенг тармоқли тизими: оилавий-мактабгача давр (чақалоқликдан бошлаб боғча ёшидаги), мактаб ёши, ўрта махсус ва олий таълим даври ҳамда катта ёшдаги (эркак ва аёл)лар жисмоний тарбиясини ўз ичига олади. Ўзбекистонда умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия педагогик жараён ҳисобланиб, жисмоний тарбия дарслари, спорт секцияларидаги машғулотлар орқали амалга оширилади. “Умумий ўрта таълим мактаблари учун жисмоний тарбиядан давлат таълими



стандартини” бўйича 1-9-синфларда ҳафтасига 2 соатдан жисмоний тарбия дарслари жорий этилган. Ўқувчи-ёшлар ўртасида жисмоний тарбияни янада оммалаштириш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1999 й. да махсус тест синовлари ишлаб чиқилди. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун 3 даражали “Алпомиш” ва “Барчиной” нишонлари таъсис этилди. Халқ ўйинлари ва оммавий спорт турлари бўйича ҳар 2 йилда “Алпомиш ўйинлари” фестивали ҳамда “Тўмарис ўйинлари” ўтказиб келинади. Жисмоний тарбиянинг илмий-амалий асослари ва шу соҳа мутахассислари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, олий ўқув юртли факултетлари ҳамда бўлимларида тайёрланади. Республикада 6 та олимпия ўринбосарлари билим юрти, 8 та олий спорт маҳорати мактаби ва 369 та болалар-ўсмирлар мактабида ҳам ўқувчиларга жисмоний тарбиядан сабоқ берилади. “Ёшлик” кўнгилли спорт ташкилоти, “Ватанпарвар” мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти, “Динамо” спорт клуби каби спорт жамиятлари аҳолининг турли қатламларини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга хизмат қилади.

КАМОНДАН ОТИШ – энг қадимги ов қиролларидан ҳисобланган камондан ўқ отиб, уни нишонга аниқ теккизишни назарда тутувчи спорт тури. Инсоният тарихидаги мусобақа ва беллашувларда, жанг майдонларида кенг қўлланган. Ҳудудий фарқларига кўра Осиё минтақасида кичик ва отда олиб юришга қулай камонлардан фойдаланилган, Европада йирикроқ ва оғир камонлар қўлланган бўлса, Америка ҳиндулари ҳам ўз ҳудуди анъаналаридан келиб чиқиб ов учун мосланган ингичка камонлардан фойдаланишган. Японияда ҳозирги кунгача сақланиб қолган камон тури Кюдо ҳисобланади.

Камондан отиш спорт тури сифатида XV асрда Швейцарияда пайдо бўлган. Илк мусобақалар асосан рицарлар ва зодаган оила вакиллари томонидан ташкил этилган. Энг узоқ масофага аниқ ўқ узган спортчилар ғолиб бўлган. Мусобақаларнинг ҳозирги қоидалари XIX аср охирида ишлаб чиқилган ва ҳозирги

кунга қадар кўплаб ўзгаришлар ва қўшимча қоидалар киритиб келинмоқда.

Камондан отиш спорт тури илк олимпия спорт турларидан ҳисобланади ва аёл спортчилар 1900 йилги Париж Олимпиада ўйинларидаёқ мазкур спорт тури бўйича иштирок этишган. Сент-Люисда бўлиб ўтган 1904 йилги Олимпия ўйинларида АҚШ аёллар жамоасининг 3 нафар спортчиси бирваракайига совриндор бўлди. 1931 йилда Халқаро камондан отиш федерациясига асос солинган бўлиб, унга 127 та мамлакат аъзо ҳисобланади.

Ўзбекистонга ушбу спорт тури ўтган асрнинг 60-йиллари охирида кириб келди ва қисқа вақт ичида 1980 йилги Москва Олимпиадасида тошкентлик Наталя Бутузова юртимизга биринчи кумуш медални олиб келган. Мустақилликдан сўнг 1991 йилда Ўзбекистон камондан отиш федерацияси Халқаро федерацияга аъзо бўлди. Ўзбекистонлик Наталя Бутузова, Олга Рогова, Вадим Шикаров, Сурайё Вакилова, Елдор Сайфулин, Замир Ахмедов каби камончилар жаҳон, қитъа ва бошқа нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб келишган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги “Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5149-сонли қарори асосида камондан отишни миллий спорт тури сифатида кенг ёйиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва селекция тизимини яратиш, ёшларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш, бу борадаги халқаро рейтингларда мамлакат нуфузини ошириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари тизимли йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 2023 йил 15 ноябрда Таиландда ўтган турнирида камондан отиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Зиёдахон Абдусатторова муваффақиятли иштирок этиб, мустақил Ўзбекистон тарихида камондан отиш спорт туридан биринчи бўлиб Париж Олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди. Ҳозирги кунда турли ёш тоифасида камондан отиш спорт туридан Республика мусобақаларида 220 га яқин спортчи иштирок этаётган бўлса, шулардан 74 нафарини аёллар ташкил этмоқда. Бу эса олдинги йиллардагига нисбатан 2 баробар кўп демек.



КУРАШ – ўзбекча сўз бўлиб, ҳалол йўл билан мақсадга эришиш, деган маънони билдиради. Қадимдан у миллий байрам, тўй ва зиёфатларда намойиш этиладиган жисмоний кўнгилочар мусобақа сифатида машҳур бўлган. Кураш асрлар давомида ўзбек халқининг энг оммавий ва сеvimли миллий ўйинлари қаторида эъзозлаб келинган. Кураш якка курашнинг энг қадимий тури бўлиб, 3500 йиллик тарихга эга ва унинг илдизи замонавий Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Курашимиз тарихини илмий исботлаб берадиган бир қанча ашёвий далиллар мавжуд. Чунончи, Панжикентдан топилган курашаётган икки паҳлавоннинг деворий расми Сугдиёна давлатчилигига, яъни ўрта асрлар даврига оид ноёб ёдгорлик саналади. Сурхон, Зарафшон воҳалари, Фарғона водийси ва Сармишсой дарасидаги қадимги аҳоли манзилгоҳларида аниқланган ноёб топилмалар, асори-атиқалар, қоятошларга битилган тасвирий санъат намуналарида акс этган курашга оид манбалар уч ярим минг йиллик тарихга эга.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг машҳур “Девону луғатит-турк” китобида полвонлар бир-бирини белидан ушлаб оёғи ёрдамида рақибини кўтаргани ҳақида ёзади.

Шарқ адабиёти дурдоналари ҳисобланмиш “Шоҳнома”, “Қобуснома”, “Зафарнома”, “Бобурнома”, “Абдулланом” сингари асарларда ҳам полвонлар сийрати-ю киёфасига оид ёрқин чизгилар, уларнинг маънавий оламини безовчи сержило рангин тасвирлар, таъриф тавсифлар акс этган. Кураш Амир Темур лашкарлари учун жисмоний тарбия, куч-қудрат манбаи бўлган.

Маълумки, ўзбек кураши IX-XIII асрларда гуркираб ривожланган. Шу даврлар ичида, кураш халқнинг энг сеvimли кўнгилочар машғулоти туридан бирига айланган. Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Дарвешмуҳаммад каби полвонлар ўзбек курашининг довуғини айнан уша даврларда кенг таратишган.

1992 йилдан бошлаб нуфузли беллашувлар бошланиб кетди. Шаҳрисабзда Амир Темур, Сурхондарёда Ат-Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд, Андижонда Бобур Мирзо, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб Президент соврини учун ўтказилган халқаро турнирлар ўзбек курашининг юксак даражага

кўтаришда, жаҳон спорт оламига янги тур бўлиб киришига катта ҳисса қўшди.

1998 йил 6 сентябрда Лотин Америкаси, Европа ва Осиё қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конгрессида “Кураш халқаро ассотсиацияси (КХА)” тузилганлиги, халқимизнинг миллий қадрияти “Кураш” номи билан жаҳон майдонида чиққанлиги эътироф этилди.

Халқаро Кураш институти 2000 йил 4 декабрь куни 12 та давлат федерациялари таъсисчилигида ташкил қилинди ва 2001 йил 28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат руйхатидан ўтказилди.

2017 йилда Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев Кураш Халқаро Ассотсиациясининг “Фахрий президенти” этиб сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрда “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 4-ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Аёллар кураши – яккакураш спорт турларига киради. Унда икки спортчи белгиланган қоидалар асосида кураш олиб боради. Кураш ёшлар ва катталар ўртасида 30 сониялик танаффус билан 3 дақиқадан 2 давр давом этади. Аёллар курашида қуйидаги вазн тоифалари мавжуд: -50; -53; -55; -57; -59; -62; -65; -68; -72; -76 кг. Олимпия вазн тоифари -50; -53; -57; -62; -68; -76 кг.

Кураш махсус гиламда олиб борилади. Унинг ўлчамлари – 12х12 м, диаметри 9 м ли айлана бўлиб, 1 м ли пасив ҳудуд ажратилган бўлади. Ҳимоя ҳудуди – 1.5 м. Гилам ердан 110 смдан баланд бўлмаган ва 80 см.дан паст бўлмаган платформага ўрнатилади.

Аёллар кураши спорт кийими қизил ва кўк рангли кураш триколари ва махсус оёқ кийими ҳисобланади. UWW қоидаларида қулоқни ҳимояловчи қулоқчиндан фойдаланишга рухсат беради. Аёллар кураши қоидалари Эркин кураш қоидалари билан бир хил.

Аёллар кураши спорт тури бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати 2003 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган. Аёллар кураши



спорт тури бўйича биринчи Жаҳон чемпионати 1987 йил Норвегиянинг Лоренскоге шаҳрида ўтказилган.

Аёллар кураши спорт тури бўйича 50 кг вазн тоифасида Кеунимжаева Ақтенге Кази қизи Париж-2024 Олимпия ўйинлари лицензиясини қўлга киритган илк ўзбекистонлик аёл, Лайлохон Собирова Арслонбек қизи эса 2022 йилги ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони бўлган илк ўзбекистонлик аёл ҳисобланади.

Белбоғли кураш – ўзбек халқ якка курашининг бир тури. Туркий халқлардан ўзбекларда унинг жозибали қонун-қоидалари мавжуд бўлиб, жумладан, рақибини қайирмай, чалмай ёки оёғидан қокмай, дангал кўтариб йиқитиш шундай қоидаларидан эди.

Қадимги Хитой манбаларида ёзилишича, чинлик сайёҳлар қадимги Парканада (ҳозирги Фарғона водийсида) бўлганларида, Наврўз байрамларида полвонларнинг катта давралардаги беллашувларини томоша қилишган. Анъанага кўра, бу норасмий кураш тури бўлиб, беллашувлар муддати чекланмаган, полвонлар бир-бирларини йиқитмагунча баҳсни давом эттираверганлар.

Қадимдан халқ сайллари, байрамлари ва тўйларининг кўрки бўлган белбоғли кураш мусобақалари, беллашувдан аввал юрт оқсоқоллари ва улуғларидан байрамона дуо олиб, майдонга тушадилар. Бу кураш турида миллатимизга хос бўлган ўзбекона лутф, мардлик ва ҳалимлик ўз ифодасини топган. Беллашувда ғолиб чиққан полвон йиқилган рақибини ҳурмат билан ўрнидан турғазиб қўяди. Енгилган полвон ҳам рақибига тан бериб, унинг елкасига қоқиб қўяди. Бу ҳам миллатимизга хос мардлик, адолатпарварликни, ўзидан кучсиз инсонни ҳам ҳурмат қилишга ўргатади.

Белбоғли курашда полвонларнинг қўли белбоғдан узилиб кетмасдан амалга оширилади. Белбоғли курашчилар бир-бирини белларидаги белбоғларидан ушлаб курашадилар. Агар белбоғдан қўллари чиқиб кетса, оёқларини ердан узмасдан чил берса ва йиқитса, бу ҳолат ғирром ҳисобланган ва огоҳлантириш жазо баҳолари берилади. Белбоғли курашчилар мусобақа давомида ҳалол, ёнбош, чала, жазо, ғирром билан баҳоланади. Белбоғли курашнинг

кийими Ўзбекистон байроғига ўхшаш бўлиб, устки томони кўк-яшил рангдаги ҳар иккала томонини ҳам кийиш мумкин. Кийимнинг пастки қисми оқ рангда бўлиб, белбоғидан фарқ қилади.

Халқ сайиллари, байрамлари ва тўй-маракалари кўрки бўлган белбоғли кураш ўтган асрнинг 20 йилларидан спорт тури сифатида тан олиниб, енгил, ўрта, ўрта-оғир, оғир вазн тоифаларига бўлинган ҳолда мусобақалар ташкил этилган. Жумладан, белбоғли кураш спортчилари 1928 йилда ўтказилган Собик Иттифоқ халқлари спартакиадаси дастурида ҳамда 1932 йилги бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Спартакиадасида ҳам бошқа халқлар қатори ўзининг кўргазмали чиқишларини намойиш қилишган. 1970 йиллардан бошлаб белбоғли кураш ўша пайтдаги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси реестрига спорт тури сифатида киритилган. 1972 йилдан бошлаб ушбу спорт тури бўйича “Спорт устаси” унвони берила бошланди. Ўзбекистон чемпионатлари, биринчиликлари, хотира турнирлари ўтказиш йўлга қўйилди. XX асрнинг 70 - йилларида Ўрта Осиё чемпионати ташкиллаштирилиб, унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Қозоғистон Республикалари полвонлари иштирок этганлар.

Белбоғли кураш Бутунжаҳон курашлар олами (UWW) аъзо бўлиб, халқаро майдондаги имкониятлари янада кенгайишига эришилди. Мазкур спорт турини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида соҳа фаоллари ва фахрийлари томонидан мунтазам равишда махсус адабиётлар нашр этиб келинмоқда.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Кураш факултетида “Миллий кураш турлари назарияси ва услубияти” кафедраси фаолият юритиб, унда кураш ва белбоғли кураш ихтисослиги бўйича таниқли мураббийларнинг тайёргарлик машғулотларида талабалар кураш сабоқларини ўрганиб келмоқда.

Дзюдо – спорт яккакурашларидан бири ҳисобланади (японча: dzyu – юмшоқ, do – йўл). Дзюдога Японияда профессор Дзигоро Кано (1860–1938) 1882 йилда асос солган. Дзюдони жисмоний баркамолликка етаклайдиган спорт

тури сифатида шакллантирди. Дзюдочилар кимано (оқ калта камзул ва шолвор) кийиб, яланг оёқда татами (гилам) устида беллашадилар. Асосан аёлларда 7 вазн тоифаси: 48, 52, 57, 63, 70, 78, 78 + кг)да мусобақа уюштирилади, кураш аёлларда 4 минут давом этади. Тик туриб курашилганда рақиблар (чалиш, силтаб ташлаш, елкадан ошириб отиш ва ш. к.) усуллар қўллаб бир-бирларини татамига йиқитиб баҳо олишга ҳаракат қиладилар. Ётиб курашилганда қўл-оёқларни қайириш, оғритиш ва бўғиш усулларини қўллаб, рақибнинг елкасини татамига 20 секунд давомида босиб туриб енгилганга (енгилганини тан олишга мажбур этишга) рухсат этилади. Усуллар бажарилишига қараб, курашчиларга “вазари” ва “иппон” баҳолари берилади (“иппон” – соф ғалаба, 2 та “вазари” – ғалаба, инобатга олинади).

Дзюдо бўйича мусобақалар 1883-йилдан ўтказилади.

Халқаро дзюдо федерацияси (ФИЖ) 1956 йилда тузилган, унга 150 дан ортиқ мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон дзюдо федерацияси аъзо (1991). 1956 йилдан жаҳон чемпионати ўтказиб келинади, 1964 йилдан олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Ўзбекистонда дзюдо билан 20-асрнинг 80-йилларидан шуғулланилади. Дзюдонинг айрим жиҳатлари ўзбек курашига ўхшаш бўлгани учун тез оммалашди. Дзюдочиларимиз, айниқса, мустақиллик йилларида юқори натижаларга эришди, улар нуфузли мусобақаларда 30 дан зиёд медаль билан тақдирланишди. Жумладан, Сузанна Аҳмедова Осиё чемпионатида (1999) – бронза медалларини қўлга киритган. Диёра Келдиёрова 2024 йил 28 июль куни Париждаги Ёзги Олимпиада ўйинларида 1/16 финалда иппон баҳоси билан (10:1) япониялик Ута Абени мағлуб этди. Финалда Келдиёрова косоволик спортчи Дистрия Красничини мағлуб этиб, ёзги олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритган илк ўзбекистонлик аёл бўлди.

МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР.

Ҳар бир миллат ўтмиш аجدодларидан қолган маданий меросга эга бўлиб, унинг маданий бойликлари хазинасига халқ ўйинлари ҳам киради. Халқ ўйинлари ўзининг вужудга келиши

ва ривожланишига кўра ғайриоддий ҳодиса эмас, балки халқнинг ҳаётини образли, муайян акс эттирадиган ва жамият тараққиёти қонунларига ҳамоҳанг белгиланадиган фаолиятдир. Халқ ўйинлари халқ ижодиётининг ўзига хос жанри бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Уларда жамият ривожланишининг у ёки бу босқичидаги ижтимоий воқеалар аниқ акс этади.

Ўйинлар халқ томонидан яратилган ва кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеалар ҳамда ҳодисаларни образли акс этириб, уларнинг ҳаётий таассуротларини, кузатишларини, тажриба ва ҳиссиётларини гавдалантириб, ўзида сўз, мусика, рақс шакллари мужассамлаштирган.

Халқ ўйинлари мамлакатнинг миллий хусусиятларини, катта ёшли кишиларнинг феъл-атворини, одатларини, меҳнат жараёнларини, географик шароитларини ифодалайди. Шунга кўра, ўзбек халқ ўйинларини халқнинг ахлокий-эстетик тарихини, маданиятини, бошқа халқлар билан алоқаларини ўрганишнинг манбаларидан бири сифатида қараб чиқиш лозим.

Ўзбек халқ ўйинлари қадим замонларда вужудга келган. Буни археологик қазилмалар ва қадимги рим ёзувчиси Элианнинг этнографик материаллари ҳам тасдиқлайди. Чунки уларда саклар қабиласида ўйин-мусобақалар жуда кенг тарқалган ва улар халқнинг сеvimли одати бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Унинг гувоҳлик беришича, саклар қабиласининг йигитлари ана шу ўйин-мусобақаларда ўзлари енгган қизларга уйланиш ҳуқуқини олганлар.

Қадим замонлардаёқ Ўрта Осиёда яшовчи халқларда кураш, ўқ-ёй отиш, чавандозлик сингари жисмоний машқ турлари мавжуд бўлган. Грек тарихчиси Геродот хоразмийлар билан ёнма-ён яшаган саклар қабиласидаги моҳир мерганлар ҳақида бундай ёзган: “Саклар дунёдаги барча мерганлар орасида ўқни зое кетказмайдиган жуда моҳир мерганлар сифатида шуҳрат қозонган эди”. Рим ёзувчиси Кламент Александрийский (эр. ав. II аср) саклар қабиласининг аёллари ҳақида бундай деб ёзган эди: “Сак аёллари айёрлик билан қочиб кета туриб, от устида худди эркаклардай орқага ўқ узар эдилар”.

Миллий халқ ўйинлари орасида, айниқса, қадимий дорбозлик санъати алоҳида ажралиб



турган. Оммавий ва маҳаллий байрамлар, мавсумий бозорлар дорбозларсиз ўтмаган, дейиш мумкин. Регистонда, бозор майдонларида, чорсуларда дорлар қурилган. Карнай-сурнай ва ногора садолари томошаларнинг бошланишидан дарак бериб турган. Одамлар тўплангач, ўйинлар бошланган. Томошабинлар баланд қилиб тортилган арқон устида ўйнаётган дорбознинг дадил ҳаракатларини ҳаяжон билан кузатишган.

Бир вақтлар бизнинг ҳудудимизда ёғочоёқ ўйини оммавий равишда тарқалган. Ёғочоёқлар югуриб, сакраб, рақсга тушиб, карнай, сурнай каби миллий чолғу асбобларида куйлар ижро этиб, ажойиб томошалар кўрсатган. Мана шулар ҳақида “Бобурнома”да анчагина маълумотлар бор. Хоразмда эса “Таёқ ўйини” кенг тарқалган.

Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир вақтлар кўпроқ кўчманчи ва ярим кўчманчи элатлар яшаган ва уларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Чорвачилик билан ўтроқ деҳқонлар ҳам шуғулланган. Деҳқонлар молларни ер ҳайдашда, буғдой янчишда, дарё ва қудуқлардан сув тортишда ишлатганлар, шунингдек, чорва молларидан савдогар ва хунармандлар ҳам фойдаланганлар. Мана шулар туфайли “Подачи”, “Оқсоқ бўри ва кўйлар”, “Эчкилар ва чўпонлар”, “Оқ туя”, “Бўри келди” сингари қатор ўзбек халқ ўйинлари келиб чиққан.

Халқимиз орасида ҳайвонлар ва қушлар мавзусидаги жуда қизиқарли “Каптар ўйини”, “Чағалак”, “Юмронқозик”, “От ўйини” каби рақслар кенг тарқалган. Шунингдек, ўзбеклар орасида “Карнайми, сурнай”, “Нина, ип ва тугунча”, “Тапир-тупур қайрағоч”, “Қовоқ экиш”, “Хўрозлар жанги”, “Хўроз ва товуқ”, “Қоч, болам, қуш келди”, “Оқ теракми, кўк терак” каби ўйинлар ҳам машҳур бўлган. Халқ миллий ўйинларида бой ҳиссиёт ва кечинмаларни, Ватанни севиш, ҳимоя қилиш орзу-умидларини илғаш мумкин.

Миллий халқ ўйинлари мазмунига кўра **драматик** (ҳаётий, кулгили, кўшиқ ва рақсли ўйинлар) **мазмунли-ролли** (мазмунли-ҳаракатли, спорт ўйинлари), **ижодий** ўйинлар каби турларга ажратилади.

Драматик ўйинлар ўзбек халқининг қўғирчоқ театри негизини ташкил қилган қадимий

“қўғирчоқ ўйнатиш” санъати асосида пайдо бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Муайян бадий образни ифодаладиган қўғирчоқ мамлакат ва кишилар ҳаётидаги тарихий-маиший воқеаларни акс эттиради. Драматик ўйинлар кўпинча мусиқа жўрлигида ва қаҳрамонларнинг рақслари билан ўтказилади. Болалар катта ёшли кишиларнинг ҳаётини, меҳнат фаолиятини, табиат ҳодисаларини кузатиб, ўзлари кўрган нарсаларни ўйинларида тасвирлаганлар. Ҳаётни тасодифий равишда акс эттириш мазмунли-ролли, мазмунли-ҳаракатли ва спорт ўйинларига асос бўлган.

Драматик ўйинларга ўзбек халқ эртаклари ва афсоналари асос қилиб олинган, уларда иштирок этувчилар эса ҳайвон ёки қуш бўлсин, одам бўлсин, бадий образнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган шахслардир. Бунда ҳайвонот олами инсоний хусусиятларга ҳам эга бўлади. Эртақнинг мазмуни, қатнашувчи шахслар ўртасидаги кураш болани қизиқтиради ва унинг қалбини ром қилади.

Кулгили ўйинлар характер ва феъл-атворларни моҳирлик билан ёритишга, кишилардаги айрим салбий хатти-ҳаракатлар устидан енгил кулишга асосланган ўйинлардир. Бундай ўйинлар айбдорларни “жазолаш” ва шу билан бирга, кутилмаган ҳамда тасодифий элементларни киритиш мақсадида ташкил қилинади.

Кўшиқ ва рақсли ўйинлар халқ маданиятининг ўзига хос жанри, халқимизнинг миллий оғзаки, театр ва мусиқа анъаналари тарғиботчиси сифатидаги фолклорга асосланади. Улар халқимизнинг маънавий бойлигини, эстетик дидини ифодалайди.

Ижодий ўйинларни иштирокчиларнинг ўзлари халқ эртаклари ва афсоналари асосида яратади, уларнинг ижодий қобилиятларини фаоллаштирадиган шеър тўқиш, кўшиқ, рақс, имо-ишоралар, тақлид қилиш ва ш.к.лар асосида бажарилади.

ОҒИР АТЛЕТИКА – спорт тури, ҳар хил вазн тоифаларида оғир нарсалар (штанга, тош) кўтаришда мусобақалашиш. Оғирликларни кўтариш машқлари қадимги замонлардан маълум. Расмий мусобақалар эса 1860 йиллардан (биринчи марта АҚШда) ўтказиб

келинади. Ҳозирги вақтда штангани икки қўллаб даст ва силтаб кўтариш (1972 йилдан) оғир атлетиканинг асосий машқлари ҳисобланади. Даст кўтаришда спортчи штангани тўхтатмай бир ҳаракат билан, силтаб кўтаришда — кетма-кет иккита ҳаракатда — аввал кўкракка олиш, кейин эса юқорига чўзилган қўлларга кўтаришни амалга оширади. Оғир атлетикачиларни (1977 й.дан) 10 вазн тоифасига (52 кг гача — 110 кг дан юқори) ажратадилар. Оғир атлетика 1896 йилдан Олимпиада ўйинлари (1900, 1908, 1912 йилдан ташқари) дастурига киради. 1896 йил 1-Европа чемпионати, 1898 йил 1-жаҳон чемпионати бўлиб ўтган. Ўзбекистонда биринчи оғир атлетика тўғараги 1917 йилда Тошкент шаҳрида очилган, у “Тошкент оғир атлетика жамияти” деб аталган. Ўзбекистонда оғир атлетиканинг асосчиси Феоктист Гориздро ҳисобланади. Ўзбекистонда О.а федерацияси 1992 йилдан фаолият кўрсатади. У Халқаро оғир атлетика федерацияси — IWF га (1993), Осиё оғир атлетика федерациясига (1994) аъзо бўлган. Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси ҳар йили катталар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларини ўтказиши.

2005 йилда Ўзбекистон оғир атлетика федерациясининг ташаббуси билан Чирчиқ шаҳрида ўтказилган ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида илк бор оғир атлетика бўйича аёллар терма жамоаси қатнашди. Ўсмирлар ўртасида 63 кг вазн тоифасида Н.Мелникова иккикураш натижаси — 100 кг билан 5-ўринни, 69 кг вазн тоифасида Л.Худайкулова иккикураш натижаси — 103 кг билан 4-ўринни, 69 кг вазн тоифасида С.Чермашева иккикураш натижаси — 128 кг билан 4-ўринни эгалладилар. Ёшлар ўртасида 48 кг вазн тоифасида Э.Асланова иккикураш натижаси — 110 кг билан 2-ўринни, 48 кг вазн тоифасида С.Тагаева иккикураш натижаси — 69 кг билан 3-ўринни, 58 кг вазн тоифасида Э.Солиева икки кураш натижаси — 109 кг билан 5-ўринларни эгалладилар.

2006 йилнинг энг йирик мусобақаларидан Дохада (Қатар) бўлиб ўтган Осиё ўйинларида аёллар терма жамоасидан 69 кг вазн тоифасида Э.Рамилева иккикураш натижасига кўра (160 кг) 5-ўринни эгаллади.

2010 йилги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихида биринчи бор умумжамоа ҳисобида 4-ўринни эгаллади. 2013 йил Россиянинг Қозон шаҳрида Бутунжаҳон Универсиада ўйинлари бўлиб ўтди, унда 48 кг вазн тоифасида М.Тоғаева иккикураш натижасига кўра (173 кг) 4-ўринни эгаллади.

ОРГАНИЗМНИ ЧИНИҚТИРИШ — организмнинг ноқулай иқлим шароитлари (ҳавонинг паст ва юқори ҳарорати, паст атмосфера босими ва бошқалар) таъсирига чидамни ошириш тадбирлари. Организмни чиниқтиришни болаликдан бошлаш муҳим. Одам организми ўзгариб турадиган ташқи муҳит шароитларига мувофиқлашган ҳолда (қ. Адаптация) чиниқиб боради. Бирор омил (совуқ, иссиқ ва б.) нинг мунтазам, кўп марта таъсир этиши ва улар дозасини тобора ошира бориш йўли б-н чиниқтирувчи эффектга эришилади, чунки шундай шароитлардагина организмда мослашиш ўзгаришлари ривожланади. Чиниқтирувчи муолажалар тўхтатилгандан сўнг чиниқиш кучи пасаяди ва, одатда, 1-1,5 ойдан кейин бирор хил физик омилга чидамлилиқ йўқолади. Организмни совуққа чидамли қилишнинг амалда аҳамияти муҳим, чунки совқотиш жуда кўп ҳолларда ўткир респиратор касалликларга сабаб бўлади.

Офтоб, ҳаво ва сувдан оқилона фойдаланиш йўли билан ҳам организмни совуққа чиниқтириш мумкин. Хўл сочиқ билан артиниш, бошдан сув қуйиш, душ қабул қилиш, чўмилиш энг қулай ва таъсирчан сув муолажаларидан ҳисобланади. Уларни дастлаб уй ҳароратидаги сувдан бошлаш, сўнгра ҳароратни аста-секин пасайтириб, муолажа муддатини ошира бориш лозим. Атроф муҳит иссиқ бўлганда бундай ҳароратга одатланмаган одам организми иссиқлаб кетиши мумкин.

Организмни паст атмосфера босимида чиниқтириш мақсадида аксари тоғларга чиқилади. Организмни чиниқтириш режимини кишининг ёши, индивидуал хусусиятлари ва соғлиғига қараб шифокор белгилайди. Касаллик белгилари пайдо бўлган тақдирда организмни чиниқтириш вақтинча тўхтатилиб, киши соғайгандан сўнг яна давом эттирилади. Кекса



ёшдаги кишиларни чиниктиришни эҳтиётлик билан бевосита врач назоратида ўтказиш лозим. Бу ёшда организмни чиниктиришда жисмоний таъсирларга мослашувнинг ёмонлашишини ва муолажалардан кейин физиологик функцияларнинг бирмунча секин тикланишини ҳисобга олиш лозим. Бу ёшдаги кишилар учун ҳаво билан организмни чиниктиришнинг ҳар хил турлари – хоналарда, равонларда, дов-дарахтлар соясида ҳаво ванналари қабул қилиш, енгил кийимларда аста-секин сайр этишга ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жисмоний машқлардан кейин ҳўл сочиқ билан артиниш, бошдан сув куйиш ёки душга тушиш, ёзда эса сув ва ҳаво ҳарорати камида 20-22° бўлганда чўмилиш лозим. Болаларни чиниктириш ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялашга имкон берадиган асосий профилактик тадбирдир. Болалар соф ҳаво етишмаслигига жуда сезувчан бўлади. Узоқ муддатгача яхши шамоллатилмайдиган хоналарда бўлган болалар ланж, инжиқ бўлади. Уйқуси бузилади, иштаҳаси бўлмайд, боши оғрийди, кўнгли айниб туради, камқонлик рўй беради. Гўдак атроф-муҳитнинг физик омилларига аста-секин мослашади, чунки унинг муҳофаза реакциялари суст ривожланган бўлади. Нимжон ва касалманд болаларга, асосан, суст таъсир этадиган сув муолажалари: ҳўл сочиқ б-н артиб туриш, оёғига сув куйиш тавсия қилинади. Сув ҳарорати (35–36°) аста-секин пасайтириб борилади ва боланинг умумий ҳолати яхшиланганда, соғлом болалар учун тавсия этиладиган даражага етказилади.

СТОЛ ТЕННИС ЁКИ ПИНГ-ПОНГ

– кичик копток ва ракеткалар билан столда ўйналадиган спорт ўйини. Шарқий Осиёда пайдо бўлган. 20-асрнинг 20-йилларидан кўп мамлакатларга тарқалган. Дастлаб “пинг-понг” (французча: ping-pong – коптокнинг ракетка ва столга урилишида чиқадиغان овоз) деб аталган.

Стол тенниси бўйича жаҳон кубоги 1980 йилдан бери ҳар йили ўтказилиб келинади. 1996 йилда аёллар яқкалик баҳслари ва 1990 йилда эса жамоавий ўйинлар жаҳон кубоги баҳсларидан ўрин олган. Илк марта аёллар ўртасида 1996 йилда Ҳонг Конгда ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида Хитойлик Денг

Япинг ғолибликни қўлга киритган. У спорт тарихидаги энг буюк ўйинчилардан бири сифатида эътироф этилган. Ушбу спорт тури бўйича Ўзбекистонлик спортчилардан Манзура Иноятова, Саида Бурҳонхўжаева, Светлана Гета жаҳон чемпионатида (Доха ш., Қатар, 2004 йил март) 1-ўринни олиб, олтин медаллар билан тақдирланишди. Улар билан бирга Нодира Бурҳонхўжаева, Мадина Аюпова ҳам бир қанча халқаро турнирларда ғолиб бўлишган.

СУЗИШ СПОРТИ – сузиш спорти – расмий белгиланган масофага муайян усулда (эркин, брасс, баттерфлай ва чалқанча) турли масофаларга энг кам вақт сарфлаб сузиб боришни назарда тутувчи спорт тури. Сузиш спорти сув спорти турларидан бири ҳисобланади. Халқаро олимпия қўмитаси таснифига кўра, сув спорти турларига сузиш, сувга сакраш, синхрон сузиш, сув полоси ва очик сув ҳавзасида сузиш киради. Сузиш замонавий бешкураш ва триатлон спорт турларининг ҳам таркибий қисми ҳисобланади.

Сувда сузиш спорти тарихи 15–16-асрларга тўғри келади. Сузувчиларнинг дастлабки спорт мусобақалари 1515 йил Венецияда ўтказилган. Илк сузиш мактаблари 18-асрнинг 2-ярми ва 19-асрнинг бошларида Германия, Австрия, Францияда очилган. 19-аср охирида сунъий сув ҳавзалари қурила бошлагач, спортча сузиш оммалашиб кетди. 1890 йил сувда сузиш бўйича I Европа чемпионати ўтказилди. Сузиш 1896 йилдан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди (аёллар 1912 йилдан қатнашади). Халқаро ҳаваскорлар сузиш федерациясига (ФИНА) 1908 йилда асос солинган ва унга 130 дан ортиқ мамлакат миллий федерациялари аъзо.

Ўзбекистонда қадимдан сувда турли ўйин ва мусобақалар ўтказилган. Сувда сузиш спорти республикада 1924–1925-йиллардан ривожлана бошлади, чунки ана шу даврда бу ерда илк гидростанциялар пайдо бўлди. Чунончи, Тошкентдаги Бўзсув канали тўғон билан тўсилиб, сунъий сув омбори ҳосил қилинди ва 2 та сув станцияси қурилиб, сузиш ҳавзаси ва баландликдан сувга сакраш миноралари бунёд этилди.

1935 йилда Андижондаги сунъий сув ҳавзасида биринчи марта республика сув

спорт байрами, сузиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди, 1937 йилда Тошкентдаги Темирўлчилар истироҳат боғида очик сув ҳавзаси қурилиб, сузиш бўйича 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди. 1939-йилда Ўзбекистон Сузиш федерацияси тузилди. Ўтган асрнинг 60-йилларида Тошкентда (жисмоний тарбия институти, “Меҳнат резервлари” спорт жамияти, Армия спорт клуби қошида), Навоий шаҳрида, бошқа вилоятларда суви истиладиган ёпиқ ва очик сув ҳавзалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Республикада қобилиятли ёш спортчи сузувчилар етишиб чиқа бошлади. Олимпиада ўйинлари, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган С.Бабанина, Н.Устинова, С.Конов, С.Заболотнов, С.Искандарова спортнинг ана шу турида шуҳрат қозондилар. Ҳозир республикамизнинг вилоят ва туман марказларида 200 дан ортиқ сув ҳавзалари мавжуд.

ТОҒ ЧАНҒИСИ – қор билан қопланган тоғ ён бағирлардан махсус чанғиларда тушишдан иборат спорт тури, шунингдек, дунёдаги миллионлаб кишилар учун фаол дам олиш усули.

XIX асрда шаклланган тоғ чанғиси спорти жуда тез оммалашди. Аёллар ҳам спортнинг ушбу тури билан у ўз ривожини бошлаган дастлабки даврларданок шуғуллана бошладилар ва йиллар давомида уларнинг ҳиссаси муттасил ўсиб борди.

Тоғ чанғиси спорти Европада XIX аср охирида ривожлана бошлаган, аёллар ўртасидаги мусобақалар ҳақида биринчи маълумотлар XX аср бошларида пайдо бўлган. Бу даврда аёллар мусобақалари камдан-кам учрайдиган ҳолат бўлиб, спорт асосан эркеклар спорти ҳисобланган.

1911 йилда Швейцарияда аёллар ўртасида тоғ чанғиси бўйича дастлабки машҳур мусобақалардан бири бўлиб ўтди. 1932 йилда Халқаро чанғи спорти иттифоқи (ФИС) ташкил этилди, у 1936 йилда тоғ чанғиси бўйича жаҳон чемпионатида биринчи аёллар мусобақаларини ташкил этди. Бу даврда хотин-қизлар халқаро мусобақаларда фаол қатнаша бошладилар ва бу хотин-қизлар тоғ чанғиси спортининг жаҳон миқёсида ривожланишига туртки берди.

1950 йилларда миллий ва халқаро федерациялар шаклланиб, аёллар ўртасидаги мусобақалар мунтазам тус олди. 1960 йилда АҚШнинг Скво-Велли шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида тоғ чанғиси ҳам эркеклар, ҳам аёллар учун тақдим этилди. 1960–1970-йилларда Марио Грундс ва Жанет Ранкин каби таниқли чанғичилар пайдо бўлди, бу спортчилар халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришиб, янги авлод хотин-қизларини тоғ чанғиси спорти билан шуғулланишга илҳомлантирди. 1990–2000-йилларда тоғ чанғиси спорти янада профессионаллашди, Линси Вонн ва Тина Мазе каби спортчилар жаҳон юлдузларига айланди ва уларнинг муваффақиятлари аёллар чанғи спорти машҳурлигининг янада ошишига ҳисса қўшди. Машғулот ва мусобақалар учун шароитлар яхшиланди.

Сўнгги йилларда тоғ чанғиси спортида тенглик ва хилма-хилликни таъминлашга бўлган фаол интилиш кузатилмоқда. Қизлар тоғ чанғиси спорти билан эрта ёшдан шуғуллана бошлайди, бу эса ушбу спорт турининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Тоғ чанғиси спорти Ўзбекистон учун анъанавий бўлмаса-да, алоҳида ишқибозларнинг саъй-ҳаракатлари ва давлат кўмаги туфайли мамлакатда босқичма-босқич ривожлана бошлади. Ўзининг иқлими ва географик шароити хилма-хил бўлган Ўзбекистон кейинги ўн йилликларда қишки спорт турларини, жумладан, тоғ чанғисини ривожлантириш йўлида сезиларли ютуқларга эришди. Ушбу спорт турига қизиқишнинг биринчи тўлқини 1980-йилларда, мамлакатда биринчи тоғ-чанғи курортлари қурила бошланганида пайдо бўлган. Чотқол вилоятининг тоғли ҳудудида жойлашган Билдирсой оромгоҳининг очилиши Ўзбекистонда тоғ чанғиси спортини ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди. Давлат ёрдами 2000 йилнинг бошидан қишки спорт турларига қизиқиш ортиб бораётган бир пайтда қишки курортлар ва тоғ-чанғи йўналишларини ривожлантиришга фаол сармоя кирита бошланди. Аста-секин янги дам олиш масканларини қуриш, мавжудларини модернизация қилиш жадал тус олди. 2005



йилда Ўзбекистонда Тоғ чанғиси миллий федерациясининг ташкил этилиши ушбу спорт турини ривожлантиришга кўмаклашувчи расмий тузилмани шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Биринчи мусобақалар ва машғулотлар 2010 йил бошида Ўзбекистон чанғи спорти бўйича халқаро мусобақаларда фаол иштирок эта бошлади. Тоғ чанғиси бўйича биринчи миллий чемпионатлар, шунингдек, халқаро турнирларда ўзбекистонлик спортчилар иштирок эта бошладилар. Турли даражадаги мусобақаларда иштирок этиш учун эркаклар ва аёллар иқтидорли чанғичиларни тайёрлаш ва саралашга асосий эътибор қаратилди.

ТРИАТЛОН – инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берувчи оммавийлашиб бораётган спорт турларидан биридир. Ҳар томонлама жисмоний тайёргарликни талаб қиладиган классик ва оммавий спорт турларининг комбинацияси ҳамда турли хил масофалар ва тегишли қаятий интизомлар триатлонни дунёда тезлик билан ривожланиб, оммавийлашишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда триатлон билан шуғулланувчи спортчи ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, триатлон бўйича малакали мураббийлар тайёрлаш, уларнинг тажриба ва маҳоратини ошириш мақсадида қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорликда семинарлар ташкил этилмоқда.

Триатлонда спорт натижаларининг тўхтовсиз ўсиб бориши, жаҳон биринчилиги учун кураш олиб боришдаги кескин рақобат машғулоти жараёни сифати ҳамда самарадорлигини мунтазам ошириб боришни тақозо этади. Мазкур спорт турини ёшлар ўртасида янада оммалаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бундай кенг имкониятлар ёшларнинг триатлон билан оммавий равишда шуғулланиши учун кенг йўл очиб беради. Ҳозир ўғил-қизлар мазкур спорт турлари билан юртимизда мунтазам шуғулланмоқда. Бундай кенг имкониятлар ёшларнинг триатлон билан оммавий равишда шуғулланиши учун кенг йўл очмоқда. Болаларни спорт тўғрисида жалб қилишда спорт турини тўғри танлай олиш ўта муҳим. Бунда болаларнинг

жисмоний имкониятини ва иштиёқини инобатга олиш даркор.

Триатлон – инсон иродасини тобловчи спорт тури ҳисобланади. Нафақат спортчилар балки бошқа турли қатлам вакиллари учун бу спорт тури ҳақиқий мотивация берувчи ва ўзига ишонч туйғуларини шакллантирувчи восита ҳисобланади.

Фаол дам олиш ва соғлом турмуш тарзининг тобора оммалашиб бориши, циклик спорт турларига бўлган қизиқишнинг, айниқса, триатлоннинг янада оммалашishiга олиб келди.

Триатлон (три – уч ва атлон – кураш) – учкураш мусобақаси. У очик сувда сузиш, велопойга ва югуриш босқичларини узлуксиз босиб ўтишдан иборат. Триатлон мусобақалари сузиш босқичидан бошланиб, бунда спортчиларга сузишни бошлаш учун умумий старт берилади (кирғоқ, пантон ёки сувдан), сузиш масофаси яқунлангандан сўнг веломарафон босқичига ўтилади ва мусобақанинг охириги босқичи ҳисобланган югуриш билан масофа тугатилади.

Европа мамлакатларида триатлон энг оммабоп, мавсумий спорт тури ҳисобланади. Триатлончилар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мусобақалашади. Бу улардан жуда катта куч, чидамлилик ва бошқа қобилиятларни талаб қилади.

Ўзбекистонда триатлон спорти аста-секин ривожланиб бормоқда. 1991 йилда мустақилликка эришганимиздан сўнг сув спорти турлари бўйича Республика спорт-техник клубининг Тошкент болалар-ўсмирлар спорт-техник мактабида триатлон секцияси ташкиллаштирилди.

1996 йилда Ўзбекистон Халқаро Триатлон Федерацияси (ITU, ҳозирда эса ASTS) ва АСТС нинг (Осиё триатлон конфедерацияси) фахрли аъзосига айланди. 2019 йилнинг 5 май куни Ўзбекистон Триатлон федерацияси ташкил этилган.

ТЕННИС, лаунтенис (инглизча: lawn – “ўтлоқ”, “майсзор”; теннис терминининг келиб чиқиши тўғрисида бир неча тахмин бор: французча: tenez – “мана, ол”; инглизча: tens – “ўнлик”, чунки ўрта асрларда теннисга ўхшаш ўйинни беш кишидан, жами ўн киши ўйнаган;

инглизча: *tenia* – “ришта”; тўпни тортилган ипдан ошириб ўйналгани учун) – икки киши ёки икки кишилик икки гуруҳ орасида ўйналадиган спорт ўйинидир.

Аёллар тенниси 1900 йилда Парижда ва 1908 йилда Лондонда бўлиб ўтган биринчи Олимпия ўйинларида мавжуд, аммо аёллар жуптиклари фақат 1920 йилда Антверпен ўйинларида пайдо бўлган.

Аёллар теннисининг биринчи супер юлдузларидан бири Сюзанна Ленглен бўлиб, у Уимблдон ва Интернационал де Франсе мусобақаларида олтига совринни қўлга киритгандан сўнг, 1926–1927-йилларда Шимолий Америкада биринчи профессионал турнирга чиқиш учун ҳаваскор теннисни тарк этди. 1963 йилда Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) ташкил қилинди. Ҳозирги кунда WTA 54 та мусобақа ташкилотчисидир (2004). 1996 йилда Тошкентда аёллар ўртасида Челленжер мусобақаларига асос солинди ва у WTA туркумидаги мусобақалар орасидан жой олди. Аёллар теннис – бу аёллар учун энг машҳур спорт турларидан биридир. Аёллар ўзларининг эркаларникига тенг келадиган шон-шараф ва машҳурликка эга бўлган кам сонли спорт турларидан биридир. Аёллар ўртасидаги теннис ўйинларида тўп одатда таъсирсиз ўйналади (кўтаришдан камроқ) ва ўйинлар асосий чизикдан кўпроқ ўйнайди. Ўйин кўпроқ тактик тезликда ва кутишда амалга оширилади.

Ўзбекистонда Тўлаганова Ирода (Уимблдон турнири ва теннис бўйича АҚШ очик чемпионати ғолиби бўлган илк ўзбекистонлик аёл теннисчи, Осиё чемпиони, қизлар ўртасидаги Жаҳон ўйинларининг бронза медали совриндори, ўсмирлар ўртасидаги “Катта дубулға” турнирининг яқкалик ва жуптлик баҳсларида икки марта ғолиби, Аёллар теннис ассоциацияси WTA туркумига кирувчи “Ташкент Опен” биринчи халқаро турнирида ғолиби), Омонмуродова Окгул (иккита WTA жуптлик турнири ғолиби; теннис бўйича яқкалик баҳсларида Осиё ўйинлари ва Универсиада ўйинлари совриндори), Нигина Абдураимова Жасуровна каби аёл спортчилар етишиб чиққан.

ФИГУРАЛИ УЧИШ – Конкилар тарихи узоқ ўтмишга бронза даврига, яъни милоддан

аввалги II минг йиллик чегараларига бориб тақалади. Аммо фигурали учиш икки қобикли темир конки ихтиро қилинганидагина пайдо бўлди. Фигурали учишда ракс ва мусиқа каби санъат турлари муҳим ўрин тутди.

1896 йилда фигурали учиш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Фақатгина 1924 йилдан бошлаб жаҳон чемпионатларида аёллар иштирок эта бошладилар.

Ўзбекистонда фигурали учиш спорт турининг тараққиёти 1970 йилда Тошкентда “Юбилейний” муз спорт саройининг ишга туширилиши билан бошланди. Спорт саройида биринчи мураббийлар собиқ Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан келган профессионаллар – Игорь Анатолевич Хван, Владимир Ильич Тсай, Ольга Ильинична Шин, Евгений Аркаевич Рохин, Раиса Александровна Гагарина, Валерий Анатолевич ва Валентина Фёдоровна Тюковалар. Ўн йилдан сўнг Олимпия заҳиралари Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари Марина Никитюк ва Рашид Қодиркаев ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби бўлди. Кейинчалик Ўзбекистон спортчилари мунтазам равишда фигурали учиш бўйича Совет Иттифоқи терма жамоаси таркибига киришди.

1991 йилда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ғолиби тошкентлик Алики Стергиаду ва Юрий Разгуляев ракс дуэти бўлди, кейинчалик у бир неча бор Осиё чемпиони, йирик халқаро мусобақалар ғолиби ва совриндори бўлди. Жуптлик 1994 йилда Лиллехаммердаги кишки Олимпия ўйинларида иштирок этган.

Мамлакат мустақилликка эришганидан кейин ҳам Ўзбекистон спортчилари халқаро даражага кўтарилдилар. 1993 йилдан бошлаб республикада ҳар йили фигурали учиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилиб турди. Кишки ва мураккаб-техник спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби қошида фигурали учиш бўйича юқори малакали мураббийлар ва спорт усталари: Сазонова И.В, Аванесян Э.И, Малиновская Э.В, Павелиева Э.В бошчилигида кўплаб ўқувчилар тарбияланди, улар орасида турли мусобақалар совриндорлари ва ғолиблари бўлган. Жамоамиз чиқишлари 2022 йилгача Жаҳон чемпионатлари ва Олимпия ўйинларида ҳар доим намоиш этилган.



ШАХМАТ – икки кишилиқ мантиқий спорт (форсча: шоҳ мот – “шоҳ ўлди”) тури. Ўйиндан мақсад – рақиб шоҳини мот қилиш. Шахмат ўйин 64 та катакли тахтада 32 та сипоҳ ёрдамида ўйналади. Ҳар бир ўйинчи 16 та сипоҳга эга бўлади: Шоҳ – 1 дона, Фарзин – 1 дона, Рух – 2 дона, Фил – 2 дона, От – 2 дона, Пиёда – 8 дона. Шахмат бўйича аёллар ўртасидаги биринчи жаҳон чемпионати 1927 йилда ўтказилган ва унда Вера Менчик ғалаба қозонган. Жудит Полгар тарихдаги энг кучли аёл шахматчи. Ўз вақтида дунёнинг энг юқори рейтингли шахматчилари бўйича саккизинчи рейтингли шахматчи ҳисобланган. Жудит Полгар дунё шахматчиларининг кучли ўнталигига кирган ягона аёл.

Ўзбекистон заминида шахмат чуқур илдиз отганини тасдиқловчи манбалар мавжуд. 1972 йилда Далварзинтепа (Сурхондарё)да олиб борилган археологик қазилмалар вақтида Кушон даври (1— 2-асрлар)га оид Ш. доналари, 1977 йилда Афросиёб (Самарқанд)да ўтказилган тадқиқотлар чоғида 7—8-асрларга тааллуқли 7 та шахмат донаси топилган. 9-асрда яшаган араб олими ва шатранжчиси ал Адлийнинг ёзишича, шатранждаги инсон тафаккурини чеклаган шашхолдаги ҳолларнинг тушишига қараб юриш (шашхол) нинг бекор қилиниши ва бу ўйиннинг ривожланишида Ўрта Осиё халқлари муҳим рол ўйнаган. Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Алишер Навоийнинг “Мажолис уннафоис”, “Лисон уттайр”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқалар тарихий асарларда шахмат (шатранж)га оид қимматли маълумотлар бор. Амир Темури даврида кучли шатранжчилар Самарқандда тўпланишган. Табризлик Али ашШатранжий (Оловиддин ат-Табризий) Самарқандда ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиққан. Шатранж ҳақида китоб ёзиб,

унга ўзининг ва 14-асргача Ўрта Осиёда яшаган кўплаб олия (гроссмейстер)ларнинг мансубаларини киритган. У соҳибқироннинг ўзи билан ҳам шатранж ўйнаб турган.

20-асрнинг 20-йилларидан Ўзбекистонда шахматнинг замонавий қоидалари кенг тарғиб этилиши бу спорт турининг ривожланишига туртки берди. Тошкент, Самарқанд, Кўқон ва бошқалар шаҳарларда шахмат тўғараклари очилди. Азмиддин Хўжаев, Сергей Фрейман, Пўлат Саидхонов, Зокир Хўжаев кабилар шахматни тарғиб этишда жонкуярлик кўрсатишди. 1930 йилдан эркаклар, 1935 йилдан аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионатлари ўтказила бошлаган (Александр Грушевский ва Лариса Пинчук энг кўп — 8 мартадан чемпион бўлишган).

20-асрнинг 90-й.ларидан Ўзбекистон шахматиде юксалиш бошланди. Эркаклар терма жамоаси жаҳон шахмат олимпиадасида 2-ўринни эгаллади (1992), Осиё чемпионатида ғалаба қозонди (1999). Иброҳим Ҳамрокулов ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилигида ғолиб чиқди (1998). Рустам Қосимжонов Осиёнинг биринчи (1998), жаҳоннинг 17-чемпиони (2004) бўлди.

Ўзбекистонда **Нафиса Мўминова** ўзбек шахматчилари орасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини кўлга киритган аёл бўлди. У шахмат бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашган, 4 та шахмат олимпиадасида (2008-2012, 2016) Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. **Ҳамдамова Афрўза** Ўзбекистон аёллари терма жамоаси аъзоси сифатида бир неча карра Жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпиони бўлган. У Италияда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 14-ёшгача бўлган қизлар ўртасида биринчиликни кўлга киритган. Бу натижа билан у Ўзбекистон тарихида жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган биринчи аёл шахматчи сифатида мамлакат шахмат тарихига кирди.



Фойдаланилган адабиётлар

ҚОНУНЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – 112 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 190 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 1996. – 556 б.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Гендер тенглик масалалари. - Тошкент: БМТ ваколатхонаси. 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 2 сентябрь. ЎРҚ-562-сон. Қонун ҳужжатлари *маълумотлари миллий базаси*, 03.09.2019.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 29 октябрь, ЎРҚ-576-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 16 декабрь, ЎРҚ-595-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон. Қонун ҳужжатлари *маълумотлари миллий базаси*, 21.04.2021.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 20 октябрь, ЎРҚ-642-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, СҚ-297-IV-сон.
11. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2021. – Б. 273–274.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ ВА МАЪРУЗАЛАРИ

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.12.2017.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини” ошириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4063-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.12.2018.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.10.2019.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини



- тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5712-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6097-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2020.
 17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2020.
 18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” ПҚ-4749-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.06.2020.
 19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.07.2020.
 20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-6155-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2021.
 21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5020-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.03.2021.
 22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022.
 23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-81-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.03.2022.
 24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-87-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.03.2022.
 25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022.
 26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 сентябрда “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.09.2022.
 27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022-2026 йилларда Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида” ПҚ-216-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.04.2022.
-

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-208-сон Фармони// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.12.2023.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида” ПФ-158-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-401-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.12.2023.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-296-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.09.2023.
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. 20.09.2023. <https://presiden.uz/uz/lists/view/6677>.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” ПФ-108-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.08.2024.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.09.2024.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йилнинг 23 сентябрда қабул қилинган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури <https://presiden.uz/uz/lists/view/7524>.
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2021 йил 29 декабрь.
38. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 461 б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон.
40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»даги 140-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон.
41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3153714>.
42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 145-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2017 й., 09/17/898/0234-сон.



43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 802-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2020 й., 09/20/802/1658-сон.
 44. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги “Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 402-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 09/20/402/0800-сон.
 45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5688101>.
 46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 344-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/344/0521-сон.
 47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5688101>.
 48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>.
 49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 650-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/6277196>.
 50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йилнинг 8 августида “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 09/22/437/0724-сон.
 51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 592-сонли Қарори. <https://lex.uz/ru/docs/6236060>.
 52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги “Академик лицейлар раҳбар ва педагог ходимларининг узлуксиз малака ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 296-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.06.2022 й., 09/22/296/0470-сон.
 53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5932671>.
 54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 ноябрдаги “Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 650-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/6277196>.
 55. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 592-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/6236060>.
 56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 мартдаги “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 365-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон.
-

57. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги “Олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари учун айрим номли давлат стипендиялари жорий этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 384-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.08.2023 й., 09/23/384/0613-сон.
58. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 августдаги “Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларини қўллаб-қувватлаш ҳамда “Оқила аёллар” Ҳаракати аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 527-сон Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.08.2024.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР

59. Абдулазиз М. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. – Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2014. – 618 б.
60. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – 97 б.
61. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. –Тошкент: Чўлпон, 2013. – 144 б.
62. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳиҳ. – Байрут: Дор Ибн Касир, 2002.
63. Абдуғани Абдулла ўғли. Мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқлари. – Тошкент: Адолат, 1993. – 76 б.
64. Акрамова Ф.А. Оилада маънавий муҳитни шакллантиришда хотин-қизларнинг роли. Услубий қўлланма. – Тошкент: Nihol print, 2016.
65. Алоуддин Мансур. Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
66. Ахророва Ш. Аёл – миллий қадриятлар давомчиси //Янги Ўзбекистон. – 2024. – 14 февраль. - №32 (1093). –Б. 2.
67. Бородулин В.И. Домашняя медицинская энциклопедия. – Клуб семейного досуга, 2011. <https://uz.ozon.com/product/printed-book-second-hand-book-borodulin-v-i-1524748832/>
68. Булатова С., Аширова М. Амалий санъат қисқача лугати. - Т. Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.
69. Фахр-ул Банот Сибхатуллоҳ қизи. Оила сабоқлари. - Тошкент: Ёзувчи, 1992.
70. Ризоутдин Ибн Фахрутдин. Оила. - Тошкент: Меҳнат, 1991.
71. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 552 б.
72. Ҳасанов А, Юсупов О, Шермухамедов К, Ғафуров У, Харимов Ж. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.
73. Ҳаёт китоби: Ёш оилалар учун энциклопедик қўлланма. - Тошкент: Шарк, 2011
74. Ирматова А.Б. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг интеллектуал меҳнат билан бандлиги: муаммолар ва имкониятлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2020. - №2-3, - Б. 25-35.
75. Жумаева М.А. Тадбиркорликда аёллар иш билан бандлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари // Бизнес эксперт, - 2022. № 5, - Б. 120-122.
76. Жўраев Р., Толипов Ў. ва бошқ., Педагогик атамалар лугати - Т.: Қ.Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2008. -136 б.



77. Женская энциклопедия. Т.1. – Москва: Анонс, 1915. – 192 с.
78. Женщины в сфере труда. Тенденции. – Москва: Резюме, 2016. – 45 с.
79. Каримов Ш.И. Соғлом овқатланиш-саломатлик мезони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 10-17.
80. Маткаримова Г. Аёл ҳуқуқлари ва гендер тенглик //Конституцияда инсон ҳуқуқлари ҳимояси. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – Б. 31.
81. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Х.Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2009. – 760 б.
82. Мардонова Г. Ўзбек миллий ўйинлари. – Тошкент: Bookmany print, 2022. – 158 б.
83. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳиддинов ва бошқалар; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2009. – Б. 651.
84. Мусурманова О. Оила – жамият таянчи. Монография. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2019. – 251 б.
85. Мусурманова О. Миллий қадриятлар - оила маънавияти пойдевори. Монография. – Тошкент: Маҳалла ва оила, 2023. – 106 б.
86. Шарипова Д., Мўминова Л.Р. Мусурманова О., Мактабгача ва бошланғич таълим атамаларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Бекинмачоқ- Плюс, 2011. – 260 б.
87. Палуанова Х., Рискулова К., Курбаниязова З. Мусурманова О., Педагогик атамалар лугати (ўзбек, рус, инглиз тилларида). Лугат. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2019. - 843 б.
88. Нарбаева Т. Ўзбекистонда хотин-қизларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион модели. Монография. – Тошкент. 2020.
89. Нарбаева Т.К., Эгамбердиева Н.М., Сайдивалиева Х.Х., Алимов С.К., Гендерга оид аудит ўтказиш методологияси. Услубий қўлланма. “Маҳалла ва оила”нашриёти.– Тошкент: 2023. -128 б.
90. Нарманов У. Аёллар бандлиги орқали гендер тенгликни таъминлаш ва иқтисодий фаоллигини ошириш омили сифатида // Иқтисодиёт ва таълим. - 2020. - № 6, - Б. 8.
91. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-китоб /муаллиф Қ.Назаров. Таҳрир ҳайъати: О.У.Салимов, Ҳ.О.Шайхова ва бошқ. - Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2022. - 853 б.
92. Оила энциклопедияси [Шоумаров Ғ., Расулова З.] –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 416 б.
93. Ржаницына Л.С. Концепция женской занятости. - Москва: БЕК, 2006. –245 с.
94. Сафарова Р.Г. Педагогика. Энциклопедия. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2015. - 321 б.
95. Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 158 б.
96. Саломатлик энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбек Совет энциклопедияси, 1985.
97. Степанов С.С. Дефектология. Словарь-справочник. Учебное пособие. - Москва: Litres, 2022. – 283 с.
98. Хотин-қизлар энциклопедияси [Аминова М. ва бошқ.]. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – 544 б.
99. Хотин-қизлар энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2019. – 448 б.
100. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 610.

Фойдаланилган интернет манбалари

101. https://gov.uz/uz/pages/main_info
102. <https://senat.uz/uz>
103. <https://parliament.gov.uz/>
104. <https://ihma.uz/uz/agency>
105. <https://www.academy.uz/>
106. <https://edu.uz/uz#gsc.tab=0>
107. <https://www.ipitvet.uz/ru/>
108. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>
109. <http://www.uzedu.uz/y3>
110. <https://adliya.uz/>
111. <https://gov.uz/uz/religions>
112. <https://mehnat.uz/uz>
113. <https://gov.uz/ru/ssv>
114. <https://gov.uz/uz/sport>
115. <https://www.natlib.uz>
116. <https://kitob.uz/>
117. <https://oak.uz/>
118. <https://www.wcu.uz/uz>
119. <https://moiti.uz/uz>
120. <https://lex.uz/>
121. <https://gov.uz/uz/yoshlar>
122. <https://uza.uz/uz/>
123. <https://www.strategy.uz/>
124. <https://yumh.uz/uzc/about>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Аёллар ҳуқуқи, давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки	5
Аёллар – маънавият, маданият ва санъат соҳасида	49
Аёллар илм-фан соҳасида	109
Аёллар бандлиги ва тадбиркорлиги	133
Аёллар саломатлиги ва тиббий маданияти	159
Аёл – бола парвариши ва тарбиясида	196
Аёллар ва спорт	230
Фойдаланилган адабиётлар	251



АЁЛЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

“Mahalla va oila” нашриёти
Тошкент – 2024

Нашр учун масъул: **Б. Мавлонов**
Мухаррир: **Г. Хидирова**
Бадий мухаррир: **Ф. Собиров**
Дизайнер-саҳифаловчи: **Л. Абдуллаев**



1940

Нашриёт рўйхат рақами № 1043191. 24.09.2021-й.
Босишга рухсат этилди: 12.12.2024.
“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{8}$
Нашриёт босма табағи 5,1.
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
М.Исмоилий кўчаси 1-Г уй.
